

Ўзбекистондаги
Яҳова Шоҳидлари жамоатларининг

**ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ
ВА ДИНИЙ АНАЛИЗИ**

АРТУР АРТЕМЬЕВ



Артур Артемьев

Ўзбекистондаги Яҳова Шоҳидлари
жамоатларининг ижтимоий-тарихий
ва диний анализи

Олмаота
2022

УДК 24
ББК 86.35
А 86

**Муаллиф таҳририда чоп этилмоқда.
Нотижорий мақсадда фойдаланиш учун.**

Артур Артемьев

**А86 Ўзбекистондаги Яҳова Шоҳидлари жамоатларининг
ижтимоий-тарихий ва диний анализи.
Олмаота, 2022 - 400 саҳ.**

ISBN 978-601-218-030-5

Машхур қозоқ диншуноси, фалсафа фанлари доктори Артур Артемьевнинг ушбу янги монографияси феномен ҳисобланмиш Яҳова Шоҳидларининг масихий жамоатларининг Ўзбекистондаги фаолияти мисолида қилинган ижтимоий-тарихий ва диний анализига бағишланган.

Бундан олдин муаллиф «Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги Яҳованинг Шоҳидлари: тарихий-диний анализ» (2002 ва 2010 й.) номли иккита нашрни чиқарган эди. Аммо муаллиф фақат маҳаллий жамоатлар ҳақида янги нашрни тайёрлашга қарор қилди.

Ушбу нашр биринчи навбатда неопротестант конфессиялару деноминацияларга ва янги диний тузилмаларга нисбатан ўз давлатининг сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда иштирок этаётган давлат ходимларига, шунингдек, диншунос олимларга, магистрантларга, студентларга ва мактаб ўқитувчиларига қаратилган.

Аммо китобда маълумот замонавий тарзда баён этилгани учун, уни замонавий динлар билан қизиқётган барча китобхонларга таклиф қилиш мумкин.

УДК 24
ББК 86.35

© Артемьев А.И., матн, 2022
© Расмлар, Қўриқчи Минораси Жамияти 2022
© ТОО «ИД Кочевники»

ISBN 978-601-218-030-5

Босиб чиқариш учун имзоланган 12.22.2023 й. Формат 60x84 1/16. Офсет босиб чиқариш. Офсет қоғоз. Гарнитура «Арно Про». Ҳажми 26 б. Адади: 300 нусха.

МУҲДАРИЖА

| | |
|--|------------|
| Ўқувчиларга мурожаат ёки Сўзбоши ўрнига..... | 5 |
| 1-боб | |
| Яҳова Шоҳидларининг умумжаҳон диний ташкилоти тарихи..... | 12 |
| 2-боб | |
| Ўзбекистондаги Яҳованинг Шоҳидлари. Тарихий экскурс..... | 81 |
| 3-боб | |
| Яҳованинг Шоҳидлари нимага ишонишади ёки эътиқод асослари..... | 145 |
| 4-боб | |
| Ташкилот қандай тузилган?..... | 253 |
| 5-боб | |
| Таълимга бўлган муносабат..... | 280 |
| 6-боб | |
| Диний бағрикенглик сари ўтган қийин йўл тарихи ҳақида бир оз..... | 309 |
| 7-боб | |
| Терминологиянинг тўғрилиги ҳақидаги масала..... | 348 |
| Хотима..... | 363 |
| Яҳова Шоҳидлари ташкилотининг тарихи | 376 |
| Муаллиф ҳақида..... | 430 |

Ўқувчиларга мурожаат ёки Сўзбоши ўрнига

«Ростқалам халқ эрурлар салим,
Эгри дурур хатки, эмас мустақим».
Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр.

Айтишларича, ҳар бир саёҳат — ёзилмаган китоб. Эҳтимол, Ўзбекистонга келадиган инсон китоб ёзмас, лекин бу ерда ўтказган кунларни асло унутмайди. Мен бунга кафолат бера оламан, чунки гўзал тарихга эга ушбу мамлакатда бир неча марта бўлганман ва ҳар сафар инсонни ҳайратга солувчи қандайдир янги дунёни ва янги тарихни кашф этаман.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир Ўзбекистоннинг пойтахти бўлмиш Тошкент шаҳри бунёд бўлганига 2000 йилдан ошди. Бу шаҳар ўзига хос ранг-баранглиги ва қадимийликнинг пойтахтга хос замонавийлик билан уйғунлашган ёдгорликдир.

XIV–XVII асрга оид бетакрор ёдгорликлар, жумладан, Регистон ансамбли, Бибиҳоним, Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда мажмуаси ва ҳоказолар жойлашган Самарқанд шаҳри; тахминан милодий I асрда пайдо бўлган музей шаҳар Бухоро ўз гўзаллиги билан инсонни ҳайратга салади.

Бу шаҳарларга келганингизда кўрганларингиздан ва ўтмишга шунчалик яқин эканингиздан ҳаяжонга тўласиз.

Бироқ мен борган бошқа шаҳарлар ҳам улардан қолишмайди. Масалан, Фарғона водийсидаги Наманган шаҳри. У XV асрнинг охиридан бери маълум. Ҳозир мазкур шаҳарда енгил саноат, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва кимё саноати ривожланган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган янги ва замонавий Навоий шаҳрини айтмайсизми.

Ўзбек замини жаҳон маданиятига улкан таъсир ўтказган Хоразмий, Беруний, Абу Али Ибн Сино, Жомий, Навоий, Улуғбек ва

Бобур каби ажойиб мутафаккирлар, олимлару шоирларни инсониятга тақдим этди.

«Аmmo вақт ўтиб феодалларнинг жоҳиллиги ва шафқатсизлиги, диний фанатизм ўтмишда гуллаб-яшнаган маданиятни йўққа чиқарди»¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон турли миллатлар яшовчи мустақил Республика бўлиб, унда аҳолининг кўпчилигини ташкил қилувчи ўзбеклардан ташқари қорақалпоқлару руслар, татарлару қozoқлар, тожиклару корейслар ва ҳоказолар яшаб, меҳнат қилиб келмоқда.

Табийки, бу мамлакатда динлар ҳам турли-туман.

Ушбу китоб бағишланган Яҳованинг Шоҳидлари мазкур ранг-барангликда ўзи ўрнига эга.

Деярли 25 йилдан бери бу феноменал динни ўрганиб келяпман. Аммо илк бор ушбу диний ташкилот билан қуйидаги сабабларга кўра қизиқиб қолгандим:

Биринчидан, илк масиҳийлар жамоатидан келаётган бутунлай ноёб эътиқод.

Иккинчидан, ўша пайтда деярли ҳар куни оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бу халқаро масиҳий ташкилот шаънига ақл бовар қилмайдиган даражада кўп салбий маълумот ёғиларди. Бу вақтга келиб «қувғун қилинаётган» айрим конфессиялар ва деноминациялар каби Яҳованинг Шоҳидлари ҳам яширин жойларидан чиқиб, расман рўйхатдан ўтишганига қарамай, назаримда оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари салбий маълумотларни тарқатишда ўзаро рақобатлашаётгандай эди.

Учинчидан, кўпчиликнинг, ҳатто ниҳоятда ўқимишли, бошқа вазиятларда бағрикенглик, эркин фикрлаш ва диний бағрикенглик ҳақида музокара қилишга тайёр инсонларнинг Яҳованинг Шоҳидларига ўта салбий муносабати.

¹ Тошкент – 2000, – “Ўзбекистан” нашриёти, Тошкент. А/О Юхтейстюо, Хельсинки. – 1983 – 140-саҳ.

Ва тўртинчидан, ўша пайтга келиб ўттиз йилдан бери динларни ўрганиш билан шуғулланаётган бўлсам-да, Яҳованинг Шоҳидлари ҳақида умумий тасаввурга эга эканимга қарамай, мен учун улар ўзига хос «оқ доғ» бўлиб қолаётган эди. Шу сабабли мазкур диний феноменинг тарихи, эътиқоди, кимга сифиниши ва замонавий ҳолатини батафсил ўрганиб, у ҳақдаги билимларимни бойитиш истаги пайдо бўлди. Бунинг учун эса китоб ёзишдан яхшироқ йўл йўқ менимча.

Мен шундай қилдим ҳам. Натижада «Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги Яҳованинг Шоҳидлари: тарихий-диний анализ» номли китоб пайдо бўлди.

Табийки, ҳамма ҳам уни бир хил қабул қилмади. Айримлар даҳшатга тушиб: «Артемьев ақлдан озибди!» — деб айтишарди. Бошқалар эса: «Ана холос, Яҳованинг Шоҳиди бўлиб кетибди!» — дейишарди.

Ўшанда мен бу китобни одамлар бирдай қабул қилмасликларини яхши билардим. Менинг «содиқ ғанимларим» навбатдаги таъқибни бошлашлари мумкин эди ва улар шундай қилишди ҳам. Аммо кўп йиллик қадроним, ажойиб ёзувчи ва ўткир онг соҳиби Владислав Владимировнинг сўзларини бироз ўзгартириб, ўзимга шундай дедим: «Албатта кўппаклар ваққилайди, баъзан бўрибосарлар ҳам аён бўлиб қолади. Бироқ мен “Ит ҳурур, карвон ўтар” мақолига амал қилиб яшайман».

Яҳова Шоҳидларининг тарихи ва ҳаёти ҳақидаги мавзу илмий ишимда ўзгача ўрин эгаллади.

Мендан: «Ўзингиз художўй инсонмисиз?» — деб тез-тез сўрашади. Мен шундай жавоб бераман: «Мана 50 йилдирки динларни ўрганиб келар эканман, мен нафақат бирор бир конфессия ёки деноминациянинг, шу жумладан, Яҳова Шоҳидларининг таълимотларига эргашмайман, балки умуман художўй инсон эмасман».

Аммо мен диний мавзулар бўйича 350 та илмий иш ёзганман.

Шунингдек мендан: «Художўй бўлмай туриб, қанақасига динлар билан шуғулланишингиз мумкин?» — деб ҳам кўп сўрашади.

Бу саволга мен шундай жавоб бераман: «Аминманки, фақат ҳеч қандай конфессия ёки деноминацияга тегишли бўлмаган инсонгина тўла маънода диншунос бўлиши мумкин, акс ҳолда олим объектив бўла олмайдди. У истар-истамас у ёки бу диний ҳодисага ўзи тегишли бўлган конфессиянинг нуқтаи назаридан қарайди (афсуски ҳозир илмий тадқиқотларда айнан шундай бўляпти). Тўғри, истиснолар ҳам бўлиб туради, бироқ бунинг учун ўта диндор олим, буюк Иван Петрович Павлов каби йўл тутиш лозим. У шундай деган: «*Мен Худони ўз лабораториямга киргизмайман*».

Мен буюк Алишер Навоийнинг фикрига қўшиламан:

«Ҳар кишиким истаса тузлуққа ғавр.
 Англадик ониким, эрур икки тавр:
 Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
 Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи;
 Бир буки, ёлғонга таассуф била,
 Тўғри дегай сўзни такалуф била»¹.

Мен Яҳова Шоҳидларининг қуйидаги фикрига қўшиламан: «Бошқа инсон нимага ишонишини тушуниш, унинг эътиқодини қабул қилиш ва унга мувофиқ яшашни англатмайди; ўз диний қарашлари ҳақида бошқаларга айтиш эса уларни ўз динига оғдириш дегани эмас»². Бир-биримизнинг қарашларимизни ҳурмат қилиш муҳим.

Шоир Юрий Левитанскийнинг ажойиб сўзлари бор: «*Ҳар бир инсон аёлни, динни, йўлни шахсан ўзи танлайди*»³. Чиндан ҳам кимга ишониш-ишонмасликни ва қайси диний йўналиш инсоннинг маънавий эҳтиёжларига мос келишини ҳар ким ўзи ҳал қилиши лозим.

Ҳақиқат битта ва ягона бўлса-да, унга турли йўллар билан эришиш мумкин ва шундай қилиш ҳам кераклигига аминман. Яъни

¹ Алишер Навоий, «Ҳайрат ул-Аброр» насрий баёни (Ўнунчи мақолат) – Тошкент, 1983. – 65-саҳ.

² Свидетели Иеговы и образование, 2015. – 2-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-и-образование/Цель-этой-брошюры/).

³ Левитанский Ю. Каждый выбирает для себя... (<https://levitansky.ru/poeziya/den-takoy-to/kazhdyy-vybiraet-dlya-sebya/>).

ҳақиқатга интилиш ва етишиш учун плюрализмга мувофиқ йўналишни танлаш даркор. Бу йўлда қалб поклигини ва элементар одобни сақлаш муҳим.

Бу орада ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай даврда диний бағрикенглик ва бетоқатлик, толерантлик ва ксенофобия ўртасида кураш кетади. Бизнинг давримиз ҳам бундан мустасно эмас. Вақти-вақти билан бизга ҳаётимиздаги барча бахтсизликлару қийинчиликларнинг сабабчиси бўлмиш ички «сектант-душманни» тақдим этишади. Айнан шу «душманга» ичимизда тўлиб қолган норозилик ва жаҳдни сочишга ундашади. Баъзан оммавий ахборот воситалари яна бир хавfli «ноанъанавий дин» фош бўлгани ҳақида оламшумул хабар тайёрлаб, атайин *газаб ўтини* (бунга мос келадиган бошқа сўз танлаш қийин) ёқаётгандай туюлади. Ишига нисбатан даҳшатли масъулиятсизлик, очиқ-ойдин жаҳолат, диний мавзулардаги маълумотларни тақдим этганда диндорларни ҳақорат қиладиган риторика ва оҳангдан фойдаланиш – буларнинг ҳаммаси жамиятимизнинг барқарорлигига зарар етказиши мумкин бўлган салбий зарядга эга. Бу сабабли фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг онгида яқинларига нисбатан «агрессив бетоқатлик» синдроми шаклланади.

Жамиятдаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, одамлар орасида ўзаро ҳурмат ошишига ҳисса қўшиш, ксенофобия ва жоҳилликка қарши туриш ҳар бир фуқаронинг, айниқса, олимнинг бурчи деб ҳисоблайман. Бунинг учун эса билимни тарғибот қилишимиз керак, чунки кўпинча одамлар билмайдиган нарсаларидан кўрқишади. Билим ксенофобия ва бетоқатликдан энг яхши ҳимоя. Билимли инсон — тушунишга қодир ва яқинини ҳурмат қила оладиган инсондир.

Албатта, ҳамма одамлар барча диний йўналишлар ҳақида бирдай яхши фикрда бўлишини талаб қилиш бемаънилик, ахир кўпчиликда ўзининг шаклланган маънавий қарашлари бор ва ҳамма конфессиялару деноменациялар уларга ёқмайди. Бу масаланинг бир томони. Бошқа томондан эса одам ўз диний қарашларини улар

атрофидаги кимгадир ёқмагани учунгина ўзгартирмайди. Динлар тарихини жиддий ўрганаётган ҳар қандай инсон шуни яхши билардики, барча даврларда инсониятни турлича фикрлаш тарзи ажратиб турган. Рус православ черковидаги бўлинишни ўрганган машҳур тадқиқотчи А. С. Пругавин 1881 йилдаёқ ёзганидек: «*тўғри эътиқод*», маънавий, ақлий озукани топиш учун халқнинг фикри мангу қидирувда ўзини у ёқдан бу-ёққа урмоқда...»¹.

Шу орада ҳар қандай черковнинг эътиқоди ўзи учун тўғри, бошқалар учун эса зид. Ҳар бир конфессия ва деноминация айнан уларнинг эътиқоди ибтидо ва ҳаёт борасида тўғри жавоб беришига, фақат уларнинг динига эътиқод қилиб, нажот топиш ва Худога яқинлашиш мумкинлигига даъво қилади. Бунда жиноят ҳисобланадиган ёки даҳшатли ҳеч нарса йўқ, чунки бу диннинг моҳияти ва бусиз дин мавжуд бўлиши мумкин эмас. Асосийси ўзининг диний ёки атеистик қарашларини уқтириш эмас, ҳар қандай диний йўналишни борича қабул қилиш лозим. Қолаверса, «ўзганинг» дунёқарашига нисбатан адоват уйғотиш ҳамда уни қабул қилмасликларига ундаш орқали диний йўналишни ўйин ёки спекуляция қилиш ноўрин.

Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, аммо бугунги кунда конфессияларнинг кўплиги Ерда давлатларнинг кўплиги каби реал ҳолатдир. Демак, тинч-тотув мавжуд бўлишнинг йўллари излаш лозим, яъни машҳур қозоқ ёзувчиси Роллан Сейсенбаевнинг таъбири билан айтганда, «азобли изоляциядан воз кечиб, коинотни қучоғимизга олиш учун бағримизни кенг қилиш лозим»².

Буюк суфий Хожа Аҳмад Яссавий бундан 900 йил аввал шундай деб ёзганди:

*«Суннат эрмиши, кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қоттиг, дил озордин Худо безор, ...»*

Дин борасида турлича фикрлашни камситишга интиладиганлар асосий нарсани унутишади: дин — инсон руҳиятининг энг нозик

¹ Пругавин А. С. Раскол и сектанство. В русской народной жизни., Москва, 1905., – 23-сах.

² АМАНАТ журнали, 2006, № 3., – 169-сах.

толаси бўлиб, унга титроғу ҳаяжон билан, инсоннинг диний изланиши моҳиятига чуқур сингган ҳолда ёндашиш даркор. Бу изланишларни ёритиб беришга киришаётган инсон Аристотель «Никомах ахлоқи» асарида айтганидай, ўта виждонли, «яхши инсоннинг виждонини ҳукм қила олиш ва буни тўғри қилиш»¹ қобилиятига эга бўлиши лозим.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай диний таълимотни, ҳар бир диний тузилма қандай ташкиллаштирилгани ва кимга сажда қилишини пухта ўрганиб, кейингина хулоса чиқариш керак.

Машҳур психотерапевт В. Франкл ўзининг «Психотерапия ва дин» номли мақоласида динларнинг турли-туманлигини тилларнинг ҳар хиллиги билан солиштирган: ҳар бир тилда инсон Ҳақиқатга келиши мумкин ва ҳар бир тилда у адашиб қолиши мумкин. Шунингдек, ҳар қандай дин ёрдамида у Худони — танҳо Худони топиши мумкин².

Қадрли китобхон, мен Сизнинг қатъий ҳукмингизга тақдим этаётган мазкур китоб айнан шундай қарашлар ва замонавий реалликлар таъсири остида тайёрланди.

Хўш, Яҳованинг Шоҳидлари ким? Ижтимоий-тарихий ва диний анализ нимани кўрсатганини билиб олинг.

Артур Артемьев

Март 2022 й.

¹ Аристотель, Сочинения в 4-х томах, Т.4, Москва, 1983. – 184-185-сах.

² См.: Франкл В. Психотерапия и религия // Франкл В. Человек в поисках смысла. – М.: Прогресс, 1990. – 337-сах.

1-БОБ

ЯҲОВА ШОҲИДЛАРИНИНГ УМУМЖАҲОН ДИНИЙ ТАШКИЛОТИ ТАРИХИ

Мен китобимни дунёда ушбу ташкилотнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши тарихидан бошлашни жуда муҳим деб биламан, чунки бу ўқувчига ушбу диний таълимотнинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ тушунишга ва Яҳованинг Шоҳидлари қачон ва қандай шароитда пайдо бўлганлигини кўришга имкон беради. Ишончим комилки, бундай тарихий экскурсия ўқувчига Яҳова Шоҳидларининг бир қатор муҳим масалалар бўйича позицияларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Гап шундаки, ушбу китобда кейинроқ айтиб ўтилишига кўра, Яҳованинг Шоҳидлари нима учун баъзи таълимотларга ишонишларини ва нима учун баъзи байрамлар ва тадбирлардан қочишларини ва аксинча, нима учун у ёки бу тарзда ҳаракат қилишни муҳим деб билишларини жуда яхши тушунадилар. Афсуски, кўп масалалар бўйича Шоҳидларнинг позициясини нотўғри тушуниш, унинг нотўғри талқин қилинишига ва натижада низолар ва таъқибларга олиб келади.

Асосий нарсадан бошлайлик, Яҳованинг Шоҳидлари – бу масиҳийлик динидир. Улар ўзларининг қулоққа нотаниш бўлган номини Муқаддас Китобдан олишган. Яҳова – Худонинг исмини талаффуз қилиш шаклларида биридир. Ибронийча (иврит тилида) бу қуйидагича эшитилади: «Я-ҳо-ва», христиан анъанасида эса – «Иегова». Классик асарларни ўқишни яхши кўрадиганлар, нафақат хорижий, балки совет муаллифларининг ҳам кўплаб асарларида «Яҳова»¹ номи борлигини эслашлари мумкин.

¹ Бу мавзу Яҳова Шоҳидларининг этиқодларига бағишланган 3-бобда батафсилроқ кўриб чиқилади.

Диншуносликка оид адабиётларда бугунги кунда ҳам ушбу динга нисбатан «иеговизм», унинг тарафдорлари учун эса «иеговистлар» каби таърифни учратиш мумкин.

Менимча, бу нотўғри, чунки бу жамият томонидан ҳам, диндорлар кулът томонидан ҳам камситувчи атама сифатида қабул қилинади. Шундай қилиб, замонавий кулътга қарши ташкилотлар ва баъзи журналистлар жамият назарида шу диний таълимот тарафдорларини камситиб, уларга нисбатан душманлик ва нафрат уйғотиш мақсадида аниқ «иеговистлар» деб ёзишни жуда яхши кўрадилар. Яъни, бу шунчаки жамоат фикрини психологик манипуляция қилишнинг ифлос усулидир.

Бундан ташқари, ушбу атамалардан фойдаланганда муқаррар равишда чалкашлик юзага келади, чунки у аллақачон анъанавий равишда XIX асрадаги рус диний ҳаракати «Десной биродарлиги»-га бириктирилган эди¹. Шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, Яҳова Шоҳидларининг ўзлари бу атамаларни ҳеч қачон ишлатмаганлар. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳатто 1940–1950 йиллардаги, ҳеч бўлмаганда мен танишиш имконига эга бўлган совет жиноий ишлари материалларида, имонлиларнинг ўзлари ўзларини бошқа ҳеч қандай, фақатгина «Яҳова Шоҳидлари» дебгина атаганлар.

Ўзларининг Яҳованинг Шоҳидлари бўлмиш номини 1931 йилда ўзлари танлашган. Бунгача улар Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари, Халқаро Муқаддас Китоб тадқиқотчилари сифатида танилган эди.

Ўша пайтда рақиблари камситган ҳолда уларни раселлистлар ва рутерфордчилар деб аташган. Дастлаб, улар масиҳийлар деб аталишдан бошқа ҳеч қандай номланишни хоҳламаганлар. Аммо вақт ўтиши билан улар, ўзларини «масиҳийлар» деб атайдиганлар

¹ «Иеговистлар-ильинцлар» номи билан ҳам танилган. Ҳаракат 1840 йилларда Россия Империясида пайдо бўлган. Асосчиси – Ильин Н. С. (артиллерия бош капитани). Ҳаракат Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам жуда кенг тарқалган эди. Н. С. Ильиннинг «Сион хабарлари» китобида баён этилган дин ақидаларини, унинг издошлари энг юқори, ёки камида Муқаддас Китобга тенг деб ҳисоблашади.

амалда на Исо Масихнинг таълимотлари, на Муқаддас Китоб билан деярли таниш эмас деган хулосага келдилар. Бундан ташқари, кўпгина черковлар кўплаб урушлар иштирокчилари бўлишган. Шунинг учун, Шоҳидларнинг ўзлари ўзларини миллионлаб бошқа конфессиялар ва христианликнинг бошқа йўналишларидан ажратиб олишни хоҳладилар. Шу билан бирга, улар ҳеч қандай инсоннинг исми билан ҳам аталишни хоҳламадилар. Улар Исо Масихга тақлид қилишлари ва Худонинг исмини ва иродасини очиқ эълон қилишлари, бошқаларга Худонинг нияти ва раҳм-шафқатини билишлари ва тушунишларига ёрдам беришга интилишлари кераклигига ишончлари комил эди.

Улар Ишаё пайғамбарнинг сўзларини асос қилиб олдилар: «Яҳова бундай демоқда: “Сизлар Менинг шоҳидларимсиз, Ҳа, Ўзим танлаган хизматчиларимсиз. Токи Мени таниб-билиб, Менга ишонинг, Мен ҳамиша Ўша эканимни англаб олинг... Мен, Мен Яҳоваман, Мендан бўлак нажоткор йўқ... Сизлар шоҳидларимсиз,– демоқда Яҳова,– Мен эса Худоман”». (Ишаё 43:10–12)

1931 йил 26 июлда қабул қилинган «Янги Ном» қарорида: «Бизларни Яҳованинг Шоҳидлари деб билишлари ва шу Ном билан аташларини хоҳлаймиз» – дейилган эди.

Яҳова Шоҳидларининг замонавий адабиётида янги исмнинг қабул қилиниши қуйидагича изоҳланади:

«Кўп одамлар Яҳованинг Шоҳидларини бирон-бир янги дин, деб ўйлашади. Бироқ 2 700 дан зиёд йил аввал танҳо ҳақ Худо хизматчиларини “шоҳидларимсиз” деб номлаган. (Ишаё 43:10–12) 1931 йилгача биз Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари деб танилганмиз. Нега энди Яҳованинг Шоҳидлари деб номланадиган бўлдик?

Бу номдан Худойимизни билиб олса бўлади. Қадимги қўлёзмаларга биноан, Худонинг исми Яҳовадир ва у Муқаддас Китобнинг минглаб оятларида учрайди. Кўп таржималарда бу исм Эгамиз ва Раббий унвонларига алмаштирилган. Лекин ҳақ Таоло Ўзини “Яҳова”

деган шахсий исми билан танитиб, шундай деган: “Бу — Менинг абадий қоладиган исмимдир”. (Чиқиш 3:15) Шу йўсин, У Ўзини бошқа сохта худолардан ажратган. Биз Худонинг муқаддас исми билан аталишдан фахрланамиз.

Бу номдан вазирамизни билиб олса бўлади. Ҳобил исмли одил кишининг давридан бери қадимда яшаган кўпдан-кўп кишилар Тангри Яҳовага ишонишгани тўғрисида шоҳидлик беришган. Асрлар ўтиб, Нух, Иброҳим, Сора, Мусо, Довуд ҳамда бошқалар “шоҳидлар оломони”ни ташкил этган. (Ибрoнийларга 11:4–12:1) Бирон-бир киши судда айбсиз одам ҳақида гувоҳлик берганидек, биз ҳам Аллоҳимиз тўғрисидаги ҳақиқатни қатъият билан аён этамиз.

Биз Ҳазрати Исога тақлид қиламиз. Муқаддас Китобда у “ишончли ва ҳақиқий шоҳид” деб аталган. (Ваҳий 3:14) Исонинг ўзи Худонинг исмини маълум қилган ва Худо ҳақидаги ҳақиқат тўғрисида шоҳидлик берган. (Юҳанно 17:26; 18:37) Масиҳнинг ҳақиқий издошлари Тангри Яҳованинг исми билан аталиб, уни маълум этишлари керак. Яҳованинг Шоҳидлари айнан шундай йўл тутишга ҳаракат қилишади»¹.

Менинг назаримда, бу ушбу диндаги имонлиларнинг асосий хусусиятларидан бирини тасвирлаб бериш учун ажойиб мисолдир. Бу уларнинг диний эътиқодларининг мантиқийлигини англаган ва тушунган ҳолдаги эътиқод танловидир. Бу мавзунини ушбу эътиқодни тушунишнинг муҳим калити деб ҳисоблаганим сабабли, мен китобни ёзиш давомида бу мавзуга яна бир неча бор қайтаман. Агар бошқа ҳар қандай диндаги оддий диндордан нима учун уларнинг йўналиши у ёки бу номга эга, нима учун у маълум маросимларни бажариши керак ва улар қандай мазмун касб этиши, шунингдек,

¹ «Бугунги кунда Тангри Яҳованинг иродасини ким бажаряпти?» Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania – 2012. 5–6-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/яҳованинг-иродаси/нега-яҳованинг-шоҳидлари-деб-номланамиз/).

нима учун унинг динида маълум тақиқлар борлиги ҳақида сўралса, унда кўп ҳолларда: «Шундай қабул қилинган!», «шундай юритилади!», «бу анъана!» – деган жавобларни эшитиш мумкин. Аммо бундай саволларни Яҳованинг Шоҳидларига берсангиз, улар сизга Муқаддас Китоб матнлари ва мантиқий далиллар ёрдамида тўлиқ ва батафсил жавоб берадилар.

Баъзида илмий ва илмга билвосита алоқадор бўлган доираларда баъзан шундай савол учрайди: «Яҳованинг Шоҳидлари масихийлар ташкилоти ҳисобланадими?» Муҳокама оҳангини, биринчи навбатда, православ илоҳиётшунослари ва эътиқоди бўйича ўзларини христианлар деб ҳисоблайдиган илмий доиралар вакиллари белгилайди. Уларнинг далили Яҳованинг Шоҳидлари Исо Масихни Худо сифатида қабул қилмайди ва Учликка ишонмайди. Бу, муаммонинг моҳиятини ва христиан черковининг тарихини етарлича билмаган одамлар томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. Аммо бу далил қанчалик асосли?

Гап шундаки, «Учлик» сўзи Муқаддас Китоб матнида умуман учрамайди. У ерда бу ҳақда аниқ ифодаланган ақида ҳам йўқ. Бунинг ўрнига, Муқаддас Китобнинг Қонунлар 6 боб 4 оятида: «Тингланг, эй Исроил халқи: Раббимиз, бизнинг Худойимиз, Раббимиз ягонадир» – дейилган. Яҳованинг Шоҳидлари учун бу таълимот масихийликка киритилган деб ҳисоблашга бу етарлича сабабдир. Учбирлик таълимотини инкор этиш сабаблари ҳақида, мен эътиқодга бағишланган 3-бобда биров батафсилроқ тўхталиб ўтаман.

Бундан ташқари, бу масала бўйича имонлиларнинг ўзларининг нуқтаи назарига эътибор қаратиш лозим. Шундай қилиб, «Яҳованинг Шоҳидлари масихийларми?» – деган саволга Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайтида шундай жавоб берилган:

«Ҳа. Биз қуйидаги сабабларга кўра масихийлар ҳисобланамиз:

Биз Исо Масихнинг таълимотлари ва ўрнагига эргашишга интиламиз. (1 Бутрус 2:21)

Биз фақат Исо орқали нажотга эришиш мумкинлигига ишонамиз ва “осмону фалак остида биз нажот топишимиз учун одамларга берилган бошқа исм йўқ”. (Ҳаворийлар 4:12)

Одамлар Яҳованинг Шоҳиди бўлгач, улар Исо Масих номи билан сувга чўмадилар. (Матто 28:18, 19)

Биз Исо номидан ибодат қиламиз. (Юҳанно 15:16)

Биз Масихга барча инсонлар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи берилган - Бош эканлигига ишонамиз. (1 Коринфликларга 11:3)

Бироқ биз кўп жиҳатимиз билан ўзларини масиҳий деб ҳисоблайдиган бошқа диний гуруҳлардан фарқ қиламиз. Мисол учун, биз Муқаддас Китобга кўра, Исо Учликнинг бир қисми эмас, Худонинг Ўғли эканлигига ишонамиз. (Матто 16:16; Марк 12:29) Биз руҳнинг ўлмаслигини, Худо одамларни абадий оловда азоблашини, ёки диний фаолиятни бошқарадиганлар юксалтирувчи унвонларга эга бўлиши кераклигини тасдиқлашга Муқаддас Китобда асослар борлигига ишонмаймиз. (Воиз 9:5; Ҳизқиё 18:4; Матто 23:8–10)»¹.

Кўриниб турганидек, имонлиларнинг нуқтаи назари Муқаддас Китобга асосланган бўлиб, мантиқий ва жуда тушунарлидир. Улар Масих ва унинг инсониятни қутқаришдаги ролини инкор этмайдилар. Шунинг учун уларни масиҳийлар деб тан олмасликни тубдан нотўғри деб биламан. Улар масиҳийлар.

Яҳованинг Шоҳидлари ўзларини бошқа масиҳий оқимларидан фарқини шу билан изоҳлайдиларки, Масиҳнинг охирги ҳаворийси вафотидан сўнг соф масиҳийлик йўқолиб кетди ва Масиҳнинг таълимотини бузиб, бутпарастлик тасаввуфи ва эллинистик фалсафа аралашмасини илгари сурган, гностиклар ва бошқа юнон файласуфлари жамиятларда ҳокимиятни эгалладилар. Шунинг учун на II аср аполгистлари, на кейинроқ яшаган «Черков оталари»

¹ Яҳованинг Шоҳидлари христианларми? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яҳованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/яҳованинг-шоҳидлари-христианларми/).

Шоҳидлар томонидан эътирофга лойиқ деб топиламайди милодий II асрдан бошлаб 1919 йилгача эса «маънавий асирлик» даври деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, улар бу «маънавий асирлик» даврида Худонинг хизматкорлари бор бўлганлигини тан олишади. Масалан, «Яҳованинг Шоҳидлари – имон амалда» номли ҳужжатли фильмининг I-қисмида, ҳақиқатни узоқ вақтдан бери излаган ва бугунги кунда Яҳованинг Шоҳидлари ҳамфикр бўлган одамлар ҳақида сўз боради.

Масалан, фильмда XII асрда Францияда Муқаддас Китобни оддий одамлар тилига таржима қилишни ташкил этган савдогар Вальдо эса олинади; католик руҳонийси Жон Уиклиф черковнинг Муқаддас Китобга зид бўлган одатларини қаттиқ танқид қилиб чиққан; Исаак Ньютон; шоир Жон Мильтон ва кимёгар Жозеф Пристли.

Ушбу фильмга кўра, Жозеф Пристли нафақат Училик таълимотини рад этган, балки руҳнинг ўлмаслиги ҳақидаги таълимот ёлгон эканини эълон қилган. У биринчи асрдаги масиҳийларнинг эътиқоди ҳақиқат намунаси бўлиб хизмат қилиши керак ва ундан бир оз бўлса ҳам оғиш қабул қилиниши мумкин эмас деб ҳисобларди. Унинг қарашлари черковда ва ҳукуматда қизгин мунозараларга сабаб бўлди. 1791 йилда ғазабланган оломон Пристлининг уйи ва лабораториясини вайрон қилди. Яна уч йил давомида у ҳужумларга учради ва натижада у АҚШга қочишга мажбур бўлди. Унинг фикрини қўллаб-қувватлаган бошқа кўпгина одамлар унинг ортидан эргашдилар. Улардан бири Генри Гру эди. Груни 1807 йилда, 25 ёшида, (Коннектикут штатининг) Хартфорд шаҳридаги баптистлар черковининг пастори бўлиб хизмат қилишга таклиф қилишди. У Муқаддас Китобни ўрганишда – Муқаддас Ёзувлар ўзини ўзи тушунтиради – деган жуда қизиқ ёндашувга эга эди. Грунинг фикрича, ҳеч нарса Муқаддас Китобни унинг ўзидан яхшироқ тушунтира олмайди. У Муқаддас Китобни тадқиқ қилиб, Училик ҳақидаги

таълимоти ёлғон эканлигини тушунди. Лекин, албатта, Учликка ишонмасдан баптист пастор бўлиб қолиш имконсиз эди. Тўрт йил ўтгач, Гру ва баъзи бошқалар черковни тарк этишди. Кейинчалик Гру Муқаддас Китоб ёрдамида, Учлик, дўзах олови ва руҳнинг ўлмаслиги ҳақидаги таълимотларнинг ёлғон эканлигини исботлаб, «Оралиқ ҳолат» рисоласида ўз тадқиқоти натижаларини нашр этди. Ушбу рисола методист пастор Жорж Сторрзнинг эътиборини тортди. У 1840 йилга келиб, Методист епископ черковининг пастори сифатида Муқаддас Китобга зид бўлган нарсаларни ўргатаётгани туфайли виждонининг овозини боса олмади ва ўзининг черковдаги хизматини ташлаб кетди. 1842 йилда Сторрз «Муқаддас Китоб Тадқиқотчиси» номли ойлик журнални нашр эта бошлади. Шуниси эътиборга лойиқки, ёш Ч. Т. Рассел айнан шу журналда ўзининг «Бутпарастларнинг даври. Улар қачон тугайди?» – номли мақоласини нашр этади, унда у Дониёр пайгамбар китобининг 4 та боби бўйича олиб борган тадқиқотини келтириб, афтидан «Етти давр милодий 1914 йилда тугайди» – деган хулосага келган. Бу мақола «Муқаддас Китоб Тадқиқотчиси» журналининг 1876 йил октябрь сонидида чоп этилган.

Жорж Сторрз ва Генри Гру яқин дўст бўлишган ва бигаликда руҳнинг ўлмаслигини ҳимоя қилганлар билан бўлган баҳсда иштирок этишган.

Жорж Сторрз, яшаётганларнинг барчаси Масиҳнинг қайтиши пайтида нажот топиш имкониятига эга бўлишлари учун *бутун дунё бўйлаб воизлик кампанияси керак* эканлигига ишонган. У буни қандай амалга ошириш ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эди, лекин имон билан шундай деб ёзган эди: «Аммо жуда кўпчилик, бир нарсанинг қандай амалга оширилишини кўрмасдан, уни рад этишади, худди Худо учун имконсиз нарсани бордек».

Сторрз, кейинчалик у орзу қилган Яҳова Шоҳидларининг бутун дунё бўйлаб ваъзгўйлик фаолияти марказига айланган жойдан

унча узоқ бўлмаган жойда, 1879 йилда (Нью-Йоркнинг) Бруклин шаҳридаги ўз уйида вафот этди¹.

Шундай қилиб, Яхова Шоҳидларининг масиҳийлик черкови XIX асрнинг охирида ташкил топди. Буни ҳақли равишда *протестантизм ёки неопротестантизмнинг* кечки оқимлари билан боғлайдилар.

1870 йилда Шимолий Американинг Аллегени шаҳрида (ҳозирги Питсбург шаҳрининг бир қисми, Пенсильвания штати) **Чарлз Тейз Рассел (1852–1916)** Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича кичик тўғарак ташкил қилди.

Ч. Т. Рассел 1852 йил 16 февралда Қўшма Штатларда, келиб чиқиши шотланд-ирландиялик пресвитериан² Жозеф ва Энн Элиза (Берни) Расселлар оиласида туғилган, 1845 йилда Ирландиядан Қўшма Штатларга кўчиб келган. Унинг таржимаи ҳолида таъкидланганидек, «у ёшлигиданоқ ҳар иккала чуқур диндор ота-онасининг таъсирини ҳис қилган»³. Гарчи у пресвитерианча руҳда тарбияланган бўлса-да, ёш Чарлзнинг маънавий изланишлари охир-оқибат уни конгрегациячиларга⁴ олиб келган.

Ҳаммаси бўлиб Жозеф ва Энн Элиза Расселларнинг Ч. Т. Рассел билан бирга 5 та фарзандлари бор эди. Ўша даврнинг ўта оғир

¹ Яхованинг Шоҳидлари — фаол имон. 1-қисм. Қоронғилиқдан. Хужжатли фильм. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2010. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/kytubxona/videolar/#uz-cyrl/mediaitems/VODOrgHistory/pub-ivfa1_x_VIDEO).

² Пресвитерианлар (юнон тилидан presbyteros – қария, оқсоқол) – Шотландия ва Англиядаги реформация даврида вужудга келган кальвинизм оқими. Асосчиси – Ж. Кокс (1505–1572).

³ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 43-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Проповедь-о-возвращении-Господа-1870-1914/).

⁴ Конгрегациячилар (лотин тил. congregatio – уюшма, жамоа) – шунингдек кальвинизм оқимларидан бири. XVI асрда вужудга келиб, улар маҳаллий черковлар ёки (конгрегациячиларнинг) жамоалар автономлиги тамойилини, уларнинг ҳар қандай черков ташкилотларидан мустақиллигини эълон қилдилар. 1581 йилда биринчи конгрегация асосчиси Р. Браун эди.

шароити туфайли Ч. Т. Расселл 9 ёшидаёқ аллақачон иккита ака-ука ва синглисини йўқотганди, кейин бўлса онаси ҳам вафот этди.

Худди шу йили, 1861 йилда Қўшма Штатларда фуқаролар уруши бошланиб, унда 618 минг киши ҳалок бўлди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу урушда Қўшма Штатлар қатнашган бошқа урушларга қараганда кўпроқ АҚШ фуқаролари ҳалок бўлган. Расселл оиласи яшаб, ишлаган жойдан унчалик узоқ бўлмаган жойда жанглар авж олди, кичкина Чарлз уруш одамларга қанчалик қайғу келтиришини ўз кўзи билан кўрди.

Ч. Т. Рассел ёшлигиданоқ дўзах олови, яъни Худо одамларни гуноҳлари учун абадий жазолаши ҳақидаги таълимот билан келиша олмади. У бу таълимот ҳақидаги хулосаларини қуйидагича шакллантирган: *«Тақдири олдиндан белгиланган ва бошиданоқ абадий азобга маҳкум этилган одамларни яратишига Ўз қудратини сарфлаган Оллоҳ на доно, на адолатли, на меҳрибон бўла олади. Бундай Худо кўпгина одамларга қараганда камроқ мурувватли ва меҳрибон бўлган бўлар эди»*¹. Унинг Худого бўлган ишончи ларзага келди.

Ёшлигида Чарлз яхши тадбиркор эди ва у шу йўл билан одамларга кўпроқ ва яхшироқ ёрдам беришига ишонган. 11 ёшиданоқ у гуллаб-яшнаган эркаклар кийимлари дўконида отасига шерик бўлиб ишлади. Аста-секин Чарлз тижорат ҳажмини оширди ва охир-оқибат бир нечта дўконларни бошқаришни бошлади. Унинг бойлиги уч юз минг доллардан кўпроқ бўлиб, бугунги ҳисоб бўйича эса етти миллион долларга тўғри келарди. У хайрия ишлари билан шуғулланди, аммо бу ҳам уни қониқтирмади. У маънавий ёрдам, азоб-уқубатларнинг сабаблари ва Худо ҳақидаги саволларига жавоб изларди. Чарлз кейинроқ эслаганидек, у Шарқнинг бир қанча етакчи динларини «улар ҳам уни қаноатлантирмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун» тадқиқ қилган.

¹ Человечество в поисках Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2006. – 351-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Человечество-в-поисках-Бога/Обращение-к-истинному-Богу/).

Аммо бир куни кечқурун (бу 1869 йил эди) унинг сўзларига кўра, унинг тебранган имонини тиклайдиган воқеа содир бўлди. У ўз дўкони ёнида юрганида ертўладаги залдан диний қўшиқлар овозини эшитди. У бу ҳақда кейинроқ шундай деди:

«Бир куни кечқурун мен бутунлайин тасодифан чанг ва қоронги хонага кириб қолдим, у ерда илоҳий хизматлар ўтказилиши ҳақида эшитгандим. Балким мен у ерда учратган кичик гуруҳда катта черковларнинг таълимотларидан кўра оқилнароқ нарса бордир – деб билмоқчи бўлдим. Шу йўсин мен адвентистларнинг [Адвентист масиҳий черкови] қарашлари билан танишидим. Ваъзни жаноб Жонас Уэнделл ўқиди... Шундай экан мен адвентистлар қатори бошқа конфессиялардан ҳам қарздор эканлигимни тан олишим керак. Унинг Муқаддас Ёзувларни талқини охиригача тушунарли бўлмаса-да шунинг ўзи – юқоридан берилган ёрдам ила – Муқаддас Китобнинг илоҳий илҳомланганига нисбатан тебранган имонимни мустаҳкамлаш учун ва ҳаворийлар билан пайгамбарларнинг ёзувлари ўртасидаги узвий боғлиқликни кўра олишим учун етарлича бўлди. Эшитганларим мени Муқаддас Китобни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ иштиёқ ва гайрат билан ўрганишига ундади ва ўшанда Худо мени керакли йўналиши бўйлаб етаклагани учун Худога тинимсиз миннатдорчилик билдирман. Адвентистларнинг ёрдамида мен битта ҳам ҳақиқатни тушуниб етмадим, лекин улар менга нимада хато қилганимни кўришимга ёрдам беришиди, бу эса мени Ҳақиқатга тайёрлади».

Бу учрашув ёш Расселлнинг ҳақиқатни Муқаддас Ёзувлардан излаш қарорини янгилади. Катта иштиёқ билан Чарлз, унинг отаси Жозеф ва Питсбург ва Аллегейнидан келган бир қанча танишлари Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича тўғарак ташкил қилдилар. Машғулотлар қуйидагича ўтказилди: «Кимдир савол берарди. Улар буни муҳокама қидирардилар, саволга тегишли барча оятларни қидирадилар ва қачонки улар бу матнларнинг изчиллигидан қониқиш ҳосил қилгач, ўз хулосаларини чиқаришлари ва уни ёзиб қўйишлари мумкин эди». Кейинчалик Расселл тан олганидек, «1870 йилдан

1875 йилгача бўлган давр июнат, билим ва Худого ҳамда Унинг Каломига бўлган севгининг доимий ўсиш даври бўлди»¹.

Ушбу Муқаддас Китобни ўрганиш тўғарагининг фаолияти ҳақида кейинчалик Ч. Т. Рассел шундай деб эслади: «Биз асрлар давомида мавжуд бўлган турли секта ва гуруҳлар Муқаддас Китоб таълимотларини ўзаро бўлиб олиб, уларни озми-кўпми даражада инсоний уйдирмалар ва ёлғон ғоялар билан аралаштириб юборишганини аниқладик... Биз иш билан эмас, имон орқали оқланиш ҳақидаги муҳим таълимот Лютер ва ундан кейинги кўплаб масиҳийлар томонидан аниқ баён қилинганлигини; Худонинг адолати, қудрати ва донолиги ҳақидаги таълимотни пресвитерианлар (аммо улар бу фазилатлар қандай намоён бўлганини унчалик аниқ кўрмаган) эҳтиёткорлик билан сақлаб қолганлигини; методистлар Худонинг севгиси ва раҳм-шафқатини улуғлаганликларини; адвентистлар Масиҳнинг қайтиши ҳақидаги қимматли таълимотни сақлаб қолишганлигини; Баптистлар, гарчи ҳақиқий сувга чўмишни эътиборидан четда қолдиришган бўлса-да, бошқа нарсалар қатори, сувга чўмишнинг рамзий маъносининг тўғри тушунчасини сақлаб қолишганлигини; универсалистлар гарчи буни аниқ ифода этолмаган бўлсалар ҳам, узоқ вақтдан бери “бажарилиш” ҳақидаги қимматли фикрларни билдиришганлигини аниқладик. Кўриб турганингиздек, деярли барча черковларнинг асосчилари ҳақиқатни излашган лекин шу билан бирга, уларга буюк Душман қаршилиқ кўрсатганлиги аниқ, у Худонинг Каломини йўқ қилишга қудрати етмай, уни парчалаб ташлаган»².

¹ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 44-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Проповедь-о-возвращении-Господа-1870-1914/).

² Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 43-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Проповедь-о-возвращении-Господа-1870-1914/).

1879 йил июль ойида Ч. Т. Рассел «Сион Қўриқчи минораси ва Масих ҳозир бўлишининг даракчиси» (ҳозирда «Қўриқчи минораси» деб номланади) ойлик журналининг биринчи сонини нашр этди. Журналга Муқаддас Китоб тадқиқи натижаларини мунтазам нашр эта бошлади.

Журналдан ташқари, Ч. Т. Рассел ўзининг Муқаддас Китоб тадқиқотларининг натижаларини тавсифловчи букламаларни нашр этиш ва тарқатишга катта эътибор қаратди. 1881 йилда Рассел бепул тарқатиш учун бир нечта букламаларни нашр этди. У шунингдек, «Фикрлайдиган масиҳийлар учун озуқа» номи рисоласини нашр этди, у шу қадар оммабоп эдики, дастлабки тўрт ойнинг ичида 1 200 000 нусха тарқатилди. Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг ўз наشريёти йўқ эди, шунинг учун улар Пенсильвания, Нью-Йорк ва Огайо штатлари ҳамда Буюк Британиядаги турли алоқадор бўлмаган компанияларидан фойдаланганлар. Кўплаб пайдо бўлган ташкилий ва молиявий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида 1881 йил 16 февралда адабиётлар ва Сион қўриқчи минораси Жамияти ноtijорат ташкилоти ташкил этилди¹. Бундан ташқари, «ўша пайтда 32 ёшда бўлган Рассел унинг вафотидан сўнг бу фаолият тўхтаб қолмаслиги ва хайр-эҳсонлар билан ишлашни осонлаштириш учун бу Жамиятни рўйхатдан ўтказишга ариза берди ва 1884 йил 15 декабрда у рўйхатдан ўтказилди. Шундай қилиб, Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари зарур юридик шахсга эга бўлдилар». Ч. Т. Рассел рўйхатдан ўтган Жамиятнинг президенти бўлди. Жамият низомида унинг мақсади диний характерга эга бўлиб, «Муқаддас Китоб ҳақиқатларини турли тилларда тарқатишдан» иборат эканлиги айтилган эди.

¹ Сион қўриқчи минораси ва букламалар Жамияти биринчи бўлиб 1881 йили ташкил топди ва (АҚШ) Пеннсилвания штатида 1884 йил 15 декабрда рўйхатга олинди. 1896 йил унинг номи Қўриқчи минораси, Муқаддас Китоб ва букламалар Жамиятига ўзгартирилди. 1955 йил у Қўриқчи минораси, Муқаддас Китоб ва букламалар Жамияти деб атала бошланди (Пенсильвания).

1882 йилда «Қўриқчи минораси»да «Бирга йиғилинлар» номли мақола чоп этилди. Мақола имонлиларнинг биргаликда мунтазам диний йиғинлар ўтказишлари муҳимлигига бағишланди. Унда шундай дейилган эди: «Орангизда олий маълумотли ёки иқтидорлилар бор ёки йўқлиги муҳим эмас. Ҳар бирингиз ўз Муқаддас Китобингиз, қоғоз ва қаламингиз билан келинг; Муқаддас Китоб симфонияси каби барча мавжуд ёрдамчи воситалардан фойдаланинг. Муҳокама учун мавзунини танланг; уни тушуниш учун муқаддас руҳнинг раҳбарлигини сўранг; сўнгра ўқинг, мулоҳаза юритинг, оятларни бир-бири билан солиштиринг, шунда сизларга албатта ҳақиқат тушунчаси берилади»¹. Шу пайтдан бошлаб Яҳова Шоҳидларининг жамоатлари пайдо бўлган деб айтса бўлади.

1882 йилда тўғарак аъзолари Ч. Т. Расселни ўзларининг чўпонини этиб сайладилар. Ўшандан бошлаб Рассел ўзини бутунлай чўпонлик хизматига бағишлади ва бу ишнинг бошқа мамлакатларда тарқалиши учун алоҳида ҳаракатлар қилинди. 1891 йилда Ч. Т. Рассел Европа ва Яқин Шарққа саёҳат қилди, бу ташаббусининг бошқа мамлакатларда ёйилишида катта роль ўйнади.

1884 йил 15 декабрда Қўшма Штатларда Қўриқчи минораси Муқаддас Китоб ва Адабиёт Жамиятининг юридик низомини рўйхатга олинган.

Кейинчалик, 1900 йил 23 апрелда Лондон (Буюк Британия)да биринчи филиали тузилди. 1902 йилда Германияда иккинчи филиал очилди; 1904 йилга келиб эса Австрия ва Швейцарияда қўшимча филиаллар ташкил этилди.

Аста-секин дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам Қўриқчи минораси Жамиятининг филиаллари ташкил этила бошланди (ҳозирда дунё бўйлаб 87 та филиаллар мавжуд).

Ташкилот пайдо бўлишининг ушбу босқичини кўриб чиқишда, келинг, учта жуда муҳим хусусиятларига алоҳида эътибор қаратамиз.

¹ Царство Бога правит! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2014. – 18-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/царство-бога/на-небе-рожда-ется-царство/).

Биринчи хусусияти. Расселнинг ўзи ва унинг ҳамфикрлари янги дин яратмаган ва ҳеч қачон илоҳий кўриниш, ваҳий ёки бирон бир янги билимга даъво қилмаганлар. Ч. Т. Расселнинг ўзи шундай деб ёзган эди: «Бизнинг ишимиз... узоқ вақт давомида тарқалиб кетган ҳақиқат зарраларини тўплаш ва уларни Раббнинг халқига янги нарса сифатида эмас, ўзимизникидек эмас, балки Рабб томонидан берилган тарзда тақдим этишдан иборат. [...] Биз ҳақиқатнинг қимматбаҳо донларини топганимиз ва уларни тизимга олиб келганимизда ҳам бу учун ўзимизни шарафга сазовор деб билмаслигимиз керак». Сўнгра: «Ҳазратимизга бизнинг камтарона истеъдодларимиздан фойдаланиш маъқул бўлган иш яратиши эмас, балки қайта тиклаш ва мувофиқлаштириш иши эди»¹.

Ч. Т. Рассел ҳеч қачон пайғамбарлик ёки диний раҳбарликка даъво қилмаган. 1906 йил 15 июлдаги (229-саҳ.) «Кўрикчи миносари»да у очиқчасига шундай ёзган: «Йўқ, азиз дўстлар, мен на устунликка, на гайритабиий кучга эга бўлишга, на юқори мавқе ёки ҳокимиятга даъво қилмайман; Мен имонли биродарларим орасида машҳур бўлишга интилмайман, фақат Ҳазратимизнинг “Орангизда ким биринчи бўлишни хоҳласа, сизларга қул бўлсин” – деган амрига риоя қилишни хоҳлайман. (Матто 20:27) [...] Мен Худонинг хабарчиси сифатида одамларга етказётган ҳақиқатлар менга ваҳийда ёки тушимда очиб берилмаган ва Худо томонидан шахсан менга эълон қилинмаган; Улар менга бирданига очилмади, аста-секинлик билан очилди... Ҳақиқатнинг бу тарзда очилиши қандайдир инсоннинг иқтидори ёки идрокнинг ўткирлиги туфайли эмас, балки Худо томонидан белгилаб қўйилган вақт келганлиги билангина тушунтирилади; агар мен сукут сақласам ва агар бошиқа ҳеч ким гапирмаса, унда тошлар бақирган бўларди»².

¹ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 49-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Проповедь-о-возвращении-Господа-1870-1914/).

² Ўша ерда. – 143-саҳ.

Шу сабабли, Ч. Т. Расселнинг ўзи ҳамфикрларига нисбатан «расселлист» ёки «расселлизм» каби атамалар қўлланилишини умуман тан олмаслигини ҳамиша таъкидлаган.

Иккинчи муҳим хусусияти. Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Ч. Т. Расселл бошчилигида бошиданоқ ягона нуфузли манба сифатида канон деб ҳисобланган Муқаддас Китобдан фойдаланишга қарор қилганлар. Бошқа ҳеч нарсадан фойдаланмаганлар. Улар тарқалиб кетган барча масиҳийлик эътиқодларни Муқаддас Китоб матнларига қанчалик мувофиқ келишини синчковлик билан текширишни ўзларига қоида қилиб олганлар. «Уларнинг мақсади аллақачон ўрнатилган тушунчаларни исботлаш эмас, балки улар қилган хулосалар Муқаддас Китобда бу мавзу бўйича айтилганларнинг ҳаммасига мос келишига ишонч ҳосил қилиш эди»¹. Тадқиқотга бундай танқидий имонлилар ажойиб жасорати, дадиллиги ва тафаккур мустақиллиги ҳамда фаол ҳаётий тарзи билан ажралиб туришига ҳисса қўшди, бу, шу жумладан, ўрганганларини бошқа одамлар билан бўлишиш истагида намоён бўлди.

Ва ниҳоят, учинчи муҳим хусусият. Муқаддас Китобни ўрганиш ва масиҳийлик эътиқодларини текширишдан олинган барча хулосаларни Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари қайд қилиб, нашр этдилар. Шу туфайли тушуниш ва диний топиниш бирлигига эришилди. Шундай қилиб, Ч. Т. Расселнинг «Мингйиллик Тонги» номли, кейинчалик «Муқаддас Ёзувларни ўрганиш» деб номланган кўп жилдли асари, Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг (Яҳова Шоҳидларининг) диний таълимотлари шаклланишида муҳим роль ўйнади. Дунё бўйлаб кўплаб имонлилар жамоатлари ўзларининг диний учрашувларида бу асарни ўргандилар. Ч. Т. Расселл ҳаёти давомида олтига жилдни ёзишга улгурди²:

¹ Кўриқчи минораси. (рус) – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1994. 1 май. – 24-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1994325).

² Қизиқарли факт: Ч. Т. Расселнинг юқорида тилга олинган кўп жилдли асарини, Л. Н. Толстойнинг «Ясная Поляна» ер-мулк музейига ташриф буюрувчилар буюк адбнинг кутубхонасида кўришлари мумкин. Демак, у Расселнинг ишияари билан таниш бўлган.

1 жилд – «Худонинг асрлар режаси» (1886 йил);

2 жилд – «Вақт яқиндир» (1889 йил);

3 жилд – «Сенинг Шоҳдигинг келсин» (1891 йил);

4 жилд – «Қасос куни» (1897 йил), кейинчалик «Армагеддон Жанги» деб номланган;

5 жилд – «Худо ва инсоният ўртасидаги ярашув» (1899 йил);

6 жилд – «Янги ижод» (1904 йил).

Ч. Т. Расселл еттинчи жилдни ҳам режалаштирган эди, аммо ўлим бу режани амалга оширишга тўсқинлик қилди¹.

Келтирилган учта хусусиятнинг барчаси Яҳова Шоҳидларининг замонавий ташкилотига ҳам хосдир. Уларда ҳали ҳам раҳбарлар ва одамларга ҳар қандай шараф келтиришлар йўқ. Улар ҳали ҳам Муқаддас Китобни ўзларининг ягона нуфузли манбаси деб билишади ва ташкилотдаги ҳар қандай ўзгаришлар унга мувофиқ тарзда бўлиши керак. Улар ҳали ҳам жасоратли ва улар билан гаплашишга тайёр бўлган ҳар бир киши билан ўз эътиқодларини баҳам кўришлари билан танилган. Ва улар ҳали ҳам диний таълимнинг ягона каналидан фойдаланишлари туфайли, бутун дунё бўйлаб ўзларининг барча жомаларида бирдамликни сақлаб келмоқдалар. Бундан ташқари бугунги кунда, имондиларнинг таълим олишлари учун асосий манба бу «Кўриқчи минораси» журнали ва сўнги ўн йилликда яна ўзларининг Интернет телевиденияси ҳисобланади. Бу хусусиятларсиз, бу диний гуруҳни тушуниш мумкин эмас.

Келинг, ташкилот тарихига қайтайлик.

Имондилар сонининг ўсиши фаолиятни кенгайтиришни талаб қилди ва 1909 йилда Жамиятнинг асосий бўлими Бруклинга (Нью-

¹ «Мингйиллик Тонги» номи асар «Муқаддас Ёзувларни ўрганамиз» деб қайта номланганда, биринчи жилд «серия 1», иккинчи – «серия 2» ва ҳ.з. деб номлана бошланди. Асар «Муқаддас Ёзувларни ўрганамиз» номи билан нисбатан кичик нашрларда 1904 йил октябрь ойидан бошлаб чоп этила бошланди. Янги нашр 1906 йилдан бошлаб кўпроқ қўлланила бошланди. (Бу ҳақда: Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 52–53-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Проповедь-о-возвращении-Господа-1870-1914/)).

Йорк штати) кўчиб ўтди. Агар бутун дунё бўлмаса, Ғарбий Ярим шарнинг энг йирик транспорт узелининг марказига жойлашиб, Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари бутун дунё бўйлаб ўз фаолиятини фаол равишда мувофиқлаштириш ва кенгайтиришга муваффақ бўлдилар¹. Ч. Т. Рассел жуда фаол воиз эди. Ҳар ҳафта у матбуот агентлигига ўз ваъзини телеграф орқали юборарди. Кейин агентлик буни Қўшма Штатлар, Канада ва Европага телеграф орқали юборарди. 1913 йилга келиб, Расселнинг 2000 та газетада чоп этилган ваъзалари билан тахминан 15 000 000 ўқувчи танишиб чиқди².

1914 йилда Лондонда ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлган «Халқаро Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Ассоциацияси» ташкил этилди. Унинг вазифаси Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларида Муқаддас Китобни ўрганувчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш эди.

Буларнинг барчаси бутун дунё бўйлаб имонлилар жамоатларининг ўсишига олиб келди.

Ч. Т. Рассел ташкилотнинг келажакдаги ўсиш кўламини олдиндан кўролган, аммо бу унинг ўлиmidан кейингина амалга ошишини тушунган. 1915 йилда Ванкуверда (Канада) берган интервьюси чоғида у шундай деган эди: «...олдинда улкан ишлар турибди. Уни бажариш учун минглаб биродарлар ва миллионлаб долларлар керак бўлади. Улар қаердан келади, мен билмайман – Худо билади». 1916 йилда, Америка Қўшма Штатларига сўнги ваъзгўйлик сафарига вафот этди, ундан бироз олдин Ч. Т. Рассел ўзининг ишлар бўйича бошқарув ўринбосари А. Х. Макмилланни кабинетига чақириб: «Мен ишни бошқа давом эттиришга ҳолим йўқ, ҳали қилинадиган ишлар эса кўп» – деди. Уч соат давомида Муқаддас Ёзувларга (Муқаддас Китобга) асосланиб, у қилиниши керак бўлган ишлар

¹ 2017 йилда Яҳова Шоҳидларининг бош бошқармаси Нью-Йорк шаҳридан, 102 гектарли ер участкасига қурилган 8 та бинодан иборат бўлган замонавий комплекс (Нью-Йорк штатидаги) Уорвикка кўчиб ўтди.

² Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2015. 15 ноябрь. – 28-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/w20151115/худонинг-шоҳлиги-юз-йил-бошқармоқда/).

ҳали олдинда эканлигини тушунган ҳолда, Макмилланга ваъзгўйлик ишининг кўлами ҳақида гапириб берди. Макмилланнинг эътирозларига у шундай жавоб берди: «Бу иш одамнинг кучи билангина амалга ошмайди»¹.

1916 йилда Ч. Т. Расселл вафот этди. Унинг дафн нутқида унинг вориси Жозеф Ф. Рутерфорд шундай деди: «Чарлз Тейз Расселл бутун қалби билан Худога, Исо Масиҳга ва Масиҳий Шоҳлик ишига содиқ эди. У охиригача, ўлимигача фидокор бўлиб қолди»².

Ч. Т. Расселнинг ўз ишига садоқати яна шунда намоён бўлдики, у ўзини ва бутун молиявий бойлигини Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари ишига сарфлади. «Яҳованинг Шоҳидлари, Шоҳликнинг хабарчилари» китобида бу факт ҳақида шундай ёзилган: «У танлаган йўл Муқаддас Ёзувларга тўғри келадими ёки йўқлигини аниқлаш учун, шунингдек самимийлигини намоён этиш учун у (Ч. Т. Расселл) Ҳазратимизнинг марҳаматига қуйидаги йўллар билан ишонч ҳосил қилишга қарор қилди: 1) ҳаётини даъватига бағишлаб; 2) бутун бойлигини Ҳазратнинг ишини ривожлантиришга сарфлаб; 3) барча йиғилишларда пул йиғишни тақиқлаб; 4) унинг бойлиги тугаб қолганда, ишни фақат ихтиёрий хайрияларга таяниб давом эттириб». ...Унинг ўлиmidан сўнг, «Кўриқчи минораси»да шундай қайд этилган: «У бутун бойлигини ҳаётини бағишлаган ишига сарфлади. Шахсий харажатлари учун у ойига атиги 11 доллар олاردди. У ўзининг ортидан ҳеч қандай мол-мулк қолдирмади»³.

¹ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 623-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Свидетели-Иеговы-терпят-поношение-и-скорби/Испытания-внутри-организации-и-отсев/).

² Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1996. 15 март. – 10-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1996204).

³ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 351-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Всемирное-братство/Как-финансируется-деятельность-Свидетелей-Иеговы/).

Шуни таъкидлаш керакки, Яҳованинг Шоҳидлари Ч. Т. Расселни ва унинг қилган хизматини ҳурмат қилсалар-да, уни ўз таълимотларининг асосчиси деб билмайдилар ва уни илоҳийлаштирмайдилар.

Ташкilotнинг расмий веб-сайтида шундай дейилган: «Ўша пайтда Рассел Муқаддас Китоб таълими фаолиятига раҳбарликни ўз зиммасига олган ва “Қўриқчи минораси”нинг биринчи муҳаррири бўлган бўлса-да, у янги диннинг асосчиси эмас эди. Рассел ва бошқа Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг мақсади, ўша пайтда гуруҳ шундай номланган, Исо Масихнинг таълимотини ёйиш ва ҳамма нарсада биринчи асрдаги масиҳийлар жамоатидан ўрнак олиш эди. Исо масиҳийликка асос солганлиги сабабли, биз уни ташкilotимизнинг асосчиси деб ҳисоблаймиз. (Колосаликларга 1:18-20)»¹.

Рассел ўз васиятномасида беш кишидан иборат тахририят ҳайъати «Қўриқчи минораси»ни сақлаб қолиш учун масъул бўлиши кераклигини кўрсатди ва у уларнинг исмларини алоҳида айтиб ўтди. Директорлар кенгашининг таклифига кўра уч кишидан иборат Ижроия кўмитаси ҳам тайинланди: А. И. Ритчи, У. Е. Ван Амбург ва Ж. Ф. Рутерфорд. Охиргиси 1917 йилда Қўриқчи Минораси Жамиятининг Ч. Т. Расселдан кейинги президенти бўлди.

Жозеф Франклин Рутерфорд (1869–1942) Қўриқчи минораси Жамиятининг иккинчи президенти эди. У 1869 йилда Морган округида (Миссури, АҚШ) баптистлар оиласида туғилган.

Унинг отаси деҳқон бўлиб, ўғлининг билимга бўлган иштиёқини кўп ҳам баҳам кўрмаган. Хуллас, Жозеф 16 ёшга тўлганда, ўқишини Жозефнинг ўзи тўлаши, ҳатто фермада унинг ўрнини эгаллайдиган ёлланма ишчининг маошини тўлаш шарти билан, отаси ўғлининг коллежда ўқишига розилик берди. Қатъиятлаи йигит Жозеф бундан кўрқмади ва дўстларидан қарз олиб, коллежга ўқишга кирди, бир вақтнинг ўзида ҳуқуқшуносликни ҳам ўрганиб борди.

¹ Яҳованинг Шоҳидлари ташкilotининг асосчиси ким? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/қўпчиликни-қи-зиқтирадиган-саволлар/асосчи/).

Таълимни тугатгандан сўнг Рутерфорд икки йилини судья Е. Л. Эдвардс васийлиги остида ўтказди, у 20 ёшида Миссуридаги Ўн тўртинчи штат судлари учун стенограф вазифасини бажара бошлади.

1892 йил 5 майда у Миссури штатида суд амалиёти учун лицензия олди. Кейинчалик Рутерфорд тўрт йил давомида Миссури штатининг Бунвилл шаҳрида прокурор бўлиб ишлади. Ундан сўнг у Миссури штатининг Саккизинчи округи Ижроя судида махсус судья бўлиб ишлади. Шу сабабли у «судья» Рутерфорд сифатида танилди.

Ж.Ф. Рутерфорд баптистлар оиласида улгайган бўлса-да, у бир мунча вақт атеист бўлган. Унинг сўзларига кўра, у уйланмоқчи бўлганида диний эътиқодига кўра баптист бўлган, бўлажак рафиқаси эса пресвитериан бўлган. Пастор Рутерфордга «*”У (рафиқаси) сувга кириб чиқиши орқали сувга чўммагани учун дўзахда ёнади, у (Рутерфорд) бўлса сувга чўмганлиги сабабли жаннатга боради” деганида, унинг соғлом ақли бунни қабул қила олмаган ва оқибатда Рутерфорд атеист бўлган*». Худо шахс сифатида мавжудлигига яна ишониши учун эса Рутерфордга бир неча йиллик машаққатли изланиш керак бўлган. Рутерфорднинг ўзи айтганидек:

«Ақл рад этган нарсани юрак қабул қила олмайди». «*[Масиҳийлар] улар ишонадиган Муқаддас Ёзувлар ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак. Улар имонлари нимага асосланганлигини билишлари керак*»¹.

Қизиғи шундаки, Рутерфорд ҳали мактабдалигида, ўқишига пул тўлаш учун уйма-уй энциклопедияларни сотган. Бу осон иш эмас эди, кўплаб кескин рад жавоблари бўлган. Бир куни у фермалардан бирига ташриф буюрганида музли оқимга тушиб кетиб, вафот этишига сал қолган. Шунда у агар юрист бўлса ва кимдир ишхонасига китоб сотгани келса, у албатта уларни сотиб олишига ваъда берган. Бу ваъдага амал қилиб, у 1894 йил бошида офисига келган иккита китоб тарқатувчидан Яҳова Шоҳидларининг таълимотлари батафсил баён этилган «Мингйиллик Тонг»ининг учта жилдини

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1997. 1 октябрь. – 6-сах. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1997721).

қабул қилган. Бир неча ҳафта ўтгач, у бу китобларни ўқиб чиққан ва дарҳол Қўриқчи Минораси Жамиятига мактуб ёзган: «Мен ва қадрдон хотиним бу китобларни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдик ва биз уларни Худо томонидан юборилган деб биламиз. Улар билан танишиб чиққанимиз биз учун катта баракадир».

1906 йилда у Муқаддас Китоб Тадқиқотчиси сифатида сувга чўмди. Кейинги йили у Жамиятнинг ҳуқуқшуноси этиб тайинланди, 1917 йилнинг январь ойида эса унинг иккинчи президенти бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Яҳованинг Шоҳидлари структураланган диний ташкилот сифатида айнан Ч. Т. Расселнинг содиқ сафдоши ва дўсти – Ж. Ф. Рутерфорд раҳбарлигида шаклланган.

Бу борада у шундай деб ёзган эди: «Черковнинг ривожланиши бир лаҳзлик иш ҳисобланмайди. Бу босқичма-босқич ўтадиган жараён»¹.

Бошиданоқ Ж. Ф. Рутерфорднинг фаолиятини ҳамма ҳам қўлаб-қувватлайвермади. 1917 йилнинг ёзида Муқаддас Ёзувлар Тадқиқининг VII жилди «Очилган сир» нашр қилинганида бурилиш нуқтаси юз берди.

Китобда христиан оламининг руҳонийлари кескин танқид қилинганлиги сабабли, черков вакиллари ҳукуматни Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг адабиётини тақиқлашга чақиришди. Ушбу қарама-қаршилик натижасида «Очилган сир» 1918 йилнинг бошида Канадада тақиқлаб қўйилди ва АҚШда ҳам қаршиликлар кучайиб борди.

Руҳонийлар томонидан қўзғатилган қаршилик 1918 йил 7 майда АҚШ федерал ҳукумати Ж. Ф. Рутерфорд ва унинг бир қанча энг яқин ҳамкорларини ҳибсга олишга ордер берганида авжига чиқди. 1918 йил ўрталарига келиб эса, Рутерфорд ва унинг етти нафар дўстлари аллақачон Атланта шаҳрининг (Жоржия штати) қамоқхонасида эдилар.

¹ Арфа Божия. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1921. – 286-саҳ.

Биринчи жаҳон уруши бўлаётган эди. Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг бош идораси фаолияти учун жуда зарур бўлган қоғоз ва кўмир етишмаётган эди. Мамлакатдаги ғайриоддий кучли ватанпарварлик саросимаси Жамиятга нисбатан ўта душманлик муносабатни келтириб чиқарди. Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари хоин деб ҳисобландилар. «Олтин аср» (ҳозирги «Уйғонинг!») журналининг 1920 йил 29 сентябрдаги махсус сониди шундай ёзилган:

«1918 йил 29 апрелда Уолнат-Риждаги (Арканзас штати) 61 ёшлик У. Б. Дункан, Эдуард Френч, Чарлз Франк, шунингдек бир Гриффин деган жаноб ва Д. Ван Хоусен хоним ҳибсга олиндилар. Оломон қамоқхонага бостириб кириб, энг беҳаё сўзлар билан ҳақоратлади. Уларни қамчи билан савалашди, смола қуйиб, патлар сепиб, шаҳардан ҳайдаб чиқаришди. Дункан уйига етиб олиши учун 26 миль [42 километр] пиёда йўл юришига тўғри келди; кейин у узоқ вақт тузала олмади. Гриффин ҳужум натижасида деярли кўр бўлиб қолди ва бир неча ойдан сўнг вафот этди» ва ҳоказо¹.

Лекин замон ўзгарди ва 1919 йил 26 мартда ҳукм чиқарилганидан сўнг тўққиз ой ўтиб, Ж. Ф. Рутерфорд ва у билан бирга ҳибсга олинган Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларини гаров эвазига озод қилишди. Кейинги 1920 йил 5 майда *уларга қўйилган барча айбловлар бекор қилинди. Бу уларнинг барчаси суд томонидан тўлиқ реабилитация қилингани, яъни адолатсиз ва ноқонуний қамоққа олингани тасдиқланганининг бевосита далилидир.*

Муҳим тафсилот шундаки, Рутерфорд «1909 йил май ойида рўйхатга олинганидан то 1942 йилда вафот этгунига қадар Қўшма Штатлар Олий судининг адвокатлар ҳайъати аъзоси бўлиб қолган. Ж. Ф. Рутерфорд 1939 йилдан 1942 йилгача Олий судда 14 та шикоят ишини кўриб чиқишда адвокат сифатида иштирок этган»².

¹ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 70-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Время-испытаний-1914-1918/).

² Ўша ерда. – 654-саҳ.

Худди шу даврда Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари биринчи йирик бўлинишни бошдан кечирдилар. Улардан баъзилари Ж. Ф. Рутерфордни Жамият президенти сифатида тан олишдан бош тортдилар. Бу нафақат АҚШда бўлиб ўтди, балки дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам таъсирини ўтказди. Рутерфорд кўпчиликнинг овози билан президентликка қайта сайланганидан сўнг, бунга норозилик билдирганлар Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари билан барча алоқаларини уздилар. Уларнинг кейинги ҳаёти яхши маълум эмас. Улар янги оқим ярага олмадилар ва шунчаки бошқа диний гуруҳларнинг умумий оmmasига аралашиб кетдилар. Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг аксарияти Ж. Ф. Рутерфордни ва Жамиятни қўллаб-қувватладилар.

Бироқ, юқорида айтилганларнинг барчаси нафақат Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг ўсишини секинлаштиради, балки уларга янги куч бағишлагандек бўлди.

Ж. Ф. Рутерфорд президент бўлган 1917 йилдан то 1941 йилгача «Кўриқчи минораси» Жамияти жуда кўп адабиётлар, жумладан, 24 та китоб ва 86 та рисола нашр қилди; бундан ташқари, «Йилнома» доимий равишда чиқарилган¹. 1922 йил 16 апрелда Жозеф Рутерфорд нутқининг биринчи радиоэшиттиришларидан бири бўлиб ўтди, уни 50 000 киши тинглади.

Сўнгра, 1924 йил 24 февралда Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг биринчи шахсий радиостансияси WBVR эшиттириши бошланди. Бу ҳақда «Кўриқчи минораси»нинг 1924 йил 1 декабрь сонидан шундай ёзилган: «Биз радио – бу ҳақиқатни тарқатишнинг ҳозиргача қўлланилган усулларида энг тежамкор ва самаралиси деб ҳисоблаймиз»². 1933 йилга келиб, Жамият Муқаддас Китобга оид мавзулардаги маърузаларни эшиттириш учун 408 та радиостанциядан фойдаланган.

¹ Ўша ерда. – 88-саҳ.

² Кўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2015. 15 ноябрь. – 28-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/w20151115/худонинг-шоҳидиги-юз-йил-бошқармоқда/).

Ташкилот ўсишда давом этди. Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг сони ортиб борди: 1918 йилда 4 000 дан 1935 йилда 56 000 га, кейин эса 1942 йилга келиб 100 000 дан ошди.

1919 йилда Канадада Қўриқчи Минораси Жамиятининг бешинчи филиали ташкил этилди. 1921 йилда бир вақтнинг ўзида олгита янги филиаллар пайдо бўлди. 1923 йилда Рио-де-Жанейрода (Бразилия) филиал ташкил этилди. 1927 йилда Японияда филиал пайдо бўлди. 1933 йилда Қўриқчи минораси Муқаддас Китоб ва Адабиёт Жамияти Эстония ва Руминияда рўйхатга олинди¹. 1933 йил 14 мартда эса Латвияда Халқаро Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг Уюшмаси рўйхатга олинди².

1919 йил 1 октябрда янги «Олтин аср» журналининг биринчи сони нашр этилди. У «Қўриқчи минораси» журналининг ҳамроҳи бўлди.

1937 йил 6 октябрда «Олтин аср» номи «Тасалли» номига ўзгартирилди, 1946 йилда эса «Тасалли» журнали «Уйғонинг!» деб номланди. У шу кунгача шу ном остида чиқарилмоқда.

Яҳова Шоҳидларининг фикрига кўра, «1931 йилда Колумбусда (Огайо штати, АҚШ) бўлиб ўтган анжуман муҳим аҳамиятга эга эди. Айнан шунда «Янги ном» сарлавҳали тарихий қарор қабул қилинди. Ундаги эътиборга лойик сўзлар қуйидагича: «Бизни Яҳованинг Шоҳидлари сифатида танишлари ва шундай деб аташларини хоҳлаймиз»³.

¹ Ежегодник Свидетелей Иеговы. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2006. – 88-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Ежегодник-Свидетелей-Иеговы-2006/Румыния/).

² Ежегодник Свидетелей Иеговы. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2007. – 187-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Ежегодник-Свидетелей-Иеговы-2007/Латвия/).

³ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 82-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Возвещайте-Царя-и-Царство-1919-1941/).

Ўша вақтдан то ҳозирги кунгача ташкилот ушбу ном билан аталади.

Шунингдек, бизни 1938 йил имонлилар жамоатларида оқсоқолларнинг демократик сайланиши ниҳоясига етгани қизиқтиради. Энди оқсоқоллар юқоридан тайинлана бошланди.

Бу диққатга сазовордир, чунки у Яҳова Шоҳидларининг ташкилий тартибининг яна бир қизиқарли хусусиятини таъкидлайди. Шундай қилиб, бир томондан протестантларнинг таниқли «Умумжаҳон руҳонийлик» принципини кўрамиз, унга кўра барча имонлилар ўзаро тенгликка эга ва бир-бирларини «биродарлар» ва «опалар» деб атайдилар. Шу билан бирга, биз оқсоқолларни жамоатларда диний раҳбарликни ўз зиммасига оладиган, илоҳий хизматларни ўтказадиган ва ваъзгўйлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи, гуноҳ иқрорини тинглайдиган, имонлиларнинг гуноҳларини кўриб чиқувчилар сифатида кўрамиз. Бу шахслар жамоат томонидан танланмайди, балки Етакчи кенгаш томонидан тайинланади. Шу билан бирга, оқсоқоллар ҳеч қандай маош олмасалар ҳам, («муқаддас ота», «жаноб ҳазратлари» ва ҳ.к.) каби унвонлар билан аталмасалар ҳам, имонлилар жамоатлари устидан диний раҳбарликни айнан оқсоқоллар амалга оширадилар.

Шунингдек, Яҳованинг Шоҳидлари тарихининг кўриб чиқиладиган даври АҚШ Олий судида имонлилар қўлга киритган бир қатор ёрқин суд ғалабалари билан ҳам қизиқарли бўлиши мумкин. Бу ҳақда батафсил маълумотни Хронологияда, ушбу китобнинг илова-сида топишингиз мумкин.

1930 йилларда дунё буюк турғунликка, нацизм ва миллатчиликнинг кучайишига дуч келди. 1930–1940 йилларда Яҳованинг Шоҳидларига қарши репрессияларнинг янги тўлқини бутун Америка ва Европани қамраб олди. Улар эътиқод эркинлиги ҳуқуқини судда ҳимоя қилишларига мажбур бўлдилар.

Шундай қилиб, 1930 йилларнинг охирида Қўшма Штатларнинг турли шаҳарлари ва штатлари ҳукуматлари Яҳованинг Шоҳидларидан ваъзгўйликда қатнашиш учун расмий рухсат ёки лицензия олишларини

талаб қилишди. Яҳованинг Шоҳидлари бундай рухсатномани берадиган кимсаларнинг ўзлари уларни қайтариб олиши ёки бекор қилиши мумкин деб ҳисоблаганликлари учун, бундай рухсатномани сўраб ҳукуматларга мурожаат қилмадилар. Бу ҳибсга олиш ва узоқ суд жараёнларига айланиб кетган зиддиятга сабаб бўлди.

АҚШ Олий суди баҳсга нуқта қўйди. 1940 йил 20 майда Олий суд бир овоздан Яҳованинг Шоҳидлари фойдасига қарор чиқарди. Бу қарор қандай аҳамияга эга эди? Бу, одамларнинг ўз динига эркин эътиқод қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилди. Энди на федерал ҳукумат, на штат ҳукуматлари, на маҳаллий ҳукуматлар қонуний равишда диний эркинликни чеклай олмасди. Бундан ташқари, суд... «жамият тинчлиги ва тартибига таҳдид» топмади. Шу тариқа, суд қарори «Яҳованинг Шоҳидлари жамият тинчлигини бузувчилар эмаслигини» аниқ кўрсатди¹.

Айтиш керакки, Яҳованинг Шоҳидлари Қуйи инстанция судлари қарорлари устидан шикоят қилиш натижасида фақат АҚШ Олий судининг ўзида 1930–1940 йиллар мобайнида 43 та ишда ғалаба қозонди.

1937 йилдан 1953 йилларгача Яҳованинг Шоҳидларига тегишли бўлган 59 та иш Вашингтондаги Олий судга етиб борган. 1988 йилга келиб эса, АҚШ Олий судида Яҳованинг Шоҳидлари билан боғлиқ 71 та иш кўриб чиқилди, уларнинг учдан икки қисми уларнинг фойдасига ҳал қилинди².

Худди шу каби манзарани Европада ҳам кўриш мумкин, у ерда фақат 2014 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди 57 та иш бўйича Яҳованинг Шоҳидлари фойдасига қарор чиқарган. Ушбу суд қарорларига Европа Кенгашига аъзо барча давлатлар риоя қилинишлари керак³.

¹ Царство Бога правит! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2014. – 138-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/царство-бога/победы/свидетели-иеговы-судебные-разбирательства/).

² Сторжевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2001. 1 июнь. – 19-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/2001404).

³ Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2015. 15 февраль. – 28-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/w20150215/Тангри-Яхова-умумжаҳон-таълим-бериш-ишини-бошқармоқда/).

Жами бўлиб Яҳованинг Шоҳидлари томонидан дунёнинг энг юқори судларида ютиб чиқилган суд жараёнларининг 2013 йилга келиб 243 тага етди¹.

Бу борада профессор Ч. С. Браден ўзининг «Улар ҳам ишонадилар» китобида шундай деб ёзган эди: «... [Яҳованинг Шоҳидлари] ўз фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун курашиб, демократияга катта ҳисса қўшдилар, чунки бу билан улар Америкадаги барча озчиликларнинг ҳуқуқларини таъминлашга анчагина ёрдам кўрсатдилар»².

Олим Чарлз Хейнс Яҳованинг Шоҳидлари ҳақида шундай ёзган: «Биз ҳаммамиз Яҳованинг Шоҳидларидан миннатдор бўлишимиз керак. Қанчалик ҳақорат қилинмасин, қувгин қилинмасин ва ҳатто жисмоний хужумга учрашмасин, улар ўзларининг (ва бизнинг) эътиқод эркинлиги учун курашни тўхтатмаяптилар. Уларнинг галабаси эса бизнинг ҳам галабамиздир»³.

Таниқли ёзувчи ва муҳаррир Ирвинг Диллиард Дрейк университетда қилган чиқишида шундай деди: «Бизга ёқадими ёки йўқми, бизнинг эркинлигимизни ҳимоя қилиши учун Яҳованинг Шоҳидлари бошқа диний гуруҳларга қараганда кўпрогини қилдилар»⁴.

Бизнинг постсовет мамлакатларимизда эътиқод эркинлиги ғояси ҳали анча янги. Жамиятларимиз фуқаролик-демократик эркинликлар доирасида ҳаётни энди бошламоқда ва кучли фуқаролик

¹ Кўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2013. 15 август. – 30-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyril/кутубхона/журналлар/w20130815/элишай-кўраи-олован-отлар/).

² Свидетели Иеговы в двадцатом веке. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1994. – 8-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-в-двадцатом-веке/Их-современное-развитие-и-рост/).

³ Худонинг Шоҳлиги тўғрисида кенг шоҳидлик берайлик. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2009. – 198-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyril/кутубхона/китоблар/кенг-шоҳидлик-бериш/ваъз-қилиш/мени-подшоҳ-ҳукм-этишини-талаб-қиламан/).

⁴ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 699-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Свидетели-Иеговы-терпят-поношение-и-скорби/Защита-и-законное-утверждение-благод-вестии/).

жамияти анъаналарини шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун, шубҳасиз, йиллар ва йиллар, авлодлар алмашинуви керак бўлади. Балки айнан шунинг учун Яҳованинг Шоҳидлари ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари бугунги кунда кекса авлод вакилларидан баъзиларига қонун бузилишидек туюлиши мумкин. Аммо хулосаларингизда эҳтиёт бўлинг. Имонлиларни қонунни бузишда айблаб, сиз беихтиёр ўз ҳуқуқ ва эркинликларингизга зиён етказишингиз мумкин. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, Яҳованинг Шоҳидлари ўз имони ва эътиқодларини бошқалар билан бўлишиш ҳуқуқини нафақат дунё бўйлаб энг обрўли ва эътиборли фуқаролик судларида, балки нацистларнинг ўлим лагерларида ҳам ҳимоя қила олганлар. Охиргиси ҳақида алоҳида гаплашиш жоиз.

1930 йилларнинг бошларида Германияда Яҳованинг Шоҳидлари ва уларни маъқуллаганларнинг сони 25 000 дан 30 000 гача (65 миллионли мамлакат аҳолисидан 0,38 %) эди.

Қўшма Штатлар Холокост ёдгорлик музейининг расмий веб-сайтида (инг. United States Holocaust Memorial Museum) шундай дейилган: «Яҳованинг Шоҳидларига 1933 йилгача ҳам ноҳолис салбий муносабатда бўлишган. Ҳуқумронлик қилаётган католик ва лютеран черковлари уларни бидъатчилар деб билишган. Оддий одамларга кўпинча уларининг миссионерлик фаолияти – уйма-уй юриб, ваъз қилишлари хирахандонликдек туюларди. Бир қатор немис ўлкаларида узоқ вақт давомида миссионерларнинг фаолиятини чеклашга уриниб, бундай “безорилик”ни ноқонуний деб ҳисобловчи қатаъий ҳуқуқий нормаларни жорий қилдилар. Турли вақтларда турли ҳудудларда Яҳова Шоҳидларининг диний адабиётлари, жумладан “Олтин аср” ва “Қўриқчи минораси” туркумидаги рисоаларга тақиқлар қўйилган эди. Бироқ Веймар республикаси даврида Германия судлари кўпинча диний озчиликлар фойдасига қарор чиқарган. Нацистлар ҳокимият тепасига келишидан олдин, партия фаоллари ва штурмчиларни ўз ичига олган алоҳида маҳаллий нацист гуруҳлари қонундан ташқари ҳаракат қилиб, Муқаддас

Китобни ўрганишга мўлжалланган жамоатларга бостириб кириб, жамоат аъзоларига ҳужум қилишарди»¹.

Гитлернинг ҳокимият тепасига келишини Яҳованинг Шоҳидлари жуда салбий қабул қилдилар.

«Олтин аср» (кейинчалик «Тасалли») журналида Германияда ҳарбий таранглик кучайиб бораётганига тез-тез эътибор қаратилади. 1929 йилда, Гитлер ҳокимият тепасига келишидан уч йилдан кўпроқ вақт олдин, «Олтин аср» журналининг немис нашрида шундай дейилган эди: «Миллий социализм – бу.. инсониятнинг душмани Иблисга тўғридан-тўғри хизмат қиладиган ҳаракатдир».

Гитлер 1933 йил 30 январда Германия канцлери бўлди ва икки ой ўтиб, 1933 йил 4 апрелда Яҳова Шоҳидларининг Магдебургдаги филиали қўлга олинди.

1933 йилнинг ёзига келиб, Германиянинг кўп ерларида Яҳова Шоҳидларининг фаолияти тақиқланган эди.

Бутун Германия бўйлаб ўша йилларда Яҳова Шоҳидлари сиёсатда қатнашишдан, «Хайль Гитлер» дейишдан, мавжуд тузумни қўллаб-қувватлашдан ва миллий социализм мафкурасига шерик бўлишдан бош тортдилар. Жангари нацистларнинг, ҳарбий хизматни ўташдан бош тортган, Ватанга сўзсиз садоқатни тан олмаган, яъни миллий социалистларнинг фикрига кўра, ҳар бир немис мажбур бўлган ишни қилмаган немисларга бўлган муносабатини бир тасаввур қилиб кўринг.

«Яҳова Шоҳидларининг нацизмга қарши кўрсатган жасорати» хужжатли фильмида ўша йиллар гувоҳларининг ҳикоялари келтирилган. Ўша йилларда босимга учраган бир Яҳова Шоҳидининг сўзлари: «Немисларнинг саломига жавоб бериш учун 2 000 та одамдан қўл кўтармаган фақат ёлғиз мен эдим. [...] Ҳар кун мен учун синовга айланди, чунки мен буни қилишим керак эди...»².

¹ Holocaust Encyclopedia. Эл. манбара қ. (encyclopedia.ushmm.org/content/ru/article/jehovahs-witnesses-in-germany-from-the-1890s-to-the-1930s).

² Мужество Свидетелей Иеговы перед лицом нацизма. Хужжатли фильм. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1996.

Бу катта жасорат ва қатъий ҳаракат талаб қиладиган жуда оғир дамлар эди. «Кўриқчи минораси» 1933 йил 1 ноябрь сонида «Улардан кўрқманглар» номли мақола чоп этилди, бу айнан немис Шоҳидлар учун ёзилган бўлиб, уларни ўсиб бораётган босим олдидан жасоратли бўлишга чорлади¹.

Худди шу йили кўплаб хабарлардан биринчиси Германияда концлагерлар мавжудлиги ҳақидаги хабар «Олтин аср» журналида чиқди.

1934 йил 9 февралда Ж. Ф. Рутерфорд Гитлерга норозилик мактубини йўллади: «Сиз балким ҳар қандай одамга ва бутун инсониятга қарши тура оларсиз, лекин сиз Тангри Яҳова олдидан туролмайсиз. [...] Яҳова Худо ва Унинг мойланган Шоҳи Исо Масиҳ номидан, сизнинг ҳукуматингизда ишловчи барча мансабдор шахслар, Германияда яшовчи Яҳованинг Шоҳидларига тинчгина йиғилишларни ўтказишларига ва Худога тўсқинликларсиз топинишларига рухсат беришлари ҳақида буйруқ беришингизни талаб қиламан»².

Нацистлар Рутерфорднинг талабига кўплаб Яҳованинг Шоҳидларини янги қурилган концлагерларга юбориб, қатағонни кучайтириш билан жавоб беришди³.

Фақат 1934 йил давомида 4 000 га яқин Яҳова Шоҳидларининг уйларида тинтув ўтказилганлиги, 1 000 дан ортиқ Шоҳидлар ҳибсга олингани, улардан 400 га яқини концлагерларга жўнатилгани ҳақида хабар беришди; 200 га яқин шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари бўлган. Ҳар бир зарбада: «Сен ҳали ҳам Яҳовага ишонасанми?» – деган савол берилган⁴. Шу йил Яҳованинг Шоҳидлари Дахау концлагерига биринчилардан бўлиб тушишди.

¹ Пробудитесь! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1995. 8 декабрь. – 7-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/101995603).

² Ўша ерда. – 7-саҳ.

³ Ўша ерда. – 8-саҳ.

⁴ Ўша ерда. – 8-саҳ.

1934 йил 7 октябрь куни эрталаб соат 9 да бутун Германия бўйлаб барча «Бибелфоршерлар»¹ гуруҳлари Германия ҳукумати амалдорларига мактуб йўлладилар. Мактубларда шундай дейилган эди: «Сизнинг қонунингиз Худонинг қонунига тўғридан-тўғри зиддир... Шунинг учун билинги, биз ҳар қандай ҳолатда ҳам Худонинг амрларига риоя қиламиз, Унинг Каломини ўрганиш учун йиғиламиз ва У буюрганидек Унга сажда ва хизмат қиламиз»². Шу куни 49 та давлатларда Яҳованинг Шоҳидлари махсус учрашувда йиғилиб, Гитлерга қўйидаги телеграммани жўнатишди: «Сизнинг Яҳованинг Шоҳидларига бўлган даргазаб муносабатингиз бутун дунё бўйлаб виждонли одамларни саросимага солиб, Худонинг исмини ҳақорат қилмоқда. Яҳованинг Шоҳидларини таъқиб қилишни бас қилинг, акс ҳолда Худо сизни ва миллий социалистик партиянгизни йўқ қилади»³.

Айтишларича, Гитлер: «Бу ҳаромлар Германияда йўқ қилинади!» – деб бақирган⁴.

1938 йилда Яҳованинг Шоҳидлари «Фактлар билан юзма-юз» рисоласини нашр этишди. Унда шундай дейилган эди: «Биз ҳақиқатни айтишимиз ва огоҳлантиришимиз керак... Биз тоталитар давлат... – бу Шайтоннинг иши эканлиги ва Худонинг Шоҳлиги ўрнига хизмат қилаётганига аминмиз»⁵. Яҳованинг Шоҳидлари, шунингдек, уларнинг яҳудийлар, поляклар, ақлий ва жисмоний ногиронлар ҳамда бошқаларга нисбатан ваҳшийларча қилган ҳаракатларини очиқдан-очиқ қораладилар.

1938 йил 2 октябрда Рутерфорд ўзининг «Фашизм ёки эркинлик» номли нутқини бутун дунё бўйлаб 50 дан ортиқ радиостанциялар орқали эшиттирди. Ушбу нутқида Рутерфорд яҳудийларга

¹ Германияда Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларини («Муқаддас Китоб Тадқиқотчиси» нем. тилидан Bibelforsher) Бибелфоршерлар (кейинчалик – Яҳованинг Шоҳидлари) деб аташарди.

² Пробудитесь! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1995. 22 август – 8-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/101995603).

³ Ўша ерда. – 8-саҳ.

⁴ Ўша ерда. – 8-саҳ.

⁵ Ўша ерда. – 9-саҳ.

бўлган шафқатсиз қувғинларга қарши гапирди: «Аслида немисларнинг ўзлари тинчликсевар инсонлардир», деб эълон қилди Рутерфорд, «Иблис ҳокимиятни ўзининг ноибни – ақлдан озган, шафқатсиз, ёвуз ва тошбағир инсонга – Гитлерга берди... У, яҳудийларни бир вақтлар Яҳова билан бирликда бўлганлиги ва Яҳованинг исми билан аталганлиги учун ва Исо Масих яҳудий бўлганлиги сабабли, уларни шафқатсизларча қувғин қилмоқда»¹.

1938 йилда Берндаги (Швейцария) Яҳованинг Шоҳидлари филиали «Масихийликка қарши салиб юриши» китобини нашр этди (Kreuzzug gegen das Christentum). Дастлаб у немис тилида нашр этилган, кейин эса француз ва поляк тилларига таржима қилинган. Германиядаги Яҳованинг Шоҳидлари гуруҳлари томонидан тўпланган маълумотларга асосланиб, китобда Шоҳидларнинг нацистлар томонидан шафқатсиз ва аёвсиз таъқиб қилиниши ҳақида батафсил маълумот берилган ҳамда Заксенхаузен ва Эстервеген концлагерлари хариталари бириктирилган. Нобель мукофоти совриндори Томас Манн уни ўқиб чиққандан сўнг, шундай деб ёзди: «Ушбу ҳужжатли далиллар, мени ҳайратда қолдирган даҳшатли фактларни ўз ичига олади»².

1939 йилга келиб, Иккинчи жаҳон уруши бошланганида, 6 000 та Шоҳидлар лагерларга сургун қилинган ва қамоққа ташланган эди, у ерда улар бошқалардан ажратиб турадиган белги – бинафшаранг учбурчак тақишган. Улар маҳбусларнинг алоҳида тоифасини ташкил этувчи ягона диний гуруҳ эди.

Лагерларда нацистлар «Бибелфоршерларга» битим таклиф қилишарди: ҳар бир Шоҳид ўз эркинлигини, эътиқодидан воз кечиши тўғрисидаги имзо эвазига олиши мумкин эди. Имзо қўйиш, эътиқодингиздан воз кечишингиз, Германия ҳукуматини олий ҳокимият сифатида тан олишингиз, Гитлерга ихтиёрий равишда бўйсун-

¹ Ўша ерда. – 9-сах.

² Тень Холокоста. Материалы II международного симпозиума «Уроки Холокоста и современная Россия». – М., 4–7 май, 1997. – 102-сах.

пингиз ва Муқаддас Китобни ёлғон таълимот деб тасдиқлашингизни англашарди. Бундай хужжатни фақат санокли одамларгина имзолаган.

Босим фақат катта ёшдаги Яҳованинг Шоҳидларига нисбатан қўлланилмаган. Гестапо 800 дан ортиқ болаларни Яҳованинг Шоҳидлари ота-оналаридан тортиб олган. Улар кўпинча нацист мактаблари ва болалар уйларига юборилар эди, у ерда ўқитувчилар ва директорлар болалардан «Хайль Гитлер» деб айтишни, байроқни шарафлашни ва нацист қўшиқларини куйлашни талаб қилишарди. Болалар рад этишарди. Бунинг оқибатларини тасаввур қилиш мумкин. 1933–1945 йиллар давомида Германияда Яҳова Шоҳидларининг 97 фоизи у ёки бу тарзда таъқибларга учраган ва уларнинг 2 000 дан ортиғи лагерларда ҳалок бўлган¹.

Яҳованинг Шоҳидлари энг шавқатсиз қийноқларга дучор бўлишган: «Уларни тез-тез калтаклашарди, кейин эса қўриқчиларнинг қувноқ кулгиси остида ҳушидан кетгунича ёки йиқилиб тушгунларича соатлаб ўтириб-туришга, сакрашга ва эмаклашга мажбур қилишган. Баъзиларни яланғоч ёки ярим яланғоч ҳолда совуқда туришга мажбурлашарди. Кўпчиликни ҳушидан кетгунича, орқалари эса қонга бўялмагунча қамчилашарди». Баъзиларнинг қўлларини орқасига боғлаб, билакларидан уч метрли устунга осиб қўйишган ва ҳоказо. Шу билан бирга, нафақат эркаклар, балки аёллар, ҳатто кексалар ҳам зўравонликларга дучор бўлганлар².

Шахсан мени, нацистларнинг Заксенхаузен лагерида маҳбус бўлган Яҳова Шоҳиди Август Дикманнинг жасорати ҳақидаги ҳикоя жуда ҳайратда қолдирди.

«Август Дикман 1937 йилда Заксенхаузен концлагерида қамоққа олинган. 1939 йилда Иккинчи Жаҳон уруши бошланганидан уч кун ўтгач, унга ҳарбий хизматга чақирув қоғозини имзолаш

¹ Неизвестные страницы истории. – По материалам конференции «Уроки репрессий» – СПб., 2000. – 28-саҳ.

² Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 660-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/).

буюрилди. У рад этганида, лагерь бошлиғи ССчилар (Schutzstaffel – Гитлернинг элита кўриқлаш бўлинмалари) бошлиғи Гейнрих Ҳиммлер билан боғланиб, Дикманни барча лагерь махбуслари олдида қатл қилишга рухсат сўради. 1939 йил 17 сентябрда Германиядан “Нью-Йорк Таймс” газетасига қуйидаги хабар жойлаштирилди: “29 ёшли Август Дикманн... шу ерда махсус отряд томонидан отиб ташланди”. Газетада таъкидланишича, *у уруш йилларида диний сабабларга кўра ҳарбий хизматдан бош тортган биринчи немис бўлган*.

Орадан 60 йил ўтиб, 1999 йил 18 сентябрда Бранденбург ёдгорлик фонди томонидан Дикман вафотининг йиллиги нишонланди ва унинг хотирасига лагерьга ташриф буюрганларга Дикманнинг жасорати ва мустаҳкам эътиқоди ҳақида ҳикоя қилувчи ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Собиқ концлагернинг ташқи деворидаги яна бир лавҳа одамларга Дикман сингари 900 га яқин Яҳованинг Шоҳидлари Заксенхаузен қамоқхоналарида эътиқодлари учун азоб чекканликларини эслатиб туради»¹.

Макс Либстер ўзининг «Даҳшат ўчоғида» биографик китобида Дикман қатл этилгандан кейин лагерьда содир бўлган воқеани шундай тасвирлайди: «Менинг барақдаги қўшним Bibelforscher Эрнст Вауер 1939 йилнинг баҳоридан бери Заксенхаузенда бўлган ва бу қатлни кўрган. Унинг сўзларига кўра, Дикман қатл этилганидан сўнг, комендант бинафшаранг учбурчак таққан 400 та киши ўз жойларидан силжимасданоқ, эътиқодларидан воз кечишига шубҳа қилмаган. Улар ўз эътиқодларидан воз кечиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолашлари мумкин эди. Бирорта ҳам одам буни қилмади ва уларнинг ҳаммаси ҳолсизликдан йиқилмагунча, ССчилар уларни Strafsport воситасида қийноққа солишган. ССчилар уларни ерда қимирламай ётган ҳолда таёқлар билан уришган. Шунга қарамай “бинафшаранг учбурчаклар”нинг ҳеч бири ўз имонларидан қайт-

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2000. 1 май. – 32-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/2000328).

мадилар. Кўп вақт ўтганига қарамай, бутун лагердагилар фақат шу ҳақда гапиришгани ажабланарли эмас»¹.

2009 йил июль ойида ёқимли жуфтлик Матиас ва Олена Линдемман ҳамроҳлигида мен собиқ Заксенхаус концлагерига ташриф буюрдим. Биз Август Дикманн хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳасини топдик. Унда мана шу сўзлар ўйиб ёзилган эди:

«Яҳова Шоҳиди Август Дикманн (1910 йилда туғилган) хотирасига. Бошқаларнинг кўз олдига [у] диний эътиқодига кўра ҳарбий хизматдан бош тортгани сабабли 1939 йил 15 сентябрда ССчилар томонидан отиб ташланган».

Биз узоқ вақт жим турдик...

Олти минг Шоҳидлардан икки минг нафари нацистлар қамоқхоналарида ҳалок бўлди, улардан 250 дан ортиғи ҳарбий хизматдан бош тортгани учун қатл этилди. Аммо тирик қолганлар жасорат мўжизаларини кўрсатдилар. Масалан, Қаршилик ҳаракати аъзоси ва генерал Шарль де Голлнинг жияни Женеве де Голльнинг гувоҳлиги: *«Мен бу одамлардан доим ҳайратланаман, чунки улар эътиқоддан воз кечишга имзо чекиш билан истаган вақтда озод бўлишлари мумкин эди... Жуда заиф ва мадорсиз кўринган бу аёллар куч ва ҳокимиятга эга бўлган ССчилардан кучлироқ бўлиб чиқди. Аммо ўша аёлларда ҳеч ким синдира олмаган куч – ирода кучи бор эди»*².

Нега айнан нацистлар ҳокимият тепасига келишидан бир йил олдин, Веймар Республикаси полицияси томонидан «филантропик ва пацифистик» деб таърифланган Яҳова Шоҳидларининг фаолияти нацистлар режимининг нафратини уйғотди?

Американинг геноцид ёдгорлик музейи қошидаги тадқиқот институти директори, доктор Майкл Баренбаум кейинчалик шундай

¹ Либстер М. В горниле ужаса. Рассказ человека, прошедшего через фашистский террор. – М.: Особая книга, 2007. 86–87-сах.

² Иваненко С. И. О людях, никогда не расстающихся с Библией. – М.: Арт-Бизнес-Центр, 1999. 37–39-сах.

деб ёзди: «Булар қилган ишлари (ёки кимлиги) учун эмас, балки қилишдан бош тортганлари учун таъқибга учраган ягона одамлардир»¹.

Улар жиноий уюшган жамият ҳаётида иштирок этмасликни эркин равишда танлаганликлари учун судланган. Шу билан бирга, Яҳованинг Шоҳидлари зўравонлик билан қаршилик кўрсатишнинг анъанавий усуллари ишлатишмаган.

Вена университети профессори Вальтер Маношек Шоҳидларга нисбатан нацистларнинг нафратини қуйидагича изоҳлади: «Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан кейин нацистларнинг ҳарбий судлари, диний сабабларга кўра ҳарбий хизматни ўташдан бош тортганларга нисбатан раҳм-шафқатсиз муносабатда иш кўрар эди. “Volksgemeinschaft” нинг нацистлар мафкураси – миллий бирлик – ҳеч қандай оғишларга тоқат қилмасди. Ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш тўғрисидаги инсоннинг шахсий қарори, миллий социалистларнинг бутун дунё қарашига қарши чиқиши деб қаралар эди. Ахир режимга Вермахт олий бош қўмондони Адольф Гитлерга содиқлик қасамёдини келтиришдан бош тортишдан кўра аниқроқ қаршилик йўқ эди. Ушбу рад этганларнинг қарийб 90 фоизи Яҳованинг Шоҳидлари эди, иккита энг йирик христиан черкови – католик ва протестант черковига мансуб бўлганлар орасида эса бундай жасур одамлар фақат ўндан бир оз кўпрогини ташкил этди»².

Равенсбрюк концлагерида Яҳованинг Шоҳидларидан бўлган аёллар ҳақида Женеве де Голль озодликка чиққанидан кейин шундай деб ёзган: «Мен улардан ҳайратланаман. Улар турли миллат вакиллари бўлишган: немислар, поляклар, руслар ва чехлар ва улар ўзларининг эътиқодлари учун энг қийин азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар. [...] Уларнинг барчаси катта жасорат кўрсатдилар ва охир-оқибат ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳатто ССчилар ҳурмати қозондилар. Агар улар ўз эътиқодларидан воз кечишганида, дарҳол озод қилинардилар. Аммо улар қаршилик кўрсатишидан

¹ Энциклопедия для детей. 6 жылд. Религии мира. 2 қисм. 5 нашри (қайта кўриб чиқилган ва кенгайтирилган). – М.: Аванта, 2004. – 414-саҳ.

² Раммерсторфер Б. Несломленная воля. – М.: Особая книга, 2011. – 19-саҳ.

тўхтамадилар. Улар ҳатто лагерга китоб ва бошиқа адабиётларни олиб киришига ҳам муваффақ бўлишди»¹.

Тарихнинг ушбу босқичи ҳақидаги суҳбатни якунлар эканман, 1945 йил 20 ноябрдан 1946 йил 1 октябргача бўлиб ўтган – фашистлар Германиясининг собиқ раҳбарлари ва асосий ҳарбий жиноятчилари устидан, дунёга машҳур халқаро Нюрнберг суд иши жараёнининг баён номаларига эътибор қаратишни зарур деб биламан. Ушбу жараённинг ҳужжатларида Яҳованинг Шоҳидлари ҳақида эслатмалар бор. Мана кўп жилдли стенограммдан парчалар:

АҚШ прокуратураси вакили полковник Р. Стори таъкидлади: «Учинчи даражали»² терговлар фақат коммунистлар, марксистлар, “Яҳованинг Шоҳидлари”, диверсантлар, террорчилар, Қаршилиқ ҳаракати аъзолари, парашютчилар ва жамиятга қарши элементлар, поляк ёки совет-рус дайдиларига қарши қўлланилиши мумкин... “Учинчи даража”, вазиятга қараб, бошқалар қаторида, қуйидаги усулларни ҳам ўз ичига олади: жуда оддий парҳез (нон, сув), қаттиқ тўшак, қоронғи камера, уйқудан маҳрум этиш, заифлаштирувчи машқлар, калтаклаш».

Нацистларнинг Учинчи Рейхи қулаганидан сўнг, Яҳованинг Шоҳидлари сиёсий қатағон қурбонлари сифатида тан олинган. Маҳбус Шоҳидлар ҳақида китоблар ёзилмоқда, Германияда кўчалар уларнинг номи билан аталмоқда, уларга ҳайкаллар ўрнатишмоқда. Нега Европа жамияти уларга бундай ҳурмат кўрсатди? Бу саволга қисман жавобни Бернард Раммерсторфер беради, у фашистларнинг концлагерларида омон қолган, виждон ва имонини сақлаб қолган Яҳованинг Шоҳиди Леопольд Энглейтнернинг ҳайратда қолдирадиган жасорати ҳақида ҳикоя қилади:

¹ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 664-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Свидетели-Иеговы-терпят-поношение-и-скорби/Ненавидимы-всеми-народами/).

² Нюрнбергский процесс. Сборник материалов в 8-ми томах. (Лебедева Н. С., Кульков Е. Н.) – М., 1997. 7 жилд. 231- саҳ. (Стенограмманинг асли: www.loc.gov/tr/frd/Military_Law/NT_major-war-criminals.html).

«Леопольд Энглеитнер каби одамлар Австрияда сўз, эътиқод ва матбуот эркинлиги учун курашининг кашшофлари бўлган, чунки уларнинг мустахкам эътиқоди ҳукуматни келажакка қарашга, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат қилишга мажбур қилган... Ҳозирги пайтда одатий ҳол сифатида қабул қилинадиган асосий ҳуқуқлар ҳақида улар биринчи бўлиб гапиришган. Маълум даражада мана шу жасур одамлар туфайли, бизда энди суд томонидан таъқиб қилинишидан қўрқмасдан ўз фикримизни айта олиши имконимиз бор. Ўша пайтда бунинг ҳали имкони йўқ эди ва Леопольд Энглеитнер каби одамларга азоб-уқубат келтирарди. Лекин айнан улар озодлик сари йўл очиб бердилар ва бугун биз бағрикенгроқ бўлдик, инсоннинг асосий ҳуқуқлари эса ҳурмат қилиниб, эътироф этилди. Уларнинг ҳар бири замонавий жамият учун катта хизмат кўсатди»¹.

Китобнинг охирида ташкилот тарихининг йиллар бўйича батафсил хронологияси келтирилган. Мен ўқувчи эътиборини муҳим тафсилотга қаратмоқчиман – Яҳованинг Шоҳидлари фаолиятига тақиқ деярли ҳар доим фақатгина диктаторлик тузумлари томонидан қўйилган. Фақат жаҳон урушлари даври бундан истисно – ўшанда тақиқ демократик мамлакатларда ҳам жорий қилинган, лекин бу яна ҳарбийлар босими остида ва фуқароларнинг барча ҳуқуқларини чеклашнинг умумий тўлқини таъсирида бўлган.

Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳуқуқни ҳомоялувчи жаҳон институтлари Яҳованинг Шоҳидларини ўзлари яшаётган мамлакатларда эркинлик ва демократия даражасини аниқлашда «лакмус қоғоз» деб ҳисоблайди. Улар фаолиятининг тақиқланиши, бу шубҳасизки авторитаризмнинг кучайиши ва бутун жамиятнинг демократик эркинликларининг нобуд бўлишидан далолатдир. Демак, кейинги сафар Яҳованинг Шоҳидларини тақиқлаш ҳақидаги даъватларни эшитганингизда, фикр юритишингизга сабаб бўлади, шундай эмасми?

¹ Раммерсторфер Б. Несломленная воля. – М.: Особая книга, 2011. – 410-саҳ.

Келинг ташкилот тарихига қайтайлик.

Жозеф Франклин Рутерфорд 1919 йилда оғир пневмония билан қамоқдан озод қилинди ва шундан сўнг унинг фақат битта ўпкаси соғлом қолди. 72 ёшида у оғир операцияни бошдан кечирди. Унинг соғлиги кескин ёмонлашди ва 1942 йил 8 январь пайшанба куни вафот этди.

Жамият Президенти лавозимини Ж. Ф. Рутерфорд ўрнига 1942 йил 13 январда **Нейтан Хомер Норр (1905–1977)** эгаллади.

Нейтан Хомер Норр 1905 йил 23 апрелда Бетлехем шаҳрида (АҚШ, Пенсильвания штати) туғилган. У 16 ёшида Аллентаундаги Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг учрашувига қатнаша бошлаган.

1922 йилда у Огайо штатининг Сидар-Пойнт шаҳрида бўлиб ўтган анжуманга ташриф буюрган, шундан сўнг у илгари мансуб бўлган Ислоҳот черковини тарк этишга қарор қилган. Кейинги йили, 1923 йил 4 июлда, 18 ёшли Нейтан Яҳованинг Шоҳиди сифатида сувга чўмган ва ярим йилдан сўнг, Бруклиндаги Яҳованинг Шоҳидлари марказида ишлаб бошлаган.

1932 йилдан бошлаб у Яҳованинг Шоҳидлари фаолиятини бошқаришда турли масъулиятли лавозимларни эгаллаган ва 36 ёшида Қўриқчи минораси Муқаддас Китоб ва Адабиёт Жамиятининг президенти бўлди. Унинг туғма ташкилотчилик қобилияти Жамиятнинг бутун дунё бўйлаб филиалларига раҳбарлик қилиш ишларида, шунингдек, узоқ давомли сафарлар ва чиқишларида тўлиқ рўёбга чиқди.

Вақтлар жуда оғир эди. Иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан эди.

Н. Норр президентлигининг бошиданок ташкилотнинг таълим дастурларини кенгайтириш билан шуғулланди. 1942 йилнинг февраль ойидаёқ Яҳованинг Шоҳидлари учун нотиклик курслари жорий этилди ва 1943 йилда миссионерларни тайёрлаш бўйича «Гиллад номли Муқаддас Китоб мактаби» ташкил этилди.

Н. Норрнинг рафиқаси Одри Хайд бу вақтни шундай эслайди: «Нейтан жуда узоқни кўра оладиган бўлган – у ҳар доим келажакдаги ўсишни ҳисобга олган ҳолда режалар тузган. Баъзилар буни

мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблашган, чунки бу дунёнинг охири жуда тез келиши кутилган эди. Нейтаннинг режаларини кўрган бир биродар ҳатто шундай деди: “Бу нима, Норр биродар? Сизнинг имонингиз қаерда?” Нейтан шундай жавоб берди: “Менинг имоним жойида, лекин агар биз ўйлаганимиздай охирад яқинда келмаса ҳам, биз барибир тайёр тураемиз”»¹.

1942 йил 18–20 сентябрда Кливлендда (АҚШ, Огайо штати) «Янги Дунё» тарихий анжумани бўлиб ўтди, унда Жамиятнинг янги президенти Н. Норр «Тинчлик. У қанча давом этади?» нутқи билан чиқди. Н. Норр ўз нутқида «ўша пайтда давом этаётган Иккинчи жаҳон уруши, баъзилар ўйлаганидек, Армагеддон билан тугамаслигини, балки ундан кейин тинчлик даври келишини таъкидлади. Яҳованинг Шоҳидлари Худонинг Шоҳлигини эълон қилишда давом этишлари керак эди. Йиғилганлар, ташкилотнинг кутилаётган ўсишини ҳисобга олган ҳолда, Жамият келгуси ойдан бошлаб, жамоатларга ёрдам бериш учун “нозир биродарларни” юборишини эшитишди. Ҳар бир жамоатга нозир ҳар ярим йилда бир марта келиши керак эди»². 1943 йилда Яҳова Шоҳидларининг ҳафталик қўшимча учрашуви – ваъзгўйлик хизматида тайёрловчи махсус дастур жорий этилди³.

Ўқувчиларга эслатиб ўтаманки, 1942 йилда урушнинг тугаши ва урушдан кейинги дунё тартиби ҳақида қандай бўлмасин башорат қилиш гўят таҳликали эди. Сталинград жанги 1943 йил бошидагина

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2004. 1 июль. – 27-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/w20040701/Счастливая-жизнь-несмотря-на-горести/).

² Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 93-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Возвещать-благую-весть-не-переставая-1942-1975/).

³ Свидетели Иеговы объединенно творят волю Бога по всей земле. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1994. – 11-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-объединенно-творят-волю-Бога-по-всей-земле/Иегова-собирает-и-оснащает-свой-народ-для-дела/).

тугади ва Иккинчи Жаҳон урушининг бурилиш нуқтаси ҳали келмаган эди. Бироқ бу Н. Норрни қатъий «имонли одам» сифатида тасвирлайди.

Н. Норр Муқаддас Китобнинг нашр этилишига ҳам катта ғамхўрлик кўрсатди. Шундай қилиб, ҳали 1942 йил 18 сентябрь ойида биз юқорида айтиб ўтган Яҳова Шоҳидларининг «Янги Дунё» анжуманида Жамият президенти «“Муқаддас Рухнинг қилочи”ни тақдим этамиз» нутқи билан чиқди ва унда у Қўриқчи Минораси Жамиятининг Бруклин босмахонасида чоп этилган Муқаддас Китобнинг биринчи тўлиқ нашри чиққани ҳақида эълон қилди. Бу «Қирол Яковнинг Муқаддас Китоби» бўлиб, ҳошияларида изоҳлари бор эди. Жами бўлиб, Муқаддас Китобнинг ушбу таржимаси тахминан 700 000 нусхада чоп этилган ва тарқатилган¹.

Аммо асосий воқеа ҳали олдинда эди. 1946 йилдан бери Нейтан Норр, Яҳованинг Шоҳидлари Муқаддас Китобнинг асл тиллардан ўтирилган, ўқувчиларга аниқ ва тушунарли бўлган таржимасига муҳтож деб ўйларди. Шундай қилиб, 1950 йил 2 августда Нью-Йоркдаги «Янки» стадионида бўлиб ўтган Яҳова Шоҳидларининг тарихий халқаро анжуманида «Масихий Юнонча Ёзувлар – Янги Дунё Таржимаси» нашр этилгани эълон қилинди. Ибронийча Ёзувларнинг таржимаси кейинроқ, 1953 йилдан 1960 йилгача, изоҳлар билан бешта алоҳида жилд шаклида нашр этилди. Бу нашрлар асосан Яҳова Шоҳидларининг ўзлари учун мўлжалланган бўлиб, Муқаддас Китобни ўрганиш учун кўплаб қўшимча маълумотни ўз ичига оларди. Тарқатишга мўлжалланган Муқаддас Китоб нашри 1961 йилдагина нашр этилди. Ўшандан бери Яҳованинг Шоҳидлари Муқаддас Китобнинг ушбу таржимасини доимий равишда янгилаб, такомиллаштириб ва қайта нашр этиб келмоқда.

Яҳова Шоҳидларининг ўзлари ёзганидек: «“Янги дунё таржимаси” – бу Муқаддас Китоб ёзилган тиллардан: иброний, оромий ва юнон тилларидан ўтирилган янги таржима. Бу ҳеч қандай бошқа

¹ Царство Бога правит! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2014. – 84-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/царство-бога/проповедь/инструменты/).

инглиз тилидаги таржиманинг таҳрири эмас; услуби, луғавий таркиби ва мароми жиҳатидан у бошқа ҳеч бир таржималарга ўхшамайди. Ибронийча-Оромийча Ёзувларнинг таржимаси учун Рудольф Киттель томонидан ёзилган “Biblia Hebraica” Ибронийча Ёзувларининг умум эътироф этилган матнининг 7, 8 ва 9 нашри (1951–1955) асос бўлиб хизмат қилган. “Изоҳли Янги дунё таржимаси”нинг ҳаволаларида келтирилган маълумотларни янгилашда, Ибронийча Ёзувлар матнининг 1977 йилда “Biblia Hebraica Stuttgartensia” номи билан чиқарилган янги нашри ишлатилган. Масиҳий Юнонча Ёзувлар асосан Весткотт ва Хорт томонидан тайёрланган юнонча матннинг танқидий нашридан таржима қилиниб, 1881 йилда нашр этилган. “Янги дунё таржимаси” Қўмитаси шунингдек бошқа юнонча матнлар, хусусан Нестле юнонча матнига ҳам мурожаат қилган (1948)... Қўмита Муқаддас Китобнинг ёрқин ва аниқ таржимасини тайёрлади. Матн тушунарли ва жонли бўлиб чиқди, бу эса Худонинг Каломини янада чуқурроқ тушунишга ва уни ўрганишдан мамнуният топишга ёрдам беради»¹.

Дарвоқе, ўзбек тилида Муқаддас Китоб «Янги дунё таржимаси»нинг қайта кўриб чиқилган нашри 2017 йилда, рус тилида эса 2021 йилда нашр этилди.

Н. Х. Норр томонидан ўлимидан сал олдин амалга оширилган сўнгги ташкилий ўзгаришлардан бири – Етакчи кенгаш тузилишини қайта ташкил қилиш бўлган. 1976 йилда маъмурий ваколатлар бўлинди ва Етакчи кенгаш аъзолари кирадиган олтига қўмитага топширилди².

Яҳованинг Шоҳидлари тушунтиришича, бу ислоҳотларга бўлган эҳтиёж уларнинг милодий биринчи асрдаги масиҳийлар (ҳаворийлар) жамоаси намунасига мос келиш истаги билан боғлиқ

¹ Все Писание вдохновлено Богом и полезно. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2004. – 355-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Все-Писание-вдохновлено-Богом-и-полезно/Урок-номер-7-Библия-в-наше-время/).

² Свидетели Иеговы в двадцатом веке. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1994. – 9-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-в-двадцатом-веке/Их-современное-развитие-и-рост/).

эди. «1964 йилдан 1971 йилгача Етакчи кенгаш назорати остида Муқаддас Китобни чуқур ўрганиш ишлари олиб борилди, унда бошқа нарсалар қатори биринчи асрдаги масиҳийлар жамоати қандай ташкил этилгани ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу туфайли, биринчи асрда жамоатлар устидан назорат битта оқсоқол ёки нозир томонидан эмас, балки оқсоқоллар кенгаши томонидан амалга оширилганлиги аниқ бўлди»¹.

Нима учун бу маъмурий ислоҳот шунчалик муҳим эди?

Биринчидан, ташкилотнинг ўсиши бунга сабаб бўлди. Шундай қилиб, 1953 йилда ваъзгўйларнинг энг кўп сони қарийб 520 000 нафарга етди. Н. Х. Норрнинг ғайратли фаолияти туфайли барча бешта қитъаларда филиаллар ташкил этилди. 1955 йилга келиб уларнинг сони 77 тага етди².

Иккинчидан, 1971 йил сентябрь ойида халқаро ташкилотга бирон бир шахс эмас, балки бутун Етакчи кенгаш бошчилик қилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Етакчи кенгашининг раиси унинг аъзолари орасидан навбатма-навбат – алифбо тартибида сайланадиган бўлди.

Ўша пайтнинг ўзида, 1972 йил октябрь ойидан бошлаб бу ислоҳот ҳар бир жамоатда амалга оширилиши кераклиги тўғрисида қарор қабул қилинди, бу туфайли, биринчидан, муҳим қарорларни қабул қилишда биргина оқсоқол эмас, балки ўзаро тенг ваколатларга эга бўлган оқсоқоллар кенгаши жавобгар бўлди. Иккинчидан, оқсоқоллар кенгаши раиси ҳам энди бир йиллик муддатга сайланадиган бўлди (бу тартиб 1983 йилда Жамият барча оқсоқоллар кенгашидан, тайинланганидан кейин чекланмаган муддатда хизмат қиладиган раислик қилувчи нозирни тавсия этишни сўраганида ўзгартирилди)³.

¹ Худонинг Шоҳлиги бошқармоқда! (рус) – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2014. – 121-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/царство-бога/нормы/организация/).

² Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 101-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Возвещать-благую-весть-не-переставая-1942-1975/).

³ Ўша ерда. – 106-саҳ

1976 йилнинг ёзида Нейтан Норрга операция қилиб бўлмайдиган бош мия шиши ташхиси қўйилди. Бир йил ўтгач, 1977 йил 8 июнда Нейтан Хомер Норр 72 ёшида вафот этди.

1977 йил 22 июнда **Фредерик Уилям Френц (1893–1992)** Жамиятнинг тўртинчи президенти бўлди. Ўша пайтда у аллақачон 83 ёшда эди.

Ф. Френц 1893 йил 12 сентябрда Ковингтонда (Кентукки штати, АҚШ) туғилди. 1899 йилда унинг оиласи Цинциннати шаҳрига кўчиб ўтди. 1911 йилда Фредерик ўрта мактабни тугатди ва Цинциннати университетига ўқишга кирди ва Пресвитериан воизи бўлиш учун гуманитар фанлар курсини танаб, шу мақсадда қадимги юнон тилини чуқур ўрганишни бошлади. У ҳали университетда руҳонийликка ўқиб юрганида, акаси Альберт унга Шотландиядаги Муқаддас Китоб тадқиқотчиси ва шифокор Жон Эдгарнинг «Ўлганлар қаерда бўлади?» рисоласини юборди, сўнг унга «Муқаддас Ёзувларни ўрганиш»нинг дастлабки учта жилдини берди. Ўқиганлари ёш Фредерикга шу қадар қаттиқ таъсир қилдики, у учун Англиядаги Оксфорд университетига ўқиш истиқболини очаётган стипендияни олишни рад этди. Бунинг ўрнига у 1913 йил 30 ноябрда Муқаддас Китоб Тадқиқотчиси сифатида сувга чўмди, 1914 йилда эса Цинциннати шаҳридаги Пресвитериан руҳонийлигига тайёрлайдиган университетни ташлаб кетди ва Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари адабиётларини тарқатувчиси бўлди.

1920 йил 1 июндан бошлаб Фредерик Кўриқчи минораси Жамиятининг Бруклиндаги (Нью-Йорк) бош идорасида ишлай бошлади. У Муқаддас Китобнинг ажойиб мутахассиси сифатида танилди. Айтишларича, Ф. У. Френц Муқаддас Китобдан бутун бобларни ёддан айтиб берган. Унинг президентлик йиллари – жамоатларда Муқаддас Китоб таълимотини кенгайтириш, босма маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, ранг-баранг нашрларга ўтиш, Муқаддас Китоб билимларини чуқурлаштириш ва Муқаддас Китоб меъёрларини тушуниш йиллари бўлди.

Агар Н. Х. Норр зўр ташкилотчи бўлса, Ф. У. Френц биринчи навбатда Муқаддас Китобнинг ажойиб олими ва тадқиқотчиси эди. Айнан унинг даврида 1984 йили чуқур ўрганиш учун қайта кўриб чиқилган «Янги дунё таржимаси» нашр этилган бўлиб, унда кўплаб ўзаро кесишган ҳаволалар, изоҳлар ва иловалар мавжуд эди. Сўнгра, 1988 йилда «Муқаддас Ёзувларни англамоқ» икки жилдли Муқаддас Китоб энциклопедияси дунё юзини кўрди, 1991 йилда эса каноник дея тан олинган тўртта Хушхабарга кўра Исо Масихнинг ҳаёти ва таълимотлари ҳақида батафсил ёритилган «Тарихдаги энг улуғ инсон» номли чиройли суратли китоб нашр этилди.

Дунё бўйлаб янги жамоаларнинг тез ўсиши таржима ишининг ривожланишини ҳам талаб қилди. Атиги 1976 йилдан 1992 йилларгача «Кўриқчи минораси» нашр этилаётган тиллар сони тахминан 42 фоизга ошди. 1992 йил октябрь ойида бу рақам 111 тага етди. Таржима жараёнини тезлаштириш учун Шоҳидлар ўзларининг MEPS (Кўп тилларда нашр этиш электрон системаси) деб номланган компютерлаштирилган матн териш тизимини яратдилар. Шу туфайли, 1992 йилга келиб, «Кўриқчи минораси» бир вақтнинг ўзида 66 та тилда нашр қилина бошлади.

1990 йилдан бери Яҳованинг Шоҳидлари ўзлари ишлаб чиқарган видеофильмлардан фаол фойдалана бошлади ва тарқатиш учун видеокасеталар ишлаб чиқара бошлади. 1990 йил октябрь ойида «Яҳованинг Шоҳидлари: номи ортида турган ташкилот» номли видеофильм чиқди. Шунингдек, видеофильмлар имо-ишора тилларида ҳам ишлаб чиқарилди. Натижада, видеофильмларнинг тобора оммалашиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, бош идорада ҳатто *видеоёзув бўлими* ташкил этилди.

Фредерик Уилям Френц 1992 йил 22 декабрда 99 ёшида вафот этди.

1992 йил 30 декабрда **Милтон Жорж Хеншель (1920–2003)** Жамиятнинг бешинчи президенти этиб сайланди.

М. Ж. Хеншель ҳали ўсмирлигида Бруклиндаги Яҳова Шоҳидларининг бош идорасида ишлай бошлаган ва кўп йиллар давомида

Н. Х. Норрнинг котиби бўлган, Н. Х. Норр президент бўлганида эса унинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб ишлаган. У Н. Х. Норрга дунёнинг 150 дан ортиқ давлатларига қилган сафарлари давомида ҳамроҳлик қилган, у турли мамлакатлардаги вазият ҳамда ташкилот фаолиятининг умумий йўналиши билан жуда яхши таниш бўлган. М. Ж. Хеншель кучли хотира ва яхши ҳазил туйғуси билан ажралиб турар эди.

Шарқий Европада коммунистик тузумларнинг қулаши билан бирга глобал сиёсий ўзгаришлар бошланди. Шарқий блок мамлакатларида (Руминия, Шарқий Германия, Венгрия, Полшада) ва кейинчалик собиқ Совет Иттифоқида ҳам Яҳованинг Шоҳидлари расмий тан олинди, рўйхатга олина бошланди, бу эса шу мамлакатлардаги имонлилар учун кўпроқ адабиётлар, кўпроқ топиниш жойлари ва кўпроқ таълим дастурлари керак бўлишини англатарди.

1992 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда Яҳова Шоҳидларининг дунё бўйлаб сони 4 470 000 дан 6 429 000 гача кўпайди. Дунё бўйлаб филиаллар сони 109 тага етди.

1995 йил апрель ойида Яҳованинг Шоҳидлари Паттерсон (Нью-Йорк) шаҳрида қурган Қўриқчи минораси таълим марказидан фойдаланишни бошладилар. У ерда Гилад мактаби ва бошқа Муқаддас Китоб мактаблари ўтказилади.

1997 йилдан бери Яҳованинг Шоҳидлари Интернет ва ўз веб-сайтидан фаол фойдаланишни бошладилар. Ўша йилнинг ўзида Шоҳидларнинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими барпо этилди. Бу ташкилотнинг кенг қўламлиги ва аниқ маълумотларни биринчи қўлдан тақдим этиш зарурати билан боғлиқ эди. Шу йилларда Европани имонлиларга қарши ҳаракатлар безовта қилмоқда эди, улар ташкилотни тарк этган айрим одамлардан фойдаланиб, жамоатчилик фикрини Яҳованинг Шоҳидларига қарши қаратишга ҳаракат қилдилар.

Милтон Жорж Хеншель 2003 йил 22 мартда 82 ёшида вафот этди.

М. Ж. Хеншелнинг ўлиmidан сўнг, жамият Президентининг муҳим ва кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шахс сифатидаги роли ўтмишда

қолди. Агар сиз бугун Яҳованинг Шоҳидидан Жамиятнинг ҳозирги президенти ким эканлиги ҳақида сўрасангиз, ҳойнаҳой у сизнинг бу саволингизга жавоб бермайди. Ҳозир Қўриқчи Минораси Жамиятининг президенти – бу фақатгина юридик лавозимдир.

2009 йил 1 январь ойдан бошлаб, Яҳованинг Шоҳидлари йиғилишларининг ҳафталик жадвалида катта ўзгаришлар рўй берди. Иккита учрашув биттага бирлаштирилди. Илгари йиғилишлардан бирига ажратилган оқшомни «*оилавий топиниш*» ўтказишга – оила даврасида унинг аъзоларини қизиқтирадиган мавзуларни муҳокама қилишга бағишлаш тавсия қилинди. Китобнинг давомида мен Яҳованинг Шоҳидлари томонидан оила ва никоҳни мустаҳкамлаш учун қанча куч сарфланаётгани ҳақида ёзаман.

2012 йилда Яҳованинг Шоҳидлари компьютер анимациясидан фойдаланиб, «Тангри Яҳованинг дўсти бўлинг» сериясидаги ўзларининг мультфильмларини чиқаришни бошладилар.

Худди шу пайтнинг ўзида Шоҳидлар филиаллар фаолиятини оптималлаштиради. Шундай қилиб, 2012 йил сентябрь ойдан бошлаб бутун дунё бўйлаб 30 дан ортиқ кичик филиалларни йирикроқ филиалларга бирлаштириш амалга оширилди.

2013 йил октябрь ойида Муқаддас Китоб «Янги дунё таржимаси»нинг қайта кўриб чиқилган янги наشري қулай муқовада инглиз тилида чоп этилди.

Шунингдек, 2013 йилда Бруклиндаги (Нью-Йорк) барча биноларни сотиш ва янги жойга кўчиш қарори қабул қилинди. Ҳали 2009 йилнинг июль ойида Яҳованинг Шоҳидлари ўзларининг халқаро бош идорасини кўчириш мақсадида Нью-Йорк штатида (АҚШ) 102 гектарли ер участкасини сотиб олишди.

Қурилиш тахминан 3 йил давом этди ва 2017 йил 3 апрелда Уорвикдаги халқаро бош идорада барча ҳоҳловчилар учун экскурсиялар ўтказиш бошлашди. Шундай қилиб, энди Яҳова Шоҳидларининг бош идораси янги жойда жойлашган. Бу ҳақиқатан ҳам тарихий ва муҳим воқеадир, чунки Бруклиндаги (Нью-Йорк) бинолардан Шоҳидлар 1909 йилдан бери фойдаланиб келган.

Куйидаги ўзгаришлар барчага яхши таниш бўлган «Қўриқчи минораси» ва «Уйғонинг!» журналларига таъсир қилди. 2013 йилда ушбу журналлардаги саҳифалар сони икки баробарга (32 дан 16 гача) камайтирилди. 2017 йилдан эса уларнинг тарқатишга мўлжалланган сони ҳар ойда эмас, балки ҳар тўрт ойда бир марта, яъни йилига 12 та нашр ўрнига энди атиги 3 та чиқариладиган бўлди¹. Бундан ташқари, ҳозир «Уйғонинг!» журнали турли мавзуларга эмас, балки фақат битта мавзуга бағишланган.

Ушбу ўзгаришлар қандай натижалар келтирди? Биринчидан, бўшаган маблағлар ушбу журналлар таржима қилинадиган тиллар сонини кўпайтиришга имкон берди. Агар 2013 йилда «Уйғонинг!» 98 тилга, «Қўриқчи минораси» (тарқатиш сони) эса 204 тилга таржима қилинган бўлса, 2021 йилда «Уйғонинг!» 208 тилга, «Қўриқчи минораси» (тарқатиш сони) эса 418 тилга таржима қилинмоқда.

Иккинчидан, тежалган маблағлар ўзларининг веб-сайтини ривожлантиришга йўналтирилди. 2013 йилдан бошлаб бир қатор мақолаларни энди www.jw.org расмий веб-сайтида топиш мумкин. Сайт имонлилар орасида ниҳоятда оммалашган. Унда босма нашрлар ҳамда викториналар, болалар ва ўсмирлар учун машғулотлар, оилалар учун (ёки бахтли никоҳ учун) маслаҳатлар, халқаро фаолият ҳақидаги янгиликлар, қўшиқлар ва жуда кўп видеоролик ва фильмлар жойлаштирилган. Контентнинг 1 000 дан ортиқ тилларда мавжудлиги, уни ҳақиқатан ҳам «жаҳоншумул» қилади.

Бундан ташқари, 2014 йил октябрь ойида Шоҳидлар ўзларининг Интернет-кўрсатувларини бошлашганини эълон қилишди (ҳозир у сайт бўлимларидан бири сифатида яратилган). Ҳар ойнинг бошида Етакчи кенгаш аъзолари ва уларнинг ёрдамчилари олиб борадиган мавзули кўрсатув чиқади. Дарҳақиқат, биз бутун дунё бўйлаб мунтазам кўрсатувларга эга шахсий телестанцияси пайдо бўлгани ҳақида гапираяпмиз.

¹ Тадқиқ учун мўлжалланган «Қўриқчи минораси» сонининг (уни Яҳованинг Шоҳидлари ҳар ҳафтада бўлиб ўтадиган ўзларининг учрашувариди муҳокама қиладилар) нашри ҳар ойда давом эттирилмоқда.

Худди шу 2013 йилда улар ташкилот томонидан сўнгги йилларда чиқарилган барча адабиётлар жойлаштирилган Яҳова Шоҳидларининг онлайн кутубхонаси (wol.jw.org) веб-сайтини ҳам ишга туширдилар. Адабиётлардан 1980 йилдан рус тилида, 1950 йилдан инглиз тилида, 1997 йилдан ўзбек тилида фойдаланиш имкони бор.

Учинчидан, Шоҳидлар мобил элестрон қурилмалар учун иловалар ишлаб чиқишни бошладилар. 2014 йилда улар «JW Library» иловасини (ташкилот адабиётларига, жумладан, видео ва аудиога бепул кириш) ва бироздан кейин «JW Library Sign Language» (имо-ишора тилида маълумотларни) чиқардилар.

Тўртинчидан, 2015 йилда Яҳованинг Шоҳидлари Нью-Йорк штатида бинолар мажмуасини сотиб олишди ва у ерда ўзларининг киностудиясини барпо этишди. Биргина 2016 йилнинг ўзида 350 га яқин турли видеолар, яъни кунига деярли битта видео чиқарилади. Бу суръат ҳар йили ўсиб бормоқда. Бугунги кунда дунёда 11 та сурагга олиш гуруҳи видеоматериаллар тайёрлаш билан шуғуланмоқда. 2019 йилда йилги мажлисда (Нью-Йорк, АҚШ) Рамаподаги бутун бир мажмуа сотиб олингани ва қурилиши, ундаги иш аудио ва видеоматериалларни ишлаб чиқаришга йўналтирилиши ҳақида эълон қилинди. Қурилиш 2022 йилда бошланиб, 2026 йилнинг декабрь ойида якунланиши керак.

Бешинчидан, 2015 йилда Муқаддас Китобни онлайн тадқиқ қилиш учун Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган кўп йиллик лойиҳани ишлаб чиқариш бошланди. Ҳаволалар ва шарҳлардан ташқари, тарих, география ва шунга оид кўплаб график фотосуратлар ва видеоматериаллардан ташкил топган улкан мультимедиа бўлими ҳам қўшилди. Шоҳидларнинг ўзлари айтишларича, уларнинг олдинги бошқа нашрларига қараганда, бу лойиҳа жараёнида изланиш ўтказиш бўйича кўпроқ куч ва вақт сарфланади.

Олтинчидан, Яҳова Шоҳидларининг топиниш учун мўлжалланган учрашувлари услуби кескин ўзгарди. Учрашувлар мазмун

жихатидан хилма-хиллашди, уларнинг дастурига видеороликлар кўрсатиш киритилди. Шу мақсадда барча Йиғилиш Заллари (Шоҳидларнинг топиниш бинолари) катта телевизорлар билан жиҳозланди. Анжуманларда улкан мониторлардан фойдаланилади.

Шулар билан бирга Шоҳидлар Муқаддас Китобни бошқа тилларга таржима қилиш тезлигини оширишда давом этмоқдалар. Фақат 2020 йилнинг ўзида «Янги дунё таржимаси» 33 та тилда нашр этилди. Шу йўсин, 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, Муқаддас Китобнинг «Янги дунё таржимаси» тўлиқ ёки қисман 195 тилда нашр этилган бўлиб, энди у ҳам босма, ҳам электрон шаклларда мавжуд. Яҳованинг Шоҳидлари 2021 йилда Муқаддас Китобни тўлиқ ёки қисман яна 36 та тилда нашр этишни режалаштираётганликларини эълон қилдилар.

Технология бизнинг дунёмизни тез суръатда ўзгартирмоқда ва афтидан, Яҳованинг Шоҳидлари буни яхши тушунишади. Бу эса 2020 йилда дунёни қамраб олган пандемияга қарамай, уларга ўсиш суръатини пасайтирмасликка ёрдам беради. Бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

2020 йил март ойида Яҳова Шоҳидларининг барча диний заллари ёпилди ва барча топиниш учун мўлжалланган учрашувлари онлайн форматга ўтказилди. Шоҳидлар ўз учрашувларини ташкил қилиш ва ўтказиш учун ZOOM дастуридан фаол фойдаландилар. Шунингдек, ташкилотнинг расмий веб-сайти (www.jw.org) орқали имонлиларга барча карантин ва санитария чораларига риоя қилиш зарурлиги мунтазам равишда эслатиб турилди. Масалан, ҳаттоки «Вирус тарқалганда нима қила оласиз?» номли анимацион ролик чиқарилиб, унда коронавирусдан ҳимояланишнинг асосий меъёрлари эслатиб ўтилди. Ҳар ойда Етакчи Кенгаш аъзолари имонлиларга дунёдаги имондошлари билан боғлиқ вазият ва ҳукуматнинг барча кўрсатмаларига ҳамда карантин чораларига риоя қилишда давом этиш муҳимлиги ҳақида айтиб туришди.

Имонлиларни давлат талабларига бўйсунтиришга, ҳокимият томонидан ўша пайтга жорий этилган барча чекловчи чораларга риоя қилишга чақирилгани айниқса эътиборга лойиқ. Бундан ҳам таъсирлиси шундаки, уларнинг оммавий уйма-уй ва жамоат жойлардаги хизмати бутун пандемия даврида тўхтатилди. Ушбу китобни ёзиш пайтида буларнинг ҳаммаси ўзгаришсиз қолаётганди. Бу муҳим ҳодиса, чунки бундай ҳолат уларнинг ташкилоти тарихида ҳеч қачон бўлмаган. Уларнинг йиллик анжуманлари ҳам бундан мустасно эмас. Шоҳидларнинг ўзлари ёзганидек, «Фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги учун азалий анъанани бузган ҳолда, дунёдаги энг йирик оммавий тадбирлардан бирини ўтказувчи халқаро диний ташкилот, мана кетма-кет икки йил давомида дунёнинг 240 та давлатида 6 000 га яқин анжуманларни бекор қилиб, йиллик анжуманларини виртуал форматда ўтказмоқда»¹.

Айнан замонавий технологияларнинг ривожланиши туфайли Яҳованинг Шоҳидлари 2020 ва 2021 йилларда ўзларининг йиллик анжуманларини 240 та давлатларда 500 дан ортиқ тилларда умумжаҳон виртуал тадбир форматида ўтказишга муваффақ бўлдилар.

Имонлилар орасида эмлаш масаласи бўйича ҳам қийинчиликлар бўлгани йўқ. Уларнинг расмий веб-сайтнинг бош саҳифасига ҳатто «Яҳованинг Шоҳидлари вакцина қабул қилишга қаршимиз?» деган мақола жойлаштирилган эди. Бошқа нарсалар қаторида, у ерда шундай дейилган:

«Йўқ. Яҳованинг Шоҳидлари вакцина қабул қилишга қарши эмаслар. Бу масалада ҳар бир масиҳий шахсий қарор чиқаради.

Биз сифатли тиббий ёрдамни қабул қилишни хоҳлаймиз ва жиддий касалликларнинг хавфини пасайтирадиган тиббиёт соҳасидаги ютуқларни қадрлаймиз. Тиббиёт соҳасида ўз ишининг устаси бўлганларнинг, айниқса пандемия пайтида қилаётган оғир меҳнатлари учун миннатдормиз.

¹ Матбуот хабари «Объединенные верой», «Яҳова Шоҳидларининг христиан маркази» Худудий диний бирлашмаси томонидан тақдим этилган, 2021 йил 30 июнь, Олмота.

Яҳованинг Шоҳидлари соғлиқни сақлаш ходимлари билан ҳамкорлик қилишади. Масалан, COVID-19 пандемияси бошланганидан бери jw.org сайтига карантин қоидаларига амал қилиш тўғрисидаги эслатмалар юзлаб тилларда жойлаштирилди. Тиббий ниқоб тақиш, масофа сақлаш, қўлларни тез-тез ювиш каби эслатмалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари биз оммавий йиғинлар борасидаги ҳукуматнинг талаб ва тавфсияларига амал қилишга ундаймиз. (Римликларга 13:1, 2)»¹.

15 октябрь 2021 йили Яҳова Шоҳидларининг Етакчи Кенгаши (эмлаш даражаси юқори ва касаллик даражаси паст бўлган) баъзи мамлакатларда йиғилишлар экспериментал тариқасида Йиғилиш Залларида тикланишини эълон қилди. 1 апрель 2022 йилдан бошлаб Яҳованинг Шоҳидлари учрашувларни яна жонли ўтказишни бошлашди, 1 сентябрь 2022 йилдан эса, диндорларнинг «ташриф қоғозига» айланган «эшикма-эшик» ваъз қилиш фаолияти қайта тикланиши эълон қилинди.

Ушбу бобнинг якуни сифатида мен Яҳованинг Шоҳидлари диний ташкилотининг ривожланишида асосий босқичларига ўз нуқтаи назаримни билдирмоқчиман:

Яҳованинг Шоҳидлари бўйича Россиянинг етакчи экспертларидан бири, таниқли ва ҳурматли диншунос, профессор С. И. Иваненко Яҳованинг Шоҳидлари диний ташкилоти тарихидаги бешта асосий босқични ажратиб кўрсатишни таклиф қилди. Ўзимнинг аввалги ишларимда бу босқичларни келтирган эдим.

Бироқ энди менга бу босқичлар бироз бошқача кўриняпти ва мен қуйидаги даврлаштиришни таклиф қиламан:

Биринчи босқич (1870–1875) – Ч. Т. Рассел ва унинг ҳамфикрлари даврасининг фаолияти. Ушбу босқичда Муқаддас Китобни

¹ Яҳованинг Шоҳидлари вакцина қабул қилишга қаршими? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyril/яхованинг-шоҳидлари/қўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/jw-вакцина-қабул-қилиш/).

ўрганиш ва ўз диний таълимотларини шакллантиришнинг асосий ёндашувлари қўйилган эди. Бу босқич Ч. Т. Расселл жамият билан ўз тадқиқотлари билан бўлишиш зарурлиги фикрига келганида тугади .

Иккинчи босқич (1875–1909) – Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Муқаддас Китобни ўрганиш тўғарагидан аста-секин ўз шахсий матбуот органи, ўз юридик шахси, чет элдаги филиаллари, мунтазам диний йиғилишлари, диний топиниш ва таълим дастури ва ўзининг расмийлаштирилган эътиқодига эга бўлган мустақил диний ҳаракатга айланди. Ушбу босқич жамият бошқарувини Нью-Йоркка кўчириш билан якунланди.

Учинчи босқич (1909–1943) – диний ташкилот вақт синовидан ўтди, ички тузилма (марказлаштириш) шаклланди ва айтиш мумкинки, ҳаракат йирик халқаро диний ташкилот сифатида шаклланди. Бу босқич дунёнинг турли бурчақларига миссионерларни тайёрлаш учун Гилад мактабининг очилиши билан якунланди.

Тўртинчи босқич (1943–2011) – бу босқич шиддатли халқаро ўсиш ва ички таълим даври бўлди. Бу босқич 2011 йилда Гилад мактабининг мақсади бутун дунё бўйлаб ваъзгўйликка миссионерларни тайёрлашдан, мавжуд бўлган жамоатларни мустаҳкамлаш учун миссионерларни тайёрлашга ўзгартирилганда тугади.

Бешинчи босқич (2011 йилдан ҳозирги кунгача) – жамоатларни фаол тарзда ичкаридан мустаҳкамлаш, барча йиғилишлар ва филиалларда ўзгартиришлар киритиш босқичидир. Ташкилот шундай ўсишда давом этмоқда. Бу босқичнинг аниқроқ тавсифини тадқиқотчилар фақат йиллар ўтибгина бера оладилар, деб ўйлайман.

Албатта, мен таклиф қилинган тақсимлашни мутлақо тўғри деб даъво қилмайман, чунки мен ҳар қандай бундай тақсимлаш жуда субъектив ва моҳиятан фақат расмий эканлигини яхши тушунаман. Ахир ҳаёт дарёга ўхшайди ва чегаралари ҳар доим ҳам аниқ кўринавермайди. Ҳар бир тадқиқотчи ўзининг асосий саналари, воқеалари

ва чегара нуқталарини топиши ва натижада ўзининг босқичларини таклиф қилиши мумкин.

Шуни таъкидлашни истардимки, ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари бор бўлиб, улар мен кўрганимдек, унинг тарихининг барча белгиланган босқичларида мавжуд. Мен (1) диний таълимотларга доимо ойдинлик киритиш ҳақида гапиряпман. Ч. Т. Рассел ҳам ўз асарларида Муқаддас Китобнинг тушунчаси тобора ўсиб бориши Худонинг имонлиларга бўлган марҳаматидан далолат эканини таъкидлаган. Шунинг учун ҳар бир Яҳованинг Шоҳиди нафақат диний таълимотларни билишга, балки бу таълимотлар қандай пайдо бўлганини ва булар Муқаддас Китоб томонидан қандай тасдиқланганлигини тушунишга интиладиган яхши тадқиқотчи бўлишга ҳаракат қилади. (2) Муқаддас Китоб билимларини бошқалар билан бўлишиш истаги. Бу, ҳойнаҳой, Яҳова Шоҳидларининг бошқа динлардан энг машҳур фарқи бўлса керак. Ташкилот бунинг учун ўтмишда қандай усулларни синаб кўрмаган: газеталар, китоб тарқатувчилар, фотодрама, кино, радио, карнай ўрнатилган автомашиналар, плакатлар билан юришлар, оммавий нутқлар, халқаро саёҳатлар, миссионерлар, ҳозир эса – Интернет, интерактив курслар ва адабиёт аравачалари. Имонлиларнинг ҳимоясига шуни айтмоқчиманки, улар ҳақиқатан ҳам бошқа ҳар қандай диний гуруҳдан фарқли равишда, Масиҳнинг таълимотини Рим Империясининг энг чекка бурчакларига олиб келган илк масиҳийлардан ўрнак олишади. Шунинигдек Яҳованинг Шоҳидлари ўзларининг ваъзгўйлик ишларини одатий хиралик қилишдан яхши ажрата оладилар. Ўтган 100 йилдан ортиқ давр ичида улар суҳбатдошнинг ҳис-гуйғулари ва эътиқодларига тегмаган ҳолда, ҳурмат ва ҳушмуомалалик кўрсатиб, суҳбатни қандай бошлаш ва давом эттириш борасида бебаҳо тажриба орттирдилар. Уларга бунинг хатто мақсадли равишда ўргатишади. Бу ҳам мақтовга сазовор. Сўнги йилларда эса, уларнинг ҳозирги мақсади ўз қарашларини қадрлайдиганларнинг фикрини

ўзгартириш ва улар билан баҳслашиш эмас, балки уларнинг хабарига қизиққанларни «қидириш» эканлигини кўпроқ эшитяпман. (3) Муқаддас Китобнинг инкор этиб бўлмайдиган обрўси. У шунингдек ягона нуфузли манбадир. Бошқа барча диний адабиётлар «илоҳий илҳомлантирилган» ҳисобланмайди ва эскириб қолиши ҳамда хатоларни ўз ичига олиши мумкин. Ва, ҳойнаҳой, (4) бутун дунё бўйлаб ягона таълим дастуридир. Бу муҳим хусусият ҳисобланади, чунки у бундай йирик ташкилотнинг том маънодаги бирлигини сақлашга имкон бермоқда.

Демак, Яҳованинг Шоҳидлари ҳозирги кунда нимага эришдилар? 2022 йил ҳисобига кўра уларнинг сони 8 686 980 кишини ташкил этади, улар 239 та мамлакат ва ҳудудларда жойлашган бўлиб, 119 297 та жамоатларда бирлашган. Масихнинг ўлимини хотирлаш ушун ҳар йили ўтказиладиган Қутлуғ Кечлик маросимида 2021 йили бутун дунё бўйлаб 21 367 603 киши иштирок этди.

Шундай қилиб, ўз фаолиятини Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича кичик тўғарақдан бошлаб, бор-йўғи 140 йил ичида Яҳованинг Шоҳидлари таниқли халқаро масихий диний ташкилотга – Яҳова Шоҳидларининг умумжаҳон биродарлигига айланди, ҳар йили унга дунё бўйлаб 200 000 дан ортиқ киши қўшилади.

1950 йилдан бери бутун дунё бўйлаб Яҳованинг Шоҳидлари сонининг ўсиш динамикаси мен томонимдан таҳлил қилинган бўлиб, қуйида келтирилган жадвалда акс эттирилган. Шунини таъкидлашни истардимки, ушбу диний йўналиш тарафдорларининг сони барқарор ўсишига қарамай, у диндорларининг сони жиҳатидан католик, ислом, православ ва ҳоказо жаҳон динлари орасида қачондир ўрин эгаллаши даргумон. Китоб давомида кўриб чиқамизки, замонавий жамиятда, одатда фақат кичик бир гуруҳ одамларгина Яҳованинг Шоҳидлари каби Муқаддас Китобдаги одоб ва ахлоқий меъёрларга амал қилишга тайёр.



Шундай қилиб, тахминан 150 йил олдин (дин учун деярли болалик ёш) пайдо бўлган Яҳованинг Шоҳидлари бугунги кунда – халқаро миқёсда тан олинган ва обрўли диний ташкилот бўлиб, шакланган диний таълимоти, диний амалиёти ва тартибга солинган ташкилий тузилмасига эга. Бироқ мафкура ва диний амалиётни такомиллаштириш бўйича ишлар давом этмоқда.

1-БОБГА КЕЛТИРИЛГАН РАСМЛАР

ЯХОВА ШОҲИДЛАРИНИНГ УМУМЖАҲОН
ДИНИЙ ТАШКИЛОТИ ТАРИХИ



«Сион Кўриқчи минораси ва Масих ҳозир булишининг даракчиси» журналининг биринчи сони

1879 йил июль



Пилигрим

1894 йилдан имонлилар гуруҳига ташриф буюрадиган Жамиятнинг кўчма вакили эди



Ч. Т. Расселлнинг «Минг йилликнинг шафағи» номи 6 жилдли китоблар туркуми (кейинчалик «Муқаддас Ёзувларни тадқиқ қилиш» деб номланган)

Қизиқарлиси шундаки, ҳар бир жилд бошида Ҳикматлар 4:18 дан иқтибос келтирилган: «Одилнинг сўқмоғи тонг шафағи кабидир, у туш пайтига қадар ёришиб бораверади». (ЯДТ)

Ч. Т. Расселл Муқаддас Китоб таълимотлари борасидаги тушунчасини фақатгина «ҳозирги пайтда очилган ҳақиқат» деб билишини очиқ айтарди



Ч. Т. Расселл Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари гуруҳи билан Копенгагенда, **Дания, 1909 йил**



Ч.Т. Расселл бутун дунё бўйлаб маърузалар айтиш учун фаол саёҳат қилган.

Бу унинг 1913 йил АҚШ ва Канада бўйлаб қилган саёҳати ҳақидаги оловитка

Қўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва Адабиёт Жамияти (Пенсильвания) президентлари

• 1881 йил

Сион Қўриқчи Минораси ва Адабиёт
Жамияти ташкил топади

• 1884 йил


15 декабрь куни Пенсильвания штатида
(АҚШ) юридик шахс сифатида расман
руйхатдан ўтади

• 1896 йил

Қўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва
Адабиёт Жамияти деб атала бошлайди

• 1955 йил

Қўриқчи Минораси Муқаддас Китоб
ва Адабиёт Жамияти (Пенсильвания)
деб номланади



ЧАРЛЗ ТЕЙЗ РАССЕЛЛ

1884–1916 йилларда президент




**ЖОЗЕФ ФРАНКЛИН
РУТЕРФОРД**

1917–1942 йилларда президент




НЕЙТАН ХОМЕР НОРР

1942–1977 йилларда президент



ФРЕДЕРИК УИЛЬЯМ ФРЕНЦ

1977–1992 йилларда президент




МИЛТОН ЖОРЖ ХЕНШЕЛЬ

1992–2000 йилларда президент




БУГУНГИ ЕТАКЧИ КЕНГАШ

Чапдан ўннга: Кеннет Кук, Геррит Лёш, Жеффри Жексон, Сэмюэл Хёрд, Марк Сандерсон, Дейвид Сплэйн, Энтони Моррис ва Стивен Летт




1919 йил 26 мартда Жозеф Рутерфорд ва унинг еттита яқин ҳамкорлари озод этилишганидан сўнг



«Очилган сир» китоби («Муқаддас Езувларни тадқиқ қилиш», VII жилд) Муқаддас Китобнинг Ваҳий, Хизқиё ва Гўзал кўшиқ китобларига келтирилган шарҳларни ўз ичига олади

1919 йил сентябрь ойдан «Бюллетень» маълумотномаси ва «Олтин аср» журнали мунтазам равишда чоп этила бошлайди



1919 йил 14 майда суд шундай қарор чиқаради: «Уларнинг бунга ҳуқуқи бўлса-да, судланувчиларнинг вазиятида уларнинг иши ҳолисона кўриб чиқилмагани боис ҳукм бекор қилинади»



Тарихий анжуман

1934 йил 24–30 июлда Колумбусда (Огайо штати, АҚШ) бўлиб ўтган тарихий анжуманнинг дастури.

Муқовада JW ҳарфлари бор эди. Бу анжуманда «Янги ном» деган резолюция қабул қилинади.

Унинг авж нуқтаси «Бизни бундан буён Яҳованинг Шоҳидлари [ингл. Jehovah's Witnesses] деб билишларини истаимиз» деган сўзлар бўлади

1930 йилгача Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари хочни масиҳийлик рамзи деб ҳисоблашган.

Уларда ҳаттоки умрининг охиригача садоқатли қолишса, ҳаёт тожигача бўлишларини эслатиб турувчи «хоч ва тож» тўғноғичлари бўлган



1920 йиллардаги Муқаддас Китоб
Тадқиқотчиларининг анжумани
(Германия)





1924 йил 24 февралдан

Статен оролида (Нью-Йорк) Қўриқчи Минораси Жамиятининг биринчи радиостанцияси WBBR ўз фаолиятини бошлайди

408 та радиостанция

кейинчалик Жамиятнинг радиозэшиттириш тармоғига кирган. Бу тармоқ олти қитъада жойлашган эди

| STATION W B B R | | | |
|---|--|--|---|
| International Bible Students Association | | | |
| Opening Program | | | |
| 8:30 p.m. | | | |
| Sunday, February 24, 1924 | | | |
| [See notes] | | | |
| Piano Solo | Prof. L. W. Jackson | Solo | Mr. F. W. Fraim |
| (a) <i>Minuet in G (Pachelbel)</i> | | | "The Psalmist" (Van de Water) |
| (b) <i>"Swing" (Chabon)</i> | | | Congregational Song |
| Vocal Trio | Prof. John T. Bond, Messrs. W. F. Mockridge and F. W. Fraim | | "Sweet Home" |
| "I Heard the Voice of Jesus Say" | | Lectures | Judge J. P. Butterford |
| Solo | Mrs. Clara C. Wellman | | "Bible and Bible Prophecy" |
| (a) <i>"The Shiny and Shiny" (Edward Campbell)</i> | | | I. H. S. A. Hawaiian Trio, Messrs. M. A. Howlett, Eric Howlett and H. F. Kolah |
| (b) <i>"The Lamb in My Shepherd" (Helen Howerton)</i> | | (a) <i>"Kilima"</i> | |
| (c) <i>"Just as I Am" (E. Carter, Jr.)</i> | | (b) Selection | |
| Solo | Prof. John T. Bond | Solo | Mr. W. P. Mockridge |
| "How Lovely Are Thy Dwellings" (Haskins) | | | "Lord God of Abraham" (Mendelssohn) |
| Solo | Miss Dorothy Cooke | Solo | Miss Dorothy Cooke |
| "How Ye Inevit" (Mendelssohn) | | | "Oh, Dry These Tears" (Cresce del Rio) |
| | | Solo | Prof. John T. Bond |
| | | (a) <i>"Jehovah Guide Us" (Mason)</i> | |
| | | (b) <i>"Jesus Lover of My Soul" (Carter)</i> | |
| | | Solo | Mrs. Clara C. Wellman |
| | | | "How Beautiful Upon the Mountains" (Harker) |
| | | | Congregational Song |
| | | | "All Hail the Power of Jesus' Name" |
| | | | Using the White-Mignon Telegraph Piano |



WBBR радиостанцияси (1924–1957 йиллар)



XX асрнинг
биринчи
яримидаги
вазғўйлик
усуллари



1 600 та ҳалок бўлган

Маҳбус бўлган 6 000 та Яҳованинг Шоҳидларидан 1 600 нафари фашистлар лагерларида ҳалок бўлган

282 та қатл этилган

Ҳарбий хизмат қилишдан бош тортган 282 та имонли қатл этилган

Яҳованинг Шоҳидлари нацистлар концлагерларига ташланганлар орасида биринчилардан эди

Бинафша ранг учбурчак нацистларнинг ўлим лагерида Яҳованинг Шоҳидларини ажратиб турувчи белги эди.

Улар маҳбусларнинг алоҳида тоифасини ташкил этган ягона диний гуруҳ бўлишган






Яҳованинг Шоҳидлари

эътиқоди асосида тутган йўли учун лагерда эдилар.
Шу сабабга кўра Аушвиц лагерига ташланганлар орасида камида **138 та одам** руйхатга олинган эди, уларнинг асосий қисми немис миллатига мансуб бўлган


Август Дикман хотирасига ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси



МАҲБА: «WWW.AUSCHWITZ.ORG»

Яҳованинг Шоҳиди
Август Дикман эътиқоди
учун Заксенхаузен
концлагерида қатл этилган

Имонли кишилар тоталитар режимлар олдида кўрсатган жасорат ва матонат тадқиқотчиларда қизиқиш
уйғотиб, таржимаи ҳоллар ҳамда тарихий ва диний тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилади



ЯҲОВАНИНГ ШОҲИДЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ РАСМИЙ ВЕБ-САЙТИ JW.ORG



JW .ORG

1997 йили


1997 йили **www.watchtower.org** сайти пайдо бўлади. Кейин 2009 йили **www.jw.org** веб-сайти ишлаб чиқарилади, бугунги кунда у ташкилотнинг асосий сайти ҳисобланади

2019 йили

2019 йили **JW.ORG** веб-сайти **1000 дан** ортиқ тилларга таржима қилиниб, дунёдаги энг кўп таржима қилинган сайт сифати биринчи ўринни эгаллади



JW.ORG веб-сайтининг бўлимлари



2014 йил

Яҳованинг Шоҳидлари ўзларининг Интернет-телевидениеси иш бошлаганини эълон қилишади

2015 йил

Яҳованинг Шоҳидлари Нью-Йорк штатида бинолар мажмуасини сотиб олиб, ўз киностудиясини яратишади

2016 йил

350 га яқин турли видеолар чиқарилади, яъни кунига деярли битта видео



«JW Broadcasting»
Интернет-телевидение студияси
Яҳова Шоҳидларининг киностудияси



Яҳованинг Шоҳидлари,
айниқса, диний эркинлик
ва ҳуқуқларни ҳимоя
қилишда юридик
ғалабалари билан танилган



Олий судда эришилган ғалабалар

Ўзбекистонда Олий суд
фақатгина 2018 ва 2019
йилларда Яҳова Шоҳидларининг
фойдасига **6 та қарор** чиқарган

Бугунги кунга келиб Яҳова
Шоҳидарининг фойдасига АҚШ
Олий суди 50 та ва Инсон
ҳуқуқлари бўйича Европа суди
63 та қарор чиқарди

«Барчамиз Яҳованинг
Шоҳидларига раҳмат
дейишимиз керак. Уларни
қанча камситишмасин,
қувғун қилишмасин ва ҳатто
уларга жисмонан ҳужум
қилишмасин, ўзининг диний
эркинлиги (ва бизнинг
диний эркинлигимиз) учун
курашишдан тўхташмаяпти.
Уларнинг ютуғи — бизнинг
ҳам ютуғимиз».

— **Чарлз Хейнз**, теолог, Қўшма
Штатлар Конституциясига биринчи
тузатишлар марказининг таълим
дастурлари директори

Хейден Ковингтон (биринчи қаторнинг марказида), Глен Хау (чағда)

АҚШ ва Канададаги Яҳова Шоҳидларининг машҳур адвокатлари
навбатдаги юридик ғалабадан сўнг АҚШ Олий судида



Адвокат Глен Хау (Glen How).

Америка суд
юристлари
колледжининг
«Жасоратли
адвокатлик учун»
нуфузли мукофоти
соҳиби.

У 1943 йилдан 2003
йилгача Канада ва
бошқа мамлакатларда
юзлаб суд ишларида
Яҳова Шоҳидларининг
манфаатларини
ҳимоя қилган



Violence frequently greets controversial Witnesses of Jehovah when they
attend a public demonstration of Solidarity. Here, Christiaan Robin, 1943
and son (R). Scott's most notorious battleground in its

2-БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯҲОВАНИНГ ШОҲИДЛАРИ. ТАРИХИЙ ЭКСКУРС

Ўзбекистон мен учун нафақат ниҳоятда гўзал мамлакат ва маданият, балки ажойиб турли-туман нақшлар, ранглар, гуллар ва ҳидлардир. Ўзбек маданиятининг бутун хилма-хиллигида мен ҳаётнинг бузилмас ва ақл бовар қилмайдиган ёрқин кучини, эзгулик ва нурнинг қувончли ва мафтункор кучини кўраман.

Ажойиб ёрқин безаклар ва нақшлар ҳаётнинг гўзаллиги шунчаки унинг ақл бовар қилмайдиган хилма-хиллигида эканлигини эслатиб туради. Инсоният жамияти билан ҳам худди шундай. Унда сиз ҳаётнинг ўзига хос гўзаллиги ва кучини аниқ кўрасиз, қачонки ундаги ирқлар ва маданиятларнинг хилма-хиллигини кўрганингизда. Биз тўсиқлар ўрнатиш ва ўзимизни ташқи дунёдан ажратиш билан бир-биримизни чекламаслигимиз керак. Аксинча, барчамиз энг гўзал ва энг яхшисини ўзлаштириб, кенгайтиришга, ривожланишга ва бир-биримиздан ўрганишга интилишимиз керак. Ҳар бир инсоннинг ўзига хос, бошқалардан устун бўлган тарафи бўлганидек, Ердаги ҳар бир маданият ҳам ўрганишга арзийдиган ва ўзлаштиришга лойиқ бўлган ўзига хос гўзалликка эга.

Ўзбекистонда турли маданият ва динларнинг энг ёрқин палитрасини кўриш мумкин. Ва ҳар бир олимнинг бурчи – уни ҳозирги ва келажак авлодлар учун тасвирлашга ҳаракат қилишда, деб биламан.

Ушбу китоб Ўзбекистондаги христиан жамоалари – Яҳованинг Шоҳидлари тарихини ўқувчи учун янгича нуқтаи назардан кўрсатишга қаратилган. Бир қанча сабабларга кўра ушбу масиҳийлик

дини диний олимлар учун деярли нотаниш ва ўзбек олимлари томонидан жуда кам таърифланган. Хусусан, ҳатто ҳурматли дин олими, профессор Анвар Ишанхонович Абдусамедов таҳрири остида чоп этилган «Динлар тарихи» дарслигида ҳам ушбу дин ҳақида шундай ёзилган: «Яҳованинг Шоҳидлари оқими XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX аср бошларида АҚШда (Нью-Йорк шаҳри) пайдо бўлган... Унинг асосий вазибаларидан бири – миссионерлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали ўз издошларини кўпайтириш истагидан иборат. Шу мақсадда улар уйма-уй юриб, ўзларининг ғоявий йўналиши ва миссионерлик фаолиятига хизмат қилувчи адабиётларни тарқатиш билан шуғулланидилар. ...“Яҳованинг Шоҳидлари” учлик ҳақидаги христиан таълимотини ўзига хос тарзда изоҳлайди. Яъни “улар Яҳова – Худо, Исо – Яҳова томонидан яратилган ягона шахс, бошқа одамлар эса Исо Масих томонидан яратилган деган ғояни илгари сурадилар”. Уларнинг асосий байрами Исо Масихнинг ўлимини хотирлашдир. ...Республикамизда “Яҳова Шоҳидларининг” битта ташкилоти расмий рўйхатдан ўтган»¹.

Жуда қисқа таъриф. Мамлакатда 70 йилдан ортиқ вақтдан бери мавжуд бўлган дин ўшимча ўрганишга лойиқ деб ҳисоблайман.

Дарҳол шуни таъкидламоқчиманки, менинг тадқиқотларим ва топилмаларим Яҳованинг Шоҳидларини мамлакатда «тарихий мавжуд»² дин деб аташимга имкон берапти.

Ўзбекистондаги Яҳованинг Шоҳидлари тарихи – ўрганиш учун эндигина очилаётган ниҳоятда қизиқ мавзу. Бунинг сабаби шундаки, совет давридаги архив маълумотларига кириш ҳали ҳам ёпиқ ва Совет Ўзбекистони диний палитрасининг парчаларигина биз учун очиқ.

¹ Абдусамедов А. Э. Динлар тарихи. – Тошкент, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2010. – 58-саҳ.

² Мен ушбу атамани мазкур конфессия мамлакатда кўп асрлик тарихга эга бўлмаса-да, фақат 1990 йилларда пайдо бўлмаганлигини кўрсатиш учун ишлатяпман. Унинг издошлари бир неча авлоддан буён ўзбек жамиятида яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. Менимча, улар тарихан ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлишган.

Аmmo биз аниқ биламизки, дунёнинг бу қисмидаги диний манзара ҳар доим жуда хилма-хил бўлган. Экзотик товарлар билан бир қаторда савдогарлар ва саёҳатчилар янги қарашлар ва эътиқодларни олиб келган Буюк Ипак Йўли ўлкаларида қандай қилиб бошқача бўлиши мумкин? Ўзбекистон тарихида барча жаҳон динлари жуда узоқ ва бой тарихга эга.

XIX аср охиридан бошлаб, Ўзбекистон ерлари Россия Империяси таркибига кирганидан сўнг, минтақанинг диний тарихида янги саҳифа бошланди. Ўша кезде бу ерга жуда кўп миқдорда одамлар ёпирилиб кўчиб келишди. Уларнинг бир қисми император ҳукмати ҳомийлигида бу ҳудудларга келган бўлса, бошқалари озодлик ва тинчлик излаб бу ерга қочиб келган.

Ўша йилларда Россия Империясида фақат битта православ черкови бирор кимни ўз динига оғдириш ҳуқуқига эга эканлигини ўқувчига эслатиш муҳим деб ҳисоблайман. Ҳеч қандай виждон эркинлиги ва дин эркинлиги ҳақида ҳатто гап ҳам очилмасди. Бироқ бу, империянинг диний манзараси бир қолипда бўлган дегани эмас.

Православлик бунга қарши курашишга ҳаракат қилди. Маслак-мақсади бошқа одамлар қаттиқ таръқибга учраб, Сибирь ва Шарқий Қозоғистонга қочишга мажбур бўлдилар. Улар орасида жанубга, Туркистон ўлкасига қочиб кетганлар ҳам бор эди. У ерда улар бутун қишлоқларни барпо қилдилар.

Айтганча, Марказий Осиёда Яҳованинг Шоҳидлари (ўша пайтда ҳали Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари) таълимотларининг тарқалишининг бошланиши айнан XIX асрнинг охирига тўғри келади.

Ўша пайтда Чор Россиясида, рус императори Александр III ҳукмронлиги даврида биз кўриб чиқаётган таълимотнинг биринчи издошлари пайдо бўлди. Яҳова Шоҳидларининг фикрича, биринчи бўлиб диний семинария битирувчиси Семион Козлицкий бўлган. Тахминан шу вақтнинг ўзида баъзи руслар Қўшма Штатларга саёҳат қилишди ва у ерда Қўриқчи минораси жамияти билан танишдилар. Улардан бири ўша Семион Козлицкий эди.

Россияга қайтиб, у Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг ғояларини ваъз қила бошлади, бунинг учун у судланди ва 1891 йилда хотини ва болалари билан Семипалатинск вилояти Усть-Каме-ногорск тумани, Бухтарма қишлоғига (Қозоғистоннинг ҳозирги Шарқий Қозоғистон вилояти) сургун қилинди. Ҳаётининг охири-гача, у 1935 йилда 100 ёшида вафот этди, аъло черков таълимига эга бўлган ва бир неча тилларни биладиган собиқ руҳоний Семион ўз атрофига бир гуруҳ талабалар ва издошларни тўплаб, янги таълимотни фаол равишда тарғиб қилди.

Туркистон ўлкасидаги диний оқимларнинг ўзбек тадқиқотчилари ҳали совет давридаёқ «замонавий христиан мазҳабчилигининг тарихий давомийлигини» қайд этиб, айнан «XIX асрнинг 60-80 йилларида Ўрта Осиё Россия таркибига қўшилиши Туркистонда христиан мазҳабларининг пайдо бўлиши учун объектив шарт-шароитларни юзага келтирди»¹, деб ёзган эдилар.

Биринчи Яҳованинг Шоҳидлари Ўзбекистонга қачон кўчиб келганини ҳозирча аниқ айтолмайман. Уларнинг ушбу ўлкада яшашларининг бошланиши дея бирон бир санани келтириш бемулоҳазалик, деб ҳисоблайман. Сабаби, уларнинг маҳаллий тарихи етарлича чуқур ўрганилмаган. Бу бир қарашда туюлгандек оддий нарса эмас.

Масалан, Ўзбекистонда мазҳабчилик бўйича совет тадқиқотчиси Нелла Христиановна Колемасова ўзининг «Ўзбекистондаги инқироз ҳодисалари» асарида шундай таъкидлаган: «1920 йилларда Ўзбекистон ислом ва рус православлиги билан бир қаторда баптистлар, евангелистлар (евангелист христианлар), еттинчи кун адвентистлари, ислоҳотчи адвентистлар, евангелист христианлар (пятидесятниклар), иеговчилар, меннонитлар, маънавий насроний молуканлар, молукан-пригунлар, Янги Исроил, христоверлар, духоборлар уюшмалари кўп ёки оз миқдорда бор бўлган ҳудуд эди»².

¹ Колемасова Н. Х. Христианское сектантство в Узбекистане. Тошкент. «Ўзбекистон», 1986. – 6-саҳ.

² Колемасова Н. Х. Кризисные явления в Узбекистане. Тошкент, 1981. – 10-саҳ.

Афсуски, у гап иеговист-ильиницлар ҳақида кетяптими ёки Яҳованинг Шоҳидлари ҳақидами ойдинлаштирмади? Аммо шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Нелла Христиановна бу икки диний гуруҳни жуда яхши ажратган ва ўз асарларида Десной биродарлиги издошларини «Иеговист-Ильиницлар» деб атаган. Ва шахсан, менинг фикримча, бу ерда «Иеговист-Ильиницлар» назарда тутилган, аммо мен буни тасдиқлай олмайман, чунки тадқиқотчи ишлатган манбаларни топиш мен учун имконсиздир¹.

Н. Х. Колемасова ўз асарларида мамлакатда христианлик мазҳаблари пайдо бўлган йилларга аниқ ишора қилгани янада қизиқиш уйғотади. Аммо Яҳованинг Шоҳидларига келганда, у Совет Ўзбекистонида уларнинг мавжудлиги ва актив фаолиятини шунчаки таъкидлаб ўтади, холос.

Марказий Осиёда христианлик тарихининг бошқа ўзбек тадқиқотчиси Н. Ч. Кнауэр ўзининг «Туркистондаги христиан секталари» номли мақоласида «Ўрта Осиёда Яҳова Шоҳидлари жамоаларининг пайдо бўлиши катта эҳтимол билан 1939 йилга тўғри келади»², деб ёзади. Афсуски, мақола муаллифи ҳеч қандай факт, ҳужжат, жойнинг аниқ номларини келтирмайди. Демак бу фақат унинг тахминидир. У айнан 1939 йилни танлагани ҳам тушунарсиз бўлиб қолмоқда. Муаллиф мантиқига кўра, Украина ва Беларусининг ғарбий вилоятларининг советлар томонидан босиб олиниши у ерда яшовчи юзлаб Яҳова Шоҳидлари оилаларининг Ўрта Осиёга сургун қилинишига олиб келган бўлиши мумкин. Биз учун эса ушбу шарҳнинг диққатга сазовор томони шундаки, унинг муаллифи ушбу конфессия Марказий Осиёда анча узоқ тарихга эга эканлигига заррача шубҳа қилмайди.

¹ Қизиқарли факт, ўша йилларда Қозоғистонда биринчи Яҳованинг Шоҳидлари (Муқаддас китоб тадқиқотчилари, улар ўша пайтда шундай номланган) бор бўлган. Муқаддас китоб тадқиқотчиси Семион Козлицкий (Карпов) оиласи билан 1891–1892 йилларда Шарқий Қозоғистонга сургун қилинган.

² Кнауэр Н. Христианские секты в Туркестане // К истории христианства в Средней Азии. Тошкент, 1998. – 248-сах.

Мамлакатда диндорларнинг пайдо бўлишининг кейинги эҳти-молий санаси, Иккинчи Жаҳон уруши даврида СССРнинг ғарбий ҳудудлари аҳолисини оммавий кўчириш йиллари бўлиши мумкин.

Н. Х. Колемасованинг ёзишича, «фақат 1941 йилнинг ёздан 1942 йил декабрь ойигача Ўзбекистонга 786 866 киши кўчириб келинган»¹. Агар Қозоғистонни эсласак, уруш бошида Украинадан Яҳованинг Шоҳидлари мамлакатнинг марказий қисмига, Қарағанда шаҳрига сургун қилинган эди. Аммо, яна такрор айтаман, манда Яҳова Шоҳидларининг Ўзбекистонга сургун қилингани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Дарҳақиқат, кўшни Қозоғистонда Яҳова Шоҳидлари таълимотларининг кенг тарқалиши ва жамоаларининг барпо этилиши 1940–1950 йилларга, яъни Иккинчи Жаҳон уруши арафаси ва ундан кейинга тўғри келади.

Буларнинг барчаси, жумладан, собиқ Иттифоқ халқларининг фожиали тарихи, совет тоталитаризми йилларида оммавий қатагонлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлиши билан боғлиқ.

Ҳозирча мен фақат тахминларни келтирдим, уларнинг тўғрилигини фақат вақт ва давлат архивларига кириш имконига эга бўлган ушбу мавзунинг келгуси тадқиқотчилари тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин.

Шунинг учун мен Ўзбекистондаги Яҳованинг Шоҳидлари тарихи бўйича менга маълум бўлган фактларга тўғридан-тўғри мурожаат қилишга ўтаман.

Ва мен кашф этган биринчи факт 1955 йилга тўғри келади.

Ҳали Қозоғистондаги Яҳованинг Шоҳидлари ҳақидаги китоб устида ишлаётганимда, мен диндорларнинг архивдаги жиноий ишлари билан кўп ишладим. Ҳозир улар тадқиқотчи учун оммабоп, бундан ташқари, ўша йилларда судланган диндорлар алақачон реабилитация қилинган ва сиёсий қатагон қурбонлари, бегуноҳ судланган, деб тан олинган.

¹ Колемасова Н. Х. Кризисные явления в Узбекистане. Тошкент, 1981. – 12-сах.

Олмаотадаги Яҳованинг Шоҳидлари Масиҳийлик марказида ҳам менга тарихий ҳужжатларни қидиришда катта ёрдам беришди. Маълум бўлишича, бу дин узоқ йиллар давомида ўз диндошларининг тарихига оид тарихий ёзувлар ва материалларни синчиклаб йиғиб келишаётган экан. Бу материаллар билан танишиш ҳақидаги илтимосимга ижобий жавоб беришганида, бу менда ёқимли таассурот қолдирди. Мен буни ушбу мавзу бўйича бўлажак тадқиқотчилар учун йўл-йўриқ сифатида ёзяман. Диндорларнинг ўзидан ёрдам сўрашга эринманг. Улар сиз билан жуда фойдали ва ноёб тарихий материалларни баҳам кўришлари мумкин.

Менинг ишимда айнан шундай бўлди. У маҳалда мен Жанубий Қозоғистондаги Яҳова Шоҳидларининг тарихи устида ишлаётган эдим ва ўша йиллардаги газеталарда 1957 йил 10-12 сентябрда Ўзбекистонда Яҳованинг Шоҳидлари таълимоти издошлари икки масиҳий аёл Янушина Серафима Власовна ва Кобзарь Екатерина Филипповна устидан шов-шувли суд бўлиб ўтгани ҳақида ёзилганини аниқладим.

Серафима Янушина 1907 йилда Боку (Озарбайжон) шаҳрида туғилган, у саводли ҳисобланган. У 1945 йилда Куйбишев вилоятида ишлаётганида Яҳованинг Шоҳидлари билан танишган.

Екатерина Кобзарь 1912 йилда Куйбишев вилоятида туғилган ва 1945 йилда айнан шу жойда у Яҳованинг Шоҳидларини учратган. У «қулоқлар оиласи»дан бўлиб, ҳатто 1930 йилларда бир муддат Коммунистик партия аъзоси бўлган. Бироқ ҳокимиятдагилар унинг ота-онасидан хабар топгач, уни «нотўғри ижтимоий келиб чиқиши» учун партиядан чиқариб юборишган. Афтидан, бу икки аёл орасида энг саводли, фаол ва жасур Екатерина бўлган.

Серафима ва Екатерина ҳақида яна шу маълумки, уларнинг иккаласи ҳам 1947 ва 1948 йилларда биринчи марта эътиқодлари учун РСФСР Жиноят кодексининг 58-11 ва 58-11-моддаларига биноан, Куйбишев вилоят суди қарорига кўра 25 йил муддатга меҳнат лагерларида қамоқ жазосига ҳукм қилинишган. Улар машҳур айнчли КарЛагда (Қарағанда лагериди) қамоқ жазосини ўтаганлар.

РСФСР жиноий кодексининг қайси моддалари ҳақида гап кетаётгани ҳақида тушунтириб бераман:

«58-10-модда. Совет ҳокимиятини ағдариш, бузиш ёки заифлаштиришга чақирувчи ташвиқот ёки тарғибот ёки алоҳида контрреволюцион жиноятлар (РСФСР Жиноят кодексининг 58-2 ва 58-9-моддалари), ҳудди шундай бу мазмундаги адабиётларни тарқатиш ёки ишлаб чиқариш, ёки сақлаш олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оммавий тартибсизликлар пайтида ёки омманинг диний ёки миллий хурофотларидан фойдаланган ҳолда, ҳарбий вазиятда ёки ҳарбий ҳолат эълон қилинган ҳудудларда ҳудди шундай ҳаракатлар амалга оширилса, Кодекснинг 58-2-моддасида кўзда тутилган ижтимоий ҳимоя чоралари қўлланишига сабаб бўлади.

58-11-модда. Ушбу бобда назарда тутилган контрреволюцион жиноятларни тайёрлаш ёки содир этишга қаратилган ҳар қандай ташкилий фаолият, уларни содир этиш билан тенглаштирилади ва Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жавобгарликка тортилади»¹.

1955 йилда² бу аёллар қамоқдан муддатдан олдин озод қилинди. Озод қилингандан сўнг, улар СССРнинг жанубига боришга қарор қилишди. Менга уларнинг бу қарори жуда ажабланарли туюлди. Ахир ўша йилларда кўп диндорлар озод қилинганди. Улардан баъзилари ўз ватанларига, Украина ва Молдовага кетишди, бошқалари эса озод бўлган жойларида қолишга қарор қилишди. Қозоғистонда Яҳова Шоҳидларининг йирик жамоалари айнан шундай пайдо бўлди. Аммо диндорлар озодликка чиққандан сўнг, ўзиникиларни тарқатиб, жанубга кўчиб ўтишга қарор қилганлари ҳақидаги маълумотга ҳеч қачон дуч келмаганман.

¹ Уголовный кодекс РСФСР. Эл. манбага қ. (bessmertnybarak.ru/article/statya_58_ukrfsr/).

² Гап шундаки, 1953 йилда Сталин вафотидан кейин СССР Олий суди ва прокуратураси илгари қабул қилинган суд қарорларини қайта кўриб чиқиш учун кўпроқ ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлди. Бу қамоқ муддатларининг қисқаришига ва кўплаб фуқароларнинг озод қилинишига олиб келди.

Шунингдек, янги яшаш жойи сифатида улар Ўзбекистон ССР пойтахтини, йирик ва гўзал Тошкент шаҳрини ёки Республиканинг йирик шаҳарларидан бирини эмас, балки Афғонистон билан чегарадош жойлашган олисдаги Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманини танлаганлари ҳам таажубли. Бу қизик, чунки катта шаҳарларда ва уларнинг атрофида оммага аралашиб кўздан ғойиб бўлиш осонроқ эди. Шундай экан, аҳолиси кам ҳудудларга қараганда ҳибсга олиниш хавфи анча паст бўларди.

Бунинг сабаби, уларнинг диндошлари аллақачон катта шаҳарларда яшаётгани ва шу сабабли улар Яҳованинг Шоҳидлари ҳақида ҳали ҳеч ким эшитмаган жойларга боришга қарор қилишган бўлиши мумкинми? Ахир ҳаммага маълумки, Яҳованинг Шоҳидларини бошқа христиан конфессияларидан ажратиб турадиган нарса – ўзларининг эга бўлган эътиқодлари ҳақида бошқалар билан бўлишиш истагидир. Айнан бу уларнинг бутун дунё бўйлаб ажратиб турадиган белгиси ҳисобланади.

Буни Қозоғистон Яҳова Шоҳидларининг 1957 йилдаги жинорий ишлари материаллари ичида, Россия ва Марказий Осиёнинг қисмларида «стреллар» (диндорлар гуруҳлари) манзиллари тўғрисидаги диндорларнинг 1955 йилги ўз ҳужжатлари борлиги ҳам тасдиқлайди. 40 га яқин шундай гуруҳлар орасида, улардан бири Ўзбекистон ССР, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янги Привокзальная кўчасида жойлашгани ҳақида кўрсатма бор.

Жарқўрғонда иккала аёл ҳам маҳаллий Машина-трактор станцияси (МТС) боғчасига ишга жойлашган. Серафима у ерда қоровул бўлиб ишлаган, Екатерина эса кир ювувчи бўлган.

Улар 1957 йил 3 майда маҳаллий сиёсий сайловларда овоз беришдан бош тортганларидан кейин ҳибсга олинган. Ўша йилларда бундай бўш тортиш ўз ҳукмига имзо чекиш билан баробар эди. Бу камида ишдан бўшатиш билан таҳдид қилиниб, оқибатда одамни тирикчилигидан маҳрум этарди, кўпи билан эса СССР Давлат хавфсизлик қўмитаси бундай фуқаро билан қизиқа бошлар эди ва уни узоқ муддатга меҳнат-интизом лагерларига қамашлари мумкин эди.

Кузатишларимга кўра, айнан диндорнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишдан бош тортиши кўпинча таъқиблар бошланишининг биринчи «учқуни» ёки ҳозир айтиладигандек «триггери» бўлган. Бу айниқса 1940–1950 йилларга ҳос эди. Диндорнинг диний фаолияти ҳамда унинг бошқалар билан суҳбати, шунингдек диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш кўп ҳолларда маслак-мақсади бошқаларга нисбатан қаттиқ жинойий жазоларни қўллаш учун «расмий асос» бўлган.

Кўпинча, 1950 йиллардаги иш материалларида мен аввалига диндорнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишдан бош тортганини ва шундан кейингина унга қарши айблов далолатномаси учун материаллар тўплай бошланганини кўрдим (шу тариқа ишда гўё гувоҳларнинг кўрсатмалари, мусодара қилинган адабиётларнинг экспертизалари ва бошқалар пайдо бўларди).

Айнан шу ерда мен, буларнинг барчасини яхши тушунган Яҳова Шоҳидларини сиёсий бетарафлик позициясини сақлашга нима ундагани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Диндорлар бундай вазиятга тушиб қолмаслик учун сайлов пайтида яшаш жойини тарк этишга ҳаракат қилишган ҳоллар маълум. Аммо агар улар вазиятдан қочиб қутула олмасалар, ўз позицияларини аниқ ва равшан ҳимоя қилиб, амалдорларга бу давлат органларига ҳурматсизлик ёки итоатсизлик эмаслигини тушунтирардилар. Гап бошқа нарсада: уларнинг «Худога содиқлик» ҳақидаги диний тушунчаси эди.

Диндорларнинг бетарафлик ҳақидаги позицияси бирон бир давлат билан чегараланмайди. Бу дунёдаги барча Яҳованинг Шоҳидларини ажратиб туради. Ҳар бир мамлакатда бу диндорлар учун маълум қийинчиликларни келтириб чиқарган. Мен китобнинг биринчи бобида бу борада мисоллар келтирганман. Аммо давлат эртами-кечми мазкур позициянинг жамият ва сиёсий институтлар учун «зарарсизлиги»га ишонч ҳосил қилиб, диндорларнинг «сиёсий бетарафлик» ҳуқуқларини тан олгани ҳам ҳақиқатдир. Ҳатто СССРда ҳам худди шундай бўлган, улар дастлаб диндорларни бу позиция учун лагерларга жойлаштиришни тўхтатишган, сўнгра кейинги

йилларда, 1980 йилларнинг иккинчи ярмида, ҳокимият диндорларнинг сайловларда овоз беришдан бош тортишига эътибор беришни ҳам тўхтатган.

Терговчига берган кўрсатмаларида аёллар «Яҳованинг Шоҳидлари» ташкилотига аъзо эканликларини, бироқ унинг фаолияти антиҳукумат ёки антисовет хусусиятга эга эмаслигини очиқдан-очиқ таъкидлашган.

Бунга қарамай, аёлларнинг ҳар бири 25 йилга меҳнат-интизом лагерларига ҳукм қилинган. Улар диний адабиётларни сақлаш ва тайёрлаш (қўлда нусха кўчириш), шунингдек диндорлар «адабиёт тарқатишгани ва ҳудуд аҳолисига ундан парчалар ўқиб беришгани» да намоён бўлган диний фаолиятда фаол иштирок этишгани учун судланишган.

1957 йил 10 октябрда Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноят ишлари бўйича Судлов ҳайъати аёлларнинг кассация шикоятларини кўриб чиқиб, Янушина Серафиманинг муддатини 7 йилга, Кобзарь Екатеринбургнинг муддатини эса 8 йилга қисқартирди. Суд буни маҳкумаларнинг ёши, соғлигининг ёмонлиги ва диний ташкилот етакчиси бўлишмагани инобатга олингани билан изоҳлади.

Ўшанда, 1957 йилда СССРнинг КГБ органлари Украина, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистонда яшовчи Яҳованинг Шоҳидлари жамоаларининг бутун тармоғини фош қилди.

Суд жараёнлари газеталарда кенг ёритилар эди. Масалан, «Жанубий Қозоғистон» номли йирик газетада Мария Кириллинага бағишланган «Яҳованинг қизи» сарлавҳали катта мақола чоп этилди, у Ленгер шаҳрида (Чимкент яқинида) яшаб келар ва ўз диндошлари: Жарқўрғон вилоятида яшовчи Янушина Серафима ва Кобзарь Екатерина билан фаол ёзишмалар олиб бориб, мунтазам алоқа қилиб турарди.

Бу икки жасур аёл Янушина Серафима ва Кобзарь Екатеринбургнинг хатти-ҳаракатлари сабабларини яхшироқ тушунишимиз учун, бироз четга чиқиб, қандай қилиб Яҳованинг Шоҳидлари СССРда шунчалик кўп сонли бўлиб кетгани ҳақида гапириб бериш керак.

Гап шундаки, Европада XX асрнинг бошларидаёқ кенг тарқалган Яҳова Шоҳидларининг таълимотлари СССР билан чегарадош Польша, Руминия, Венгрия, Латвия, Литва ва Эстония каби мамлакатлар ва ҳудудларда тез тарқала бошлаган. Диндорларнинг катта жамоалари Ғарбий Украина ва Молдовада яшаган.

1961 йилда Уоллтер Коларцнинг «Совет Иттифоқидаги дин» (Religion in the Soviet Union) китоби чет элда инглиз тилида нашр этилди. Унда у собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида Яҳованинг Шоҳидлари сонининг тез ўсишига ёрдам берган иккита омилни қайд этди. Биринчиси, 1939–1940 йилларда Латвия, Литва, Эстония ва Молдованинг Совет Иттифоқида қўшилиши бўлиб, унда кўплаб «Яҳова Шоҳидларининг фаол гуруҳлари» мавжуд эди. Бундан ташқари, мингдан ортиқ Яҳованинг Шоҳидлари яшаган Чехословакия ва Шарқий Поляшанинг бир қисми ҳам СССР таркибига қўшилиб, Украина ССР таркибига кирди. Шундай қилиб, ўша жойларда яшовчи барча Шоҳидлар бирдан Совет Иттифоқи ҳудудида пайдо бўлиб қолдилар.

Бунга фақат шуни қўшишимиз мумкинки, олдинги бобда айтиб ўтилганидек, Эстония, Руминия ва Латвияда 1933 йилдаёқ Қўриқчи минораси Муқаддас Китоб ва Адабиёт Жамиятининг юридик шахслари рўйхатга олинган эди. Шундай қилиб, Ғарбий Украина ва Белоруссия, шунингдек, Болтиқ бўйи мамлакатлари СССРга қўшилгандан сўнг, СССР ҳудудида нафақат жамоалар ва диндорларнинг оилалари, балки Яҳова Шоҳидларининг халқаро ташкилотининг йирик ташкилий тузилмалари ҳам пайдо бўлди.

Шунингдек, Коларцнинг сўзларига кўра, «бир қарашда қанчалик ақл бовар қилмайдиган бўлиб кўринмасин», Яҳованинг Шоҳидлари СССР ҳудудида пайдо бўлишининг иккинчи омилни немис концлагерлари эди. Гитлерни ва унинг бошқинчилик сиёсатини қўллаб-қувватлашдан бош тортгани учун, юқорида айтиб ўтилганидек, нацистлар минглаб Яҳованинг Шоҳидларини ҳибсга олишган. Коларц таъкидлашича, лагерларга тушган совет маҳбуслари «Яҳова Шоҳидларининг жасорати ва бардошидан қойил қолишган ва бу уларни Шоҳидларнинг таълимотига жалб қилган бўлиши мумкин».

Лагерларда имонга эга бўлган совет маҳбуслари, ваъз қилишни давом эттириб издошларни орттиришган. Мисол учун, Равенсбрюк концлагерида россиялик 300 киши Яҳованинг Шоҳиди бўлишган¹. Бошқа концентрацион лагерлардаги кўп одамлар ҳам Яҳова Шоҳидларининг фикрларини қабул қилишган. Улар Совет Иттифоқига қалбларида янги имон билан қайтишган.

Улуғ Ватан уруши тугаши ва Ғарб билан «совуқ уруш» бошланганда, бутун жамиятни доимий қўрқув ва назорат остида ушлаб туриш учун, давлатга сиёсий қатағоннинг янги босқичини бошлаш учун ички душман керак эди. Ҳукумат билан ҳамкорлик қиладиган Рус православ черковининг ғояларини баҳам кўрмайдиган диний жамоалар бу мақсад учун энг қулай эди. Ахир Сталин, худди афиналик золим Критиас сингари (милоддан аввалги 403 йилда вафот этган), дин – фуқароларни яхшироқ бошқариш учун ҳокимиятнинг ихтироси, деб ҳисобларди.

Совет давлатининг Яҳованинг Шоҳидлари билан курашидаги энг даҳшатли саҳифаси, диндорларни СССРнинг ғарбий ҳудудларидан Сибирь ва Ўрта Осиёга депортация қилиш бўйича иккита операция бўлди.

1949 йилда бўлиб ўтган биринчи операция чоғида юзлаб Яҳованинг Шоҳидлари Сибирь ва марказий Қозоғистонга сургун қилинди.

1951 йилда «Шимол» деб номланган иккинчи, кенг кўламли операция бўлиб ўтди.

Расмий веб-сайтта ушбу операция шундай тасвирланг 1951deport.org/:

«“Шимол” операцияси – бу Белоруссия, Латвия, Литва, Молдавия, Украина ва Эстония ССРдан Яҳованинг Шоҳидлари конфессиясини мажбуран кўчириб юбориш эди. 1951 йил апрель ойида икки кун ичида диндорларнинг уйлари мусодара қилинди, уларнинг ўзлари эса, 9793 киши – эркаклар, аёллар, қариялар ва болалар чидаб бўлмас шароитларда соқчилар назорати остида Сибирга жўнатилиб, Томск, Иркутск ва Красноярск вилоятларидаги махсус

¹ Иваненко С. И. О людях, никогда не расстающихся с Библией. – М.: Арт-Бизнес-Центр, 1999. – 39-сах.

аҳоли пунктлари атрофига тарқатиб юборилди. Сургун қилинганлар оғир меҳнатга мажбурланган. Депортация тўғрисидаги қарор шахсан Иосиф Сталин томонидан тасдиқланган.

Сталин даврида бир неча депортация тўлқинлари бўлиб ўтди. 10 га яқин миллат вакиллари оммавий депортацияга дучор бўлди. Фуқаролар этник, ижтимоий, сиёсий ва конфессиявий сабабларга кўра танланиб сургун қилинди. «Шимол» операциясининг ўзига хослиги шундаки, бу бир динга эътиқод қилувчиларнинг энг оммавий депортацияси бўлди, чунки СССР ҳукумати Яҳованинг Шоҳидларини оилалари билан яшаш жойларидан мажбуран кўчиришга ҳаракат қилган»¹.

2021 йилда Киевда (Украина) «“Шимол” операцияси. 70 йил ўтиб: Қатағоннинг муҳим сабоқлари» номли йирик илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди, унда дунёнинг турли бурчакларидан келган дин олимлари диндорларнинг СССРга оммавий сургун қилиниши ҳақидаги тадқиқотлари билан ўртоқлашдилар.

Хусусан, Украина Диншунослик ассоциацияси президенти, фалсафа фанлари доктори, профессор Анатолий Колодний таъкидлади: «1951 йил апрель ойидаги “Шимол” операцияси Совет даври тарихидаги ана шундай шармандали саҳифалардан бири ҳисобланади. Минглаб имонли Яҳованинг Шоҳидлари Украинадан ва СССРнинг бошқа ғарбий вилоятларидан ДХВнинг олдиндан тузилган рўйхатларига кўра, суд қарорисиз ва мажбуран кўчирилишга эътироз билдириш имкониятисиз эътиқодлари учун чиқариб юборилган. Инсонийликка қарши барча бошқа жиноятлар каби бу жиноят ҳам ҳар томонлама ўрганишни ҳамда аниқ ахлоқий ва ҳуқуқий баҳо беришни талаб қилади»².

Мана ўша даҳшатли фожиа ҳақида гувоҳлик берувчи фақат икки-тагина тарихий ҳужжат³.

¹ 70 лет операции «Север». Эл. манбага қ. (1951deport.org/ru/why/)

² Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украина Диншунослик ассоциацияси УДА, 2021. – 6-саҳ.

³ Пасат В. И. Трудные страницы истории Молдовы. 1940–1950 йиллар – М.: Терра, 1994. – 612-615-саҳ.

**СССР Давлат хавфсизлик вазирлигининг яҳовачилар
антисовет сектаси қатнашчиларини ва уларнинг оила аъзоларини
Украина ва Белоруссиянинг гарбий вилоятлари, Молдавия,
Латвия, Литва ва Эстония ССРдан кўчириш зарурати
тўғрисидаги мактуби**

1951 йил 19 февраль
ЎТА МАХФИЙ
И. В. Сталинга

Шуни маълум қиламанки, 1947–1950 йилларда ДХВ органлари томонидан Украина ва Белоруссиянинг гарбий вилоятларида, Молдова ва Болтиқ бўйи республикалари мамлакатларда фаол душман ишини олиб борган Яҳова Шоҳидларининг ноқонуний сектасининг бир қанча антисовет ташкилотлари ва гуруҳларини фош этилди ва йўқ қилинди.

Бу вақт ичида сектанинг 1 048 нафар етакчиси ва фаоли ҳибсга олинди, 5 та ер ости босмаҳонаси ва 35 000 дан ортиқ варақалар, рисоалар, журналлар ва яҳовачиларнинг бошқа антисовет адабиётлари мусодара қилинди.

[...]

СССР Давлат Хавфсизлик Вазирлиги яҳовачиларнинг келгуси антисовет махфий фаолиятини тўхтатиш учун, яҳовачилар сектасининг етакчи аъзоларини ҳибсга олиш билан бир қаторда аниқланган яҳовачиларни оилалари билан Украина, Белоруссия, Молдова, Латвия, Литва ва Эстониядан Иркутск ва Томск вилоятларига кўчириб юбориш керак деб ҳисоблайди.

Жами 8 576 киши (3 048 та оила) кўчирилиши керак, улардан:

Украина ССР бўйича – 6 140 киши (2 020 оила);

Белоруссия ССР бўйича – 394 киши (153 оила);

Молдавия ССР бўйича – 1 675 киши (670 оила);

Латвия ССР бўйича – 52 киши (27 оила);

Литва ССР бўйича – 76 киши (48 оила);

Эстония ССР бўйича – 250 киши (130 оила).

[...]

Шу билан бирга, СССР Вазирлар Кенгашининг ушбу масала бўйича қарори лойиҳасини тақдим этяпман.

Мен Сизнинг қарорингизни сўрайман.

АБАКУМОВ¹

¹ Архив Президента Российской Федерации. Ф.3. Оп. 58. Д. 180. – 52–53-сах.

Молдавия, Латвия, Литва ва Эстония ССРда, Украина ва Белоруссия ССРнинг ғарбий вилоятларида яшайдиган антисовет ноқонуний яҳовачи секталарининг фаол иштирокчилари ва уларнинг оила аъзоларини кўчириб юбориш ҳақида СССР Вазирлар Кенгашининг қарори

1951 йил февраль
ЎТА МАХФИЙ
Лойиҳа

ССР Иттифоқи Вазирлар Совети қарор қилади:

1. СССР Давлат хавфсизлик вазирлигининг яҳовачилар антисовет ноқонуний сектаси иштирокчилари ва уларнинг оила аъзоларини Молдавия, Латвия, Литва ва Эстония ССРнинг, Украина ва Белоруссия ССРнинг ғарбий вилоятлари ҳудудидан чиқариб юбориш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

СССР Давлат хавфсизлик вазирлиги (ўртоқ Абакумовга) СССР ДХВ ҳузуридаги Махсус Кенгаш қарори билан 1951 йил март ойининг охирида Иркутск ва Томск вилоятларига абадий кўчирилиш амалга оширилсин.

[...]

3. Кўчирилаётганларга ўзлари билан шахсий қимматли нарсалар, уй-рўзгор буюмлари (кийим-кечак, идиш-товоқ, кичик қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик анжомлари) ҳамда ҳар бир оила учун умумий оғирлиги 1500 килограммгача бўлган озиқ-овқат захирасини олиб кетишларига рухсат берилсин.

Бошқа барча мол-мулк мусодара қилиниб, маҳаллий ҳокимият вакиллариغا топширилсин.

Кўчирилганларнинг мусодара қилинган мол-мулкидан давлат мажбуриятлари бўйича қарзларни қоплашга ўтирилсин; қарзлар тўланганидан кейин мол-мулкнинг қолган қисми (турар-жой ва хўжалик иншоотлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа жиҳозлар, шунингдек чорва моллари) бўлинмас фондга рўйхатга олинган ҳолда колхозларга текин ўтказилсин. Озиқ-овқат, ғалла ва саноат экинлари давлатга топширилсин.

[...]

ССР Иттифоқи Вазирлар Кенгаши Раиси

ССР Иттифоқи Вазирлар Кенгаши Ишбошқарувчиси ¹

¹ Архив Президента Российской Федерации. Ф.3. Оп. 58. Д. 180. – 54–56-саҳ.

Бизнинг тадқиқотимиз учун иккита жуда қизиқарли ва муҳим тафсилотни, ушбу операция тадқиқотчиси, тарихчи Константин Бережко қайд этган. «Диндорлар депортациядан қочиш имконига эга бўлганми?» деган саволга у жавоб беради:

«Ҳа, бўлган ва биттагина эмас. Бу факт бошқа совет депортациялари билан солиштирганда аниқловчи ва ўзига хосдир. Сиёсий маҳкумлардан фарқли ўлароқ, Шоҳидлар депортациядан қочиш учун ҳақиқий имкониятга эга эдилар, бунинг устига икки марта. Биринчидан, кўплаб Яҳованинг Шоҳидлари депортация қилинишлари ҳақида билишган, аммо шунга қарамай ўша куни уйда қолишган. Иккинчидан, аксарият Шоҳидларга ўз эътиқодларидан воз кечиб, уйда қолиш имконияти берилган. Воз кечиш тўғрисида ҳеч қандай махсус бланк йўқ эди, лекин кўпинча гуруҳлар раҳбарлари ўз ташаббуси билан эътиқоддан воз кечишни имзолашни таклиф қилишарди. Украинадаги операция пайтида бундай ҳолатлар кам бўлмаган. Агар оила рози бўлса, у кўчириш вақтида бошқа эътиқодга ўтган тоифага киритилган ва бундай оила кўчириб юборилмаган. Операциянинг барча тафсилотларини билмаймиз, лекин биламизки, Дрогобич вилоятида (1959 йилда Львов вилояти таркибига кирган) шу сабабли 5 та оила қолган. Бу, мен нафақат Украинада, балки СССРнинг бошқа республикаларида ҳам учратган ягона факт. Бундай муқобил имконият борлигининг ўзи, ҳокимият беихтиёр равишда бу одамлар жиноятчи эмаслигини тушунганидан далолат беради»¹.

Демак, биринчи муҳим тафсилот шуки, тадқиқотчи ушбу диний гуруҳни ўрганар экан, диний эътиқодлар диндорнинг шахсиятида қандай улкан роль ўйнашини аниқ тушуниши керак. Бу нафақат унинг эътиқоди, балки шахсиятининг бир қисми, ўзининг бир қисмидир.

Ўзбекистоннинг Жарқўрғон вилоятидаги Янушина ва Кобзарьнинг хатти-ҳаракатини эсланг ва сургун пайтидаги диндошларининг

¹ Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украина Диншунослик ассоциацияси УДА, 2021. – 23-сах.

хатти-ҳаракати билан солиштиринг. Ўзларининг этиқодлари учун бу одамлар Сибирь ва лагерларга тайёр эдилар.

Ушбу муҳим тафсилотга ушбу диний конфессия тарихини ўрганувчиларнинг барчаси эътибор беради. Бу ерда, масалан, Гуманитар фанлар доктори, Катовицедаги (Польша) Силезия университети Маданиятшунослик институти доценти Томаш Бугайнинг кузатишлари келтирилган:

«Мен Польша университетида докторлик диссертациясини тайёрлаётганимда Яҳова Шоҳидларининг репрессиялари мавзусини ўрганганман. Менинг Россияга сафарларим беш йил – 2016 йилгача давом этган. 2017 йилнинг бошида Яҳованинг Шоҳидлари фаолияти тақиқланганида, мен у ерга боришни, интервью олишни ва ҳужжатлар йиғишни тўхтатдим. Лекин Польша университети бу тадқиқотни маблағ билан таъминлаган: мен бу одамлар бошдан кечирган қатағон ва жароҳатлар турларини ўрганиш учун бир йиллик стипендия ва иккита грант, иккита мукофот олдим.

...Сухбатдошларимни ҳаётида этик ва ахлоқий қадриятлари доим ўзгармас бўлган. Улар ён беришни хаёлларига ҳам келтиришмади. Яҳова Шоҳидларининг виждони озиқ-овқат, уй-жой ёки яхши иш шароитлари учун ўз этиқодларидан воз кечишларига йўл қўймаган. Уларга ҳокимият билан ҳамкорликни бошлаш имконияти берилган, аммо ҳатто жуда шафқатсиз шароитларда ҳам улар бунга кўнишмаган.

...Яҳова Шоҳидларининг хатти-ҳаракатлари эътибордан четда қолмаган. Бу бошқаларга таъсир қиларди ва уларни кузатиб турганларни ҳайратда қолдирарди. Мен Рига ва Львовдан ГУЛАГга (Сибирь) озодлик курашчилари сифатида (улар ўзларини шундай тарифлайди) жўнатилган одамлардан интервью олиш имконига эга бўлдим – улар ўз юрти озодлиги учун курашган. Лагерда ёки сургун жойида улар Яҳованинг Шоҳидларини учратишган ва бу одамларнинг хатти-ҳаракати лагердаги бошқа маҳбусларнинг хатти-ҳаракатларидан фарқ қилганини айтиб беришди. Шоҳидлар бир-бирига

ва бошқаларга ёрдам беришар, озиқ-овқат, жўнатмалар билан бўлишар эди. Уларда қандайдир ички эркинлик, амал қилишга ҳаракат қилаётган принциплари бор эди. Бу одамларда шундай таассурот қолдирардики, вақт ўтиши билан улар ҳам шу принципларни қабул қилишарди ва ҳатто лагерларда тақиқланган, принципаал жиҳатдан имконсиз бўлиб туюлган бўлса-да, улар сувга чўмиб, у ердан аллақачон бу дин аъзолари сифатида чиқишарди.

Муқаддас Китоб принципларига мутлақ эргашиш, инсоний қадриятларни ҳимоя қилиш ва эътиқодга содиқлик ўша даврнинг тоталитар тузумига қаршилик ва кескин чақириқ эди. Буларнинг барчаси лагерда ва сургунда шунчалик ноёб эдики, у доимо бошқаларнинг эътиборини тортар эди. Натижада, бу кичик гуруҳ бошқа маҳбуслардан мутлақ ажралиб турарди. Диндорларнинг қаҳрамонона ва фидокорона муносабатини ва позициясини ўша даврда уларга душман бўлганлар ҳам узоқ вақт эслаб қолишган».

Марказий Осиёдаги Яҳованинг Шоҳидлари Жамоаларини ўрганиш бўйича 30 йилдан ортиқ тажрибам тадқиқотчининг бу сўзларини тўлиқ тасдиқлайди.

Бу тафсилотни ҳатто совет диншунослари ҳам таъкидлаб, Яҳова Шоҳидларининг муқаррар ҳибсга ва қамоққа олинишга пешвоз чиқиш жасоратидан ҳайратда қолишган. Шундай қилиб, А. В. Белов ўзининг 1978 йилда Москванинг «Наука» нашриёти томонидан нашр этилган «Мазҳаблар, Мазҳабпарастлик, Мазҳабчилар» китобида шундай деб ёзган эди: «Ҳозиргача бизнинг атеистик адабиётимизда яҳовачилар қандай қилиб, қайси усул ва воситалар ёрдамида реал дунёвий қадриятлардан воз кечиб, турли хил маҳрумликларга бораётган оддий диндорларни ўз таъсири остида ушлаб туришга муваффақ бўлишаётгани ҳақидаги савол тадқиқ қилинмаган. Кўпинча, бу саволга бир маъноли жавоб берилади: яҳовачилик ўз ваъзгўйлари томонидан тасвирланган эсхатологик манзарадан, Армагеддон даҳшатларидан қўрқувга таянади. *Аммо бундай жавоб қониқтириши даргумон*»¹.

¹ Белов А. В. Секты. Сектанство. Сектанты. – М.: Наука, 1978. – 63–64-саҳ.

Сўнгра, у шундай деб мулоҳаза юритади: «Афтидан, яҳовачилик диндорлар назарида ёвузлик, ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизлик ҳукм сураётган дунёга кескин қаршилиқ кўрсатувчи нафис, “янги дин” сифатида намоён бўлишини унутмаслик керак. Афтидан, яҳовачилиқ ўзининг дастлабки қадамлариданоқ фан маълумотларини ўзгача талқин қила бошлаганини, ўз ғояларини асослашда уларга таянганлигини, бошқа христиан оқимларида ўрнашган анахронизмларни қатъиян рад этганини ва шу заҳотиёқ бошқа христиан таълимотлари орасида тубдан янги таълимот бўлишига даъво қилганини эътибордан четда қолдирмаслик керак»¹.

Константин Бережко эътибор қаратган иккинчи муҳим тафсилот «...ҳокимият беихтиёр равишда бу одамлар жиноятчи эмаслигини тушунган».

Собиқ КГБ терговчиси А. И. Спраговский бу ҳақда ўзининг «КГБ терговчисининг эслатмалари» китобида шундай ёзган: «...яҳовачи-мазҳабчиларига нисбатан, мен уларнинг жамоатга хавфини баҳолашда ҳаддан оширилиш йўл қўйилганини ҳис қилдим. Аммо уларнинг ҳаракатлари мафкурачилар томонидан шундай кўриб чиқилган ва шунга мувофиқ тергов аппарати олдига вазифалар қўйилган»².

Яҳованинг Шоҳидлари ҳибсга олиниш пайтида қаршилиқ кўрсатишмаган, давлатга қарши фаолият билан шуғулланишмаган. Ҳаттоки 1951 йилдаги айтиб ўтилган «Шимол» операцияси пайтида ҳам қаршилиқ кўрсатилмаган. Мидл Теннеси Давлат университети (АҚШ) тарих кафедраси мудирини, фан номзоди, доцент Эмили Беран бу ҳақда шундай ёзади:

«Улар ярим тунда уйғотилиб, нарсаларини бир нечта кичик чамадонларга йиғиш буюрилган, кейин эса зич тўлдирилган чорва вагонларига ортиб, кунлар, ҳафталар давомида мутлақо номаълум жойга олиб кетилган одамлар эди. Бизда қочиб кетганлар ҳақида

¹ Ўша ерда. – 64-саҳ.

² Спраговский А. В. Записки следователя КГБ. Эл. манбага қ. (nkvd.tomsk.ru/projects/posledniysvidetel/manuscript_memories/SSpragovskij/) – 1-саҳ.

камгина хабарлар бор, қаршилиқ кўрсатилгани ҳақида эса умуман йўқ. Бунинг ўрнига омон қолганлар узоқ йўлда оилалар қандай жипслашганини, руҳан чўкмаслик учун қўшиқ куйлашганини, бу оғир йўлда минглаб бошқалар ҳам улар билан бирга эканлигини тушунишганини ва буларнинг барчасини фаҳмлаш уларнинг сафарига мазмун ва мақсад бахш этганганини эслашади»¹.

Уларнинг давлат учун асосий хавфи нимада эди? Юқорида айтиб ўтганимиздек, энг кучли безовта қилувчи омилардан бири, диндорлар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этишдан бутунлай бош тортишарди.

А. И. Спраговский ҳам шундай ёзади: «Ўша даврнинг нуқтаи назари бўйича, яҳовачи-мазҳабчилар мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий тадбирларга қарши чиқаётгандек туюларди. Улар Совет армиясида хизмат қилишдан, давлат заёмига имзо чекишдан, сайловларда қатнашишдан бош тортишар эди»².

Ушбу диний ташкилотга оид МВД ва КГБ архив ҳужжатларида мавжуд бўлган 1940–1960 йиллардаги деярли барча давлат маълумотномаларида моҳиятан бир хил нарса ёзилган, яъни диндорлар томонидан ўтказиладиган йиғилишларининг берклиги ва яширинлиги сабабли, уларнинг ақидалари ва маросимлари жуда кам ўрганилган. Лекин маълумки, уларнинг бош маркази хорижда жойлашган ва диндорлар фуқаролик бурчларини бажаришдан бош тортадилар, ҳарбий хизматни тан олмайдилар ва сайловларда қатнашмайдилар. Кўпинча, бундай маълумотномаларда диндорлар «космополитлар» деб аталган.

Таниқли диншунос, фалсафа фанлари доктори Сергей Иваненконинг таъкидлашича, ўша йилларда давлат диндорлар ҳақида «Яҳованинг Шоҳидлари диний ваъзгўйлик ниқоби остида аслида

¹ Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украина Диншунослик ассоциацияси УДА, 2021, – 36-саҳ.

² Спраговский А. В. Записки следователя КГБ. Эл. манбага қ. (nkvd.tomsk.ru/projects/posledniysvidetel/manuscript_memories/SSpragovskij/) – 8-саҳ.

мафкуравий, бузғунчилик ишлари билан шуғулланмоқда деган афсонани тўқиб чиқарган. Яъни улар армияда хизмат қилишдан бош тортишади, фарзандлари пионерлар ва комсомоллар сафига қўшилмайди, ўзлари эса касаба уюшмаларига аъзо бўлишни хоҳлашмайди, чунки касаба уюшмалари билетларида касаба уюшмаси – бу коммунизм мактаби, деган ёзуви бор. Ҳамда улар сайлов тadbирларида, овоз беришда ва ҳоказоларда иштирок этмайдилар, бунинг сабаби Муқаддас Китоб, христиан бетарафлиги тамойиллари буни белгилаб қўйганида эмас, балки улар социализмнинг ашаддий душманлари бўлиб, унга максимал зарар етказишни хоҳлашади, лекин шу билан бирга қандайдир масихийлик, Муқаддас Китоб қадриятлари ҳимоячиларидек иккиюзламачилик қилишади. Бу нуқтаи назар ҳам ҳеч қандай танқидга чидам беролмайди. Айни ҳолатда бу кўроқ Сталин ва камроқ даражада Хрущев тузумлари томонидан қўлланилган ўша қаттиқ, гайриинсоний қатағонларни оқлаш учун топилган мутлақо иккиюзламачилик, ёлғон ва уйдирма фикр ҳисобланади»¹.

1969 йилда Ангрэн шаҳридаги 14 нафар Яҳованинг Шоҳидларига қарши суд ишини қисқача кўриб чиқиш юқорида айтилганларнинг ёрқин мисоли бўлади.

1965 йил 30 сентябрда СССР Олий Кенгаши Президиумининг «“Яҳованинг Шоҳидлари”, “Ҳақиқий православ христианлар”, “Иннокентьевичлар”, “Ислоҳотчи адвентистлар” машаблари аъзолари ва уларнинг оила аъзоларидан махсус турар-жойлар бўйича чекловларни олиб ташлаш тўғрисидаги» 4020-VI-сонли Қарори чиқарилди. Ушбу фармон билан Яҳованинг Шоҳидлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан маъмурий назоратдан озод қилинди. Уларга 1951 йилда сургун қилинган махсус турар-жойларни тарк этишга рухсат берилди². Табиийки, мусодара қилинган мол-мулк

¹ Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украина Диншунослик ассоциацияси УДА, 2021, – 55-сах.

² 1949 йилда Сибирга сургун қилинган Яҳованинг Шоҳидлари бир неча йил олдин махсус турар-жойларни тарк этишга муваффақ бўлишди.

уларга қайтарилмасди, она юртларига йўл эса фақат совет ҳокимиятининг маҳаллий органлари розилиги билан очилиши мумкин эди, улар эса деярли ҳеч қачон бундай розилик беришмасди.

Натижада, кўплаб Яҳованинг Шоҳидлари ўз яшаш жойларидан Марказий Осиё республикаларига, жумладан, Ўзбекистонга кўчиб ўтишга қарор қилишди.

Ўша даврдаги диндорларнинг хотираларига кўра, Григорий Зенюк оиласи билан 1964 йилда Сибирдан дастлаб Тошкентга келган, сўнгра 1960 йилларнинг ўрталарида Ангрен шаҳрига кўчиб ўтган¹. Айнан у маҳаллий диндорлар жамоасининг раҳбари бўлган. Ўтмишда у баптист бўлган, лекин Яҳованинг Шоҳидлари билан суҳбатлардан кейин ўз нуқтаи назарини ўзгартирган.

Ўша жараён иштирокчиларининг хотираларидан маълумки, ангренлик диндорлар Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларига мунтазам ташриф буюришган ва у ерда ҳам маҳаллий жамоалар ташкил топган.

1969 йилда эса 14 киши КГБ томонидан ҳибсга олиниб, судга тортилган.

Бу суд жараёни кўп жиҳатдан ўзига хос бўлиб, Ўзбекистондаги Яҳова Шоҳидларининг ўша йиллардаги портретини тузиш ва уларнинг мамлакатдаги фаолиятини баҳолаш имконини беради.

Афсуски, ишнинг барча материаллари билан таниша олмадим. Лекин Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати сайёр мажлисининг 30.05.1969 даги ҳукми ва жараён иштирокчиларининг хотиралари билан танишиш имконига эга бўлдим.

Суд тингловининг ўзи 12 кун давом этган (19 майдан 30 майгача) ва бу, афтидан, Ўзбекистон ССРдаги Яҳованинг Шоҳидлари устидан ўтказилган энг йирик суд жараёни бўлган.

Айтганча, 1969 йил 24 апрелда Қозоғистон шимолидаги Петропавловск шаҳрида, терговчиларнинг фикрига кўра, камида 23 кишидан ташкил топган Яҳованинг Шоҳидлари жамоасининг

¹ Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Яҳованинг Шоҳидлари гуруҳи Ангрен шаҳрида 1955–1957 йилларда, балки ундан ҳам олдинроқ пайдо бўлган деб ишонил учун асосли сабаблар мавжуд.

4 нафар «рахбари» устидан худди шундай суд жараёни бўлиб ўтгани эътиборга лойиқ. Ўша судда судланганларнинг баъзилари Ангрен иши бўйича судланганларнинг қариндошлари эди. Менимча, бу тасодиф эмас. Ҳойнаҳой, биз яна диндорлар жамоаларига қарши кураш бўйича КГБнинг Бутун иттифоқ «режалаштирилган» операциясига дуч келдик. Бу суд жараёнларидан кейин на Петропавловск шаҳридаги диндорларга, на Ангрен шаҳридаги диндорларга нисбатан бошқа таъқиблар кузатилмагани ҳам буни тасдиқлайди.

Судга тортилганларнинг миллий таркиби турлича эди. Улар орасида 6 нафар украин, 1 нафар молдаван, 2 нафар немис (Шарқий Украинадан), 1 нафар поляк аёл (Белоруссиядан) ҳамда Сибирь ва Қозоғистондан 4 нафар рус бўлган. Улардан етти нафари аввал Яҳованинг Шоҳидларига мансублиги учун судланган эди. Баъзиларнинг вояга етмаган болалари бор эди.

Ангрен шаҳридаги Яҳованинг Шоҳидлари жамоаси, афтидан, жуда кучли ва жуда катта бўлган. Ҳатто суд ҳукми матнидан ҳам 30-40 дан ортиқ диндор бўлган деган хулосага келиш мумкин. Ахир, фақат Жамоанинг етакчилари ва «фаол иштирокчилари» ҳисобланганлар ҳукм қилинган эди. Уларнинг хотинлари, болалари, қариндошлари, шунингдек, оддий диндорлар судга фақат «гувоҳ» сифатида жалб қилинган ва албатта, диний фаолиятини давом эттиришган.

Суд жараёни натижасида, айбланганларнинг беш нафарига беш йил лагер жазоси, саккиз нафарига уч йил, бир нафар аёлга эса атиги икки йил, у ҳам бўлса шартли жазо муддати берилди. Мен буни яққол кўргазмали деб ҳисоблайман, чунки бу замон ўзгарганидан ва диндорларга босим заифлаша бошлаганидан далолат беради, гарчи, шубҳасизки, бундай муддатлар ҳали ҳам катта эди.

Бу ерда мен ўша судда ҳукм қилинганлар орасидан бир диндорнинг, Валентина Дмитриевна Гарновскаянинг таърифини келтирмоқчиман.

У 1924 йилда Белоруссияда туғилган. Илк мартаба Яҳова Шоҳидларининг таълимоти ҳақида 20 ёшида онаси иккалови бир диндор билан учта қисқа суҳбатдан билиб олган. Муқаддас Китобдан ўрганганлари унга шу қадар таъсир қилганки, у дарҳол ўқиганларини бошқалар билан баҳам кўра бошлаган. У қуйидагиларни сўзлаб берган: «У айтган ва Муқаддас Китобдан ўқиган ҳамма нарса менда катта таассурот қолдирди ва ёқди. Худонинг Шоҳидлиги ер юзида бўлиши, одамлар жаннатда абадий яшаши алоҳида эътиборимни жалб қилди. ... Мен болалигимдан Худони жуда севардим, лекин мен доимо руҳонийлар билан баҳслашардим. Ҳатто бир марта бир руҳоний ота-онамга: “Сизнинг болаларингиз бошқаларга ўхшамайди, улар мендан ҳатто ширинлик олмайди ва мен билан тортишади. Айниқса қизингиз шундай қилади!” – деган. Мен ҳақиқатан ҳам баҳслашардим. Чунки уйимизда Янги Аҳд бор эди, отам болалигимиздан уни бизга ўқиб берарди ва менга Исо Масиҳнинг таълимотлари ёқарди. Мен ҳар доим Исони ибрат қилиб келтирардим. Менга айниқса, Исо руҳонийларга (фарзийларга) танбеҳ бергани ёқарди. Болалигимданок мен православ ва католик руҳонийлар Исога ўхшамаслигини кўриб, улар билан баҳслашардим. Шу сабабли, Яҳованинг Шоҳиди бўлган ўша одам онам билан менинг олдимга келганида, унинг айтганлари ва Муқаддас Китобдан ўқиганлари менга жуда ёққан. У бизнигига уч марта келган ва бошқа кўринмаган. Унинг кимлигини ва қаерга ғойиб бўлганини билмайман. Бироқ у менга поляк тилида Янги Аҳдни совға қилганди¹. Мен уни ўқиб, ўрганганимни ҳамда у киши менга айтганларини бошқаларга гапира бошладим. Мен яна Инжилдан² Худонинг хизматкорлари қамоққа ташланиши, қувғин ва таъқиб қилиниши-

¹ «Янги аҳд» – каноник Муқаддас Китобнинг бир қисми бўлиб, 27 та масиҳий китобини ўз ичига олади.

² Инжил – бу «Хушxabар», Исо Масиҳнинг ҳаёти ва таълимотлари ҳақидаги ҳикоя. Ҳаммаси бўлиб Янги Аҳдда 4 та Инжил (Матто, Марк, Луқо ва Юҳанно) мавжуд. Бу ҳолда, афтидан, тўртта Инжил ҳақида гап кетмоқда.

ни билиб олдим. Ўшанда ҳокимиятдагилар мен ва эътиқодим ҳақида бошқалардан суриштиришни бошладилар. Аммо дугоналарим мени тутиб беришмади ва ҳаммага фақат мен уларга айтганимдек жавоб беришарди. Улар қўрқишмасди, чунки уларнинг баъзилари уруш пайтида партизанлар сафида бўлишган. 1945 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ советида котиб бўлиб ишладим, иккинчи ярмида. Худо ҳақида гапирганим учун ишдан бўшатиладим. 1945 йил 24 декабрда эса мени ҳибсга олишди»¹.

Биринчи марта Валентина 1946 йил март ойида Ульяновск вилоятидаги (Россия) тарбия-меҳнат лагерида 8 йилга ҳукм қилинган. Унинг Яҳованинг Шоҳидлари билан иккинчи учрашуви ўша ерда содир бўлди. У буну шундай эслайди:

«1946 йилда лагерга келганимда, онамнинг ўлими ҳақида хабар олдим, у атиги 42 ёшда эди. Кейин 1944 йилда отамнинг фронтда ҳалок бўгани ҳақида хабар келди. 1947 йилда эса акамнинг армияда вафот этгани ҳақида хабар олдим. Бу катта қайғу эди ва бошқа маҳбуслар мени чидай олмайди деб ўйлашганди. Лекин мен Худони ва маҳбуслар орасидан Яҳованинг Шоҳидларини қидирардим. 1946 йилдан 1948 йилгача бир ярим йилдан кўпроқ вақт давомида мен бошқа маҳбусларни кузатдим, тингладим ва ўша одам (Яҳованинг Шоҳиди) каби гапирадиган одамни қидирдим. Ва ниҳоят, Яҳованинг Шоҳиди Ася билан учрашганимда, қалбим қувончга тўлди. Мен уни тинглардим ва: “Сиз айнан ўша одамга ўхшаб гапиряпсиз”,– деб доим такрорладим. Ася лагерда оз-оздан диний адабиётларни олиб турарди ва мен уни завқ билан ўқиб, Асядан ўрганишни бошладим. Ўшанда мен ўзимни энг бахтли ҳисоблардим, чунки мен Яҳованинг Шоҳидлари ҳақиқат учун қувғин қилинган ва қамоққа ташланган жойда эдим. Аввалига фақат Ася ва мен бор эдик. Кейин яна учта аёл, Яҳованинг Шоҳидлари лагерга кўчирилди. Мен бир собиқ роҳиба маҳбуса қиз билан ҳам эътиқодим ҳақида

¹ Қозоғистондаги Яҳова Шоҳидлари масиҳийлик маркази архивидан интервью.

гаплашардим. У ҳам бизга қўшилишга қарор қилди. Ася орамизда энг каттаси эди ва бизга Яҳова Шоҳидларининг эътиқодини ўргатарди».

1953 йилда қамоқдан озод этилган Валентина ўз қишлоғини тарк этиб, шаҳарга йўл олган ва у ерда Яҳованинг Шоҳидларини топмоқчи бўлган, бироқ буни уддалай олмаган. У уй хизматчиси бўлиб ишлаган ва бўш вақтларида ўз эътиқодини бошқалар билан баҳам кўришга ҳаракат қилган. 3,5 йилдан сўнг, 1957 йилда у яна Яҳованинг Шоҳиди сифатида Кемерово вилоятидаги (Сибирь, Россия) тарбия-меҳнат лагерига 10 йилга ҳукм қилинган. У ўша лагерда 180 дан ортиқ Яҳованинг Шоҳиди қамоқ жазосини ўтаётганини билгач, жуда хурсанд бўлганини эслайди. Айтганча, Валентинада ўша қамоқхонада олинган сурат сақланиб қолган. Суратда Валентина имондаги «опа-сингиллари» билан турибди. Улардан иккитасини биз алақачон таниймиз. Бу Кобзарь Екатерина ва Янушина Серафима. Уларнинг ҳаёт йўллари Сибирда қанчалик қизиқарли тарзда кесишган!

Лагерь маъмурияти диндорларга жуда ёмон муносабатда бўлиб, улар эътиқодлари ҳақида гапиришларига, Муқаддас Китоб ва диний адабиётларни ўқишларига имкон бермасликка ҳар тарафлама ҳаракат қиларди.

Валентина улар казармада адёл остида яшириниб, икки-уч киши бўлиб Муқаддас Китобни ўрганишганини эсларди. Агар лагерь маъмуриятидан кимдир ҳатто иккита диндорнинг бирга юриб, нимадир ҳақида гаплашаётганини кўриб қолса, гапираётган жазоланарди, чунки гапирган «қолган диндорларга ташкилий кўрсатмалар берган» деб ҳисобланарди.

Лагерьларда аёллар фақат ўзлари тайёрлаган қўлёзма адабиётлардан фойдаланишган. Муқаддас Китоб бор эди, лекин улар ундан фақат ниҳоятда муҳим вазиятларда ва фақат ўта эҳтиёткорлик билан фойдаланишлари мумкин эди. Бир «опа» хушёр туриши керак эди, иккинчиси эса Муқаддас Китобдан керакли оятларни тезда кўриб чиқиши керак эди. Агар маъмурият маҳбусларда Муқаддас Китоб борлигини билиб қолса, дарҳол уни олиб қоярди.

Диндорлар диний адабиётларни соқчилардан яширишда жуда муваффақиятли бўлишган.

Валентина: «Биз ҳеч қачон адабиётсиз қолмаганмиз. Қишда адабиётни қорга, ёзда эса ўт-ўланга, ерга яширардик. Тинтув чоғида эса қўлёзмаларни қўлимга олиб, елкамни катта рўмол билан ёпардим ва рўмолнинг учларини қўлларим билан ушлаб турардим. Мен лагердан лагерга кўчиб ўтганимда, ўзим тиккан шапкани кийиб, унга “Қўриқчи минораси”нинг бир нечта сонини солардим».

Соқчилар, диндорлар ҳатто бошқа жойга кўчиб ўтишганида ҳам доимо адабиётлари борлигидан ҳайратда қолишарди.

Валентинанинг сўзларига кўра, лагерь раҳбари бир сафар «опа»дан адабиётни қаердан олганини сўраган. Бунга аёл: «Менга қарга олиб келди»,– деб жавоб берган¹.

Шунда бошлиқ: «Хитой барча чумчуқларни йўқ қилди, биз эса қарғаларни йўқ қилишимизга тўғри келадиганга ўхшайди»,– деган².

Диндорлар жуда эҳтиёткорлик билан бўлса ҳам, ҳатто катта диний йиғилишларни ўтказишни давом эттирар эдилар. Бу аёлларнинг ҳайратомуз жасорати таажублантиради. Шу муносабат билан, мен Валентинанинг лагерда Яҳова Шоҳидларининг асосий диний байрами бўлган «Исо Масиҳнинг ўлимини хотирлаш Кечлигини» нишонлаш ҳақидаги ҳикоясини келтираман.

Унинг эслашига кўра, унинг иккинчи ўн йиллик муддати давомида улар хотирлаш Кечлигини икки марта ўтказишган, гарчи ҳокимият томонидан қаттиқ таъқиб қилинган бўлишса ҳам. Кечлик куни Яҳованинг Шоҳиди бўлган барча аёлларни назоратчи диққат билан кузатиб, қачон ҳамма йиғила бошлашини пойлаб турарди. Шунда улар бошқа жойда тўпланишга қарор қилишди. Кундузи соат тўртдан бошлаб барча «опалар» (Валентинанинг сўзларига кўра, 80 аёл

¹ Бу Илёс пайғамбар Худонинг иродаси билан чўлда кузгунлар томонидан боқилган Муқаддас Китоб ҳикоясига ишора қилади. Аёлнинг сўзлари, аслида, Худо унга ғамхўрлик қилганини аңлатади.

² «Тўрт зараркунанда» кампанияси 1958 йилдан 1962 йилгача Хитойда «Олдинга буюк силжиш» доирасида ўтказилган биринчи тадбирлардан бири эди.

бор эди) аста-секин лагердаги битта катта бинога кира бошладилар, унинг ичида кичкина кабинет бор эди, унинг калити Валентинада эди (чунки у ўша бинода ишлар эди). Ҳамма эҳтиёткорлик билан йиғилиб, ҳеч ким кўрмаслиги учун бинога икки томондан киришди. Кимдир нон ва шаробни топиб келишга муваффақ бўлди¹. ...

Шундай қилиб, ҳамма йиғилганда, катта «опалар» ибодат билан йиғилишни бошлашди. Улар ўзларини ошкор қилмаслик учун кўшиқ айтишмади. Аввалига ҳамма нарса яхши ва шодиёна ўтаёнган эди, лекин йиғилиш охирига келиб, улар кўчада баланд шовқин, бинода қадамлар ва кимнингдир баланд овозларини эшитишди. Улар дарҳол соқчилар уларни қидираётганини англашди! Деразадан яширинча қараб, дераза қаршисида отряд бошлиғини кўришди². Худди шу пайт хона эшигига шовқин-сурон билан ёпирилиб, қаттиқ тақиллата бошлашди. Аёллар эшикни очишди ва хонага аскарлар бостириб киришди. Улар зудлик билан йиғилиш ўтказаетган «опа»ни ушлаб, карцерга олиб кетишди. Аммо унинг ўрнига бошқа бир «опа» нутқни давом эттирди. Кейин уни ушлаб кетишди. Сўнгра учинчи аёл гапирди. Улар уни ҳам олиб кетишди. Шундай қилиб, улар учта «опалар»ни олиб кетишди, қолган иштирокчиларни эса кўчага ҳайдаб чиқаришди ва ҳаммаларини карцерга қамаб қўйиш билан таҳдид қила бошлашди. Охир-оқибат атиги беш нафари жазо камерасига олиб кетилди, қолганлари эса чой қайнатиладиган хонага олиб борилиб, ўша ерга қамаб қўйилди. Шунда аёллар учрашувни давом эттириш учун бу яхши имконият деб қарор қилишди. Ўша хонада, энди фош қилинишдан кўрқмасдан, улар байрамни ниҳоясига етказишди ва ҳатто кўшиқ куйлашди. У ерда улар жазоланишга сабаб бўлиши мумкин бўлган барча ёзувларини

¹ Байрам учун нон ва шароб жуда оз миқдорда талаб қилинган, чунки улар кўпчилик имондилар томонидан истеъмол қилинмаган ва фақат рамз бўлиб хизмат қилган. Батафсил 3-бобга қаранг.

² 1930 йилларда Совет лагерларида барча маҳбуслар қурилиш гуруҳларига бирлаштирилган. Ҳар бир отрядга НКВД (КГБ) офицери раҳбарлик қилган.

ёқиб юборишди. Шу боис, уларни кейинроқ тинтишганда, ҳеч кимда ҳеч нарса топа олишмади ва ҳаммани баракларга қўйиб юборишди.

Бир неча йил ўтгач худди шу лагерда 1967 йилда Кечликни янада эркин нишонлашди, гарчи ўша пайтда уларнинг сони 58 нафар бўлса ҳам. Байрам лагерь ошхонасида, нон ва шароб билан, лагерь побонларининг ҳеч қандай тўсқинлигисиз ўтказилди.

1967 йилда Валентина озодликка чиқди ва у Ўзбекистонга – унинг билишича диндорларнинг мустаҳкам жамоаси бор Ангрен шаҳрига кетишга қарор қилди.

Ҳайратланарлиси шундаки, Валентина Яҳова Шоҳидларининг таълимотлари билан 22 йиллик танишувидан кейин, ниҳоят Ангрен шаҳрида сувга чўмишга муваффақ бўлди.

Қолаверса, Валентина Жамоадаги «ака»ларни биринчи марта айнан Ўзбекистонда кўрди, чунки бундан олдин у доимо диндор аёллар билан қамоқда эди.

Бироқ 1969 йилда Валентина ҳибсга олинди ва юқорида айтиб ўтилган «Ангрен иши» бўйича 3 йилга қаттиқ тартибли лагерь қамоғига ҳукм қилинди. Суд ҳукмида у «айниқса хавфли рецидивист» деб аталган ва унинг диндорлар жамоаси фаолиятидаги алоҳида фаол роли кўрсатилган.

Бу уч йиллик қамоқ жазоси Валентина учун айнақса оғир бўлди, чунки у имондошлари билан алоқасиз ва ҳеч қандай адабиётсиз қолди. Ундан хабар олиш фақат яқин қариндошларига ва йилига бир марта рухсат берилганди, қариндошлари эса ўлган эди. Шунинг учун бу уч йил бутунлай ёлғизлик йиллари бўлди.

1972 йилда озодликка чиққач, Валентина Ангрен шаҳрига (Ўзбекистон), унинг уйига айланган диндорлар жамоасига қайтди ва 2001 йилда вафотигача шу ерда яшади. Валентина 77 йиллик умрининг 21 йилини эътиқоди учун қамоқда ўтказди! Бу кўринишидан нозик, аммо руҳан кучли аёл тоталитар давлат машинасини енгиб, ўз имонини сақлай олди. Унинг ҳикояси ҳайратда қолдиради ва инсон руҳи кучлигининг бевосита далили ҳисобланади.

Мен чуқур аминманки ва доимо такрор айтаманки, таъқиблар диндорларни синдира олмайди ва давлат томонидан қўйилган вазифаларни ҳал қилмайди. Тоқатсизлик ва шафқатсизлик улардан фойдаланадиганлар учун фақат қайғу ва шармандаликни келтириб чиқаради. Тарихий ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, айнан Валентинага ўхшаганлар «қаҳрамонлар» бўлиб, инсон руҳи ва тафаккури кучлилигининг намунаси бўлиб қолмоқда, унинг таъқибчиларининг номи эса ўчмас шармандалик билан қопланиб келмоқди.

2021 йилда бўлиб ўтган «Шимол» операциясининг 70 йиллигига бағишланган сўнги конференция давомида, унинг иштирокчиларидан бири, Польшанинг Катовице шаҳридаги Силезия университети қошидаги Маданиятшунослик институти доценти, гуманитар фанлари доктори Томаш Бугай, Совет даврида сургун ва қамоқларни бошдан кечирган кекса Яҳованинг Шоҳидлари билан суҳбатлар ҳақида гоят диққатга сазовор шахсий кузатув олиб борди. Мана унинг сўзлари:

«...мен мотамга чўмган, деярли депрессия ҳолатидаги одамлар билан мулоқот қиламан, суҳбатларимиз ўта ҳис-ҳаяжон билан қабул қилинади, деб ўйлагандим, ахир улар жуда кўп нарсаларни бошдан кечирган. Мен фарзандлари тортиб олиниб меҳрибонлик уйига топширилган ота-оналар ҳамда оиласидан ажралган болалар билан учрашдим. Сўроқ қилинаётган хонада бошларини деворга уриб синдирмоқчи бўлинганлардан, зўрлашга уринилганлардан, руҳий касалхоналарга ётқизилган ва ҳоказоларга дучор бўлганлардан интервью олдим. Лекин аслида, бу одамларни учратганимда, мен ҳам кексайганимда айнан шундай кайфият ва ҳаётга шундай муносабатга эга бўлишни хоҳлайман, деб ўйладим. Улардан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин.

Совет Иттифоқида қатағон қилинган Яҳова Шоҳидларининг ноёблиги шундан иборатки, коммунистик тузум даврида турли йўллар билан Худони одамларнинг қалбларидан чиқариб юборишга ҳаракат қилган атеистик большевизмга ён бермасдан, нафақат якка тартибда, балки бутун гуруҳ сифатида ўзларининг диндорлигини

тўлиқ сақлаб қолиш ва ривожлантиришга муваффақ бўлишган. Бинобарин, тоталитар қуликка қаршилиқ кўрсатиш фақат алоҳида шахслар ўртасидагина эмас, балки жамоанинг барча аъзолари орасида умумий қоида бўлган»¹.

Ҳозир эса мен Ангрен вилоят судининг 1969 йилдаги ҳукми матнига қайтмоқчиман. Бу суд ҳукмида диндорларнинг давлат томонидан айтиб ўтилган айби нимада эди? Қуйида парчалар келтираман:

(1) «Бу гуруҳ диний эътиқодни ваъз қилиш ниқоби остида фуқароларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилиб, уларни ижтимоий фаолиятдан ва фуқаролик бурчларини бажаришдан воз кечишга ундаган».

(2) «Яҳова Шоҳидларининг бу реакцион диний сектасининг етакчи маркази АҚШда Нью-Йорк чеккасида жойлашган бўлиб, унга капиталист Кнорр раҳбарлик қилади, у ерда диний адабиётларни, “Кўриқчи минораси” ва “Уйғонинг” журналларини оммавий тиражда нашр этувчи улкан ташвиқот аппарати яратилган ва “Тиллад кўриқчи минораси” миссионерлик мактаби ташкил этилган».

(3) «Ушбу етакчи марказ масиҳийлик эътиқодининг диний ақидапарастлиги ниқоби остида, нашр этилаётган журналлар, панднасихатлар ва диний адабиётларда “Яҳованинг Шоҳидларига” реакцион характердаги кўрсатмалар беради: давлат органлари билан ҳеч қандай мурасага бормаслик, ...давлат ҳокимияти органларига сайловларда қатнашмаслик, жамоат ҳаётидан ва ҳарбий хизматдан ўзини четга тортиш, ...касаба уюшмаларга аъзо бўлмаслик, фарзандларининг пионерлар сафига қўшилишига йўл қўймаслик, фарзандларини диний руҳда тарбиялаш».

(4) «Яҳованинг Шоҳидлари яқинлашиб келаётган сўнгги муқаддас “Армагеддон” уруши натижасида ер юзидаги мавжуд давлат тузумининг йўқ қилиниши муқаррарлиги ҳақида ваъз қилишди ва шунинг учун халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик учун курашига қарши чиқишади».

¹ Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украина Диншунослик ассоциацияси УДА, 2021, – 31-саҳ.

(5) «(Улар) даволаниш мақсадларида қондан фойдаланиш мумкин эмаслигини ва тиббиётга зарар етказишга қаратилган бошқа ақидаларни ваъз қилиб, нафақат одамларнинг онгига, балки уларнинг соғлигига ҳам тажовуз қилишади».

Умуман олганда, олдимизда ушбу диний ташкилот ҳақидаги деярли барча «уйдирмалар» ва замонавий ахборот айбловлари келтирилган. Ушбу суд ҳукмидан яққол кўриниб турибдики, бу айбловлар совет атеистик тарғиботининг маҳсулидир. Бу «ёрлиқлар» жамият олдида маслак-мақсади бошқаларни таъқиб қилишни оқлаш учун давлат томонидан яратилган. Эътибор беринг, ҳатто «фуқароларнинг онги ва соғлигига тажовуз қилиш» уйдирмаси ҳам ярим аср олдин ишлатилган!

Бу айбловларнинг бемаънилиги ҳатто СССР даврида ҳам муҳокама қилина бошланган.

Шундай қилиб, 1978 йилдаёқ А. В. Белов юқорида айтиб ўтилган «Мазҳаблар, Мазҳабпарастлик, Мазҳабчилар» китобида Яҳованинг Шоҳидларини сиёсий ташкилот деб ҳисобламаган. Белов бу ҳақда шундай ёзади: «Бизнинг адабиётимизда Яҳованинг Шоҳидлари одатда масиҳийликдан диний ғояларга асло алоқадор бўлмаган нарсаларни ваъз қилиш учун фойдаланадиган қандайдир сиёсий оқим сифатида тасвирланган. Яҳовачиликка нисбатан бундай ёндашув билан рози бўлиш қийин. Бу сиёсий оқим эмас, диний оқим»¹.

Ўқувчида мантиқий савол туғилиши мумкин: «Нега Яҳованинг Шоҳидлари ҳукуматдан яширинишган? Нега улар СССРдаги айрим бошқа диний оқимлар каби ўз фаолиятини рўйхатдан ўтказишмаган?»

Сабаби, СССРда Яҳованинг Шоҳидларини рўйхатдан ўтказиш тақиқланган эди.

Шундай қилиб, СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Кенгаш қарори билан тасдиқланган диний культлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича йўриқномада ва

¹ Белов А. В. Секты. Сектанство. Сектанты. – М.: Наука, 1978. – 60-саҳ.

СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Рус православ черкови ишлари бўйича Кенгашнинг 1961 йил 16 мартдаги қарорида шундай дейилган эди: «*Таълимоти ва фаолиятининг табиати давлатга қарши ва ваҳший бўлган секталарга мансуб диний жамиятлар ва диндорлар гуруҳлари рўйхатга олинмасин: **яҳовачилар**, эллигинчилар, ҳақиқий православ христианлар, ҳақиқий православ черкови, ислоҳотчи адвентистлар, мурашковчилар ва ҳ.к.*»¹. Эътибор беринг, «яҳовачилар» рўйхатда биринчи ўринда турибди. Бу тасодиф эмас. Гап шундаки, совет атеистик давлати ҳар доим Яҳова Шоҳидларини энг хавфли «антисовет сектаси» деб ҳисоблаган.

Шуниси эътиборга лойиқки, диндорлар ўз фаолиятини рўйхатдан ўтказишга бир неча бор уринишган. Тарихчи Константин Бережко улардан бири ҳақида шундай ёзади: «Гарчи Шоҳидлар ўз жамоаларини рўйхатдан ўтказишга кўп марта уринган бўлсалар ҳам, уларни қувғин қилишда давом этишган. Шундай қилиб, 1949 йилда жамоани рўйхатдан ўтказишнинг сўнгги уринишида уларга ўз адабиётларини партия босмаҳоналарида чоп этишни ҳамда ваъзларида Сталин ва партия сиёсатини улуғлашни таклиф қилишган. Албатта, тўлиқ сиёсий бетарафлик тамойилига риоя қилган ҳолда, Шоҳидлар бунга рози бўла олишмаган»².

Совет давридаги Яҳованинг Шоҳидларига қарши қўзғатилган жинойий ишлар материалларида СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги диний культлар бўйича кенгашнинг маълумотлари кўп учрайди, уларда айтилишича, «бу дин – “Яҳованинг Шоҳидлари” ...яққол ифодаланган анти-совет оқими ҳисобланади, шунинг учун рўйхатга олинмайди. Бу гуруҳдан хабардор бўлинг, фаолиятини назорат қилиб, тегишли идораларга хабар беринг».

¹ Законодательство о религиозных культах, (сборник материалов и документов) под общей редакцией Куроедова В. А. и Панкратова А. С. – М., «Юридическая литература». 1971. – 157-сах.

² Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украина Диншунослик ассоциацияси УДА, 2021, – 20-сах.

И. М. Советов ва М. И. Одинцовнинг «Россиядаги Яҳованинг Шоҳидлари: таъқибдан эътирофга қадар» мақоласида таъкидлаганидек: «Яҳова Шоҳидларининг ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш учун нафақат давлат хавфсизлик вазирлиги ходимлари, балки 1944 йил май ойида ташкил этилган СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кенгаш ходимлари ҳам жалб қилинган... Ҳар бир бундай жамоага Яҳованинг Шоҳидлари раҳбарлари ва аъзолари, шу жумладан уларнинг оила аъзолари рўйхатидан иборат катта ҳажмли маълумотнома тузилган. Совет Иттифоқи республикалари, ҳудудлари ва вилоятлари бўйича Кенгаш вакилларининг мунтазам ҳисоботларида кўплаб саҳифалар Яҳова Шоҳидларининг хатти-ҳаракатларини тасвирлашга бағишланган»¹.

Баъзи тадқиқотчилар ҳатто «...СССР парчаланиб кетгунга қадар, яҳовачилар махсус хизматнинг диний йўналишдаги ишида асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб қолган ... яҳовачилар бўйича оператив иш эса, “диний фронтда” деярли энг қийин ҳисобланган»².

Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва КГБ архивларида ҳалигача Яҳованинг Шоҳидларига қарши кўплаб ишлар сақланмоқда. Ушбу ишлар билан танишиш, шубҳасиз, ўша даврдаги диндорлар жамоаларининг ҳаёти ва эволюциясини яхшироқ таҳлил қилишга ёрдам берган бўларди, аммо бу ишлар ҳали ҳам ёпиқ ҳисобланади.

Энди Ўзбекистон ССРдаги Яҳованинг Шоҳидлари тарихига қайтайлик.

1968 йилда Яҳованинг Шоҳиди Гура Марфа оиласи билан Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида яшаши аллақачон маълум эди. Бироз вақт ўтгач, у ерда бугунги кунгача мавжуд бўлган имонлилар

¹ Советов И. М., Одинцов М. И. Свидетели Иеговы в России: от преследований к признанию. Российское Объединение Исследователей религии. Эл. манбага қ. (<https://hro.org/files/iegov.pdf>)

² Д. Веденев. Поединок контрразведки и подполья «Свидетелей Иеговы» – 17 йил 17 февраль. Эл. манбага қ. (pravlife.org/ru/content/poedinok-kontrrazvedki-i-podpolya-videteley-iegovy-ch-1)

жамоаси вужудга келди. 1970 йилларнинг бошларида Қўқон ва Фарғона шаҳарларидаги жамоалар ҳақида маълум бўлган.

1977 йил 9 сентябрда Ленинобод вилоят суди (Тожикистон) жиноий ишлар бўйича Судлов ҳайъати маҳаллий Яҳованинг Шоҳиди Гельмунд Андреевич Шлишевскийга нисбатан жиноий ишни кўриб чиққан, қайсики камида 1963 йилдан бери Яҳова Шоҳидларининг маҳаллий жамоасини бошқарганликда ва «бир неча марта ёлғиз ўзи ҳамда оила аъзолари билан бирга Бекобод шаҳрига (Ўзбекистон) бориб, у ерда диндорлар олдида ваъзлар ўқиганлик, ... худди шундай турли тушунтиришлар, кўрсатмалар берганликда» айбланган.

Бу иш бўйича гувоҳлардан бири судга «у 1972 йилдан 1975 йилнинг кузигача Бекобод шаҳридаги “Яҳованинг Шоҳидлари” ташкилотига аъзо бўлганлигини», тушунтирди. Суднинг 10 варақли ҳукмида, бу шаҳарнинг диндорлари «ибодатхонада» йиғилиш ўтказишган, яъни бизнинг олдимизда қайтадан ташкил этилган Яҳова Шоҳидлари Жамоаси турибди, дейилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, Колемасова Н. Х. Ўзбекистон «Билим» жамияти томонидан 1981 йилда чоп этилган «Ўзбекистонда мазҳабчиликнинг инқирозли ҳодисалари. Лекторга ёрдам тариқасида» номли ўзининг китобида Бекобод шаҳридаги «Яҳованинг Шоҳидлари» жамоасини ҳам тилга олган.

Ҳукмда Қозоғистон ССРдан бўлган Яҳованинг Шоҳиди Михаил Бомба ҳам тилга олинади, у ушбу ҳукмга кўра, Шлишевский Гельмунд билан бирга 1977 йил 2 июнь куни Тошкент шаҳрида «Жигули» автомашинасининг юкхонасида 900 нусха диний адабиёт ва ротатор олиб кетаётганда ҳибсга олинган. Суд ҳукмида сўзма-сўз кўрсатилганидек, у судга «қаерга ва нима учун кетаётганликларини айтмаслигини» билдирган.

Суд ҳукмида, шунингдек, СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Ленинобод вилояти бўйича Ваколатли Кенгашининг 1977 йил 15 июндаги 1-сонли маълумотномаси ҳам қайд этилган бўлиб, унда айтилишича, «Яҳова Шоҳидларининг диний

мазҳаби – инсонга қарши энг реакцион масиҳийлик мазҳаби ҳисобланади ва шунинг учун Совет ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олинмайди, аммо бу секта СССР ҳудудида ноқонуний фаолиятини юритмоқда». Кўриб турганингиздек, бу 1940 йилларнинг охиридаги шунга ўхшаш маълумотномаларнинг деярли аниқ нусхаси.

Гельмунд Шлишевский суд томонидан мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 4 йилга озодликдан маҳрум этилган. Бу, суд уни «илгари судланмаган, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланган ва иш жойида ижобий тавсифланган» деб тан олишига қарамай.

Хуллас, кўриб турганимиздек, 1950 йилларнинг бошидан 1970 йилларнинг бошларигача Ўзбекистон СССРда «Яҳова Шоҳидлари»нинг йирик жамоалари ташкил этилган бўлиб, улар актив фаолият юритишган ва ҳам бир-бири билан, ҳам СССРнинг бошқа республикаларидаги жамоалар билан яхши алоқада бўлишган. Тошкентда 900 нусха диний адабиётдан иборат юкининг ушлангани эса, мамлакатдаги диндорлар жамоаларининг миқдорий таркиби анча катта бўлгани ҳақида тахмин қилишга асос беради, боиси ўша йилларда адабиёт асосан диндорларнинг ўз эҳтиёжлари учун қўлланилган.

Бу хулосалар Ўзбекистон ССР диншуноси Н. Х. Колемасованинг «Ўзбекистонда христиан мазҳабчилиги» номли китобида 1960 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда мазҳабларнинг, шу жумладан Яҳова Шоҳидларининг «тузилмаси ва ташкилланиши мустаҳкамлана бошлаган» деган хулосалари билан ҳам тасдиқланади¹.

СССРдан қочиб кетган ва кейинчалик ўз хотираларини нашр этган СССР КГБ Биринчи Бош бошқармаси архив бўлимининг собиқ ходими В. Н. Митрохиннинг 1999 йилдаги «Қалқон ва қилич» китобида Яҳованинг Шоҳидларига нисбатан КГБнинг ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилган. В. Н. Митрохиннинг фикрича,

¹ Колемасова Н. Х. Христианское сектанство в Узбекистане. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 19-сах.

1960 йилларга келиб, СССР КГБ раҳбарияти ҳеч қандай таъқиблар мазҳабчиларни умуман йўқ қилмаслигини тан олишга мажбур бўлди. Шу сабабли, 1959 йил март ойида «яҳовачиларга қарши кураш»га раҳбарлик қилган КГБ катта офицерлари энг самарали тактика «бўлиниш чоралари билан бостириш чораларини бирлаштириш» деган хулосага келишди. КГБ бир томондан, мазҳабчиларни бўлиб юборишга, аҳдоқини бузишга, обрўсизлантиришга, иккинчи томондан эса уларнинг энг нуфузли раҳбарларини сохта айблар билан қамоққа олишга қарор қилди¹.

Яҳованинг Шоҳидлари жамоаларига айғоқчилар киритишди, улар ваҳима қўзғатишар ва имонлилар орасида шубҳа муҳитини яратишарди.

Шунингдек, диндорларни очиқдан-очиқ таъқиб қилишдан ташқари, СССРда дин ва «мазҳаблар»га қарши улкан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Динга қарши тарғиботда кино ва адабиёт муҳим ўрин тутган. Бу ерда ҳам Яҳованинг Шоҳидларига катта эътибор берилди. Энг машҳур «асарлар» қаторида Юрий Усиченконинг «Қора хоч» ҳикоясини, шунингдек, Михаил Израилевнинг «Армагеддон», Николай Евдокимовнинг «Гуноҳкор», Михаил Ершовнинг «Мен сени севаман, ҳаёт!» ва бошқа фильмларини эслашимиз мумкин. Бу «асарларнинг» барчасида эътиқодли «мазҳабчи» образининг воқелик билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ эди, таълимотлар эса ҳақиқатга тўғри келмасди.

Яҳованинг Шоҳидларига кўпинча ҳақоратомуз клише ва иборалар, масалан, «мазҳабпарастлар», «жаҳолатпарастлар», «фанатиклар», «америкалик жосуслар» каби иборалар ишлатилган. Жамиятни улардан халос этиш эса эзгу иш, ижтимоий ва жамоавий яхшиланиш, жамиятни ифлослик ва чиришдан тозалаш сифатида тақдим этиларди.

¹ Ежегодник Свидетелей Иеговы. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2004. – 107-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Ежегодник-Свидетелей-Иеговы-2004/Молдавия/)

1970 йиллар давомида Яҳованинг Шоҳидларига нисбатан таъқиб ва таъқиқлар давом этарди, бироқ Ўзбекистонда суд жараёнлари асосан ёш диндорлар армияда хизмат қилишдан бош тортишлари учун бўлган. Диний ташкилотга мансублиги учун улар баъзан жавобгарликка тортилган, ammo қамоқ муддати 3-5 йилгача қисқартирилган. Диний йиғилишлар ўтказишгани учун улар кўпинча маъмурий жавобгарликка тортиларди, шунингдек, диндорларга катта миқдорда жарималар солинарди. Яҳова Шоҳидларининг фарзандлари мактабларда қаттиқ босимга дучор бўлишарди, чунки улар пионер ташкилотларига аъзо бўлишдан, байроқни шарафлашдан, мадҳия куйлашдан ва «қардош халқларга империализмга қарши курашда ёрдам бериш» учун маблағ йиғиш дастурларида қатнашишдан бош тортишарди.

Ўша вақтга келиб, имонлиларнинг жамоаларида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганди. Маҳаллий Яҳова Шоҳидларининг аллақачон иккинчи ва учинчи авлодлари улғайиб бораётган эди.

Айтиш жоизки, Яҳованинг Шоҳидлари орасида болаларни тарбиялаш ва оила институтини мустақамлаш масалалари доимо муҳим ўрин тутган. Худди ўша Колемасова Н. Х. диндорларнинг бу хусусиятини алоҳида қайд этиб ўтган: «Болаларнинг диний таълимини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. “Биз болаларимизни ҳимоя қилишимиз керак, ёшлигиданоқ уларга масиҳий шахсни ривожлантиришга ёрдам беришимиз керак”»¹.

Алоҳида таъкидламоқчимизки, Яҳованинг Шоҳидлари олий маълумот олишолмаган, уларни олий ўқув юртларига қабул қилишмаган ёки институтлардан четлатишган. Шунингдек, улар ҳеч қандай масъулиятли лавозимни эгаллаш олишмасди. Шу билан бир вақтда, Шоҳидлар ҳудудий сифатида алоҳида меҳнатсеварлик ва тиришқоқлик билан ажралиб турарди. Яҳова Шоҳидларининг меҳнатга нисбатан позициясини диндор Лидия Плешко яхши

¹ Колемасова Н. Х. Христианское сектанство в Узбекистане. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 27-саҳ.

ифодалаган: «...Чунки Яҳованинг Шоҳидлари ишлашга ўргатилган. Бошлиқ кузатиб турибдими ёки йўқми, Худо олдида ҳалол бўлиш керак. Ўз ишимда ва барча нарсада. Биз ҳар доим шундай қилишга ҳаракат қилганмиз»¹.

Бошлиқлар диндорларни қадрлаб, уларни йўқотмасликка ҳаракат қилгани ажабланарли эмас. С. Иваненко таъкидлаганидек: «1970 йилларда Яҳованинг Шоҳидлари спиртли ичимликларни суистеъмол қилмайдиган, ўзларига ишониб берилган ишлаб чиқаришга оид топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарувчи ҳалол ва виждонли ишчилар сифатида аста-секин обрў-эътибор қозона бошлашган. Мавжуд маълумотларга кўра, диндорларнинг салмоқли қисми қурилиш ихтисослигига эга бўлишган ва малакали қурувчилар етишмаслигига дуч келган маҳаллий хўжалик раҳбарларининг манфаатдорлигидан фойдаланиб, аста-секин турли хил иқтисодий ва турар-жой объектларини қуриш билан банд бўлган ўзларининг кичик ишлаб чиқариш жамоалари ва бригадаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлишган». Сўнгра: «Совет атеистик адабиётида таъкидланганидек, ҳалол ва виждонли меҳнат Яҳова Шоҳидлари ва оилаларининг асосий қисмига мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори турмуш даражасини таъминлаган, шу жумладан, имондошлари ёрдамида ўзлари учун яхши замонавий уйлар қуриш, автомашиналар сотиб олиш ва ҳ.к.»².

1982 йилда бу тўғридан-тўғри давлат томонидан тан олинган. Шундай қилиб, Ижтимоий фанлар академиясининг Илмий атеизм институти томонидан фақат партия етакчилари учун мўлажалланган, имзо чеккандан сўнг тақдим этиладиган ички «Ахборот бюллетени»нинг биринчи сонидан янги турдаги диндорлар шакилланаётгани қайд этилганди. «Булар ўрта ва ҳатто олий маълумотга эга, умумий маданияти ва ишлаб чиқариш малакаси юқори бўлган

¹ Қозоғистондаги Яҳова Шоҳидлари масиҳийлик маркази архивидан Плешко Лидиянинг интервьюси, август 2017 йил.

² Иваненко С. И. Свидетели Иеговы – традиционная для России религиозная организация. – М., Арт-Бизнес-Центр, 2002. – 129-саҳ.

ёшлар ёки ўрта ёшлилардир. Бу янги турдаги диндорлар айниқса христиан мазҳабларида сезиларли бўлиб бормоқда, чунки баптистлар, элигинчилар, яҳовачилар, меннонитлар ва бошқалар жамоаларида ёшларнинг фоизи, бошқа диний ташкилотларга нисбатан 2-3 баравар юқори»¹.

Иваненко ҳам бу ҳақда шундай ёзади: «Яҳова Шоҳидларининг диний ташкилотига мансуб, СССРда илгари учрамаган, юқори даражадаги даромад, ишлаб чиқариш малакаси ва интизомни ўзида мужассам этган (кўпинча ишлаб чиқаришда, асосан имондошлардан иборат қурилиш гуруҳларида бирлашган), жиддий ваъзгўйлик фаолияти билан шуғулланадиган ва совет қонунчилиги талабларини бажаришдан (армияда хизмат қилишдан, сайловларда овоз беришдан) бош тортадиган, шунингдек, коммунистик мафкура билан муросага келмайдиган янги турдаги ҳудожўйлар Совет раҳбариятини ва партияни хавотирга солди»².

1980 йил 29 майда Дин ишлари бўйича кенгаш «Яҳованинг Шоҳидлари мазҳабининг ноқонуний фаолиятини фош этиш ва уларга чек қўйиш ишларини кучайтириш ҳолати ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Одинцов таъкидлаганидек: «1980 йилларнинг ўрталаригача Совет Иттифоқининг республикалари, ўлкалари ва вилоятларида рўйхатдан ўтмаган уюшмалар фаолиятини тўхтатиш бўйича мақсадли ишлар олиб борилди. Унинг доирасида Яҳованинг Шоҳидлари жамиятлари билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам амалга оширилди. Ушбу фаолият Дин ишлари бўйича кенгашнинг марказий аппарати томонидан мувофиқлаштирилди»³.

Ўша даврда жуда кўп кулгили вазиятлар ҳам содир бўлган. Мана бир мисол: «Хабаровск ўлкаси бўйича СССР Вазирлар Кенгаши

¹ Дударёнок С. М. Свидетели Иеговы на российском Дальнем Востоке 1944–1990 гг. Свобода Совесть в России: сборник. Выпуск 9. – СПб., 2011. – 72-саҳ.

² Иваненко С. И. Свидетели Иеговы – традиционная для России религиозная организация» – М., Арт-Бизнес-Центр, 2002. – 130-саҳ.

³ Советов И. М., Одинцов М. И. Свидетели Иеговы в России: от преследований к признанию. Россия Дин Тадқиқотчилари Уюшмаси. Эл. манбага қ. (<https://hro.org/files/iegov.pdf>)

ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Кенгаш вакилининг, у томонидан Хабаровск шаҳар қўмитасининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси биринчи котибига юборилган Яҳованинг Шоҳидлари фаолияти тўғрисидаги маълумотномасига кўра, маҳаллий корхона раҳбарлари Шоҳидларни обрўсизлантириш ва уларнинг миссионерлик фаолиятини тўхтатиш бўйича унинг “тавсиялари”ни шунчаки эътиборсиз қолдиришган. Шу тариқа, вакил Хабаровск алюминий конструкциялари заводи транспорт бўлими ҳайдовчиси В. Ф. Елиннинг “ноқонуний фаолияти”ни аниқлаганидан шикоят қилади, яни у Яҳованинг Шоҳиди бўлган ва завод ишчилари орасида таълимотини фаол тарғиб қилиб юрган. Вакил завод раҳбариятига мурожаат қилган, лекин раҳбарлар Елинга нисбатан ҳеч қандай чора кўришмаган. Вакилни энг кўп газаблантирган нарса шуки, “Елиннинг фақатгина ўз хизмат вазифаларини бажаришга виждонан ёндашуви ҳисобга олинган ҳолда”, заводда транспорт цехидан ёлғиз унга коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилган ва В. Ф. Елиннинг портрети «рангли ижрода заводнинг Фахрий тахтасига ўрнатилган». Елин бир неча бор умумзавод касаба уюшмаси йиғилишининг президиумига сайланган ва «туман ҳарбий қўмитасига у ҳақида ижобий тавсифнома юборилиб, у коммунистик меҳнат зарбдори эканлиги таъкидланган»¹.

Эмили Беран, доцент ва Мидл Теннесси Давлат университети (АҚШ) тарих кафедраси мудири, жуда тўғри таъкидлади: «Яҳованинг Шоҳидлари таъқиблар даврида ажойиб тарзда мослашди, улар кучли босимга қарамай, имонларини сақлаб қолиш ва ўз динига амал қилиш йўлларини топдилар. Буни давлат архивлари ҳужжатларидан биламиз. Ушбу ҳужжатли далиллар, сургун давридан ташқари, ҳукумат амалдорлари Яҳованинг Шоҳидларини фаол ва садоқатли диндорлар деб билишганини ва бу борада ҳеч нарса қила олмаганликларини кўрсатади. Ҳукумат амалдорлари атеистик семинарларда

¹ Дударёнок С. М. Свидетели Иеговы на российском Дальнем Востоке 1944–1990 гг. – 62-саҳ.

Ўз эътиқодларини аъло даражада ҳимоя қилган ўқимишли Шоҳидлар устидан шикоят қилган ҳужжатлар бор... Бундан ташқари, атеистик ташвиқотни олиб боришга масъул бўлган давлат амалдорлари Шоҳидлар улардан қобилият ва нотикликда устун эканидан шикоят қилган кўплаб ҳолатлар ҳақида ўқиш мумкин.

Шундай шикоятлардан бирида ташвиқотчи бир ой давомида қўшнисини динидан воз кечишга кўндириш учун бир неча соат вақт сарфлаганини белгилаб ўтган. Аммо унинг муваффақиятга эришиш имконияти паст эди, чунки Шоҳидлар худди шу вақт ичида қўшнилари билан суҳбатлашиш учун 10 баробар кўпроқ вақт сарфлашлари мумкин эди. Жамоа (Яҳова Шоҳидларининг) бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун яратилган. Албатта, ҳамма Шоҳидлар ҳам имонда қолмаган. Айримлари ташкилотни тарк этган. Аммо жамоа ҳақиқатан ҳам қийин вазиятларга, шу жумладан иккита оммавий сургунга чидаш ва Совет Иттифоқидан омон қолиш учун етарлича шижоатли эди»¹.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, эҳтимол, диндорларнинг «безарарлиги» ва уларга қарши курашнинг «бемаънилигини» англаган ҳолда, маҳаллий ҳокимиятлар, айниқса Москвадан узоқда жойлашган жойларда, динга қарши курашда ҳеч қачон ҳаддан ташқари «гайратли» бўлмаган.

Тахмин қилишим мумкин, 1960 йилларнинг ўрталаридан кейин диндорлар устидан бўлиб ўтган кўплаб суд жараёнлари кўпинча Москва учун «ҳисоботли» хусусиятга эга бўлган, чунки маҳаллий ҳокимиятлар керакли статистик маълумотларни тақдим этишни ва улар ҳам шу йўналишда фаол ишлаётганликларини кўрсатишни хоҳлашарди.

Буни тасдиқловчи мана атиги иккита ҳужжат:

¹ Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украина Диншунослик ассоциацияси УДА, 2021, – 35–36-сах.

**ДИНИЙ КУЛЬТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНЧИЛИК ИЖРО
ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ
КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг фармони
1969 йил 7 февраль 65-сон¹**

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши, кейинги пайтларда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари республиканинг бир қатор туман, шаҳар ва вилоятларида диний культлар тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилиши устидан назоратни бирмунча юмшатганини қайд этади.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, туман, маҳалла ва қишлоқ Кенгашларининг алоҳида ижроия қўмиталари, диний бирлашмалар ва руҳонийлар томонидан динлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни йўққа чиқаришди, назоратни кучайтириш бўйича жамоат комиссиялари ишига қониқарсиз раҳбарлик қилишмоқда, ушбу комиссиялар аъзоларини культлар тўғрисидаги қонунчилик асослари билан яхши таништиришмаяпти. Бир қатор вилоятларда амалдаги диний бирлашмалар, зиёратгоҳлар ва дин хизматчилари ҳисоби мавжуд эмас.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг 1966 йил 28 майда қабул қилинган «Диний культлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Фармони қатор жойларда қўлланилмаяпти. Республикамининг молия ва маъмурий органлари диний ташкилотлар ва дин хизматчиларининг ноқонуний фаолиятига қарши курашда суст иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Совети қарор қилади:

¹ Законодательство о религиозных культах (сборник материалов и документов) под общей редакцией Куроедова В. А. и Панкратова А. С. – «Юридическая литература», 1971. – 156-саҳ.

1. Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, меҳнаткашлар депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ижроия қўмиталарига юклансин:

а) мазкур қарорда кўрсатилган мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва диний культлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш. Бу ишда маҳаллий совет органларининг роли ва масъулиятини ошириш; диний ҳаётнинг ҳақиқий ҳолатини бузиб кўрсатишга, аҳолининг диндорлик даражаси тўғрисидаги маълумотларни камайтириб кўрсатишга йўл қўймаслик;

б) диний ташкилотларни рўйхатга олиш жараёнларини тартибга солиш, рўйхатга олинмаган диний бирлашмаларнинг ҳар бири билан иш юритиш ва улардан қайси бири амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилиши лозимлигини аниқлаш, шунингдек рўйхатга олишдан бўйин товлаган диний ташкилотларга нисбатан белгиланган тартибда зарур чораларни кўриш. Диндорларнинг диний жамоатлар тузиш ва ибодат жойларидан фойдаланиш ҳақидаги ариза ва илтимосномаларини кўриб чиқиш ва ҳал этишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

в) 1969 йил 1 июнгача, амалда фаолият юритаётган барча диний бирлашмалар ва дин хизматчиларининг ҳисобини юритиш. Бўш турган масжидлар ва бошқа ибодат биноларининг ҳолатини текшириш ва улардан хўжалик, маданий мақсадларда фойдаланиш ёки яроқсиз ҳолга келганларини бузиш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўриш;

г) «муқаддас қадамжоларга» зиёрат қилишни тўхтатиш бўйича ишларни фаоллаштириш; 1969 йил 1 июнгача ҳар бир шундай жойни кўздан кечириш ва уларга зиёрат қилишни тўхтатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

д) меҳнаткашлар депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталари мажлисларида диний таълимотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ҳолати тўғрисидаги масалаларни вақти-вақти билан тинглаш.

2. Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари ижроия қўмиталарига қуйидагилар таклиф қилинсин:

а) культлар тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан кундалик назоратни амалга ошириш, бирлашма ва дин хизматчиларининг диний фаолиятдан доимий хабардор бўлиш, йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида чек қўйиш чораларини кўриш;

[...]

в) диний культлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишига қўмаклашиш комиссиялари фаолиятини фаоллаштириш. Уларнинг таркибини қайта кўриб чиқиш ва комиссияларда ишлаш учун малакали, етарлича тайёргарликдан ўтган одамларни жалб қилиш. Доимий равишда уларнинг ишининг ижобий тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва фаол тарғиб қилиш. Ёрдамчи комиссия аъзолари билан культлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш ва ўз вазифаларини амалий бажариш бўйича семинарлар ўтказиш.

3. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги (Х. Х. Яҳёевга) диний асосда юзага келган жиноятларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, диний адабиётларни (ваъзларнинг фотонусхаларини, Қуръондан олинган парчаларни, диний оятлар, қўшиқлар ва ҳоказолар туширилган магнитофон ленталари ва граммофон пластиналарини) сотиш ва тарқатилишига чек қўйиш, ибодат биноларида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг тиланчилик қилишига, дайди руҳонийлар ва мазҳаб ташкилотлари раҳбарларининг текинхўр унсурлари фаолиятига чек қўйиш бўйича ишларни кучайтириш чораларини кўриш мажбурияти юклансин.

4. Ўзбекистон ССР прокуратураси (Қ. Б. Рўзметовга) ва Ўзбекистон ССР Олий судига (ўртоқ Пўлатхўжаевга) 1969 йил 1 апрелгача Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 145, 146, 147, 147¹-моддалари ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг «Динга эътиқод қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини

бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисида»-ги Фармони қўллаш амалиётини ўрганиб чиқиш ҳамда диний бир-лашмалар ва алоҳида дин хизматчилари томонидан қонуннинг жиноий бузишларига қарши курашни кучайтириш ва социалистик қонунийликка қатъий риоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриш топшириғи берилсин.

[...]

7. Ўзбекистон ССРдаги дин ишлари бўйича Кенгаш вакилига 1969 йилнинг биринчи ярмида меҳнаткашлар депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари ижроия қўмиталари ваколатли вакиллари иштирокида Кенгашнинг вилоятлар бўйича вакиллари диний кулблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш амалиётини умумлаштириш учун республика мажлисини ўтказишга рухсат берилсин.

8. Кулблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш амалиётини умумлаштириш бўйича Ўзбекистон ССРдаги Дин ишлари бўйича ваколатли Кенгаш ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг янги таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

[...]

10. 1969 йилнинг¹ иккинчи ярмида Ўзбекистон ССР Вазирлар Совети Президиумининг мажлисида ушбу қарорнинг бажарилиши юзасидан Тошкент вилоят ижроия қўмитасининг ҳисоботи тинглансин.

¹ Эслатиб ўтаман, Ангрэн шаҳрида 14 нафар Яҳованинг Шоҳиди устидан ўтказилган қатта суд жараёни айнан 1969 йил май ойида бўлиб ўтган.

АХБОРОТ ХАТИ
СССР ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ
РЕСПУБЛИКА, ЎЛКА ВА ВИЛОЯТЛАРДАГИ КЕНГАШ
ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИГА
1982 йил 24 июндаги 1884-сонли

СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Кенгашнинг 1981 йил 22 ноябрдаги кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, Кенгашнинг кўплаб ваколатли вакиллари халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталари билан биргаликда рўйхатга олинмаган диний бирлашмаларнинг ҳисобини юритиш бўйича муайян ишларни амалга оширдилар.

Шу билан бирга, Кенгаш ваколатли вакиллари 1981 йилдаги ҳисоботлари таҳдими шуни кўрсатадики, бир қатор жойларда рўйхатдан ўтмасдан амалда фаолият юритаётган диний жамиятлар ва диндорлар гуруҳлари сони ҳалигача аниқланмаган. Ўзбекистон ССР ...Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича Кенгашнинг ваколатли вакиллари томонидан тақдим этилган статистик маълумотлар ушбу бирлашмаларнинг амалда мавжудлигини акс эттирмайди... Вазият, айниқса, рўйхатдан ўтмаган мусулмон ва мазҳаб бирлашмаларини рўйхатга олиш бўйича жуда ночор аҳволда.

Дин ишлари бўйича Кенгаш барча Кенгаш ваколатли вакиллари га халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталари билан биргаликда 1982 йил давомида, амалда фаолият юритаётган рўйхатдан ўтмаган диний бирлашмаларнинг тармоғини аниқлаштириш бўйича ишларни яқунлаш ва илгари қайд этилмаган барча жамиятлар ва диндорлар гуруҳлари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шаклда (рўйхатга олинмаган диний бирлашма учун ҳисобга олиш картаси) 1982 йил учун статистик ҳисобот билан бирга Кенгашга тақдим этишни тақлиф қилади.

СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги
 Дин ишлари бўйича Кенгаш раиси

В. А. Куроедов¹

¹ Государственный архив Российской Федерации – 6991. Оп. 6. Д. 2287. – 24-сах. Асл нусха.

Шу боис, вақти-вақти билан маҳаллий диндорлар жамоаларининг фаол раҳбарлари диний фаолияти учун судланиши мумкин бўлса-да, оддий диндорлар одатда жаримага тортилган ва меҳнат коллективларида кучли психологик ижтимоий босимга дучор қилинган.

1980 йилларда Яҳованинг Шоҳидлари устидан судлар асосан диндорлар армияда хизмат қилишдан бош тортган ҳолатларда бўлган. Фақат баъзида жараёнлар нашрлар ишлаб чиқариш ва диний таълимотларни тарқатиш бўйича бўлиб ўтган.

1980 йилларнинг ўрталарига келиб СССР туб ислохотларга муҳтож эди. «Қайта қуриш» бошланди ва «ошкоралик» эълон қилинди. 1980 йилларнинг охирига келиб, ҳокимиятнинг Яҳованинг Шоҳидларига нисбатан муносабати ўзгара бошлади.

Фалсафа фанлари доктори, Украинанинг ФМА Г. С. Сковорода номидаги фалсафа институти диншунослик бўлими катта илмий ходими ҳамда Диншунослик ва халқаро маънавий алоқалар маркази президенти (Украина) Игорь Козловский ўша вақт ҳақида шундай эслайди: «80 йилларнинг охирида Партия тузилмалари бундан кейин нима қилиш кераклиги, айнан Яҳованинг Шоҳидлари билан нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлашди. Ҳатто Яҳова Шоҳидларининг таълимотлари коммунизмга жуда яқин деган фикр пайдо бўлди, чунки улар ер юзида Худонинг Шоҳидигини қуриш ниятидалар, айнан бу билан коммунистларнинг ўзлари ҳам шуғулланишарди. Ҳатто Яҳова Шоҳидларининг айрим гуруҳларига коммунистик мафқурани сингдиришга уринишлар бўлган – буни яхши эслайман»¹.

Ўша йилларни мен ҳам яхши эслайман. 1984 йил охирида Қозғистон Компартияси МК² Бюросининг қарори билан мени «Қўзғўғистон партия ҳаёти» журналини ўта танқидий қилиб юбор-

¹ Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украинская ассоциация религиоведов УАР, 2021, – 82-сах.

² Коммунистик партия Марказий Қўмитаси.

ганим ва бу турли даражадаги партия амалдорларининг газабини келтириб чиқаргани учун бош муҳаррирлик лавозимидан озод қилишди. Ашаддий таъқиблар бошланди ва мени Қозоғистон ССР бўйича СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Ваколатли Кенгашнинг ўринбосари лавозимига юборишди.

Ушбу лавозимда бўлган ҳолда, жиддий масъулиятни талаб эгидиган ва фойдаланиш чекланган ҳисоботлар ва ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганим сабабли, мен Совет республикаси диний ҳаётининг бутун манзарасини жуда холис кўра олдим, юзага келган вазиятнинг мураккаблигини тушундим. Мамлакатда Горбачёвнинг қайта қуриши бошланганида шу қийин лавозимда бўлганим учун тақдирга миннатдорман.

Диндорларга нисбатан сиёсат ўзгара бошлади. Ҳокимият музокара олиб боришни хоҳлади. Бизга Москвадан диний махфийликка барҳам бериш учун ҳамма нарсани қилиш ҳақида кўрсатма берилди, бу эса ўша пайтда Қозоғистонда жуда катта эди. Яҳованинг ШОҳидлари, ҳақиқий православ христианлар, иннокентьевичлар, ислоҳотчи адвентистлар ва бошқаларни махфийликдан олиб чиқиш жуда қийин эди. Ўнаб йиллар давомида олиб борилган шафқатсиз таъқиблар, ушбу диний ташкилотлар раҳбарларининг ҳокимиятга деярли ишонмай қўйишига олиб келди (дарҳол айтиб ўтаманки, биз ўша пайтда бу муаммони тўлиқ ҳал қила олмадик).

Москванинг топшириғини бажариш учун биз ҳатто яширин жамоалар раҳбарлари билан шахсан учрашишга ҳаракат қилдик. Бошида бу жуда кулгили чиқарди. Вилоят ёки туман раҳбарларига қўнғироқ қилиб, биз учун учрашув ташкил этишларини сўраб эдик. Белгиланган кун ва соатда жамоа раҳбари деб айтилган шахснинг олдига келар эдик. Бизни хотини кутиб оларди. Шартли равишда: «Иван Иванович уйдами? Биз у билан учрашув белгилагандик». «Йўқ, у иш билан вилоятга кетган». – «У қачон келади?» «У эртага келиши мумкинлигини айтди». Биз машинада бир оз нарига бориб, деразадан кузатамиз. Тўсатдан Иван Ивановичнинг деразадан

ташқарига мўралаб қараётганини кўрамиз. Жамоа раҳбарлари ўтган қатагонларни эслаб, биздан кўрқишарди.

Ўшанда уларнинг кўпчилиги билан алоқалар аста-секин яхшила-ниши учун биздан улкан ҳаракатлар талаб этилди. Буларнинг барчасини, бугун диндорларни қувғин қилиш билан шуғулланаётганлар яна ўша ишга қўл уриб, ўтмишдаги хатоларга йўл қўяётганини кўрсатиш учун ёзяман.

Аммо СССРда диндорларни, шу жумладан Яҳованинг Шоҳидларини таъқиб қилиш катта стратегик хато эканлигини охир-оқибат тушунишди. Тан олиб, уни тузатишга ҳаракат қилишди.

1989 йилда ҳукумат рухсати билан Яҳованинг Шоҳидлари Совет Иттифоқидан Польшага ҳаётларида биринчи, оммавий ўтказилаётган анжуманларга эркин кетишлари мумкин эди.

1991 йил 28 февралда Украина ССРда, сўнгра 1991 йил 27 мартда Москвада Яҳова Шоҳидларининг диний ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилди, бу диндорлар учун расмий тан олиниш ва узоқ кутилган тинчликни англагарди.

1991 йил 31 августда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги тарихий қарор қабул қилинди, унга кўра мамлакат давлат ҳокимиятига тўлиқ эга бўлди.

1992 йил 8 декабрда мамлакатда мустақил Ўзбекистоннинг энг олий норматив-ҳуқуқий ҳужжати – Конституция қабул қилинган бўлиб, унда бошиданоқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилди. Мен унинг ажойиб моддаларидан баъзиларини келтиришни жуда муҳим деб биламан:

«12-модда.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

13-модда.

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

16-модда.

Мазкур Конституциянинг ҳеч бир қондаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

18-модда.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.

19-модда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

29-модда.

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

31-модда.

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди¹.

1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 289-ХП-сонли Қонуни кучга кирди.

Шундай қилиб, 1994 йил 3 майда Яҳованинг Шоҳидлари ниҳоят Фарғона шаҳридаги биринчи диний жамоани, 1994 йил 17 декабрда эса Чирчиқ шаҳрида (Тошкентга қарашли шаҳарча) иккинчи жамоани рўйхатдан ўтказишга муваффақ бўлдилар.

Бу вақтда диндорлар йиллик илоҳий маросимларини (анжумларини) ўтказишни ва диний адабиётларни олишни бошладилар.

Аммо кейинчалик, 1998 йил 1 майда ушбу қонунга 618-І сонли жиддий қўшимчалар киритилди, бу диндорларга нисбатан жуда қаттиқ бўлиб, диний бирлашмалар фаолияти устидан кескин давлат назоратини жорий этди.

Шундан сўнг, аслида эса бир оз олдинроқ, 1996 йилдан бошлаб, ҳукумат Яҳова Шоҳидларининг янги жамоаларини рўйхатдан ўтказишдан бош тортди ва бу муқаррар равишда диндорларнинг тинч диний йиғилишлари ноқонуний деб ҳисобланишига олиб келди. Аммо инсоннинг эътиқоди ва диний хизматлари ҳеч қачон давлат рухсатномалари ва рўйхатга олишларига боғлиқ бўлмаганлиги сабабли, бу муқаррар равишда вазиятнинг кескинлашишига ва диндорларнинг янгитдан таъқиб қилинишига олиб келди.

Диндорлар учун айниқса қийин давр 2004–2005 йилларда бошланди. Ўша пайтда Яҳованинг Шоҳидлари диний эътиқодлари учун

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Эл. манбага қ. (constitution.uz/oz).

қамоққа олинган ёки жаримага тортилган 238 та ҳолат қайд этилган. Кейинги йилларда катта жарималар (ойлик ўрточа иш ҳақининг 40-50 бараварини ташкил этарди), ҳибсга олиш, бир неча йилга озодликдан маҳрум этиш ёки «ноқонуний диний фаолият» (бу ҳатто шахсий ёки алоҳида Муқаддас Китоб тадқиқини ҳам ўз ичига олган) ёки «Диний хизматлар тўғрисидаги қонунни бузиш» айбловлари билан колонияларга жойлаштириш, афсуски, кундалик одатга айланиб қолган.

2006 йил 24 августда Фарғона шаҳридаги Яҳованинг Шоҳидлари жамоаси давлат рўйхатидан маҳрум этилди.

2007–2009 йиллар давомида 50 дан ортиқ Яҳованинг Шоҳидлари ҳибсга олинди ва жаримага тортилди ва ушбу диний жамоа аъзоларига нисбатан 1 100 дан ортиқ давлат томонидан таъқиб қилинган ҳолатлар қайд этилди. 2008 йилда 4 нафар диндор, ҳар бири ўз эътиқодини бошқалар билан баҳам кўргани учун 4 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Яҳованинг Шоҳидлари ҳокимият вакиллари билан учрашиб, ўз фаолиятининг тинч мақсадга қаратилганлигини тушунтиришга ҳаракат қилишди, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судларга мурожаат қилишди, аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Охир-оқибат, улар тинч диний фаолият учун диндорларга катта миқдорда жарима солган суд қарорлари устидан ҳатто БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кўмитасига 13 та алоҳида шикоят аризасини беришди.

Ўзбекистон 2018 йил май ойида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Универсал даврий тахлининг (УДТ) бир қатор тавсияларини қабул қилганидан сўнг сезиларли ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу тавсиялар, жумладан, «[диний] рўйхатга олишга нисбатан оғир ва репрессив талабларини бекор қилиш», «дин ва эътиқод эркинлигини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни» қабул қилиш ҳамда «тинч диний фаолиятни декриминаллаштириш ... диний адабиётларни тарқатиш учун жазоларни бекор қилиш».

2018 йилдан бери полиция томонидан таъқиблар, уйларни тинтув қилиш ёки шахсий мулкни тортиб олиш ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Агар 2017 йилда 240 та бундай ҳолат қайд этилган бўлса, 2018 йилда атиги 114 тага етди.

2018 йил декабрда диний жамоаларга рейдлар ўтказишни тақиқловчи ҳукуматнинг янги буйруғи қўшимча энгилик келтирди. Шунга яраша, 2019 йилда рейдлар ўтказилмади.

Сўнгра, 2019 йилда республика бўйлаб (нафақат Чирчиқда, балки Фарғона, Қарши ва Урганч шаҳарларида ҳам) ҳокимиятнинг рухсати билан эркин тарзда диндорларнинг асосий байрами – Исо Масих ўлими хотирасига бағишланган Қутлуғ Кечлик ўтказилди.

Ўзбекистонга ҳатто АҚШдан делегация, жумаадан Яҳова Шоҳидларининг Етакчи кенгаши аъзоси Марк Сандерсон ташриф буюриб, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг юқори мартабали мулозимлари билан учрашишга ва мамлакатдаги жамоаларнинг рўйхатга олиниши ва фаолияти масаласини муҳокама қилишга муваффақ бўлди.

2021 йил 5 июлда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ЎРҚ-699-сонли янги қонун қабул қилиниб, у диний бирлашмаларни рўйхатдан ўтказишда илгари мавжуд бўлган барча қийинчилик ва тўсиқларни бартараф этиши керак эди.

Аммо, афсуски, мамлакатнинг янги президенти ҳокимиятга келиши ва инсон ҳуқуқлари соҳасида жиддий ҳуқуқий ислоҳотлар бошланиши билан ҳам, диндорларни рўйхатга олиш масаласи ҳалигача ҳал этилмаган.

Эҳтимол бунинг сабабларидан бири, ҳам жамиятнинг ўзида, ҳам амалдорлар орасида Яҳованинг Шоҳидларига собиқ совет мафкуравий афсоналари призмаси орқали қарашдир.

Халқаро диний эркинлик бўйича АҚШ Комиссиясининг 2020 йил ноябрь ойидаги «Яҳова Шоҳидларининг глобал таъқиб қилиниши» номли ҳисоботида қуйидагилар қайд этилган: «Совет Иттифоқи (СССР) ўнлаб йиллар давомида Яҳованинг Шоҳидларини жамият учун хавfli деб кўрсатиб келган. Иккинчи Жаҳон

Урушидан сўнг, ушбу гуруҳнинг пацифизми ва ғарбий келиб чиқиши уни паранойид Совет ҳукуматининг нишонига айлантирган. Яҳованинг Шоҳидлари “антисовет” ташкилоти деб аталган ва давлат қонуний рўйхатдан ўтишни рад этган саноқли диний гуруҳлардан бири бўлган... Ўнлаб йиллар давомида олиб борилган мақсадли тарғибот кампанияси Яҳова Шоҳидларининг жамоатчилик онгида потенциал “бешинчи колонна” имиджини мустаҳкамлаган...

Совет мероси экстремизмга қарши кураш борасидаги кенг тарқалган ва ноаниқ қонунари билан биргаликда бутун собиқ Совет Иттифоқи бўйлаб Яҳованинг Шоҳидларига қарши замонавий ҳужумларга ҳисса қўшрмоқда, бу ерда тарихан “антисовет” деб қораланган жамоага “экстремистлар” деган ёрлиқни осий осон кечди»¹...

Буни профессор Анатолий Колодний ҳам 2021 йилда ўтказилган онлайн конференцияда таъкидлади:

«Шоҳидларга нисбатан жазо чораларини таҳлил қилиш нафақат академик фан нуқтаи назаридан, балки ишончли тарихий фактларни аниқ ўрнатиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

...Виждон эркинлиги ва бағрикенглик муҳитига яна бир қаршилик – сенсация ортидан қувиб ёки “нотўғри”, “ёлгон” ва “бузгунчи” диний оқимларга қарши мафкуравий кураш доирасида оммавий ахборот воситаларида фактларни бузиб кўрсатилишидир. Афсуски, бундай ҳолатларга мисоллар, мамлакатимизда ҳам айрим маҳаллий ҳокимият органлари томонидан учраб туради. Шунинг учун турли динларнинг, жумладан, Яҳова Шоҳидларининг тарихи ва замонавий фаолиятини объектив, холис ва академик жиҳатдан ҳалол ёритиш катта аҳамият касб этмоқда»².

Яҳованинг Шоҳидлари собиқ СССР мамлакатларида ўғир тарихга эга. Улар кўп нарсага чидаб, бардош беришди, Совет давлати томонидан кўплаб адолатсизликларни бошдан кечиришди.

¹ Отчет Комиссии США по международной религиозной свободе за ноябрь 2020 года: «Глобальное преследование Свидетелей Иеговы». Эл. манбага қ. (www.uscirf.gov/sites/default/files/2020%20Issue%20Update%20-%20Jehovahs%20Witnesses.pdf)

² Операция «Север». 70 лет спустя: важные уроки репрессий за веру: материалы международной научно-практической онлайн-конференции. Украинская ассоциация религиозоведов УАР, 2021, – 7-сах.

Ушбу боб, худди шу китобнинг ўзи каби, холисликка интилаётганларга ўз қарашларини қайта кўриб чиқиш ва кенгайтиришга, мафкуравий афсона ва фейклардан халос бўлишга ёрдам беришига ишонишни хоҳлайман.

Бу бобни эса таниқли журналист ва блогер Максим Шевченконинг 2010 йилда “Эхо Москви” радиосига берган интервьюсида айтган сўзлари билан яқунламоқчиман:

«Минглаб Яҳованинг Шоҳидлари Совет Иттифоқи даврида лагерларга қамалишган. Улар ҳеч қаяққа жилмай, у ерда ўнлаб йиллар давомида ўтиришган, ... Улар ўзлари хоҳлагандек ... бўлиш ва ишониш ҳуқуқи учун азоб чекишган ва ўз қонлари, ўз ҳаётлари билан тўлашган»¹.

¹ «Особое мнение». Стенограмма интервью с Шевченко М. Радио «Эхо Москвы». См. эл. источник (echo.msk.ru/programs/personalnАко/686334-echo/)

1950-йилларнинг охири ва 1960-йилларнинг бошида

баъзи Яхованинг Шоҳидлари Муқаддас Китобни тадқиқ қилишни истайдиганларни топиш мақсадида Сибирдан Ўзбекистонга кўчиб ўтишди.

Атиги бир неча йил ўтгач, бундай одамлардан иборат гуруҳлар пайдо бўлади



СОРАТ КВАРТИРАСИ. И. ЧУРАКОВ TASHKENT RETROSPECTIVE



Екатерина Серафима КОБЗАРЬ ЯНУШИНА

1947 ва 1948 йилларда эътиқоди учун биринчи мартда ҳукм этилишади. РСФСР жинойт кодексининг 58–10- ва 58–11-моддалари билан Куйбишев вилоят суди уларни 25 йилга озодликдан маҳрум этиб, ахлоқ тузатиш лагерига жўнатади.

1955 йил муддатидан олдин озод бўлишганидан сўнг Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятига кўчиб келишади. 1957 йили эътиқоди учун Сурхондарё вилоят суди уларни яна 25 йилга озодликдан маҳрум этиб, ахлоқ тузатиш лагерига жўнатади.

1995 йили Кобзарь Е. ва 1993 йили Янушина С. реабилитация қилиниб, сиёсий репрессия қурбонлари сифатида тан олинади

П Р И Г О В О Р

ИЗДАНИЕ УЗБЕКСКОЙ СОВЕТСКОЙ СОЦИАЛИСТИЧЕСКОЙ РЕСПУБЛИКИ.

группы Ленинский областной суда 1957 года, сентября месяца 11–12 дни в городе Термезе в составе:


Председательствующего – ШУБАЙКО,
Народный заседатель – СИВОНОВА КАБРОВОЙ,
присяжные – КАРАЧИНЦОВА

Истиг стороны: пом. прокурора области, БАХИТОВА, адвоката РСФСР, и защитником судебным заседателя и зала областного суда рассмотрел уголовное дело за № 2/50 по обвинению: 1/ЯНУШИНОЙ репрессии Власовна, 1907 года рождения, уроженка г. Баку, русской, заглавной, гражданка СССР, из рабочих, работавшая, одинокая, востанная, ранее в 1947 году судима Куйбышевским областным дом по ст. 58–10 ч.1, 58–11 УК РСФСР в 25 годах ИТЛ, меру наказания отбыла в лет, работавшая сторожкой в детском лагеря Курганской ИТС, проживала там же, под стражей содержалась с 4.7-1957г.

2/КОБЗАРЬ Екатерина Феликсовна, 1916 года рождения, женщина Куйбышевской области, Привольского района, села Томаи, украинка, гражданка СССР, из семьи рабочих, рабочая, воспитанная, с 1943 по 1944 год была членом партии, заключена в специальное проживание, одинокая, гражданка, ранее в 1947 году судима Куйбышевским областным судом по ст. 58–10 ч.1, 58–11 УК РСФСР в 25 годах ИТЛ, меру наказания отбыла в лет, работавшая в детском лагере Курганской ИТС, проживала там же вместе с ЯНУШИНОЙ, под стражей содержалась с 24.7-1957г., обоих по ст. ч.1 и 67 УК УзССР.

Продерев истеричным деяя, высказывая показания подследных, вводящих в заблуждение прокурора, адвоката, последнее слово доушится, суд






Мария КИРИЛИНА

1950-йилларда Қозоғистондан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Яҳова Шохидларнинг кичик гуруҳига адабиётлар олиб келади.

1958 йил 6 августда Жанубий Қозоғистон вилоят судининг ёпиқ мажлисида 58–10- модданинг 2-қисми асосида 3 йилга ҳуқуқларини йўқотган ва мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 8 йилга озодликдан маҳрум этилиб, ахлоқ тузатиш лагерига жунатилади.

1958 йил 23 августда «Жанубий Қозоғистон ҳақиқати» газетасида «Яҳованинг қизи» номли мақола чоп этилади.

1991 йилнинг бошида Кирилина М. реабилитация қилинади ва сиёсий репрессия қурбони деб тан олинади



1969 йил Ангрэн шаҳрида

14 та Яҳованинг Шохидлари устидан шов-шувли суд бўлиб ўтади

- Суд мажлислари **12 кун** давом этади
- Барча Шохидлар учун берилган жазо йилларининг умумий ҳисоби **53,5 йилни**
- ташкил этади

Суддан сўнг ҳокимият маҳаллий газеталарнинг бирида «Яҳова ҳаворийларининг кулаши» деб номланган катта мақола чоп этади



Валентина ГАРНОВСКАЯ

Яхованинг Шоҳидлари билан Белоруссияда танишади ва ўша ерда 1945 йилда ҳукумат уни эътиқоди учун айблаб, 8 йилга озодликдан маҳрум этади ва меҳнат лагерига жўнатади. 1956 йилда такроран айбланиб, 10 йилга қамок жазосига ҳукм қилинади.

1967 йилда озодликка чиққач, Ўзбекистонга кўчиб келади. У ерда 1969 йил ваъз қилгани учун ҳибсга олинди, «хавfli рецидивист» сифатида 3 йилга озодликдан маҳрум қилинади



Иккинчи марта
ҳибсга олинганида,
имондошлари
билан лагерда
(ўнгдан учинчи)


Валентина 21 йилни
эътиқоди учун қамок
ва лагерларда ўтказади,
кўп марта бир кишилик
камерада ўтиради



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ЯҲОВАНИНГ ШОҲИДЛАРИ



Марфа **ГУРА**
1968 йил Чирчиқ



Георгий **ГАЙТУР**
1970-йиллар Чирчиқ



Арсений **КОСТЮК**
1972 йил Фарғона



Виктор **ГЕЧУ**
1970-йиллар Чирчиқ



Валентина **ДОРОХОВА**
1953 йил Ангрен



Георгий **КОКОШ**
1970 йил Фарғона



Василий ва Любовь **СМАГИНЛАР**
1970-йиллар Ангрен



Хамракул **АБДУНАЗАРОВ**
1980-йиллар Ангрен

1980-йиллар

Тошкент, Ангрен, Олмалик,
Чирчиқ, Самарқанд,
Шаҳрисабз ва Фарғона
шаҳарларида Яҳова
Шоҳидларининг қўллаб
жамоатлари мавжуд эди



1989 йил

Ўзбекистон тарихида илк бор 50 нафар Яҳованинг Шоҳидига Польшада бўлиб ўтган халқаро анжуманда иштирок этишга рухсат берилди



1991 йил март ойида бутун Совет Иттифоқида, жумладан, Ўзбекистон Республикасида Яҳова Шоҳидларининг фаолияти қонунийлаштирилади



Яҳова Шоҳидларининг Фарғона шаҳридаги биринчи эркин диний учрашуви, 1991 йил



1990-йилларда Ўзбекистондаги Яҳованинг Шоҳидлари билан биргаликда Худонинг Каломини ўрганиш учун **1 600** га яқин одам ийғиларди.

Уларнинг баъзилари бутун оиласи билан тадқиқ қилишар эди

1991 йил сентябрда

Марказий Осиёда Яҳова Шоҳидларининг биринчи вилоят анжумани бўлиб ўтади. Анжуман Олмаота шаҳрида (Қозоғистон) АДК стадионида бўлади. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистондан келган имондилар иштирок этишади





Чирчиқ шаҳри,
Яҳова Шоҳидларининг
Йиғилиш зали

Николай КОРОЛЕВ

Чирчиқ шаҳридаги «Яҳованинг
Шоҳидлари» ташкilotи раиси.
1998 йили Яҳованинг Шоҳиди бўлган



В 1994 йил
Фарғона ва Чирчиқ
шаҳарларида Яҳова
Шоҳидларининг диний
ташкilotи рўйхатга олинади

В 1999 йил
қайта давлат
рўйхатидан ўтади

3-БОБ

ЯҲОВАНИНГ ШОҲИДЛАРИ НИМАГА ИШОНИШАДИ ЁКИ ЭЪТИҚОД АСОСЛАРИ

«Зулматда барча ранглар бир хил ...»
«De Unitate Ecclesiae» («Черковнинг бирлиги тўғрисида»).

Essay III., Of Unity in Religion.

Френсис Бекон, англиз файласуфи ва шоири

Буюк файласуф олим сўзларининг матн таркибида бу иқтибос шундай янграйди: «Сохта бирлик ёки ярашувнинг иккита тури ҳам бор: биринчидан, бирлик фақат жаҳолатга асосланган бўлса, чунки зулматда барча ранглар қўшилиб кетади (бир хил)».

Дунёнинг диний хилма-хиллигини ўрганишни бошлаганларнинг барчаси учун бу ҳақиқатни ёдда тутиш қанчалик муҳим. Фақат ташқаридан қараганда, диний конфессиялар бир хил бўлиб туюлади, аммо чуқур ўрганилганда, олимнинг ўткир нигоҳи ҳар бир конфессиянинг фарқини, ўзига хос «рангини» сезади. Лекин бу диншунос ва тадқиқотчининг касбий маҳорати эмасми?

Айнан «зулмат» ёки жаҳолат бўрттирилган умумлаштиришларни, «ёрлиқ» ва «қолипларни» келтириб чиқаради. Айнан идрокнинг «зулмати», тушунчанинг чекланганлиги, билимсизлик муқаррар равишда ксенофобия, муросасизлик ҳамда жамиятдаги таъқиб ва зўравонликка чақирувларни келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси ақллиликдан дарак бермайди.

Ушбу бобда мен сизлар билан Яҳова Шоҳидларининг масиҳийлик эътиқодининг айнан шундай ўзига хос «ранги» билан бўлиш-

моқчиман. Бу ранг ўта ноёб ва бошқа аксарият христиан конфессияларидан ажралиб туради.

Умид қиламанки, етказилган билим, ёрқин нур каби, аниқ тасвирни кўришга ёрдам беради ва онгни ушбу конфессияга нисбатан кўрқув ва нотўғри қарашлар зулматидан озод қилади. Бу эса, шубҳасиз, жамиятимиздаги бағрикенглик ва тинчликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Кўпинча Яҳованинг Шоҳидлари билан биринчи марта мулоқотда бўлган киши, уларнинг баъзи таълимотлари черковининг одатий эътиқодларидан қанчалик фарқ қилишига ҳайрон бўлади. Яҳованинг Шоҳиди у ёки бу таълимотга ишониш сабаблари ҳақидаги саволларга: «Шундай қилиш одат бўлгани учун»,– дея ёки шунга ўхшаш жавоб бермасдан, аксинча Муқаддас Китобдан аниқ жойларни келтириб ва ақл билан мантиқни ишлатиб батафсил жавоб бериши янада ҳайратда қолдиради. Бу ажаблантирмай қўймайди, чунки тан олиш керакки, ўзини диндор деб атайдиганларнинг кўпчилиги ўз черкови таълимотларининг асосланганлигини, маросимлар, байрамлар ва руҳонийлар либосларининг рамзий моҳиятини ва сабабларини унчалик яхши билишмайди. Қоида тариқасида, бу фақат имон билан қабул қилинади, чунки «ҳамма шундай қилади», «шундай қилиш одат бўлган», «руҳоний буни қандай қилишни яхшироқ билади» ва ҳоказо. Лекин Яҳованинг Шоҳидларида бундай нарса йўқ. Бу ердаги ҳар бир диндор у ёки бу эътиқодга нима учун ишониши ёки ишонмаслигини билади.

Бундан ташқари, Яҳова Шоҳидларининг эътиқодларида ҳеч қандай ақида ва урф-одатлар йўқ. Яҳованинг Шоҳидлари бирор-бир диний гуруҳдан ажралмаганлигини тушуниш жуда муҳим, шунинг учун уларда ақидалар ва эътиқодларнинг дастлабки «юки» бўлмаган.

Биринчи бобда, Ч. Т. Расселл ва унинг издошлари Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг бошланғич эътиқодларини қандай шакллантиришгани кўриб чиқилган эди. Ч. Т. Расселл бу борада ёзган эдики, у ва унинг маслакдошлари ўз олдига қўйган асосий вазифа «узоқ вақт давомида тарқоқ бўлиб кетган ҳақиқат зарраларини

тўплаш ва уларни Раббнинг халқига янги нарса сифатида эмас, ўзимизникидек эмас, балки Рабб томонидан инъом этилган сифатида тақдим этишдан» иборат бўлган. Сўнгра у, мақсад «ҳақиқатнинг қимматбаҳо зарраларини» «тизимга» келтиришдан иборат эди ва энг муҳим иш «яратиши эмас, балки қайта тиклаш ва мувофиқлаштириш иши эди», дея таъкидлаган¹.

Яҳованинг Шоҳидлари «ҳеч қачон ўз олдиларига янги эътиқод яратиш, янги сиғиниш шаклини ўрнатиш ва янги динни вужудга келтиришни мақсад қилиб қўйишмаган (яъни ўзларини масиҳийликдан ажратишни ва буни алоҳида такидлаб ўтиши зарур – А. А.). Яҳованинг Шоҳидлари Муқаддас Китобдаги таълимотларга ва биринчи асрадаги масиҳийларнинг тутган йўлига иложи борича аниқроқ риоя қилишни хоҳлашади»².

Буни таниқли замонавий диншунослардан бири, профессор Екатерина Сергеевна Элбакян ҳам таъкидлайди, у Яҳованинг Шоҳидларини тавсифлар экан, уларнинг «диний талимот асослари кўп жиҳатдан протестантлик тоифадаги “тарихий” масиҳийликка жуда яқин» эканлигини тўғридан-тўғри ёзади³.

Шунинг учун, Яҳова Шоҳидларининг таълимотида милодий 325 йилида, яъни Муқаддас Китоб ёзилиши тугагандан сўнгра, Никея Кенгашида қабул қилинган имон рамзи йўқ.

Муқаддас Китобни ҳақиқий масиҳийликнинг ягона манбаи сифатида қабул қилиш, Аллоҳ Муқаддас Китоб ҳақиқатлари ва башоратларини ўзининг «ишончли ва ақлли хизматкори» орқали янада аниқроқ тушунтиришни давом эттираётганига ишонч билан бирлашган.

¹ Свидетели Иеговы – возвещатели Царства Бога. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2005. – 49-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Мои-свидетели-вы-говорит-Иегова/Проповедь-о-возвращении-Господа-1870-1914/).

² Ўша ерда. – 120-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Приобретая-и-применяя-точное-знание-Слова-Бога/Возрастая-в-точном-знании-истины/).

³ Новые религии в России: 20 лет спустя. Халқаро илмий-амалий конференция матери-аллари. – М., 2012. 14 декабрь. – 119-саҳ.

Бу уларнинг адабиётларида қуйидагича тушунтирилган: «Исо масиҳийлар жамоатининг Боши. (Эфесликларга 5:23) Бугунги кунда Исо осмондан туриб, “ишончли ва ақлли хизматкор” орқали ер юзидаги издошларини етакляпти. (Матто 24:45 ни ўқинг.) Исо Масиҳ тайинлаган бу “хизматкор” муайян қарорлар чиқариш ваколатига эга. Аммо у Исога бўйсуниб, унинг биродарларига хизмат қилади. Хўш, бу хизматкор ким? У бизга қандай ғамхўрлик қилапти? ... Яҳова халқига йўл-йўриқ беришда бирон инсондан ёки эркаклардан ташкил топган кичик гуруҳдан фойдаланиб келган. (Малаки 2:7; Ибронийларга 1:1) Исонинг ўлиmidан сўнг Худонинг халқини Қуддусдаги ҳаворийлар ва оқсоқоллар етаклаган. (Ҳаворийлар 15:2) Ушбу намунага кўра, бугун ҳам оқсоқоллардан иборат кичик гуруҳ Яҳова Шоҳидларининг Етакчи кенгаши маънавий озукани тақдим этипти ҳамда ваъзгўйлик ишини йўналтиряпти. Бу гуруҳ «ишончли ва ақлли хизматкор»; уни Исонинг ўзи “тайинлаган”. (Матто 24:45а) Етакчи кенгашнинг барча аъзолари муқаддас руҳ билан мойланган ва Самовий Шоҳидда Исо Масиҳ билан бирга ер юзи устидан бошқариш пайтини интиқиб кутмоқда»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари таълимотининг яна бир ёрқин хусусияти шундаки, у узлуксиз ўзгариб туради ёки Яҳова Шоҳидларининг ўзлари айтганидек, «Муқаддас Китобнинг у ёки бу башоратлари ҳақидаги тушунчалари аниқлаштирилади». Гарчи асосий таълимотлар аввалгидек бўлиб қолса-да, башоратлар, таълимотлар ёки масалларнинг тушунтиришлари аниқлаштирилиши мумкин.

«Яҳованинг Шоҳидлари йиллар давомида Худонинг нияти ҳақидаги тушунчалари кўп ўзгаришларга учраганини таёрлик ила тан олишади. Бу муқаррар, чунки Худонинг нияти ҳақидаги билим аста-секин ошкор бўлади. Худонинг нияти ўзгармайди, лекин Худо ўз хизматчиларига доимо билим бериб келаётгани сабабли,

¹ Ҳаётдан тобад завқланинг! Муқаддас Ёзувлар асосида жонли суҳбатлар – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2021. – 225-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-sutl/kutubxona/kitoblar/haetdan-toabad-zavqlaning/4-bulim/54-dars/).

уларнинг нуқтаи назарлари вақти-вақти билан қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бундай ўзгариш Ҳикматлар 4:18 даги қуйидаги сўзларга мувофиқ: “Одилнинг сўқмоғи тонг шафағи кабидир, у туш пайтига қадар ёришиб бораверади”. Қуёш чиқаётганда унинг нурлари атрофни тобора ёритганидек, Худо ҳам илоҳий ҳақиқатни тушунишимиз учун уни аста-секин ўз вақтида очиб беради. (1 Бутрус 1:10–12) Муқаддас Китобда башорат қилинганидек, Аллоҳ “охирзамонда” буни янада тезлаштирди. (Дониёр 12:4) Худонинг қадимги хизматчилари ҳам нотўғри фикрларга ва ўринсиз умидларга эга бўлиб, нуқтаи назарини ўзгартиришлари лозим эди. Муқаддас Китоб борасидаги ушбу тушунчаларимиз ўзгарганини яширмаймиз. Аксинча, уларни барчага ҳавола қиламиз. Масалан, “Яҳованинг Шоҳидлари изланиш олиб бориши учун қўлланма”да “Таълимотларимизнинг ойдинлашиши” деган сарлавҳага қаранг”»¹.

Ушбу бобда мен Яҳова Шоҳидларининг қуйидаги асосий диний эътиқодларига эътибор қаратмоқчиман.

| Таълимот | Асос |
|--|--|
| 1. Муқаддас Китоб – Худонинг Каломи ва ҳақиқатдир | 2 Тимўтийга 3:16, 17; 2 Бутрус 1:20, 21; Юҳанно 17:17 |
| 2. Муқаддас Китоб черков ривоятларидан кўра кўпроқ ҳурматга лойиқдир | Матто 15:3; Колосаликларга 2:8 |
| 3. Худонинг исми – Яҳова | Ибтидо 22:14; Чиқиш 3:14, 15; 6:3 (изоҳда); 15:3; 33:19 |

¹ «Уточнение в понимании». Индекс публикаций Сторожевой башни 1991–2021. Қўриқчи минорасининг онлайн кутубхонаси. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1200277174).

| | |
|---|--|
| 4. Исо Масих Худога тенг эмас ва унга тобедир. Худонинг учлиги (Учлик) – Муқаддас Китобга зид. | Матто 3:17; Юханно 8:42; 14:28; 20:17; 1 Коринфликларга 11:3; 15:28 |
| 5. Исо Масих Худонинг биринчи ижодидир | Колосаликларга 1:15; Ваҳий 3:14 |
| 6. Исо Масих хочда эмас, устунга осиб ўлдирилган | Галатияликларга 3:13; Хаворийлар 5:30 |
| 7. Исо Масих итоаткор одамларнинг қутқарилиши учун инсоний ҳаётини қурбон қилди | Матто 20:28; 1 Тимўтийга 2:5, 6; Титусга 2:14; 1 Бутрус 2:24; Римликларга 6:10; Ибронийларга 9:25–28 |
| 8. Исо Масих тақлид учун мукамал намунадир | 1 Бутрус 2:21; 1 Юҳанно 2:6; Ибронийларга 12:1–3; 1 Салоникаликларга 1:6; Ибронийларга 10:7; Юҳанно 4:34; 6:38 |
| 9. Исо Масих ўлмас руҳий шахс сифатида тирилтирилган | 1 Бутрус 3:18; Римликларга 6:9; Ваҳий 1:17, 18 |
| 10. Исо Масих ҳозир руҳий шахс сифатида мавжуд | Юҳанно 14:19; Матто 24:3; 2 Коринфликларга 5:16; Забур 109:1, 2 |
| 11. Исо Масих бошчилигидаги Худонинг Шоҳлиги ер юзида адолатли ва осойишта ҳукумат бўлиб, ер юзида энг устун яшаш шароитларини ўрнатади | Ишаё 9:6, 7; 11:1-5; Дониёр 7:13, 14; Матто 6:10; Забур 71:1–4; Ваҳий 7:9, 10, 13–17; 21:3, 4 |
| 12. Ер ҳеч қачон йўқ бўлмайди, унда одамлар доимо яшайди | Воиз 1:4; Ишаё 45:18; Забур 77:69 |
| 13. Армагеддон жангида Худо барча ёвузликни абадий йўқ қилади | Ваҳий 16:14, 16; Зафаниё 3:8; Дониёр 2:44; Ишаё 34:2; Матто 25:41–46; 2 Салоникаларга 1:6–9 |
| 14. Худо томонидан маъқулланган одамлар абадий ҳаётга эга бўлишади | Юҳанно 3:16; 10–27, 28; 17:3; Марк 10:29, 30 |

| | |
|--|---|
| 15. Фақат битта йўл ҳаётга олиб боради | Матто 7:13, 14; Эфесликларга 4:4, 5 |
| 16. Биз Шайтоннинг ёвуз дунёсининг “охирги кунларида” яшаймиз | Матто 24:3–14; 2 Тимўтийга 3:1–5; Луқо 17:26–30 |
| 17. Одаматонинг гуноҳи дастидан одамлар ўляпти | Римликларга 5:12; 6:23 |
| 18. Инсон ўлганида жон мавжуд бўлишни тўхтатади | Ҳизқиё 18:4; Воиз 9:10; Забур 6:6; 145:4; Юҳанно 11:11–14 |
| 19. Дўзах азоб жойи эмас, балки инсониятнинг умумий қабридир | Ибтидо 3:19; Римликларга 6:7; Ваҳий 20:13, 14 |
| 20. Ўлганлар учун умид – тирилиш | 1 Коринфликларга 15:20-22; Юҳанно 5:28, 29; 11:25, 26 |
| 21. Масиҳнинг фақат 144 000 издоши Масиҳ билан бирга ҳукмронлик қилиш учун осмонга боради. Улар “кичик пода”, “Ҳудонинг Исроили” деб номланади | Луқо 12:32; Ваҳий 14:1, 3; 1 Коринфликларга 15:40–53; Ваҳий 5:9, 10; Юҳанно 3:3; Ваҳий 7:3, 4; Ибронийларга 8:10–13 |
| 22. Масиҳийлар жамоати Исо Масиҳнинг ўзига қурилган | Эфесликларга 2:20; Ишаё 28:16; Матто 21:42 |
| 23. Ибодат билан фақат Яҳова Худоба Исо Масиҳ орқали мурожаат қилиш керак | Юҳанно 14:6, 13, 14; 1 Тимўтийга 2:5 |
| 24. Топинишда тасвирлардан фойдаланмаслик керак | Чиқиш 20:4, 5; Левиларга 26:1; 1 Коринфликларга 10:14; Забур 113:12–16 |
| 25. Аллоҳдан бошқага топиниш тақиқланган | Қонунларга 6:13; Қонунлар 10:20; Матто 4:10; Луқо 4:8; Эфесликларга 4:4–6; Қонунлар 4:39, 40 |
| 26. Сеҳр-жодудан эҳтиёт бўлиш зарур | Қонунлар 18:10-12; Галатияликларга 5:19-21; Левиларга 19:31 |

| | |
|--|--|
| 27. Шайтон дунёнинг кўринмас ҳукмдори | 1 Юҳанно 5:19; 2 Коринфликларга 4:4; Юҳанно 12:31 |
| 28. Яҳованинг Шоҳидлари динлараро алоқада иштирок этмайдилар | 2 Коринфликларга 6:14–17; 11:13–15; Галатияликларга 5:9; Қонунлар 7:1–5 |
| 29. Худонинг хизматкори дунёдан четда туриши керак | Ёқуб 4:4; 1 Юҳанно 2:15; Юҳанно 15:19; 17:16 |
| 30. Худонинг қонунларига зид бўлмаган барча инсоний қонунларга риоя қилиш керак | Матто 22:20, 21; 1 Бутрус 2:12; 4:15; Римликларга 13:1–7; Марк 12:17 |
| 31. Яҳованинг Шоҳидлари ишчи сифатида ҳалоллик ва меҳнатсеварлик билан ажралиб туришлари керак | Ҳикматлар 22:29; Эфесликларга 4:28; Воиз 3:13; Ҳикматлар 15:19 |
| 32. Худонинг хизматчи шахс сифатида меҳрибонлик, жасорат ва мардлик, мулоимлик ва камтарлик билан ажралиб туриши керак | Колосаликларга 3:12; Ҳикматлар 11:17; 1 Солномалар 28:20; Ҳикматлар 28:1 |
| 33. Ҳаёт ва қон муқаддасдир | Ибтидо 9:3,4; Левиларга 17:11, 14; Ҳаворийларга 15:28, 29 |
| 34. Имондаги одам Муқаддас Китобнинг ахлоқий меъёрларига риоя қилиши керак | 1 Коринфликларга 6:9, 10; Ибронийларга 13:4; 1 Тимўтийга 3:2; Ҳикматлар 5:1–23 |
| 35. Шаббат кунига риоя қилиш талаби фақат яҳудийларга тегишли бўлган ва Мусо қонуни билан бирга бекор қилинган | Қонунлар 5:15; Чиқиш 31:13; Римликларга 10:4; Галатияликларга 4:9, 10; Колосаликларга 2:16, 17 |
| 36. Пул тўланадиган руҳонийлар табақаси ва махсус унвонлари Муқаддас Ёзувларга мос келмайди | Матто 23:8–12; 20:25–27; Аюб 32:21, 22 |
| 37. Инсон эволюция йўли билан ривожланмаган, балки яратилган | Ишаё 45:12; Ибтидо 1:27 |

| | |
|--|--|
| 38. Сувга чўмиш – сувга тўлиқ ботириш, Худога бағишланиш рамзидир | Марк 1:9, 10; Юҳанно 3:23; Ҳаворийлар 19:4, 5 |
| 39. Худонинг хизматчилари Муқаддас Китобдаги ҳақиқат тўғрисида шоҳидлик беришлари керак | Римликларга 10:10; Ибронийларга 13:15; Ишаё 43:10–12 |
| 40. Яҳованинг Шоҳиди Муқаддас Ёзувлар тадқиқотчиси бўлиши ва топинишда ақлни ишга солиши керак | Римликларга 12:1,2; Ҳаворийлар 3:21; Марк 12:30 |
| 41. Ёвузлик ва азоб-уқубатлар бўлмаслиги керак эди | Ваҳий 21:3, 4 |
| 42. Оила – бу Худо томонидан ўрнатилган эркак ва аёлнинг муқаддас иттифоқидир | Матто 19:6; Ибронийларга 13:4; Ибтидо 2:24; 1 Салоникларга 4:3–8; 1 Коринфликларга 6:9, 10 |
| 43. Аллоҳга топиниш — нафақат ибодат қилиш ва йиғилишларга қатнашдан иборат | Ёқуб 2:26; Миҳо 6:8; Ёқуб 1:26,27; Юҳанно 4:23, 24 |
| 44. Худонинг хизматчиларининг жамоатлари бирлик ва севги билан ажралиб туриши керак | Юҳанно 17:20–23; 1 Коринфликларга 12:12, 13; Юҳанно 13:34, 35 |

Мен ушбу эътиқодларни очиб беришда, биринчи навбатда дастлабки манбага, яъни Яҳованинг Шоҳидлари фойдаланадиган асосий оятларга ва Шоҳидларнинг ўзларининг нашрларига мурожаат қилишни муҳим деб биламан ва фақат керак бўлганда ўз шарҳларимни келтираман. Бу тушунмовчиликларни бартараф этишга ёрдам бериб, ўқувчи ва тадқиқотчига улар ҳақидаги муаллифнинг фикри билан эмас, балки улар билан соф шаклда танишиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, шахсий фикрингизни шакллантиришга ёрдам беради.

Шундай экан, келинг, Яҳова Шоҳидларининг ҳар бир эътиқодини батафсил кўриб чиқайлик.

1. Муқаддас Китоб – Худонинг Каломи ва ҳақиқатдир

«...Муқаддас Ёзувларнинг ҳаммаси Худо томонидан илҳомлан-тирилган бўлиб, ўргатиш, танбеҳ бериш, тузатиш, адолат йўлида тарбиялаш учун фойдалидир. Токи Аллоҳнинг хизматчиси ҳар та-рафлама билимга эга бўлиб, ҳар бир яхши ишга бутунлайин тайёр турсин». (2 Тимўтий 3:16, 17, ЯДТ)

Ҳа, Яҳованинг Шоҳидлари учун Муқаддас Китоб – асосий ки-тоб, китоблар Китоби, шак-шубҳасиз обрў-эътиборга эга.

Бутун Муқаддас Китоб Худонинг Каломидир, демакки, унинг таркибидаги 66 та китоб Худо томонидан илҳомлантирилган ва тарихий жиҳатдан аниқ. Муқаддас Китобнинг бизга Янги Аҳд си-фатида маълум бўлган қисмини, улар *Юнонча Ёзувлар*, Эски Аҳд-ни эса *Ибронийча Ёзувлар* деб аташади. Шоҳидларнинг ўзлари ту-шунтиришича, шу тариқа «Муқаддас Китобнинг қайсидир қисми эскириб ва бошқа керак эмас деган фикрга етакламайди»¹.

«Муқаддас Китоб 1 600 йилдан зиёд вақт мобайнида ёзилган. Уни ёзган одамлар турли даврда яшашган. Уларнинг айримлари ўқи-мишли бўлишган, айримлари эса йўқ. Масалан, улардан бири табиб бўлган. Бошқалари эса деҳқон, балиқчи, чўпон, пайғамбар, ҳакам ва шоҳлар бўлишган. Турли одамлар ёзганига қарамай, Муқаддас Ки-тобда қаламга олинганлар бир-бирига уйғун»².

Православ ва католиклардан фарқли ўлароқ, улар фақат Муқад-дас Китобнинг каноник китобларини тан олишади.

Шунингдек, Яҳова Шоҳидлари учун Ч. Т. Рассел 1909 йилда шундай деган сўзлари шиор бўлиб қолади: «Бизнинг намунамиз – бу Муқаддас Китоб эканлигини ҳеч қачон унутманг, қўшимча қўл-

¹ Яҳованинг Шоҳидлари Эски аҳдни тан олишадими? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қи-зиқтирадиган-саволлар/эски-ва-янги-аҳдни-тан-олиш/).

² Муқаддас Китоб ҳақиқатлари. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. – 21-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/муқаддас-ки-тоб-тадқиқи/Муқаддас-Китоб-Худодандир/).

ланмалар эса, ҳатто улар Худонинг ёрдами билан тақдим этилган бўлса ҳам, фақат қоланма бўлиб қолади ва Муқаддас Китоб ўрнини боса олмайди»¹.

Муқаддас Китобга бўлган бундай эҳтиромли муносабатдан Яҳованинг Шоҳидлари таълимотининг иккинчи муҳим қондаси келиб чиқади.

2. Муқаддас Китоб ривоятларга қараганда кўпроқ ишончга лойиқ

Муқаддас (Ҳаворийлик) Ривоят ёки анъана (лот. *Traditio* – лит. «етказиш») – православлик ва католиклик томонидан тан олинган диний қоидалар ва низомлар тўплами. Православ черкови Муқаддас ривоятга дастлабки етгита Экуменик Кенгашнинг материалларини, черков оталарининг асарларини (асосан Масиҳ туғилганидан бошлаб биринчи саккиз аср), шунингдек, литургик амалиётнинг баъзи жиҳатларини оид деб билади. Католиклар буларнинг барчасига Рим папаларининг қарорлари ва ўз Кенгашларининг қарорларини қўшадилар.

Православлар ҳам, католиклар ҳам Муқаддас Ривоятни Муқаддас Китобга тенг деб билишади. Илоҳиётда шундай нуқтаи назар ҳам мавжуд: Ривоят Муқаддас Битикдан кўра обрўлироқдир, чунки Муқаддас Китобга киритилган муқаддас китобларнинг якуний тўплами Муқаддас Ривоят билан белгиланган.

Яҳованинг Шоҳидлари, протестант деноминациялари ва конфессияларининг аксарияти каби, Муқаддас Ривоятни илоҳий ваҳий деб ҳисобламайдилар, чунки фақат Муқаддас Китоб шундайдир. Қолган ҳамма нарса, уларнинг фикрича, инсон фаолиятининг самарасидир.

3. Худонинг исми – Яҳова

«Тангри Мусога яна шуларни айтди: “Исроил халқига: “Мени олдингизга ота-боболарингиз Худоси, Иброҳим, Ишоқ ва Ёқуб-

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 1995. 1 май. – 13-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1995323#h=4).

нинг Тангриси Яҳова юборди»,– дегин. Бу – Менинг абадий қоладиган исмимдир ва наслдан наслга Мени шу исмим билан ёдга олишади»». (Чиқиш 3:15, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари шундай таълим беришади: «Муқаддас Китобда Яҳова ҳақ Худо ва барча нарсанинг Яратувчиси экани ҳақида айтилган. (Ваҳий 4:11) Иброҳим, Мусо ҳамда Исо пайғамбарлар Яҳовага топинишган. (Ибтидо 24:27; Чиқиш 15:1, 2; Юҳанно 20:17) Яҳова муайян бир халқнинг эмас, балки “бутун ер юзининг” Худосидир. (Забур 47:2) Муқаддас Китобда Худонинг “Яҳова” деган ўз турида ягона исми борлиги ҳақида айтилган. (Чиқиш 3:15; Забур 83:18) Бу исм иброний тилидаги “бўлмоқ” феълидан келиб чиққан ва баъзи олимларнинг таъкидлашича, бу исм “У бўлдиради” деган маънога эга. Бундай таъриф Яҳова барча нарсанинг Яратувчиси ҳамда Ўз ниятларининг Бажарувчиси эканини жуда яхши етказиб беряпти (Ишаё 55:10, 11)»¹.

Худонинг кўплаб унвонлари бор (бошқа таълимотларда бу унвонлар эмас, балки Худонинг исмлари деб саналади ва улар 99 та). Аммо Яҳованинг Шоҳидлари Худонинг – **Яҳова** деган шахсий исми борлигига ишонишади. Улар «қадимги Ибронийча Ёзувларида бу исм тахминан 7 000 марта тетраграмматон деб аталадиган ва ЙҲВХ (YHWH) ёки ИГВГ (JHVH) ҳарфлари билан ҳавола этиладиган тўртта ундошнинг бирикмаси יהוה сифатида тақдим этилганига аминлар».

Гарчи Яҳова Шоҳидларининг ўзлари бу исмнинг аниқ талаффузи бугунги кунда маълум эмаслигини бир неча бор таъкидлаган бўлишса ҳам, улар «Яҳова» шаклидан фойдаланишни муҳим деб билишади. Улар ўз позицияларини қуйидагича асослайдилар:

«Илоҳий исм қандай талаффуз қилиниши номаълум бўлгани учун ундан фойдаланмаслик керак деб айтаётган инсонлар негадир Мусо, Иброҳим ва Исо каби қадимги пайғамбарларнинг исмини ҳеч қўрқмасдан талаффуз қилишади. Аммо бугунги кунда бу исмларнинг талаффузи уларнинг замондошлари қандай талаффуз қил-

¹ Яҳова ким? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-sut/muqaddas-kitob-taallimotlar/savollar/yahova-kim/).

ганидан бутунлай фарқ қилади. Бирор исмининг замонавий тилларда қабул қилинган шаклини қўллаш мантиқан тўғри. Гарчи илоҳий исмининг ҳозирги талаффузи қадимги иброний тилидан фарқ қилса-да, “Янги дунё таржимаси” кўмитаси “Яҳова” деган исми қўлашни оқилона деб билди»¹.

Аслида, «Яҳова» исмининг шакли кенг тарқалган. Ундан таниқли ёзувчи ва шоирлар, хорижий адабиёт таржимонлари фойдаланган. «Яҳова» шакли Ф. Энгельс томонидан ишлатилган. «Капитал»нинг 1-жилдида К. Маркс ҳам Худо исмининг ана шу шаклини ишлатган. Жек Лондон, Редьярд Киплинг, Николай Островский, Вальтер Скотт ҳам ўз асарларида ушбу шаклдан фойдаланганлар. Айтганча, православ синодал таржимасидаги Муқаддас Китобда ҳам айнан «Яҳова» шакли ишлатилади.

Демак, Яҳованинг Шоҳидларини бу номни ўзлари ўйлаб топганликда айблаш, аслида айбловчиларнинг диний саводхонлиги пастигидан далолат беради.

4. Исо Масих Худога тенг эмас ва Унга тобедир. Худонинг учлиги (Учлик) ҳақидаги таълимот Муқаддас Китобга зид

«Исо унга деди: “Бўлди, мени ушлашни бас қилинг. Чунки Мен ҳали Отамнинг ёнига кўтарилганим йўқ. Сиз биродарларим олди-га бориб: “Мен ўз Отам ва сизларнинг Отангиз, менинг Тангрим ва сизларнинг Тангрингиз ҳузурига кўтарилишимни айтинг”»». (Юҳанно 20:17, ЯДТ)

Яҳова Шоҳидларининг таълимотига кўра, Исо Масих Худога тенг эмас ва шундай экан, Учлик мавжуд эмас. Худонинг Муқаддас руҳи ҳам шахс эмас, балки Худонинг фаол кучини ифодалайди. Умуман олганда, Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари учлик ҳақидаги таълимотни бошиданок рад этишган. Шундай қилиб, 1887 йилда

¹ Муқаддас Китобнинг «Янги дунё таржимаси». А4 илова. Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/муқаддас-китоб/нwt/а-илова/тетраграмматон-илоҳий-исм/).

«Сион кўриқчи минораси»да қуйидагича ёзилган: «Муқаддас Ёзувларда Яҳова ва Ҳазратимиз Исо ҳар хил мавқега эга бўлган ҳар хил шахслар эканлиги аниқ кўрсатилган». Мақола давомида шундай дейилган: «Қандай қилиб уч-бир Худо тушунчаси – биттада учта Худо ва бир вақтнинг ўзида учтада битта Худо – муҳим ва умумэътироф этилган таълимотга айлангани ҳайратланарли. Бунинг содир бўлганлиги эса, черков, душман уни ёлғон занжирлари билан боғлаётган пайтда, қанчалик қаттиқ уйқида бўлганининг яна бир қўшимча далилидир»¹.

Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайтида Исонинг мавқеи ҳақида қуйидаги тушунтириш берилган:

«Исонинг душманлари уни ўзини Худо билан тенглаштирганликда айблашган. (Юҳанно 5:18; 10:30–33) Бироқ Исо ҳеч қачон ўзини Қодир Худо билан тенглаштирамаган. Аксинча, у: “Отам мендан улўғроқдир”,– деган. (Юҳанно 14:28)

Масиҳнинг илк издошлари уни Қудратли Худого тенг деб ҳисоблашмаган. Масалан, ҳаворий Павлус, Худо Исони тириштириш орқали “уни янада юксалтирди” деб ёзган. Бу, Павлус Исони Қодир Худо деб ҳисобламаганини кўрсатмоқда. Ахир, агар Исо Қодир бўлганида, уни янада юксалтириш мумкинмиди? (Филиппиликларга 2:9)»².

Тарихга кўра, «Учлик» атамаси биринчи марта милодий II асрнинг охирида пайдо бўлган. Шундай қилиб, тахминан 180 йилларда Антиохия епископи Теофил масиҳийлик таълимотига нисбатан биринчи марта «Учлик» сўзини ишлатган (илгари бу атама фақат гностицизм вакиллари томонидан ишлатилган). Лотин илоҳиётшуносларидан «Учлик» сўзини биринчи марта Тертуллиан ўзининг

¹ Царство Бога правит! – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2014. – 15-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/царство-бога/на-небе-рождается-царство/).

² Иисус – Всемогущий Бог? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библейские-учения/вопросы/иисус-всемогущий-бог/).

«Андиша ҳақида»¹ рисоласида қўллаган. Аммо ҳатто бу атаманинг қўлланилиши, замонавий нуқтаи назарда учлик тушунчасидан фойдаланиш эмас эди. Бу таълимот азалдан мавжуд бўлмаган ва тортишувларсиз қабул қилинмаган.

Масихийлик тарихи давомида Учлик таълимоти атрофида қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб келган. Биринчи асрлардаги масихийлар бу атамани турлича тушунишган ва бир-бирлари билан муросага келишмаган. Мисол учун, ҳамма масихийлар ҳам Масихни Худо билан тенг деб билишмаган. Бундан ташқари, ҳамма ҳам Масих ва Худони бир шахс деб ҳисобламаган. Худонинг учлигига биринчилардан бўлиб монархий-христианлар (милодий II–III асрлари) шубҳа остига қўйишган. Улар Худонинг принципиал ягоналигини (Илоҳий монархияни) ҳимоя қилишган.

Патрипасианлар ва савеллианлар каби христианлик оқимлар ҳам ушбу мунозарага ўз ҳиссаларини қўшишди ва кейинчалик бу масалани Александрия пресвитери Ариус ҳам кўтарди. Бу йўналишларнинг барчаси Масихнинг мавқеи ва унинг Худо билан тенглиги ҳақида ўз нуқтаи назарига эга эди. Улар билан баҳслашувда Буюк Афанасий ва Илоҳиётшунос Григорий черковнинг ақидаси сифатида қабул қилинган ва фақат милодий 325 йилда Никея эътиқод Тимсоли сифатида мустаҳкамланган қоидаларнинг таърифини туздилар. Аммо иккита шахснинг (Ота ва Ўғил) илоҳийлиги гўё исботланган бўлса ҳам, кўп масихийлар учун Муқаддас Рухнинг илоҳийлиги масаласи ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолди. Ва фақат мил. 381 йилда II Экуменик Кенгашда Нино-Цареград эътиқод Тимсолида учлик ҳақидаги замонавий таълимот шаклланди.

Бироқ протестантлар заминида Худонинг учлигини инкор этувчи ҳаракатлар (социнианлар, унитарчилар, кейинчалик, XIX–XX асрларнинг охирида, Яҳованинг Шоҳидлари ва ягоначи-элликчилар)

¹ Библиейская Энциклопедия. Издание архимандрита Никифора. – М., 1981. (репринтное издание, 1989. – 706–707-сах). Шунингдек: Католическая энциклопедия в 5 т. Том 4. – Изд. Францисканцев. М., 2011. – 1459–1464-сах.

пайдо бўлиши билан, Янги даврда тринитарлик низолар янги куч билан қайта тикланди. Илмий жамиятда бу барча христиан конфессиялари одатда «анти-тринитаристлар» деб аталади.

Шундай қилиб, Яҳованинг Шоҳидлари Масихнинг Худога тенглигини ва Худонинг учлиги ҳақидаги гояни рад этадиган ягона христиан дини эмас.

5. Исо Масих Худонинг биринчи ижодидир

«Исо кўринмас Аллоҳни ўзида акс этади. У барча мавжудотлар ичида тўнғичдир». (Колосаликларга 1:15, ЯДТ)

«Муқаддас Китобга кўра, Исо ер юзига келишидан анча илгари осмонда яшаган. Михо пайғамбар Масихнинг “келиб чиқиши қадим замонлардан” экани ҳақида айтган эди. (Михо 5:2) Исонинг ўзи инсон қиёфасида туғилишидан олдин осмонда яшагани ҳақида бир неча маротаба айтган эди. (Юҳанно 3:13; 6:38, 62; 17:4, 5 ни ўқинг.) Ер юзига келишидан аввал, у Яҳова билан яқин муносабатда бўлган. Яҳова учун Исо жуда қадрли шахс ҳисобланади. Нима учун дейсизми? Чунки Яҳова уни барча нарса ва мавжудотлардан олдин яратган эди. Шу сабабли, Исо “барча мавжудотлар ичида тўнғич” деб айтилган. (Колосаликларга 1:15) Яҳова Исони бевосита Ўзи яратгани учун ҳам Унинг назарида қадрли. Шу боис, Исо “ягона Ўғил” деб аталган. (Юҳанно 3:16) Шунингдек, қолган барча нарсаларни яратишда Исо Яҳованинг ягона ёрдамчиси бўлган. (Колосаликларга 1:16) Қолаверса, Исо “Калом” деб номланган. Чунки Яҳова Исо орқали фаришталар ва инсонларга Ўз хабарини ҳамда йўл-йўриқларини етказган. (Юҳанно 1:14) Баъзилар Исони Худо деб ўйлайди. Бироқ бу фикр Муқаддас Китобга зиддир. Мазкур китобга кўра, Исони Худо яратган. Демак, Исонинг ибтидоси бўлган. Лекин бутун борлиқнинг Яратувчиси Яҳованинг ибтидоси бўлмаган. (Забур 90:2) Исо Худойи Таолога тенг бўлишни ҳатто хаёлига келтирмаган. Муқаддас Китобда Яҳова Исодан улуғ экани ҳақида аниқ қилиб ёзилган. (Юҳанно 14:28 ни ўқинг; 1 Коринфликларга

11:3) Ёлғиз Яҳова “Қодир Тангридир”. (Ибтидо 17:1) У коинотдаги энг буюк ва қудратли шахсдир»¹.

Шундай қилиб, Исо ягона, тенги йўқ Масих, «барҳаёт Худонинг Ўғли». (Матто 16:16)

Исонинг ердаги ҳаёти Шоҳидлар томонидан тўлиқ тан олинади. Аммо битта муҳим тафсилот бор.

6. Исо Масих хочда эмас, устунга осиб ўлдирилган

«Масих тулов бериб Тавротнинг ланатидан бизни озод қилди ва узи бизнинг ўрнимизга ланати бўлди. Чунки Муқаддас Ёзувларга кўра: “Устунга осилган ҳар қандай киши лаънатидир”». (Гала-тияликларга 3:13, ЯДТ)

Ушбу постулатда Яҳованинг Шоҳидлари биринчи навбатда Муқаддас Китобга мурожаат қилишади. Маълумки, хоч ҳақидаги биринчи маълумотлар Исо Масихни қатл қилиш қуроли сифатида баъзи асарларда милодий II асрнинг иккинчи ярмидаги, яъни Масихнинг ўлиmidан 150 йилдан кўпроқ вақт ўтгач пайдо бўлади. Рамз сифатида эса, хоч христианликка анча кейинроқ кириб келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Яҳованинг Шоҳидлари ривоятларни тан олмайдилар ва фақат Муқаддас Китобдан фойдаланадилар, шунинг учун ҳам улар бу мавзунини эътиборсиз қолдириб кета олмадилар.

Тан олиш керак, Шоҳидлар бу масалага жиддий ёндашадилар ва ўз нуқтаи назарларини тасдиғи сифатида жуда ишончли далиллар келтирадилар:

«Масихийлик пайдо бўлишидан анча олдин, қадимги бобилликлар хочдан унумдорлик худоси Таммузнинг рамзи сифатида фойдаланишган. Диний рамз сифатида хоч Миср, Ҳиндистон, Сурия ва Хитойда кенг тарқалган. Асрлар ўтиб, исроилликлар сохта худо Таммузга сиғиниб, бу билан Яҳовага топинишни булғашган. Муқаддас Китобда бундай сиғиниш жирканч деб айтилган. (Ҳизқиё 8:13, 14) Матто,

¹ Муқаддас Китоб ҳақиқатлари. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. – 44–45-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/муқаддас-китоб-тадқиқи/исо-масих-тўғрисида-ҳақиқат/).

Марк, Луқо ва Юҳаннонинг Инжилларида Исо қатл қилинган қуролни тасвирлаш учун юнонча стаурос сўзидан фойдаланилган. (Матто 27:40; Марк 15:30; Луқо 23:26) Стаурос сўзи “тик устун ёки қозик” деган маънони англатади. “Христиан бўлмаган динларда хоч” асарида Ж. Д. Парсонс шундай ёзади: “Даглаб юнон тилида ёзилган ва Янги Аҳдни ташкил этган матнларда Исо Масихнинг қатл этилиши билан боғлиқ ҳолда ишлатилган “ставрос” сўзининг маъноси, сўзнинг одатий маъносидан қандайдир фарқ қилган деб тахмин қилиш учун билвосита сабаб бўладиган битта ҳам жумла мавжуд эмас. Бундан ташқари, бу “ставрос” бир эмас, балки хоч шаклида бир-бирига боғланган иккита тўсиндан иборат деб ўйлаш учун ҳеч қандай асос йўқ”. (The Non-Christian Cross) Ҳаворийлар 5:30 да ҳаворий Бутрус ставрос сўзининг синоними сифатида “дарахт” деган маънони англатувчи ксилон сўзини ишлатган. Бу, икки тўсиқдан иборат хоч ҳақида эмас, балки оддий вертикал устун ёки хода ҳақида гап кетганига ишора қилади. Масихнинг ўлиmidан уч аср ўтгандан кейингина, ўзларини христиан деб атаганлар Исо хочда қатл этилган деган таълимотни тарқата бошлаганлар. Бироқ бундай нуқтаи назар анъанага ва юнонча ставрос сўзининг маъносини нотўғри талқин қилишга асосланган эди. Шуниси эътиборга лойиқки, қадимги Римда қатллар тасвирланган қадимий асарларда битта ёғоч устун ёки дарахт акс эттирилган»¹.

Ушбу масалани кўриб чиқиш якунида мен яна бир, менинг назаримда нуфузли манбани – «Масихийлик» энциклопедик луғатини келтираман: «Исо Масихнинг хочи қандай шаклда ва турда бўлган – археологлар аниқлик билан белгилай олишмаган... Қадимги дунёда қатл қилиш қуроли сифатида Рим империясининг турли қисмларида хоч бир хил шаклда бўлмаган: баъзида шунчаки ерга вертикал равишда ўрнатилган ёғоч ёки хода, баъзан Х ҳарфи каби бир бир билан бириктирилган иккита ёғоч (cruxdecussate. Кейинчалик Бургундия хочи); баъзан иккита ёғоч, улардан бири узун-

¹ Умер ли Иисус на кресте? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g200604/Умер-ли-Иисус-на-кресте/).

роқ бўлиб, ерга вертикал равишда қоқилган, иккинчиси эса кичик бўлиб, у ерга нисбатан горизонтал равишда бириктирилган, шунинг учун хоч Т ҳарфига ўхшарди (Миср хоч шакли, CRUX commissivel patibulata)... ва ҳоказо»¹. Айтиш жоизки, тарихда хочнинг 20 дан ортиқ турли мавжуд бўлиб, христианлик улардан 15 тасини эътироф этади.

Шундай қилиб, оддий устунда қатл этиш варианты ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган ва ишлатилган деб таъкидлаш мумкин. Бутун дунё бўйлаб қадимги бутпараст динларда хоч рамзидан фойдаланилгани ҳақида эса совет атеист диншунослари жуда батафсил ёзишган. Ушбу асарларнинг баъзилари Интернет тармоқларида ҳам, кутубхоналарда ҳам мавжуд.

Бу шунинг англатадики, Яҳова Шоҳидларининг нуқтаи назарини асло «уйдирма» деб аташ мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Яҳованинг Шоҳидлари учун қатл қилиш қуролининг ўзи (устун ёки хоч) умуман унчалик муҳим ҳам эмас, чунки улар буни бутпарастлик деб ҳисоблаб, ҳеч қандай ҳолатда унга сифинмайдилар ва ундан фойдаланмайдилар. Айнан шу сабабли улар 1928 йилда «Хоч ва Тож» нишонидан фойдаланмасликка қарор қилишди. Ундан ташқари, 1931 йилда “Қўриқчи минораси” журналнинг муковасида «Хоч ва Тож»ни босиб чиқишни тўхтатган. Ва фақат кейинроқ, 1934–1936 йилларда, хочнинг ўзи юнонча сўзларнинг нотўғри таржимаси эканлиги ва Исонинг ўлими ҳақидаги таълимот хочда эмас, балки устунда мустаҳкамланди.

7. Исо Масих инсоний ҳаётини итоаткор одамларнинг қутқарилиши учун қурбон қилди

«Чунки Инсон Ўгли ҳам ўзига хизмат қилдиришга эмас, аксинча хизмат қилгани ва кўплар учун жонини тўлов сифатида бергани келган». (Матто 20:28 ЯДТ)

«Тангрининг муҳаббати бизга шунда ошкор бўлдики, Худо ягона Ўғлини дунёга юборди, токи биз у орқали ҳаётга эга бўлайлик.

¹ Христианство: Энциклопедический словарь в 3 т. Том 1 (А-К). – М.: Научное издательство «Большая Российская энциклопедия», 1993. – 832–833-сах.

Муҳаббат биз Худони севдик дегани эмас, аксинча У бизни севиб, гуноҳларимиз учун Ўғлини яраштирувчи қурбонлик сифатида юборганидадир». (1 Юҳанно 4:9, 10, ЯДТ)

Бу борадаги Яҳованинг Шохидлари таълимоти ҳам бошқа христиан дин ва ташкилотларнинг қарашлари билан деярли бир хил.

«Илк инсон Одаматонинг Яҳовага итоатсизлиги дастидан бутун инсоният мукамал ҳаётдан маҳрум бўлди. Бошқа бир инсон Одаматонинг барча фарзандларига мукамал ҳаётни қайтариб бера олармиди? Ҳа. (Римликларга 5:19 ни ўқинг.) Ҳеч қачон гуноҳ қилмаган Исо мукамал ҳаётини тўлов сифатида берди. (1 Коринфликларга 15:45) Унинг мукамал ҳаёти Одаматонинг барча фарзандларини ўлимдан қутқара оларди. (1 Коринфликларга 15:21, 22) Муқаддас Китобда Исо ўлиmidан олдин қанчалик азоб чеккани ҳақида ёзилган. Уни шафқатсизларча қамчилашган, устунга михлашган ва у жуда қийналиб жон берган. (Юҳанно 19:1, 16–18, 30) Нега Исо шунча азобни бошдан кечириши керак эди? Чунки Шайтон шундай даъво қилган эдики, шиддатли синовларга дучор бўлса, ҳеч бир инсон Худога содиқ қолмайди. Исо эса мукамал инсон қанчалик қаттиқ азоб чекмасин, Худога содиқ қола олишини исботлади. Яҳова Исо билан қанчалик фахрланганини бир тасаввур қилинг! Тўлов қай йўсин тўланди? Милодий 33 йили, яҳудийларнинг календари бўйича нисон ойининг 14 кунини Яҳова душманлар Исони ўлдиришига йўл қўйди. (Ибронийларга 10:10) Уч кун ўтгач, Яҳова Исони инсон эмас, руҳий шахс сифатида тирилтирди. Кейинчалик Исо самога, Отасининг ёнига қайтганида мукамал инсоний ҳаётининг баҳосини тўлов сифатида Яҳовага тақдим этди. Бошқача қилиб айтганда, у ер юзиде мукамал инсон сифатида яшаш ҳуқуқини Худога берди, Худо эса бу ҳуқуқни Одаматонинг авлодларига тақдим эта оларди. (Ибронийларга 9:24) Шу йўсин Яҳова биз гуноҳ ва ўлим қуллигидан озод бўла олишимиз учун тўловни тақдим этди»¹.

¹ Муқаддас Китоб ҳақиқатлари – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. – 54-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/муқаддас-китоб-тадқиқи/исонинг-тўлов-қурбонлиги-бебаҳо/).

Тўлов ҳақидаги таълимот имонлилар учун Худонинг Ер ва инсониятга нисбатан иродасини амалга оширишнинг асосий ва марказий бўғи ҳисобланади. Яҳованинг Шоҳидлари, Ибтидо 3:15 да ёзилган Масих ҳақидаги биринчи башорат милодий 33 йилда, Исо азоб устунисида ўлганида қисман амалга ошганига ишонишади.

Ҳамда, Исо итоаткор одамларнинг гуноҳини ювгани учун, ҳозир ҳайвонларни қурбон қилишнинг ҳожати йўқ. Масихнинг қурбонлиги Худонинг барча хизматчиларининг гуноҳларини кечириб учун етарли.

«Шайтон чин дилдан тавба қилганларни вақти келиб Яҳованинг оила аъзоси бўлишдан тўхтатиш учун ҳеч нарса қила олмайди. Исо ер юзига келиб, “биратўла” ҳамма учун ўлди. Шунинг учун, тўлов барча замонлар учун бардавомдир. (Иброн. 9:24–26) У Одаматодан мерос бўлиб қолган ҳукми узил-кесил бекор қилди. Қолаверса, Масихнинг қурбонлиги туфайли Шайтоннинг назорати остидаги дунёнинг қуллигидан озод бўлди ва эндиликда ўлим қўрқувида яшамаямиз (Иброн. 2:14, 15)»¹.

«Номукамал бўлишимизга қарамай, тўлов орқали Яҳова билан яқин муносабатларга эга бўлишимиз мумкин. Тўлов туфайли Иблиснинг ишлари бутунлайин барбод қилинади. (1 Юҳан. 3:8) Тўлов туфайли Яҳованинг ер юзига нисбатан илк нияти амалга ошди. Бутун ер юзи жаннатга айланади. Сиз учратадиган ҳар бир инсон Яҳовани яхши кўриб, Унга хизмат қилади. Шундай экан, келинг, тўлов — Худонинг инсониятга берган энг улкан ҳадяси учун миннатдор эканимизни кўрсатишнинг йўлларини ҳар куни излайлик»².

«Исонинг тўлов қурбонлиги Одамато йўқотган мукамал ҳаётга тенг. (1 Коринфликларга 15:21, 22, 45, 46) Муқаддас Китобда шундай дейилган: “Битта одамнинг [Одаматонинг] итоатсизлиги кўпчиликни гуноҳкор қилиб қўйгани сингари, битта инсоннинг

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2017. Февраль. – 12-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-февраль-2017/исонинг-тўлови-мукамал-ҳадядир/).

² Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2021. Апрель. – 19-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-апрель-2021/Тўлов-учун-миннатдорчиликни-йўқотманг/).

[Исо Масихнинг] итоаткорлиги кўпларни одил қилади”. (Римликларга 5:19) Бундан битта инсоннинг ўлими кўпгина гуноҳкорлар учун тўлов бўла олишини кўриш мумкин. Демак, Исонинг қурбонлиги “ҳамма инсонлар учун муносиб тўлов” бўла олади. Кимки ундан фойда олишни истаса, зарурий қадамлар қўйиши керак (1 Тимўтийга 2:5, 6)»¹.

8. Исо Масих – тақлид учун мукаммал намунадир

«Сизлар шу мақсадда даъват этилилгансизлар. Чунки Масих ҳам сизлар учун азоб чекиб, унинг изидан оғмай юришингиз учун ўрнатилган кўрсатди». (1 Бутрус 2:21, ЯДТ)

«“У билан бирликдаман”,– деб айтадиган киши Исо каби йўл тутиши шарт». (1 Юҳанно 2:6, ЯДТ)

Барча масихийлар сингари, Яҳованинг Шоҳидлари ҳам асосли равишда Исо Масихни, ердаги ҳаёти давомида одамларга Худога хизмат қилишнинг энг буюк намунасини кўрсатган Буюк Устоз ва Буюк Пайғамбар деб ҳисоблашади. Шоҳидларнинг фикрича, Масих фазилатларни намоён этишда ўзининг Самовий Отаси Яҳовага тўлиқ ўхшаш бўлган ва ер юзида мукаммал инсон сифатида яшаган. Шундай қилиб, унинг Худога хизмат қилишдаги намунаси ҳам мукаммал бўлган.

Яҳованинг Шоҳидлари ўз топинишларида куйлайдиган қўшиқлардан бири «Масих биз учун ўрнақдир» деб номланади. Ва унда, менинг фикримча, Яҳова Шоҳидларини Масихнинг мисолига бўлган муносабатини аъло даражада акс эттирувчи сўзлар бор:

«Масих билмай тиним,
 Ёйди Аллоҳ шонин
 У биз чун энг зўр ибрат намунадир.
 Ҳазрат юрган йўлда
 Собит турсак доим,
 Айлар бизга лутф Аллоҳ ҳар дамда».

¹ Қандай қилиб Исонинг қурбонлиги «кўплар учун» тўлов бўла олади? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyr1/муқаддас-китоб-таълимотлари/саволлар/исонинг-тўлов-қурбонлиги/).

Яҳованинг Шоҳидлари ушбу амрларни айнан улар тўлиқ ва аниқ бажаришга ҳаракат қилишади деб ҳисоблашади, бу амрларнинг асосийси: «“Тангрингиз Яҳовани бутун қалбингиз, бутун жонингиз ва бутун онгингиз билан севинг”. Бу биринчи ва энг муҳим амрдир. Иккинчиси эса унга ўхшаш: “Яқинингизни ўзингизни севгандай севинг”. Таврот ва пайғамбарлар китоблари ушбу иккита амрга асосланган». (Матто 22:37–40, ЯДТ)

Бинобарин, Худо билан бўлган муносабатларни, Исо ҳаётда ҳамма нарсадан устун қўйишга ўргатган ва ўшанда, Шоҳидларнинг фикрига кўра, Худонинг фазилатларини ўрганиб, унга нисбатан севгига тўлиб-тошганларда унинг амрларини бажариш истаги пайдо бўлади.

Ўзининг машҳур Тоғдаги ваъзида Исо издошларига атрофдагиларга қандай қилиб севгини намоён этишни ҳам ўргатган. У шундай деган: «Хуллас, одамлар сизларга қандай муносабатда бўлишни хоҳласангиз, сизлар ҳам уларга шундай муносабатда бўлинглар. Зеро, Таврот ва пайғамбарлар китобларнинг моҳияти шундадир». (Матто 7:12, ЯДТ)

Бу сўзлар ҳатто динга ишонмайдиганлар учун ҳам инсоний одоб мезонига айланган.

Ваъзида Шоҳидларга қарши Масихни инкор этишади дейдиган айбловларга жавобан, уларнинг таълимотларида Масихнинг аҳамиятини таъкидлайдиган улар томонидан нашр этилган китобларни санаб ўтиш мумкин: «Ерда яшаган энг буюк инсон», «Улуғ устозга қулоқ солинг», «Келинг ва менга эргашинг», «Исо – йўл, ҳақиқат ва ҳаёт».

9. Исо Масих ўлмас руҳий шахс сифатида тирилтирилган

«Масих... гуноҳлардан халос этиш учун биратўла ўзини фидо қилди... У одам сифатида ўлиб, руҳ сифатида тирилди». (1 Бутрус 3:18, ЯДТ)

«Жисмоний тана экилади-ю, руҳий тана тирилади. ...эт ва қон Худонинг Шоҳидигидан мерос ололмайди»; (1 Коринфликларга 15:44–50, ЯДТ)

Яҳова Шоҳидларининг эътиқодига кўра, «Исонинг тирилиши аввал юз берган тирилишлардан фарқ қилган... Илгари тирилтирилган инсонлар жисмоний танага эга бўлиб, охир-оқибат яна ўлишган. Исо эса, асло йўқ бўлмайдиган руҳий мавжудот сифатида тирилтирилган».

«Муқаддас Ёзувларни англамоқ» энциклопедиясида шундай дейилган: «Бундан ташқари, у ҳаётнинг янада юқори шаклига тирилтирилди ва ерга келишидан олдин осмонда эга бўлган мавқедан ҳам юқорироқ мавқега эга бўлди. Унга ҳеч қандай танавий мавжудот эга бўлолмайдиган ўлмаслик ва чиримаслик тортиқ этилди ва у “осмондан ҳам юқори” бўлиб – Коинотда Яҳова Худодан кейин иккинчи ўринни эгаллади. (Ибронийларга 7:26; 1 Тимўтийга 6:14–16; Филиппиликларга 2:9–11; Ҳаворийлар 2:34; 1 Коринфликларга 15:27) Исони Яҳова Худонинг Ўзи тирилтирилган (Ҳаворийлар 3:15; 5:30; Римликларга 4:24; 10:9)»¹.

10. Исо Масих ҳозир руҳ руҳий шахс сифатида мавжуд

«Исо Зайтун тоғида ўтирганида, шогирдлари ёнига келиб савол беришди: “Бизга айтинг-чи, бу воқеалар қачон юз беради? Сизнинг ҳозир бўлишингизни ва замон охирлаб бораётганини қайси белгидан билиб оламиз?”» (Матто 24:3, ЯДТ)

Муқаддас Китобга асосланиб, Яҳованинг Шоҳидлари Масих алақачон ҳозир бўлганига ишонишади, лекин ҳамма ҳам буни ҳали тушуниб етмаган ва англамаган.

Дониёр пайғамбарнинг китобидаги (Дониёр 4:7–34) маълумотларга асосланган ҳисоб-китоблар натижасида Яҳованинг Шоҳидлари Исонинг ҳозир бўлиши 1914 йилда бошланган деган хулосага келишди: «Масих қайтиб келди ва ўз душманлари орасида ҳукмронлик қила бошлади»².

¹ «Воскресение» мақоласи. «Муқаддас Китобни англамоқ» энциклопедияси. Кўриқчи минорасининг онлайн кутубхонаси. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1200003709).

² На что указывает библейская хронология в отношении 1914 года? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библейские-учения/вопросы/даниила-4-библия-хронология-1914/).

Масихнинг қайтиши сўзма-сўз маънода қайтишни билдирмайди. «Ҳойнаҳой, у ер устидан шоҳлик ҳокимиятини қабул қилишини ва эътиборини унга қаратишини англатади. Бунинг учун у ўзининг самовий тахтини тарк этиши ва том маънода ерга қайтиши шарт эмас»¹.

Шу билан бирга, ҳукмронлик қилаётган Масих биринчи навбатда Шайтондан «осмонни тозалади» ва уни ҳамда жинларни ерга ташлаб юборди. Яҳова Шоҳидларининг айтишларига кўра, шунинг учун ҳам 1914 йилдан сўнг ер юзида фалокатлар тўхтамапти, бу Масихнинг ҳозир бўлганлигининг ва бу тузумнинг «охирги кунлари»нинг «аломатидир».

11. Худонинг Шоҳлиги Исо Масих бошчилигида ер юзида адолатли ва осойишта ҳукумат ўрнатади

«Унга Доно Маслаҳатчи, Қудратли худо, Абадий Ота, Тинчлик Шаҳзодаси деб исм қўйилади. Унинг ҳокимияти ортиб боради, Довуднинг тахтида, унинг шоҳлигида тинчликнинг чеки бўлмайди, ҳокимиятини мустаҳкам ўрнатади, адолат ва ҳаққоният ила уни тоабад кучайтиради. Қўшинлар Сарвари Яҳова буни ғайрати ила амалга оширади». (Ишаё 9:6, 7, ЯДТ)

«Дастлаб, Масихий Шоҳлик Яҳованинг ниятига кирмаган эди. Нега? Яҳова инсоният тарихининг жараёнини олдиндан белгиламаган; у инсонларни ирода эркинлиги билан яратган. У Одамато ва Момоҳавога инсоният ҳақидаги ниятини шундай баён этган: “Серфарзанд бўлиб, кўпайинглар ва ер юзини тўлдириб, тобе қилинглар”. (Ибтидо 1:28) Шунингдек, Яҳова улардан ўзининг яхшилик ва ёмонлик меъёрларига риоя қилишни талаб қилган. (Ибтидо 2:16, 17) Одамато билан Момоҳаво Худога содиқ қолиш-қолмаслигини ҳал қилишлари мумкин эди. Агар улар ва уларнинг авлодлари бу йўлни танлаганларида, Худонинг ниятини амалга ошириш учун Масихнинг бошқаруви остидаги Шоҳликка эҳтиёж тугилмаган

¹ Ты можешь жить вечно в раю на земле. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 1989. – 147-сах.

бўларди. Ҳозир ер юзи Яҳовага топинадиган комил инсонлар билан тўлган бўларди. Шайтон, Одамато ва Момоҳавонинг исёни, Яҳовани ер юзини мукамал инсонлар билан тўлдириш ниятидан воз кечишга мажбур қилолмади. Яҳова бунга эришиш услубини ўзгартирди, холос. Худонинг нияти – фақат белгиланган йўл бўйлаб ўз манзилига етиб борадиган ва бировнинг ҳаракатлари туфайли релъсдан чиқиб кетиши мумкин бўлган поезд эмас. Агар Яҳова бирор нарсани ният қилган бўлса, унда Коинотдаги ҳеч қандай куч унинг ниятини амалга оширишга тўсқинлик қила олмайди... Агар йўлда тўсиқ пайдо бўлса, Яҳова бошқа йўлни танлайди. (Чиқиш 3:14, 15) Қачонки у лозим деб топса, ўзининг содиқ хизматкорларига ниятини амалга оширишнинг янги усули ҳақида хабар беради. Адан боғидаги исёнга жавобан Яҳова Шоҳликни ўрнатишни ният қилди (Матто 25:34)»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари Матто Инжилининг 6-бобидаги Исонинг «Сенинг Шоҳлигинг келсин» деган сўзларини ўқиганда, улар буни том маънода қабул қилишади. Улар учун Худонинг Шоҳлиги кўнги ва юракнинг қандайдир ички ҳолати эмас, аксинча мажуд «самовий» ҳукуматдир. Улар уни «Худонинг ҳукумати» деб аташади, чунки улар Худо осмонга қайтиб келган Исони бу ҳукуматнинг бошлиғи қилиб тайинлаганига аминлар. Ва бу таълимот барча Яҳованинг Шоҳидлари томонидан барча халқлар учун хушxabар сифатида қабул қилинади:

«Аллоҳ ерни одил инсонлар унда абадий яшаши учун яратган. (Забур 37:29) ... Худо Ўз ваъдаларини бажарганида, ер юзида шароитлар қандай бўлади? ... Ер юзидаги янги жамиятда миллат ёки ирқ туфайли бўлинишлар бўлмайди. Инсоният битта яқдил халққа айланади. (Ваҳий 7:9, 10) Ўшанда ер юзида яшовчи барча инсонлар Худони ҳамда яқинини севади. Улар тинчликда яшаб, Аллоҳнинг илк ниятига кўра, уйлари бўлмиш ер юзига ғамхўрлик қилиш иши-

¹ Царство Бога правит! – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2014.– 32–33-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/царство-бога/истина/намерение-бога-для-людей-открыто/).

да ҳамкорлик қилишади. (Забур 115:16) ... Худонинг Шоҳлиги ер юзи устидан бошқарганда, Аллоҳ иқлимни тўлиқ назорат қилади ва уни бир маромда сақлайди. (Забур 24:1, 2) Ер юзида бўлганида Исо Масиҳ бўронни осонгина тинчлантириб, Худо унга берган қудрат ёрдамида нималар қила олишини кўрсатган. (Марк 4:39, 41) Масиҳнинг бошқаруви остида ҳеч ким табиий офатлардан қўрқиб яшамайди. Шунингдек, Худонинг Шоҳлиги табиат ва инсонлар орасидаги уйғунликни тиклайди. (Хўшешя 2:18) ... Барча одамлар мукамал соғлиққа эга бўлади. Ҳеч ким касал бўлмайди, қаримайди ва ўлмайди. (Ишаё 35:5, 6) Одамато билан Момоҳаво Адан боғида завқланиб яшаганидек, инсонлар ҳам чиройли ва тоза атроф муҳитдан баҳраманд бўлиб ҳаёт кечиришади. Адан боғида бўлгани каби, янги дунё келганида ҳам ер мўл-кўл ҳосил беради ва унда яшовчиларнинг бари тўкин-сочин ҳаёт кечиради. (Ибтидо 2:9) Худонинг қадимда яшаган Исроил халқи сингари жаннатда ҳар ким тўйғунича “нон” ейди. (Левилар 26:4, 5) ... Худонинг умумжаҳон ҳукумати остида барча инсонлар тинчликда яшаб, бир-бирига меҳр ва адолат ила муомала қилишади. Ўшанда урушлар ҳамда ўз ҳокимиятини суиистеъмол қиладиган одамлар бўлмайди ва ҳамманинг эҳтиёжлари қондирилади. Муқаддас Китобда қуйидаги ваъда ёзилган: “Уларнинг ҳар бири ўзининг токи ва анжир дарахти тагида ўтиради. Уларни ҳеч ким даҳшатга солмайди”. (Михо 4:3, 4) ... Ҳар бир оила ўз уйига эга бўлиб, ундан айрилиш қўрқуви билан яшамайди. Бундан ташқари, барчамиз меҳнатимизнинг роҳатини кўрамиз. Муқаддас Ёзувларда айтилганидек, янги дунёда яшайдиганлар “беҳудага меҳнат қилмайди”. (Ишаё 65:21–23) ... Муқаддас Китобда “ер юзи... Яҳова ҳақидаги билимга тўлади” деган ваъда бор. (Ишаё 11:9) Худонинг Шоҳлиги остида яшайдиган инсонлар Яратувчиси Яҳованинг чексиз донолиги ва Унинг гўзал ижодлари ҳақида билим олишади. Улар билимидан қуроллар ясаш ёки бошқа одамларга зарар келтириш учун фойдаланмайди. (Ишаё 2:4) Аксинча, улар ўзаро тинчликда яшашни ва ер юзига ғамхўр-

лик қилишни ўрганишади. (Забур 37:11) ... Биз ҳар куни ҳаётдан завқланиб яшашимиз учун, Аллоҳ ер юзида керакли барча шароитни муҳайё қилган. У одамлар ер юзида абадий яшашини истаган. (Забур 37:29; Ишаё 45:18) Худо илк ниятини амалга ошириш учун ўлимни “тоабад йўқ қилади”. (Ишаё 25:8) Муқаддас Китобда “ўлим, мотам, фарёд ва оғриқ бошқа бўлмайди”, дея ваъда берилган. (Ваҳий 21:4) Тангри ёвуз дунёни йўқ қилганида садоқатли кишиларга нажот бериб ҳамда янги дунёда сон-саноксиз одамларни тирилтириб, уларнинг барчасига абадий яшаш имконини тақдим этади (Юҳанно 5:28, 29; Ҳаворийлар 24:15)»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари, Худо «Қодир» деб аталганлиги сабабли, ҳеч ким ва ҳеч нарса унга ер ва инсоният ҳақидаги асл ниятини амалга оширишга тўсқинлик қила олмайди, деб ҳисоблашади. Яҳова Шоҳидлари учун ҳатто Худонинг исми ибронийча феълнинг бир шакли бўлиб, «бўлмоқ» деган маънони англатади. Бу, Яҳова Ўз ваъдаларининг Бажарувчиси эканини англатади.

«Яҳованинг нияти инсоният тарихининг минглаб йилларини қамраб олади: у Адан боғида амалга оша бошлади ва фақат узоқ келажакда тўлиқ бажо бўлади. Гарчи бу ният ҳайратланарли даражада содаллиги билан ажралиб турса-да, у шу қадар теранки, Муқаддас Китобни ўқиётганлар бутун ҳаётларини ушбу ниятни самарали ўрганишга ва унинг устида мулоҳаза юритишга бағишлашлари мумкин. Бундан ташқари, Яҳованинг нияти ишончли ва албатта амалга ошади. У барча ёвузликка чек қўйиб, гуноҳ ва ўлимни йўқ қилади. Худога содиқ бўлган барча одамлар ниҳоят мукамалликка эришадилар. Буларнинг барчаси еттинчи кун тугагунга қадар содир бўлади, шундай экан Яҳова ҳар қандай тўсиқларга қарамай, белгиланган вақтда ер ва инсониятга нисбатан Ўз ниятини амалга оширади»².

¹ Кўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2021. № 2. – 13–15-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/кўриқчи-минораси-2-2021-май-июнь/янги-дунё/).

² Приближайся к Иегове. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2014. – 169-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/приближаться/мудрость/божья-мудрость-иегова-бог/).

12. Ер ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди, унда одамлар доимо яшайди

«Бир авлод ўтиб, бошқаси келади, лекин ер абадий туради».
(Воиз 1:4, ЯДТ)

«Чунки самоларнинг Яратувчиси, ерга шакл бериб, уни мустаҳкам ўрнатган ҳақ Тангри ерни бекорга эмас, инсонлар яшаши учун барпо этган Яҳова шундай демоқда». (Ишаё 45:18, ЯДТ)

«Ер сайёраси ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди, ёниб кетмайди ва унинг ўрнини бошқа сайёра яратилмайди. Муқаддас Китобда айтилишича, Аллоҳ ер юзини одамлар унда абадий яшаши учун яратган. ... Худо одамлар ер юзини бутунлайин ифлос қилиб, уни уруш ёки яна бошқа йўл билан хароб қилишига йўл қўймайди»¹.

«Яҳова энг яхши ҳаётга эга бўлишимизни истайди. У илк одамларни — Одамато билан Момоҳавони яратганида, уларни гўзал жаннатга, яъни Адан боғига жойлаштирган. Сўнг **Тангри уларни кутлаб: «Серфарзанд бўлиб, кўпайинглари ва ер юзини тўлдириб, тобе қилинглари», — деб айтган.** (Ибтидо 1:28) Яҳова улар фарзандли бўлишини, бутун ер юзини жаннатга айлантиришини ҳамда ҳайвонларга ғамхўрлик қилишини истаган. У барча одамлар мукамал соғлик ва абадий ҳаётдан завқланиб яшашини ният қилган. Ҳамма нарса режалаштирилгандай юз бермаган бўлса ҳам, Худонинг нияти ўзгармади. (Ишаё 46:10, 11) У ҳали ҳам итоаткор инсонлар мукамал шароитларда абадий яшашини истайди (Ваҳий 21:3, 4 ни ўқинг)»².

Ердаги жаннат ғояси ўз-ўзидан жуда қизиқарли. Инсон ҳаёти ерда вақтинчалик деб ўйлайдиган бошқа динлардан фарқли ўларок,

¹ Ер юзи йўқ бўлиб кетадими? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотлари/саволлар/ер-юзининг-йўқ-бўлиши/).

² Ҳаётдан тоабад завқланинг! Муқаддас Ёзувлар асосида жонли суҳбатлар. – Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2022. – 103-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/ҳаётдан-тоабад-завқланинг/2-бўлим/25-дарс/).

Яҳованинг Шоҳидлари учун «жаннат» сўзи доимо айнан ер билан боғлиқ. Уларнинг журналлари ва китоблари, уларнинг фикрича, Худо ҳукмронлиги остида ер қандай бўлиши ҳақидаги ёрқин расмларга тўла.

13. Армагеддон жангида Худо ёвузликни йўқ қилади

«Сўнгра аждаҳонинг оғзидан, йиртқич ҳайвоннинг оғзидан ва сохта пайғамбарнинг оғзидан бақага ўхшаган учта нопок ваҳий чиқаётганини кўрдим. Бу ваҳийлар асида жинлардан бўлиб, улар мўжизалар яратишяпти. Улар Қодир Аллоҳнинг улуғ кунида юз берадиган жангга барча жаҳон шоҳларини тўплаш учун чиқишяпти. ... Улар шоҳларни ибронийча Армагеддон деб аталмиш жойга тўпландилар». (Ваҳий 16:13, 14, 16, ЯДТ)

«Армагеддон бу “Қодир Аллоҳнинг улуғ кунида юз берадиган жанг”, бу жангда Худо барча ёвузликни йўқ қилади»¹.

Бу уларнинг нашрларида кўйидагича тушунтирилган:

«Армагеддон жангида одамлар яксон бўлиб кетмайди, аксинча, кутқарилиб қолади. Қизиқ, қанақасига? Муқаддас Китобдан шуни билиб оляпмизки, Армагеддон жангида одамлар бошқарувига чек қўйилиб, инсонлар кутқариб қолинади. Бу жангда ёвуз кишилар йўқ қилинади, одил инсонлар эса омон қолади. Қолаверса, ер юзи хароб этилишдан сақланади, бу туфайли эса инсоният кутқариб қолинади. (Ваҳ. 11:18) ... “Армагеддон” сўзи Муқаддас Ёзувларда фақат бир марта учрайди, у “Махидў тоғи” деган маънога эга бўлган ибронийча иборадан келиб чиққан. (Ваҳ. 16:16, изоҳ) Махидў қадимги Исроилнинг шаҳарларидан бири эди. (Ёшуа 17:11) Лекин Армагеддон ер юзида том маънода бор бўлган жойнинг номи эмас. Аниғини айтадиган бўлсак, бу

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2017. № 6. – 16-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/сторожевая-башня-выпуск-6-2017-ноябрь/пережить-армагеддон/).

«барча жаҳон шоҳлари» Яҳовага қарши чиқиш учун тўпланадиган вазиятни билдиради (Вах. 16:14)»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари Армагеддонни «буюк мусибат» деб аталган вақтнинг фақат бир қисми, авж нуқтаси деб ҳисоблашади. «Буюк мусибат» – инсоният тарихидаги энг оғир давр бўлиб, у тўсатдан ҳукуматлар томонидан «сохта» диннинг йўқ қилиниши билан бошланади ва бундай ҳалокат ортидан жаҳон инқирози юзага келади, кейин эса душманлар Худонинг халқига ҳужум қилади.

Шоҳидларнинг фикрича, буларнинг барчаси яқин келажақда содир бўлади, аммо аниқ сана одамлардан пинҳон сақланган.

Бу ҳақда уларнинг нашрларида шундай ёзилган: «Хаворий Павлус ҳозирги замонда “ниҳоятда оғир вақтлар” келишини башорат қилгач, қуйидаги сўзларни ёзишга илҳомлантирилганди: “Ёмон инсонлар ва ёлгончилар... тобора разиллашиб борадилар”. (2 Тим. 3:1–5, 13) Мазкур кароматли сўзлар амалга ошаётганини кўряпсизми? Кўпчилигимиз разил одамларнинг, жумладан, зўравон безорилар, нафратга тўла мутаассиблар ва ашаддий жинойтчиларнинг қурбонига айланяпмиз. Улардан айримлари очиқдан-очиқ ёвузлик содир этишади, бошқалари эса қилаётган ишларини адолат ниқоби остида яшириб, қаллоблик қилишади. Гарчанд ўзимиз уларнинг қурбонига айланмаган бўлсак ҳам, бундай разил кишилар бизга барибир таъсир ўтказмоқда. Бундай кишиларнинг мудҳиш кирдикорлари ҳақида эшитганимизда, қалбимизда нафрат уйғонади. Уларнинг болаларга, ёши катталарга ва бошқа ҳимоясиз одамларга кўрсатган ваҳший муносабатидан даҳшатга тушамиз. Разил одамлар ғайриинсоний, ҳайвоний ва ҳатто иблисона руҳни намоён этишяпти. (Ёқб. 3:15) Бахтимизга, Яҳова бундай ёмон хабарларнинг ўрнига Ўз Каломи орқали яхши хабарлар беряпти. Яҳова нималар қилади?

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2019. Сентябрь. – 8-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-2019-сентябрь/армагедонни-интиқиб-кутияпмиз/).

Айни пайтда Яҳова разил одамларга ўзгариш имконини берапти. (Ишаё 55:7) Бу дунёга ҳукм чиқарилган бўлса-да, инсонлар устидан ҳали охирги ҳукм чиқарилгани йўқ. Аммо ўзгаришни хоҳламай, буюк қайғунинг бошланишигача бу дунёнинг тарафида қолишда давом этадиган одамлар ҳақида эса нима дейиш мумкин? Яҳова разил одамларни ер юзидан узил-кесил йўқ қилишга ваъда берган. (Забур 37:10 ни ўқинг.) Ёвуз одамлар «Бу ҳукмдан қочиб қутуламиз» деб ўйлашлари мумкин. Улардан аксарияти кирдикорларини яширишни ўрганишди ва кўпинча улар бу дунёда жазоланмай, қилмишларининг оқибатларини тотмай юришади. (Аюб 21:7, 9) Бирок Муқаддас Китоб қуйидагиларни эслатмоқда: “Одамлар қилган ишларни Худо кузатиб туради, улар босган ҳар бир қадамни Худо кўриб туради. Бирон зулмат ёки қоронғи жой йўқки, бадқирдорлар ўша жойда яшириниб олса”. (Аюб 34:21, 22) Ростдан ҳам, Яҳовадан яширинишнинг иложи йўқ. Ҳеч бир қаллоб Уни лақиллата олмайди; Аллоҳ учун Унинг ўткир нигоҳи ёриб ўта олмайдиган ҳеч қандай қоронғи ё қалин сояли жой йўқ. Армагеддондан сўнг разил одамлар турган жойларга қарасак, уларни кўрмаймиз. Боиси, улар тамомила йўқ қилинган бўлади! (Забур 37:12–15)»¹.

Бу, шунингдек, олдинги эътиқодни, кўпинча турли тарғиботчилар Яҳованинг Шоҳидларини «одамсевмаслик»да айблаш учун ишлатишади. Аммо ўйлаб кўрайлик: наҳотки бу таълим янги бўлса? Ахир динларнинг аксариятида ёвуз ва бевафо одамларни жазолаш ҳақида таълимот мавжуд-ку. Кўпгина динларда бу «дўзах» ҳақидаги таълимотдир. Бундан ташқари, Қиёмат куни ҳақидаги таълимотнинг ўзи барча Иброҳимий динларда мавжуд. Бу тушунарли, ахир Муқаддас Китобда бу таълим мавжуд. Лекин биз бу динларнинг барча тарафдорларини шафқатъизликда ёки дунёга нисбатан нафратда

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2017. Апрель. – 10-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-апрель-2017/худонинг-шоҳлиги-келаганда-нима-орда-қолади/).

айбламаймиз-ку. Ахир биз, ушбу таълимотлар билан бир қаторда, инсоннинг Худо билан ярашиши, гуноҳлардан фориғ бўлиш ва тўғриланиш имконияти ҳақида таълимотлар мавжудлигини тушунамиз. Шундай бўлиб чиқяптики, Яҳованинг Шоҳидларига маълум ёрликлар қўйиш орқали, антикультистлар бошқаларни адаштириш мақсадида шунчаки далиллар билан манипуляция қилишмоқда.

Кўпинча, бундай ноинсофлар ўзларининг асоссиз айбловларига эътибор қаратиш учун Яҳова Шоҳидларининг нашрларидан Армагеддон тасвирланган суратларни кўрсатишади. Аммо православ ва католик черковларида юзлаб ва минглаб йиллар давомида Қиёмат куни ва дўзахдаги жазо тасвирлари мавжуд эмасми?

Ушбу эътиқодни кўриб чиқаётганда, Яҳова Шоҳидларининг иккита омилга нисбатан нуқтаи назарини тушуниш жуда муҳим: биринчиси – Шоҳидларнинг фикрича, ким бу урушни бошлайди? 2012 йилги «Кўриқчи минораси»нинг «Армагеддон ҳақидаги ҳақиқат» номли мақоласида айтилганидек: «Армагеддон жанги Худо томонидан тажовузкор ҳаракат бўлмайди. Аксинча, Худо одил инсонларни уларни ҳалок қилоқчи бўлганлардан ҳимоя қилади»¹.

Иккинчи муҳим савол бу жангда Яҳова Шоҳидларининг ўрнига тааллуқли. Юқоридаги мақола давомида шундай дейилган: «Яҳова ўз хизматчиларига тинчлик тарафдори бўлишни ва душманларини севишни буюради. (Миҳо 4:1–3; Матто 5:43, 44; 26:52) Шунинг учун улар бу шафқатсиз ҳужумдан ҳимояланиш учун қўлларига қурол олмайдилар».

Кўриб турганингиздек, бу диний таълимотлар асло янги эмас ва жамият учун хавф туғдирмаслиги шубҳасиздир. Бу одатий диний амалиёт, холос, бундан ортиқ нарса эмас. Бундан ташқари, Яҳованинг Шоҳидлари масаласида улар қуйидаги эътиқодга ҳам эга.

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2012. 1 февраль. – 6-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/врп20120201/Правда-об-Армагеддоне/).

14. Худо томонидан маъқулланган одамлар абадий ҳаётга эга бўлишади

«Одил кишилар ер юзига эгалик қилади, улар ерда абадий яшайди». (Забур 37:29, ЯДГ)

«Адан боғида кўтарилган исён Худонинг инсоният ва ерга нисбатан илк ниятини пучга чиқара олмади. Худо мукамал севги ва адолат соҳиби. Шу боис У бизни мерос қилиб олинган гуноҳ ва ўлим қулигидан халос этишни истади. Аллоҳнинг хизматчиси бўлмиш Павлус шундай деб тушунтирган: «Гуноҳнинг эвази — ўлим, Худонинг инъоми эса Ҳазратимиз Исо Масих воситасида абадий ҳаётдир». (Римликларга 6:23) Худо бизни қаттиқ яхши кўргани сабабли “ягона Ўғлини [Исо Масихни] берди. Токи унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки мангу ҳаётга эга бўлсин”. (Юҳанно 3:16) Исо тайёрлик ила ўз ҳаётини тўлов қурбонлиги сифатида бериб, Одамато йўқотган барча нарсани қайтарди»¹.

15. Фақат битта йўл ҳаётга олиб боради

«Исо қуйидагиларни айтди: “Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отамнинг олдига кела олмайди”». (Юҳанно 14:6, ЯДГ)

«Исо Масих ўз ҳаётини тўлов қурбонлиги сифатида келтирганда, содиқ инсонларни қутқарган эди. (Матто 20:28) Шу сабабли, у Муқаддас Китобда “дунё қутқарувчиси” дея аталади. (1 Юҳанно 4:14) Қолаверса, у ерда қуйидагича ёзилган: “Одамларни ундан бошқа ҳеч ким қутқара олмайди, чунки нажот топишимиз учун осмону фалак остида одамларга берилган бошқа исм йўқ” (Ҳаворийлар 4:12)»².

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2018. Май. – 13-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-2-2018-май-июнь/ер-юзид-абадий-яшаш/).

² Исо Масих қандай қилиб қутқаради? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотлари/саволлар/исо-қутқаради/).

2008 йилги «Қўриқчи минораси» да шундай ёзилган эди: «Яҳованинг Шоҳидлари ҳақ динни топганликларига аминлар. Акс ҳолда, улар бу эътиқодни эътироф этмас эдилар. Барча имонлилар сингари, Яҳованинг Шоҳидлари ҳам нажот топишга умид қиладилар. Бироқ улар, ким нажот топиши, ким эса топмаслигини ҳал қилишга ўзларини ҳақли эмас, деб ҳисоблашади. Хукм қилиш ҳуқуқи Худога тегишли (Ишаё 33:22)»¹.

16. Биз Шайтоннинг ёвуз дунёсининг «охирги кунларида» яшаймиз

«Аmmo шуни белгингки, охирзамонда ниҳоятда оғир вақтлар келади». (2 Тимўтийга 3:1, ЯДТ)

«Исо айтиб ўтган қуйидаги ҳодисалар “замон охирлаб бораётганининг” белгиси бўлади: “Халқ халққа қарши, подшоҳлик подшоҳликка қарши кўтарилади. Бир жойда, кейин бошқа жойда озиқ-овқат етишмовчилиги ва зилзилалар бўлади”. (Матто 24:3, 7) У шунингдек, “ўлатлар”, яъни эпидемиялар бўлишини айтган. (Луқо 21:11) Исо пайғамбар башорат қилган ҳодисалар юз бераётганини кўряпсизми? Бугунги кунда инсонлар урушлар, очарчилик, зилзилалар ва кетма-кет пайдо бўлаётган касалликлар туфайли азоб чекапти. Масалан, 2004 йили Ҳинд океанидаги кучли зилзила оқибатида юз берган цунами тахминан 225 000 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Бир йилдан кўпроқ вақт давомида COVID-19 пандемияси дастидан дунё бўйлаб 2,6 миллиондан ошиқ инсон вафот этди. Исо алайҳиссалом айтганидек, шу каби ҳодисалар замон охирлаб бораётганининг белгиси бўлади. Муқаддас Китобда охират келишидан сал олдинги давр “охирги кунлар” ёки “охирзамон” деб аталган. (2 Бутрус 3:3, 4) 2 Тимўтийга 3:1–5 га кўра, охирзамонда одамлар ахлоқан бузилиб кетишади. (“Охиратдан олдин юз берадиган

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2008. 1 ноябрь. – 28-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wp20081101/Беря-т-ли-Свидетели-Иеговы-в-то-что-только-они-спасутся/).

ҳодисалар” номли рамкага қаранг.) Бугунги кунда инсонлар худбин, очкўз, шафқатсиз ва меҳр-оқибатсиз бўлиб кетганига гувоҳ бўлялсизми? Бу ҳам дунёнинг охири яқинлашиб қолган пайтда яшаётганимизнинг исботидир»¹.

17. Одаматонинг гуноҳи дастидан одамлар ўляпти

«Негаки, битта одам дастидан дунёда гуноҳ пайдо бўлди, гуноҳ орқали эса ўлим. Шу тариқа ўлим барча инсонларга ўтди, демак уларнинг барчаси гуноҳ қилган». (Римликларга 5:12, ЯДТ)

«Биринчи инсонлар, Одамато ва Момоҳаво Худога қарши гуноҳ қилганлари учун ҳаётдан маҳрум бўлишди. (Ибтидо 3:17–19) Модомики Худо “ҳаёт манбаи” экан, ўлим уларнинг Худога қарши исёнининг ягона мумкин бўлган оқибати эди. (Забур 36:9; Ибтидо 2:17) Одамато ўзининг барча авлодларига номукаммаллик ва гуноҳни ўтказди... Ҳамма одамлар гуноҳкор бўлгани учун ўлади (Римликларга 3:23)»².

www.jw.org расмий веб-сайтда «Гуноҳ нима дегани?» номли мақолада шундай дейилган: «Гуноҳ бу Худонинг меъёрларига зид бўлган иш ҳаракат, ҳис-туйғу ёки фикрдир. Унга, шунингдек, Худонинг назарида нотўғри ёки адолатсиз бўлган ишлар киради. (1 Юҳанно 3:4; 5:17) Қолаверса, Муқаддас Китобда инсон нима тўғри эканини била туриб қилмаса, гуноҳ қилган бўлади деб айтилган. (Ёқуб 4:17) Муқаддас Китоб ёзилган асл матндаги «гуноҳ» сўзи «нишонга ёки мўлжалга туша олмаслик» деганидир. ...Демак, гуноҳ қилиш, Худонинг мукамал меъёрларини бажаришдан иборат бўлган нишонга туша олмаслик деганидир. Худо инсонларни яратган экан, улар учун муайян меъёрлар ўрнатишга

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2021. № 2. – 8-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyr1/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-2-2021-май-июнь/охират-қачон-келади/).

² Почему люди умирают? Яхова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библейские-учения/вопросы/почему-люди-умирают/).

ҳақли. (Ваҳий 4:11) Ишларимиз учун Унинг олдида жавоб берамиз (Римликларга 14:12)»¹.

«Одамато ва Момоҳаво барча авлодларига гуноҳни мерос қилиб қолдиришди. Буни ота-онадан фарзандига генетик нуқсонларнинг ўтиши билан солиштира бўлади. (Римликларга 5:12) Шу сабабли барча инсонлар “гуноҳкор” бўлиб туғилади. Бу дегани, ҳаммамиз номукамал ва хатолар қилишга мойил бўлиб туғиламиз. (Забур 51:5; Эфесликларга 2:3) Мерос бўлиб ўтган гуноҳ ёки номукамаллик дастидан касал бўламиз, қариймиз ва ўламиз. (Римликларга 6:23) Бундан ташқари, ўзимизнинг ва бошқаларнинг хатолари сабабли азоб чекамиз (Воиз 8:9; Ёқуб 3:2)»².

18. Инсон ўлганида жон мавжуд бўлишни тўхтатади

«Тириклар ўлишни билади, ўлганлар эса ҳеч нарсани билмайди. Энди уларнинг оладиган мукофоти йўқ, чунки улар ҳақидаги хотира унутилган. Қолаверса, уларнинг севгиси ҳам, нафрати ҳам, рашики ҳан аллақачон йўқ бўлган. Қуёш остида содир бўлаётган ҳеч бир нарсада энди уларнинг улуши бўлмайди... Қўлингдан қандай иш келса, уни жон-жаҳдинг билан бажар, чунки сен борадиган қабрда на иш, на режа, на билим, на донолик бор». (Воиз 9:5, 6, 10, ЯДТ)

Бу таълимот Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг ўша пайтдаги кичик гуруҳи томонидан қабул қилинган энг биринчи таълимотлардан биридир. Бинобарин, ҳатто 1894 йил 15 апрелдаги «Қўриқчи минораси»да шундай ёзилган эди: «Муқаддас Китобда инсон ўлимга маҳкум, шундай экан ўлиши мумкинлиги аниқ айтилган. [...] Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, муқаддас руҳ таъсири остида бўлган Худонинг гувоҳлари ҳеч қачон инсон ўлмас деб ўргатмаган бўлсалар-да, бу таълимот барча бутпараст динларнинг асосини

¹ Гуноҳ нима дегани? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотлари/саволлар/гуноҳ-нима-дегани/).

² Илк гуноҳ нима эди? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотлари/саволлар/илк-гуноҳ/).

ташкил этишини кўришимиз мумкин. [...] шундай экан, Сократ ва Платон бунини биринчи бўлиб ўргатган деб ўйлаш нотўғри. Йўқ, бу улардан анча олдин мавжуд бўлган ва кўпроқ кучга эга бўлган шахс эди. [...] Биринчи марта бу сохта таълимот ҳақида инсониятга маълум бўлган энг қадимги тарихий ҳужжатда – Муқаддас Китобда айтиб ўтилган. Ушбу сохта устоз Шайтон эди»¹.

«Муқаддас Китобдаги ибронийча нефеш ва юнонча психе´сўзлари «жон» деб таржима қилинади. Ибронийча сўз том маънода “нафас олаётган мавжудотни”, юнонча сўз эса “тирик мавжудотни” англатади. Шундай қилиб, жон инсон ёки ҳайвонни билдиради, у ўлимдан кейин тананинг ичида яшайдиган бирон нима эмас»².

«Худонинг Каломида ўлим бутун инсоният устидан ҳукмронлик қиладиган душман, деб айтилган. (Римликларга 5:17; 1 Коринфликларга 15:26) Одамларнинг ҳеч бири бу шафқатсиз душманни енгишга қодир эмас ва ҳар бир ўлган одам унинг сон-саноксиз қурбонларидан биридир. Ушбу Муқаддас Китоб ҳақиқатини билиб, биз ўлим яқинларимизни олиб кетганда нима учун ғам чекишимизни ва қайғуришимизни тушунаемиз. Бу ҳис-туйғулар табиийдир»³.

«Қабрда на иш, на режа, на билим, на донолик бор” — бу ўлимдан кейин тананинг тупроққа айланиши каби ҳақиқатдир. (Воиз 9:10) Муқаддас Китобда аниқ айтилганки, инсон ўлганида, “у тупроққа қайтади. Ўша куниёқ ўй фикрлари пучга чиқади”. (Забур 145:4) Ўлик жон ҳаракатсизлик ҳолатидадир, шунинг учун Муқаддас

¹ Свидетели Иеговы – возвещатели Царства Бога. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2005. – 127-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Приобретая-и-применяя-точное-знание-Слова-Бога/Возрастая-в-точном-знании-истины/).

² Жон бу нима? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-syrl/muqaddas-kitob-taallimotlari/savollar/jon-bu-nima/).

³ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2006. 15 июнь. – 5-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/2006441).

Китобда ўликлар ҳақида кўпинча ухлаб ётганлардек гапирилади (Матто 9:24)»¹.

19. Дўзах азоб жойи эмас, бироқ инсониятнинг умумий қабридир

«Сен тупроқдан яралгансан ва тупроққа қайтгунингга қадар, пешона тери билан нон топиб ейсан. Чунки сен тупроқдирсан ва тупроққа қайтасан». (Ибтидо 3:19, ЯДТ)

«Чунки ўлган одам гуноҳдан озоддир». (Римликларга 6:7, ЯДТ)

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари бошиданоқ, уларнинг фикрига кўра, ушбу «Муқаддас Китобга зид» ақидани фoш этишда фoл қатнашишган. Уларнинг мантиғи ва далиллари Ч. Т. Расселнинг куйидаги сўзлари билан яхши тасвирланган:

1903 йилда у оммавий музокарага чақиртирилган. Ч. Т. Рассел ва Шимолий авенюдаги методистик епископ черковнинг, ҳамда Пенсильваниянинг ғарбий қисмининг протестант руҳонийларнинг норасмий иттифоқи вакили бўлган, доктор И. Л. Итон ўртасидаги кейинги қатор баҳслар ичида ўликларнинг ҳолати масаласи улардан бири эди. Музокаралар давомида Ч. Т. Рассел деди:

«Муқаддас Ёзувларда Худонинг шахси ва сифатлари ҳақида айтилган гаплар сизда, менда ва бошқа ҳар қандай ақли расо одамда мавжуд бўлган Яратувчи ҳақидаги соғлом ва муносиб тасаввурга тўлиқ мос келади. Барча масиҳийлар Худо айнан шундай фазилатларга эга эканлигига қўшиладилар. Агар бу шундай бўлса, унда қандай гуноҳ қилинганидан қатъи назар, адолатли Худо ўз қўллари билан яратганини абадий жазолайди, деб таъкидлаш мумкин? Мен гуноҳнинг ҳимоячиси эмасман; Мен ўзим гуноҳда яшамайман ва ҳеч қачон гуноҳни ваъз қилмаганман. [...] Лекин шуни айтмоқчиманки, бу ерда тўпланган бу одамларнинг ҳаммаси, биродаримиз [Итон] улар ҳақида Худони ва Исо Масиҳнинг муқаддас исмини куфр қи-

¹ Пробудитесь! – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015 декабрь – 13-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g201512/душа/).

лишмоқда деб айтган – бу одамларнинг барчаси дўзах ақидасига ўргатилган. Ахлоқ тузатиш муассасаларида бўлган барча қотиллар, ўғриллар ва ёвуз одамларга ҳам бу ақидага ўргатилган. [...] Бу таълимотлар ёвуздир. Улар қадим замонлардан бери инсониятга қайғу ва азоб-уқубат келтирмоқда, Ҳазратимиз эса алсо бундай нарсаларни ўргатмаган. Қадрли биродаримизнинг маънавий нигоҳи ҳамон ўрта асрлар зулматига бурканган»¹.

20. Ўлганлар учун умид – тирилишдир

«Бунга таажубланманглар, чунки шундай вақт келяптики, мазорларда бўлган ҳамма унинг овозини эшитиб чиқади: яхшилик қилганлар яшаш учун, ёмонлик қилганлар эса ҳукм этилиши учун тирилади». (Юҳанно 5:28, 29, ЯДТ)

«Ўлганларнинг тирилиши эътиқодимизнинг «пойдевор»и, яъни «бошланғич таълимотлар»нинг бир қисмидир (Иброн. 6:1, 2)»².

Янги Аҳддаги «тирилиш» сўзи юнонча *анастасис* сўзининг таржимасидир, бу сўзма-сўз «қайта туриш» деган маънони англатади. Юнонча *анастасис* сўзи ибронийча *теҳият ҳамметим* ибораси билан синоним бўлиб, «ўликларни ҳаётга қайтариш» деган маънони англатади.

Яҳованинг Шоҳидлари қуйидагиларга аминлар: «Баъзи инсонлар Масих билан бошқариш мақсадида самовий ҳаёт учун тирилишади. (2 Коринфликларга 5:1; Ваҳий 5:9, 10) Муқаддас Китобда бу “биринчи тирилиш” деб номланган ва “биринчи” сўзидан яна бошқа тирилиш борлигини тушунса бўлади. (Ваҳий 20:6; Филиппиликларга 3:11) Кейинги тирилиш ер юзида содир бўлади ва аксарият инсонлар айнан мана шу тирилиш пайтида ҳаётга қайтади. (Забур 37:29) ...Муқаддас Китобда “адолатли ва адолатсиз одамларнинг тирилиши” ҳақида айтилган. (Ҳаворийлар 24:15) Адо-

¹ Свидетели Иеговы – возвещатели Царства Бога. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2005. – 130-саҳ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1101993012).

² Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2020. Декабрь. – 2-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-декабрь-2020/Тирилиш-бўлишига-ишонамиз/).

латли инсонлар қаторига Нух, Сора ва Иброҳим каби садоқатли одамлар киради. (Ибтидо 6:9; Ибронийларга 11:11; Ёқуб 2:21) Адолатсиз инсонлар қаторига эса Худонинг меъёрлари бўйича яшамаган одамлар киради, чунки бу одамлар Унинг меъёрларини ўрганиб, уларга амал қилиш имкониятига эга бўлишмаган. Бироқ ёвузлашиб кетган инсонлар ўзгаришни истамагани учун умуман тирилишмайди. Бундай инсонлар ўлганида батамом йўқ бўлишади ва уларнинг ҳаётга қайтиш умиди бошқа бўлмайди (Матто 23:33; Ибронийларга 10:26, 27)»¹.

«Минг йиллик бошқарув пайтида Исо миллиардлаб кишиларни ҳаётга қайтаради ва “душман — ўлим” келтирган дарддан фориг этади. (1 Кор. 15:26; Марк 5:38–42; Ҳавор. 24:15) Инсоният тарихи қайғу ва йўқотишларга тўла, қалбни эзувчи ҳикояга ўхшайди. Ҳар бир авлод ҳаётга қайтгач, Исо қора саҳифаларни йўқ қилиб ташлаб, тирилганларга ҳаётни янги саҳифадан бошлаш имкониятини тақдим этади. Тўлов қурбонлиги асосида у касаллик, уруш, офат ва очарчилик оқибатларини йўққа чиқаради. Бундан ташқари, у қайғуларимиз негизи бўлмиш Одаматодан мерос бўлиб ўтган гуноҳни томири билан суғуриб ташлайди. (Рим. 5:18, 19) Исо «Иблиснинг ишларини» бутунлай барбод қилади (1 Юҳан. 3:8)»².

Бу тушунча Яҳова Шоҳидларининг дафн маросимидаги ҳаракатларига ҳам таъсир қилади. Қоида тариқасида, улар марҳумнинг шахсиятини ажратиб турадиган барча яхши нарсаларни эслашга, қариндошлари ва дўстларига тасалли ва қўллаб-қувватлаш сўзларини айтишга ҳамда ўзларига ва қатнашчиларга Муқаддас Китобдаги тирилиш умидини яна бир бор эслатишга ҳаракат қилишади.

Одатда Яҳова Шоҳидларининг Йиғилиш Залида дафн маросимига оид нутқ айтилади. Бу, барча йиғилганлар ушбу маросимга мос келадиган қўшиқ куйлашлари билан бошланади. Қўшиқдан кейин

¹ Тирилиш бу нима? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотлари/саволаар/тирилиш-бу-нима/).

² Ниҳоят пок топиниш тикланди! – Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2021. – 229-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/пок-топиниш/топиниш/худога-мутаақ-садоқатли-бўлиш/).

ибодат қилинади. Сўнгра оқсоқоллардан бири 30 дақиқа давом этадиган дафн нутқини айтади. Якунида ибодат қилинади, шундан сўнг марҳумнинг жасади дафн қилинадиган жойга олиб кетилади.

Қабристонда ҳеч қандай маросимлар кўзда тутилмаган. Қариндошлар ва дўстлар одатда гуллар ва мотам гулчамбарларини олиб келишади, лекин улар ҳеч қандай диний рамзий маънога эга эмас. Кейинчалик қабр устига қабр тоши ўрнатилади, унда ҳеч қандай диний рамз (хоч, ярим ой ва шунга ўхшашлар) йўқ. Яҳованинг Шоҳидлари вафот этган яқинларининг қабрларига боқиб, уларни муносиб тартибда сақлашга ҳаракат қилишади.

Гарчи Шоҳидлар келажакда тирилиш бўлишига ишонишса-да, ўлим уларга барибир кучли руҳий оғриқ келтиради ва катта қайғу сифатида қабул қилинади. Шу билан бирга, имон уларга умидсизликка тушмаслик учун куч ва яшаш учун туртки берадиган умид бахш этади.

21. Масихнинг фақат 144 000 издоши Масих билан бирга хукмронлик қилиш учун осмонга боради. Улар «кичик пода», «Худонинг Исроили» деб номланади

«Бироқ синовларга дуч келганимда сизлар мен билан бўлган-сизлар. Шундай экан, Отам Шоҳлик қилишим учун мен билан аҳд қилганидек, мен ҳам сизлар билан аҳд қиляпман. Шунда сизлар Шоҳлигимда дастурхонимдан еб-ичасизлар ва тахтларга ўтириб, Исроилнинг 12 қабиласини ҳукм қиласизлар». (Луқо 22:28–30, ЯДТ)

«Мен қарадим-у, Сион тоғида Қўзи турганини кўрдим. У билан бирга пешоналарида Қўзининг ҳамда Отасининг исми ёзилган 144 000 киши бор эди. ... Улар Қўзи қаерга борса, орқасидан эргашишади. Бу кишилар Худо ва Қўзи учун инсонлар орасидан биринчи ҳосил сифатида сотиб олинган. Тилларида эса ёлғон топилмаган. Улар бенуқсондир». (Ваҳий 14:1–5, ЯДТ)

Бу китобда, Шайтон ва биринчи одамларнинг исёни натижасида етказилган барча зарарни тузатиши керак бўлган, Масиҳ бошчилигидаги Худонинг Шоҳлиги ҳақидаги таълимот аввал тилга олинган эди.

«Ердаги ҳаётининг охирги оқшомида Исо 11 та садоқатли ҳаворийга ваъда берди. “Синов чоғларимда Мен билан бирга дош берганлар сизлар бўлдингиз. Шу сабабдан, Отам Менга васият қилгани каби, Мен ҳам сизга Шоҳликни васият қиламан. Сиз Менинг Шоҳлигим дастурхонида ўтириб еб-ичасизлар, тахтларга ўтириб, Исроилнинг ўн икки қабиласи устидан ҳукмронлик қиласизлар”. (Луқо 22:28–30) Ўшанда Исонинг 11 шогирдига берган ваъдаси, 144 000 мойланган масиҳчиларга ҳам тегишлидир. (Луқо 12:32; Ваҳ. 5:9, 10; 14:1) ...Устига-устак Исо Масиҳ ишончли ва ақли хизматкорни “ўзининг бутун мол-мулки устидан назоратчи қилиб қўйди”. (Мат. 24:47) Ушбу мол-мулкка Яҳова Шоҳидларининг Халқаро идора марказию бўлимлари ҳамда Йиғилиш ва Анжуман Заллари киради. Шунингдек бу, Шоҳлик ҳақидаги воизлик ва шогирд орттириш фаолиятини ўз ичига олади»¹.

«Бугунги кунда Худонинг аксарият хизматчилари самода яшаш умидига эга эмас»².

Шоҳидлар, келажақда Исо Масиҳ билан ҳукмдорлик қилувчиларининг аксарияти аллақачон осмонда эканлигига ишонишади. Яҳова Шоҳидларининг бош бошқармаси Етакчи кенгаши бутунлай мойланган масиҳийлардан иборатдир.

22. Масиҳийлар жамоати Исо Масиҳнинг ўзига қурилган

Рим-католик черковидан фарқли ўлароқ, Яҳова шоҳидлари 12 ҳаворийнинг ворислари борлиги, уларга Худо тайинлаши бўйича

¹ Қуриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2009. 15 февраль. – 26-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/w20090215/Они-следуют-за-Ягненком/).

² Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2020. Январь. – 25-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/сторожевая-башня-для-изучения-январь-2020/святой-дух-свидетельствует/).

ҳокимият ўтиши ҳақидаги таълимотга амал қилишмайди, Рим папасини эса, Масих бутун черков устидан ҳокимият берган ҳаворий Бутруснинг вориси деб ҳисобламайдилар. Улар қуйидагича тушунтиришади: «“Сен Бутруссан ва мен ўз черковимни мана шу тош устида қураман” деган сўзлар нимани англатади? Уларнинг маъносини тўғри тушуниш учун матн таркибини ҳисобга олиш керак. Исо ва Бутрус нима ҳақида гаплашишганди? Исо ҳозиргина шогирдларидан: “Сизларчи мени ким деб ойлайизлар?” деб сўради. Бутрус дарҳол жавоб берди: “Сиз барҳаёт Худонинг Ўғли – Масихсиз”. Исо Бутрусни мақтаб, сўнгра у ўзининг “черковини” ёки жамоатини “тошлар” ичида энг қаттиғи, яъни Бутрус ҳозиргина имонини изҳор қилган Масих устига қуришини айтди (Матто 16:15-18)»¹.

23. Ибодат билан фақат Яҳова Худога Исо Масих орқали мурожаат қилиш керак

«Сизлар эса шундай ибодат қилинглар: “Осмондаги Отамиз, исминг муқаддас бўлсин”». (Матто 6:9, ЯДТ)

«Кимга ибодат қилишимиз керак? Исо издошларига ибодат қилишни ўргатаётиб, Худога “Осмондаги Отамиз” дея мурожаат қилишни айтган. (Матто 6:9) Шунингдек у: “Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отамнинг олдига кела олмайди”, — деб айтган. (Юҳанно 14:6) Демак, биз фақатгина Яҳовага Исо орқали мурожаат қилишимиз керак. Исо орқали ибодат қилиш нимани англатади? Яҳова ибодатларимизни қабул қилиши учун, У Исога берган ўзгача мавқега ҳурмат кўрсатишимиз лозим. Билиб олганимиздай, Исо бизни гуноҳ ва ўлимдан қутқариш мақсадида ер юзига келган. (Юҳанно 3:16; Римликларга 5:12) Яҳова Исони Ҳакам

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. 1 декабрь. – 3-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wp20151201/были-петр-первым-папой-римским/).

ва гуноҳларимиз кечирилишига ғамхўрлик қилувчи Олий руҳоний этиб тайинлаган (Юҳанно 5:22; Ибронийларга 6:20)»¹.

Диндорлар учун ибодатнинг ўрни ҳақида бир оз тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Яҳованинг Шоҳидлари учун *ибодат* асосий диний ҳаракатлардан биридир. Шоҳидларнинг ўзлари ибодатларини медитация деб ҳисобламайдилар, чунки улар буни автоматик равишда айтмайдилар, ёдлашдан фойдаланмайдилар.

«Қўриқчи минораси»нинг бир сониди ибодат ҳақида шундай дейилган: «Аллоҳ Таоло инсонлар У билан суҳбатлашиши ва ҳис-туйғуларини бўлишиши учун уларга ибодатдек ўзгача бир ҳадя берган. ... Чин қалбдан ва камтарлик билан дуо қилинг. Худога ўз сўзларингиз билан ибодат қилиш ички туйғуларингизни, яъни “юрагингизни Унга тўкиб солишга” ёрдам беради. (Забур 62:8) Қодир Тангри чин дилдан қилинган самимий ибодатларни ёқтиради. Худога Унинг шахсий исми билан мурожаат қилинг. Худонинг Аллоҳ Таоло, Парвардигор, Тангри ва Сарвари олам каби кўпгина унвонлари бор. Лекин Муқаддас Каломда Худо Ўзининг ягона шахсий исмини очиб берган... Масалан, Иброҳим пайғамбар: “Яҳова, илтимос... гапиришимга ижозат бер”, — деб айтган. (Ибтидо 18:30) Шундай экан, биз ҳам дуо қилганимизда Аллоҳнинг “Яҳова” деган шахсий исмини қўллайлик. Ўзингизга қулай тилда дуо қилишингиз мумкин. Қайси тилда гапиришимиздан қатъи назар, Тангри фикрларимизу ҳис-туйғуларимизни тушунади. Бу борада Унинг Каломиди шундай ёзилган: “Худо юзхотирчилик қилмас экан. Аммо Ундан кўрқиб, тўғри йўл тутган ҳар бир кишини У миллатига қарамай қабул қиларкан” (Ҳаворийлар 10:34, 35)»².

¹ Муқаддас Китоб ҳақиқатлари. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. – 177-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/муқаддас-китоб-тадқиқи/худога-қандай-ибодат-қилиш-керак/).

² Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2020. №3. – 10-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-3-2020-сент-окт/аллоҳнинг-баракасига-эришиш-учун-дуони-қанда-қилманг/).

Француз позитивист-файласуфи Жан Мари Гюйо (1854–1888) ёзганидек: «Ибодат тасалли бахш этади, у имон тақдим этган энг ёқимли завқлардан биридир»¹.

Яҳованинг Шоҳидларида канонлаштирилган ибодат матнлари йўқ. Улар ибодатни ёд олмайдилар, уларни «ҳимоя сифатида» алоҳида варақларга ёзмайдилар, уларни кийимларига тикмайдилар ва тумор сифатида ишлатмайдилар.

Ибодатнинг мазмуни ҳақида гапирадиган бўлсак, Инжилдаги «Осмондаги Отамиз» дея бошланадиган Исонинг ибодати намуна тариқасида қабул қилинган. (Матто 6-боби)

24. Ибодатда тасвирлардан фойдаланмаслик керак

«Шу боис, азизларим, бутпарастликдан қочинглар». (1 Коринфликларга 10:14, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари нафақат авлиёларнинг, биби Марямнинг, балки Исо Масихнинг ҳам бутларига ёки ҳайкал тасвирларига сиғинмайдилар. Бундан ташқари, улар буни Муқаддас Китоб томонидан қораланган бутпарастлик деб ҳисоблашади. Улар ўз нуқтаи назарларини асослаш учун қуйидаги Муқаддас Китоб оятларини келтирадилар:

«Ўзингиз учун на осмонда, на ерда, на сувларда мавжуд бўлган ҳеч бир нарсанинг ўйма тасвири ёки шаклини ясаманглар. Уларга сажда ва ҳизмат қилманглар. Чунки Мен, Худойингиз Яҳова мутлақ садоқатни талаб қиладиган Тангриман». (Чиқиш 20:4, 5) Худо «мутлақ садоқатни» талаб қилганлиги сабабли, ҳайкалларга ва бадий тасвирларга, жумладан санамларга, бутларга ва топинишга оид бошқа буюмларга сиғнишимиз Унга маъқул эмас.

«Ўз улуғворлигимни... ўйма бутлар билан бўлишмайман». (Ишаё 42:8) Тасвирлар орқали сиғиниш Аллоҳга маъқул эмас. Баъзи исроилликлар Худога топиниш учун бузоқ ясаганида, Худо бу халқ «бузилиб кетди» деб айтган эди. (Чиқиш 32:7–9)

¹ Гюйо М. Ж. Иррелигиозность будущего. – М., 1909. – 143-сах.

Биз Худони «инсон ақли ва усталиги билан ясалган олтинга, кумушга ёки бирор тошга ўхшатмаслигимиз керак». (Ҳаворийлар 17:29) Одатда «ўйилган санъат асари ва инсон уйдирмаси» кўри-нишидаги тасвирлардан фойдаланадиган сохта худоларга сиғиниш-дан фарқли ўлароқ, биз масиҳийлар Муқаддас Китоб амрига рия қилиб, «кўрганимиз бўйича эмас, имонимизга мувофиқ яшаймиз». (2 Коринфликларга 5:7)

«Ўзингизни бутлардан сақланглар». (1 Юҳанно 5:21) Муқаддас Китоб гўё Худо санамлар ёки бошқа тасвирлар орқали топинишдан мамнун эканлиги ҳақидаги афсонани бутунлай фош қилади. Буни Худонинг исроилликларга ҳам, масиҳийларга ҳам берган амрлари яққол тасдиқлайди»¹. Демак, «Худога топинишда сурат ва ҳайкал-лардан фойдаланиш ҳамда ўлганларга атаб ўтказиладиган диний урф-одатлар нотўғри»².

25. Аллоҳдан бошқага топиниш таъқиқланган

«Чунки Муқаддас Ёзувларда: “Аллоҳнинг Яҳовага сажда қил, биргина Унга муқаддас хизматни адо эт”,– деб айтилган». (Матто 4:10, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари Биби Марямнинг христианликка оид Худонинг онаси сифатида сажда қилишни ва ҳар қандай авлиё ва шафоатчиларни улуғлашни кескин қатъиятлик билан рад этадилар.

Биринчидан, улар Муқаддас Китобда бундай улуғлаш учун асос йўқлигини таъкидлашади. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар-дан иборат:

Биринчиси: Марям расман Худонинг онаси ва Осмон маликаси сифатида Муқаддас Китоб тузувчилари томонидан эмас, балки 431

¹ Должны ли мы поклоняться изображениям? Яхова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библейские-учения/вопросы/должны-ли-мы-поклоняться-изображениям/).

² Муқаддас Китоб ҳақиқатлари – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. – 165-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/мукаддас-китоб-тадқиқи/ҳақ-топиниш-томонини-эгалланг/).

йилда Эфесда бўлиб ўтган III Экуменик Кенгаш иштирокчилари томонидан тан олинган¹.

Иккинчидан: Муқаддас Китоб «Янги дунё таржимаси»нинг иловасида Муқаддас Китоб асосода суҳбат қуриш учун 44 та мавзуни берилган. Ушбу мавзуларнинг ҳар бири бўйича асосий фикрларни муҳокама қилиш учун асл манбага, яъни Муқаддас Китобга мурожаат қилинади. 27-мавзу, айнан Марямга сиғиниш муаммосига бағишланган. Унда, хусусан, Муқаддас Китобга ишора қилиниб, Яҳова Шоҳидларининг позицияси фойдасига қуйидаги далиллар келтирилган:

А. Марям «Худонинг онаси» эмас, балки Исонинг онаси:

Худонинг ибтидоси йўқ. (Забур 90:2; 1 Тимўтийга 1:17)

Худонинг Ўғли ер юзида яшаганида, Марям унинг онаси бўлган. (Луқо 1:35)

Б. Марям «абдий бокира» эмас:

У Юсуфга турмушга чиққан. (Матто 1:19, 20, 24, 25)

Исодан бошқа фарзандлари ҳам бор эди. (Матто 13:55, 56; Луқо 8:19–21)

Ўшанда улар ҳали Исонинг маънавий биродарлари эмас эди. (Юҳанно 7:3, 5)

Иккинчидан, Яҳованинг Шоҳидлари эътиборни тўғридан-тўғри Худога бўлган шахсий ибодатининг ўрни ва аҳамиятига қаратадилар: «Гуноҳларимиз туфайли биз Унинг эътиборига лойиқ эмаслигимизни ҳис қилсак ҳам, Худо шахсан Унга ибодат қилишимизни истайди. У ибодатларимизни тинглашни бошқа ҳеч кимга топширмаган. Муқаддас Китоб бизни: «Ғам-ташвишингни Яҳовага ташла, Унинг Ўзи сенга таянч бўлади»,– дея рағбатлантиради. (Забур 55:22) Авлиёлар ёки бошқа шафаотчиларнинг ҳимоясига таяниш ўрнига, биз Худонинг Ўзида кўпроқ яхшилиқни кўришни ўрганишимиз керак. Самовий Отамиз ҳар биримизга ғамхўрлик қилади.

¹ Тальберг Н. История христианской церкви. – М., Интербук, 1991. – 154-сах. Тальберг Н. История христианской церкви. – М., Интербук, 1991. – 154-сах.

У бизга муаммоларимизда ёрдам беришни хоҳлайди ва бизни Унга яқинлашишга ундайди (Ёқуб 4:8)»¹.

Бу масалада ҳам диндорлар милодий биринчи асридаги масиҳийларга тақлид қилишга интилишади. Маълумки, биринчи масиҳийлар Исонинг онаси — Марямга кам эътибор қаратишган. Илк масиҳийлар атрофидаги дунё эса, аксинча аёл худоларга, она маъбудаларга (Киббелла, Астарта, Афина, Артемида, Исида ва бошқалар) сиғинишга кўмилиб кетган эди.

Марямни илоҳийлаштириш милодий 5 асридан аввал киритилмаган. Бу шундай, чунки ҳали 4 асрнинг ўрталарида яшаган Кипр епископи Эпифаний ўзининг «Панарион» асарида Марямга сажда қилган ва унга ибодат қилганларни қоралаган.

Ва фақат 431 йилда Шарқий Рим империяси императори Феодосиус II нинг қарори билан тўпланган Эфес шаҳридаги соборда Марям «худони туққан аёл» ва «худонинг онаси» деб номланган. Эфес Марямни илоҳийлаштириш марказига айланган. Шуниси эътиборга лойиқки, антик асрларда айнан Эфес Артемидага сиғиниш маркази бўлган. Худонинг онаси шарафига байрамлар эса черков томонидан кейинроқ киритилган. Улар маҳаллий бутпарастларнинг байрамларига тўғриланган эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Яҳованинг Шоҳидлари маълум бир байрам ёки маросимнинг келиб чиқишига жуда диққат билан қарашади. Бутпарастликдан илдиз олган нарса улар томонидан сўзсиз рад этилади.

26. Сехр-жодудан эҳтиёт бўлиш зарур

«Арвоҳ қақирувчиларга мурожаат қилманглар ва фолбинларга маслаҳат солманглар. Уларнинг дастидан ўзингизни булғаманглар. Мен Тангрингиз Яҳоваман». (Левилар 19:31, ЯДТ)

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2013. 1 июнь. – 12-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wp20130601/нуж-но-ли-молиться-святым/).

Сеҳр-жоду (лотинча Spiritus – руҳ) – бу ўлганларнинг руҳлари ўлимдан кейин мавжудлигига ва улар билан одамларнинг (медиум) бевосита алоқа қилиш имкониятига ишонишдир.

«Сеҳр-жоду (жинлар ва руҳлар билан алоқа қилиш). Сеҳр-жодуга шахсан ёки азайимхон каби воситачи орқали жинлар билан алоқа қилиш киради. Сеҳр-жоду билан шуғулланадиганлар одам ўлганидан кейин руҳи чиқиб, кучли арвоҳга айланади деган сохта таълимотга ишонишади. Одамлар Худога итоатсизлик қилиши учун жинлар уларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишади. Мунажжимлик, фол очиш, афсунгарлик, ирим қилиш, оккультизм ва ғайритабий кучлар сеҳр-жодуга киради. Китоб, журнал, гороскоп, фильм, плакат ва ҳатто кўшиқларда сеҳр-жоду, жинлар ҳамда ғайритабий кучлар гўё беэиён ва қизиқарли қилиб кўрсатилади. Шунингдек, дафн маросими билан боғлиқ урф-одатлар, ҳар йили ўтказиладиган маъракалар, худойи ҳамда марҳум ёнида ухламай чиқиш кабилар ҳам жинлар ва руҳлар билан алоқа қилишга киради. Айрим кишилар жинлардан куч олиш учун гиёҳванд моддаларни қабул қилишади (Галатияликларга 5:20; Ваҳий 21:8)»¹.

«Шайтон ва жинлар одамларни йўлдан оздириш учун қўллайдиган асосий усул сеҳр-жоду. Бу билан шуғулланадиган кишиларнинг таъкидлашича, улар одатда инсонлар билмайдиган ёки назорат қила олмайдиган нарсаларни билиб, назорат қила олишар экан. Масалан, баъзилар фолбинлик ёки мунажжимлик орқали келажакни башорат қила олишини айтади. Бошқалар эса, ўзини арвоҳлар билан гаплашаётгандек тутиши мумкин. Яна кимлардир сеҳргарлик ёки афсунгарлик билан шуғулланиб, иссиқ-совуқ қилишади. ... Яҳова сеҳр-жодудан бизни огоҳлантирмоқда. Чунки Худо биладикки, Шайтон у орқали одамларга зарар келтиради. Шайтон сеҳр-жоду орқали ёлғонларни, жумладан, арвоҳлар борасидаги уйдирмани олға сурмоқда. (Воиз 9:5 ни ўқинг.) У шунингдек, сеҳр-жодудан фой-

¹ Муқаддас Китоб ҳақиқатлари – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. 221-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/муқаддас-китоб-тадқиқи/луғат/).

даланиб одамларни қўрқув остида тутмоқчи ва уларни Яҳовадан узоқлаштирмоқчи. Унинг мақсади сеҳр-жоду билан шуғулланадиган кишилар Яҳовага эмас, ёвуз руҳларга таянишига қаратилган»¹.

27. Шайтон – дунёнинг кўринмас ҳукмдори

«Биламизки, биз Худо томонидамиз, бутун дунё эса Шайтоннинг ҳукмидадир». (1 Юҳанно 5:19, ЯДТ)

Шайтон ёки Иблисни, Яҳованинг Шоҳидлари мавжуд шахс деб ҳисоблашади. Бу ҳақда уларнинг расмий веб-сайтида шундай дейилган:

«Ҳа, Иблис чиндан ҳам мавжуд шахс. У ёвузлашиб, Худога қарши чиққан руҳий шахс ва “дунёнинг ҳукмдори”дир. (Юҳанно 14:30; Эфесликларга 6:11, 12) Муқаддас Китобда қуйидаги исм ва тавсифлар орқали Иблиснинг шахсияти очиб берилган:

Шайтон. Бу “душман” деган маънони англатади. (Аюб 1:6)

Иблис. Бу “туҳматчи” деган маънони англатади. (Ваҳий 12:9)

Илон. Бу “ёлғончи” деган маънони англатади. (2 Коринфликларга 11:3)

“Васвасачи”. (Магто 4:3)

“Ёлғончи” (Юҳанно 8:44)»².

Шайтонни Худога қарши исён кўтаришга нима ундади? «Қўриқчи минораси» да қуйидагича тушунтирилган: «”Худонинг руҳий ўғилларидан” бири ўз манфаатини ўйлаб, Худонинг одамларга нисбатан ниятига аралашиб имкониятини кўрди. Бу руҳий мавжудот ўз режасини қанчалик кўп ўйлаган сайин, шунчалик амалга ошиши мумкин ва жозибадор бўлиб туюларди. (Ёқуб 1:14, 15) Балки у шундай мулоҳаза юритгандир: агар у биринчи инсон жуфтлиги Худога эмас, балки унга қулоқ солишига эриша олса, Худо одамлар

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2019. Апрель. – 20-саҳ. См. эл. источник (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-2019-апрель/ёвуз-руҳларга-қарши-туриш-учун-худонинг-ёр-дамини-қабул-қилинг/).

² Иблис чиндан ҳам мавжудми? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотлари/саволлар/иблис-чиндан-ҳам-мавжудми/).

учун муқобил ҳокимиятни тан олишига тўғри келади. У эҳтимол, Худо уларни йўқ қилмайди, деб ўйлагандир, чунки бу Худонинг ниятини бузган бўларди»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари Шайтон замонавий дунёнинг кўринмас ҳукмдори эканлигига ишонишади. «Шайтон Исога бутун дунё устидан ҳокимиятни таклиф қилганда, Исо Шайтоннинг бундай ҳокимиятга эга эканлигини инкор этмади. Кейинчалик Исо ҳатто Иблисни “бу дунёнинг ҳукмдори” деб атади. (Юҳанно 14:30) Йиллар ўтиб, ҳаворий Павлус Шайтон ҳақида “ушбу замонанинг худоси” деб айтди (2 Коринфликларга 4:4)»².

Шу билан бирга, Яҳованинг Шоҳидлари инсоний ҳукуматларнинг ҳар бир қарори ва ҳаракатлари ортида Шайтон ва жинлар туради деб ҳисобламайдилар. Улар Шайтоннинг одамларга «таъсири» ҳақида гапириб, одамларнинг танлаш ва ирода эркинлиги сақланиб қолганини таъкидлайдилар. Буни улар келтирган қуйидаги мисол яхши кўрсатиб турибди: «Кучли денгиз оқимлари кичик қайиқларни кўтариб юрганидек, инсоний ҳукуматларни кучли ёвуз руҳий кучлар бошқаради. Шунингдек бу қайиқлардаги денгизчилар оқимларнинг йўналишини ўзгартира олмаганидек, сиёсатчилар ҳам ёвуз руҳларнинг таъсирига қарши ожиздирлар. Бу руҳларнинг мақсади одамларни ҳаддан ташқари бузиш ва “ернинг ҳолини вой” қилишдир. (Ваҳий 12:12) Шунинг учун фақат Шайтон ва унинг жинларидан кўра кўпроқ кучга эга бўлган шахс вазиятни тубдан ўзгартириши мумкин. Буни қилиш Яҳова Худонинг қудратидадир (Забур 82:18; Еремиё 10:7, 10)»³.

«Шайтон бу ҳукумат орқали ер юзидаги барча ҳокимиятларни бошқаряпти. У Исога “дунёнинг барча шоҳликларини кўрсатгани”

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2004. 15 апрель. – 4-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/2004281).

² Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2012. 1 май. – 6-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wp20120501/Как-к-политике-должны-относиться-христиане/).

³ Ўша ерда. – 6-7-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wp20120501/Как-к-политике-должны-относиться-христиане/).

ҳамда унга: “Бу шоҳликларнинг устидан бутун ҳокимиятни ва уларнинг ҳашаматини сенга бераман. Зеро бу ҳокимият менга берилган ва мен уни кимга хоҳдасам, шунга бераман”, — деб айтгани учун бунда шубҳамиз йўқ. (Луқо 4:5, 6) Шайтоннинг ёвуз таъсирига қарамай, кўпгина ҳукуматлар ўз фуқароларининг манфаати учун яхшиликлар қилади. Айрим бошқарувчилар одамларга чин дилдан ёрдам беришга интилади. Бироқ ҳеч бир ҳукумат ёки бошқарувчи инсоният энг кўп муҳтож бўлган ўзгаришларни қила олмайди (Заб. 146:3, 4; Ваҳ. 12:12)»¹.

«Гарчанд Муқаддас Китобда Худонинг душмани Шайтон ҳукуматлар устидан бошқараётгани ҳақида айтилса ҳам, бу, ҳокимиятга эга бўлган ҳар бир кишини Шайтон назорат қилаётганини англамайди. (Луқо 4:5, 6) Шундай экан, мансабга эга бўлган муайян бир шахсни Иблис бошқаряпти, деган фикрдан қочишимиз лозим. Зеро, Аллоҳнинг Каломида: «Ҳеч кимни ҳақорат этмасинлар», — деб ёзилган (Титус. 3:1, 2)»².

28. Яҳованинг Шоҳидлари динлараро алоқада иштирок этмайдилар

Яҳова шоҳидлари экуменик ҳаракатда иштирок этишни қўлаб-қувватламайдилар³. Улар бошқа дин вакиллари иштирокида-

¹ Кўрикчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2018. Май. – 23-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/кўрикчи-минораси-тадқиқ-сони-май-2018/душманингизни-биласизми/).

² Кўрикчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2016. Апрель. – 28-29-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/кўрикчи-минораси-тадқиқ-сони-апрель-2016/бўлинган-дунёда-бетараф-бўлинг/).

³ Экуменик ҳаракат (юнон. oikumene коинот, аҳоли яшайдиган дунё) христиан конфессияларини бирлаштириш ҳаракати. Уни Бутунжаҳон черковлар кенгаши (БЧК) ташкиллаштиради. Фаолият бир неча даражаларда амалга оширилади. Биринчиси: барча христиан черковларини бирлаштириш ҳаракати (аксарият христиан конфессиялари томонидан қўлаб-қувватланади). Иккинчиси: халқаро протестант ташкилотларининг фаолияти. Учинчиси: диний бирлашмаларнинг бир мамлакат миқёсидаги фаолияти, масалан, «милий черковлар кенгашлари». Тўртинчиси: диний бирлашмаларнинг минтақа ёки бир қатор мамлакатлар миқёсидаги фаолияти. Шунингдек, «тармоқ» халқаро диний бирлашмалар (масалан, жаҳон талабалар христиан федерацияси) мавжуд. БЧК ушбу халқаро ташкилотлар билан муносабатларни қўлаб-қувватлайди ва ҳамкорлик қилади.

ги конфессиялараро акция ва тадбирларда қатнашмайди. Шунинг учун Яҳованинг Шоҳидлари бошқа дин вакиллари билан бирга динлараро йиғинларда ҳеч қачон кўринмайди.

Яҳованинг Шоҳидлари «имондаги бирлик Худонинг Каломи бўлмиш Муқаддас Китобга тўлиқ асосланган эътиқодлар негизига қурилади деб ҳисоблашади. (Эфесликларга 4:3–6) Ҳақиқий бирликка мурасага келиш ёли билан эмас, балки Худо биздан нимани талаб қилаётганини билиш ва бажариш туфайли эришилади»¹.

Шоҳидларнинг расмий веб-сайтида «Яҳованинг Шоҳидлари бошқа дин ишларига аралашадими?» деган саволга қуйидаги жавоб берилади:

«Яҳованинг Шоҳидлари эътиқод борасида турли дин вакиллари билан бажонидил суҳбатлашади. Лекин бошқа динлар билан ҳамкорлик қилишмайди, яъни эътиқоди фарқ қиладиган инсонларга қўшилиб Худога топинишмайди. Муқаддас Китобга кўра, Худонинг чинакам хизматчилари “ўзаро бириккан” бўлиши керак. Бунинг учун аввало уларнинг эътиқоди уйғун бўлиши даркор. (Эфесликларга 4:16; 1 Коринфликларга 1:10; Филиппиликларга 2:2) Бунга севишдан, меҳр-шафқатли ва кечиримли бўлишдан кўпроқ нарса киради. Диний эътиқоди Муқаддас Китобдаги аниқ билимга асосланади, бусиз имон беҳудадир. (Римликларга 10:2, 3) Эътиқоди бошқа бўлган кишиларга қўшилиб Худога топиниш Муқаддас Китобда битта бўйинтуруққа қўшилиш билан солиштирилган. Бу Худо хизматчиларининг имонига зиён келтиради. (2 Коринфликларга 6:14–17) Шу сабабли, Исо пайғамбар шогирдлари дин билан боғлиқ бўлган ишларга аралашмаслиги кераклигини таъкидлаган (Матто 12:30; Юҳанно 14:6)»².

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2000. 1 декабрь. – 32-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/2000888).

² Яҳованинг Шоҳидлари бошқа дин ишларига аралашадими? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyril/яхованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/бошқа-дин-ишларига-аралашини/).

Шу билан бирга, Яҳова Шоҳидларининг веб-сайтида шундай савол бор: «Яҳованинг Шоҳидлари бошқа динларга нисбатан қандай муносабатда?» Бунга қуйидагича жавоб берилади: «Муқаддас Китобдаги: “Ҳамма одамларни ҳурмат қилинлар”, — деган маслаҳатга риоя қилган ҳолда, уларнинг диний эътиқоди қанақа бўлишидан қатъи назар ҳурмат қиламиз. (1 Бутрус 2:17, Туркия, 1998) Масалан, баъзи мамлакатларда юз минглаб Яҳованинг Шоҳидлари бор. Шундай бўлса ҳам, бошқа дин вакиллариининг фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш мақсадида сиёсатчиларга ёки қонун чиқарувчиларга босим ўтказмаймиз. Ахлоқ ва дин борасидаги нуқтаи назаримизни одамларга сингдириш мақсадида муайян қонун чиқаришлари учун кампаниялар уюштирмаймиз. Аксинча, бошқаларга бағрикенглик ила муносабат қиламиз ва улар ҳам бизга худди шундай қилаётганидан миннатдоримиз (Матто 7:12)»¹.

29. Худонинг хизматчиси дунёдан четда туриши керак

Авваламбор биз бу масала бўйича Муқаддас Китобнинг нуқтаи назарини эслашимиз мумкин.

Бир томондан, Муқаддас Китоб имонлиларни аниқ огоҳлантиради: «Эй, Худога вафо қилмаганлар, дунё билан дўстлик, Аллоҳга душманлик эканини наҳотки билмайсизлар? Ким дунё билан дўстлашишни хоҳласа, у Худога душман бўлади». (Ёқуб 4:4, ЯДТ)

«Дунёга ва ундаги нарсаларга меҳр қўйманлар. Ким дунёни севса, унинг қалбида Отага бўлган севги йўқ. Зеро дунёдаги бор нарса – тана нафси, ҳирсли кўзлар ва ўз мол-мулки билан мақтаниш Отадан эмас, бу дунёдандир. Дунё ҳам, унинг нафси ҳам ўтиб кетади, Худонинг иродасини бажараётган киши эса абадий яшайди». (1 Юҳанно 2:15–17, ЯДТ)

Аммо, бошқа томондан, Муқаддас Китобда қуйидаги сўзлар ҳам бор:

¹ Яҳованинг Шоҳидлари бошқа динларга нисбатан қандай муносабатда? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/бошқа-динларга-бўлган-муносабат/).

«Аллоҳ инсониятни шу қадар қаттиқ севдики, ҳатто улар учун ягона ўғлини берди. Токи унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки мангу ҳаётга эга бўлсин». (Юҳанно 3:16, ЯДТ)

«Ҳар турли инсонларни ҳурмат қилинглар, имондошларингизни севинглар, Аллоҳдан кўрқинглар, шохга ҳурмат кўрсатинглар». (1 Бутрус 2:17, ЯДТ)

Бу ерда ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Илк масиҳийлик тарихига назар ташласак, бу тамойиллар имонлилар томонидан бошиданоқ, ҳали Рим империясида қандай қўлланилганлигини кўрамиз. Илк масиҳийлар одамларга меҳр кўрсатиб, қадимги Рим жамиятининг ахлоқсиз, зўравон ва шафқатсиз феъл-атворидан ўзларини четга олишган. Масиҳийлар томонидан айнан шундай «дунё» рад этилган.

Яҳованинг Шоҳидлари бу борада ҳам илк масиҳийлардан ўрناق олишга интилишади.

«Қандай қилиб “дунёга тегишли” бўлмаслигимиз мумкин? ... Худонинг Шоҳлигига садоқатли бўлиб, бетарафликни сақлаймиз, яъни сиёсатга аралашмаймиз. Дунёнинг руҳига қарши турамиз. Кийиниш ва ташқи кўринишимизда камтаринликни, пулга нисбатан эса мувозанатли нуқтаи назарни акс эттирамиз»¹.

«...Бу дунёнинг руҳига хос бўлган мустақил бўлишга интилиш, худбинлик, ахлоқсизлик ва зўравонликдан қочяпмиз. Номукаммал мойилликларимизга қарши туриб, Яҳовага қулоқ солишни ва чин қалбдан Унга итоат қилишни ўзимизга одат қилиб оляпмиз. Бутун ҳаётимиз давомида, фикримиз ва истаklarимиз Худонинг иродасини бажаришга йўналтирилганлигини кўрсатаяпмиз (Забур 39:9)»².

Имонлиларнинг жамиятдаги ахлоқий меъёрларга нисбатан бундай муносабати уларнинг одамларнинг ўзига бўлган самимий муҳаббатига мувофиқ келади.

¹ Келинг, Худонинг меҳр-муҳаббатида қолайлик. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2019. 60-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/худонинг-меҳр-муҳаббати-2/дунёга-тегишли-бўлманг/).

² Поклоняйтесь единственному истинному Богу. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2006. 12–13-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Поклоняйтесь-единственному-истинному-Богу/Поклоняться-в-единстве-в-наше-время-Что-это-означает/).

«Исога тақлид қилиб, нарсаларни эмас, одамларни севишни ўрганинг. Одамларга бўлган севгиси туфайли Исо бор нарсасини, ҳатто ҳаётини ҳам беришга тайёр бўлган. (Юҳанно 15:13) У шундай деган: “Олишдан кўра беришнинг бахтиёрлиги катта”. (Ҳаворийлар 20:35) Агар биз одамларга вақтимиз ва пулимизни сарфласак, улар бизга худди шундай жавоб қайтаришади. “Бошқаларга бериб турунглар, шунда улар ҳам сизларга беришади”, – деб ўргатган Исо. (Луқо 6:38) Кўпроқ пул топиш ва нарса орттиришга интилаётганлар ўзларини ўғриқ ва азоб-уқубатларга дучор қиладилар. (1 Тимўтийга 6:9, 10) Ҳақиқий қониқиш ҳис қилиш учун эса севиш ва севилиш керак»¹.

«Ҳаммамиз илк инсон Одаматонинг авлодлари бўлганимиз учун бир оила ҳисобланамиз ...Оила аъзоларидан бир-бирини севиб, ҳурмат қилиш кутилади»².

30. Худонинг қонунларига зид келмайдиган барча инсоний қонунларга риоя қилиш керак

«Ҳар бир инсон ҳукмрон ҳоқимиятга бўйсунсин, чунки ҳоқимиятнинг бор бўлишига Худо йўл қўйган, яъни ҳоқимиятларнинг барчаси Аллоҳ ажратиб берган ўринларни эгаллайди. Шунинг учун, ҳоқимиятга қаршилик кўрсатган киши Худо ўрнатган тартибга қарши чиққан бўлади. Қаршилик кўрсатаётганлар эса шунга яраша ҳукмга мубтало бўлади. Бошқараётганлардан яхшилик қилувчилар эмас, ёмонлик қилувчилар кўрқиши керак. Ҳоқимиятдан кўрқмасликни истайсизми? Унда доим яхшилик қилиб юринг, ўшанда таҳсинга сазовор бўласиз. Сабаби, у сизнинг фойдангиз учун тайин этилган Аллоҳнинг хизматчисидир. Аммо ёмонлик қиладиган бўлсангиз кўрқинг, чунки у бекордан-бекорга қилич кўтариб юрмайди. У ёмонлик қилувчиларга жазо берадиган Тангрининг хизматчисидир.

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2010. 1 ноябрь. – 4-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wp20101101/Любители-людей-а-не-деньги-и-вещи/).

² Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2020. Сентябрь. – 12-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-3-2020-сент-окт/яқинимизга-севги-кўрсатиш/).

Хуллас, бўйсунинингиз учун сизларда жиддий асос бор. Фақат жазодан кўрқиб эмас, балки виждонан бўйсунинингиз лозим. Ана шу сабабга кўра сизлар солиқ тўлайсизлар, чунки у халқнинг манфаати учун тайин этилган Аллоҳнинг хизматчисидир; у доимо шу мақсадда хизмат қилади. Хаммага тегишлисини беринглар: солиқ йиғувчига солиқ, бож олувчига бож, кўрқувга лойиқ бўлганга кўрқув, хурматга муносиб бўлганга хурмат». (Римликларга 13:1-7, ЯДТ)

«Шунда Исо уларга: “Унда подшоҳнинг ҳақини подшоҳга, Аллоҳнинг ҳақини Аллоҳга беринглар”, – деб жавоб берди». (Марк 12:17, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари доимий равишда давлат билан зиддиятда ва унинг қонунларига бўйсунинмайди, деган кенг тарқалган фикрдан фарқли ўлароқ, улар «ҳокимиятнинг бор бўлишига Худо йўл қўйганлигига» чуқур ишониларини таъкидлаб ўтаман. (Римликларга 13:1)

«Бутунги кунда Яҳова ҳукуматлар муайян ҳокимиятга эга бўлишига йўл қўйяпти ва биз уларни хурмат қилишимиз керак. Улар бемалол фаолият юритиши ва одамларга керакли хизматларни кўрсатиши учун мамлакатда ва жамиятда тартиб ўрнатади. Масиҳийлар Римликларга 13:1-7 да (ўқинг) айтилган йўл-йўриққа қулоқ солишади. Биз “ҳукмрон ҳокимиятларга” хурмат кўрсатиб, истиқомат қилаётган мамлакатимиз қонунларига итоат этамиз. Ушбу қонунлар оиламиз, ишимиз ва мол-мулкимизга таъсир қилади. Масалан, солиқларни тўлаймиз ва ҳукумат талаб қилган ҳужжатларни тўғри тўлдираамиз. ... Судья ёки милиция каби давлат ходимлари билан гаплашганимизда доимо хурмат ила муносабатда бўлишимиз керак. Ёш масиҳийлар ўқитувчиларига ва мактабдаги бошқа ишчиларга хурмат кўрсатишади. Иш жойимизда эса, бошқа ишчилар бундай қилмаса-да, иш берувчига хурмат ила муомала қиламиз. Шундай йўл тутиб, қийин дамаларда ҳам амалдорларга хурмат ила муносабатда бўлган ҳаворий Павлусга тақлид қиламиз. (Ҳаворийлар 26:2, 25) Ҳатто бошқалар бизга яхши муносабатда бўлмаса ҳам, биз уларга хурмат кўрсатамиз (Римликларга 12:17, 18 ни ўқинг; 1 Бутрус 3:15)»¹.

¹ Келинг, Худонинг меҳр-муҳаббатида қолайлик. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania., 2019. – 54-55-саҳ. Эл. манбага к. (www.jw.org/uz-cyrl/китубхона/китоблар/худонинг-меҳр-муҳаббати-2/нега-ҳокимиятга-хурмат-кўрсатиш-керак/).

Шу билан бирга, диндорлар сиёсий масалаларда бетарафликни сақлаш муҳимлигини эсда тутишади.

«Бироқ ҳукуматга бўйсунуш нисбий бўлиши керак. Инсоний қонунлар, илоҳий қонунларга зид келганда, Яҳованинг хизматчилари Худонинг қонунларига бўйсунушлари лозим. Илк масиҳчилар тўғрисида бир тарих китобида нима дейилганига эътибор беринг: “Масиҳчилар Рим фуқароларининг вазифаларидан айримларини бажаришдан воз кечишган. Масиҳчилар... ҳарбий хизматга боришни, эътиқодга хиёнат қилиш деб ҳисоблашарди. Улар сиёсий мавқеларни эгаллашмаган. Улар императорга топинишмаган” (“On the Road to Civilization – A World History”). Яҳудийларнинг олий маҳкамаси, шогирдларга ваъзгўйлик қилишни “қаттиқ тақиқ қилганида”, улар жавобан: “Одамлардан кўра Худога кўпроқ итоат қилиш керак”, — деб айтишган (Ҳаворийлар 5:27-29). Исонинг издошлари сиёсий ҳамда ҳарбий низоларда бутунлай бетараф бўлишган. Милодий 66 йилда яҳудийлар қайсарга қарши ғалаён кўтаришгани оқибатида Рим кўшини Қуддус шаҳрини қуршаб олган. Хўш ўша чоғда шаҳарда бўлган масиҳчилар нима қилишган? Улар Қуддусни тарк этиш ҳақидаги Исонинг сўзларини эсда тутишган. Римликлар вақтинча орқага қайтишганда, масиҳчилар Йордан ўлкасидаги Пелла деган тоғлик бир шаҳарга қочиб кетишган. (Луқо 21:20–24) Уларнинг бетарафлиги ҳозиргача барча масиҳчиларга яхши ўрнак бўлиб келмоқда»¹.

«Яҳованинг халқи ушбу маросимлар Муқаддас Китобга асосланмагани учун уларда қатнашишмаса-да, иштирок этадиганларнинг қарорини ҳурмат қилишади. Шунингдек, улар давлат рамзи бўлмиш байроқни ҳурмат қилиб, мавжуд ҳукуматни “ҳукмрон ҳокимият” ва “Худонинг хизматкори” сифатида тан олишади. (Римликларга 13:1–4) Бинобарин, Яҳованинг Шоҳидлари “подшоҳлар ва ҳукмдорлар

¹ Поклоняйтесь единственному истинному Богу. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania., 2006. – 162-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Поклоняйтесь-единственному-истинному-Богу/Они-не-от-мира/).

учун” дуолар ўқишга даъват этилишади. Бизнинг ниятимиз “Худо йўлида обрў-эътиборли, осойишта, сокин ҳаёт кечиришдан” иборат. (1 Тимўтийга 2:1, 2) ...Масиҳчилар бошқаларнинг овоз бериш ҳуқуқини ҳурмат қилишади. Ҳа, улар ҳеч қачон сайловга қарши чиқишмайди, балки сайланган раҳбарларга бўйсунушади. Аммо шу билан биргаликда давлатнинг сиёсий ишларида бетарафликни сақлашади (Матто 22:21; 1 Бутрус 3:16)»¹.

Диндорларнинг бундай нуқтаи назари уларни бошқа диний гуруҳлардан кескин ажратиб туради. Бутун дунёда норозилик кайфияти қор уюмидек ортиб бораётган бўлса-да ва ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам митинглар ва юришларни кўриш мумкин бўлса-да, Яҳова шоҳидлари ҳокимиятга итоаткор ва бета-раф бўлиб қолмоқда.

Улар ҳатто 2013 йилда «Уйғонинг!» журнаlining «Норозилик намоийшлари: муаммоларни ҳал қилиш йўлими?» деб номланган сонони чиқаришган. У ерда Яҳованинг Шоҳидлари Худонинг Шоҳлиги инсониятнинг тинч ҳаётга бўлган ягона умиди эканлигига ишонишлари сабабли, Шоҳидлар норозилик намоийшларида қатнашмайдилар, дея хулоса қилинган.

Сўнги икки йилдаги коронавирус пандемияси дунёвий ҳокимиятларга бўйсунуш масаласида Яҳова Шоҳидларининг позициясини амалда кўрсатди. Улар диний биноларни ёпдилар ва барча йиғилишларни онлайн шаклга ўтказдилар. Ҳатто дунё бўйлаб йиллик анжуманлар ҳам бекор қилинди. Яҳованинг Шоҳидлари ўз тарихларида биринчи марта жамоат жойларида ва уйма-уй юриб ваъз қилишни тўхтатдилар. Улар эмлашга қарши эмасликлари ва ундан қочмасликлари ҳақида тўғридан-тўғри гапирдилар. Қайтага улар Байтилнинг барча ходимларига, туман нозирларига ва ташкилотнинг бошқа ходимларига вакцинани имкон қадар тезроқ олишларига ёрдам беришга ҳаракат қилишди.

¹ Ўзингизни Худонинг меҳр-муҳаббати соясида сақланглар. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2014. – 213-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyr1/кутубхона/китоблар/худонинг-меҳр-муҳаббати/байроқни-шарафлаш-сайловда-овоз-бериш-муқо-бла-хизмат/).

Ҳукуматлар талабларига бўйсунуш ҳақида эса ўз веб-сайтларида улар шундай ёзган: «Бундан ташқари биз оммавий йиғинлар бора-сидаги ҳукуматнинг талаб ва тавфсияларига амал қилишга ундаймиз (Римликларга 13:1, 2)»¹.

Кўриб турганингиздек, Шоҳидларнинг позицияси фақат диний илдишларга эга ва сиёсатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу эътиқод сиёсий тартиб ёки жамият саломатлигига таҳдид солмайди. Бу шунчаки ҳар қандай демократик давлатдаги фуқаронинг конституциявий ҳуқуқига асосланган эътиқод масаласидир.

31. Худонинг хизматчиси ишчи сифатида ҳалоллик ва меҳнатсеварлик билан ажралиб туриши керак

Мен бу ва кейинги мавзунини атайлаб қўшиб қўйдим, чунки сўнгги йилларда Яҳованинг Шоҳидлари Муқаддас Китоб тамойилларини амалда қўллашга ургу беришаётганини кўряпман. Албатта, бу мавзу аввал ҳам долзарб ва муҳим бўлган. Аммо сўнгги вақтларда улар буни янада кўпроқ таъкидлай бошлашди. Мисол учун, «Воизлик мактаби» бекор қилингандан сўнг, ҳафтанинг иш кунларида бўлиб ўтадиган янги учрашув «Ҳаёт тарзимиз ва хизматимиз» деб номлана бошлади.

Шундай қилиб, Яҳованинг Шоҳидлари доимо ҳалол ва меҳнаткаш ишчилар сифатида ном қозонган. Иш берувчилар атайлаб Шоҳидлар орасидан ишчи излаган ҳолатлар кам эмас. Шунини тушуниш керакки, бу конфессиядаги диндор учун одоб–ахлоқ ва меҳнатсеварлик нафақат инсоннинг ижобий томонлари, балки бу уларнинг Худога топиниши учун зарурий шартлардир. Акс ҳолда, уларнинг топиниши Аллоҳга мақбул бўлмайди.

Мана, ушбу мавзу бўйича Яҳованинг Шоҳидлари фойдаланган бир нечта Муқаддас Китоб оятлари:

«Ўз ишига маҳоратли одамни кўрганмисан? У оддий инсонлар эмас, шоҳлар ҳузурида туради». (Ҳикматлар 22:29, ЯДТ)

¹ Яҳованинг Шоҳидлари вакцина қабул қилишга қаршими? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яҳованинг-шоҳидлари/кўпчилик-ни-қизиқтирадиган-саволлар/jw-вакцина-қабул-қилиш/).

«Ўғрилиқ қилган бошқа ўғрилиқ қилмасин. Ундан кўра муҳтожларга бирор нарса бера олиши учун астойдил ишлаб, ўз қўллари билан меҳнат қилсин». (Эфесликларга 4:28, ЯДТ)

«Ҳар ким еб-ичиб, ўз меҳнатининг роҳатини кўриши керак экан. Бу – Худонинг инъомидир». (Воиз 3:13, ЯДТ)

«Яқовнинг ёли тиканакли тўсиққа ўхшайди, тўғрининг сўқмоғи эса равондир». (Ҳикматлар 15:19, ЯДТ)

Муқаддас Китоб Худонинг хизматчиларини дангасалиқ қилмасликка ва фидойи меҳнатчи бўлишга ундайди. Яҳова Шохидларининг нашрларида бу ҳақда қуйидагича ёзилган:

«Ҳалол фуқаро сифатида масиҳий виждонини пок сақлайди. У ҳукмрон ҳокимият органларига бўйсунуш ва белгиланган соликларни тўлаш билан нафақат ўзи яшайётган жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя қилаётганини, балки Худонинг талабларини ҳам бажарайётганини тушунади»¹.

«...Яҳова билан Исо жон куйдириб меҳнат қилишяпти ҳамда ўз меҳнатларидан хурсандчилик ва мамнуният топишяпти. Биз “Аллоҳга тақдид қилишни» ва “[Исонинг] изидан оғмай юришни” истаймиз. (Эфесликларга 5:1; 1 Бутрус 2:21) Шунинг учун тер тўкиб меҳнат қилишга ва нимаики қилсак ҳам бажонидил бажаришга интиламиз...

Меҳнаткаш ва ҳалол бўлинг. Шундай йўл тутишга интилсангиз, ишингиздан хурсандчилик топиш осон бўлади. (Ҳикматлар 12:24; 22:29) Боз устига иш берувчи сизга кўпроқ ишонади. Иш берувчилар ҳалол ишчиларни қадрлайди. Чунки бундай ишчилар пул, нарса ҳамда вақтни ўғирламайди. (Эфесликларга 4:28) Энг муҳими эса, Яҳова меҳнаткаш ва ҳалол эканингизни кўриб турибди. Пок виждонга эга бўлганингиздан ҳамда Худонинг кўнглини хушнуд қилаётганингиздан беқиёс мамнуният топасиз (Ибронийларга 13:18; Колосалиқларга 3:22–24)»².

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2000. 1 август. – 5-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/2000561#h=10).

² Келинг, Худонинг меҳр-муҳаббатида қолайлик. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania., 2019. – 202, 204-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/худонинг-меҳр-муҳаббати-2/меҳнатингиздан-роҳат-топинг/).

«...масиҳийлар, худди Яҳованинг ўзи уларнинг иш сифатини назорат қилаётгандек меҳнат қилишлари керак: “Нимаики қилсангизлар, уни одамлар учун эмас, балки Яҳова учун қилгандек, бажонидил адо этинглар” (Колосаликларга 3:23). Шунинг учун Худонинг хизматчилари виждонан меҳнат қиладилар... Бинобарин, биз ўзимизга шундай савол беришимиз мумкин: “Мен қанчалик астойдил ва сифатли меҳнат қилаяпман? Худога менинг ишим ёққан бўлармиди? Мен ўз ишимдан тўлиқ қониқиш ҳис қилаяпманми?” Агар инкор жавоб бўлса, демак ўз устимиздан ишлашимиз керак (Ҳикматлар 10:4; 22:29)»¹.

**32. Худонинг хизматчиси шахс сифатида
 меҳрибонлик, жасорат ва мардлик, мулойимлик ва
 камтарлик билан ажралиб туриши керак**

«Эй инсон, У сенга нима яхши эканини айтган. Хўш, Яҳова сендан нимани талаб қиляпти? Адолатли иш тутиб, садоқатни сев, камтарлик ила Худога ҳамроҳ бўл!» (Михо 6:8, ЯДТ)

«Хуллас, Худо томонидан танланган муқаддас ва суюкли кишилар сифатида сизлар меҳр-шафқат, меҳрибонлик, камтарлик, мулойимлик ва сабр-тоқат каби ёқимли фазилатларга бурканинглар». (Колосаликларга 3:12, ЯДТ)

«Меҳрибон одамнинг жони ором топади. Қаҳри қаттиқ эса ўз бошига бало келтиради». (Ҳикматлар 11:17, ЯДТ)

«Жасоратли ва маҳкам бўлиб, ишга кириш. Ҳечам қўрқма, ваҳимага тушма. Зеро, Тангри Яҳова, менинг Худойим сен биландир! Яҳованинг уйидаги барча ишлар охирига етмагунича, У сени ташлаб кетмайди, асло тарк этмайди, У сен билан бўлади». (1 Солномалар 28:20, ЯДТ)

«Ёвуз уни ҳеч ким қувмаса ҳам қочади. Одил эса шер каби дов-юрақдир». (Ҳикматлар 28:1, ЯДТ)

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2005. 15 июнь. – 6–7-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/2005441).

«Меҳрибонлик – бошқаларга фаол қизиқиш кўрсатиш натижасида намоён бўладиган фазилатдир. У фойдали ҳаракатлар ва хушмуомала сўзлар билан ифодаланади. Меҳрибон бўлиш зарар келтириш эмас, яхшилик қилиш демакдир. Меҳрибон одам хайрихоҳ, хушмуомала, ҳамдардлик ва раҳм-шафқатга тўла. У бошқаларга сазойлик ва илтифот билан муносабатда бўлади. Меҳрибонлик, шунингдек, ҳар бир содиқ масиҳийнинг рамзий кийимининг ажралмас қисмидир»¹.

«Юсуф, Раҳоба, Исо ва ҳаворийлар тўғри йўл тутишга қатъий қарор қилишган. Улар ўзининг қобилиятларига ишонгани учун эмас, балки Яҳовага таянгани учун жасоратни намоён эта олишган. Биз ҳам жасоратни талаб этадиган вазиятларга дуч келамиз. Шундай пайтларда ўзимизга ишонмасдан, Яҳовага таянишимиз зарур. (2 Тимўтийга 1:7 ни ўқинг.) Келинг, ҳаётимизнинг иккита соҳасида, яъни оиламизда ва жамоатда нима учун жасоратни намоён этиш муҳим эканини кўриб чиқайлик. Яҳова Сулаймонни қўллаб-қувватлагани сингари, ҳам оиладаги, ҳам жамоатдаги вазифаларимизни бажаришга кўмаклашади. (Ишаё 41:10, 13) Яҳовага топинишда жасоратли бўлсак, У бизга ҳозир ва келажакда баракалар беришига амин бўлишимиз мумкин. Бинобарин, дадил ва ботир бўлинг ва ишга бел боғланг»².

«Ўзбек тилининг изоҳли луғатига биноан “жасорат” бу “мардлик, қўрқмаслик, шижоат” экан. Бироқ жасоратли бўлиш, қўполлик билан муомала қилишни англамайди (Колос. 4:6). Зеро биз, барча билан тинч-тотувликда яшашни хоҳлаймиз (Рим. 12:18)»³.

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 1991. 15 июль. – 12-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1991523).

² Қўриқчи минораси. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2017. 15 сентябрь. – 29, 32-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутуб-хона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадиқ-сон-сентябрь-2017/дадил-ва-ботир-бўлишни-бошла/).

³ Сторожевая башня. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2010. 15 Февраль. – 6-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/w20100215/Говорите-слово-Бога-со-смелостью/).

«Яҳованинг йўлидан юриш учун жасоратли бўлишимиз керак. Муқаддас Китобда Худонинг халқига ҳатто бу фазилатни намоён этиш буюрилган. Масалан, сано бастакори Довуд шундай ёзган: “Эй, Яҳовани кутаётган барчангиз, жасоратли ва довюрак бўлинг!” (Забур 31:24, ЯДТ). Мардлик – бу “руҳий матонат, жасорат; хавф-хатарда, кулфатда ва ҳоказоларда руҳан собитлилик; шижоат, довюраклик” (“Тўрт жиддли рус тили луғати”). Жасоратли одам қатъиятли ва дидил бўлади. Яҳова ўз хизматчиларига жасорат бераётгани ҳаворий Павлауснинг ҳамкори Тимўтийга айтган сўзларидан келиб чиқади: “Ахир Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қувват, муҳаббат ва ақли расолик руҳини берган” (2 Тимўтийга 1:7)»¹.

«ЯҲОВА камтарин кишиларни севади. Фақатгина чинакам камтарин инсонлар У билан илиқ ва яқин муносабатларга эга бўлиши мумкин. “Мағрур кишини эса [Худо] яқинига ҳам йўлатмайди”. (Заб. 138:6) Барчамиз Яҳовани мамнун этишни ва Унинг севгисини ҳис этишни истар эканмиз, камтарин бўлишга ўрганиш учун асосли сабабларимиз бор... Камтарлик — ўй-фикрда ўзини паст тутиш ва мағрурлигу такаббурликдан ҳоли бўлиш. Муқаддас Китобга кўра, камтар киши Тангри Яҳова ундан анча юксак эканини ва бошқаларнинг ҳам ўз аҳамияти борлигини тушунади. Қолаверса, бундай инсон бошқалар ундан қайсидир жиҳати билан устувор эканини тан олади»².

33. Ҳайт ва қон муқаддасдир

Яҳова Шоҳидларининг фикрича, қон Худонинг назарида муқаддасдир.

«Зеро, тирик мавжудотнинг жони – қондадир». (Левилар 17:11, ЯДТ)

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 1993. 15 ноябрь. – 12-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1993844).

² Қўриқчи минораси. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2019. Сентябрь. – 2-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сон-2019-сентябрь/яхова-камтар-хизматчиларини-қадрлайди/).

«Муқаддас руҳ ёрдами билан биз қуйида келтирилган зарур нарсалардан ортигини бўйнингизга юкламасликка қарор қилдик: бутларга бағишланган нарсалардан, қондан, ҳаром ўлган ҳайвон гўштидан ва зинодан ўзингизни сақланглар. Бу нарсалардан ўзингизни астойдил сақласангиз, эсон-омон бўласизлар. Саломат бўлинглар!» (Ҳаворийлар 15:28, 29, ЯДТ)

«Муқаддас Китобга кўра қон ҳаётнинг рамзи. Худонинг қонга бўлган нуқтаи назари асло ўзгармайди. Унинг бундай нуқтаи назари Нуҳнинг даврида ҳам, Худо исроилликларга берган Тавротда ва масиҳийлар пайтида ҳам шундай эди»¹.

Аммо бугунги кунда Яҳованинг Шоҳидлари тиббий мақсадларда қондан фойдаланишни рад этиш нуқтаи назари билан кўпроқ танилган. Вақти-вақти билан оммавий ахборот воситаларида беморнинг қон қуйишдан бош тортгани ҳақида навбатдаги хабар пайдо бўлади. Диндорларнинг бундай нуқтаи назари нимага асосланади?

Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайтида шундай жавоб берилган: «Бу авваламбор диний эътиқодимиз билан боғлиқ. Ҳам Эски, ҳам Янги аҳдада ўзимизни қондан сақлашимиз лозимлиги аниқ айтилган. (Ибтидо 9:4; Левилар 17:10; Қонунлар 12:23; Ҳаворийлар 15:28, 29) Бундан ташқари, Аллоҳнинг назарида қон ҳаётни билдиради. (Левилар 17:14) Шундай экан, нафақат Аллоҳга итоатли бўлганимиз учун, балки Уни ҳаётни ато этган Шахс сифатида ҳурмат қилганимиз учун қондан сақланамиз»².

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, бундай масалаларда диндор мустақил равишда қарор қабул қилиши керак. Бу уларнинг нашрларида ҳам ёзилган:

¹ Келинг, Худонинг меҳр-муҳаббатида қолайлик. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania., 2019. – 99-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/худонинг-меҳр-муҳаббати-2/қон-ва-ҳаётни-қадрланг/).

² Нима учун Яҳованинг Шоҳидлари қон қуйишга қарши? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қиқтирадиган-саволлар/нима-учун-яхованинг-шоҳидлари-қон-қуйишга-қарши/).

«Яҳова бизни робот қилиб яратмаган. У бизга ирода эркинлигини ва ҳаётни қанчалик қадрлашимизни кўрсата олишимиз учун қарорлар чиқариш қобилиятини берган. ...Шундай вазият юзага келиши мумкинки, қон билан боғлиқ тиббий муолажалар, жумладан, қоннинг таркибий қисмларидан олинадиган майда моддаларни қўллаш-қўлламаслик борасида қарор чиқаришимизга тўғри келади. Бошқалар биз учун бу қарорларни чиқармаслиги керак. Бундай вазиятга дуч келмасдан олдин, Яҳовадан йўл-йўриқ сўраб ибодат қилишимиз, кейин эса изланиш олиб боришимиз керак»¹.

Яҳованинг Шоҳидларининг ўзлари ҳар доим энг яхши даволанишга интилишларини таъкидлайдилар ва қон қўйишдан бош тортиш даволанишдан бутунлай воз кечишни англамайди. Бу атиги беморнинг даволаниш усулини танлашга бўлган қонуний ҳуқуқини амалга оширишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, улар ҳақ. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун 1996 йил ноябрь ойида Страсбургда Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари ва биотиббӣёт тўғрисидаги конвенция» нинг 5 ва 6-моддаларини кўриб чиқиш кифоя:

«Тиббий аралашув тегишли шахс бунга ўзининг хабардор қилинган розилигини бергандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Бу шахс аралашувнинг мақсади ва хусусияти, шунингдек, унинг оқибатлари ва ҳавфи ҳақида олдиндан тегишли маълумот олади. Бу шахс истаган вақтда бемалол ўз розилигини қайтариб олиши мумкин... Вояга етмаган, қонуний равишда ўз розилигини бера олмайдиган шахсга нисбатан тиббий аралашувни ўтказиш фақатгина унинг вакили, ҳукмрон идора ёки қонунда белгиланган шахслар ва муассасаларнинг руҳсати билан амалга оширилиши мумкин».

¹ Келинг, Худонинг меҳр-муҳаббатига қолайлик. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania., 2019. – 100 – 101-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/худонинг-меҳр-муҳаббати-2/қон-ва-ҳаётни-қадрланг/).

Агар беморга танлов таклиф этилса, бу танлов ҳам шифокор, ҳам жамият томонидан тан олиниши ва ҳурмат қилиниши керак деган хулосага келиш мантиқан тўғри бўлади. Охир-оқибат, танловнинг оқибатларини бошқа кимса эмас, балки беморнинг ўзи тортади.

Яҳова Шоҳидларининг нуқтаи назарига келсак, мени назаримда, бир нечта муҳим фикрларни таъкидлаб ўтиш лозим:

1. Яҳованинг Шоҳидлари ҳаётни Худонинг инъоми деб билишади. Айнан шунинг учун улар ҳатто онанинг ҳаётига таҳдид бўлса ҳам ёки касал бола туғилиш эҳтимоли бўлса ҳам, аборт қилишдан бош тортишади. Улар ўз жонига қасд қилишга ва ҳаётга хавф соладиган турмуш тарзига қарши.

2. Яҳованинг Шоҳидлари ҳаётни Аллоҳни инъоми деб ҳисоблайдилар. Айнан шу учун абортни рад этишади. Улар ўз жонига қасд қилиш ва соғлиқ учун хавfli турмуш тарзини кечиришга қарши.

3. Яҳованинг Шоҳидлари шифокорлар билан фаол ҳамкорлик қилиб, бунинг учун кўп вақт ва маблағ сарфлайдилар. Уларда «Касалхоналар билан алоқа қилиш қўмиталари» фаолият кўрсади, уларнинг мақсади — шифокорлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, уларга қонсиз даволаш усуллари, шу жумладан мавзу бўйича турли хил илмий мақолалар ҳақида маълумот бериш ҳамда беморларга қонсиз даволаниш усуллари бўйича мутахассис маслаҳатини олишда ёрдам беришдан иборат. Фақатгина уларнинг расмий веб-сайтида кўплаб илмий мақолалар, видеолар ва бошқа нарсаларни ўз ичига олган бутун бўлим ушбу масалаларга бағишланган¹.

4. У ёки бу даволаш усулини танлашда қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилишни сўраган Яҳованинг Шоҳидлари бўлмиш беморларнинг фаол позицияси халқаро ҳуқуқ нормалари ва тиббий этикага тўлиқ мос келади.

Албатта, маскур эътиқод жамиятда жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлади, лекин уни алсо мутаассиб деб бўлмайди. Аксин-

¹ Информация для врачей. Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/медицинская-библиотека/).

ча, биз имон, тиббий этика ва беморнинг шахсий танлаш ҳуқуқи ҳақида гапиряпмиз.

34. Имондаги одам Муқаддас Китобнинг ахлоқий меъёрларига риоя қилиши керак

Диндорлар Муқаддас Китобда масиҳий амал қилиши керак бўлган ахлоқий меъёрлар аниқ ва равшан белгилаб қўйилганига аминлар. Хусусан, унда шундай дейилган:

«Тана ишлари аниқ-равшандир: зино, ифлослик, ахлоқсиз ҳуқ, бутпарастлик, сеҳр-жоду, адоват, жанжалкашлик, рашк-ҳасад, дарғазаб бўлиш, талаш-тортиш, бўлинишлар, мазҳаблар яратиш, ҳасад, ичкиликбозлик, айш-ишрат ва шуларга ўхшаган ишлар. Илгари огоҳлантирганимдай, яна огоҳлантиряпман: бундай ишларни қилувчилар Худонинг Шоҳидини мерос қилиб олишмайди». (Галатияликларга 5:19–21, ЯДТ)

«Шаробга ружу қўйганларга, гўшти бўкиб ейдиганларга қўшилма. Ичкиликбоз ва очофат қашшоқликка учрайди. Уйқучилик жулдур кийим кийдиради». (Ҳикиматлар 23:20, 21, ЯДТ)

«Айш-ишрат, ичкиликбозлик, ножоиз жинсий алоқа, ахлоқсиз ҳуқ, жанжалкашлик ва рашк-ҳасадга берилмай, кундузи каби одоб билан кун кечирайлик». (Римликларга 13:13, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари учун ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ўта муҳим. Айтиш мумкинки, уларнинг позицияси қуйидагича: Яҳованинг Шоҳиди гуноҳ қилиб қўйиши мумкин, лекин гуноҳда яшаётган ва ўзгаришни истамаган киши Яҳованинг Шоҳиди бўлиб қололмайди.

Шундай экан, агар сувга чўмган Яҳованинг Шоҳиди жиддий гуноҳ қилса, у оқсоқоллардан ёрдам сўраб, гуноҳида икром бўлиши керак. Бу Аллоҳ оғир гуноҳни кечириши учун зарурий шартдир. Мабодо у тавба қилмаса, жамоатдан четлатилади. Борди-ю гуноҳкор чин дилдан тавба қилса, у четлатилмайди, балки унга манавий ёрдам кўрсатилади (учрашувлар, суҳбатлар, биргаликда ибодатлар ва

Муқаддас Китоб оятлари устида мулоҳаза). Бу кўпчилик христиан динлари учун ҳам одатий амалиётдир.

Мана улар ўз нашрларида бу ҳақда нима дейишади:

«Жиддий гуноҳга қўл урган бўлсак, Яҳова чўпон сифатида тайинлаган биродарларга мурожаат қилишимиз зарур. (Ёқб. 5:14, 15) Шунингдек, ўзимизни оқлашдан қочишимиз лозим. Биз берилган ҳар қандай тарбияни қанча тез қабул қилсак, тинчлик ва қувончга шунча тез эришамиз»¹.

«Нега гуноҳимизга иқроп бўлишимиз зарур? Гуноҳлар, жиддийми ёки йўқми, Худо ва одамлар билан бўлган муносабатларимизга салбий таъсир қилади. Улар бизга оғир юк бўлиб, қалбимиздаги тинчликдан маҳрум қилиши мумкин. Худо бизга берган виждон шундай ишлайди. (Римликларга 2:14, 15) Бундай ҳолатда нима қилиш мумкин? Келинг, Исонинг шогирди Ёқубнинг мактубига диққат қаратайлик. Бу ерда биз тасалли берувчи кафолатни топамиз: “Орангизда кимдир касалми? Унда жамоат оқсоқолларини чақирсин. Улар эса Яҳованинг номидан бошига мой суртиб, у учун ибодат қилишсин. Имон билан қилинган ибодат касалга шифо беради ва Яҳова уни оёққа турғизади. Агарда гуноҳ қилган бўлса, гуноҳи кечирилади”. (Ёқуб 5:14, 15) Бу оятлардан кўриниб турибдики, оқсоқоллар жамоат эҳтиёжлари ҳақида гамхўрлик қилиш учун тайинланган»².

«Оғир гуноҳ Яҳованинг Қонунини жиддий тарзда бузиш дегани. Масиҳий оғир гуноҳга қўл урса, Яҳовага ибодат қилиши ва жамоат оқсоқолларига мурожаат қилиши даркор. (Заб. 32:5; Ёқб. 5:14) Оқсоқоллар қандай масъулиятга эга? Фақатгина Яҳовада гуноҳларни бутунлай кечириш ваколоти бор. У гуноҳларимизни

¹ Кўриқчи минораси. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2020. Февраль. – 25-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-syrl/kutubxona/jurnalalar/kurikchi-minorasi-tadqiq-soni-2020-fevral/yahova-kunglingizini-kutari-shiga-iyul-kuying/).

² Сторожевая башня. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2010. 1 сентябрь. – 24-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/biblioteka/jurnaly/wp20100901/Trebuet-li-Bog-ispovedovatsya-v-grexax/).

тўлов қурбонлиги асосида кечиради. Лекин Яҳова гуноҳ қилган инсон жамоатда қолиш-қолмаслигини Муқаддас Китоб асосида ҳал қилиш масъулиятини оқсоқолларга ишониб топширган. (1 Кор. 5:12) Оқсоқоллар буни амалга ошираётиб, қуйидаги саволларга жавоб топиши лозим: «Инсон атайин гуноҳ қилганми? У гуноҳини бошқалардан яширишга интиланми? Муайян вақт давомида оғир гуноҳга қайта қўл урганми? Энг асосийси, чин дилдан тавба қилаётгани яққол кўриняптими? Яҳова уни кечирганининг яққол исботи борми?» (Ҳавор. 3:19) Оқсоқоллар гуноҳ қилган инсон билан учрашганда уларнинг мақсади осмонда чиқарилган қарорни ерда ҳам чиқариш. (Мат. 18:18) Бундай тартиб жамоатга қандай фойда келтиради? Бу бизни тавба қилмаган инсон жамоатда қолиб, Яҳованинг бошқа қадрли хизматчиларига зиён келтирмаслигига ишонттиради. (1 Кор. 5:6, 7, 11–13; Титус. 3:10, 11) Шунингдек, бу гуноҳ қилган инсон тавба қилишига ва Яҳова уни кечиришига ёрдам беради. (Луқо 5:32) Оқсоқоллар тавба қилган киши учун ибодат қилиб, маънан тикланишига Яҳовадан ёрдам сўрашади. (Ёқб. 5:15) Айтайлик, оқсоқоллар учрашган киши тавба қилмаяпти. Бундай ҳолда у жамоатдан четлатилади. Ўша киши яшаётган мамлакатдаги қонунни бузса, оқсоқоллар қилмишининг оқибатларидан уни ҳимоя қилмайди. Яҳова киши ким бўлишидан қатъи назар, тавба қиладими ёки йўқми, ҳукмрон ҳокимиятларга уни ҳукм қилишга ва жазолашга йўл қўяди. (Рим. 13:4) Бундай инсон қилган ишидан кейинчалик пушаймон бўлиб, чин дилдан тавба қилса ва ўзгарса Яҳова уни бажонидил кечиради. (Луқо 15:17–24) Ҳатто унинг гуноҳи жиддий бўлса ҳам, бу жараён ўзгармайди (2 Сол. 33:9, 12, 13; 1 Тим. 1:15)»¹.

¹ Кўриқчи минораси. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2022. Июнь. – 9-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/кўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-июнь-2022/Кечиримли-инсонларга-Яҳова-ба-рака-беради/).

Мен қуйидагиларни алоҳида таъкидламоқчиман: «Яҳованинг Шоҳидлари Муқаддас Китобдаги ахлоқий меъёрларга амал қилишади, лекин шу билан бирга ўз қарашларини бошқаларга ўтказмай-дилар. Улар, шунингдек, турмуш тарзи уларнинг ахлоқ нормаларидан фарқ қиладиган кишиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунларни бекор қилишга интилмайдилар»¹.

35. Шаббат кунига риоя қилиш талаби фақат яхудийларга тегишли бўлган ва Мусонинг Қонуни билан бирга бекор қилинган

Бу Яҳованинг Шоҳидларини протестант конфессияларидан, масалан, Еттинчи кун адвентистларидан ажратиб турадиган асосий тамойиллардан биридир.

«Масих Қонунни бажарганини ҳисобга олсак, масихийлар Шаббат кунига риоя қилишлари керакми? Ҳаворий Бутрус Худонинг илҳоми остида шундай деган: “Шундай экан, еб-ичиш, бирор байрамни нишонлаш, янги ой чиқишини ёки Шаббат кунини қутлаш борасида сизларни ҳеч ким ҳукм этмасин. Чунки буларнинг барчаси келажакнинг сояси, асли эса Масихдадир”. (Колосаликларга 2:16, 17) Бу сўзлардан келиб чиқадики, Худонинг талаблари сезиларли даражада ўзгарган. Масихийлар энди янги қонун, яъни “Масихнинг қонуни” остидадилар. (Галатияликларга 6:2) Мусо орқали Исроилга берилган аввалги Қонун Масих вафот этганида тугади. (Римликларга 10:4; Эфесликларга 2:15) Бу Шаббат амрига таалуқлими? Ҳа, ахир: “Таврот қонундан озод бўлдик” деб Павлус Ўнта Амрдан бирига ишора қилган. (Римликларга 7:6, 7) Бинобарин, Қонуннинг бир қисми бўлган Ўнта Амр, шу жумладан Шаббат тўғрисидаги қонун ҳам бекор қилинган. Шунинг учун Худонинг хизматчиларидан энди Шаббат кунига риоя қилиш талаб этилмайдиган»².

¹ Пробудитесь! – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2016. № 4. – 9-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/пробудитесь-выпуск-4-2016-август/что-библия-говорит-о-гомосексуализме/).

² Сторжевая башня. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2010. 1 Февраль. – 14-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wr20100201/Нужно-ли-соблюдать-субботу/).

36. Пул тўланадиган руҳонийлар табақаси ва махсус унвонлари Муқаддас Ёзувларга мос келмайди

Бу ерда ҳам Яҳова Шоҳидларининг нуқтаи назари Муқаддас Китоб билан тафовут қилмайди.

Хусусан, улар Матто Хушхабарига ишора қиладилар, унда тўғридан-тўғри шундай дейилган: «... Бироқ сизлар “устоз”, деб аталишга кўнманг, чунки биргина Устозингиз бор. Сизлар эса барчангиз биродарсизлар. Қолаверса, ер юзида ҳеч кимни “ота”, деб атаманглар, чунки биргина Отангиз бор. У – самовий Отангиз. Ўзингизни “йўлбошчи” деб ҳам атаманглар, зеро биргина Йўлбошчингиз бор. У ҳам бўлса Масихдир. Шундай экан, орангизда ким буюк бўлса, у сизларга хизматкор бўлсин. Ким ўзини юқори тутса – пасайтирилади, кимки ўзини паст олиб юрса – юксалтирилади». (Матто 23:8–12, ЯДТ)

Дарҳақиқат, Масих ва унинг ҳаворийлари бир-бирига нисбатан қандайдир унвонлардан, махсус маросимлардан фойдаланганини ва уларга эргашган одамлардан ажралиб турганини тасаввур қилиш қийин.

2009 йилнинг «Уйғонинг!» журналининг «Муқаддас Китоб нуқтаи назари» рукнида имондилар нима учун руҳонийлар ва оддий диндорларга бўлиниш мумкин эмаслигининг 6 та сабаби келтирилган эди:

«1. Руҳонийлар синфининг ажралиб туриши шуни назарда тутадики, ҳамма ҳам Худонинг хизматчиси бўла олмайди, балки фақат махсус даъватга эга бўлган киши бўлиши мумкин. Бироқ Муқаддас Китобда айтилишича, барча самимий масиҳийлар Худога хизмат қилишлари ва унинг исмини улуғлашлари лозим. (Римликларга 10:9, 10) Жамоатдаги маънавий вазифалар ва тайинланишларга келсак, Муқаддас Китоб одатда эркак масиҳийларни уларга интилишга ундайди. Яҳованинг Шоҳидлари айнан шундай қилишади. (1 Тимўтийга 3:1)

2. Оддий диндорлардан ажралиб, руҳонийлар ўзларини улардан устун қўяди. Бу ҳақда донгдор диний унвонларга қараб баҳо бе-

риш мумкин. Бироқ Исо шундай деган: “Орангизда ким ўзини паст олиб юрса, ўша буюк бўлади”. (Луқо 9:48) У издошларига камтар ила таълим беришда давом этар экан, уларга унвонлардан қочишни буюрган. (Матто 23:8–12)

3. Руҳонийлар ўзларини оддий диндорлар ҳисобидан маблағ билан таъминлашгани боис, бу уларга оғир юк бўлиб тушади, айниқса руҳонийлар дабдабага интилишса. Масиҳий чўпонлар эса ўзлари меҳнат қилиб ўзларини таъминлайдилар ва шу билан бошқаларга яхши ўрناق кўрсатадилар. (Ҳаворийлар 18:1–3; 20:33, 34; 2 Салоникаликларга 3:7–10)

4. Руҳонийлар оддий диндорларга молиявий жиҳатдан қарам бўлганлиги сабаб, улар Муқаддас Китоб таълимотини юмшатиш орқали ўзларининг ваъзалари билан уларни рози қилиш васвасасига тушишади. Муқаддас Китобда айнан шу нарса башорат қилинган: “Шундай вақт келадики, одамлар соғлом таълимотни ёқтиришмайди, аксинча, ўз хоҳишларига кўра, қулоқларига ёқадиган нарсаларни сўзлайдиган устозларни йиғишади”. (2 Тимўтийга 4:3)

5. Руҳонийлар табақасининг ажралиши, диндорлар динга оид барча нарсани руҳонийларга юклаб, фақат вақти-вақти билан черковга қатнаш билан кифояланишларини англаатади. Бироқ барча масиҳийлар “маънавий нарсаларга чанқоқ” эканликларини англашлари ва Муқаддас Китобни қунт билан ўрганишлари керак. (Матто 4:4; 5:3)

6. Агар оддий диндорлар Муқаддас Китобни яхши билишмаса, руҳонийлар уларни осонликча йўлдан оздиришлари ва ҳатто улардан худбин мақсадларида фойдаланишлари мумкин. Тарих бундай аянчли мисолларга тўла. (Ҳаворийлар 20:29, 30)»¹.

Бу Яҳованинг Шоҳидларида руҳонийлар ва жамоанинг диний ҳаётида имонлиларни бошқарадиганлар йўқлигини англаатадими? Бундай хулоса чиқариш катта хато бўларди!

¹ Пробудитесь! – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2009. Август. – 22–23-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g200908/Должны-ли-верующие-делиться-на-духовенство-и-мирян/).

Имонлилар жамоатидаги оқсоқоллар руҳонийлардир. Яҳова Шоҳидларининг адабиётида бу ҳақда нима дейилганига қаранг:

«Бундан бир неча аср ўтгач, ҳаворий Павлус жамоат нозирларини “Худо тайинлаган бошқарувчилар” деб атаган эди. (Титус. 1:7) “Аллоҳнинг сурувини боқаётган” чўпонлар сифатида, оқсоқоллар жамоатга йўл-йўриқ бериб, уни бошқаришмоқда (1 Бутр. 5:1, 2)»¹.

«... Бунга туман нозирлари ва жамоат оқсоқоллари каби масъулиятли вазифаларни бажаришга тайинланган биродарларнинг кўрсатмаларига камтарлик билан амал қилиш киради. “Раҳбарликни ўз зиммасига олган” бу биродарларга итоаткор бўлиб, қулоқ солишимиз керак (Иброн. 13:7, 17)»².

Кўриб турганимиздек, оқсоқол – бу Яҳованинг Шоҳидлари динидаги тайинланадиган диний лавозим бўлиб, у диний йиғинларни ўтказиш, имонлиларнинг гуноҳларини кўриб чиқиш, маънавий йўл-йўриқ кўрсатиш ва Жамоанинг диний ҳаётини бошқариш ваколати ва ҳуқуқини беради. Улар муқаддас ёки гуноҳсиз эмаслар ва агар улар юқори талабларга жавоб бермай қўйишса, оқсоқоллик лавозимидан четлатилади.

Унда руҳонийлар ва оддий диндорлар табақаларига бўлиниш йўқлиги билан оқсоқоллар ва ваъзгўйларга бўлиниш борлигини қандай қилиб ўзаро мослаштириш мумкин? Эътибор билан ўқиш ва кузатиш натижасида, Яҳованинг Шоҳидлари ўзларини имонлиларнинг асосий қисмидан дабдабали унвонлар ва маросимлар билан ажратиб турадиган, *маблаг билан таъмилинадиган имтиёзли тор синфга* қарши эканликларини кўриш мумкин. Аммо, албаттаки, руҳонийлар бор, чунки уларсиз диний йиғилишлар ва илоҳий хизматларни ўтказиш имконсиздир.

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2012. 15 декабрь. – 10-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/w20121215/вы-управляющие-которым-доверяет-бог/).

² Яҳованинг иродасини бажараётган ташкилот. – Watchtower Bible and Tract Society, 2020. – 23-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102014933).

Яна шуни таъкидлаймизки, Яҳованинг Шоҳидлари «мойланганлар» ва «буюк оломон»га бўлинган бўлса-да, бу бўлиниш фақат таълимотга оид хусусиятга эга. Қўриқчи минорасида бу гуруҳлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлиги қайта-қайта таъкидланган.

«Яҳованинг муқаддас руҳи мағрурликдан қочишга ва камтарин бўлишга ёрдам беради. (Колос. 3:12) Мойланганлар бошқаларга қараганда кўпроқ муқаддас руҳ ва билимга эгамиз ҳамда Худодан ваҳийлар олиб турамиз, деб ҳисобламай, ўзларини юқори тутишмайди. ...Аксинча, улар фақатгина Яҳова мойланганларни танлашга ҳақли эканини камтарлик билан тан олишади. Ҳа, гарчи осмонда яшаш умидига эга бўлиш катта шараф бўлса-да, мойланган масиҳийлар бошқалардан ўзгача муносабатни кутишмайди... Улар мойланган эканликларини бошқаларга пеш қилишмайди. Шунингдек, бу масиҳийлар мойланиш жараёни уларда қандай кечгани билан бўлишишмайди. Зеро, улар бошқаларнинг эътиборини ўзларига жалб қилишни ва келажакдаги мукофотлари ҳақида мақтанишни исташмайди. (1 Кор. 1:28, 29; 1 Коринфликларга 4:6–8 ни ўқинг.) Қолаверса, мойланган масиҳийлар ўзларини бирор-бир сараланган гуруҳнинг вакиллари, деб билишмайди»¹.

37. Инсон эволюция йўли билан ривожланмаган, балки яратилган

Яҳованинг Шоҳидлари яратилишни сабот билан ҳимоя қиладилар ва бу масалада муросага келмайдилар. Нима учун Яратувчига ишониниш оқилона эканлиги ҳақидаги китоблар, журналлар, рисоалар, видеолар уларнинг веб-сайтида мунтазам равишда нашр этилади.

Бу масалага нисбатан уларнинг ёндашуви қуйидагича: «Муқаддас Китоб “ақлингизни ишга солишга” ундамоқда. (Римликларга 12:1) Бу дегани, Худога бўлган ишончингиз фақатгина қуйида келтирилган омиларга асосланмаслиги лозим:

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2016. Январь. – 24-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyr/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-январь-2016/биз-сен-билан-борайик/).

ҲИС-ТУЙҒУЛАР (Қандайдир олий бир куч борлигини ҳис қиламан);

МАДАНИЯТИНГИЗ (Мен ҳудожўй одамлар орасида яшайман);

ТАРБИЯНГИЗ (Ота-онам мени худотарс қилиб тарбиялашгани учун бошқа танловим йўқ эди).

Бунинг ўрнига, Худога ишониш учун сизда асосли сабаблар бўлиши керак»¹.

Уларнинг нуқтаи назари «Уйғонинг!» журналининг 2015 йилиги сонида ёрқин акс этирилган: «Муқаддас Китобда Худо “бутун борлиқни яратгани” ҳақида айтилган. (Ваҳий 4:11) У яратиш жараёнини тугатгандан сўнггина “дам олишни бошлади”. (Ибтидо 2:2) Хулоса аниқ: Худо энг оддий организмларни яратиб, бу организмларга миллионлаб йиллар давомида балиқ, маймун, кейин эса одамларга эволюция қилиш имконини бериб, ўзини эса четга олмади. Макроэволюция деб аталадиган бундай назария, Муқаддас Китобга кўра “осмону ерни, денгиз ва ундаги бор нарсани яратган” Яратувчининг ролини истисно қилади (Чиқиш 20:11; Ваҳий 10: 6)»².

Худди шу мақолада эволюция ҳақида яна бир қанча қизиқарли хулосалар чиқарилган: «Муқаддас Китобдаги яратилиш ҳақидаги маълумот коинот Катта портлаш натижасида келиб чиққан деган назарияни истисно қиладими? Муқаддас Китобда шундай дейилган: “Бошида Аллоҳ осмон билан ерни яратди”. (Ибтидо 1:1) Унда Худо барча нарсани айнан қандай яратганини аниқ ёзилмаган. Шундай экан, бизнинг коинотимиз космик портлаш натижасида пайдо бўлган бўлса ҳам, бу Муқаддас Китобда ёзилганларга зид кел-

¹ Ёшларнинг 10 та саволига жавоблар – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2016. – 29-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyril/кутубхона/китоблар/ўсмирларнинг-саволлари/эволюцияга-ишонсам-бўладими/).

² Пробудитесь! – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. 15 октябрь. – 9-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g201510/адаптация-эволюция/).

майди. Аксинча, “Катта портлашга ким сабабчи?” деган саволга Ибтидо 1:1 да жавоб берилган. Кўпгина олимларнинг фикрича, Катта портлаш беихтиёрый юз берган ҳодиса бўлиб, вақт ўтиши билан материя зарраларидан ўз-ўзидан юлдузлар ва сайёралар пайдо бўлишига олиб келган. Муқаддас Китоб бу нуқтаи назарни қўллаб-қувватламайди. Унда айтилишича, бутун олам Худонинг ҳаракатлари натижасида пайдо бўлган,– бунинг учун космик портлашдан фойдаланганми ёки бирор бошқа нарсаданми аҳамияти йўқ. Муқаддас Китоб тирик мавжудотлар вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин деган фикрга йўл қўядими? Ҳа. Муқаддас Китобга кўра, Худо тирик мавжудотларни “турига қараб” яратган. (Ибтидо 1:11, 12, 21, 24, 25) Тур ичидаги ўзгаришлар бўлиши мумкинми? Ҳа. Аммо тур ичидаги кузатиладиган ўзгаришлар янги тур пайдо бўлиши мумкинлигини исботлайдими? Йўқ»¹.

Шу билан бирга, Яҳованинг Шоҳидлари креационистлар ва фундаменталистларнинг Худо Ерни том маънодаги олти кун ичида яратган деган нуқтаи назарини Муқаддас Китоб қўллаб-қувватламайди деб ҳисоблашади.

Инсоннинг яратилиши масаласида диндорлар Муқаддас Китобда ёзилган сўзларга таянишади: «Сўнг Яҳова ернинг тупроғидан одамни яратиб, бурнига ҳаёт нафасини пуфлади ва одам тирик жон бўлди». (Ибтидо 2:7) Муқаддас Китоб Яҳованинг Шоҳидлари учун шубҳасиз обрўга эга бўлгани сабабли, улар учун инсоннинг яратилиши эътироз билдириб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Яҳованинг Шоҳидлари мазкур эътиқод инсон диндорлигининг пойдевори эканлигини яхши билишади. Ҳар сафар уларнинг китоблари, журналлари ва видеоларида яратилиш фойдасига янги ва янги далиллар келтирилади.

¹ Пробудитесь! – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. 15 октябрь. – 8-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g201510/адаптация-эволюция/).

38. Сувга чўмиш – сувга тўлиқ ботириш, Худога бағишланиш рамзидир

«Ўшанда Исо, Яҳё томонидан сувга чўндирилиш учун Жалиладан Иорданга келди. ...Ниҳоят Исо сувга чўмиб чиқди». (Матто 3:13, 16а, ЯДТ)

«Шу сингари, ҳозир ҳам сувга чўмиш бор (бу танани кирдан тозалаш эмас, балки Худодан пок виждон сўрашдир). Бу, сизларни Исо Масиҳнинг тирилиши орқали қутқаради». (1 Бутрус 3:21, ЯДТ)

Бу ҳақда Яҳова Шоҳидларининг нашрларида қуйидагича ёзилган:

«Муқаддас Китобда Яҳовага хизмат қилмоқчи бўлган киши сувга чўмиши кераклиги ҳақида аниқ айтилган. Исо шогирдларига шундай деган: “Боринглар, барча халқлардан шогирд тайёрланглар. Уларни... сувга чўmdirинглар”. (Матто 28:19) Исонинг ўзи ҳам сувга чўмиб бу борада ўрناق қолдирди. У сувга чўмганида сувга тўлиқ кирган. (Матто 3:16) Бугунги кунда ҳам масиҳийлар сувга чўмганда Исонинг намунасига тақлид қилишади»¹.

«“Сувга чўмиш” деб таржима қилинган юнонча сўз “ботирмоқ, шонғитмоқ” деган маънони англатувчи феълдан келиб чиққан (Қаранг: Theological Dictionary of the New Testament. Т. 1. 529-саҳ, ва Дворецкий И. Х. Қадимги юнонча-русча луғат. М., 1958. В. 1. 287-саҳ.). ... Сувга чўмганда инсон сувга тўлиқ кириб чиқади. Шу сабабли Исо пайғамбар ҳам серсув дарёда сувга чўмдирилган (Матто 3:13, 16)»².

«Муқаддас Китобга кўра, сувга чўмиш пайтида одамга шунчаки сув сепилмайди, у бутунлай сувга ботирилади. Бунинг чуқур маънога эга.

- Сув остига шўнғиганингизда, бу энди сиз фақат ўзингизга ёққан нарсани қилмаслигингизни англатади.

¹ Муқаддас Китоб ҳақиқатлари - Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. – 186-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/муқаддас-китоб-тадқиқи/сувга-чўмиш-нимани-билдиради/).

² Сувга чўмиш нима дегани? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотлари/саволлар/сувга-чўмиш-нима-дегани/).

- Сувдан кўтарилганингизда, бу энди сиз янги ҳаёт бошлашингизни ва энг аввало Аллоҳга ёқадиган ишларни қилишингизни билдиради.

- Сувга чўмишингиз билан Яҳова сизга нима тўғри ва нима нотўғри эканлигини айтишга ҳақли эканини тан олганингизни омма олдида намоён қиласиз. Ҳамда сиз Яҳовага қуйидагича ваъда берганингизни расман тасдиқлайсиз: энди унинг фикри сиз учун ўз хоҳишингиздан кўра муҳимроқ бўлади»¹.

Кўриб турганимиздек, диндорлар учун сувга чўмиш шунчаки маросим эмас, бу онгли қадам бўлиб, ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан биридир ва унга жиддийлик ва масъулият билан ёндашиш керак.

«Тадқиқ ўтаётган киши сувга чўмишдан олдин Худо, Унинг нияти ва У қутқариш учун кўрган чораси ҳақидаги аниқ билимга ишониши даркор. (1 Тим. 2:3–6) Бундай имон туфайли у Аллоҳга номаъқул бўлган хатти-ҳаракатлардан воз кечиб, Унинг адолатли меъёрларига яраша яшайди. (Ҳавор. 3:19) Шубҳасизки, бу киши Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олишига тўсқинлик қиладиган ишга қўл урса, ҳаётини Тангрига бағишлай олмайди. (1 Кор. 6:9, 10) Аммо у Яҳованинг юксак ахлоқий меъёрларига риоя қилиши етарли эмас. Бу киши, шунингдек, йиғилишларга бориб, ҳаёт бахш этувчи ваъзгўйлик ва шогирд тайёрлаш ишида қатнашади. Исо айтганидай, унинг чинакам шогирдлари бу фаолият билан банд бўлади. (Ҳавор. 1:8) Мана шу қадамларни қўйгач, киши шахсий ибодатида ўзини Яҳовага бағишлаб, бунинг рамзи сифатида бошқалар олдида сувга чўмади»².

Қизиғи шундаки, Яҳованинг Шоҳидлари чақалоқларни сувга чўмдирмайди. Бунинг сабаби ҳақида улар қуйидагиларни ёзадилар:

«Муқаддас Китобда чақалоқларни сувга чўмдириш ҳақида ҳеч нима айтилмаган. Масалан, унда ёзилишича, биринчи асрда яшаган

¹ Сувга чўмишим керакми? 1-қисм. Сувга чўмишининг маъноси? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотлари/ўсмирлар/саволлар/сувга-чўмишининг-маъноси/).

² Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2018. Март. – 6-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-март-2018/сувга-чўмиш-масиҳийлар-учун-талабдир/).

масиҳийлар сувга чўмишдан олдин хушxabарни эшитишган, уни “чин юракдан қабул қилиб”, тавба қилишган. (Ҳаворийлар 2:14, 22, 38, 41) Демак, сувга чўмишдан олдин инсон Муқаддас Китоб таълимотларини тушунадиган, уларга ишонадиган ва бу таълимотлар бўйича яшаш ҳақида қарор чиқарадиган даражада катта бўлиши керак. Табиийки, чақалоқ бу нарсаларни қила олмайди. Болалар улғайгач, сувга чўмишни танлаши мумкин. Бироқ бу қадамни қўйиш учун улар бунинг масъулиятини тушунишлари керак»¹.

Бу ўринда менга масиҳий илоҳиётчиси Тертуллианнинг (милодий III аср) машҳур «Апологетика» асаридаги «масиҳийлар туғилмайди, балки этиштирилади» деган сўзлари ёдимга тушди. Шундай қилиб, бу эътиқодда ҳам Яҳованинг Шоҳидлари ўзларининг бирор нарсасини ўйлаб топишмаган.

Янги қизиқаятган кишига Яҳова Шоҳидларининг эътиқод асосларини тушунишга жамоат оқсоқоллари ҳам ёрдам беришлари керак. «Оқсоқоллар сувга чўммоқчи бўлган киши Муқаддас Китобнинг асосий таълимотларини етарлича тушунаётганига ишонч ҳосил қилишлари даркор. Шунингдек улар, бу киши ҳақиқатни чиндан ҳам қадрлаётганини ва Яҳованинг ташкилотини ҳурмат қилаётганини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Агар у Муқаддас Китобнинг асосий таълимотларини тўғри тушунмаётган бўлса, оқсоқоллар у кейинчалик сувга чўмиш талабларига мос келиши учун унга ёрдам кўрсатилишига ғамхўрлик қиладилар»².

Сувга чўмишдан олдин инсон махсус ибодатда ўзини Худога бағишлаши керак, бу ибодатда у Худога абадий хизмат қилишга ва Унинг иродасини биринчи ўринга қўйиб, бутун кучини беришга ваъда беради.

¹ Яҳованинг Шоҳидлари болаларини ўз динини қабул қилишга мажбурлашади? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яҳованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/jw-болалар-динни-қабул-қилиш-ваъзг-ўйлик/).

² Яҳованинг иродасини бажараётган ташкилот. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2020. – 212-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102014954#h=23).

Сувга чўмиш Яҳованинг Шоҳидлари учун шундай муҳим ва аҳамиятли қадамки, ҳатто 2018 йилдаги «Кўриқчи минораси» да шундай деб ёзилган эди: «...сувга чўмиш масиҳийлар учун талаб эканини ёдда сақлашимиз лозим...»¹.

39. Худонинг хизматчилари Муқаддас Китобдаги ҳақиқат тўғрисида шоҳидлик беришлари керак

«Ҳа, “Яҳованинг исмини айтиб чақирган ҳар бир одам кутқарилади”. Лекин ишонмай туриб Уни қандай чақиринишди? У ҳақда эшитмаган бўлишса-чи, Унга қандай ишонишади? Ваъз қилувчи бўлмаса, қанақасига эшитишади? Агарда юборилмаган бўлишса, қай йўсин ваъз қилишади? Муқаддас Ёзувларда айтилганидек: “Хушxabарни эълон қилиб юрганнинг қадамлари нақадар гўзал!” ... Демак, каломни эшитгач имон пайдо бўлади. Каломни эса биров Масиҳ ҳақида гапирганда эшитишади». (Римликларга 10:13, 14, 17, ЯДТ)

«Исо бўлса уларга яқинлашиб, қуйидагиларни айтди: “Аллоҳ менга еру осмондаги бутун ҳокимиятни топширди. Шунинг учун боринглар, барча ҳалқлардан шогирд таёрланглар. Уларни Ота, Ўғил ва муқаддас руҳ номи билан сувга чўмдилинглар. Мен сизларга амр этган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Замонанинг охиригача мен доимо сизлар билан бўламан». (Матто 28:18-20, ЯДТ)

Келинг, Яҳованинг Шоҳидлари ушбу эътиқодни қандай тушунишининг баъзи муҳим тафсилотларини кўриб чиқайлик:

«Исо хушxabарни ғайрат билан ваъз қилиб издошларига ўртак кўрсатган. У ташаббусни қўлга олиб, одамларнинг олдига борар, уларнинг уйларида ва жамоат жойларида ваъз қилиб, таълим берарди. (Мат. 9:35; 13:36; Луқо 8:1) Исо айрим инсонлар билан юзма-юз гаплашар, шогирдларига улар билан холи қолганда таълим берарди, баъзида эса минглаб тингловчиларга мурожаат қиларди. (Марк 4:10–13; 6:35–44; Юҳан. 3:2–21) Бошқаларга далда ва умид

¹ Кўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2018. Март. – 6-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/кўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-март-2018/сувга-чўмиш-масиҳийлар-учун-талабдир/).

бахш этиш учун у ҳар бир фурсатдан фойдаланарди. (Луқо 4:16–19) Чарчаб, оч қолганда ҳам у ваъз қилиш имкониятини қўлдан бой бермасди (Марк 6:30–34; Юҳан. 4:4–34)»¹.

«Исо алайҳиссалом издошларига бошқаларни эътиқодини ўзгартиришга мажбурлаш керак, деб ўргатмаган. Шогирдлари Худонинг Шоҳлиги ҳақидаги хушxabарни қабул қилишга ҳеч кимни мажбурламай, уни тинглашга мойил бўлганларни излашга ҳаракат қилишлари керак эди. (Матто 10:7, 11–14) Худо фақатгина чин юракдан топинаётганларни маъқул кўради, шунинг учун, бошқаларни мажбурлаш ақлсизлик бўларди (Қонунлар 6:4, 5; Матто 22:37, 38)»².

Яҳованинг Шоҳидлари прозелитизмга ва эътиқод танлаш масаласида ҳар қандай босим ва зўравонликка қарши чиқадилар. Бу борада уларнинг адабиётида қуйидагилар қайд этилган:

«...ҳеч кимни хушxabарни қабул қилишга мажбурламаймиз. (1 Бутрус 3:15) Худога топиниш борасида ҳар бир инсон ўзи қарор чиқариши керак, деб ҳисоблаймиз (Қонунлар 30:19, 20)»³.

«Бугунги кунда “прозелитизм” сўзи у ёки бу турдаги динни мажбуран қабул қилиш маъносида ишлатилади. Муқаддас Китоб бундай ҳаракатни маъқулламайди. Аксинча, у одамлар ирода эркинлиги билан яратилганлигини ўргатади: улар қандай яшашни ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига эга, лекин улар ўз танлови учун жавобгар бўлишлари керак. Бунга Худога қандай хизмат қилиш ҳақидаги қарор ҳам киради (Амрлар 30:19, 20; Ёшуа 24:15)»⁴.

¹ Яҳованинг иродасини бажараётган ташкилот. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. – 87-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102014939).

² Яҳованинг Шоҳидлари инсонларни динини ўзгартиришга мажбурлашадими? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яҳованинг-шоҳидлари/кўпчиликини-қизиқтирадиган-саволлар/дин-ўзгартириш/).

³ Нега Яҳованинг Шоҳидлари: «Бу мени қизиқтирмайди», — деган одамларни қайта боришади? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яҳованинг-шоҳидлари/кўпчиликини-қизиқтирадиган-саволлар/қизиқтирмайди/).

⁴ Пробудитесь! – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2002. 8 июнь. – 13-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g20020608/должны-ли-христиане-проповедовать-другим/).

Менимча, мазкур мавзу бўйича халқаро бирлашманинг позициясини келтиришим ўринли бўлади. Шунда, ЕХХТнинг раҳбариятида етарли даражада аниқ позицияси мавжуд:

«Эътиқод ва динни ўзгартириш ҳуқуқи, яъни ўз динини ёки эътиқодини қабул қилиш, ёки ўзгартириш, ёки воз кечиш ҳуқуқи, халқаро ҳуқуққа асосланиб мутлақ ҳимояга эга, чунки бу ҳар бир шахснинг дин эркинлигининг ички жиҳатининг озодлик ўлчовига таалуқдир (forum internum). Ўз динини ёки эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқи ЕХХТ мажбуриятларида ҳам тан олинган.

... Инсонлар бошқа инсонларни мажбурламасдан ишонтириш фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга; бу дин ёки эътиқод эркинлигинг бир қисмидир. Диний ёки диний бўлмаган эътиқодларга эътиқод қилиш ҳуқуқи бошқаларни ўз қарашларининг ҳақиқатларига ишонтиришга ва мазмунли ҳамда тўлақонли ҳаёт учун ушбу қарашлар ва улар билан боғлиқ амалиётларнинг аҳамиятини кўрсатишга уринишларни қилишни ўз ичига олади. Шу билан бирга кўп диндорлар учун ўз эътиқодини бошқа инсонлар ичида тарқатиш диний бурчидир. Шу билан бирга бошқа инсонларни мажбурламасдан эътиқодига ишонтириш ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи билан ҳимояланади, яъни «бу ҳуқуқ давлат чегараларидан қатъий назар, оғзаки, ёзма, босма ёки бадий ифода ёки ўзи танлаган бошқа воситалар орқали барча турдаги ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади» (ФСХХП 19-модда)»¹.

«Дин ёки эътиқодини эркин ўзгартириши, ҳамда зўравонликсиз ишонтириш орқали бошқаларни ўз динига жалб қилиш ҳуқуқини эркин ва тўлиқ амалга ошириши учун давлат ҳуқуқий асос ва ижтимоий шароитларини таъминлаши шарт. Бошқа нарсалар қатори, шахс давлат шахсларнинг дин ёки эътиқодини ўзгартириш

¹ Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик Сийёсат масалалари бўйича қўлланма. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), Варшава, Польша. 80 – 81-саҳ. Эл. манбага қ. (www.osce.org/uz/odibr/452230).

ҳуқуқини (яъни дин ёки эътиқодни қабул қилиш, эътиқод қилишни тўхтатиш ёки ўзгартириш ҳуқуқини), ҳамда ўз эътиқодига зўравонликсиз йўли билан бошқаларни жалб қилишда, шахс ва жамоатларни зўравонлик, қўрқитиш, таъқиб қилиш ва камситишдан ҳимоя қилишга мажбурдир. Одамлар янги ғоялар ҳақида билиб олиш, тарқатиш ва олиш имконига эга бўлганда, дин ёки эътиқод эркинлигидан тўлалигича фойдаланишлари мумкин»¹.

Албатта, кўчада ёки уйда унга имон ҳақида савол билан мурожаат қилишлари ҳаммага ҳам ёқавермайди. Бироқ, бу ҳаммани эмас, балки айримларни безовта қилади, ҳолос. Бир пайтлар олдидан тўхтамай ўтиб кетмасдан улар билан Муқаддас Китоб тўғрисида гап бўшлаганликларини чуқур қадрлайдиганлар ҳам кўп. Тан олиш керакки, замонавий жамиятда ёлғизлар, ҳаётдан синган, ҳаётнинг маъносини излаётган ёки далдага муҳтож бўлган одамлар кўп. Агар бир-биримиз билан кўпроқ мулоқот қилсак ва ўз фикримизни баҳам кўрсак, бунинг нима ёмон жойи бор? Ахир бағрикенглик ва сабр-бардошлилик ҳар ким бошқасини тинглашни биладиган ва унинг бошқа фикрда бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қиладиган жойда туғилмайдими? Ҳамма қўрқув ичида яшайдиган, одамларни даҳшатли «мазҳаблар» ва «зомбига айлантериш» эртаклари билан қўрқитадиган жамиятда ксенофобиядан бошқа нарса пайдо бўла олмайди. Наҳотки қўрқув ва ксенофобиядан бирлик ва эркинлик пайдо бўлиши мумкин бўлса?

40. Худонинг хизматчиси Муқаддас Ёзувлар тадқиқотчиси бўлиши ва Худога топинишда ақлни ишга солиши керак.

«Шундай экан, биродарлар, Аллоҳнинг меҳр-шафқати билан сизлардан ўтиниб сўрайман: таналарингизни тирик, муқаддас, Худога маъқул келадиган қурбонлик сифатида бағишланглар. Шу йўсин ақлингизни ишга солиб, муқаддас хизматни адо эта оласизлар. Ушбу замонга уйғунлашманглар, аксинча, Тангрининг яҳши,

¹ Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик Сиёсат масалалари бўйича қўлланма. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ), Варшава, Польша. 83-саҳ. Эл. манбага қ. (www.osce.org/uz/odibr/452230).

мақбул, комил иродаси нимада эканини аниқлаш учун онгингизни янгилаб, ўзингизни ўзгартиринглар». (Римликларга 12:1, 2, ЯДТ)

«Ўғлим, буларни назарингдан қочирма, донолигу тафаккурдан айрилма». (Ҳикматлар 3:21, ЯДТ)

«Тангрингиз Яҳовани бутун қалбингиз, бутун жонингиз, бутун онгингиз ва бутун қувватингиз билан севинг». (Марк 12:30, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари харизматлар эмас ва улар ўз хизматида «кўр-кўрона эътиқод» ва ҳиссиётга берилишга қарши. Дастлаб улар «Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари» деб аталгани бежиз эмас. Улар учун ақл, мантиқ ва соғлом фикр жуда муҳим роль ўйнайди. Ушбу китобда мен Ж. Ф. Рутерфорд сўзларини аввал ҳам келтирганман: «Ақл рад этган нарсани юрак қабул қила олмайди». «[Масиҳийлар] улар ишонадиган Муқаддас Ёзув ҳақиқат эканлигига амин бўлишлари керак. Улар имонлари нимага асосланганлигини билишлари керак»¹.

Мана, бу мавзу бўйича уларнинг нашрларидан иқтибослар:

«Муқаддас Китобга кўра, топинишимиз “Худога маъқул” бўлиши учун “ақлни ишга солиб, муқаддас хизматни адо этиш” лозим. Бошқача айтганда, биз “оқилона хизмат” қилишимиз керак. (Римликларга 12:1, Синод таржимаси) Шунинг учун ҳам, Муқаддас Китобда тилга олинган имон, баъзилар ҳисоблаганидек, кўр ёки соғлом фикрга зид эмас. У далил талаб қилади. Лақмалиқдан фарқли ўларок, ҳақиқий имон чуқур мулоҳаза билан узвий боғлиқдир. Бу туфайли Худога ва унинг Каломига бўлган, оқилона далилларга асосланган ишончимиз мустаҳкамланади... Муқаддас Китоб “ҳар бир сўзга” ишонавермасликка ундайди. (Ҳикматлар 14:15) Унда: “Ҳар нарсани текшириб кўринг”,– деб айтилган. Яъни бирор нарсага ишонишдан олдин, ҳамма нарсани синчиклаб ўрганиб чиқиш керак (1 Салоникаликларга 5:21)»².

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1997. 1 октябрь. – 6-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1997721#h=21).

² Пробудитесь! – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2011. Январь. – 28-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g201101/Совместимы-ли-вера-и-разум/).

«**Ишонч ҳосил қилинг.** Ҳақиқат йўлида эканига Тимўтийнинг ишончи комил бўлган. ...Бироқ унинг имони инсонларга бўлган туйғуларга эмас, балки уни Яҳовага янада яқин қилган далилларга асосланган эди. Сиз ҳам Муқаддас Китобдан Яҳова ҳақида билиб олганларингиз устида мантиқан мулоҳаза юритишингиз даркор. Аввалига камида учта муҳим ҳақиқатга ишонч ҳосил қилишингиз даркор. Биринчидан, Тангри Яҳова барча нарсанинг Яратувчиси эканига амин бўлишингиз керак. (Чик. 3:14, 15; Иброн. 3:4; Вах. 4:11) Иккинчидан, Муқаддас Китоб Худонинг инсониятга йўллаган илоҳий хабари эканига ишончингиз комил бўлиши лозим. (2 Тим. 3:16, 17) Учинчидан, Яҳова Масихнинг бошчилигида Унга топинадиган кишилар гуруҳини ташкиллаштирганига ва бу гуруҳ Яҳованинг Шоҳидлари эканига ишонч ҳосил қилишингиз зарур. (Ишаё 43:10–12; Юҳан. 14:6; Ҳавор. 15:14) Айтиб ўтилган асосий ҳақиқатларга амин бўлиш учун Муқаддас Китобдаги билимларга эга “жонли энциклопедия”га айланишингиз шарт эмас. Мақсадингиз — “ақлингизни ишга солиб” ҳақиқат йўлида эканингизга бўлган ишончни мустаҳкамлаш (Рим. 12:1)»¹.

Умуман олганда, Яҳова Шоҳидларининг диний амалиётида айнан Муқаддас Китобни ўрганиш асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, нафақат теологик масалалар ўрганилади. Муқаддас Китоб тарихи ва археологияга катта эътибор қаратилади.

Яҳова Шоҳидларининг ушбу мавзулар бўйича адабиётлари орасида қуйидаги асарларни ажратиб кўрсатиш мумкин: «Муқаддас Ёзувларни англамоқ» энциклопедияси (Муқаддас Китобда учрайдиган ҳар бир исм, ном ва жой ҳақидаги мақолаларни, шунингдек, кўплаб тегишли мавзулардаги мақолаларни ўз ичига олган фундаментал асар); «Барча Муқаддас Ёзувлар Худо томонидан илҳомлантирилган ва фойдалидир» китоби (Муқаддас

¹ Қўриқчи минораси. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2020. Июль. – 10-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-июль-2020/Ҳақиқат-йўлида-эканингизга-ишонч-ҳосил-қилинг/).

Китобнинг ҳар бир китобига нафақат тавсиф ва шарҳлар беради, балки Муқаддас Китобдаги ерлар географияси, хронология ва қадимда йил ҳисобини юритиш усуллари ҳақида, Муқаддас Китоб канонининг яратилиш тарихи, Муқаддас Китоб таржималари тарихи, Иброний ва Юнон Ёзувлари қўлёзмалари тарихи тўғрисида батафсил маълумот беради).

2003 йилда шунингдек, диаграммалар, хариталар, расмлар, компьютерда яратилган тасвирлар ва Муқаддас Китобдаги ерларнинг географияси ва тарихига оид кўплаб қўшимча маълумотларни ўз ичига олган 36 саҳифали «“Яхши ерга” қаранг» номли рангли атлас нашр этилди. «Янги дунё таржимасининг» қайта кўриб чиқилган 2013 йилги нашрида иловаларга алоҳида урғу берилган бўлиб, уларда Муқаддас Китоб тарихи ва географиясига оид кўплаб қўшимча маълумотлар ҳам тақдим этилган.

2017 йилдан бери эса ўрганиш учун онлайн Муқаддас Китоб яратиш бўйича улкан ишлар олиб борилмоқда. Муқаддас Китоб китоблари матн, расмлар ва ҳатто видео тақдимотларни ўз ичига олган жуда кенг энциклопедик иловалар билан тўлдирилади.

41. Ёвузлик ва азоб-уқубатлар бўлмаслиги керак эди

«Мана, Аллоҳнинг чодирини инсонлар орасида. Худонинг Ўзи улар билан бирга яшайди ва улар Унинг халқи бўлишади. Аллоҳнинг Ўзи улар билан бўлади. Ўшанда Худо уларнинг кўзидаги ҳар қандай ёшни артиб олади. Ўлим, мотам, фарёд ва оғриқ бошқа бўлмайди. Зеро аввалгилар ўтиб кетди». (Ваҳий 21:3,4, ЯДТ)

«Синонга дучор бўлганда ҳеч ким: “Мени Худо синаяпти”,– деб айтмасин. Чунки Аллоҳни ҳеч ким ёмонлик билан синай олмайди, Унинг Ўзи ҳам ҳеч кимни ёмонлик билан синамайди... Яхши ва мукамал ҳадыларнинг барчаси юқоридан келади. Бойси, улар самовий ёритқичларнинг Отаси, ўзгарувчан кўланка сингари ўзгармайдиган Тангридан келиб чиқади». (Ёқуб 1:13–17, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари азоб-уқубатларни ҳаётнинг табиий қисми деб ҳисоблашмайди. Улар қуйидагича тушунтиради: «Тан-

гри Яҳова одамларнинг азобланишини ният қилмаган. Гап шундаки, биринчи инсонлар – Одамато ва Момоҳаво ўзларининг яхшилик ва ёмонлик меъёрларини ўрнатмоқчи бўлиб, Худонинг ҳукмронлигига қарши чиқдилар. Улар Худодан юз ўгириб, бунинг жазосини тортдилар. Бугун биз уларнинг қилмишларининг аччиқ мевасини тотяпмиз. Лекин Худо ҳеч қачон азоб-уқубатларга сабаб бўлмайди. Муқаддас Китобда шундай дейилган: “Синовга дучор бўлганда ҳеч ким: “Мени Худо синаяпти”,– деб айтмасин. Чунки Аллоҳни ҳеч ким ёмонлик билан синай олмайди, Унинг Ўзи ҳам ҳеч кимни ёмонлик билан синамайди”. (Ёқуб 1:13) Азоб-уқубат ҳамманинг, ҳатто Худо марҳамат қилган одамларнинг ҳам бошига тушади»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари шунга ишонишадики, «бугун дунёни ёвузлик босиб кетган бўлса-да, ҳар доим ҳам шундай бўлмайди. Худо ёвузлик қандай аянчли оқибатларга олиб келишини ҳамма кўриши учун унга йўл қўйди. (2 Бутрус 3:7–9) Аммо тез орада ер юзи бахтли ва итоаткор одамларга тўлади. (Забур 37:9–11 ни ўқинг)»².

42. Оила – бу Худо томонидан ўрнатилган эркак ва аёлнинг муқаддас иттифоқидир

«Демак, энди улар икки эмас, бир тан ҳисобланади. Шундай экан, Аллоҳ бирга қўшганини бандаси ажратмасин». (Магто 19:6, ЯДТ)

«Никоҳ ҳамманинг назарида ҳурмат-эътиборда бўлиб, никоҳдаги муносабатларингиз булганмасин. Боиси, Аллоҳ зинокорлару хиёнат қилувчиларни ҳукм этади». (Ибронийларга 13:4, ЯДТ)

«Оилаларга шундай йўл-йўриқ бераман, аслида мен эмас, Ҳазратимиз буюради: хотин эрини ташлаб кетмасин. Борди-ю, ташлаб кетса ҳам бошқа эрга тегмасин ёки эри билан ярашсин. Эр ҳам хотинини ташлаб кетмасин. Бошқаларга келсак, Ҳазратимиз эмас, мен айтяпман: агар қайсидир биродарнинг хотини имон-

¹ Виновен ли Бог в наших страданиях? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библейские-учения/вопросы/наши-страдания/).

² Сторожевая башня. – Watch Tower Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2015. Июль. – 12-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wp20150701/збо/).

дош бўлмаса-ю, у билан яшашга рози бўлса, хотинини ташлаб кетмасин. Хотин ҳам эри имондош бўлмаса-ю, у билан яшашга рози бўлса, эрини тарк этмасин. Имондош бўлмаган эр хотини орқали муқаддас бўлади, имондош бўлмаган хотин ҳам имонли эри орқали муқаддас бўлади. Акс ҳолда болаларингиз Худонинг назарида нопок бўлар эди, энди бўлса муқаддасдир. Бироқ имондош бўлмаган киши турмуш ўртоғини тарк этса, кетаверсин. Бундай вазиятларда биродар ёки опа-сингил турмуш ўртоғининг олдида бурчли бўлмайди. Чунки Аллоҳ сизларни тинч яшашга даъват этган. Сиз хотин, қаердан биласиз, балки эрингизни қутқариб қоларсиз? Ёки сиз эр, қаердан биласиз, эҳтимол хотинингизни қутқариб қоларсиз?» (1 Коринфликларга 7:10–16, ЯДТ)

«Шуни билишингизни хоҳлардимки, ҳар бир эркекнинг боши Масих, аёлнинг боши эркек, Масихнинг боши эса Худодир». (1 Коринфликларга 11:3, ЯДТ)

«Хотинлар Ҳазратимизга итоат этгандай эрларига бўйсунинсин. Чунки Масих жамоатнинг, яъни тананинг қутқарувчиси ва боши бўлганидек, эр ҳам хотиннинг бошидир. Жамоат Масихга итоат этгани каби, хотинлар ҳам барча нарсада эрларига бўйсунинсин». (Эфесликларга 5:22–24, ЯДТ)

«Эрлар, хотинларингизни доимо севинглар. Зеро Масих ҳам жамоатни севиб, у учун ўзини фидо қилди... Худди шундай, эрлар ҳам ўз хотинларини ўз таналарини севгандай севишлари керак. Ўз хотинини севган ўзини ўзи севади. Ҳеч бир киши ўз танасидан нафратланмайди, аксинча, уни озиқлантириб, ардоқлайди. Масих ҳам жамоати билан шундай йўл тутди». (Эфесликларга 5:25–29, ЯДТ)

«Фарзандлар, Раббимизнинг иродасига мувофиқ тарзда ота-оналарингизга қулоқ солинглар, чунки бу тўғридир. Зеро ваъда билан боғлиқ биринчи амр шудир: “Ота-онангизни ҳурмат қилинг. Шунда яхшилик сизга ёр бўлиб, ер юзида узоқ умр кўрасиз”. Сиз оталар, болаларингизнинг ғашини келтирманглар, аксинча, Яҳованинг тарбиясини бериб, Унинг панд-насихати билан уларни ўстиринглар». (Эфесликларга 6:1–4, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари оила тузумига алоҳида ҳурмат кўрсатиб, анъанавий ахлоқий меъёрларни ва оилавий муносабатларга нисбатан Муқаддас Китоб нуқтаи назарини ҳимоя қилган ҳолда ёндашишади.

«Худонинг наздида никоҳ шунчаки фуқаролик иттифоқи эмас. Бу, эркак ва аёлни боғлайдиган муқаддас ришталардир. ... Муқаддас Китоб Худо оиланинг Асосчиси эканлигини таъкидлайди, шунинг учун никоҳ ришталарига жуда жиддий қараш керак. Никоҳни муқаддас ва абадий иттифоқ деб биладиган жуфтликлар, уни бахтли қилишга қарор қилишади. Агар улар оиладаги ролларини Муқаддас Китоб йўл-йўриқларига мувофиқ бажарсалар, муваффақиятга эришиш имкониятлари янада ошади»¹.

Матто 19:6 оятга мана қандай шарҳ берилган («Демак, энди улар икки эмас, бир тан ҳисобланади...») Ўқув Муқаддас Китобида (“The New World Translation of the Holy Scriptures (Study Edition)”: “Бу ибора Ибтидо 2:24 даги ибронийча атаманинг юнон тилига сўз-ма-сўз таржимаси бўлиб, уни "бир тана" ёки "бир киши" сифатида ҳам таржима қилиш мумкин. Бу икки киши ўртасидаги энг яқин алоқани тасвирлайди. Бу нафақат жинсий муносабатларга тегишли, балки барча муносабатларга таалуқли бўлиб, икки кишини бир бирига содиқ ва ажралмас йўлдош қилади. Бундай ришталар билан боғланган йўлдошларнинг иттифоқини зиёнсиз узиб бўлмайди”²).

Яҳованинг Шоҳидлари никоҳ – бир эркак ва бир аёлнинг иттифоқи дейилган Муқаддас Китобдаги меъёрга риоя қилишади. Ажралишнинг ягона қонуний асоси – турмуш ўртоқлардан бирининг жинсий ахлоқсизлигидир. (Матто 19:4–9) Шундай қилиб, Яҳованинг Шоҳидлари кўпхотинлилик, фуқаролик, шунингдек, бир жинсли никоҳларни тан олмайдилар.

¹ Пробудитесь! – Watchtower Bible and Tract Society of Pennsylvania New York, Inc., 2013. Ноябрь. – 14-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g201311/роли-в-браке/).

² The New World Translation of the Holy Scriptures (Study Edition) Matthew Study Notes – Chapter 19 – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2019 – 86-саҳ, Эл. манбага қ. (www.jw.org/en/library/bible/study-bible/books/matthew/19/).

Келин ва куёв турмуш қуришга қарор қилиб, унаштирилгандан сўнг, улар никоҳ қунини белгилаб, давлат органларида никоҳни расмийлаштирадilar.

Яқованинг Шоҳидлари учун никоҳни рўйхатдан ўтказиш муҳим омил ҳисобланади, чунки фақат бундай рўйхатдан ўтгандан кейингина никоҳ тузилган деб ҳисобланади ва фақат бу ҳолатда иккинчи, маънавий қисмга – Яқова Шоҳидларининг Йиғилиш Залида ўтказиладиган никоҳ маросимига ўтиш мумкин .

Шоҳидларнинг никоҳ маросими дабдабали ёки театрлаштирилган эмас. Унинг мақсади ёш эр-хотинга Муқаддас Китобга асосланган тилак-насиҳатлар айтиш ҳамда мустаҳкам ва чуқур оилавий муносабатлар ўрнатиш бўйича маслаҳатлар беришдир.

Никоҳ маросими ибодат билан бошланади. Кейин оқсоқоллардан бири ярим соатлик нутқ сўзлайди, унда эрлар ва хотинлар учун Муқаддас Китобдан маслаҳатлар муҳокама қилинади. Нутқ сўнгидан янги турмуш қурганлар меҳмонлар олдида тантанавор равишда бир-бирига севги ва садоқат қасамёдини айтадилар. Маросим охирида Худодан янги турмуш қурганларга барака беришини сўраб дуо ўқилади.

Шу билан маросимнинг расмий қисми тугайди ва залда бўлганларнинг барчаси – имондошлар, қариндошлар ва дўстлар янги турмуш қурганларни табриклашни бошлайдилар. Янги турмуш қурганларга совғалар, гуллар, табрикномалар тақдим этилади. Кўнгилочар дастур энг хилма-хил бўлиб, албатта мусиқа ва рақсни ўз ичига олади.

Яқова Шоҳидларининг ажралишга бўлган нуқтаи назари ҳам диққатга сазовор. Турмуш ўртоқларнинг турли хил эътиқоди, феъл-атворининг мос келмаслиги ва бошқалар ажралиш учун сабаб бўлмайди. Ажралишнинг ягона қонуний сабаби – турмуш ўртоғининг хиёнати.

Шу сабабларга кўра, Шоҳидларнинг адабиётида оилавий қийинчиликларни ҳал қилишга ҳам катта эътибор қаратилади.

«Никоҳдаги чигал муаммолар турмуш ўртоқлардан бири ёки ҳатто иккаласи алоҳида яшаш ё бўлмаса ажралиш ҳақида ўйлашларига сабаб бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда никоҳларнинг яримидан кўпи ажралиш билан якун топмоқда. Тўғри, бундай ҳол масиҳийларнинг жамоатида унчалик кўп учрамайди, лекин Худонинг халқи орасида ҳам оилавий муаммоларнинг кўпаяётгани ташвишланарлидир», – дея «Қўриқчи минораси»нинг нашрларида бирида қайд этилган»¹.

«Масиҳий эр-хотинлар орасидаги севги шунчалик кучли бўлиши керакки, улар ҳатто зарур бўлганда бир-бири учун жонини фидо қилишга тайёр бўлишлари даркор... Агар турмуш ўртоқлар бир-бирига чидамли бўлиб, бир-бирларини чин дилдан кечиришса, уларнинг никоҳи мустаҳкам бўлади. Афсуски, турмуш ўртоқлар номукамал бўлишгани учун хато қилиб туришади. Бироқ бундай пайтларда улар хатоларидан сабоқ олиб, кечиримли бўлишни ва Муқаддас Китоб принципларига асосланган севгини кўрсатишни ўрганишлари мумкин. Боиси, айнан бундай севги “инсонларни етук даражада бирлаштиради”. (Колос. 3:13, 14) Боз устига, “севги узоқ сабрли ва меҳрибондир”, “хафагарчиликларни ҳисоблаб юрмайди”. (1 Кор. 13:4, 5) Шундай экан, келишмовчиликлар юзага келганда, масиҳий жуфтлик уларни имкон борича тезроқ, “қуёш ботгунча” ҳал қилиши даркор»².

«Шунга ўхшаб, Яҳовани севадиган жуфтликлар Унга тақлид қилишади. Никоҳда муаммолар пайдо бўлган тақдирда ҳам, улар унга Муқаддас Китобдаги меъёрларга зид равишда чек қўйишнинг йўлини излашмайди. Эр-хотинлар уларни Яҳова бирлаштирганини ва У уларнинг бир-бирига «ёпишишини» исташини тушунишади.

¹ Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2016. Август. – 15-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сон-август-2016/никоҳда-муваффақиятга-эришиш/).

² Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2016. Август. – 14–15-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сон-август-2016/никоҳда-муваффақиятга-эришиш/).

Муқаддас Китобга кўра, жинсий ахлоқсизликдан ташқари бошқа ҳеч нарса турмуш қурганларнинг ажралишига ҳамда қайта турмуш қуришларига сабаб бўла олмайди. (Мат. 19:5, 6, 9) Вазиятга кўникиб ва ҳатто уни яхшилашга ҳаракат қилиб, улар Яҳованинг одил ҳукмронлигини қўллаб-қувватлашади»¹.

Бу ерда эса диний эътиқодларини қўлламайдиган турмуш ўртоқларига нисбатан Яҳова Шоҳидларининг нуқтаи назари келтирилган:

«Айрим масиҳийларнинг турмуш ўртоғи ҳали Яҳовага топинмаётган бўлиши мумкин. Лекин Муқаддас Китобда бундай вазиятларда ҳам масиҳий умр йўлдоши билан яшашни давом этиши кераклигининг сабаблари келтирилган. (1 Коринфликларга 7:12–14 ни ўқинг.) Ҳолбуки, Яҳовага топинмаётган умр йўлдош масиҳий билан турмуш қургани учун “муқаддас бўлади”. Уларда туғилган ҳар бир фарзанд ҳам “муқаддас” ҳисобланади ва у Худонинг паноҳида бўлади. Ҳаворий Павлус шундай далдали сўзларни айтганди: “Сиз хотин, қаердан биласиз, балки эрингизни қутқариб қоларсиз? Ёки сиз, эр, қаердан биласиз, эҳтимол хотинингизни қутқариб қоларсиз?” (1 Кор. 7:16)»².

Яҳова Шоҳидларининг веб-сайтида (www.jw.org) оилани мустаҳкамлашга бағишланган «Никоҳ ва оила» деган бутун бир бўлим мавжуд. Мана, ушбу бўлимда жойлаштирилган мақолаларнинг фақат баъзилари: «Никоҳда бахтга қандай эришиш мумкин?», «Оилавий бахтнинг сирини. Ҳамкорлик», «Никоҳнинг биринчи йилидаги қийинчиликлар», «Никоҳда садоқатни қандай мустаҳкамлаш керак», «Қандай қилиб ҳурмат кўрсатиш керак», «Қандай қилиб

¹ Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2017. Июнь. – 31-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-июнь-2017/яҳованинг-ҳукмронлигини-қўллаб-қувватланг/).

² Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2016. Август. – 16-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-август-2016/никоҳда-муваффақиятга-эришиш/).

миннатдорчилик билдириш керак», «Қайта турмуш қурганда бахтга қандай эришиш мумкин», «Муқаддас Китобда ирқлараро никоҳ ҳақида нима дейилган?», «Никоҳдан олдин бирга яшаш жозими?», «Эрлар, хонадонингизни асраб-авайланг», «Бахт никоҳ қуришга боғлиқми?», «Оиладаги тинчлик — энг яхши малҳам», «Турмуш ўртоғингизнинг ота-онаси билан муносабатлар», «Садоқат — мустаҳкам никоҳ гаровидир», «Хафагарчиликдан қандай қутулиш мумкин», «Агар турмушингиздан кўнглингиз қолса» ва ҳоказо. Хуллас, маслаҳат ва кўрсатмалар берилгани мавзуларнинг номлари ҳам уларнинг барчаси оилани мустаҳкамлаш ва фаровонликка етаклашга қаратилганини яққол кўрсатиб турибди.

Яҳованинг Шоҳидлари оилаларида «бошчилик» мавзусига алоҳида тўхтаб ўтиш керак.

«Яҳова оиласини севгани учун бошчиликни ўрнатган. Бу Унинг ҳадясиدير. Бошчилик туфайли Яҳованинг оиласи тинчлик ва тартиб ила фаолият юрита олади. (1 Кор. 14:33, 40) Бошчилик бора-сидаги вазифалар аниқ белгиланмаганида, Яҳованинг оиласида тартиб ва қувонч бўлмасди. Мисол учун, охириги қарорларни ким чиқариши ва уларни амалга оширишда ким етакчилик қилиши кераклигини билмаган бўларди»¹.

Ҳар бир оила аъзосининг ўрни ҳақида Яҳованинг Шоҳидлари адабиётида шундай дейилган:

«Эр — оиланинг бошидир. (Эфесликларга 5:23) Яхши эр қўпол ва талабчан бўлмайди. У хотинини қадрлайди ҳамда унинг жисмоний ва ҳиссий эҳтиёжларига ғамхўрлик қилади. Шунингдек, у нуқул ўзиникида туриб олмай, хотинининг кўнглига қарайди. (Филиппиликларга 2:4) Эр хотинига ўз ҳис-туйғуларини фикрларини очиқчасига айтиб, уни тинглайди. У хотинига «ғазабланмайди», жисмоний зарар етказмайди ва унинг дилини оғритадиган сўзларни айтмайди. (Колосаликларга 3:19)

¹ Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2021. Февраль. – 3-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-февраль-2021/Ҳар-бир-эркакнинг-боши-Масих/).

“Хотин... эрини чуқур ҳурмат қилсин”. ... Хотин эрини ҳурмат қилса ва унинг қарорларини қўллаб-қувватласа, оиласи тинч бўлишига ҳисса қўшади. Борди-ю, эри хато қилса, у эрини камситмайди, аксинча, унга мулоимлик ва ҳурмат ила муомала қилишда давом этади. (1 Бутрус 3:4) Агар хотин эри билан қандайдир муаммо ҳақида гаплашмоқчи бўлса, бунинг учун қулай вақтни танлайди ва унга ҳурмат ила гапиради. (Воиз 3:7)

... Аллоҳ ота-оналарга фарзандларига тарбия бериш вазифасини топширган. Бунга фарзандларига ўзини қандай тутишни ўргатиш ҳамда уларга яхши намуна кўрсатиш киради. (Қонунлар 6:6, 7) Фарзанд ўзини ёмон тутса, доно ота-она жаҳлга бериламайди. Улар “тинглашга тайёр..., сўзлашга ва ғазабланишга эса” шоширмайди. (Ёқуб 1:19) Агар ота-оналар фарзандини жазолаш керак деб ҳисоблашса, улар буни жаҳл билан эмас, севги билан қилишади.

... Фарзандлар ота-онасига қулоқ солиши ва уларни чуқур ҳурмат қилиши лозим. Фарзандлар ота-онасига ҳурмат кўрсатганида, оилада қувонч ва тинчлик ҳукм суришига ҳисса қўшишади. Вояга етган ёши катта фарзандлар ота-онасига яхши ғамхўрлик қилиб, уларни ҳурмат қилаётганини кўрсатишади. Бунга ота-онасининг уйини яхши ҳолатда сақлашга ёрдам бериш ёки уларга моддий жиҳатдан кўмаклашиш кириши мумкин»¹.

Ушбу китобни тайёрлаётганимда мен Яҳованинг Шоҳидлари жамоасининг оила институтига ва оилавий кадриятларга муносабати ҳақидаги ноёб социологик тадқиқотига дуч келдим. Мен Яҳова Шоҳидларининг бундай тадқиқотларини илгари учратмагандим. Аммо бу тадқиқотнинг янада ўзига хос томони шундаки, у М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети (МГУ) социология факультети оила социологияси ва демографияси кафедрасида олиб борилган. Мен Россиянинг бош университетининг тадқиқо-

¹ Уйғонинг! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2021. №1. – 4, 5-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/уйғонинг-1-2021-март-апр/оилавий-бахтга-элгувчи-доно-маслаҳатлар/).

тида тўхталмий шунчаки ўтиб кетишга ҳаққим йўқ эди. Унинг натижалари сизга ҳам қизиқарли бўлишига ишончим комил.

Москва давлат университети социологлари томонидан Москвадаги Яҳованинг Шоҳидлари Жамоасининг 997 нафар аъзоси сўровдан ўтказилди. Мана тадқиқот ҳулосалари:

«Оила ва болаларга ҳамда оилавийликка қаратилган фамилизм кадриятлар тизими сифатида ЯШ (Яҳованинг Шоҳидлари) орасида мустаҳкам никоҳ ва болали оилага ижобий муносабатларида намоён бўлади...»

«Умуман олганда танланма бўйича, ЯШ тажрибаси ўсиши никоҳ барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатгани аниқланди. ...бир қатор параметрлар бўйича ЯШ тажрибаси ортгани, никоҳ ва оилага бўлган йўналишни кучайтириш ва оилавийликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ – буни ижтимоий нуқтаи назардан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этмай бўлмайди».

«ЯШ респондентлари ўзларининг ЯШ бўлмаган турмуш ўртоқларининг фикрларини ҳурмат қилиш даражаси юқори эканлигини уларнинг турмуш ўртоқларининг деярли 60 фоизи улар билан бир диний эътиқодга эга эмаслиги (фақат аёллар орасида – 75,1%) тасдиқлайди. ЯШнинг виждон эркинлигига бағрикенглиги, шунингдек, турмуш қурган ЯШ респондентларининг 18 фоизининг турмуш ўртоғи атеист, 12 фоизининг православ, 3 фоизининг муслмон эканлиги ва 27 фоизида бошқа нарса қайд этилганлиги билан тасдиқланади».

«Сўровда қатнашганларнинг оилавий турмуш тарзига бўлган кадрият йўналишлари шундан далолат берадики, 97% умрбод никоҳни, 75% 3-4 болали оилани мақбул кўради».

«Шу билан бирга, замонавий ҳаётда оддий ҳол бўлган никоҳсиз ота-оналик, ҳар қандай сабабларга кўра сунъий абортлар қилиш, никоҳдан олдинги ва никоҳдан ташқари жинсий алоқалар, ўмирларнинг жинсий алоқаларига деярли 100% кескин салбий муносабат қайд этилди».

«Сўровда қатнашганларнинг деярли 100 фоизи никоҳнинг мустақамлиги эр-хотиннинг илиқ муносабатлар ўрнатиш қобилиятига, уларнинг бир-бирига содиқлиги ва ҳурматига боғлиқ деб ҳисоблайди. На жинсий алоқадан қониқиш, на оиланинг моддий фаровонлиги, уларнинг фикрича, деярли ҳеч қандай роль ўйнамайди. Никоҳнинг мустақамлиги нимага боғлиқ деган саволга – 0,5% оила фаровонлиги ва жинсий алоқадан қониқишга дея ва 99,5% – мустақам муносабатлар ўрнатиш қобилиятига дея жавоб беришди».

2001 йилда Москва давлат университетининг оила социологияси кафедраси мудир, профессор, фалсафа фанлари доктори (амалий психология бўйича), Россия социологлари ассоциацияси Президиуми аъзоси, БМТ Халқаро ахборотлаштириш академияси академик-котиби А. И. Антонов қуйидагича хулоса қилди:

«Сўров маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Яҳова Шохидларининг таълимотлари ва диний фаолиятининг оила ичидаги муносабатларга, эр-хотинлар, ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатларига ҳеч қандай салбий таъсири йўқ. Никоҳ ва оила соҳасидаги мулоқотнинг деярли барча жиҳатлари бўйича ЯШГа мансубликнинг ижобий таъсири, шунингдек, оила институтининг глобал қулашининг аянчли оқибатларига дуч келганларнинг руҳий жароҳатларининг ахлоқий ва инсонпарварлик жиҳатдан фойдали “даволаниши” аниқланди. Оилавий турмуш тарзига ва биринчи навбатда бир неча фарзандли умрбод никоҳга бўлган қадриятларга келсак, ушбу тадқиқотда олинган кўрсаткичлар пойтахт аҳолиси учун фамилизм жуда юқори даражада эканлигини кўрсатади»¹.

Фактлар мана шундай. Аниқ ва лўнда.

Аммо кимдир турмуш ўртоқларнинг турли эътиқодлари уларнинг никоҳига таҳдид солиши мумкинлигини таъкидлаб, бунга эътироз билдириши мумкинми? Вақти-вақти билан диндорларни ҳаттоки «оилаларни бузишда» айблашади. Мен бунга ҳам фактлар билан жавоб бермоқчиман.

¹ Семья и Библия: Научный отчет об итогах социологического исследования московской общины Свидетелей Иеговы (разработан профессором А. И. Антоновым и доцентом В. М. Медковым). М., 2001, 32-сах.

Мазкур айбловлар энг нуфузли халқаро суд органи – инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан икки марта кўриб чиқилгани китобхонга қизиқ бўлса керак. Ва икки марта бу суд қуйидагиларга аниқлик киритди:

«178. Илгари суд шунга ўхшаш айблов бўйича Россия судлари аризачи-ташкилоти томонидан ҳеч қандай мажбурлаш, куч ишлатиш ёки таҳдид қилувчи ҳаракатлар далилларини келтирмаганини аниқлаб, унда суд фикри бўйича “оилаларни мажбуран бузиш” деган нарса – бу Шоҳид бўлмаган оила аъзосининг кунгли совиши натижаси, чунки Шоҳид-қариндошлар ўз ҳаётларини диний қонун қоидаларига мувофиқ ташкил қилишни қандай танлашганлиги ҳақидаги келишмовчиликлар юзага келиши, чунки Шоҳид-қариндошлар тегишли жамоатдан ташқарида бўлиши уларнинг изоляциясини кучайтишига олиб келгани маълум бўлди. Маълумки, диний турмуш тарзи ўз издошларидан диний қоидаларга риоя қилишни, ҳамда, диндорлар вақтининг муҳим қисмини эгаллаши мумкин бўлган, диний ишларга бағишланишини талаб қилади. Лекин, диний ишларга ихлос қўйиш диндорнинг мустақил ва эркин қарори натижаси бўлса, ва унинг оила аъзолари бу қарордан қанчалик норози бўлмасин, кейинги бегоналашиш оиланинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин эмас. Кўпинча акси бўлади: **айнан динда бўлмаган оила аъзосининг қаршилиги туфайли диний қариндошининг ўз динига эътиқод қилиш эркинлигини қабул қилиш ва ҳурмат қилиш истамаслиги зиддият манбаи ҳисобланади.** Дарҳақиқат, турмуш ўртоқлар турли диний конфессияларга мансуб бўлган ёки турмуш ўртоқлардан бири имонсиз бўлган никоҳларда кўпинча низо пайдо бўлади. Бироқ, бу ҳолат барча аралаш диний никоҳлар учун хосдир ва Яҳованинг Шоҳидлари бундан мустасно эмас»¹.

¹ The case *Taganrog LRO and Others v. Russia* (application nos. 32401/10 and 19 others) – JUDGMENT 46-саҳ. Эл. манбага қ. (<http://hudoc.echr.coe.int/eng#%7B%22itemid%22:%5B%222001-217535%22%5D%7D>).

Шундай қилиб, турли эътиқодли одамларнинг оилаларидаги қийинчиликлар эътиқоди туфайли эмас, балки бағрикенглиги ва турмуш ўртоғининг ҳуқуқига ҳурмати йўқлиги туфайли юзага келади.

Яҳованинг Шоҳидларини оилаларни бузаётганликда айблаётган одамлар ҳақида шундай таассурот пайдо бўладики, ё бу одамлар уларнинг оилага оид позициясидан мутлақо беҳабар ёки ахборот афсоналари асирида, ёки – бу энг ачинарлиси – улар онгли равишда, шахсий антипатия ёки худбин ниятлари асосида бу масиҳий ташкилотига нисбатан очиқ ва қўпол ёлғон тарқатишмоқда.

43. Аллоҳга топиниш – нафақат ибодат қилиш ва йигилишларда қатнашдан иборат

«Чиндан ҳам, руҳсиз тана ўлик бўлганидек, ишларсиз имон ҳам ўликдир». (Ёқуб 2:26, ЯДТ)

«Эй инсон, У сенга нима яхши эканини айтган. Хўш, Яҳова сендан нимани талаб қиляпти? Адолатли иш тутиб, садоқатни сев, камтарлик ила Худога ҳамроҳ бў!» (Михо 6:8, ЯДТ)

«Агар бирор ким Аллоҳга топиняпман деб ўйласа-ю, аммо тилини тиймаса, у ўзини ўзи алдаган бўлади ва унинг топиниши бефойдадир. Отамиз Худонинг назарида тоза ва бенуқсон топиниш, қайгу чекаётган етим-есирларга ғамхўрлик қилишдан ҳамда дунёда ўзини пок сақлашдан иборатдир». (Ёқуб 1:26, 27, ЯДТ)

«Лекин шундай пайт келяптики, ҳақиқий топинувчилар Отага руҳ ва ҳақиқат билан топинишади ва бундай пайт келди ҳам. Айнан шундай топинувчиларни Ота ўзига излайди. Аллоҳ руҳий Шахсдир. Унга топинаётганлар руҳ ва ҳақиқат билан топинишлари керак». (Юҳанно 4:23, 24, ЯДТ)

«Аммо топинишимиз шунчаки ҳис-туйғу эмас; самимий топиниш амалда кўринади. (Ёқб. 2:26) Ўзимизни Яҳовага бағишлаганда, ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида Унга Ҳукмдоримиз сифатида итоат этишга ва исмига чуқур ҳурмат кўрсатишга ваъда берамиз. Исо учинчи васвасага жавоб берганда, топинишни “муқаддас хизмат” билан боғлаганини эсланг. (Мат. 4:10) Яҳованинг топинувчилари

сифатида Унга сидқидилдан хизмат қилишни истаймиз. (Қонун. 10:12) Топинишимиз билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган ва фидойиликни талаб қиладиган ишларни қилганимизда, Худойимизга муқаддас хизматни адо этган бўламиз. Бу қандай ишлар? Муқаддас хизматни кўпгина йўллар орқали адо эта бўлади ва уларнинг бари Яҳова учун қадрлидир. Масалан, бошқаларга шоҳидлик бериб, жамоат учрашуварларида қатнашиб, йиғилиш ўтадиган жойларга ғамхўрлик қилиб ва уларни қуришда қатнашиб муқаддас хизматда иштирок эта оламиз. Қолаверса, оилавий топинишда қатнашиб, табиий офатдан зарар кўрган имондошларимизни қўллаб-қувватлаб, анжуманларда ихтиёрий хизматчи сифатида ёрдам бериб ёки Байтилда хизмат қилиб муқаддас хизматни адо этган бўламиз. (Иброн. 13:16; Ёқб. 1:27) Пок топиниш онгимизу қалбимизда биринчи ўринда турса, “туну кун муқаддас хизматни адо этамиз”. Тангримиз Яҳовага топинишдан хурсандмиз! (Вах. 7:15)»¹

Шундай қилиб, Яҳованинг Шоҳидлари учун Худога топинишнинг асосий таркибий қисмлари куйидагилардир:

- Худога ибодат.
- Муқаддас Китобни ўқиш ва тадқиқ қилиш.
- Муқаддас Китобда ўқиганларингиз устида мулоҳаза юритиш.
- Биргаликда ўтадиган диний йиғилишлар.
- «Шоҳлик ҳақидаги хушxabарни» ваъз қилиш ва «қабул қилишга мойил бўлганларни» излаш.
- Муҳтожларга ёрдам бериш.
- Диний биноларни қуриш ва таъмирлаш.
- Табиий офатлардан жабрланганларга ёрдам бериш.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Яҳованинг Шоҳидлари ҳатто диний йиғилишдан кейин диний бинони тозалашни ҳам Худога хизмат қилишнинг бир қисми деб билишади.

¹ Ниҳоят пок топиниш тикланди! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2021. – 10-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/пок-топиниш/рамкалар/худога-топиниш-нима-дегани/).

44. Худонинг хизматчиларининг жамоатлари бирлик ва севги билан ажралиб туриши керак

«Мен фақатгина улар учун эмас, балки уларнинг сўзи туфайли менга ишонадиган кишилар учун ҳам илтимос қиламан. ... Мен улар билан бирликдаман ва Сен мен билан бирликдасан. Улар ҳам чинакамига бирликда бўлишсин, токи дунё, мени Сен юборганингга ва мени севганингдек, уларни ҳам севишингни англасин». (Юҳанно 17:20–23, ЯДТ)

«...Тана битта бўлгани билан унинг аъзолари кўп. Аммо аъзоларнинг бари кўп бўлишига қарамай, битта танани ташкил этади. Масиҳнинг танаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳоҳ яҳудий бўлсин, ҳоҳ юнон, ҳоҳ кул бўлсин, ҳоҳ озод киши – барчамиз битта танани ташкил этиш учун бир руҳ орқали чўмдирилдик ва ҳаммамиз ўша муқаддас руҳга эга бўлдик». (1 Коринфликларга 12:12, 13, ЯДТ)

«Мен сизларга янги амр беряпман: бир-бирингизни севинглар. Мен сизларни севганимдек, сизлар ҳам бир-бирингизни севинглар. Агар орангизда меҳр-мухаббат бўлса, сизлар менинг шогирдларим эканингизни барча билиб олади». (Юҳанно 13:34, 35, ЯДТ)

Яҳованинг Шоҳидлари улар орасида ижтимоий, этник, ирқий ёки синфий бўлинишлар бўлмаслиги учун тинмай ҳаракат қиладилар. Бироқ бу бирлик, шахсий танлов масалаларида хилма-хилликни истисно қилмайди, чунки бу борада ҳар бир Шоҳид ўз виждонига кўра қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Яҳова Шоҳидларининг халқаро бирлиги ҳақида жуда яхши маълум. Улар миллатчилик ва ирқчиликнинг ҳар қандай кўринишини қоралайди. Уларнинг халқаро анжуманларида Шоҳидлар бошқа мамлакатлар ва маданиятлардан бўлган имондошлари орасида ўзларини қандай эркин ҳис қилишларини кўриш мумкин. Улар ўзларини «халқ» деб аташади ва бундай бирликни ҳақиқий масиҳийликнинг ўзига хос белгиси деб билишади.

Аммо Яҳованинг Шоҳидлари орасидаги бундай бирлик бир-хилликни англамайди. Аксинча, бу хилма-хилликдаги бирликдир.

Диндорлар ўзлари келиб чиққан мамлакатларнинг маданиятини яхши кўрадилар. Бу ҳақда «Кўриқчи минораси»да шундай ёзилган: «Оила, маданият ва ўсиб-улғайган ҳудудимиздан сира ҳам уя-маслигимиз лозим (Ҳавор. 21:39)»¹. Буни Яҳова Шоҳидларининг халқаро анжуманлари жуда яхши тасдиқлайди. Бундай тадбирларнинг кечки дастурлари миллий рақслар, қўшиқлар ва, албатта, миллий таомлар билан давом этади. Вакиллар эса кўпинча миллий либосларда бўлишади.

Шунингдек, ушбу эътиқоднинг ўзига хос хусусияти – бу катта танлов эркинлиги ва кўплаб масалалар бўйича ўз қарорларини қабул қилиш имконига эгалиқдир.

Шундай қилиб, Яҳованинг Шоҳидлари эътиқодини ташкил этувчи асосий низомлар санаб ўтилди. Баъзилари батафсилроқ муҳокама қилинди, баъзилари эса фақат умумий кўриб чиқилди.

Аммо, агар биз Яҳованинг Шоҳидлари томонидан тан олинмаган баъзи христиан постулатларига эътибор қаратмасак, таҳлилимиз тўлиқ бўлмайди, чунки бир қатор «анъанавий христианликда ақидавий мазмунга эга Муқаддас Китоб тушунчалари» улар томонидан тубдан бошқача «талқин қилинади: уларнинг фикрича, Муқаддас Битикнинг ҳарфи ва руҳини аниқроқ тушунишлари асосида»².

Яҳованинг Шоҳидлари **Рождествони ҳам, Пасхани ҳам нишонламайдилар**, католиклар ёки православлар томонидан нишонланадиган бошқа христиан байрамлари ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Бу ерда гап, улар ўйин-кулгига қарши эканлигида эмас, балки улар ўзларининг асосий қоидасига қатъий риоя қилишидадир: Муқаддас Китобда бундай байрамлар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган ва улар биринчи масиҳийлар томонидан ҳам нишонланмаган.

Мана, уларнинг адабиётида бу ҳақда нима ёзилган:

¹ Кўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2015. 15 май. – 15-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyr1/кутубхона/журналлар/w20150515/шайтон-билан-курашиб-ғалаба-қозонинг/).

² Гордиенко Н. С. Российские Свидетели Иеговы: история и современность. – СПб, Лимбус Пресс, 2000. – 48-саҳ.

«Биринчидан, Муқаддас Китобда бирор ким Исонинг ёки Худонинг бошқа содиқ хизматчисининг туғилган кунини нишонлагани ҳақида ҳеч қандай ишора йўқ. ...“Британия энциклопедиясига” кўра, илк масиҳийлар “туғилган кунни нишонлаш бутпарастлик анъанасини” рад этишган. Муқаддас Китобда Исонинг туғилган санаси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Макклинток ва Стронг энциклопедиясида: “Масиҳнинг туғилган санасини Янги Аҳддан ҳам, бошқа манбалардан ҳам билиб бўлмайди”, — дейилади. Агар Исо масиҳийлар унинг туғилган кунини нишонлашларини хоҳлаганида, уларга албатта аниқ санани айган бўларди... Иккинчидан, Муқаддас Китобда Исо ёки унинг шогирдларидан бирортаси Рождествони нишонлагани ҳақида ҳеч қаерда айтилмаган. Янги католик энциклопедиясига кўра, Рождествони нишонлаш ҳақида биринчи марта “тахминан 336 йилда [мил. авв.] тузилган Рим альманахи Филокалнинг “Хронографи”да эслатиб ўтилган”. Бу вақтга келиб, Муқаддас Китоб ёзилганидан ва Исонинг ерга келганидан бир неча асрлар ўтган эди. Шунинг учун Макклинток ва Стронг Энциклопедиясида таъкидланишича, “Рождество байрамини нишонлаш Худо томонидан белгиланмаган ва Янги Аҳддан келиб чиқмаган”... Буюк Устоз Исо Масиҳ ўз издошларига улардан нима ни кутишини аниқ тушунтириб берган ва бу кўрсатмалар Муқаддас Китобда ёзилган. Аммо Рождествони нишонлаш улар ичига киритилмаган. Мактаб ўқитувчиси ўқувчилар уларга берилган кўрсатмалардан ташқарига чиқмаслигини кутганидек, Исо ҳам ўқувчиларининг Муқаддас Китобда “ёзилганидан ташқарига чиқишларини” хоҳламаган (1 Коринфликларга 4:6)»¹.

Аввалроқ, «Кўриқчи минораси»нинг 2012 йил 1 декабрь сонида қўшимча далиллар келтирилган эди:

«...Қизиғи шундаки, XVII аср ўрталарида Англияда бу байрам [Рождество] парламент қарори билан тақиқланган. Қўшма Штат-

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2017. № 6. – 15-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/сторожевая-башня-выпуск-6-2017-ноябрь/христианское-рождество-библия/).

ларда Массачусетс штати қонун чиқарувчи органи худди шундай тақиқни эълон қилган. Нима учун? “Рождество учун кураш” китобида шундай дейилган: “Исонинг туғилиши 25 декабрга тўғри келиши ҳақида тарихий ёки Муқаддас Китобга асосланган ҳеч қандай далил йўқ”. Унда шунингдек, пуританлар учун “Рождество христианлик ўрамидаги бутпараст байрам эди — ундан ортиғи эмас, дейилган” (The Battle for Christmas)»¹.

Исонинг туғилган куни ҳам, ойи ҳам, ҳатто аниқ йили ҳам бизга номаълум. Шундай қилиб, ушбу байрамнинг ўзи, маълумки, милодий IV асрга келибгина Исонинг туғилиши ҳақидаги инжил воқеаси хотирасига бағишланиб тамомила жорий этилган.

Пасха – яна бир йирик диний байрамдир. “The Encyclopedia Britannica” шундай тушунтиради: «На Янги Аҳдда, на ҳаворий Оталарининг ёзуварларида Масиҳнинг тирилишини нишонлаш ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Қайсидир кунларнинг муқаддаслиги ғояси биринчи масиҳийлар учун бегона эди»².

Христианлар томонидан Пасха байрамининг нишонланиши ҳақиқатан ҳам Муқаддас Китоб томонидан эмас, балки милодий 325 йилда Биринчи Экуменик Кенгаш томонидан киритилган. Бугунги кунда маълум бўлган бошқа кўплаб христиан байрамлари сингари, Рождество ва анъанавий христиан Пасха ҳам (Мусо пайғамбар давридан бошланган яҳудийларнинг байрами билан адаштирмаслик керак) Муқаддас Китобдан кейинги даврда пайдо бўлган.

Яҳованинг Шоҳидлари ушбу байрамга нисбатан ўз позицияларини қуйидагича тасвирлайдилар:

«Христианларнинг Пасха байрамлари Муқаддас Китобга асосланмаган. Исо тирилиш кунини эмас, балки ўлим кунини нишонлашни буюрган. Шунинг учун, ҳар йили Муқаддас Китобдаги ой тақвимига кўра унинг ўлган кунини биз Хотирлаш кечлигини

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2012. 1 декабрь. – 10-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/wp20121201/почему-некоторые-не-празднуют-рождество/).

² The Encyclopedia Britannica. Т. 8.1910. – 828-саҳ.

нишонлаймиз. (Луқо 22:19, 20) Аминмизки, Пасха урф-одатларининг келиб чиқиши қадимги ҳосилдорлик культлари билан боғлиқ бўлиб, бу эса ушбу байрамни Худо олдида номақбул қилади. Худо биздан “мутлақ садоқат”ни талаб қилади; унга ёқмайдиган диний ишларни қилсак, у қаттиқ ранжийди. (Чиқиш 20:5; 3 Шоҳлар 18:21) Ишончимиз комилки, Пасха байрамини нишонламаслик ҳақидаги қароримиз Муқаддас Китобга мустаҳкам асосланган бўлиб, у бизни инсоний урф-одатларга риоя қилиш ўрнига “донолигу тафаккурни” ишга солишга ундайди. (Ҳикматлар 3:21; Матто 15:3) Биздан Пасха байрамига муносабатимиз ҳақида сўрашганда, биз ўз эътиқодларимиз билан бажонидил бўлишамиз. Шу билан бирга, биз ҳар кимнинг қандай йўл тутишни ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини ҳурмат қиламиз (1 Бутрус 3:15)»¹.

Шу билан бирга, Яҳованинг Шоҳидлари қисматга ёки тақдирга ҳам ишонмайдилар.

Уларнинг ўзлари айтганидек: «Худо бизга ирода эркинлигини, яъни ўзимиз қарор қабул қилиш қобилиятини тақдим этган. У нима қилишимиз кераклигини олдиндан белгиламайди ёки буни тақдир тақозосига қолдирмайди. Худо одамларни Ўзига монанд қилиб яратган. (Ибтидо 1:26) Асосан инстинкт томонидан бошқариладиган ҳайвонлардан фарқли ўларок, биз Яратувчимизга ўхшаб севги ва адолат каби фазилатларни намоён эта оламиз. Ва худди Яратувчимиз сингари, биз ҳам ирода эркинлигига эгамиз. Бизнинг келажгимиз кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Муқаддас Китоб бизни: “Ҳаётни танланглар... Унга [Худого] қулоқ солинглар”, яъни унинг амрларини бажаринглар, дея ундамоқда. (Амрлар 30:19, 20) Агар бизда ирода эркинлиги бўлмаганида, бунга рағбатлантириш маъносиз, ҳатто шафқатсиз бўлар эди. Худо бизни итоат қилишга мажбурламапти, балки бизни илиқлик билан рағбатлантиряпти: “Қанийди амрларимга диққатли бўлганингда эди! Хотиржамлигинг гўё

¹ Почему Свидетели Иеговы не празднуют Пасху? Яхова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/свидетели-иеговы/часто-задаваемые-вопросы/почему-не-празднуюте-пасху/).

дарёдай, одиллигинг денгиз тўлқинларидай бўларди”. (Ишаё 48:18) Бизнинг ютуқларимиз ёки муваффақиятсизликларимиз тақдир томонидан белгиланмайди. Агар бирор нарсада муваффақиятга эришмоқчи бўлсак, кўп меҳнат қилишимизга тўғри келади. Муқаддас Китобда: “Қўлингдан қандай иш келса, уни жон-жаҳднинг билан бажар”, — дейилган. (Воиз 9:10) Шунингдек, унда: “Тиришқоқнинг режалари муваффақият келтиради”, — деб айтилган. (Ҳикматлар 21:5) Ирода эркинлиги – Худонинг қимматбаҳо совғасидир, чунки бу туфайли Уни “бутун қалбимиз билан”, яъни ихтиёрий равишда севишимиз мумкин (Матто 22:37)»¹.

Айтганча, Москва давлат университетининг юқорида айтиб ўтилган социологик тадқиқотида Яҳованинг Шоҳидлари ҳақида шундай дейилган:

«Муҳим ва кутилмаган натижа шундаки, инсон ҳаёти инсоннинг ўз саъй-ҳаракатларига боғлиқ, деб ҳисоблайдиганларнинг фоизи ҳайратланарли даражада юқори бўлиб чиқди (Яҳованинг Шоҳидлари бўлмаган респондентларнинг 55 фоизига нисбатан 88 фоиз). Шахснинг ташқи шароитлар ва тақдирдан мустақиллигига, унинг фаол ролига урғу бериши, ҳойнаҳой, Яҳованинг Шоҳидлари динининг ўзига хос хусусиятидир... Москва Яҳованинг Шоҳидлари орасида ўз саъй-ҳаракатларига ишониш кўрсаткичи ҳатто тадбиркор ва банкирларга қараганда анча юқори, гарчи бизнинг танланма-миздагиларнинг турмуш даражаси ушбу тоифалардан пастроқ бўлса ҳам... Фамилистик йўналиш ЯШнинг ушбу фаол сифати билан яхши боғлиқ, чунки ЯШнинг диний мансублиги доирасида юқори баҳоланадиган ҳамма нарса, қабул қилинган қадриятлар тизимини шахсий ҳаёт амалиётига айлантириш истаги билан боғлиқ».

Ушбу бобни яқунлаётиб, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Яҳова Шоҳидларининг эътиқоди бирданига шаклланмаган. Унинг келиб чиқишини Яҳова Шоҳидларининг асосий диний нашри бўлмиш

¹ Что говорится в Библии о свободе воли? Предопределяет ли Бог судьбу? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библейские-учения/вопрос/свобода-воли-в-библии/).

«Кўриқчи минораси»нинг турли нашрларида чоп этилган мақолалар орқали кузатиш мумкин. Ушбу китобнинг охирида сиз мазкур ташкилот тарихининг батафсил хронологиясини топасиз, унда ушбу мақолаларнинг аксарияти кўрсатилган.

Шундай қилиб, Яҳова Шоҳидларининг асосий таълимотларини батафсил кўриб чиқиб, биз қуйидаги хулосалар чиқаришимиз мумкин:

1. Яҳова Шоҳидларининг таълимотлари ҳақиқатан ҳам фақат Муқаддас Китобга асосланади ва Муқаддас Китобда ўз тасдиғини топмаган ҳамма нарса улар томонидан рад этилади.

2. Яҳованинг Шоҳидлари ишонадиган нарсаларга турлича муносабатда бўлиш мумкин, лекин уларнинг таълимоти албатта масиҳийлик эканлигини тан олмай бўлмайди.

3. Шоҳидларнинг кўпгина таълимотлари бошқа христиан оқимлари ва конфессияларида ҳам мавжуд ёки илгари мавжуд бўлган.

4. Яҳова Шоҳидларининг эътиқоди бағоят тинчликсевар ва бунёдкордир. У диндорнинг шахсиятига ижобий таъсир кўрсатади, унинг ўзини ўзи англашига, ўзини ривожлантиришига ёрдам беради. Диндорнинг ўзини тута билиш даражаси, ўз ҳаракатлари ва ҳаёти учун масъулиятни оширади. Диндорлар юқори даражадаги ижтимоийлашув ва мустаҳкам оилалар билан ажралиб туради. Меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, альтруизм ва қонунга бўйсунуш — диндорларнинг аксариятини тавсифловчи энг ёрқин хусусиятлардир. Шубҳасизки, ушбу дин эътиқоди бундай одамларни Жамоага жалб қилади ёки уларни шундай тарбиялайди (бунёд этади). Ва эътиқодни эътироф этиш тажрибаси юқоридаги фазилатларнинг ўсиши ва жадаллилигига бевосита таъсир қилади.

4-БОБ

ТАШКИЛОТ ҚАНДАЙ ТУЗИЛГАН?

Яҳова Шоҳидларининг диний ташкилоти вертикал йўналишда ҳаракатланадиган, марказлаштирилган структурага, яъни ўзига хос «диний-демократик централизм» шаклига эга тузум. Ушбу структура ташкилот мавжуд бўлган 150 йил мобайнида ривожланиб келган. Мазкур китобнинг иловасида бу ташкилотнинг тарихий хронологияси ва ушбу ривожланишнинг муҳим босқичлари келтирилган.

Яҳова Шоҳидларининг ўзи ташкилотининг тузумини «теократик» деб аташади. Бу «Худонинг [те·о·с] ҳокимиятини [кра·тос]» билдиради.

«Қўриқчи минораси»нинг 1938 йил 1 ва 15 июнь (рус тилида – 1939 йил май ва июнь) сонидаги «Ташкилот» номли икки қисмли мақолада шундай таъкидланган: «Яҳованинг ташкилоти умуман демократик ташкилот эмас. Яҳова – Қодир Тангри ва Унинг бошқарувию ташкилоти теократияга асосланган»¹.

Шоҳидларнинг тушунтиришича, теократиянинг асосий принципи Муқаддас Китобда, 1 Коринфиликларга 11:3 да ёзилган: «Шуни билишингизни хоҳлардимки, ҳар бир эркакнинг боши Масих, аёлнинг боши эркак, Масихнинг боши эса Худодир». Уларнинг адабиётларида тушунтирилганидай, «теократияга чинакамига амал қилиш учун бошчиликка шунчаки бўйсунушнинг ўзи етарли эмас, бундан кўпроғини қилиш керак... Яҳованинг ҳамма фазилат-

¹ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 217-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Всемирное-братство/Становление-организации/).

ларига тақлид қилиш ва айтганларига амал қилиш муҳим. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида Яҳова каби йўл тутиш лозим. Яҳова Ўз Ўғлига бутун ҳокимиятни топширган экан, теократияга амал қилиш Исога тақлид қилишни ҳам ўз ичига олади»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари ташкилотни тирилган Исо Масих бошқараётганига ишонишади. Ҳозир у Худо билан бирга осмонда ва имонлилар жамоатининг Боши бўлиб, Худонинг Шоҳлигида ҳукм суряпти (ушбу китобнинг 3 бобида бу борада батафсил ёзилган).

Яҳова Шоҳидларининг дастлабки ташкилий тузуми имонли кишиларнинг маҳаллий жамияти бўлиб, *жамоат* деб номланади. Жамоат сувга чўмган Яҳованинг Шоҳидларидан ва сувга чўммаган ёки *яқинлаштирилган* инсонлардан иборат.

Қандай қилиб инсон Яҳованинг Шоҳиди ва жамоат аъзоси бўлади?

Ҳаётини Худога бағишлаб, Яҳованинг Шоҳиди бўлишни хоҳлаганлар учун сувга чўмиш маросими ўтказилади.

Лекин сувга чўмишдан олдин «Худога бағишланиш» лозим. Шоҳидларнинг ўзи шундай ёзади: «Бағишланиш ўзи нима? Сувга чўмишдан олдин бағишланишингиз керак. Бағишланганда сиз Яҳовага чин дилдан ибодат қилиб, Унга абадий хизмат қилмоқчи эканингизни айтасиз. Худога бағишланганингизда ўзингиздан кечасиз. (Матто 16:24 ни ўқинг.) Бундан кейин Яҳовага тегишли бўласиз. Бу эса катта шараф! (Рим. 14:8) Сиз Унга: «Энди ўзимни мамнун қилмай, диққатимни Сенга хизмат қилишга қаратаман»,— деган бўласиз. Бағишланиш қасам бўлиб, Худога берилган расмий ваъда ҳисобланади. Яҳова бундай қасамни ичишга бизни мажбур қилмайди. Бироқ бу қасамни ичсак, биздан уни бажаришни кутади. (Заб. 116:12, 14) Бағишланишни шахсан ва ёлғиз ўзингиз қиласиз; бу сиз билан Яҳова ўртасида бўлади»².

¹ Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 1994. 1 июль. – 26-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1994485).

² Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2020. Март. – 9-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-2020-март/сиз-сувга-чўмишга-тайёрмисиз/).

Олдин айтганимиздай, Яҳова Шоҳидларининг эътиқодларини қабул қилмоқчи бўлган инсоннинг қарори онгли равишда чиқарилганига ишонч ҳосил қилиш учун, унинг хоҳишига кўра, у билан Муқаддас Китоб тадқиқи ўтказилади. Бу тадқиқлар давомида инсон Яҳова Шоҳидларининг эътиқодлари ва диний фаолияти борасидаги асосий таълимотлар билан танишади. Бундан ташқари, ҳамма хоҳловчилар жамоат томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда бемалол қатнашиши ва Яҳова Шоҳидларининг Муқаддас Китобга асосланган адабиётларини ўқиши мумкин.

Тадқиқни тугатган ва ташкилот фаолиятида кўпроқ қатнашмоқчи бўлганлар бу ҳақида жамоат оқсоқолларининг бирига хабар бериши мумкин. Кишининг хоҳишига кўра, у билан суҳбат ўтказилади. Суҳбат пайтида оқсоқоллар бу инсон Муқаддас Китобдаги асосий таълимотларни тушунаётганини, уларга амал қилиш истаги бор-йўқлигини ва масиҳий сифатида яшаётганини аниқлашга интилишади. Агар инсон асосий ахлоқий меъёрларга амал қилса (қонуний никоҳда бўлса; агар турмуш қурмаган бўлса, жинсий ахлоқсизлик қилмаса; ҳукмрон ҳокимиятнинг қонунларини бузмаса; чекмаса; спиртли ичимликларни истеъмол қилишда меъерини билса), шунингдек, Яҳованинг Шоҳидлари Муқаддас Китобдаги ҳақиқатларни тўғри тушунаётганига ишончи комил бўлса ва бу ҳақиқатларни бошқаларга айтишни истаса, унга жамоатда сувга чўммаган ваъзгўй сифатида хизмат қилиши мумкинлигини айтишади.

Кейинчалик, бу киши ўзини Худога бағишлашга қарор қилиб, бу борада ибодат қилган бўлса, Яҳованинг Шоҳиди сифатида сувга чўмиш қарори ҳақида жамоат оқсоқолларининг бирига хабар бериши мумкин. Шунда у билан иккита суҳбат ўтқазилиб, таълимотлар ва ҳаёт тарзига оид 60 та савол муҳокама қилинади. Суҳбат давомида оқсоқоллар у Худога маъқул келадиган ҳаёт тарзи билан боғлиқ масъулиятни ўз ихтиёри билан ва онгли равишда қабул қилаётганига ишонч ҳосил қилишни ишташади.

Сувга чумиш ҳақида уларнинг нашрларида шундай ёзилган:

«1. Сувга чўмишдан аввал қанча билимга эга бўлишингиз керак? Сувга чўмиш учун “ҳақиқат тўғрисида аниқ билимга эга бўлишингиз” лозим. (1 Тимўтийга 2:4) Бу сувга чўмишдан аввал Муқаддас Китобга оид ҳар бир саволнинг жавобини билишингиз кераклигини англамайди. Масиҳий анча вақт олдин сувга чўмган бўлса ҳам, билим олишда давом этади. (Колосаликларга 1:9, 10) Бироқ Муқаддас Китоб таълимотлари борасида асосий тушунчаларни билишингиз даркор. Жамоат оқсоқоллари билимингиз етарли ё етарли эмаслигини аниқлашингизга қўмаклашади.

2. Сувга чўмишдан аввал қандай қадамлар қўйишингиз лозим? Сувга чўмишдан аввал “тавба қилиб, Худога қайтишингиз” керак. (Ҳаворийлар 3:19 ни ўқинг.) Бу ўтмишдаги ҳар қандай гуноҳингиздан тавба қилиб, Яҳовадан кечирим сўрашингизни билдиради. Шунингдек, ёмон хулқ-атвордан тўлиқ воз кечиб, Худони мамнун қилиб яшашга қатъий қарор қилишингиз даркор. Бундан ташқари, йиғилишларга қатнаш ва сувга чўммаган ваъзгўй сифатида воизлик хизматида иштирок этиш орқали жамоат билан ҳамкорлик қилишингиз лозим»¹.

«Сувга чўмишга тайёр эканингизни ҳис қилаётган бўлсангиз, демак, Яҳова билан яхши муносабатларни қуриш учун бир неча қадам қўйиб бўлгансиз. Муқаддас Китобни мунтазам тадқиқ қилиш натижасида Яҳова ҳамда Исо тўғрисида кўп нарсани билиб олдингиз. Имонингиз ривожланди. (Иброн. 11:6) Яҳованинг Муқаддас Китобдаги ваъдаларига тўлиқ ишонадиган бўлдингиз ва Исонинг қурбонлигига ишончингиз сизни гуноҳ ва ўлимдан қутқаришига аминсиз. Гуноҳларингиздан тавба қилдингиз; қилган ёмон ишларингиздан пушаймонсиз ва Яҳовадан сизни кечиришини сўрадингиз. Ҳаётингизни ўзгартирдингиз; илгариги ёмон ҳаёт тарзидан воз

¹ Ҳаётдан тобад завқланинг! Муқаддас Ёзувлар асосида жонли суҳбатлар. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2021. – 195-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-sutl/kutubxona/kitoblar/haetdan-toabad-zavqlaninig/3-bulim/47-dars/).

кечдингиз ва Худони мамнун қилиб яшай бошладингиз. (Ҳавор. 3:19) Эътиқодингиз тўғрисида бошқаларга айтиб беришга интиляпсиз. Сувга чўммаган ваъзгўй бўлиш талабларига мос келдингиз ва жамоат билан ваъз қила бошладингиз. (Мат. 24:14) Бундай зарурий қадамлар қўйганингиздан Яҳова фахрланмоқда. Сиз Унинг қалбини қувонтиряпсиз. (Ҳик. 27:11)

Сувга чўмишингиздан олдин яна айрим нарсаларни қилиш керак. Айтиб ўтганимиздек ўзингизни Худога бағишлашингиз лозим. Холи қолиб унга мурожаат қилинг, самимий ибодат қилинг ва Унинг иродасини бажаришга ваъда беринг. (1 Бутр. 4:2) Кейин оқсоқоллар кенгашининг раисига сувга чўммоқчи эканингизни айтинг. У айрим оқсоқоллардан сиз билан учрашишни сўрайди. Улар билан учрашишдан қўрқманг. Эсада тутинг, бу азиз биродарлар сизни билишади ва севишади. Улар сиз билан Муқаддас Китобдаги асосий таълимотларни кўриб чиқишади. Улар сиз бу таълимотларни ва бағишланиш ҳамда сувга чўмиш муҳим эканини тушунаётганингизга ишонч ҳосил қилишни исташади. Тайёр эканингизни кўришса, кейинги туман ёки ҳудудий анжуманда сувга чўмишингиз мумкинлигини сизга айтишади»¹.

Инсон бир неча ойдан бир неча йилгача сувга чўммаган ваъзгўй сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу қанча вақт давом этишини ҳар ким ўзи ҳал қилади. Ахлоқ борасидаги Муқаддас Китоб меъёрлари сувга чўмган ва сувга чўммаган аъзолар учун бир хил.

Шундай экан, Яҳованинг Шоҳидлари одамларни ўз динига «мажбурлаб олиб киришади» деган гап-сўзлар бутунлай ногўғри ва нодонлиқдир. Аслини олганда, Яҳованинг Шоҳиди бўлиш унчалик осон эмас.

Одатда ҳар йили ўтадиган анжуманларда сувга чўмиш маросими бўлиб ўтади. Сувга чўмишга хоҳиш билдирганлар саҳна олдидаги

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2020. Март. – 9-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-2020-март/сиз-сувга-чўмишга-тайёрмисиз/).

биринчи қаторда ўтиришади. Маърузачилардан бири уларга бу қадам жиддий ва масъулиятли эканини таъкидлаб, махсус нутқ билан мурожаат қилади. Нутқнинг охирида маърузачи улардан ўз ўрнидан туришни ва бу қарори ихтиёрий ва онгли равишда чиқарилганини тасдиқловчи иккита саволга жавоб беришни сўрайди. Аниқ жавобдан кейин маърузачи ибодат қилади.

Кейин улар сувга чўмиш учун бассейн ёки дарёнинг ёнига таклиф қилинади. Сўнг улар навбатма-навбат бассейнга киришади, иккита оқсоқол эса уларни бир неча сонияга юзлари юқорига қаратилган ҳолатда сувга тўлиқ чўмдиришади. Шу тарзда, гуноҳкор ва худбин истакларга тўлган аввалги ҳаётдан воз кечишини ва Худога ҳамда яқинларига хизмат қилиш учун, солиҳлик учун очилган, янги ҳаётга қайта туғилишини англагади.

Сувга чўмиш маросими фақат инсон (буни яна таъкидлаб ўтиш керак) онгли равишда бунга қарор қилса ва муайян талабларга мос келсагина ўтказилади. Бу маросим, масалан, православ черковида бўлганидай, сирли ёки яширин эмас, балки инсон ўзини Яҳовага бағишлаганининг рамзи, холос.

«Сувга чўмгандан кейин нима қилишингиз керак? Бағишланиш қасам эканини ва Яҳова сиздан уни бажаришни кутишини эсда тутинг. Сувга чўмгандан кейин бағишловингизга мувофиқ яшашингиз керак. Буни қандай қилса бўлади? Жамоатингиз билан яқин бўлинг. Сувга чўмган масиҳий сифатида энди сиз “имондошлар” сафига қўшиласиз. (1 Бутр. 2:17) Жамоатдаги биродару опа-сингиллар маънавий оилангиздир. Йиғилишларга мунтазам қатнаб улар билан ришталарингизни мустаҳкамлайсиз. Ҳар куни Худонинг Каломини ўқиб, мулоҳаза юритинг. (Заб. 1:1, 2) Муқаддас Китобдан бир парча ўқигач, улар устида чуқур мулоҳаза юритишга вақт ажратинг. Шунда улар қалбингизга таъсир қилади. “Доим ибодат қилинг”. (Мат. 26:41) Самимий ибодатлар қилиб Яҳовага янада яқин бўласиз. “Худонинг Шоҳлиги... ҳамиша биринчи ўринда бўлсин”.

(Мат. 6:33) Ваъзгўйлик иши ҳаётингизда устувор бўлса бунга рия қилган бўласиз. Хизматда мунтазам иштирок этиб имонингизни мустаҳкам сақлайсиз ва бошқаларга абадий ҳаётга элтувчи йўлдан юришга қўмақлашасиз. (1 Тим. 4:16) Ўзингизни Яҳовага бағишлаш ва сувга чўмиш ҳаётингиздаги энг муҳим қарордир»¹.

Юнонча ёзувларда «жамоат» ёки «черков» деб таржима қилинган юнонча *эклесия* сўзи бирга йиғилган бир гуруҳ одамларни англатади. Бу сўз яқдиллик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш маъноларини ўзида мужассам этган.

Яҳова Шоҳидларининг адабиётларида таъкидланишича, «жамоат Яҳовага топинаётган инсонлар учун доим ҳимоя ва паноҳ бўлиб келган... Бугунги кунда имонлилар жамоати ўша-ўша эътиқодга эга, бир-бирини мустаҳкамлайдиган ва қўллаб-қувватлайдиган одамлар жамиятидир»².

Яҳованинг Шоҳидлари жамоат учрашувларини Йиғилиш заллари деб аталадиган биноларда ёки имондошларининг уйида ҳафтада икки марта ўтказишади. Одатда Йиғилиш заллари маҳаллий шароитларга мос қилиб қурилади, лекин бинонинг ўзи ва ичидаги ҳолат ҳашаматли бўлмаслиги лозим, чунки у «жамоат йиғилишлари» қулай тарзда ўтказилиши учун мўлжалланган. Яҳова Шоҳидларининг адабиётларида кўпинча шундай дейилади: «Йиғилиш зали одамларни қойил қолдирадиган данғиллама биноларга ўхшамаслиги лозим. Гарчи турли мамлакатларда Йиғилиш заллари бир-биридан фарқ қилса-да, асосий мақсадига хизмат қилиши даркор. (Ҳаворийлар 17:24) Бу маҳаллий шароитларга мос ва жамоат йиғилишларини

¹ Куриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2020. Март. – 13-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/куриқчи-минораси-тадқиқ-сони-2020-март/сиз-сувга-чўмишга-тайёрмисиз/).

² Сторожевая башня. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 1999. 15 май. – 25-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1999365).

ўтказишга қулай, шинам жой бўлиши керак»¹. Баъзи Йиғилиш залларида Муқаддас Китобда тилга олинган воқеалар тасвирланган расмларни кўриш мумкин. Улар фақат безак сифатида хизмат қилади ва топинишда қўлланилмайди.

Адабиётларни чоп этиш каби Йиғилиш залларини қуриш ҳам Яҳованинг Шоҳидларини бошқалардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятдир. Ташкилотда топиниш учун мўлжалланган биноларни лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича алоҳида бўлимлар ва мутахассислар мавжуд. Бундай мутахассисларнинг бошчилиги остида маҳаллий жамоатдаги ихтиёрий ишчилар Йиғилиш залларини қуришади. Албатта, жуда қийин қурилиш ишларини олиб бориш учун пудратчилар ёрдамидан фойдаланилади. Қурилган залнинг таъмирланиши ва тозалаш ишлари билан Шоҳидларнинг ўзи шуғулланади. Зарур бўлганда, маҳаллий жамоатлар ёнгинг сигнализацияси, ахлатни олиб кетиш ва ҳоказо хизмат кўрсатиш ишлари бўйича шартномалар тузишади. Ҳар йили Йиғилиш зали хавфсизлик ва мустақкамлик талабларига мос эканлиги бўйича текширувлар ўтказилади. Носозликлар аниқланса, қуриш бригадаси тузилиб, профессионал таъмирлаш ишлари ўтказилади. Йиғилиш зали таъмирланганда, тозалик ва гигиена қоидаларига ҳамда хавфсизлик чораларига алоҳида эътибор қаратилади.

Шоҳидлар Йиғилиш залларини Яҳовага бағишланган ва Унга тегишли бўлган бинолар деб ҳисоблашади. Шунинг учун, улар бу биноларни қадрлашади. Қолаверса, Йиғилиш залида иш масаласидаги саволларни муҳокама ва ҳал қилишни ёки бирон маҳсулотни реклама қилишни ва тарқатишни нотўғри ҳамда Худога нисбатан ҳурматсизлик деб билишади. Фарзандларига топиниш жойларига нисбатан худди шундай муносабатни пайванд қилиш ҳамда Йиғи-

¹ Яҳованинг иродасини бажараётган ташкилот. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2020. – 117-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102014941).

лиш залида ўзини тартибли ва одобли тутишни ўргатиш кераклиги ота-оналарга доим эслатиб турилади.

Вақти-вақти билан Йўғилиш залида никоҳ ёки дафн нутқи сўзланади. Диний хизматчиларга никоҳни қонунан расмийлаштириш рухсат этилган айрим чет мамлакатларда Яҳованинг Шоҳидлари орасида бу вазифани оқсоқоллар бажаришади.

Оқсоқоллар кимлар, қандай қилиб оқсоқол бўлишади ва улар қандай вазифаларни бажаришади?

«Ҳар бир жамоатда оқсоқоллар кенгаши бор. Тахминан 20 та жамоат битта туманни ташкил этади. Жамоатларга вақти-вақти билан туман нозир деб номланадиган кўчма оқсоқоллар ташриф буюришади»¹.

Бошқа христиан конфессияларида черков хизматчилари руҳоний, епископ, пастор, батюшка ёки пресвитер деб аталса, Яҳованинг Шоҳидларида улар оқсоқол деб аталади. Бу мансабларнинг ҳаммаси номлари билан фарқ қилса-да, аслини олганда Муқаддас Китобдаги битта анъана, ўша-ўша матнлар ва қадимги юнонча сўзлардан келиб чиққан. Бу сўзлар қадимги юнончадан турлича ўгирилгани учун бир-биридан фарқ қилади. Албатта, ҳар бир конфессияда ўзларининг таълимотларию ички қоидалари бўйича бу шахсларнинг ўзига хос ҳуқуқлари, вазифалари ва хусусиятлари бор. Бироқ улар Муқаддас Китобдаги ўша-ўша оятлар асосида пайдо бўлган.

Яҳова Шоҳидларининг адабиётларида оқсоқолларнинг вазифаларию ўрни ҳақида қуйидагича айтилади:

«Биз жамоатда йўл-йўриқлар бериш учун Исо томонидан тайинланган биродарларга, яъни оқсоқолларга бўйсунуш ва уларни ҳурмат қилиш орқали ҳамжиҳатликни сақлай оламиз (Ибронийларга 13:7, 17)»².

¹ Яҳова Шоҳидларининг жамотлари қандай ташкиллаштирилган? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яҳованинг-шоҳидлари/кўп-чиликни-қизиқтирадиган-саволлар/жамоатлар-ташкिलाштирилган/).

² Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2016. Март. – 15-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадиқ-сони-март-2016/бирликни-мустаҳкамлаш/).

«Яхова оқсоқолларни ҳакамлар сифатида тайинлаган ва тавба қилмаган гуноҳкорларни жамоатдан четлатиш масъулиятини уларга берган (1 Коринфликларга 5:11–13)»¹.

Оқсоқолларга жамоат хизматкорлари ёрдам беришади. Бошқа христиан конфессиялари билан таққосласа, уларни «дьяконлар», яъни руҳонийларнинг ёрдамчиларига ўхшатиш тўғри бўларди. Юнонча «диакония» сўзи кўпинча «хизмат», «илоҳий хизмат» деб таржима қилинади. Демак, «дьякон» (юн. диаконой) юнончадан «хизматкор», «хизматчи» деган маънони англатади.

«Жамоат хизматкорлари имондошларининг манфаатини кўзлаб турли ишларни бажаришади. Шу тариқа нозирлар таълим бериш ва чўпонлик қилиш вазифаларига кўпроқ вақт ажратиши мумкин... Келинг, уларнинг вазифасига нималар киришини билиб олайлик. Улардан бири адабиётга жавобгар бўлиб, шахсий фойдаланиш ҳамда ваъзгўйлик учун адабиётларни ундан олиш мумкин. Айримлари жамоат маблағлари ва тайинланган ҳудудларга оид қайдларга жавобгар бўлади. Яна бошқаларига микрофон билан хизмат қилиш, товуш кучайтириш аппаратурасини ишлатиш, ёрдамчи бўлиш ва оқсоқолларга турли йўллар билан кўмаклашиш вазифалари топширилади. Йиғилиш залига хизмат кўрсатиш ва тозаликни сақлаш учун кўп меҳнат қилиш керак. Кўпинча жамоат хизматкорлари бундай ишларга катта ҳисса қўшишади»².

Оқсоқоллар (епископлар, пасторлар, руҳонийлар, пресвитерлар) ва «жамоат хизматкорлари» (дьяконлар) учун Муқаддас Китобга асосланган талаблар ҳаворий Павлус Тимўтийга йўллаган биринчи мактубининг 3-бобида ва Титусга йўллаган мактубнинг 2-бобида келтирилган. Шуниси эътиборга лойиққи, «Янги дунё

¹ Қўриқчи минораси. – Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2021. Февраль. – 18-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-февраль-2021/Жамоатдаги-оқсоқолларнинг-ҳокимиятини-тушуниш/).

² Яхованинг иродасини бажараётган ташкилот. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2020. – 55-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102014936).

таржимаси» да бу оятларда «оқсоқоллар» ва «жамоат хизматкорлари», «Синод» таржимасида эса «епископлар» ва «дьяконлар» ҳақида ўқишимиз мумкин. Бу, мазкур тушунчалар ўша-ўша маънога эга эканининг яна бир тасдиғи.

Жамоатлар тиллар бўйича бўлинган ва туманлар бўйича бирлашган. Тумандаги ҳамма жамоатларга «туман нозири» этиб тайинланган тажрибали оқсоқол ғамхўрлик қилади.

Етакчи кенгаш оқсоқоллардан бирини танлаб, *туман нозири* сифатида тайинлайди. У туманларнинг бирига кирадиган жамоатларга йилига тахминан икки марта ташриф буюради. Бундай ташрифлар имондошлар олдида диний маърузалар сўзлашни ҳамда оқсоқоллар ва жамоат хизматкорлари билан учрашишни ўз ичига олади. У, шунингдек, жамоатларда оқсоқол ва жамоат хизматкорларини тайинлайди.

Бутун дунё бўйлаб олиб бориладиган диний фаолиятга Яҳова Шоҳидларининг халқаро бош идорасининг *Етакчи кенгаши* бошчилик қилади. Етакчи кенгаш бир нечта кишидан иборат орган бўлиб, ҳозир унда саккиз киши бор. Уларнинг ҳаммаси турли мамлакатлардан ва оқсоқол сифатида хизмат қилишда катта тажрибага эга. Ҳозир Етакчи кенгашга қуйидагилар киради: Геррит Лёш, Дейвид Сплэйн, Жеффри Жексон, Кеннет Кук, Марк Сандерсон, Стивен Летт, Сэмюэл Хёрд ва Энтони Моррис. Улар Уорвикда (Нью-Йорк, АҚШ) Халқаро бош идорада хизмат қилишади. Ташкилотнинг расмий веб-сайтида қуйидагича дейилган:

«Исо масиҳийлар жамоатининг Боши. (Эфесликларга 5:23) Бугунги кунда Исо осмондан туриб, “ишончли ва ақлли хизматкор” орқали ер юзидаги издошларини етаклапти. (Матто 24:45) Исо Масиҳ тайинлаган бу “хизматкор” муайян қарорлар чиқариш ваколатига эга. Аммо у Исога бўйсуниб, унинг биродарларига хизмат қилади»¹.

¹ Ҳаётдан тоабд завқланинг! Муқаддас Ёзувлар асосида жонли суҳбатлар. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2021. – 225-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-syrl/кутубхона/китоблар/хаётдан-тоабд-завқланинг/4-бўлим/54-дарс/).

«Етакчи кенгаш — бутун дунё бўйлаб Яҳованинг Шоҳидларига йўл-йўриқ тақдим этадиган маънан егук масиҳийлардан иборат кичик гуруҳ. Уларнинг вазифаси нимадан иборат? 1) Улар Яҳова Шоҳидларининг адабиётлари, йиғилишлари ва мактаблари орқали Муқаддас Китоб асосида дастур тайёрлаб беришади. (Луқо 12:42) 2) Ваъзгўйлик ишини ва хайр-эҳсонларнинг сарфланишини назорат қилиш орқали Яҳова Шоҳидларининг умумжаҳон фаолиятини ташкиллаштиради. Етакчи кенгаш биринчи асрада имонлилар жамоатларига тегишли муҳим қарорлар чиқарган “Қуддусдаги ҳаворийлар ва оқсоқолларнинг” ўрнагига тақлид қилади. (Ҳаворийлар 15:2, 6) Ўша садоқатли эркак кишилар каби Етакчи кенгаш аъзолари ҳам ташкилотимизнинг раҳбарлари деб ҳисобланмайди. Улар Тангри Яҳова Исо Масиҳни жамоат Боши қилиб тайинлаганини тан олиб, Муқаддас Китобдан йўл-йўриқ излашади (1 Коринфликларга 11:3; Эфесликларга 5:23)»¹.

Етакчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси турли вазифаларни бажарадиган битта ёки кўпроқ қўмиталарда хизмат қилади. Қуйида бу қўмиталарнинг фаолияти ҳақида қисқача маълумот келтирилган:

– *Раислар қўмитаси* Етакчи кенгашнинг барча қўмиталари раисларидан ва Етакчи кенгаш аъзоси бўлган котибдан иборат. Бу қўмита юридик ишлари, шунингдек, Яҳова Шоҳидларининг қарашлари ҳақида жамоатчиликка тўғри маълумот бериш керак бўлганда, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни назорат қилади. Қолаверса, бу қўмита бутун дунё бўйлаб табиий офатлар юз берганда, Яҳованинг Шоҳидлари диний эътиқоди учун қувғунларга учраганда ва бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда уларга ёрдам беришга жавобгар.

– *Маориф қўмитаси* анжуманлар ва йиғилишларда тақдим этиладиган таълим учун жавобгар. Гилад мактаби, Шоҳлик хабарчилари мактаби, Кашшофлар мактаби ва бошқа мактаблар ҳам унинг қа-

¹ Яҳова Шоҳидларининг Етакчи кенгаши нима дегани? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/яхова-шоҳидларининг-етакчи-кенгаши-ва-ёрдамчилари/).

рамоғида. Шунингдек, бу қўмита «Хаёт тарзимиз ва хизматимиз» таълим дастурини ҳамда аудио-видео маҳсулотларни тайёрланиш билан шуғулланади.

– *Муҳарририят қўмитаси* босма ва электрон шаклдаги диний адабиётлар (нашрлар) тайёрланишига масъул. Бу қўмита расмий веб-сайтнинг ишлашини назорат қилади ва бутун дунёдаги таржимонларнинг ишини ташкиллаштиради. У Яҳова Шоҳидларининг адабиётларида Муқаддас Китоб оятларига келтирилган тушунтиришлар ва таъкидловлар борасида юзага келган саволларга жавоб беради. У бадий безак бўлими учун ҳам жавобгар. Бу бўлимнинг мақсади археологик, тарихий, адабий ва бошқа манбаларни чуқур ўрганган ҳолда турли адабиётлар учун расмларда Муқаддас Китобдаги ва бошқа воқеаларни аниқ тасвирлашдир. Ушбу бўлимни бемалол илмий-тадқиқот бўлими деб аташ мумкин.

– *Хизмат қўмитаси* ваъзгўйлик ишининг барча соҳаларига ғамхўрлик қилади ҳамда жамоат, ваъзгўйлар, кашшофлар, оқсоқоллар ва тўла вақтли махсус ваъзгўйлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Бундан ташқари, у касалхоналар билан алоқа қилиш қўмиталарининг фаолиятини бошқаради.

– *Ходимлар қўмитаси* умумжаҳон Байтил оиласининг маънавий ва жисмоний соғлигига ғамхўрлик қилади. Унинг бошчилиги остида янги байтилчилар танланиб, филиалларга таклиф қилинади. Шунингдек, бу бўлим Байтил хизматига тегишли саволлар билан шуғулланади.

– *Нашириёт қўмитаси* Муқаддас Китобга асосланган адабиётлар босиб чиқарилишини ва жўнатилишини назорат қилади. Бу қўмита босмахоналарни ва Яҳова Шоҳидларининг турли юридик шахсларига тегишли мол-мулкни ҳамда қурилиш ишлари олиб борилишини, жумладан, Ўйгилиш залларининг қурилишини назорат қилади. Шунингдек, харажатлар ва хайр-эҳсонлар ҳам унинг назорати остидадир¹.

¹ Царство Бога правит! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2014 – 131-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/царство-бога/нормы/организация/).

1992 йилдан бошлаб Етакчи кенгаш тажрибали ва ишончли ма-
сихий оқсоқолларни ўз қўмиталарида ёрдамчилар сифатида хиз-
мат қилиши учун тайинлаб келмоқда. Етакчи кенгаш аъзоларидан
фарқли равишда бу ёрдамчилар «мойланганлар» эмас. Ёрдамчилар
ўзлари ҳамкорлик қиладиган юқорида санаб ўтилган қўмиталардан
бирининг ҳар ҳафта ўтадиган мажлисларида қатнашиб, керакли
маълумотларни тақдим этишади ва ўз таклифларини киритишади.
Якуний қарорларни Етакчи кенгаш қабул қилади, ёрдамчилар эса
қўмиталар берган кўрсатмаларга амал қилишади ва топширилган
вазифаларни бажаришади. Бундан ташқари, ёрдамчилар Етакчи
кенгаш аъзоларга махсус ва халқаро анжуманларда ҳамроҳлик қи-
лишади. Қолаверса, улар бош идора вакиллари сифатида филиал-
ларга ташриф буюришлари мумкин.

Яҳова Шоҳидларининг халқаро бош идораси ҳақида гапира-
ётиб, *таржима бўлими* ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз бўларди. Унинг
асосий мақсади Муқаддас Китоб («Муқаддас Китоб – Янги дунё
таржимаси») турли тилларга сифатли таржима қилинишини таъ-
минлашдир. Таржима бўлими бошқа адабиётларнинг таржимаси
билан ҳам шуғулланади. Бу бўлим бутун дунёдаги филиалларда хиз-
мат қилаётган таржимонларни қўлаб-қувватлайди ва уларга ёрдам
кўрсатади. Яҳованинг Шоҳидлари Муқаддас Китобга асосланган
адабиётларни инглиз тилидан 1 000 дан зиёд тилларга таржима қи-
лишади. Матнни бир ёзма тилдан бошқасига таржима қилишнинг
ўзи осон иш эмас. Лекин ёзуви бўлмаган имо-ишора тилига таржи-
ма қилиш янада кўпроқ меҳнатни талаб этади. Кўпгина қулоғи оғир
инсонлар ўз фикрларини имо-ишоралар ёрдами ифода этишади.
Шунинг учун имо-ишора тили таржимоналари ёзма матнни видео
шаклга ўзгартиришади. Шоҳидлар адабиётларини 100 дан зиёд
имо-ишора тилларига таржима қилишади. Барча таржимон Шоҳид-
лар таржима қилаётган тилларини яхши билишади ва имо-ишора ти-
лининг таржимонлари ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг кўпчи-
лиги ё қулоғи оғир, ё қулоғи оғирлар оиласида катта бўлган эшита
оладиган кишилар. Таржимонлар гуруҳ бўлиб ишлашади. Ҳар бири

ўз вазифасини бажаради: таржимон таржима қилади, солиштирувчи таржимани асл матн билан солиштиради, корректор эса таржима қилинган матн тўғри ёзилганини текширади. Кейин иложи бўлса таржима қулоғи оғир ўқувчилар гуруҳи томонидан кўриб чиқилади. Уларнинг таклифлари таржимани яхшилашга ёрдам беради. Ушбу қадам имо-ишоралар табиийлигини, фикрлар аниқ ва тушунарли етказилишини кафолатлайди.

Айниқса ташкилотнинг нашриёт фаолиятига тўхталиш жоиз. Унинг қўлами шунчалик каттаки, бутун дунёдаги филиалларда йирик босмахона мажмуалари яратилган. Аввалроқ айтиб ўтилганидай, рус тилидаги адабиётлар Германияда босиб чиқарилади.

Нашриёт иши ҳақида улар қуйидагича дейди: «Ҳар йили миллионлаб Муқаддас Китоб ва бошқа адабиётларимизни таржима қиламиз, чоп этамиз, дунёдаги турли мамлакатларга жўнагамиз ва бепул тарқатамиз. Бундан ташқари, jw.org сайти ва JW Library иловасидан адабиётларимизни бепул ва рекламасиз электрон шаклида олиш мумкин»¹.

Яҳова Шоҳидларининг адабиётлари таржима қилинган тиллар сони бўйича бошқа барча нашрлар ичида биринчи ўринда туради. 419 дан ортиқ тилларда чоп этиладиган “Қўриқчи минораси” журналининг адади 2022 йилда 36,3 миллиондан ортиқ нусхани ташкил этиб, дунёдаги бошқа ҳар қандай журналнинг ададидан устунлик қилади. Журналнинг ҳамма сонлари, қуйидаги қисқача шарҳ билан бошланади: «“Қўриқчи Минораси” журнали — Сарвари Олам бўлмиш Тангри Яҳовани улуғлайди. Ушбу журнал Худонинг Шоҳлиги яқинда барча ёвузликларга чек қўйиб, ер юзини жаннатга айлантириши тўғрисидаги хушxabар ила инсонларга тасалли бермоқда. Журнал ҳозирги пайтда Аллоҳ тайин этган самовий Шоҳ Ҳазрати Исога ишонишга ундамоқда. Зеро унинг тўкилган қони

¹ Яҳованинг Шоҳидлари хайр-эҳсонларни нималарга ишлатади? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/яхованинг-шоҳидлари-хайр-эҳсонларни-нималарга-ишлатади/).

эвазига инсоният учун абадий ҳаётга йўл очилди. Мазкур журнал 1879 йилдан буён Яҳованинг Шоҳидлари томонидан узлуксиз чоп этилмоқда. У сиёсатга аралашмай, тўлиғича Муқаддас Китобга асосланган».

Буни нашрнинг асосий мақсади дейиш мумкин. Лекин журналнинг муҳим бўлган иккинчи мақсади ҳам бор: «Кўриқчи минораси» Муқаддас Китоб маслаҳатларига ва принципларига мувофиқ, одил ҳаёт тарзини кечиришга ўргатади. Бу ўз ўринда Яҳованинг Шоҳидиги келишига тайёр туришга ёрдам беради. Шунинг учун, журналнинг ҳар бир сониди ўша ойнинг бир неча ҳафтаси давомида Яҳованинг Шоҳидлари томонидан тадқиқи қилинадиган мавзулар мавжуд. Ҳар бир мавзуга алоҳида мақолалар бағишланган, улар эса ўз ўринда сарлавҳалар ва хатбошиларга бўлинган. Тайинланган қироатчи ҳар бир хатбошини ўқийди, сўнг муҳокамани олиб борувчи изоҳда келтирилган саволларни беради, кейин жамоат йиғилишига келганлар саволларга жавоб бериб, ўқилганларни биргаликда муҳокама қилишади. Ҳар бир хатбошида келтирилган фикрлар Муқаддас Китоб оятлари билан тасдиқланади.

2022 йил ҳолатига «Уйғонинг!» журнали, 216 тадан ортиқ тилларда, ўрта адади 31,4 миллион бўлиб, 4 ойда бир марта чоп этилади.

Менга тушунтиришларича, бу журнал бутун оила учун мўлжалланган. Унинг саҳифаларида турли мамлакатларда ҳаёт қандай экани ҳақида айтиб берилади, долзарб муаммолар ва уларнинг ечими муҳокама қилинади, диний ва илмий саволлар кўтарилади, дунёдаги воқеалар башоратлар асосида таҳлил қилинади. Шу билан бирга мақолаларда сиёсий бетарафлик сақланади ва ҳамма халқлару ирқларга бирдай ҳурмат кўрсатилади. Лекин бу журналнинг энг асосий мақсади Аллоҳ Таолога ва Унинг ниятига, яъни келажақда ер юзиди ажойиб янги дунё ўрнатилиши, адолатсизлик ва қонунсизликка чек қўйилишига бўлган ишончли мустаҳкамлашдир. Бир неча йилдан бери «Уйғонинг!» журналини диққат билан ўқиб келяпман ва аминлик билан айта оламанки, у ҳақиқатдан ҳам ўқувчига кенг илмий маълумот тақдим этади.

Сўнги йилларда Яҳованинг Шоҳидлари ўзининг www.jw.org расмий веб-сайтини ривожлантиришга катта куч сарфлашмоқда. Бу веб-сайт жуда кўп маълумотни тақдим эта оладиган манбадир. Ҳозирга келиб бу сайт 1 060 тилларда мавжуд экани инсонни ҳайратга солади. Бу масала бўйича Яҳованинг Шоҳидлари 2019 йил ноябрь ойида тарқатган матбуот хабарида турли мутахассисларнинг фикрлари келтирилган. «The Web Globalization Report Card ни ихтиро қилган Жон Юнкер, шундай дейди: “Компьютерларни интернет боғлаб туради, одамларни эса тил... Jw.org веб-сайти Fortune 500 га кирмайдиган тилларда гапирадиган инсонларга чуқур ҳурмат кўрсатади. Каттароқ миқёсда jw.org веб-сайти бир қадам олдинда кетяпти. Ҳатто юздан зиёд тилларда мавжуд бўган Facebook ҳам бундай натижаларга эриша олмаган. Бундан ташқари jw.org веб-сайти ихтиёрий хизматчилар томонидан яратилаётган лойиҳа бўлишига қарамай, 280 дан зиёд тилларда мавжуд бўган дунёдаги энг оммабоб краудсорсинг веб-сайти ҳисобланадиган Wikipedia дан ҳам ўтиб кетган». ...Уорвикда (Нью-Йорк штати, АҚШ) жойлашган Яҳова Шоҳидларининг халқаро бош идорасининг таржима гуруҳларига хизмат кўрсатиш бўлими нозири Исак Марей қуйидагича тушунтирди: «Бунчалик катта миқдордаги маълумотни таржима қилганда ва босиб чиқарганда ўзига хос қийинчиликлар пайдо бўлади. Шундай вазиятлар бўлганки, унча таниқли бўлмаган тилда адабиёт чиқаришни бошлаганимизда, бу тилда ҳамма белгилар ҳам мавжуд эмаслиги аниқланган. Шунинг учун, кўп йиллар давомида сон-саноксиз белгилар ва шрифтлар тўпламини ишлаб чиқардик, бу эса юзлаб тилларда босма маҳсулотларни чоп этишимизга имкон берди. Қолаверса, jw.org веб-сайтимизда адабиётлар кўплаб тилларда мавжуд бўлиши учун анча қийинчиликларни енгиб ўтдик. Аслида, ушбу 1 000 та тилнинг кўпида бошқа ҳеч қандай электрон маҳсулотлар мавжуд эмас»¹.

¹ Сайт jw.org: пройден рубеж в 1 000 языков! Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/новости/jw/регионы/в-мире/Сайт-jworg-пройден-рубеж-в-1-000-языков/).

Юқорида айтиб ўтилганлардан сўнг, ўринли савол туғилади: ушбу улкан (бу сўзни қўллашдан асло қўрқмайман) фаолият қай йўсин маблағ билан таъминланади?

Бу айниқса қизик, чунки ташкилотда ушр тўлаш мавжуд эмас ва уларнинг адабиётларида ёзилишича, «жамият ҳеч қандай пул йиғиш ёки пул сўрашнинг бошқа турларини ташкиллаштирмайди ва маъқулламайди». «Йиғилишларда ҳам, анжуманларда ҳам, пул эҳсон қилишга ундайдиган ҳиссиётга бой чорловларни ҳеч қачон эшитмайсиз»¹.

Унда керакли маблағ қаердан олинади? 1886 йилда «Сион қўриқчи минораси»да қўйидаги кўрсатма берилган эди: ««Борди-ю, оч қолсам, сендан овқат сўрамайман, чунки ҳосилдор ер ва ундаги бор нарса Меникидир. Молхонангдаги буқангга ҳам, қўраларингдаги такаларингга ҳам зор эмасман. Ахир ўрмондаги ёввойи ҳайвонларнинг бари Меники, барча йиртқичлар ҳам Менга тегишли». (Забур 50:12; 9, 10) Мазкур сўзларни айтган Зот Ўзининг буюк ишини қўллаб-қувватлаш учун бу дунёдан ҳам, ўз бандаларидан ҳам маблағ сўрашга муҳтож эмас. Шунингдек, У бандаларини Унга хизмат қилиш учун бирор нарсани қурбон қилишга мажбурламайди. Улардан қувонч ила берилган ва ихтиёрий ҳадялардан ташқари ҳеч нарсани қабул қилмайди (*мен томондан тагига чизилган – А. А.*)»².

Шоҳидларнинг ўзлари ташкилоти қай йўсин маблағ билан таъминланиши ҳақида шундай дейди: «Яҳованинг Шоҳидларидан ушр тўлаш ёки муайян миқдордаги пул ё ойлигининг бир қисмини бериш талаб этилмайди. (2 Коринфликларга 9:7) Учрашувларимизда пул йиғиб олинмайди ва кириш, дафн маросими, никоҳ тўйи

¹ Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 340-саҳ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Всемирное-братство/Как-финансируется-деятельность-Свидетелей-Иеговы/).

² Сионская Сторожевая Башня – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1886. Сентябрь. – 6-саҳ. (Рус тилидаги матн «Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога» китобидан олинган. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2007. – 34-саҳ, рамкасига қ.) Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Всемирное-братство/Как-финансируется-деятельность-Свидетелей-Иеговы/).

ва ҳоказолар учун одамлар пул тўламайди. Шунингдек, пул йиғиб олиш мақсадида ширинликларни арзон нархда сотмаймиз, савдо ярмаркаларини уюштирмаймиз, лотерея ўйинлари, байрам, базм ёки шунга ўхшаш нарсаларни ташкиллаштирамаймиз ва одамлардан хайр-эҳсон қилишни сўрамаймиз. Эҳсон қилган инсонларнинг исмлари номаълум бўлиб қолади. (Матто 6:2–4) Веб-сайтими ва адабиётларимизда реклама жойлаштирилмайдиган»¹.

Қуйидаги усуллардан фойдаланиб хайр-эҳсон қилиш мумкин:

«**Хайр-эҳсон қутилари.** Йиғилиш ёки Анжуман заллари ёки учрашувларимиз ўтказиладиган бошқа жойларда бор бўлган қутилар ичига нақд пул ёки чек солиш мумкин.

Онлайн хайр-эҳсонлар. Кўп мамлакатларда кредит ёки дебет карталари, банк ўтказмалари ва www.jw.org сайтда кўрсатилган бошқа усуллар орқали хайр-эҳсон қилиш учун “Яҳованинг Шоҳидларига хайр-эҳсон” саҳифасига кириш мумкин. Баъзи Яҳованинг Шоҳидлари бу усулларнинг бири орқали мунтазам равишда хайр-эҳсон қилиш ниятида ҳар ой “пул ажратиб қўйишга” қарор қилади (1 Коринфликларга 16:2)»².

Ташкилот имонлиларни маблағ қаерга сарфланаётганидан хабардор қилиш учун кўп куч солади. Ташкилотнинг расмий веб-сайтида, «Хайр-эҳсонлар қай йўсин сарфланади?» деган махсус туркум ҳам мавжуд. Бу туркумда бутун дунё бўйлаб Яҳова Шоҳидларининг лойиҳалари ва фаолияти ҳақида мақолалар чиқади.

Мазкур саволни муҳокама қилаётиб, Яҳова Шоҳидларининг ташкилоти кўп жиҳатдан қанчалик мустақил эканлигини тушуниш муҳим. Улар янги адабиётларни тайёрлаш жараёнини – матн

¹ Яҳова Шоҳидларининг фаолияти қайси маблағ билан таъминланади? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/умумжаҳон-фаолият-учун-пул-хайр-эҳсонлар/).

² Яҳова Шоҳидларининг фаолияти қайси маблағ билан таъминланади? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/кўпчиликни-қизиқтирадиган-саволлар/умумжаҳон-фаолият-учун-пул-хайр-эҳсонлар/).

териш ва саҳифалашдан бошлаб, босиб чиқариш ва бошқа мамлакатларга жўнатишгача – бутунлай ўзлари бажаришади. Видео маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ҳатто мусикаю кўшиқларни ёзиш ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Шоҳидларда ўз юристлари ва шифокорлари, ўз муҳандислари ва архитекторлари, ўз ҳайдовчилари ва электриклари бор. Уларнинг барчаси ихтиёрий хизматчилар бўлиб, ташкилотга ёрдам беришни Худога хизмат қилиш деб билишади. Улар ўзларини бу ташкилотга келган меҳмонлар эмас, балки унда яшовчилардай ҳис қилишади ва ташкилотни «ўзиникидай» кўришади. Эҳтимол, айнан шу улар орасидаги яқдилликнинг сирларидан бири бўлса керак.

Устига-устак ташкилотда коррупция йўқ. Етакчи кенгаш аъзолари АҚШ даги Байтил оиласи яшайдиган турар жойларда истиқомат қилади ва уларга қолганлар билан бирдай озиқ-овқат ва таъминот тақдим этилади. Руҳонийларнинг махсус синфи йўқлиги ташкилотни маълум бир гуруҳ ёки тоифадаги имонлилар учун махсус имтиёзлар тизими пайдо бўлишидан ҳимоя қилади.

«Фитна назариясини» ёқтирадиган ва ҳамма жойда жиноят ноқонуний хатти-ҳаракатларни кўрадиган инсонларга келсақ, улар шуни инобатга олишлари керакки, ушбу конфессия юз йилдан ошиқроқ вақт мобайнида АҚШда ва Ғарбий Европада фаолият юритиб келяпти ва ўша мамлакатларда унинг миллионлаб издошлари истиқомат қияпти. Агарда бу ташкилот солиқ қонунчилигини бузганида ёки жинойий ишларга аралашиб келганида, бу ҳаммага алақачон маълум бўлиб, давлат органлари томонидан керакли чоралар кўриларди. Бироқ бундай маълумотлар йўқ.

Бу бобнинг охирида Яҳованинг Шоҳидлари ташкилотининг фаолияти ва жамоатнинг тузулиши ҳақидаги маълумотларни очиқ-ойдин тақдим этишларини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Уларнинг расмий веб-сайтида ташкилот қандай тузилгани, ундаги у ёки бу элементлар қай йўсин пайдо бўлгани ҳамда қилинган

барча ўзгаришларнинг Муқаддас Китобга асосланган сабаблари батафсил баён этилган адабиётларни осонгина топиш мумкин.

Нима сабабли Яҳованинг Шоҳидлари халқаро ҳамжамият учун «*яхши таниш дин*» ҳисобланиши, уларнинг диний амалиёти эса «*машҳур ва таниқли*» деб номланганини тушуниш қийин эмас.

Демак, ўтказилган таҳлил асосида аниқ хулоса чиқариш мумкин: қаршимизда аниқ ташкилий тизимга эга жиддий диний деноминацияни кўряпмиз. У 100 йилдан ошиқ вақт мобайнида шаклланган ва ҳозир унда юқоридан пастгача, яъни халқаро бош идорасидан тортиб, маҳаллий диний йиғинлари (жамоатлари) ва имонлиларинг гуруҳигача вазифалар аниқ тақсимланган.

3- ВА 4-БОБЛАРГА КЕЛТИРИЛГАН РАСМЛАР

ЯХОВАНИНГ ШОҲИДЛАРИ НИМАГА ИШОНИШАДИ
ЎКИ ЭЪТИҚОД АСОСЛАРИ,
ТАШКИЛОТ ҚАНДАЙ ТУЗИЛГАН?

Сувга чўмиш маросимида одам сувга тўлиқ кириб чиқади.

- 2021 йили бутун дунё бўйича **171 393** та одам сувга чўмди

Яҳованинг Шоҳидлари Исо Масиҳнинг ўзи шоғирдларига ҳар йили 14 нисон куни ўлимини хотирлаш учун Қутлуғ Кечлик маросимини ўтказишни буюрганига ишонишади.


- 2021 йили Исонинг ўлимини хотирлаш учун Қутлуғ Кечлик маросимида дунё бўйлаб **21 367 603** киши иштирок этди





Анжуманлар Яҳова
Шоҳидларининг диний
маросимлари орасида
алоҳида аҳамиятга эга

Улар ҳар йили бўлиб ўтади, иштирокчилар
сони унча кўп бўлмаслиги ёки бир неча
минг кишини ташкил қилиши мумкин.
Бундай анжуманларга битта шаҳардан
ёки ҳар хил давлатлардан келган
имондилар ташриф буюришади



Яҳованинг Шоҳидлари
имондилар йиғинини
жамоатлар деб аташади.

- Дунё бўйлаб жамоатлар
• сони **119 297** тани
ташкил қилади

Яҳованинг Шоҳидлари диний
биноларини «Йиғилиш
заллари» деб аташади

Бугунги кунда дунё
бўйлаб бундай заллар
сони **105 000** та



Тетраграмматон ғарб ҳамда рус тангаларида, адабиёти ва расм санъатида кўп учрайди

יהוה



Ўрта асрларда ва Янги даврда Худонинг Яҳова исмини турли тангаларда қўллаш кенг тарқалган эди

Яҳованинг Шоҳидлари Худонинг шахсий исми **ЯҲОВА** деб ҳисоблашади

Улар шунга аминки, «Таврот, Забур ва Пайғамбарлар китобларининг асл нусхаларида эса Худонинг исми қарийб 7 000 марта учратилган бўлиб, одатда ибронийча тўртта ҳарф (тетраграмматон): ўзбекчада ИХВХ ҳарфлари билан ифодаланади»



- 1) 1751 йилги Елизавета Библияси
- 2) Авлиё Михаил черкови (Вена, Австрия)
- 3,4) Буюк Пётр давридаги ҳарбий атрибут, 1700 йил (Санкт-Петербург, Россия)





“Его сразил **ЕГОВЫ** гнев!”

А. С. Пушкин

Из письма к Вигелю



“...слишком даже грешно забывать своего сорокавекового **ИЕГОВУ** и отступаться от него.”

Ф. М. Достоевский

Дневник писателя



“...он молился всемогущему **ИЕГОВЕ.**”

Н. А. Островский

Как закалялась сталь



“Как на челе избранного народа было начертано, что он – собственность **ИЕГОВЫ...**”

К. Маркс.

Капитал. Том 1



“Бог брани, **ИЕГОВА**, Нам помоги. Господы!”

Д. Р. Киплинг

Гимн перед битвой



“...ибо все миры вкупе составляют один великий дом, которым правит **ИЕГОВА...**”

Н. М. Карамзин

Прогулка



“...среди туч, виднеется разгневанный лик **ИЕГОВЫ** освященный молниями...”

М. Е. Салтыков-Щедрин

Господа Головлёвы



“такой приказ равносильен повелению **ИЕГОВЫ**”

Ж. Лондон

Дочь северного сияния



“Свидетельствую перед **ИЕГОВОЙ**, что золото не у меня, а у него!”

А. И. Куприн

Суламифь



Яҳова Шоҳидларининг
маъмурий марказлари
(филиаллари) «Байтил» деб
номланади (ибр. «Худонинг уйи»)

- Дунё бўйлаб **87** та филиал,
улардан 15 таси — босмахона

Яҳова Шоҳидларининг
Уорвикдаги (Нью-Йорк, АҚШ)
Бош идораси

Паттерсондаги ўқув маркази
(Нью-Йорк, АҚШ)





**Жанубий Корея филиали
(Ансон)**



**Қозоғистондаги филиал
(Олмаота)**

**Зельтерсдаги Марказий
Европа филиали**



5-БОБ

ТАЪЛИМГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ

«Масиҳ томонидан берилган мукамалликнинг олий намунаси, орзу ёки қуруқ дабдабали ваъзларнинг мавзуси эмас, балки одамларнинг ахлоқий ҳаёти учун энг зарур ва оммабоб йўл-йўриқдир...»¹, – деб ёзган буюк рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой.

Доно сўзлар, шундай эмасми?!

Яҳова Шоҳидларининг билим ва таълим олишга бўлган муносабатлари ҳақидаги масалаларга чуқурроқ берилганимда, айнан бу иқтибос ёдимга тушди. Чунки бу ташкилот илк пайдо бўлганида «Халқаро Муқаддас Китоб тадқиқотчилари уюшмаси», деб номланган. Бунинг ўзи таълимотлари ривожланишининг муҳим принциплари ҳақида кўп нарсани айтиб туради. Шу китобнинг биринчи бобида айтилганидай, Яҳованинг Шоҳидлари бошқа қайсидир диндан ажралиб чиқмаган. Аксинча, «Муқаддас Китоб ўзи учун гапирлини» истаган ташаббускор-тадқиқотчилар тўғарагидан пайдо бўлган. Улар, ўша пайтда таниқли бўлган барча таълимотлар, Муқаддас Китобга мувофиқлигини синчиклаб текширишни хоҳлашган. Натижада, замонавий Яҳова Шоҳидларини тавсифловчи қоидалар пайдо бўлган. Яҳованинг Шоҳидлари бошиданоқ «ақида» ва «сирларни» рад этишган. Шундай қилиб, биз шунчаки имонли инсонлар билан эмас, балки Муқаддас Китобдаги ҳақиқатларни чуқурроқ англаш учун доим изланиш олиб борадиган тадқиқотчилар билан рўбаро келамиз. Буни тушуниш жуда муҳим!

Яҳова Шоҳидларининг эътиқодида билим ва мулоҳазанинг ролини кўрсатиш учун, Жамиятнинг илк президентларининг фикрларини ва

¹ Л. Н. Толстой. Крейцера соната. Послесловие к «Крейцеровой сонате». – 208-саҳ.

«Қўриқчи минораси» журналининг турли йиллардаги сонларидан парчалар келтираман:

«Ҳақиқат – ҳаёт деб номланган, даштда ўсаётган нафис гул каби-дир: уни бегона ўтларга ўхшаган ёлғон деярли бўғиб қўйди. Ҳақиқатни топишни истайсизми – туну кун ҳушёр турунг. Ҳақиқат гўзаллигини кўришни хоҳлайсизми – бегона ўтларга ўхшаш ёлғондан ва тиканли буталарга ўхшаш жаҳолатдан тозалаб турунг. Ҳақиқатга эга бўлишни истайсизми – эгилиб, териб олинг. Ҳақиқатнинг битта гули билан кифояланманг. Агар битта гул етарли бўлганида, бошқалари бўлмасди. Уларни териб олинг ва тўхтовсиз изланг» («Қўриқчи Минорасининг» биринчи нашри, июль 1879 йил)¹.

«Бизнинг ягона андазамиз – бу Муқаддас Китобдир, Муқаддас Китоб таълимотлари эса – эътиқодларимизнинг ягона пойдевори-дир; Муқаддас Китобдаги ҳақиқат аста – секин очилаётганини кўряпмиз, шунинг учун Андазамизнинг ёруғлиги янада ёришиб боришига қараб, таълимотларимизни (қарашларимиз ва эътиқодларимизни) тўлдириб боришга ёки қайтадан кўриб чиқишга тайёرمىз ва қатъиймиз». («Қўриқчи Минораси», апрель 1882 йил, 7 саҳ.)²

«Ақл рад этган нарсани, юрак қабул қила олмайди... Улар [Масихийлар] ишонадиган Муқаддас Китоб ҳақиқат эканлигига амин бўлишлари керак. Улар эътиқодлари нимага асосланганлигини би-лишлари керак» (Ж. Ф. Рутерфорд)³.

«Етакчи кенгаш илҳомлантирилган ҳам эмас, мукамал ҳам эмас. Шунинг учун, у таълимотлар ёки ташкилий йўл-йўриқлар бо-расида хато қилиши мумкин»⁴.

¹ Сторожевая башня – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 15 май. 1996 йил. – 15-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1996364#h=3).

² Свидетели Иеговы – Возвещатели Царства Бога. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 133-саҳ. рамка. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвещатели-Царства-Бога/Приобретая-и-применяя-точное-знание-Слова-Бога/Возрастая-в-точном-знании-истины/).

³ Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1997. 1 октябрь. – 6-саҳ.

⁴ Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2017. Февраль. – 26-саҳ.

«Вақт ўтиши билан Муқаддас Китобдаги башоратларнинг ёки айрим баёнотларнинг тушунчаси ойдинлашиши мумкин. Бундай янги тушунчалар киритилганида, биз бу маълумотни синчиклаб тадқиқ қилиш ва устида мулоҳаза юритиш учун вақт ажратишимиз даркор... Биз нафақат катта ўзгаришларни, балки эски ва янги тушунчанинг орасидаги унчалик катта бўлмаган фарқни ҳам яхшилаб тушуниб олишимиз лозим. Шундай йўл тутиб, биз янги ҳақиқатни ўзимизнинг хазинамизга жойлаштириб қўйган бўламиз»¹.

Яҳова Шоҳидларининг замонавий тарихи улар доимий ҳаракатда эканликларини, Муқаддас Китобдаги у ёки бу ҳақиқатлар борасидаги тушунчалари ҳамиша ривожланиб ва ўзгариб туришини кўрсатмоқда. Бундай ўзгаришлар ёки ўзлари ном берган «янги тушунча», уларни қўрқитмайди ва саросимага солмайди, аксинча, таълимотлари ҳақиқат эканлигига ва Худонинг марҳаматига сазовор бўлишганига ишонтиради.

Бу, мазкур масиҳий ташкилотни тадқиқ қилувчи ҳар бир киши олдига қатъий талаб қўяди, ахир у Яҳова Шоҳидларининг асосий таълимотларини билибгина қолмай, таълимотларининг қирраларини ва у ёки бу масаладаги уларнинг ҳозирги қарашларини тушуниши даркор. Нафақат 30, ҳатто 10 йил аввалги илмий ишларга тўлиқ таяниб бўлмайди. Шиддат билан ривожланаётган ташкилот ҳақида гап боргани сабабли, тадқиқодчидан ҳар доим «қўлини пульсида ушлаб туриши» талаб қилинади.

Шундай қилиб, Яҳова Шоҳидларининг билим ва таълим олишга бўлган муносабати ҳақида нима дейиш мумкин?

Яҳованинг Шоҳидлари учун сувга чўмганларнинг ҳаммаси «Худонинг хизматчилари» ҳисобланади ва улар ўз эътиқодларида фалондилар. Яҳованинг Шоҳидларида маросимларни беихтиёр ёки анъанавий равишда бажарадиган имонлиларнинг пассив қисми

¹ Қўриқчи миносаси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2017. Июнь. – 13-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-июнь-2017/маънавий-хазиналарга-қўнғил-боғланг/).

йўқ. Яҳованинг Шоҳиди бўлиш учун, Шоҳидларнинг оиласида туғилиш ёки кўп йиллар давомида жамоатларига қатнашнинг ўзи етарли эмас. Яҳованинг Шоҳиди – бу онгли танлов бўлиб, муайян фикрлаш тарзи ҳамда дунёқараш туридир. Улар учун билим жуда муҳим.

Ушбу диннинг адабиётларида, имонлиларнинг шахсий фикрлаш тарзи ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиришга ҳар доим катта эътибор берилган. Мисол учун, яқинда Қўриқчи Минорасида бу ҳақида шундай ёзилган эди:

«Юқорида айтиб ўтилган мисолларда биз учун яққол бир сабоқ мавжуддир: ҳар биримиз шахсан қарор чиқаришимиз керак ва бу қарорларимиз доно ҳамда тўғри бўлишини истасак, улар Муқаддас Ёзувлардаги аниқ билимга асосланган бўлиши лозим. Галатияликларга 6:5-оят бизга “ҳар ким ўз аравасини ўзи тортишини” эслатмоқда. Биз қарор чиқариш масъулиятини бошқаларга юклаганлигимиз даркор. Бунинг ўрнига, Худонинг назарида нима тўғри эканини шахсан билиб олиб, шунга яраша йўл тутишни танлашимиз зарур.

Қай тариқа ўрнимизга бошқалар қарор қабул қилишига йўл қўйиб бериш хавфига тушиб қолишимиз мумкин? Тенгдошларнинг босими нотўғри қарор чиқаришимизга олиб келиши мумкин. (Ҳик. 1:10, 15) Бошқалар бизга қандай босим ўтказмасин, Муқаддас Китобга асосланиб тарбияланган виждонимизга қулоқ солишимиз даркор. Кўпинча, ўрнимизга бошқалар қарор чиқаришига йўл қўйиб бериб, аслида, “уларнинг йўлидан юришга” қарор қилган бўламиз. Тўғри, бу ҳам бир танлов, лекин у жудаям хатарлидир.

Ҳаворий Павлус галатияликларга ўрниларига бошқалар қарор қабул қилишларига йўл қўйиш хавфли экани тўғрисида аниқ-равшан огоҳлантириш берганди. (Галатияликларга 4:17 ни ўқинг.) Жамоатдаги баъзилар бошқаларни ҳаворийлардан айириш мақсадида уларнинг ўрнига қарор чиқаришмоқчи бўлишган. Нега? Ушбу худбин кишилар ўзлари учун шуҳрат излашган. Улар чегарадан чиқиб кетишган ва имондошларининг ўзлари қарор қабул қилиш масъулиятини ҳурмат қилишмаган.

Павлус қарор чиқариш масаласида имондошларининг ирода эркинлигини ҳурмат қилишда яхши ўрнак қолдирган. (2 Коринфликларга 1:24 ни ўқинг.) Бугунги кунда ҳам оқсоқоллар бошқаларга шахсий қарор чиқариш керак бўлган вазиятларда маслаҳат беришганда, ушбу намунага эргашишлари лозим. Улар сурувдаги бошқа қўйлар билан Аллоҳнинг Каломига асосланган маълумотни бўлишишдан қувонишади. Лекин шу билан бирга, имондошларига шахсан қарор чиқаришга имкон беришади. Бу оқилонадир, негаки кейинчалик ўша биродару опа-сингилларга чиқарган қарорларининг оқибатлари билан яшашга тўғри келади. Бунда биз учун муҳим ибрат бор: биз бошқаларга қизиқиш кўрсатиб, уларга ёрдам беришга тайёр бўлишимиз ва уларнинг диққатини Муқаддас Ёзувлардаги принципларга ёки маслаҳатларга қаратишимиз лозим. Аммо шуни унутмаслик керакки, бошқалар шахсан қарор чиқаришга ҳақли ва бу уларнинг масъулиятидир. Агар улар буни донолик ила қилишса, бундан фойда олишлари турган гап. Кўриниб турибдики, “имондошларимнинг ўрнига қарор чиқаришга ҳаққим бор” деган фикрдан қочишимиз даркор»¹.

Яҳова Шоҳидларининг топиниш учун мўлжалланган барча учрашувлари, таълим олиш жараёнини ўз ичига олади. Имонлилар нафақат келтирилган маълумотларни ўзлаштиришади, балки биргаликда муайян маънавий мавзуларни муҳокама қилишади. Шунингдек, ташкилотнинг тузилмасида кўп теократик мактабларни ўз ичига олган, «илоҳий таълим» деб аталадиган кенг қатлам мавжуд².

¹ Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2017. Март. – 15-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/қўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-март-2017/имонни-ривожлантириб-доно-қарорлар-чиқаринг/).

² Бундай «мактабларни» бизнинг тушунчамиздаги анъанавий мактаблар, яъни таълим муассалари билан адаштирмаслигимиз керак. Бу мактабларда на фанларнинг мажбурий рўйхати, на тестлар, на имтиҳонлар ва на баҳолаш тизими мавжуд. Уларни битирганлик ҳақида тасдиқловчи расмий ҳужжат ҳам йўқ. Ундан ташқари, ҳеч қандай мутахассислик ёки касб тайинланмайди. Бизнинг анъанавий тушунчамиздаги мактаб, Яҳованинг Шоҳидларида фақат битта. Унинг номи «Қўриқчи минораси Жамиятининг Гилад номли Муқаддас Китоб мактаби». Талабалар уни битиргандан сўнг, ҳақиқий диплом оладилар.

Дарҳақиқат, Яҳованинг Шоҳидининг бутун ҳаёти, илоҳий таълимдаги иштироки билан узлуксиз боғлиқ.

Сувга чўмишдан олдин, инсон Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш курсини ўтиши керак. Бу «Ҳаётдан тоабат завқланинг! Муқаддас Ёзувлар асосида жонли суҳбатлар» деган китоб бўйича интерфаол курсни ўз ичига олади.

Бу қўлланма 2021 йилда нашр этилган ва инсон билан Муқаддас Китоб тадқиқи ўтказиладиган бир нечта олдинги китобларнинг ўрнини эгаллаган («Муқаддас Китоб таълимотлари», «Муқаддас Китоб ҳақиқатлари», «Келинг, Худонинг меҳр – муҳаббатида қолайлик»).

Янги қўлланма олдингилардан жуда фарқ қилади ва имонлиларнинг ўзлари такидлагандай, бу китоб бошқаларга таълим беришнинг янгича ёндашувини акс эттиради. Қўлланма 4 та бўлимга ажратилган бўлиб, 60 та интерфаол дарсдан иборат. Олдинги таълим учун қўлланмалар матн ва унга келтирилган саволлардан иборат бўлган бўлса, энди асосий эътибор махсус тайёрланган видео-материалларга, нуқтаи назар бўйича саволларга, Муқаддас Китоб матнлари бўйича саволлар ва кўплаб расмларга қаратилган.

Мен Яҳованинг Шоҳидларини замондан ортда қолмасдан, одамларнинг одатлари ва турмуш тарзидаги ўзгаришларни инобатга олаётганликлари учун мақтаб ўтмоқчиман. Чунки атрофимиздаги дунё тез ўзгармоқда ва ҳозирда босма китоблар ягона маълумот манбаи ҳисобланмайди. Электрон китоблар, Интернет, ўргатувчи видеолар ва телевидение ўз ўзгаришларини киритиб, ҳар бир инсонни қизиқтирадиган ҳар қандай мавзу бўйича чексиз янги маълумотлар уммонини очиб бермоқда. Ёш авлод кўп ва ўзоқ ўқишни ёқтирмайди. Инсонлар турли ҳил маълумотларнинг уқан оқимида дуч келганидан, бир мавзуга узоқ вақт давомида эътибор қаратиш қобилиятини ёқота бошладилар. Яҳованинг Шоҳидлари буни тушуниб, ўз ёндашувини ўзгартиришди. Улар сўнги технологиялар билан ҳамқадам эканлиги яна исботланди.

Муқаддас Китоб тадқиқи курсини тугатганидан сўнг, сувга чўмишдан олдин, инсон етарли билимларга эга эканлигига ва ҳаёт

тарзи Муқаддас Китоб талабларига мос келаётганига ишонч ҳосил қилиш учун, у билан иккита суҳбат ўтказилади. Ҳали сувга чўмишдан олдин барча хохловчилар, ҳар ҳафта ўтадиган «Ҳаёт тарзимиз ва хизматимиз» учрашувида топшириқлар билан чиқиб таълим олишади. 2016 йилгача Яҳова Шоҳидларининг жамоатларида, алоҳида «Воизлик мактаби» учрашуви ўтказиларди. 2016 йилдан бери у янги ҳар ҳафталик «Ҳаёт тарзимиз ва хизматимиз» учрашувининг бир қисмига айланди. «Воизлик мактаби» китобида ёзилганидай: «[Бу мактабда] ёши, миллати ва маълумоти турли бўлган одамлар бепул таҳсил олишади»¹.

Йиғилиш учрашувларига мунтазам қатнаб келаётган, Муқаддас Китоб таълимотларини қабул қилган ва масиҳийлик принциплари бўйича яшаётган ҳар ким, нотиклик маҳоратини ривожлантиришни ўрганиши мумкин (ўқишни биладиган болалар ҳам ота-онасининг иштирокида таълим олишлари мумкин).

Топшириқлар «Ҳаёт тарзимиз ва хизматимиз. Таълим дастури» номли адабиётда, олдиндан келтирилади. Бу адабиёт Яҳованинг Шоҳидлари ва топиниш учун мўлжалланган учрашувларга мунтазам қатнаб келадиганлар учун мўлжалланган. Унда ҳар ҳафталик учрашувлар жадвали ҳамда Муқаддас Китобни мустақил ўқишини мазмунли қилишга ёрдам берадиган расмлар мавжуд. Нима учун бу адабиёт «Таълим дастури» деб номланган, чунки унда шахсий қайдлар ёзиш мумкин. Одатда, сайтда учрашувлар дастури ярим йил олдин мавжуд. Муқаддас Китоб – бу асосий дарслик, чунки у билан ҳамма яхши таниш бўлиши керак.

Муқаддас Китобдан ташқари, «Ўқишда ва таълим беришда давом этинг» номли махсус рисола мавжуд. Бу рисола 2019 йил «Воизлик мактаби» китобининг ўрнини эгаллади. Бу дарслик, ўз фикрингизни саводли ифодалаш, тингловчилар олдида нутқ сўзлаш, тўғри қироат қилиш ёки бошқа сўзлар билан айтганда, моҳир нотик ва ваъзгўй бўлиш бўйича фойдали маслаҳатларни ўз ичига олган.

¹ Воизлик Мактаби. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania. 2012 – 5-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102001051).

Қўйида айрим дарсларнинг номи келтирилган: «Тўғри қироат», «Ижобий бўлиш», «Қалбни забт этишга интилиш», «Мисоллар ёрдамида таълим бериш», «Тингловчилар учун маъзmunли маълумот». Нотиқдик маҳоратини ошириш учун жами 20 та амалий дарслар мавжуд. Бу дарслик ўз турида ноёб, чунки унда халқаро ваъзгўйлар ташкилотининг 80 йиллик тажрибаси жамланган (Мактаб биринчи бор 1943 йилда ташкил этилган). Олдинги қўлланмалардан фарқли ўларок, янги қўлланмада жуда оз матн келтирилган бўлиб, ҳар бир дарсликка таълим видеолари бириктирилган.

Агар сувга чўмган ваъзгўй ташкилот фаолиятида кўпроқ иштирок этмоқчи бўлиб, кашшоф¹ сифатида хизмат қилишни бошласа, бир йилдан сўнг «Кашшофлар мактабида» ҳафталик курсни ўтиши, ҳамда туман оқсоқоли ва жамоат оқсоқоллари билан ҳар йиллик, мунтазам равишда махсус ташкил этилган таълим учрашувларида қатнашиши мумкин.

Агар сувга чўмган имонли эркак оқсоқол ёки оқсоқолнинг ёрдამчиси сифатида тайинланса, бир неча йилда бир марта «Илоҳий хизмат мактабида» ва «Жамоат оқсоқоллари учун мактабда» махсус маънавий таълим курсларида қатнашади. У ерда қай йўсин жамоатдаги вазифаларини аъло тарзда бажариши ва имондошларига бериши батафсил тушунтирилади.

Агар сувга чўмган имонли инсон Байтилда хизмат қилишни бошласа, «Байтилда хизмат қилишни бошлаганлар учун мактаб» курсини ўтади.

Агар сувга чўмган имонли эркак туман оқсоқоли сифатида тайинланса, «Туман оқсоқоллари ва уларнинг хотинлари учун мактабда» таълим таълим олади ва ҳоказо.

Яҳова Шоҳидларининг ҳар қандай янги вазифаси қўшимча таълим олиш билан боғлиқ. Бу, инсонга янги маъсулиятларини яхшироқ удалашга ва натижада, ишини сифатли ва онгли равишда бажаришга ҳамда меҳнатидан меҳнатидан роҳат топишига ёрдам беради.

¹ Баъзи имонлилар шахсий хоҳишларига кўра маълум бир «қасам» ичишлари мумкин. Шунга, Яҳова Шоҳидларининг орасида хизматга кўпроқ вақт ажратишни хоҳлайдиганлар бор. Уларни «кашшофлар» деб аташади. Хизматга муайян вақтни сарфлашга шароити йўл қўядиган намунали сувга чўмган ваъзгўй кашшоф бўла олади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар бир имонли инсон Муқаддас Китобни ва ташкилот адабиётларини чуқур шахсий тадқиқ қилишга ҳамиша даъват этилади. Ушбу мақсадлар учун ташкилот томонидан мунтазам равишда жуда кўп турли ҳил адабиётлар чоп этилади. Шу тариқа, Яҳованинг Шоҳидларида таълим олиш жараёни ҳаммага таъсир қилади ва ҳеч қачон тугамайди.

Топиниш учун мўлжалланган учрашувларга келсак, барча хоҳловчилар учун улар ҳамиша очиқ. Шунинг учун уларда кўпинча шунчаки қизиқиб келганлар ҳам, Яҳованинг Шоҳидлари ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлиб, уларнинг ҳаёти ва диний амалиёти билан яқинроқ танишмоқчи бўлган инсонлар ҳам қатнашади.

Йиғилишларда пул йиғиб олишлар, ишонч орқали шифо беришлар ва ҳоказолар ўтказилмайди. Яҳованинг Шоҳидларида, масалан, православ ва католик черковларида ўтказиладиган дабдабали маросимлар каби маросимлари йўқ. Йиғилишларни олиб борувчилар махсус либосларни кийишмайди, маросим буюмларидан, шунингдек, ша-рафли унвонлардан ва бир-бирига мурожат қилишнинг махсус шаклларидан фойдаланишмайди.

Топиниш учун мўлжалланган учрашувлар марказида Муқаддас Китоб таълими жойлашган бўлиб, Муқаддас Китоб матнларини тақин қилишни, Муқаддас Китоб тарихини, хронологиясини, географиясини ва ҳоказоларни кўриб чиқишни ўз ичига олади. Топиниш учун мўлжалланган учрашувлар қисмига диний кўшиқлар ва ибодатлар ҳам киради. Шу билан бир вақтда, йиғилишларда самий, лекин камтарона, ҳеч қандай рақсга тушмасдан, ҳаддан ташқари ҳиссиётларсиз, имо-ишораларсиз ҳамда бақирмасдан кўшиқ айтилади. Яҳованинг Шоҳидлари харизматлар эмас, шунинг учун йиғилишларида ортиқча ҳиссиётларга берилиш, ҳайқириш, йиғлаш ва ҳоказолар ҳуш кўрилмайди. Асосий эътибор ҳиссиётларга эмас, балки ақл-идроқка қаратилади.

Топиниш учун мўлжалланган учрашувларнинг барчаси бепул ўтказилади. Баъзи учрашувларда иштирокчилар шарҳ бериб қат-

нашиши мумкин. Бутун дунё бўйлаб учрашувлар дастури Етакчи кенгаш томонидан тайёрланади. Шундай қилиб, барча жамоталар бир хил таълим олади. Бу ўта уюшқоқликни ва таржимонлар кўп меҳнат қилишини талаб этади, чунки таълим дастури ва барча материаллар бир вақтнинг ўзида бутун дунё бўйлаб юзлаб тилларда мавжуд бўлиши керак. Бу шунингдек, Яҳованинг Шоҳидлари учун бундай таълимнинг аҳамиятини кўрсатяпти.

Ҳар ҳафта топиниш учун мўлжалланган иккита учрашув ўтказилади. Иккала учрашув ҳам бутун дунё бўйлаб йиғилишлар учун умумий бўлган қатъий режага мувофиқ ўтказилади.

Яҳова Шоҳидларининг топиниш учун мўлжалланган ҳафталик учрашувларини қисқача таърифлаб бераман.

Ҳар ҳафта, Яҳова Шоҳидларининг топиниш учун мўлжалланган учрашувларида **«Ҳаёт тарзимиз ва хизматимиз» учрашуви** ўтказилади. У кириш қўшиғи ва ибодат билан бошланади. Бу учрашув учта асосий бўлимдан иборат: «Учрашувнинг биринчи қисми *“Аллоҳ Каломидаги хазиналар”* деб номланиб, Муқаддас Китобдаги муайян баёнотни контексти ва тарихий фони билан таништиради ҳамда билиб олганларимизни қандай қўллаш мумкинлигини ўрганишимизга ёрдам беради. Учрашувда нутқ, қироат ва ҳафталик Муқаддас Китоб мутолаасига асосланган муҳокама бўлади. “Ҳаёт тарзимиз ва хизматимиз”да Муқаддас Китобдан олинган сабоқлар асосида таълим беришга кўмаклашувчи кўргазмали қўлланмалар ва иш варағи бор. Муқаддас Китобни шу тарзда чуқур тадқиқ қилиш шахсий ҳаётимиз учун фойдали бўлиб, бошқаларга ҳам таълим беришимизга кўмаклашади. Бу туфайли биз “ҳар тарафлама билимга эга бўлиб, ҳар бир яхши ишга бутунлайин тайёр” бўламиз. (2 Тим. 3:16, 17) Учрашувнинг *иккинчи қисми “Хизматда фаол бўлинг”* деб номланиб, у барчага хизматда иштирок этиш нималигини машқ қилиб кўришга ҳамда ваъз қилиш ва таълим бериш қобилиятини яхшилашга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Ўқувчиларга бериладиган топши-

риқлардан ташқари, тахминий суҳбатларнинг видеолари муҳокама қилинади. Учрашувнинг бу қисмида «толиққанларга оромбахш сўзларни айта олиш учун» «таълим» оламиз. (Ишаё 50:4) Учрашувнинг учинчи қисми «*Ҳаёт тарзимиз*» деб номланиб, унда биз Муқаддас Китоб принципларини кундалик ҳаётда қўллашни ўрганамиз. (Заб. 119:105) Бу қисмнинг асосий хусусияти, “Жамоат билан Муқаддас Китоб тадқиқи” дир. Худди “Кўриқчи минораси” тадқиқи сингари “Жамоат билан Муқаддас Китоб тадқиқи” ҳам савол-жавоб тариқасида ўтказилади»¹.

Бутун дастурда Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайтидаги видеолардан фаол қулланилади. Шоҳидларнинг ўзлари айтганидек: «Ҳафта ичидаги йиғилишларда биз изланиш ўтказишни ва маълумотни мантиқий равишда тақдим этишни ўрганамиз. Шунингдек, биз бошқаларни тинглашга ва нафақат ўзимизнинг балки уларнинг ҳам маънавий эҳтиёжлари ҳақида ўйланишни ўрганамиз»².

Дам олиш кунлари икки қисмдан иборат бўлган иккинчи учрашув ўтказилади. «Дам олиш кунлари ўтадиган учрашувнинг биринчи қисмида Муқаддас Китобга асосланган, кенг оммага мўлжалланган нутқ сўзланади. Ахир кимдир унга биринчи марта келган бўлиши мумкин. Бу оммавий нутқ ҳақиқатни эндигина ўрганаётганларнинг ҳамда жамоат ваъзгўйларининг маънавий эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. (Ҳавор. 18:4; 19:9, 10) ... Бундай нутқлар бизга Масиҳнинг таълимотларидан четга чиқмай, Шоҳлик хизматида саботли бўлишга ёрдам берапти... Оммавий нутқларда турли мавзулар ёритилади. Масалан, Муқаддас Китоб таълимотлари ва башоратлари, шунингдек, оилавий ҳаёт, никоҳ, ахлоқий меъёрлар ҳамда ёшлар дуч келаётган вазиятларга

¹ Яҳованинг иродасини бажараётган ташкилот. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2019. – 64-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102014937).

² Царство Бога правит! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2014. – 188-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/царство-бога/образование/служение-школа-обучение/).

оид йўл-йўриқ ва маслаҳатлар кўриб чиқилади. Баъзи нутқларда Яҳованинг беқиёс ижодлари ҳақида гап кетади. Бошқаларида эса қадимда яшаган ҳудожўй кишиларнинг имони, жасорати ва садоқатига эътибор қаратилиб, улардан қандай сабоқ олишимиз мумкинлиги кўрсатилади»¹.

Кўйида Муқаддас Китобга асосланган нутқларнинг баъзи мавзулари келтирилган: «Оилавий муаммоларнинг ечими бор», «Ҳамма нарсада ҳалол бўлинг», «Аллоҳ каби меҳр-шафқатли бўлинг», «Ҳоқимиятга бўлган нуқтаи назарингиз, Худо учун муҳим», «Никоҳ ва жинсий муносабатларга бўлган, Худонинг нуқтаи назари», «Фарзандлар – маъсулият ва баракадир», «Меҳмондўст бўлинг», «Мусибатлар Худоданми?», «Кечиримлимисиз ёки кек сақлаб юрасизми?», «Дўстларни донолик билан танланг», «Одам ўлганда нима содир бўлади?» ва ҳоказолар.

Яҳова Шоҳидларининг маънавий тарбия тизимида оммавий нутқларнинг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиб, шуни ҳам такидлаш керакки, бу нутқлар билан чиққан маърузачилар, бир томондан тингловчиларининг маънавий ўсиши орқада қолишига йўл қўймасликка, бошқа томондан эса, ҳар бир имонли инсонда «танланганлик» ва «ўзгачалик» ҳиссини шакллантиришга интилишади.

Оммавий нутқларни маҳаллий ҳамда қўшни жамоатлардаги оқсоқоллар ёки қобилиятли жамоат ёрдамчилари сўзлашади.

Маърузачилар маълумотни тақдим этиш усулларига ҳам, шаклларига ҳам бефарқ эмас. Улар иложи борича ҳаётий мисолларни келтириб, ваъзларини тассавурли ишга соладиган, ҳиссиётли қилишга ҳаракат қилишади. Имонлиларнинг онгига ва ҳулқ-атвориغا таъсир қилишнинг турли воситалари ва мисоллари, диний тили ва муаллифлик услуби, материални тақдим этиш ва сингдириш шакллари ва усуллари, диний ваъзнинг (оммавий нутқнинг) ҳис-ҳаяжонли ва

¹ Яҳованинг иродасини бажараётган ташкилот. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2020. – 61–62-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102014937).

оқилона элементларининг нисбати доим ўзгартирилади. Шундай қилиб, оммавий нутқнинг асосий таркибий қисми – бу *маънавий ички мазмундир*. У содда ва тушунарли тил билан ажралиб туриши керак.

Айтиш жойизки, ҳозирда оммавий нутқларга ҳам видеолар қўшилмоқда ва Ўйғилиш Залларидаги катта экранларда кўрсатилмоқда.

Маърузадан кейин қатнашувчилар ўрниларидан туриб, мусиқа жўрлигида қўшиқ куйлашади. Сўнг, бундай учрашувларда тадқиқ қилиш учун махсус мўлжалланган «Кўриқчи минораси» журнали мақолаларининг бири ёрдамида Муқаддас Китоб тадқиқи ўтказилади. Бу тадқиқ *қўйидаги режа бўйича ўтказилади*:

Ўтказувчи оқсоқол ва унинг ёрдамчиси (қироатчи) тадқиқни ўтказишади. Ёрдамчи мақоладаги битта ёки иккита хат бошиларни ўқийди, ўтказувчи эса қатнашувчиларни ўқилган маълумот бўйича саволларга жавоб беришга таклиф қилади (саволлар мақоланинг ўзида келтирилган).

Хар бир хоҳловчи ўқилганларни қандай тушунганини сўзлаб бериб, ўз шарҳларини маънавий китоблардан ёки ҳаётдан олинган фикрлар билан тасдиқлайди. Одатда, хар бир хат бошига бир нечта шарҳ берилади. Мақоланинг муҳокамасига ҳамма олдиндан тайёргарлик кўради. Бу учрашув бир соат давом этади.

Бундай учрашувларда қатнашиб, масъулият билан шуни айтишим мумкинки, жамоат учрашувидаги қатнашувчиларнинг барчаси муҳокамада жуда фаол иштирок этишади. Бу ерда ҳамманинг фикри ҳурмат қилинади, аъло даражада ҳушмуомалалик кўрсатилади, ўтказувчининг вазифаси эса – агар шундай зарурат пайдо бўлса – хар бир саволга айтилган фикрларни умумийлаштириш ва ўқилган маълумотни аниқ изоҳлаб бериш. (Мавзудан четга чиқиб, шуни айтмоқчиманки, олийгоҳларнинг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимларининг кўплаб ўқитувчилари бундай учрашувларда бошланғич манбалар матнлари бўйича семинарларда ишлашни ўргансалар фойдали бўларди).

Ҳар бир мамлакатда йилига уч маротаба ўтказилган йиллик анжуманлар имонлилар учун айниқса қувончлидир. Уларни ҳатто имонлилар учун ҳақиқий байрам ва шу билан бирга, улкан Муқаддас Китоб семинарлари деб аташ мумкин.

«Битта туманга оид жамоатлар йилига икки марта бир кунлик туман анжуманига йиғилишади. Ушбу қувончли тадбирлар ҳар бир қатнашчига имондошлари учун “бағрини кенг қилиш” имконини беради. (2 Кор. 6:11–13) Ўзгача эҳтиёжларни инобатга олиб Яҳованинг ташкилоти Муқаддас Китобга асосланган мавзуларни ва анжуман дастурининг турли қисмларини тайёрлайди. Маълумот нутқлар, намоишлар, саҳналаштирилган воқеалар, монолог ва интервьюлар орқали тақдим этилади. Ўз вақтида берилаётган бу йўл-йўриқлар барча қатнашчиларнинг имонини мустаҳкамлайди. Бу анжуманларда янги шогирдлар ўзларини Яҳовага бағишлаганини сувга чўмиш билан кўрсатиш имконига эга бўлишади»¹.

Йилда бир марта, одатда ёзда, катта ҳудудий анжуманлар ўтади. Бу анжуманлар одатда уч кун давом этиб, уларда бир нечта туманга тегишли жамоатлар йиғилади. Дастурга кўплаб видеолар киритилган, шунингдек, ҳудудий анжуманларда, янги диний адабиётлар, жумладан, Муқаддас Китобнинг янги таржималари чиққанлиги эълон қилинади. Сўнги йилларда, Муқаддас Китоб ҳикоясига асосланган янги видеофильмлар намоиш этиляпти. Биринчи бобда таъкидланганидек, барча видеороликлар, ҳатто видеофильмлар ҳам Яҳова Шоҳидларининг ўзлари томонидан таёрланади.

Ҳалқаро бош идора томонидан вақти-вақти билан халқаро ёки махсус анжуманлар ўтказилади ва уларда турли мамлакатлардан келган минглаб Яҳованинг Шоҳидлари қатнашади. Масалан, 2017 йилда Олмаота шаҳрида (Қозоғистон), Яҳова Шоҳидларининг Масиҳий маркази ҳудудида бундай анжуман ўтказилган.

¹ Яҳованинг иродасини бажараётган ташкилот. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2020. – 68-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/1102014937).

Анжуманлар ўтказиш учун Яҳованинг Шоҳидлари одатда катта бинолар ёки майдонларни ижарага олишади. Баъзи мамлакаларда эса, улар махсус «Анжуман залларини» қуришади. Бу ерда Яҳова Шоҳидларининг илоҳий хизматидаги яна бир муҳим таркибий қисми белгилаш керак. Бу диний қўшиқларни куйлаш.

Диний таълим жараёнининг бир қисми бўлган илоҳий қўшиқларни ижро этиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Муқаддас Китобдаги йўл-йўриқни чин кўнгилдан қабул қилиб: «Қани, келинг, қувончдан Яҳовага ҳайқирайлик! ... Келинг, шукрона айтиб ҳузурига борайлик, ҳурсанд бўлиб, Унга мақтовлар куйлайлик!» (Забур 95:1, 2), Шоҳидлар учун биргаликда диний қўшиқларни куйлаш катта аҳамиятга эга. Барча йиғилишлар қўшиқ билан бошланади ва тугатилади. 1879 йилда Ч. Т. Расселл «Келиннинг қўшиқларини», 1890 йилда эса «Мингйиллик тонгининг шеърлари ва мадҳ этувчи қўшиқларини» чоп этган. Ўшандан бери ўндан зиёд қўшиқ китоблари нашр қилинди. Ҳозирда Яҳованинг Шоҳидлари 151 та қўшиқдан иборат, 2017 йилда чоп этилган «Яҳовага шодлик ила қўйланг» қўшиқ китобидан фойдаланиб келишмоқда.

Қайси сабабларга кўра қўшиқ китоблари ўзгартирилиб, қайта нашр этилади?

«Қўриқчи минорасида» янги қўшиқ китобининг нашри ҳақида қўйидагича айтилган: «“Қўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва букламалар Жамияти (Пенсильвания)”нинг 2016 йилги мажлисида Етакчи кенгаш аъзоси Стивен Летт “Яҳовага шодлик ила қўйланг” номли янги ҳамду санолар китоби чиққанини ва тез орада учрашувларда ундан фойдаланишимизни эълон қилди. Биродар Летт “Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси” қайта кўриб чиқилгани учун бу китоб ҳам қайта кўриб чиқилди деб тушунтирди. Инглиз тилидаги “Янги дунё таржимаси”нинг 2013 йилги қайта кўрилган нашрида ишлатилган ибораларга биноан, баъзи қўшиқлар олиб қўйилди ёки ўзгартирилди. Шунингдек, ваъзгўйлик ишимиз ҳақида ва тўловни қадрлашимизни кўрсатадиган янги қўшиқлар ҳам

киритилди. Қолаверса, куйлаш ҳақ топинишнинг ажралмас қисми бўлгани учун Етакчи кенгаш муқоваси “Янги дунё таржимаси” га ўхшаш, яъни юқори сифатли китоб чоп этилишини мақсад қилиб қўйди. “Яҳовага шодлик ила куйланг” китобидан фойдаланиш осонроқ бўлиши учун қўшиқлар мавзу бўйича жойлаштирилган. Мисол учун, илк 12 та қўшиқ Яҳова билан боғлиқ, кейинги 8 таси Исо ҳамда тўлов ҳақида ва ҳоказо. Бу китобда мавзулар кўрсаткичи ҳам бор бўлиб, жуда қўл келади, масалан, биродаримиз оммавий нутқ учун қўшиқ танлаганда бу асқатади. Ҳар биримизга чин қалбдан ҳамду сано куйлашга кўмаклашиш мақсадида айрим матнлардаги фикрлар аниқлаштирилди ва қўшиқлар янада чиройли ҳамда қалбни забт этадиган бўлди. Баъзи тилларда чоп этилган ҳамду санолар китобида эскирган сўзлар ва иборалар ўзгартирилди. Масалан, йиғилишлардаю анжуманларда кўпгина янги кишилар, қизиқувчилар, ёшлар ва опа-сингиллар куйлаётганда бошқаларга худди таълим бергандай туюларди. Шунинг учун, қўшиқларнинг номи ва матни ўзгартирилди»¹.

«Қўриқчи минорасининг» ўша сонида «Шодлик ила куйланг!» мақоласи жойлаштирилган бўлиб, у ерда куйлаш қобилиятини яхшилаш учун: қандай қилиб қўшиқ куйлаганда тўғри нафас олишининг, оғизни тўғри очишининг, овоз чиройли ва жарангли бўлиши учун, қоматни тўғри тутишининг амалий маслаҳатлари келтирилган.

Яҳова Шоҳидларининг топиниш учун мўлжалланган учрашувларда куйланадиган қўшиқлар – шунчаки чиройли мусиқа ёки биргаликда куйлаш эмас, балки таълимнинг ва Худого топинишнинг муҳим қисмидир.

Яҳова Шоҳидларининг таълими ва топиниши борасидаги масалалар ҳақида гапирганда, уларнинг болаларни ва ўсмирларни тар-

¹ Қўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2017. Ноябрь. – 6–7-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/кўриқчи-минораси-тадқиқ-сони-ноябрь-2017/кўшиқ-куйлаш-ҳақ-топинишнинг-ажралмас-қисми/).

биялашга нисбатан нуқтаи назарини таъкидлаб ўтиш керак. Яъни Яҳованинг Шоҳидлари, болаларни ва ўсмирларни фақат ўзининг ота-онаси тарбиялаши керак, деб ҳисоблашади. Ташкилот бу масалада изчиллик билан қатъий нуқтаи назарни сақлаб келмоқда. Улар бу борада шундай ёзишган:

«Барча ота-оналар ўз фарзандларига таълим беришга ва ҳимоя қилишга маъсулдир. Бу маъсулиятни маъсиҳий ота-оналар ҳамиша виждонан бажаришга ундалиб келишади. Шунингдек, уларга қўйидагилар тавсия этилади:

- фарзандларининг ҳаётида фаол ва бевосита иштирок этиш;
- болаларга қўпол муносабатда бўлишга қандай қилиб қарши туришни билиш ва болаларни ҳам бунга ўргатиш;
- фарзандларни қўллаб-қувватлаш, мустақмлаш ва улар билан мунтазам мулоқот қилиш (Қонулар 6:6, 7; Ҳикматлар 22:3).

Яҳованинг Шоҳидлари, ота-оналарга фарзандларини ҳимоя қилиш ва уларга таълим бериш вазифасини бажаришга кўмаклашадиган Муқаддас Китобга асосланган кўплаб адабиётларни нашр этишади.

Яҳова Шоҳидларининг жамоат учрашувларида, болалар таълим олиш мақсадида ҳам, бошқа фаолият учун ҳам ота-оналаридан ажратилмайди. (Эфесликларга 6:4) Мисол тариқасида, бизнинг жамотларимиз болаларни ота-онасидан ажратиб қўядиган болалар уйини, якшанба мактабларини, спорт клубларини, ёшлар ташкилотларини ёки бошқа бир уюшмаларни ташкиллаштирмайди ва ҳомийлик қилмайди»¹.

Яҳова Шоҳидларининг адабиётларида бу ҳақида аниқ айтилган:

«Яҳова ота-оналар зиммасига фарзандларига таълим бериш масъулиятини юклаган. (Ҳикматлар 1:8; Эфесликларга 6:4) Муқаддас Китобни оилавий тадқиқ қилиш, болаларни Худога топиниш қандайдир расмий маросим эмас, балки оилавий ҳаётнинг бир

¹ Библиейская позиция Свидетелей Иеговы в отношении несовершеннолетних. Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл манбага қ. (www.jw.org/ru/новости/юридическая/юридическая-информация/материалы/скачать-библейская-позиция-защита-несовершеннолетних/).

қисми эканига ўргатади. (Амрлар 6:6–9) Боз устига, яхши ташкил этилган оилавий тадқиқ, ота-оналарга фарзандларининг маънавий ва ахлоқий нарсаларга нисбатан нуқтаи назарини билиш имконини яратади. Мисол учун, болалар ҳали кичкина бўлишса, ота-оналар «Муқаддас Китоб ҳикоялари» адабиётини қўллашлари мумкин. Ушбу китобнинг ҳар бир хат бошини саволлар ёрдамида кўриб чиқаётиб, болаларингизни ўз фикрлари билан бўлишишга унданг. Ҳавола этилган оятларни муҳокама қилганда эса, ота-оналар фарзандлари «яхши ва ёмонни фарқ этиш малакасига эга бўлишларига» кўмаклашадилар. (Ибронийларга 5:14) Болаларингиз улғайган сайин, оилавий тадқиқларни уларнинг эҳтиёжларига мослаштириш даркор ... Албатта, оилавий тадқиқ мунтазам ва қизиқарли ўтиши учун, тиришқоқлик ҳамда ижодкорлик талаб этилади. Бироқ бундай ҳаракатлар яхши самара келтиради (Ҳикматлар 23:15)»¹.

Ота-оналарни эса, мана бундай таълим бериш ёндашувини қўлашга ўндашади:

- **«Болангиз билан яқин муносабатларни сақланг.** Фарзандларингизнинг тенгдошлари уларга дўст бўлиши мумкин, лекин улар ота-онадек панд-насиҳат бера олмайди.

- **Фарзандингиз фақат тенгдошлари билан эмас, балки бошқа ёшдаги кишилар билан ҳам дўстлашсин.** Фарзандингиз тенгдошлари билан дўстлашса, бу унга бошқалар билан тезда чиқишиб кетишга ёрдамлашади, аммо у етук инсон бўлиб улғайиши учун турли ёшдаги кишилар билан дўстлашиши лозим. Сабаби тенгдошлар бола муҳтож бўлган таълим-тарбияни бера олмайди, буни фақат меҳрибон ота-она аъло даражада бажара олади.

- **Доно маслаҳатлар беринг.** Фарзандларингиз улғайиб қолган бўлса-да, сиз билан вақт ўтказишдан катта фойда олишлари мумкин»².

¹ Кўриқчи миносаси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2007. 1 сентябрь. – 28-29-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/uz-Cyrl/wol/d/r42/lp-uz/2007646).

² Қай йўсин ота-оналар фарзандларига таълим-тарбия бера олади? Яҳова Шохидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/муқаддас-китоб-таълимотла-ри/оила/ота-она-тарбия-таъсир/).

«Агар фарзандларнинг тарбиясида Тангри Яҳовага тақлид қилган ҳолда севги, мулоҳазакорликни намоён этсангиз ва сўзингизда турсангиз, ҳаракатларингиз самара келтиришига амин бўлишингиз мумкин. Шунда фарзандларингиз етук, масъулиятли ва мувозанатли бўлиб ўсишига ёрдам берасиз. Ҳа, Аллоҳнинг Каломида: «Болани тўғри йўлга солиб тарбияла, шунда қариганда ҳам йўлидан адашмайди», — деб бежиз айтилмаган. (Ҳикматлар 22:6)

Муқаддас Китобга асосланган тарбия бу...

Севги. Самара келтирадиган тарбия ғазабга эмас, севгига асосланган. Қийин вазиятга дуч келиб, дарҳол фарзандингизни жазолашга тушманг. Аввал тинчланинг.

Мулоҳазакорлик. Вазиятнинг ҳамма томонларини, шу жумладан, фарзандингизнинг камчиликларини қобилиятларини инобатга олишга ҳаракат қилинг.

Сўзда туриш. Агар болангизни ёмон ҳулқи учун жазолашингиз ҳақида огоҳлантирган бўлсангиз, албатта сўзингизда турунг»¹.

Ташкилот ота-оналарга кўп ёрдам беради. Расмий jw.org веб-сайтида ота-оналар, болалар ва ўсимрлар учун турли-туман материаллар мавжуд. Бу – мақолалар, фильм ва видеолар, болалар учун турли вазифалар ва комикслар, шунингдек, мультфильмлардир.

Ота-оналар учун мавзулар орасида мисол тариқасида қўйидагиларни келтираман: «Қандай қилиб яхши ота-она бўлишим мумкин?», «Ота-оналар боғчалар ҳақида нимани билишлари керак?», «Фарзандимга масъулиятли бўлиши учун қандай ёрдам бера оламан?», «Боламга смартфон керакми?», «Фарзандимни смартфондан тўғри фойдаланишга қандай ўргата оламан?», «Фарзандимни таъсирли хабарлардан қандай ҳимоя қилишим мумкин?», «Қандай қилиб яхши ота бўла оламан?», «Фарзандингиз жиддий касал бўлса», «Ижодий ўйинларнинг афзалликлари», «Фарзандингизни уй ишларида ёрдам бериши учун ёш деб ўйлайсизми?», «Худбинлик

¹ Қўриқчи миносаси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2014. Июль. – 10-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/wp20140901/Фарзандларни-қандай-тарбияласа-бўлади/).

дунёсида фарзандимда раҳимдилликни қандай ошира оламан?», «Фарзандларингизга ахлоқий меъёрларни сингдиринг», «Фарзандимни маъсулиятли инсон сифатида қандай тарбия оламан?», «Муваффақиятсизликка учраган болаларга қандай ёрдам берса бўлади?», «Болангиз яхшироқ ўқишига қай йўсин ёрдам бера оласиз», «Болам таҳқирланаётган бўлса, нима қила оламан», «Фарзандимни ўзини тута билишга қандай ўргатсам бўлади?», «Фарзандимни худбин қилиб тарбияламаслигим учун нима қилишим керак?», «Фарзандимнинг асабий бақриқлари билан қандай курашсам бўлади?», «Ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрланг», «Ўсмир фарзандингиз билан баҳс-мунозарасиз мулоқот қилинг» ва ҳоказо.

Шунингдек, ҳар бир масиҳий ва оила шахсан Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш учун ҳафтада бир оқшом ажратади. Оилалар, оилавий топиниш оқшомини ўтказишади. 2009 йилдан бошлаб Шоҳидлар топиниш учун мўлжалланган учрашувларининг сонини учтадан иккитага қисқартиришди. Бу, имонлиларга оилавий Муқаддас Китоб тадқиқи оқшомини ўтказишга қўшимча вақт бериш мақсадида қилинган. Бундай оқшом учун ҳеч қандай қатъий қоида йўқ, шунинг учун ота-оналар уни қандай ўтказишни ўзлари ҳал қилишади. Ташкилотнинг асосий маслаҳати шундаки, бу оқшом турмуш ўртоқларни ва болаларни ташвишга солаётган саволларни Муқаддас Китоб асосида муҳокама қилишга бағишланиши лозим, шу билан бирга у расмий эмас, балки жонли ва қизиқарли бўлиши керак. Яҳованинг Шоҳидлари фарзандларни тарбиялаш ташкилот томонидан эмас, балки ота-оналар томонидан амалга оширилиши керак деб ҳисоблаганликлари сабабли, бундай «оилавий топиниш», уларнинг оилалари ҳаётида катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Яҳованинг Шоҳидлари аъло даражадаги танқидий фикрлаш қобилиятига эга, диний соҳадаги билимларини доимо мукаммаллаштириб борувчи мулоҳазали масиҳийлар эканлиги ҳақида аниқ хулоса чиқаришимиз мумкин.

Айтиш керакки, совет атеистик адабиётида узоқ вақт давомида Яҳованинг Шоҳидлари дунёвий таълимга жуда салбий муносабатда

эканликлари ҳақидаги умумий фикр бир нашрдан бошқасига кўчиб юрган. Афсуски, бу афсона бутунги кунда ҳам жоҳил рақиблар томонидан қўлланилмоқда.

Лекин нега бундай холис бўлмаган фикр мавжуд бўлган? Менимча, бу қисман совет даврида Яҳова Шоҳидларининг фарзандлари масиҳий бетарафлигини ҳимоя қилишга мажбур бўлганлиги билан боғлиқ: улар 1 май ва бошқа коммунистик байрамлар шарафига ўтказиладиган митинглар ва юришларда қатнашишдан, октябрятлар ва пионерлар сафига қўшилишдан бош тортишган, Вьетнамдаги урушлар учун маблағ йиғишда қатнашмаганлар ва ҳоказо. Буларнинг барчаси билан Шоҳидларнинг болалари атрофдагиларнинг ғазабини кўзғатишган. Бу биринчидан.

Иккинчидан эса, дин – хурофот ва зулат, инсон қолақлигининг ўзига хос кўрсаткичи, деб эълон қилинган. Бинобарин, бундай қарашлар остида бўлган имонли инсон ҳеч қандай ҳолатда илмга ишқибоз бўла олмасди.

Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган расмий нуқтаи назарига мурожаат қилайлик.

«Таълим Муқаддас Китобда юқори баҳоланган “донолигу тафаккур”ни ривожлантиришга ёрдам беради. (Ҳикматлар 2:10, 11; 3:21, 22) Қолаверса, Исо издошларига у амр этган нарсаларни бошқаларга ўргатишни айтган. (Матто 28:19, 20) Шу боис, ташкилотимиз аъзоларини яхши таълим олишга, жумладан, ўқиш, ёзиш ва суҳбатлашиш кўникмаларини ривожлантиришга, бошқа дин ҳамда маданиятлар ҳақида билим орттиришга ундаймиз. (1 Коринфликларга 9:20–22; 1 Тимўтийга 4:13)

Ҳукумат ҳам таълим олиш муҳим эканини тан олади ва шу сабабли кўпинча бошланғич ва ўрта таълим ёшлар учун мажбурий ҳисобланади. Шу боис, «ҳар бир инсон ҳукмрон ҳоқимиятга бўйсунсин» деган сўзларга мувофиқ равишда мазкур қонунга амал қиламиз. (Римликларга 13:1) Шунингдек, фарзандларимизни дарсларга енгил-елпи қарамасликка, аксинча, мактабга боришга ва

қўлларидан келганча яхши ўқишга интилишга ундаймиз . Худонинг Каломида қуйидагича ёзилган: “Нимаики қилсангизлар, уни одамлар учун эмас, балки Яҳова учун қилгандек, бажонидил адо этинглар”. (Колосаликларга 3:23)

Таълим олиш оиламизни таъминлашга ёрдам беради. Муқаддас Китобга кўра, “агар ким ўз яқинларига, айниқса уйдагиларига ғамхўрлик қилмаса, у имонини инкор этган бўлиб, имонсиздан ҳам баттардир”. (1 Тимўтийга 5:8) Олган таълимимиз оиламизга ғамхўрлик қилиш каби муқаддас бурчимизни бажаришга кўмаклашади. Россия педагогик энциклопедиясида таъкидланишича, таълим «инсоннинг ижтимоий ва қасбий ролларни бажаришга тайёрлигини таъминлайди». Хунарли ва яхши ўқиган киши учун оиласини таъминлашда асқатадиган ишни топиш осонроқ. (Ҳикматлар 22:29)

Бундан ташқари, ота-оналар фарзандларига катта ҳаётга тайёрланишга ёрдам беради ва бунда мактабдаги таълимнинг ўрни беқиёс. (2 Коринфликларга 12:14) Ҳатто мактабда ўқиш пулли ёқийин бўлса ва маданиятга тўғри келмаса ҳам, ота-оналарни фарзандларига бундай таълим беришга ундаймиз . Шунингдек, ота-оналар фарзандларининг таълим олишига қандай ҳисса қўша олиши борасида амалий маслаҳатларни тақдим этамиз»¹.

Кўриб турганимиздек, имонлиларнинг қарашлари жуда мувоzanатли ва тўғри. Улар фарзандларида билимга муҳаббатни, ўқишга бўлган тиришқоқликни тарбиялашга интилишади. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, гап халқаро ташкилот ҳақида кетмоқда ва келтирилган адабиётлар нафақат бизнинг ҳудудимиз, балки бутун дунё, жумладан, таълим тизими ниҳоятда заиф ва барча фуқароларни қамраб ололмайдиган мамлакатлар учун мўлжалланган.

Яҳова Шоҳидларининг олий маълумотга нисбатан нуқтаи назарини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

¹ Яҳованинг Шоҳидлари таълим олишга қандай қарайди? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/қўпчиликни-қи-зиқтирадиган-саволлар/jw-таълим-мактаб/).

Умуман олганда, Яҳованинг Шоҳидлари олий маълумот олишга нисбатан жуда эҳтиёт бўлишади. Адабиётларда кўпинча олий маълумот олишнинг хавфи ҳақида гапирилади. Уларнинг фикрича, имонли киши умрининг йилларини ва катта миқдордаги пулни (аксарият Ғарб мамлакатларида айнан шу нарса талаб қилинади) олий маълумот олишга сарфлаши ҳар доим ҳам оқилона эмас.

Улар ўз нуқтаи назарини қуйидагича изоҳлайдилар:

«Таълим олиш имкониятларига жиддий ёндашамиз. Муқаддас Китобда: “Содда ҳар бир сўзга ишонади, заковатли эса ҳар бир қадамини ўйлаб босади”, — деган сўзлар бор. (Ҳикматлар 14:15) Қўшимча (олий) таълим олиш учун мавжуд имкониятларни ҳамда уларнинг ҳар бири қанча маблағ талаб қилишини ва қанчалик муҳим эканини тарозига солаётиб, мазкур принципни қўлаймиз. Масалан, бирон касб-ҳунарга ўргатувчи курсда ўқиш кўпинча вақтдан унумли фойдаланишга ёрдам беради.

Муқаддас Китобда қуйидагича ёзилган: “Заковатли инсон хавфни кўриб яширинади”. (Ҳикматлар 22:3) Яҳованинг Шоҳидлари баъзи университет ёки шунга ўхшаш олий ўқув даргоҳларидаги муҳит ахлоқий ва маънавий тарафдан хавф туғдириши мумкин, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, улар ўзларини ёки фарзандларини бу каби муҳитдан ҳимоя қилишни истайди. Улар кўпинча бундай олий ўқув юрларида қуйида келтирилган нотўғри фикрлар олға сурилади, деб ўйлайди.

Нотўғри фикр. Пул бахт ва хавфсизликка элтади

Кўпинча катта маошли ишда ишлашнинг энг аъло йўли олий ўқув юртида ўқишдир, деган ғоя олға сурилади. Бу туфайли асосан пул ишлаш мақсадида олий ўқув юрларида ўқийдиганлар сони ошиб бормоқда. Айримларнинг ўйлашича, пул уларни бахт ва хавфсизликка элтади, лекин Муқаддас Китобга кўра, бу беҳудадир. (Воиз 5:10) Бундан ҳам муҳимроғи, Муқаддас Китобда айтилишича, “ҳар турли ёмонликнинг негизи пулпарастликдир” ва у кўпинча имон-

дан қайтишга олиб келади. (1 Тимўтийга 6:10) Яҳованинг Шоҳидлари “алдамчи бойлик”нинг тузоғига илинмаслик учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. (Матто 13:22)

Нотўғри фикр. Олий маълумот обрў-эътибор келтиради

Мисол учун, Грузиянинг собиқ бош вазири Ника Гилаури ўз юртида кенг тарқалган нуқтаи назар борасида шундай деб ёзган: “Грузияда олий маълумотли бўлиш жамиятда обрў-эътибор қозониш учун муҳимдир... [Ўтмишда] олий маълумотли бўлмаган ёшлар оиласини иснодга қўярди”. Бундан фарқли равишда, Муқаддас Китоб бу дунёда обрў-эътиборга эришишдан огоҳлантиради. Шоншухрат излайдиган дин раҳбарлари борасида Исо шундай деган: “Бир-бирингиздан таҳсин оласиз-у, Худодан таҳсин олишга интиямас экансиз, унда қандай ишонишингиз мумкин?” (Юҳанно 5:44) Университетдаги муҳит Аллоҳ нафратланадиган хислатни — мағрурликни уйғотиши ҳеч гап эмас (Ҳикматлар 6:16, 17; 1 Бутрус 5:5) ...»¹.

Демак, имонлиларнинг олий таълимга бўлган муносабати билимни ёқтирмаслик билан эмас, балки турли хил ҳаётий мақсадлар билан боғлиқ. Яҳованинг Шоҳидлари учун нуфуз ва яхши ҳақ тўланадиган иш, муваффақият ва бахтнинг мезони эмас. Уларнинг фикрича, Аллоҳга хизмат ва мустаҳкам, бахтли оила – айнан шу бахтли келажак гаровидир.

Шунинг учун улар оила, тинчлик ва Худога хизматни қурбон қилишни талаб қиладиган мартабадан воз кечишлари мумкин. Улар кўпинча ёшларни моддий неъматларга ва пул ишлашга ҳаддан ташқари иштиёқ кўрсатишдан огоҳлантиришади. Лекин наҳотки бу ёмон бўлса?

Ахир соғлом ва тўлақонли жамият – албатта олий маълумотли одамлар жамиятими? Бутун дунёда бўйича олийгоҳлар битирувчилари жуда кўп, аммо улар меҳнат бозорида қанчалик талабга ега?

¹ Яҳованинг Шоҳидлари таълим олишга қандай қарайди? Яҳова Шоҳидларининг расмий веб-сайти. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/яхованинг-шоҳидлари/қўпчиликни-қиқтирадиган-саволлар/jw-таълим-мактаб/).

Ёшларнинг олий ўқув юрти дипломини олиш учун эмас, балки талабга жавоб берадиган, ўзини ва оиласини боқиш имконини берадиган ишчи касбни эгаллашга интилишининг нимаси ёмон? Наҳотки қўл меҳнати, офис ишидан устун бўлса? Биз барча касб эгалари билан фахрланамиз, чунки ҳар қандай иш инсонни яхшилайти ва жамият учун қадрли қилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар бир инсон ўз ҳаёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга, чунки танловнинг оқибатларини фақат ўзи тотади.

Шуни таъкидлаш керакки, таълим масаласида ҳар бир Яҳованинг Шоҳиди шахсий танловини қилади. Бу ҳам ушбу диннинг ўзига хос хусусиятидир.

Бу жиҳат ҳақида уларнинг адабиётида шундай ёзилган:

«Биринчи асрда бўлгани каби, бугунги масиҳийлар орасида ҳам турли хил маълумотга эга одамлар бор. Мажбурий таълимни тугатган ёшлар, ота-оналари билан маслаҳатлашганидан кейин, ўқишни давом эттиришга қарор қилишлари мумкин ... Ҳар ҳолда, ҳар ким ўзи учун танлов қилади. Масиҳийлар бошқаларни шахсий қарорлари учун танқид ёки ҳукм қилмасликлари керак»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари олий маълумот олишни қатъиян ман этишмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, уларнинг фаолият кўламига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Бутун дунёда топиниш учун мўлжалланган бинолар қуриш, юзлаб тилларда турли мавзуларда юқори сифатли нашрлар чоп этиш, Интернет тармоқларидан фаол фойдаланиш, шахсий расмий веб-сайтлар, илғор технологиялардан фойдаланиш, онлайн телевидение, ўз киностудияларида ўзларининг манбалари ва кучлари билан ишлаб чиқарилган мультфильмлар, фильмлар ва ҳужжатли видеолар. Ўйлаб кўринг, билим ва таълимга қарши бўлган одамлар бунга эриша олармиди?

¹ Пробудитесь! – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1998. 8 Март. – 21-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/101998165).

Имонлилар орасида таҳлил қилиш қобилияти ва танқидий фикрлаш яхши ривожланганининг яна бир ёрқин кўрсаткичи, уларнинг тарғиботга ва «фейк» хабарларга нисбатан паст даражада берилувчанлигидир. Бу айниқса коронавирус пандемияси даврида, имонлилар барча санитария чекловлари ва ҳукумат қоидаларини фаол қўллаб-қувватлаганларида яққол намоён бўлди.

Кўп йиллар давомида ташкилот адабиётларида, олинаётган маълумотларни таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар мунтазам равишда нашр қилинмоқда. Масалан, 2013 йилнинг «Уйғонинг!» журналида, «Оммавий ахборот воситаларига ишониш мумкинми?» деган саволга қўйидагича жавоб берилган эди:

«Мувозанатли бўлиш керак. Албатта, янгиликларда эшитган ҳар бир нарсага ишониш оқилона эмас, лекин бу умуман ҳеч нарсага ишониш мумкин эмасликни билдирмайди. Муҳими, ўртача меъёрни топиш: соғлом шубҳани сақлаб, холис бўлишдир.

Муқаддас Китода шундай ёзилган: “Тил егуликнинг таъмини сезганидек, қулоқ ҳам сўзларни фарқлай олмайдами?” (Аюб 12:11) Қуйида эшитган ва ўқиганларимизни таҳлил қилишга ёрдам берадиган маслаҳатлар берилган.

ОАВ ОБРЎСИ. Маълумот ишончли, обрўли шахс ёки ташкилотдан келиб чиқяптими? Дастур ёки нашрни нима ажратиб туради: жиддийликми ёки шов-шувга интилишми? Ахборотларни ким молиялаштиради?

МАНБАЛАР. Келтирилган масала чуқур ўрганилганми? Ахборот битта манбага асосланганими? Қандай манбалар олинган: ишончли, ростгўй ва холиси? Холислик билан ажралиб туришадими ёки фактларни бир ёқлама ёритишадими?

МАҚСАД. Ўзингиздан сўранг: «Бу ахборотнинг мақсади нима: маълумотни тақдим этишми ёки оммани ҳушнуд этишми? Реклама яратишми ёки одамаларни кимнингдир тарафини эгаллашга ундашми?»

ОҲАНГ. Агар хабарларнинг оҳанги газабли, серзарда ёки ҳаддан ташқари танқидий бўлса, эҳтимол бу асосли далиллар эмас, балки кимнингдир томонига ҳужумдир.

ИЗЧИЛЛИК. Келтирилган маълумот бошқа мақоалалар ва ахборотларга мосми? Агар фактлар бир-бирига зид бўлса, эҳтиёт бўлинг!

ЎЗ ВАҚТИДА. Ушбу маълумот ишониш учун етарлича янги ми? 20 йил олдин ҳақиқит бўлган нарса, бугун эскирган бўлиши мумкин. Агар воқеалар ривожланишда давом этаётган бўлса, бу маълумот ҳозирги вақтда тўлиқми?

Хўш, оммавий ахборот воситаларига ишониш мумкинми? Шоҳ Сулаймон яхши маслаҳат берган: “Содда ҳар бир сўзга ишонади, заковатли эса ҳар бир қадамни ўйлаб босади” (Ҳикиматлар 14:15)»¹.

2015 йилнинг «Қўриқчи минораси» журналида, мессенджерлар ва ижтимоий тармоқлар орқали хабарларни «оммавий юбориш» мавзуси батафсил муҳокама қилинган. Мақола XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яшаган немис тарихчи ва ёзувчи Август фон Шлёцернинг сўзлари билан бошланган: «Умуман газета ўқимайдиган киши аҳмоқдир; фақатгина газетада ёзилгани учун ишонадиган киши ундан ҳам аҳмоқроқ». Имонлиларга, бошқа нарсалар қаторида, қўйидаги маслаҳатлар берилганди: «Замонавий техника шарофати билан — рости ёлғон, фойдалию бефойда, зарарсизу хавфли маълумот тўлиб-тошиб бормоқда. Шунинг учун, диққатимизга сазовор нарсаларни танлашда ўта синчков бўлишимиз зарур. Айниқса, Интернетдан яқинда фойдалана бошлаганлар, қайсидир ноёб ёхуд шов-шувли хабар ёки янгилик энг сўнгги (онлайн) бўлгани ё дўсти электрон почта орқали жўнатгани учунгина, унга лаққа тушмаслиги керак. Бизнинг фойдамиз учун, Муқаддас Китобда қўйидаги маслаҳат берилган: “Содда ҳар бир сўзга ишонаверади, ақлли эса қадамини ўйлаб босади”. (Ҳик. 14:15) Хўш,

¹ Пробудитесь! – by Watchtower Bible and Tract Society of New York, Inc., 2013. Декабрь. – 21-сах. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/g201312/можно-ли-доверять-сми/).

компьютер экранларида пайдо бўладиган ёлгон, уйдирма, ноаниқ ва нотўғри ахборотларни аниқлаб, қай йўсин “ақлли” бўла оламиз? Аввалига ўзингиздан шундай сўранг: “Бу маълумот расмий ва ишончли веб-сайтданми ёки номаълум манба ҳамда кимнингдир шахсий веб-саҳифасидан (блогидан) олинганми? Бундан олдин, бирон ишончли веб-сайт ўша-ўша маълумот ёлгон эканлигини тасдиқламаганми?” Сўнг, “яхшини ёмондан ажратиш” қобилиятини ишга солинг. (Иброн. 5:14) Агар янгиликнинг чинлигида шубҳаланаятган бўлсангиз, бу аслида ҳам шундайдир. Устига-устак, бу маълумот биров ҳақидаги ғийбат бўлса, унинг тарқатилишидан ким фойда олиши ҳамда уни овоза қилаётган манбанинг асл нияти қандайлиги борасида ўйлаб кўринг... Тўғри, хабарни текшириб кўриш учун, ҳаракат талаб этилади. Шу боис, айримлар уни шунчаки жўнатишни афзал кўришади, текширишни эса, олган кишининг ўзига қолдиришади. Аммо маълумотни текшириш унинг анчагина вақтини олади-ку. Вақт эса, ғанимат. (Эфес. 5:15, 16) Шундай экан: «Шубҳалансам ҳам, жўнатаман», — дейишнинг ўрнига: «Шубҳалансам, ўчириб ташлайман!» — деган сўзларни шиор қилиб олинг»¹.


Шундай қилиб, Яҳова Шоҳидларининг таълим, билим, кўникма ва қобилиятларни ривожлантиришга бўлган муносабати энг ижобий деб таърифланиши мумкин. Яна шуни тушуниш жуда муҳимки, уларнинг бу фаол нуқтаи назари бевосита уларнинг таълимотлари ва эътиқодларидан келиб чиқади.

Имончиларнинг манфий ва салбий муносабати эса бевосита олий таълим «тизимига» нисбатандир, чунки бу уларнинг фикрича, ёшларнинг қадрият мўлжалларини бузиб, шухратпарастлик ва мағрурликка ундайди, бойликка интилишни ривожлантиради, имонни сўндириб, инсонни Аллоҳга хизмат қилишдан ва оиласини мустаҳкамлашидан узоқлаштиради.

¹ Кўриқчи минораси. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2015. Октябрь. – 28–29-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/журналлар/w20151015/маълумот-интернетдан-бўлгани-учунгина-ростми/).

5-БОБГА КЕЛТИРИЛГАН РАСМЛАР

ЖАМОАТ ВА ОИЛАНИНГ ТАЪЛИМГА
БУЛГАН МУНОСАБАТИ



ЕШЛАРНИНГ САВОЛЛАРИ

Қачон яхши баҳолар оламан?



ЕШЛАРНИНГ САВОЛЛАРИ

**Уй ишини қандай қилиб
туғата оламан?**



ЕШЛАРНИНГ САВОЛЛАРИ

**Ижтимоий тармоқлардаги
машҳурлик қанчалик
муҳим?**



Яҳованинг Шоҳидлари
болалар ва
ўсмирларнинг таълим
ва тарбия
масалаларига катта
эътибор қаратишади

6-БОБ

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК САРИ ЎТГАН ҚИЙИН ЙЎЛ ТАРИХИ ҲАҚИДА БИР ОЗ

*«Ҳақиқат гўзалдир, ажнабий,
ва ўзгармас бўлиб қолади,
лекин, афтидан, унга ишонтириши осон эмас»*

Платон. Қонунлар. II китоб

Бугун инсоният тарихи қадимги даврнинг буюк мутафаккири сўзларининг тўғрилигидан далолат беради. Бундан ташқари, кўпинча энг даҳшатли ваҳшийликларни аллақандай ўзларининг «ҳақиқати» билан, кўпинча эса антиҳақиқат билан оқлашга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунда эса, масалан, бизнинг мамлакатларимизда кўп ва тез-тез маънавий ҳамжиҳатлик ҳақида гапирилади. Бу ғоянинг ўзи гўзал ва жозибалидир, худди жаннат, абадий ҳаёт, «Худонинг маскани», ер юзидаги абадий Шоҳлик ғоялари, шунингдек ҳозирги барча мавжуд бўлган конфессиялар ва деноминацияларни бирлаштириб, шу орқали ҳар қандай маънавий изланиш ва зиддиятларни тўхтатадиган универсал дин ғояси каби.

Аммо, афсуски, бизнинг жамиятимиздаги маънавий уйғунлик – бу фақатгина хомхаёллиқ, чунки нафақат конфессиялараро, балки конфессиялар ичида ҳам қарама-қаршилиқлар ҳамиша бўлиб келган, мавжуд ва, афтидан, ҳали анча вақт бўлади. Инсоният цивилизацияси тарихи эса эътиқоднинг поклиги учун ва ихтилофга қарши диний байроқлар остида кечган миллатлараро, сиёсий ва давлатлараро низолар ва урушларнинг кўплаб мисолларини билади.

Диний мутаассибларнинг ўзгача фикрловчиларга қарши курашида, шунингдек диний соҳада етакчилик қилишда кўрсатган ва кўрсатаётган шафқатсизлиги, ёввойи ахлоқи ва чуқур жаҳолатини (у эса доимо тажовузкор) тушунтиришга тил ожиз. Тоқатсизлик пандемияси ҳозир ҳам виждон эркинлигини топташга ва «ғайридиндагилар»ни жазолашга чақириб, ўзгача фикрловчиларга нисбатан нафрат уйғотмоқда.

Аmmo агар тарихга назар солсак, ҳаммаси тинчгина бошланган эди. Маълумки, бутпарастлик културларида ҳар бир қабила ёки уруғ, кейинчалик эса бутун халқлар ўз худоларига сиғиниб, ўзга диндагиларнинг мавжудлигини табиий ҳол сифатида қабул қилганлар. Қадимги Афинада номаълум худоларга қурбонгоҳ қурилгани, бу кенг тарқалган тарихий ҳақиқатдир. Лекин ҳамма замонларда, бир томондан багрикенглик – бошқа нуқтаи назарни тан олиш ва уни ҳурмат қилиш қобилияти, бошқа томондан эса – ўтакетган диний тоқатсизлик мавжуд бўлиб келган.

Масалан, Юлий-Клавдийлар сулоласидан бўлган шафқатсиз, ўзига бино қўйган, бузуқ Рим императори Неронни оладиган бўлсак, у аввал онасини, кейин эса хотинини ўлдиришни буюрган. Милодий 64 йилда у Римнинг катта қисмини ёқиб юборган ва ўзини шубҳадан ҳоли қилиш мақсадида христианларга қарши шафқатсиз жазо чиқариб, боғларини ёритиш учун ҳимоясиз одамлардан машъалалар барпо этган.

Христианларни таъқиб қилиш, айниқса император Диоклетин даврида ниҳоятда аёвсиз бўлган ва милодий IV асргача давом этган, Буюк император Константин I даврида христианлик бошқа динлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган, унинг ўлимидан кейин эса Рим империясининг давлат дини мақомини олган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бутпараст императорнинг христианликка бўлган багрикенглиги фақат сиёсий сабабларга эга эди.

Диний эркинликнинг ўзига хос даври милодий 313 йил бўлиб, Рим императорлари Константин ва Ликиний биргаликда

бугунги кунда «Милан фармони»¹ сифатида танилган Edictum Mediolanense чиқардилар, унга кўра христианларга ва империянинг қолган барча аҳолисига «ҳар ким афзал кўрган динга амал қилиш» ҳуқуқи берилган ва «ҳеч ким христианлик динига ёки ўзи учун энг яхши деб ҳисоблаган динга ўз қалбини бериш имкониятидан маҳрум қилинмаслиги» таъкидланган.

Ҳатто фармон матнида христианликка ўзгача муносабат кўрсатилганлиги кўринади (уларга барча ибодат жойлари ва улардан илгари тортиб олинган мол-мулклари қайтарилган ва ҳукуматга христианларга алоҳида ёрдам кўрсатиш буюрилган).

Ушбу фармон христианларга қарши барча қонунларни бекор қилди ва энди христианлар ўз эътиқодларини эркин ва очик, ҳокимият томонидан ҳеч қандай чекловларсиз ва аралашувисиз амалга оширишлари мумкин эди, шунингдек фармон барча «бошқа динларга бизнинг замонамиз тинчлиги учун ўз фаолиятларини очик ва эркин бажариш ҳуқуқини берди, токи ҳар ким ўзи хоҳлаганидай эркин топиниш имкониятига эга бўлсин»².

Айнаншунинг учун «Милан фармони» (Edictum Mediolanense) ҳақли равишда диний бағрикенглик фармони ҳисобланади ва инсоният жамиятининг умумий диний эркинлик сари қўйланган ажойиб қадамидир.

Аммо бу фармон матнидан диний эркинлик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этиш позициясидан эмас, балки сиёсий манфаатни кўзлаб, Империяда ички тинчлик ва тартибга эришиш мақсадида киритилганлиги яққол кўриниб турарди.

Император Константин ва унинг ворислари христианликка тобора кўпроқ имтиёзлар бердилар ва охир-оқибат уни бутун Рим империясининг ҳукмрон эътиқодига айлантирдилар. Тадқиқот-

¹ Миланский эдикт. Translations and Reprints from the Original Sources of European History, vol. IV (Philadelphia: University of Pennsylvania Press, 1897), Эл. манбара қ. (droitromain.univ-grenoble-alpes.fr/Anglica/ed_tolerat2_engl.htm).

² Ўша ерда.

чилар тўғри таъкидлаганидек, «Черков ўзининг янги мавқеидан фойдаланиб қолишни қўлдан бой бермади. Тан олиними биланоқ, у дарҳол ички келишмовчиликларни ҳал қилиш учун давлат зўравонлик воситаларидан фойдаланишни бошлади»¹. Ва яна мурасизликнинг янги тўлқини бошланди, лекин бу сафар христиан черкови томонидан. Дастлаб, ҳукмронликни қўлга киритилган христиан черкови ўз ичидаги норозиларни таъқиб қилишни бошлади. Кейин Рим қўшинлари Шимолий Африкадаги донатист² христианларнинг қўзғолонини қонга ботирдилар, сўнгра эса ариан³ христианлари, несториан⁴ христианлари ва бошқаларни таъқиб қилишни бошладилар.

380 йил 27 февралда Шарқий Рим империяси императори Феодосий Ғарбий Рим империяси ҳамкасб-императорлари иштирокида «Салоникаликлар фармони (cunctos populos)»ни имзолади, унга кўра христианлик (милодий 325 йилдаги никея кенгаши формати) давлат дини сифатида эълон қилиниб, бутпарастлик маросимларининг бажарилиши тақиқланди.

Фармонда империя аҳолисига милодий 325 йилда Никея кенгашида мустаҳкамланган христианлик шаклидан воз кечиш тақиқланганлиги тўғридан-тўғри айтилган эди. Христианликнинг бошқа барча шакллари «бидъатчи эътиқод» деб эътироф этилди, уларнинг издошлари эса телбалар ва ақли заифлар деб аталиб, давлат томонидан таъқиб қилинди. Империянинг бошқа барча диний гуруҳлари ҳам таъқибга учради.

¹ Раннее христианство: Страницы истории. М, Издательство политической литературы, 1987. – 176-сах.

² IV–VII асрларда Римга қарашли Шимолий Африкадаги христиан диний-сиёсий ҳаракати, бошқа нарсалар қаторида, христианликни муртадлар ва гуноҳкорлардан тозалаш тарафдори бўлган ҳамда черков ва давлат иттифоқини рад этган.

³ Учлик ва Исо Масихнинг Худо сифатидаги таълимотини инкор этган милодий IV асрдаги насронийликдаги йўналиш.

⁴ Худонинг онаси (Биби Марям)га сизинишни рад этган христианликдаги милодий V асрдаги йўналиш.

Бир йил ўтгач, 381 йилда эса, ғалаба қозонган христиан черковининг Биринчи Константинополь кенгаши бўлиб ўтди, у никея эътиқод рамзини¹ тасдиқлади ва унга Никео-Цареград эътиқод рамзи² кўринишидаги якуний шаклни берди. Христианликнинг бошқа барча йўналишлари бидъатчилик деб тан олинди.

Кейинги 12 аср мобайнида христиан Европасида черков ва тахтнинг ҳар қандай ўзгача фикрловчилар билан шафқатсиз ва аёвсиз кураши давом этди. «Меҳроб ва тахт»нинг иттифоқи «бидъат»ни давлат жинояти сифатида қабул қилиш кераклигини англатарди. Христианлик ўз ҳокимиятини қилич ва олов билан ўрнатди. Бундай тоқатсизлик сиёсати натижасида бутун халқлар ва маданиятлар Европа харитасидан бутунлай йўқ бўлиб кетди, Бу рўшникаксиз минг йиллик зулматда, эътиқод ва имон эркинлиги учун кураш учқунлари қанчалик ёрқин порламасин, бирин-кетин ғойиб бўлди.

Бу зулматли фонда Ўрта аср Шарқи ҳақиқий цивилизация машъалидай кўринарди. Уни идеаллаштириб бўлмайдди албатта, лекин шуни тан олиш керакки, айнан шу ерда фан ва санъат тонги ўзи билан фикр эркинлиги ва диний бағрикенглик тамойилларини олиб келган.

Араб истилолари натижасида, бири бошқасининг ўрнини эгаллаган ислом халифаликлари бағрида, Ўрта асрларда маданият ва тиллар аралашиб, илм-фан ва дунёвий фалсафа равнақ топди. Фалсафа антик давр фалсафасининг давоми бўлиб, дин доирасида эмас, балки шаҳарларнинг илм-фани ва дунёвий маданияти ҳамда цивилизациялар ўртасидаги фаол кенг савдо доирасида ривожланган. Бундай фалсафа эътиқод, дин ва ҳақиқатга алоҳида қарашни шакллантирди.

¹ Милодий 325 йилда Никея Кенгашида қабул қилинган эътиқод рамзи, унга кўра Исо нафақат Худога, балки Худонинг Ўзига тенг деб тан олинган. Учалик таълимоти шундай ўрнатилган, унга христиан жамоаларининг бир қисми қарши чиққан, шу жумладан арианлар.

² Учалик ва Муқаддас Рух ҳақидаги таълимотни унинг бир қисми сифатида мустаҳкамлаган имон асосларининг қатъий догматик формуласи.

Абу Наср Форобий (870–950), Ибн Сино Абу Али Хусайн (Авиценна) (980–1037), Ибн Мискавейх, Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад (Ибн Якуб Мискавайх) (тахминан 932/936–1030), Абу Райҳон Муҳаммад Ибн Аҳмад аль-Беруний (Аль Беруний) (973–1048), Гиёс-ад-Дин Абу-ль-Фатҳ Умар ибн-Иброҳим Хайём Нишопурий (Омар Хайям) (1048–1131), Абу Бакр Муҳаммад ибн Закария ар-Розий (тахминан 865–тахминан 925), Муҳаммад Тарағай ибн Шохрух ибн Темур Улугбек Гураган, (1394–1449) – булар ўрта асрларда ислом маданиятини ўша давр учун эришиб бўлмайдиган даражада юксалтирган шарқнинг таниқли буюк мутафаккирлари, шоирлари ва олимларининг энг таниқли вакиллари.

Шарқ мутафаккирлари ҳамма нарсани, ҳатто имонни ҳам ақл билан идрок этишга интилишган, улар оқилона англашга ва ҳақиқатни ваҳий орқали эмас, балки тафаккур ва мантиқ орқали тушунишга интилишган. Масалан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Китоб Тарих Ал-Хинд (Ҳиндистон Тарихи Китоби)» китобининг 2-бобининг бошида шундай таъкидлаганини эслаш мумкин: «Ҳар бир халқда танланганлар ва оломон эътиқоди шу сабабларга кўра ажралиб туради, табиатан танланганлар оқилона тушуниш учун курашиш ва [умумий] тамойилларни аниқ билишга интилиш қобилиятига эга, оломон эса табиий равишда ҳиссий [идрок] билан чегараланиб, айниқса фикрларнинг тафовути ва манфаатларнинг номувофиқлиги топилган масалаларда аниқлик киритишга ҳаракат қилмасдан, маълум вазият билан қаноатланадилар»¹.

Ушбу ёндашув фанатизм ва муросасизликдан жуда яхши ҳимоя бўлиб хизмат қилади, негаки билим ҳар доим одамга кўпроқ нарса-ни кўришга, яхшироқ тушунишга ва ҳис-туйғуларга беримасликка ёрдам беради. Абу Райҳон Беруний ҳам ҳиндларнинг, яъни кўп худоларга сиғинишда бут ва тимсоллардан фойдаланадиганларнинг диний қарашларини таърифлар экан, жаҳлга берилмайди (ахир

¹ Абу Рейхан Беруни. Индия. Научно-издательский центр «Ладомир». Москва 1995 йил – 71-саҳ.

мусулмонлар учун бутларга сиғиниш катта гуноҳдир), аксинча, уни ва уларнинг қарашларини бирлаштирадиган нарсани кўради.

Демак, у шундай ёзади: «Ҳиндлар ишонишадики, Худо – Унга ҳамду санолар бўлсин! – ягона, абадий, боши ва охири йўқ, ўз ҳаракатларида озод, барча нарсага қодир, доно, тирик ва ҳаёт бахш этувчи; у ҳамма нарсани бошқаради ва ҳамма нарсани сақлайди; у ўз шоҳлигида ёлғиз, унга ўхшаши ёки тенги йўқ; у ҳеч нарсага ўхшамайди ва ҳеч нарса унга ўхшамайди»¹.

Ҳиндларнинг бутларга сиғиниши ҳақида гапирар экан, у таъкидлайдики, буни ўқимишли одам эмас, балки «илм билан шуғулланишга рухсат берилмаётган, оми одам» қилади ва шунинг учун у бундай «хунук бемаъниликларга» амал қилади.

Бундай билимдон киши нотўғри қарашлар сабабини илмнинг етишмаслигида кўрган ҳолда, бошқа диндагиларга зулм ўтказиш, мажбурлаш ёки таъқиб қилишнинг ўрнига, маърифий фаолият ва билимларни тарқатиш билан шуғулланган бўларди дея хулоса қилиш мантиқан тўғри бўлади.

Бундай қараш унинг замондошларининг қарашларидан қанчалик фарқ қилади! Унинг қарашлари гуманизм даврига қанчалик яқин!

Афсуски, ислом илмининг бундай буюк юксалиши узоқ давом этмади. Лекин у эстафетани европалик мутафаккирларга узата оладиган даражада кучли бўлди.

Ғарбий Европада янги давр бошланди, кейинчалик «Уйғониш» деб номланди. Энди европаликлар антик фикрларга интила бошладилар. Черковнинг таъсири аста-секин заифлаша бошлади.

Бу даврда Жон Уиклиф (1320–1384), Уильям Тиндал (1494–1536), Ян Гус (1369–1415), Эразм Роттердам (1466–1536), Николай Коперник (1473–1543), Томас Мор (1478–1535), Ульрих Цвингли (1481–1531), Мартин Лютер (1483–1546), Томас Мюнцер (1490–1525), Жан Кальвин (1509–1564), Жан Боден (1529–1596), Жордано Бруно (1548–1600), Галилео Галилей

² Ўша ерда.

(1564–1642), Уильям Шекспир (1564–1616), Ян Амос Коменский (1592–1670) ва кўпгина бошқалар ишлаган.

Уйғониш даврида черковни давлатдан ажратиш жараёни бошланди ва нафақат «эътиқодни қабул қилиш, балки эътиқодга дахлдор бўлиш эркинлик ва олийжаноблик ҳаракати, шу сабабли зўраки бўлиши мимкин эмас» деб эълон қилинди. XIV асрнинг италиялик гуманистларидан бошлаб диний бағрикенглик ғояси тобора оммалашиб бормоқда.

Бироқ черковнинг таъсири ҳали ҳам жуда кучли эди ва черков буюрганидан бошқача эътиқод қилиш ҳуқуқи учун очик кураш бошланди. Реформация, кейин эса аксилреформация Европани ларзага солиб, қонли урушларга олиб келди. Айнан ўша пайтда Францияда Екатерина Медичи ва нуфузли Гизлар тарафидан уюштирилган католиклар томонидан протестант-гугенотларни оммавий қирғин қилишнинг (1572 йил 24 августга ўтар кечаси) машҳур Варфоломей кечаси содир бўлди. Шу билан бирга, христиан гуманистларининг: Фома Аквинский, Марсилиий Падуанский ва Уильям Оккамаларнинг бидъатчиларга нисбатан ҳар қандай зўравонликка қарши ва ўзга эътиқоддагилар билан ярашишга чорлаб айтган барча тилаклари тамоман четта суриб қўйилган эди.

Бу урушлар натижасида эндиликда сиёсатчилар мутафаккир ва файласуфлар ортидан, бағрикенглик ва муросалик ғояларига эътибор қаратдилар. Шундай қилиб, Франциядаги 30 йиллик қонли диний уруш 1598 йилда қирол Генрих IV нинг машҳур Нант фармонини, эҳтимол сўнгги минг йил ичида Европа давлатида диний бағрикенгликни ўрнатувчи биринчи расмий ҳужжатни чиқариши билан якунланди.

Ҳужжатнинг баъзи қисмларини бу ерда келтириб ўтишга арзийди:

«Ушбу абадий ва ўзгармас фармон билан биз қуйидагиларни айтдик, эълон қилдик ва буюрдик:

I. Биринчидан, 1585 йил март ойининг бошидан то бизнинг тож кийишимизгача бўлган ва бошқа илгариги ғалаёнлар пайтида содир бўлган барча нарсанинг хотираси ҳеч нарса бўлмагандек ўчирилади.

Бизнинг бош прокурорларимизга ҳам, давлат ёки хусусий шахсларга ҳам ҳеч қачон ва ҳеч қандай сабабга кўра бу ҳақда гапиришга рухсат берилмайди...

III. Католик апостол рим динини қиролигимизнинг барча жойларида... унинг фаолияти тўхтатилган жойларда қайта тиклашни ва ҳеч қандай ғалаён ва тўсиқларсиз тинч ва эркин эътироф этилишини буюрамиз.

Фуқароларимиз ўртасида ҳеч қандай ғалаён ва низоларга сабаб бермаслик учун, ислоҳ қилинган динга эътиқод қилувчиларга қиролигимизнинг барча шахар ва жойларида ҳамда уларга тобе ҳудудларда дин масаласида виждонига хилоф равишда бирор нарса қилишга мажбурланмасдан ва таъқиб қилинмасдан яшаши ва истиқомат қилишига рухсат бердик ва рухсат берамиз; улар яшашни хоҳлаган уйлар ва жойларда бу муносабат билан қидирув қилинмайди...

XIII. Биз мазкур динга эътиқод қилувчиларга қиролигимизда ва бизга тобе ҳудудларда ҳамда динга тааллуқли барча нарсаларда уни хизматда, фармонда, тартиб-интизомда ёки халқ таълимида ифода этишни қатъиян ман қиламиз, ушбу фармонга биноан рухсат ва тақдим этилган жойлардан ташқари.

XVIII. Шунингдек, ҳар қандай мартаба ва мавқега эга барча фуқароларимизга ушбу дин фарзандларини уларнинг ота-оналарнинг хоҳишига қарши католик черковида сувга чўмдириш учун куч ва ёлғон йўл билан тортиб олишларини тақиқлаймиз, худди шундай тақиқлар ислоҳ қилинган деб аталмиш динга эътиқод қилувчиларга нисбатан ҳам тегишли, ўлим жазоси кўрқуви остида.

XXI. Келтирилган динга оид китоблар фақат мазкур динни омавий равишда амалга оширишга рухсат берилган шахарлар ва жойларда чоп этилиши, нашр этилиши ва сотилиши мумкин.

XXII. Келтирилган динга нисбатан талабаларни университетлар, коллегиялар ва мактабларга қабул қилишда, касал ва камбағалларни

эса касалхоналар ва жамоат таъминот муассасаларига жойлашда ҳеч қандай ажратилишлар бўлмаслигини буюрамыз»¹.

Франция қиролининг бундай оқилона сиёсатининг оқибатлари қандай бўлди? Кейинги 60 йил Франция учун тараққиёт ва бойлик даври бўлди. Бу йиллар ҳатто ҳозирда ҳам «Grand Siècle» ёки «Буюк аср» деб номланади. Бу йилларда мамлакат «қуёш қироли» Людовик XIV бошчилигидаги Европанинг энг қудратли давлатига айланди.

Аммо кейинчалик, 1661 йилда диний таъқиблар ва улар билан бирга адоват қайта бошланди. 1695 йилда Фармон бекор қилинди. Франция заифлаша бошлади ва барчаси 1789 йилдаги Буюк Франция инқилоби ва инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясининг қабул қилиниши билан яқунланди. Бизнинг мавзу бўйича ундан фақат иккита мақола келтираман:

«10-модда. Ҳеч ким ўз қарашлари, ҳатто диний қарашлари учун зулм қилинмаслиги керак, агар уларнинг ифодаси қонун билан белгиланган жамоат тартибини бузмаса.

11-модда. Фикр ва мулоҳазаларни эркин ифода этиш инсоннинг энг қимматли ҳуқуқларидан биридир; шунинг учун ҳар бир фуқаро эркин сўзлаши, ёзиши, чоп этиши мумкин, фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу эркинликни суистеъмол қилганлик учун жавобгардир»².

XVII аср охири ва бутун XVIII аср даври одатда «Маърифат даври» деб аталади. Унинг юзага келишига Френсис Бэкон (1561–1626), Томас Гоббс (1588–1679), Иоганн Кеплер (1571–1630) ва Рене Декарт (1596–1650) ўз ҳиссаларини қўшишган. Унинг ғояларини буюк Жон Локк (1632–1704), Исаак Ньютон (1643–1727), Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646–1716), Бенедикт Спиноза (1632–1677) шакллантирган. Маърифат ғоялари ўша даврнинг

¹ Нантский эдикт, 1598 г. П. Н. Ардашев «Новая история в отрывках из источников». Киев. 1914. Ч. 1. Thietmar. 2006. – 191-сах.

² Декларация прав человека и гражданина. Франция 1789 йил. Эл. манбага к. (<https://legislationline.org/ru/taxonomy/term/16423>).

«буюк энциклопедистлари» томонидан фаол оммалаштирилган: Мари-Франсуа Вольтер (1694–1778), Шарль Луи Монтескье (1689–1755), Жан Жак Руссо (1712–1778) ва Дени Дидро (1713–1784). Блез Паскаль (1623–1662), Клод Адриан Гельвеций (1715–1771), Пол Анри Гольбах (1723–1789), Дэвид Юм (1711–1776) ва албатта Иммануил Кант (1724–1804) каби аср гигантларини эслатиб ўтмаслик мумкин эмас.

Маърифат ғояларини Иммануил Кант 1784 йилда ўзининг «Саволга жавоб: Маърифат нима?» мақоласида жуда аниқ акс эттирган. Ундан баъзи иқтибосларни келтиришни муҳим деб биламан:

«Sapere aude! – ўз ақлингни ишлатиш учун жасоратга эга бўл! — демак, маърифатпарварлик шиори шундан иборат»¹.

«Инсон шахсан ўзи учун маърифатни четга суриши мумкин – ҳатто шу ҳолда ҳам бир қанча муддатга – у билиши керак бўлган масалаларда. Лекин шахсан ўзи учун ва ҳатто келажак авлодлар учун маърифатдан воз кечиш инсониятнинг муқаддас ҳуқуқларини бузиш ва оёқ ости қилишни англатади»².

«(Монарх) фуқароларига ўз жонларини қутқариш учун нима қилиш кераклигини ўзлари ҳал қилишларига рухсат бериши мумкин: бу унга таалуқди эмас; унинг вазифаси – бу нажотга эришиш йўлларини аниқлаш ва уни имкони доирасида амалга оширишда ҳеч ким бошқаларга куч ила тўсқинлик қилмаслигини назорат қилишдир. У бу ишларга аралашиб, унинг фуқаролари ўз қарашларини англашга ҳаракат қиладиган ёзмаларини назорат қилишни ўз ҳукуматига ишониб топширганида, шунингдек буни ҳазрати олийлари ўзининг шахсий ихтиёри билан қилганида, ўз улғуворлигига путур етказиб, шу туфайли танбеҳга лойиқ бўлади: *Caeser non est supra Grammaticos*, ва агар у ўз давлатида айрим мустабид ҳокимларнинг бошқа фуқароларига нисбатан маънавий зулмкорлигини

¹ Кант И. Ответ на вопрос: Что такое просвещение? 1784 йил. – 1-саҳ. Эл. манбага қ. (https://rsmu.ru/fileadmin/templates/DOC/Faculties/LF/philosophy/Kant_что_такое_prosveshenie.pdf).

² Ўша ерда. – 4-саҳ.

қўлаб-қувватлай бошласа, у ўзининг олий ҳоқимиятини янада кўпроқ даражада камситган бўлади»¹.

«Диний масалаларда одамларга ҳеч нарса буюрмасликни, балки уларга бунда тўлиқ эркинлик беришни ўз бурчи деб билишини айтишга ўзини нолайиқ деб ҳисобламайдиган, шундай экан ҳатто диний бағрикенгликнинг мағрур унвонидан ҳам воз кечадиган ҳукмдор, – бундай ҳукмдорнинг ўзи маърифатли ва миннатдор замондошлари ва уларнинг авлодлари уни ҳеч бўлмаганда ҳукумат ҳомийлиги ҳақида гап кетганида инсон зотини вояга етмаганликдан қутқарган ва виждон масалаларида ҳар кимга ўз ақлидан фойдаланиш эркинлигини берган ҳукмдор сифатида улуғлашларига лойиқдир»².

Ушбу Маърифат ғоялари, оқилона фикрлашга интилиш, доимий ўз-ўзини ривожлантириш ва онгни ҳис-туйғулар ва қўрқувлардан устун қўйиш, ахир улар ҳали ҳам биз билан. Маърифат даври тугади дегани унчалик тўғри эмас. Унга солинган асослар замонавий демократия ва инсон ҳуқуқлари асосларига айланди. «Маърифат-парварлар»нинг даъватлари эса орадан неча асрлар ўтган бўлса-да, ҳукмдорлар учун ҳам, бутун жамият аҳли учун ҳам долзарб ва муҳимлигича қолмоқда.

XIX асрда Маърифатпарварлик ғоялари янада ривожланди. Бизнинг дунёмизда мутлақо янги давлат – Америка Қўшма Штатлари пайдо бўлди. Келинг, ушбу давлатнинг асосий ҳужжатларини синчиклаб кўриб чиқайлик. Мустақиллик Декларацияси, Конституция, фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги Билл. Бу ҳужжатлар маърифат даври ғоялари билан сингиб кетган. Америка давлатчилигининг сарчашмасида ким турган – файласуфлар, олимлар ва мутафаккирлар. Жамиятнинг асосини ким ташкил қилган – эски дунё зулмидан қочиб, ҳар ким ўзи тўғри деб ҳисоблаганидек фикрлаш, ишониш ва гапириш ҳуқуқига эга бўладиган эркин жамият қуришга интилган одамлар.

¹ Ўша ерда. – 4–5-сах.

² Ўша ерда. – 5-сах.

Буюк америкалик ёзувчи ва файласуф Ральф Уолдо Эмерсон шундай деган эди: «Қўрқув ҳар доим жаҳолатдан келиб чиқади». Кейинги сафар ксенофобия ва тоқатсизликка дуч келганингизда бу ҳақиқатни ўзингизга эслатинг. Билим – бу тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг энг яхши воситасидир.

Бағрикенглик ғоялари шаклланиши тарихидаги навбатдаги чинакам тарихий сана 1948 йил бўлди. 1948 йил 10 декабрда дунёда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Бу сайёра-миздаги ҳар бир инсон эга бўлган ҳуқуқларнинг умумэътироф этилган таърифидир. Ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ва қийматини бошқача баҳолаш қийин.

Биринчи жаҳон урушининг, сўнгра Иккинчи жаҳон урушининг муҳдиш воқеаси ва даҳшати инсониятни ўз келажаги ҳақида жиддий ўйлашга, инсон шахсиятининг ва ҳар бир инсон ҳаётининг бебаҳолигини англаб этишга ундади.

Умид қиламанки, тарихга қилинган ҳатто ушбу қисқача сафар, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – бу гўзал сиёсий шиор эмас, балки асрлар ва минг йиллар давомидаги машаққат билан эришилган ҳақиқат, замонавий жамият тараққиёти ва фаровонлигининг асоси эканлигини тасдиқлайди.

Энди Марказий Осиёдаги постсовет давлатларининг сиёсий аънаналари ҳақида бир оз тўхталиб ўтиш муҳим деб ҳисоблайман.

Афсуски, мамлакатларимизда ҳамон давлатга ёт ва зарарли муросасизлик ғоялари яшаб келмоқда. Ахир ҳар қандай пандемия даврий хусусиятга эга. Гоҳ бу ер, гоҳ у ерда сиёсатчиларнинг чиқишларида ва оммавий ахборот воситалари саҳифаларида мазҳаблар, ғарб оқимлари, «ноанъанавий динлар» хавфи ҳақида ксенофобик фикрларни эшитиш мумкин. Буларнинг барчаси жамиятдаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни бузишга қаратилган, одамларда қўрқув уйғотади, бу эса зўравонликка, ўзгача фикрдагиларни таъқиб қилишга олиб келади.

Англаб етамизми ёки йўқми, бу афсоналар бизнинг жамиятларимизга хос эмас, лекин бизга аввал рус, кейин эса совет империясидан

мерос қолган. Буни энг йирик рус тарихчиларидан бири В. О. Ключевский аниқ таъкидлаган: «Давлатимиз ҳудуди қанчалик кенгайиб боргани сари, халқнинг ички эркинлиги шунчалик сиқилиб борган»¹. Бундай қисқичлар йирик империяларга (Россия ва Совет) керак эди. Аммо савол шундаки, бу ҳолда улар бизга ҳозир керакми? Биз ҳали ҳам жамиятимизни дунёнинг қолган қисмидан ажратиб турадиган девор қуришни хоҳдаймизми? Биз ўтмишнинг қолиплари ва «қўрқувлари» асосида фикр юритишда давом этиб, жамият бирлигини билим ва муросаликка эмас, балки қўрқув ва нафратга асослашни хоҳдаймизми?

Тушунаман, ҳозир кўриб чиқиляётган мавзу алоҳида чуқур ўрганишни ва алоҳида китоб, ҳатто кўп жилдли асарни талаб қилади. Аммо бу бобда унга тўхталмаслик ҳам мумкин эмас, негаки Россия империясида ва кейинчалик СССРда ўзгача фикрловчиларга қарши курашнинг бутун тарихи, постсовет ҳудудидаги ҳокимиятнинг ва замонавий жамиятнинг бир қисми янги диний оқимлар ва умуман янги қарашларга нисбатан эҳтиёткорлиги сабабларини тушунишга имкон беради. Бундан ташқари, ушбу ҳикоя бугунги кунда анти-культистлар томонидан жамиятда бундан кейин ҳам ксенофобия ва низоларни келтириб чиқариш учун фаол фойдаланиляётган қайта тириштирилган ўша манипуляция воситаларини ва эски «афсоналарни» кўриш имкониятини беради. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда улардан баъзиларини кўрсатишга жазм қиламан. Умид қиламанки, бундай билимлар ушбу китоб ўқувчиларига эски хурофотларни енгишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, Россия империясида, XIX асрнинг охирига келиб, бағрикенглик ва муросасизлик ўртасидаги кураш энг юқори нуктасига етди, у аллақачон узоқ ва қонли тарихга эга эди.

Император аёл Екатерина II ҳукмронлиги давридан бошлаб, инсонпарварлик фалсафаси ва француз маърифати рус олий жамиятига сингиб кира бошлади. Аммо бу ғояларнинг барчаси фақат суҳбатлар

¹ В. О. Ключевский. Сочинения в девяти томах, М. «Книга по требованию», 3-жилд. – 365-сах.

ва фалсафий мунозаралар даражасидан нарига ўтмасди. В. О. Ключевский аниқ қайд қилганидек: «Агар Вольтер Россиядаги эркинликни севувчи фалсафаси қулдорнинг пешонасидаги уятли доғини ёпадиган рангли боғич сифатида хизмат қилишига тўғри келишини билганида, бунга ишонмаган бўлар эди»¹.

Давлат православлигича қолди ва черков ва ҳукумат иттифоқи ҳануз шундай мустаҳкам эди. «Руҳонийлик ва Шоҳлик» мавзусидаги замонавий тадқиқотда у қуйидагича тасвирланган: «Россия Империяси ва православ черкови бирлигининг кўрсаткичларидан бири – дунёвий (одатий маънода) ва черков қонунчилиги ўртасида аниқ чегара ўтказишнинг иложи йўқлиги ҳисобланарди. Шундай қилиб, амалдаги қонунчиликда шундай дейилган эди: «Россия империясида етакчи ва ҳукмрон эътиқод христиан православ кафолик Шарқий эътиқодидир». «Шоҳ Императорнинг шахси муқаддас ва дахлсиздир», ҳукмрон монархнинг ҳокимиятига бўйсунуш «нафақат қўрқув учун, балки виждон учун ҳам, Аллоҳнинг Ўзи буюради», дея қайд қилинган эди. Шу билан бирга, шоҳ черков олдида маълум бир «мажбурият»га эга эди: у православ бўлмаслиги, унинг юрисдикциясига тегишли бўлмаслиги мумкин эмас эди (яъни у тахтни йўқотиш таҳдиди остида православ черковининг барча доғмалари ва қонунларига риоя қилишга мажбур эди). Бу сўзма-сўз қуйидагича ифодаланган: «Умумроссия тахтига эга бўлган император православ динидан бошқа динга эътиқод қилиши мумкин эмас»².

Шуни тушуниш керакки, бу иттифоқда шунга қарамай айнан давлат асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнар эди. У черковни ўзига бўйсундирган эди, «ҳукмрон» черков манфаатларини ҳисобга оларди ва ҳимоя қиларди, унинг рақибларига қарши фаол ҳаракат қиларди,

¹ В. О. Ключевский. Итоги западного влияния в русском обществе XVIII в. (10-я лекция). Эл. манбага қ. (<http://historic.ru/books/item/f00/s00/z0000000/st010.shtml>).

² Бабкин М. А. Священство и Царство (Россия, начало XX в. – 1918 г.). Исследования и материалы. – М.: Индик, 2011. – 30-сах.

унга ён берарди ва чексиз ҳуқуқлар берарди, аммо кейинроқ аниқ кўрамизки, давлат шу билан бир вақтда доимо айнан ўзининг прагматик манфаатларини кўзлар эди (гарчи бу манфаатлар диний либосларга ўралган бўлса ҳам).

Инқилобдан олдинги тарихчи, файласуф ва ҳуқуқшунос Михаил Андреевич Рейснер 1905 йилда «Давлат ва диндор шахс» асарини ёзган. Ҳозирда кўпчилик томонидан унутилган бу асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, у давлат-дин муносабатлари тарихини тадқиқ қилаётган ҳар қандай тадқиқотчи томонидан катта эътибор ва ўрганишга лойиқдир.

Бошқа нарсалар қаторида, Рейснер М. А. таъкидлайди: «Бизнинг қонунимиз диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги ҳақида гапирганда, бу тушунчалар остида замонавий Ғарбда қабул қилинган диний эркинлик тамойилидан бутунлай бошқача нарсани назарда тутуди... Бизнинг диний бағрикенглигимиз асослари, замонавий эмас, ҳуқуқий ғарбий ва христиан эътиқодига хос эмас, балки кўпроқ қадимги Рим миллийлиги каби. Бизнинг ҳуқуқимиз давлат ва маънавий жамиятлар ажрим эканлигини, на буларнинг эркинлигини, на шахсий эътиқод ва виждон эркинлигини билмайди»¹.

Тадқиқотчининг фикрича, бунда давлатнинг сиёсий манфаатлари ҳал қилувчи роль ўйнаган: «Диний бағрикенглик турли хил эътиқодли ғайритабиий инсонларнинг бутун оммасини Москва билан бирлаштиришнинг зарурий шарти эди.... У тамомила сиёсий асосда қурилган бўлиб, ҳатто ўшандаёқ бутунлай аниқ ҚАБИЛАВИЙ ва миллий хусусиятга эга бўлган; **бу эътиқод бағрикенглиги эмас, балки у ёки бу қабилалар ва халқларнинг барча урф-одатлари ва шулар орасида эътиқод бағрикенглиги эди... (ва) у бунини мутлақо ахлоқий хусусият асосида эмас ва ўзининг маданий ҳуқуқини танигани туфайли ҳам эмас, балки тамомила сиёсий зарурат туфайли амалга оширади:** янги миллат ва элатларни

¹ Государство и верующая личность: сборник статей / М. А. Рейснер, бывш. проф. Том. ун-та. – Санкт-Петербург: типография товарищества "Общественная польза", 1905. – 156–160-сах.

улкан империя таркибига боғлаб қўйиш ва уларнинг миллий динларини умумий давлат бошқаруви доирасига ишғол қилиш учун. Бу рус давлат динлари пантеонига турли хил халқ эътиқодларини кўчиришнинг ўзига хос тури бўлиб, бу кўчириш давлат ихтиёрига янги забт этилганларнинг виждони устидан маънавий ҳокимиятнинг қудратли кучини беради»¹.

Ушбу тизимни сақлаб қолиш учун ҳокимият томонидан қуйидаги тақиқлар киритилди: (1) миссионерлик фаолиятини тақиқлаш (православ черкови бундан мустасно); (2) динни танлаш ва ўзгартиришни тақиқлаш (православлар ўз динини бошқасига, ҳатто мурасалига ҳам ўзгартира олмасди, «мурасали» дин вакили эса православликни эркин қабул қилиши мумкин эди); 3) қонуний тан олинган конфессиялар орасида янги диний гуруҳларни вужудга келтиришни тақиқлаш; (4) баъзи шахсий ва фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан кўчиб ўтиш, яшаш жойини танлаш, касб танлаш, давлат хизматига кириш, таълим олиш ва ҳоказоларни тақиқлаш.

Шундай қилиб, таърифланаётган Россия империясининг «диний бағрикенглик» тизими, аслида эркинликлар тизими эмас, балки чекловлар тизими ҳисобланарди. Ва бу тизимни «тийиб турилган мурасасизлик» деб аташ тўғрироқ бўларди.

Афсуски, юз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам, диний қонунчиликка бўлган бундай қараш ҳали ҳам ўз тарафдорларига эга. Афсуски, диний соҳадаги ўз вазифасини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ёки кенгайтиришда эмас, балки янги чекловлар (мавжуд чекловларга қўшимча) жорий этишда кўраётган амалдорлар ҳамон учраб турибди. Бу эса баъзан «жамиятни Ғарб ва турли мазҳабларнинг бузувчи таъсиридан ҳимоя қилиш» шиори остида амалга оширилади. Лекин бу шиор мутлақо янги эмас, балки империя ўтмишидан қолган «мерос» дир.

XIX асрда «Россия душманларининг фитнаси ҳақида хат» деб номланган жуда қизиқарли ҳужжат пайдо бўлди. У ҳали 1868 йилда,

¹ Ўша ерда – 160-саҳ.

Москвада 1863 йилдан бери ҳар ой нашр этиладиган «Рус архиви» тарихий-адабий журналининг 9-сонидан нашр этилган эди¹.

Агар мен айнан шу ҳужжат асосан кейинги авлодларнинг ахборот афсоналари асосларини шакиллантирган десам, хато қилмайман. Айнан ушбу хатда диний маърифат, диний бағрикенгликнинг тарқалиши, диний саводхонлик ва ҳатто Муқаддас Китобни халқ тилига таржима қилиш ишлари православ динига ва бу орқали императорнинг ҳокимиятига зарар етказишга қаратилган Европанинг адоватли уринишлар сифатида тақдим этилган эди.

Европанинг Россияга қарши маккорона режаси гўёки шундан иборат бўлган, яъни «... Россияда унинг ички бўлинишлари ва мазҳабларини қўллаб-қувватлаш, кучайтириш ва кўпайтириш, унга чет эл мазҳаблари ва авровларини киритиш ва тарқатиш. ... Буларнинг барчаси орқали Россиянинг душманлари рус халқининг черковга ва православ черковига содиқлигини заифлаштиришига, уни барча эътиқодлар билан таништиришига, бошқаларнинг динларига бўлган нафратини сусайтиришига, ҳар қандай диннинг яхши томонлари борлигига ишонтиришига, барча динларга бефарқлик кўзи билан қарашига ўргатишига, бу орқали православ динига совуққонликни келтириб чиқаришига; ҳаммага ва ҳар кимга Муқаддас Китобга эга бўлиш ва ўқиш қулайлигини очиб беришига умид қилишган...» (1342–1344-саҳифалар).

Сўнгра Россия империясининг янги таълим вазири Сергей Семенович Уваров таниқли «Православлик, мустабид ҳокимият, халқчиллик»² формуласида Россия империясининг янги

¹ Журналнинг ихтирочиси, муҳаррири ва нашриётчиси ажойиб рус тарихчиси ва адабиётшуноси, Москвадаги биринчи оммавий кутубхона (Чертков кутубхонаси) директори Пётр Иванович Бартев бўлган. Хатнинг ўзи журналда руҳоний М. Морошкиннинг сўзбоши ва шарҳлари билан берилган. Хат муаллифи ҳақида аниқ маълумот бўлмасда, Морошкиннинг ўзи уни ўша даврнинг таниқли давлат арбоби А. А. Павловдан олган. Хатнинг келиб чиқиши, афтидан, А. С. Шишков (ўша даврдаги давлат котиби ва халқ маърифат вазири) фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

² Чекаланмаган монархия империяда давлат ҳокимиятининг ягона мумкин бўлган сиёсий шакли эканлиги давлат томонидан таъкидланган. Православлик бахтли жамият ва халқнинг мажбурий қисми деб эълон қилинган, империя жамияти эса ўзининг ажойиб хусусиятларини – ҳокимиятга бўйсунуш ва сабр-тоқатни сақлаб қолиши ва ошириши керак эди.

мафкурасини киритган. Унинг тушунчасига кўра, булар Россия империясининг устунлигини ташкил этган ўша бошланғич тамойиллар эди. Диний бағрикенглик эса бу тамойиллар қаторида ҳеч қачон қайд этилмаган.

Вазир Уваров «жамиятнинг етук бўлмаган онги»ни ҳокимият «нотўғри» маълумотлардан ҳимоялаши кераклигига қатъий ишонган. Шу билан бирга, ҳокимият жамиятга «тўғри» таълим бериши керак эди. Жамиятнинг фикрини, албатта, ҳеч ким сўрамаган ҳам.

Афсуски, бугунги кунда ҳам жамият кўр ва аҳмоқ эканлигига ва ҳеч қандай тўғри танлов қила олмаслигига мутаассибларча ишонувчилар бор. Шундай экан, бундай одамларнинг фикрича, жамият ҳимояга ва доимий назоратга муҳтож.

Император Николай I даврида империяни ҳимоя қилиш ва ҳар қандай ўзгача фикрловчиларга қарши курашиш учун сиёсий полиция вазифаларини бажарувчи III жандармлар бўлими ташкил этилган. Айнан шу бўлим мазҳабларга қарши кураш билан ҳам шуғулланган. Улар ўз фикрига эга бўлишга, виждонига кўра яшашга, Худони излашга ва эътиқодини ўзгартиришга журъат этганлари учунгина шафқатсизларча қувғин қилинган, тамғаланган ва империя чеккаларига сургун қилинган.

Шу билан бирга, ҳукумат яна ҳамма нарсага диний нуқтаи назардан эмас, балки фақат сиёсий нуқтаи назардан қараган. Ҳукумат православ динининг поклиги ҳамда тегишли маънавий таълим ҳақида қайғурмаган. Ҳукуматни инсон православ динига қанчалик самимий ишониши қизиқтирмаган. Православликни тарк этиш *«нуқул дунёвий жиноий-полициявий характер касб этган. Бу нуқтаи назардан, бўлиниши ва ихтилоф ўз-ўзидан диний жиноят эмас, балки... “ўзбошимчалик”, “исён”, “ҳокимиятга бўйсунмаслик” – бир сўз билан айтганда, сиёсий ишончсизликнинг намоён бўлишидир»*¹. Православ черковини тарк этган ва эътиқод маса-

¹ Государство и верующая личность: сборник статей / М. А. Рейснер, бывш. проф. Том. ун-та. – Санкт-Петербург: типография товарищества "Общественная польза", 1905. – 408-сах.

лалари бўйича мулоҳаза юритиш учун жасорат топган киши ҳокимиятга сиёсий жиҳатдан хавфли бўлиб кўринарди, чунки унинг назоратидан чиқиб, ҳокимият учун ногаҳоний бўлиб қоларди. Агар у бундан кейин ҳокимиятнинг моҳияти ва давлат тизимининг табиати ҳақида саволлар бера бошласа-чи? Агар у монархиянинг илоҳий табиатидан шубҳалана бошласа-чи? Гарчи ихтилофчилар сиёсий масалалар ҳақида ўйламаган бўлсалар ҳам, ҳукумат назарида инсон устидан назоратни камайтириш эҳтимолининг ўзи ҳақиқий хавф эди.

Лев Толстой ўзининг «Тирилиш» романида қандай фикрни ёзгани эсингиздами:

« – Наҳотки, бошқа одамлар билан бирга Инжил ўқигани учун сургун қиладиган қонун ҳам бор бўлса?

Агар Инжилни ўқиб уни буюрилганидан бошқача, яъни черков тафсирига хилоф равишда шарҳ этганлари исбот этилса, у қадар узоқ бўлмаган ерларга сургун қилишигина эмас, ҳатто каторгага ҳайдаш ҳам мумкин. Православ динини халқ ўртасида хўрлаган киши бир юз тўқсон олтинчи моддага мувофиқ сургун қилинади»¹.

XX аср бошларига қадар Россия империясида «Жиноят ва ахлоқ тузатиши жазолари низоми» амалда эди. Ушбу низомнинг иккинчи бўлими тўғридан-тўғри «Эътиқодга қарши жиноятлар ва уни ҳимоя қилувчи қарорларни бузиш тўғрисида» деб номланган бўлиб, мазҳабпарастлик ва куфр учун оғир меҳнат ва Сибирь ёки Сахалинга сургун қилиш билан жазолашни назарда тутган.

Диний масала ечимини давлат фақат янги тақиқлар киритиш, жазо чораларини кенгайтириш ва номақбул бўлганларни оғир меҳнатга сургун қилиш орқали мавжуд тартибни мустаҳкамлашда кўрган.

Натижада жамиятнинг, хусусан, оддий аҳолининг диний саводхонлиги жуда паст бўлган. XIX аср ва ундан кейинги рус жамияти Муқаддас Китоб билан деярли таниш эмас эди ва аллақачон бир тоифадаги синф шакланган бўлиб, улар ҳақида машҳур рус диний ва сиёсий файласуфи Николай Александрович Бердяев кўп йиллар

¹ Толстой Л. Н. Воскресение. Собрание сочинений в 22 томах. Том 13. – М.: Художественная литература, 1983 йил.

ўтгач шундай ёзган: «... Бу муҳитда шаклланган одамлар жуда ҳам “православ” бўлишлари мумкин, лекин жуда оз христианлар. **Улар ҳатто Инжилни Баптистлар китоби деб ҳисоблайдилар.** Улар христианликни ёқтирмайдилар ва буни ўзларининг инстинктлари ва ҳис-туйғулари учун хавfli деб билишади. Одатий православлик христианлик ичидаги бутпарастликдир»¹.

В. О. Ключевский русларнинг маънавиятини қуйидагича таърифлаган: «Рус оддий халқи – православ – ўз эътиқодини бировнинг жонини қутқариш учун унга юкланган черков мажбурияти сифатида ўтайди, лекин ўзиникини эмас, ўзиникини қутқаришни ўрганмаган ва буни хоҳламайди ҳам: “Қанчалик ибодат қилмагин, барчаси жинларга буюради”. Унинг барча илоҳиёти шундан иборат»².

Ёки яна бир нарса: «Рус православ одамнинг бундай маънавий кўнувчанлиги қаердан келиб чиққан?... Бу рус одами ҳар қандай диний таълимдан бутунлайин маҳрум бўлгани учун эмасми? унинг православликка бўлган муносабати ўрганиш бўлиб қолган ҳолдир... Унга етишмайдиган, ва бизнинг бутун халқимизга ҳам етишмайдиган нарса – бу шахснинг ривожланиши ва тарбияси, шубҳасизки масиҳийлик маъносида...»³.

Юқорида айтилганларнинг барчаси бизнинг давримизга ҳам тегишли. Бу ерда таниқли совет ва Россия диншуноси Николай Семенович Гордиенкони эсламай бўлмайди, у ўз интервьюларидан бирида Яҳова Шоҳидларининг таълимотини танқид қилганлар, аслида Муқаддас Китобни танқид қиладилар, деган эди. Баъзилар бу

¹ Существует ли в православии свобода мысли и совести? (Бердяев Н. А.) Эл. манбага қ. (istina.russian-albion.com/ru/chto-est-istina-022-sentyabr-2010-g/naberdyayev).

² Ключевский В. О. Из записной книжки. Эл. манбага қ. ([ru.wikisource.org/wiki/Из_записной_книжки_\(Ключевский\)](http://ru.wikisource.org/wiki/Из_записной_книжки_(Ключевский))).

³ «Некоторые безобразия русской жизни – а в частности причины распространения штунды». Аксаков И. С. Эл. манбага қ. ([ru.wikisource.org/wiki/Некоторые_безобразия_русской_жизни_-_а_в_частности_причины_распространения_штунды_\(Аксаков\)/ДО](http://ru.wikisource.org/wiki/Некоторые_безобразия_русской_жизни_-_а_в_частности_причины_распространения_штунды_(Аксаков)/ДО)).

қадимий китобни танқид қилишга журъат этолмай, онгли равишда уларни танқид қиладилар. Бошқалар эса, шахсан ўзлари Муқаддас Китобдан беҳабарлиги ва диний саводхонлиги пастлиги туфайли шундай қиладилар.

Аммо тарихга, айнан «шоҳ-ислоҳотчи ва озод қилувчи» император Александр II ҳукмронлигига қайтайлик. Ҳақиқий иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар фонида, мамлакатда ҳукм сураётган оммавий диний тоқатсизлик, чуқур фикрловчи ва ҳалол инсонларни газаблантирмай қўймасди. Жамиятга иқтисодий эркинликдан кейин эътиқод эркинлиги берилиши учун чақириқлар яна баланд овозда янгради.

Шундай қилиб, таниқли рус адабиётшуноси, ёзувчиси ва файласуфи Иван Сергеевич Аксаков 1865 йилда шундай деб ёзган эди: «Имон масаласида виждон бутунлай эркин бўлиши керак ва кимнидир полиция усулини қўллаб эътиқодда ушлаб туриш Масих таълимотининг руҳига зиддир»¹.

Эътибор беринг, Аксаковнинг ўзи чуқур православ христиани бўлган. Ва бу унинг зиёлиларнинг бир қисми орасида, ўзининг дини ва эътиқодини белгилашда инсон ҳуқуқини қўллаб-қувватловчи овозлар тобора кўпроқ эшитилаётганлар орасида бўлишига тўсқинлик қилмаган. Ёзувчи бир неча йиллар давомида диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини ҳимоя қилувчи янги мақоаларни нашр қилган.

1868 йилда у шундай деб ёзган: «Виждон эркинлиги тушунчаси иккиюзламачилик ўрнига самимийлик ва шу маънода ёлғон ўрнига ҳақиқат тушунчаси бўлмаса, нимани ўз ичига олади?... Эркин виждон бўлмаган жойда самимийлик ҳам бўлмайди; самимийлик бўлмаган жойда тўғри ёки нотўғри имон ҳам бўлмайди. ... ахир

¹ О взглядах общества и мерах правительства, несогласных с здоровым пониманием православия. Аксаков И. С. Эл. манбага қ. ([ru.wikisource.org/wiki/О_взглядах_общества_и_мерах_правительства,_несогласных_с_здоровым_пониманием_православия_\(Аксаков\)/ДО](http://ru.wikisource.org/wiki/О_взглядах_общества_и_мерах_правительства,_несогласных_с_здоровым_пониманием_православия_(Аксаков)/ДО)).

бундай ҳолда черков энди “имонлилар йиғини” эмас, балки куч билан унинг орасига ҳайдалган ва иккиюзламачилик билан у ерда қолаётган имонсизлар йиғини бўлади, шундай эмасми?»¹.

Яна ярим аср ўтади ва 1905 йилги диний бағрикенглик манифестини муҳокама қилиш чоғида бошқа бир рус ёзувчиси шундай дейди: «... инсон ва унинг Худоси ўртасида бўлиб, биринчисини ўз виждонига қарши ҳаракат қилишга мажбурламоқчи бўлган қонун, одамларга даҳшатли танлов қўяди: ё эътиқоддан воз кечиш ва шу билан ўз қалбининг муқаддас жойини таҳқирлаш ёки инсоний ҳаёти ва фаровонлигини қурбон қилиш ... Ва айнан эътиқоди кучли феъл-атворга эга, самимий одамларга бу альтернатива кўпроқ даҳшатли таҳдид солади. Имонга бефарқ, заиф, иккиюзламачилар ушбу қонун бўйича жазолардан қандай қочишни биладилар ва унинг олдига ёлғондакам таъзим қилиб, унинг кучига бўйсундилар. Диний мажбурлаш қонунини ёмон одамлар учун даҳшатли эмас, лекин олижаноб хулқлиларнинг шаъни ва хавфсизлигига таҳдид солади»².

Буни бугун қонун ижодкорлиги билан шуғулланаётганларнинг барчаси ёдда тутиши керак, чунки бугун тарих яна такрорланмоқда ва эътиқоди учун таъқибга учраётганлар сони яна ошиб бормоқда.

Кейин император Александр III ҳукмронлиги бошланди, у ҳақида қуйидагича ёзишган: «*Ушбу сусткаш подшоҳ ўз империясига ёмонликни тиламасди ва шунчаки унинг ҳолатини тушунмагани учун у билан ўйнашни хоҳламади, ва умуман олганда, сиёсий ўйин қарта ўйинидан кам бўлмаган даражада талаб қиладиган мураккаб ақлий комбинацияларни ёқтирмасди. Буни мустабид Саройнинг зийрак лаганбардорлари осонгина пайқаб қолишиди ва кўнгулчан зодагонни янада осонлик билан барча ёвузликлар келиб чиқишига сабаб*

¹ Аксаков И. С. Общественные вопросы по церковным делам. Том IV. Типография А. Суворина, Санкт-Петербург. 1903 г. – 79–80-сах.

² Государство и верующая личность: сборник статей / М. А. Рейснер, бывш. проф. Том. ун-та. – Санкт-Петербург: типография товарищества «Общественная польза», 1905. – 9-сах.

олижаноб аммо ўта ишонувчан ота-онанинг ислоҳотларга эрта ён бериши эканлигига, Россия ҳали эркинликка эришиши учун этилмагани ва у ҳали сузишни ўрганмагани боис уни сувга қўйиб юборишга ҳали эрта эканлигига ишонтира олдилар... Хукумат жамиятни тўғридан-тўғри таҳқиқлаб, унга шундай дерди: сизлар янги ислоҳотларни талаб қилдингиз – сизлардан эскилари ҳам олиб қўйилади...»¹.

Ўша даврнинг бош мафкурачиси, Муқаддас Синоднинг обер-прокурори К. П. Победоносцев 1891 йилда шундай деди: «Бу мазҳабларнинг тез кўпайиши – жиддий хавф тугдиреди. Мазҳабларга ўз шаҳар ва қишлоқларини тарк этиши тақиқлансин. Имонга қариши жиноятчилар дунёвий эмас, балки диний ҳукумат томонидан ҳукм қилинсин. Уларнинг Россияда қолиши чидаб бўлмайдиган даражада бўлиши учун паспортларига уларни ишга олиш ҳам, яшириши ҳам мумкин бўлмаган белги қўйилсин. Уларга сотиб олиш, сотиш, мулкка эгалик қилиш қонун билан тақиқлансин. Фарзандлари улардан тортиб олинсин ва православ динида тарбия қилинсин»².

Замонавий Ўзбекистоннинг ерлари, Ўрта Осиёнинг бошқа ерлари каби Россия империяси таркибига кирганида, диний бағрикенглик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди.

1914 йилгача Россия империясида диний миссионерлик ва эътиқодни ўзгартириш жинойи қонунга мувофиқ таъқиб қилинган.

1894 йилда Николай II Россия тахтига ўтирди. Янги император ислоҳотлар билан шуғуланмоқчи эмас эди ва отасининг сиёсатини давом эттиришини эълон қилди. 1905 йилда тарихчи Ключевский Николай II ҳақида шундай дейди: «Бу охирги подшоҳ...»³.

Сургун, қувғин, туҳмат ва ўзгача фикрловчилар масхара қилинишига қарамай, Россия империяси аҳолиси виждон эркинлиги

¹ О. Ключевский. Письма. Дневники. Афоризмы и мысли об истории. М, «Наука», 1968. – 299-саҳ.

² Ўша ерда. – 28-саҳ.

³ Ключевский В. О. Неопубликованные произведения. С. 382; Киреева Р. А. Послесловие // Ключевский В. О. Соч. В 9 т. Т. IX. – 457-саҳ.

ва эътиқод эркинлигига интилдилар. Православ миссионерлик жамиятлари исломга, эски ақидаларга амал қилувчилар қаторига ва турли «мазҳаблар»га ўтиб кетаётган кўп сонли оломонни енгитишга баъзан қодир эмас эдилар.

XX аср бошларида империяда диний мурасасизлик қайнаш нуқтасига етди. «Россия диний полиция вазирлар қўмитаси томонидан берилган тавсиф... – амалда бизда ҳеч қандай диний бағрикенглик бўлмаганлигини тўлиқ тан олишдир... XX асрда биз қайғули ўрта асрлар тартибларини такрорлашга муваффақ бўлдик, янги электр энергия асрига биз эски католик ва протестант инквизициясининг диний зиндонини кўчирдик. ... вазирлар қўмитасининг журнали ҳайратланарли соддалик ва уддабуролик билан рус диний амалиётининг энг имконсиз фантастик фактларини тасдиқлайди. Муҳаммадийлар, бутпарастлар, католиклар ва мазҳабчилар православ деб ҳисобланадилар ва православликдан воз кечганликлари учун судланмоқдалар. Муҳолифатчилар ва мазҳабчиларга нисбатан муайян бағрикенглик тўғрисида қонунлар чиқарилади, полиция эса уларни ўз ҳокимияти билан бекор қилади. Руҳонийлар чақимчилик ва айғоқчилик қиладилар, бидъатчиларни Масих номи билан таъқиб қиладилар, яқинини қийноқ ва қатл қилишга топширадилар. Курия билан халқаро шартномалар тузилади, аммо бажарилмайди. Миллионлаб мусулмонлар ҳар қандай қонун ҳимоясидан бутунлай маҳрум бўлиб, маҳаллий ҳокимиятларнинг чексиз ихтиёрига қурбон бўлишади... Бу нимаси? Қандай қилиб буларнинг барчаси обод мамлакатда бўлиши мумкин? Биз ўзи қаердамиз?...»¹.

Жамиятни қандайдир тарзда тинчлантириш учун 1903 йил 26 февралда император Николай II нинг Олий Манифести нашр этилди. Сўнгра 1905 йил 26 февралда «Давлат тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги манифест» чиқди. Деярли унинг кетидан, 1905 йил 17 апрелда «Диний бағрикенглик тамойиллари

² Государство и верующая личность: сборник статей / М. А. Рейснер, бывш. проф. Том. ун-та. – Санкт-Петербург: типография товарищества «Общественная польза», 1905. – 396–397-сах.

тўғрисидаги фармон» чиқарилди. Аммо аслида унда ҳали тўлиқ маънода диний бағрикенглик ҳақида гап кетмаётган эди.

Айнан ўша йилларда граф Сергей Юльевич Витте шундай деган эди: «Россия мавжуд тизим шаклидан ошиб ўтди. У фуқаролик эркинлигига асосланган ҳуқуқий тизимни *яратишига интилади*»¹.

Барчасининг якуни – 1917 йил. Февраль инқилоби ва якка ҳоқимиятчилик ағдалиши биланоқ, 1917 йил 22 мартда Муваққат Ҳукуматнинг «Диний ва миллий чекловларни бекор қилиш тўғрисида»ги Қарори чиқарилди: «*Эркин мамлакатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлиши керак ва халқнинг виждони алоҳида фуқароларнинг эътиқоди ва келиб чиқишига қараб ҳуқуқлари чекланишига рози бўлмайди деган мустаҳкам шиорчга асосланиб, Муваққат ҳукумат қарор қилди: Амалдаги қонунлар билан белгиланган Россия фуқароларининг маълум бир динга, эътиқод ёки миллатга мансублиги сабабли ҳуқуқларидаги барча чекловлар бекор қилинади*»².

Аммо кейин Октябрь инқилоби содир бўлди ва жангари атеизмнинг совет империяси даври бошланди, шу боис яна қандайдир диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги ҳақида гапириш имконсиз бўлиб қолди. Энди эса атеизм байроғи остида, худди шу диний мурасасизлик Совет Иттифоқининг бутун ҳудудида ҳукмронлик қила бошлади. Атеизмнинг айнан шундай шакли ҳақида буюк Вольтер XVIII асрда шундай деб ёзган эди: «... Атеизм – ўта хавфли йиртқичдир, айниқса у ҳоқимият тепасида турганлар ичида бўлса; у олимларнинг хонасида хавфлидир, ҳатто уларнинг ҳаёти бутунлай бегуноҳ бўлса ҳам, чунки уларнинг хоналаридан мансабдор шахслар олдига кириб бориши мумкин; ва агар атеизм мутаассиблик

¹ Высочайшее повеление и Всеподданнейшей доклад статс-секретаря графа Витте. // «Церковные ведомости», издаваемые при Святейшем Правительствующем Синоде – СПб. – 22 октябрь 1905 йил. – № 43. – 484–486-саҳ. Эл. манбага қ. (www.prlib.ru/item/461397).

² Постановление Временного правительства об отмене вероисповедных и национальных ограничений 22 марта 1917 года. Эл. манбага қ. (constitution.garant.ru/history/act1600-1918/5413/).

каби ҳалокатли бўлмаса ҳам, у деярли ҳар доим эзгу иш учун ҳалокатли бўлади»¹.

Ҳукумат яна қўрқув ва ксенофобиядан империянинг катта қисмларини ушлаб туриш ва сиёсий жиҳатдан номақбул фуқароларга нисбатан жазо чораларини оқлаш учун фойдаланди.

Ҳозир биз мустақил давлатларнинг ўзгача даврида яшаяпмиз. Ва биз диний бағрикенгликни энди ўрганаётганимизни, эндигина биринчи журъатсиз қадамларни ташлаётганимизни тан олишимиз керак! Виждон эркинлиги – шахс эркинлиги эканлигини ва давлат эндиликда фуқаронинг виждони ва эътиқоди устидан тарбиячи, текширувчи ва назоратчи бўлмаслиги кераклигини на жамият, на айниқса мансабдор шахслар ҳали тўлиқ англаб етмаган.

Орқага, эски тартибга қайтиш хавфи эса ҳали ҳам жуда катта. Россияда Яҳованинг Шоҳидлари ташкилотининг тақиқланиши бунинг ёрқин тасдиғидир. Эътиборли ўқувчи К. П. Победоносцевнинг юз йил аввал айтган сўзларини қайта ўқиб чиқсин ва буни бугунги «мазҳабларга қарши курашувчилар» нимага қақираётгани билан солиштирсин. Биз ўтмишга қайтишни хоҳлаймизми? Чинакам имонли инсонларни қувғин қилиш алангасини қайта ёқишни истаймизми? Биз яна ўзимизни бутун дунёдан чегаралашни ва атрофдаги барчани душман деб билишни хоҳлаймизми? Ахир замонавий *антикультулизм* айнан шунга чорлайди.

Диний мурасасизлик амалиётида унинг кескин шакли сифатида антикультулизм мафқураси шакланганлигини билиш ҳам фойдалидир. Антикультулизм ўз тарихини XX асрнинг 20–30 йилларидан бошлаб олиб бормоқда ва унинг бошланиши Гитлер бошчилигидаги нацистларнинг Германияда ҳокимиятга келиши билан боғлиқ².

¹ Вольтер. Философские сочинения. – М.: Наука, 1988. – 645-саҳ.

² Б. Перссоннинг фикрича, культга қарши ҳаракат «миллатга хавф туғдирувчи» ва «немиш халқини хиссий камситиши мумкин бўлган» диний оқимларга қарши курашда нацистлар билан яқиндан ҳамкорлик қилган 1921 йили Германияда ташкил этилган дунёқараш масалалари бўйича Апологетик марказидан келиб чиққан.

Швециялик тарихчи Нильс Бертил Александр Перссон таъкидлайди: «... *Нацизм ва шунга ўхшаши оқимлар бугунги антидемократик, антикультулизм ва антисемитизм ҳаракатларини мафкуравий воситалар билан таъминлади*»¹.

Шуниси ҳам эътиборга лойиқки, 1938 йил 15 февралда Германияда ҳатто «*Мазҳабларга қарши кураш бўйича қўлланма*» (СС рейхсфюрери иши бўйича кўрсатмалар) чиқарилган эди. Эҳтимол бу, тарихдаги биринчи қўлланма бўлган. Шундай экан, бугунги кунда мазҳабларга қарши кураш бўйича турли хил рисоаларни қўлингизга олганингизда, биринчиси қаерда ва ким томонидан чоп этилганини эсланг.

Жамиятни кўрқитиш учун кулътга қарши ҳаракатлар «мазҳаблар», «адептлар», «тоталитар мазҳаб», «мия ювиш», «зомбилаш» ва шу каби ҳақоратли ёрлиқлардан фойдаланишни яхши кўрадилар. Бу ёрлиқларнинг барчаси ҳеч қандай илмий асос ёки қийматга эга эмас ва уларнинг асосий мақсади тингловчиларни ҳиссий жиҳатдан кўрқитиш ва диндорларни жамиятдан ажратишдир. Зеро, агар жамият диндорларни ўзининг бир бўлаги сифатида қабул қилишни тўхтатса, уларни ҳимоя қилмайди ва уларнинг ҳуқуқлари бузилишини ўзига таҳдид сифатида қабул қилмайди.

«Фейк янгиликлар»дан ҳам фаол фойдаланилмоқда. Берлин университетидан файласуф А. Гельферт куйидаги таърифни таклиф қилади: «Фейк янгиликлар – бу (одатда) ёлгон ёки чалгитувчи баёнотни атайин янгилик сифатида тақдим этишдир, аслида эса чалғитиш унинг мақсади ҳисобланади» (Gelfert 2018, 108)².

Тадқиқотчининг таъкидлашича, фейк янгиликлар муаллифлари инсонга хос бўлган тўртта когнитив ноҳолислиқдан фойдаланадилар:

¹ Перссон Б. История и идейные истоки антикультульного движения. Новые вызовы свободе совести в современной России. / Материалы международной научно-практической конференции. – М.: Центральный дом журналиста. 26 июнь 2012 йил. – 47-саҳ.

² Интровинье М., Амикарелли А. Новые цюрихские гномы: Свидетели Иеговы, дело Шпис и манипуляции с ним в антикультулизме и российской пропаганде. – 42-саҳ. Эл. манбара қ. (www.cesnur.org/2020/jehovahs-witnesses-whitepaper-russian.htm).

- тасдиқланиш ноҳолислиги: янги маълумот бизнинг нуқтаи назаримизни ва нотўғри қарашларимизни тасдиқласа, биз уни қабул қиламиз;

- такрорлашнинг таъсири: «агар бирон нарса қайта-қайта айтилса, демак бу ҳақиқат бўлиши керак»;

- кўрсатмани қайд қилиш: хотирада беихтиёрий таъсирни қўзғатадиган сўзларни танлаш (бизнинг ҳолатларимизда, масалан, культ ёки мазҳаб сўзларини);

- аффектив фаоллашув: ҳис-гуйғулар ҳимоя тўсиғини пасайтиради, масалан, «улар болаларни зўрлашади» дейилса (Gelfert 2018, 111–113)¹.

Ишончим комилки, буни тушунишнинг ўзи ҳимоя вазифасини ўтайди ва ўқувчиларга ёлғон ва оммавий ахборот воситаларидаги найранглардан ўзларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Аммо нега давлат ҳокимияти баъзида культга қарши ҳаракатларга хайрихоҳ? «Антикультизм» феноменининг тадқиқотчиси, диншунос олим М. Ю. Смирновнинг фикрича, бунинг сабаби: «... ЯДХ (янги диний ҳаракатлар) ва “культлар” зиммасига юкланаётган “бузғунчилик” айбловининг асосий омили айнан назоратдан қочиш ҳисобланади. Одатда уларга нисбатан салбий муносабат жамият хавфсизлиги, унинг ахлоқий ҳолати ва бошқа эзгу тушунтиришлар билан бекитилади. Аммо моҳият ўша-ўша – репрессив муносабат аслида ЯДХ (янги диний ҳаракатлар)нинг диний мазмунига бўлган даъволар билан эмас, балки уларнинг давлат назорати доирасидан аниқ ёки зоҳирий чиқиб кетиши билан боғлиқ»².

Тартиб бўлгани – бу яхшидай кўринади. Фақат шу ҳам адолатданки, «Давлатнинг мутлақ тартибни таъминлашга интилиши, тўлиқ тартибсизликдан кам эмаслигини кўрсатади, чунки у ҳаёт бахш

¹ Ўша ерда. – 45-саҳ.

² Смирнов М. Ю. Антикультизм – понятие и практика. Новые вызовы свободе совести в современной России. Материалы международной научно-практической конференции. – М.: Центральный дом журналиста, 26 июнь 2012 йил. – 66-саҳ.

этувчи қобилиятнинг жуда кичик даражасини намойиш этади. Ўта юқори тартиб меҳробига ҳаддан ташқари кўп қурбонликлар келтирилади, улар қаторида масиҳийлик қадриятлари, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг табиий ҳуқуқлари ва эркинликлари, ахлоқ ва ҳуқуқ, шахснинг қадр-қиммати, маданияти ва цивилизацияси мавжуд»¹.

2012 йилда Москвада бўлиб ўтган конференцияда тадқиқотчи А. Е. Себенцев айтиб ўтган яна бир аҳамиятли факт: «Айрим диний озчиликларга муносабатни белгиловчи муҳим омил, шубҳасиз, совет давридан давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ҳамда халқ менталитетида сақланиб қолган, ... чет элда етакчи тузилмаларга эга диний бирлашмаларга нисбатан ишончсизликдир...»².

Бироқ бу ишончсизлик билим ёки тажриба натижаси эмас. Бу янглиш тушунча одамларда дастлаб чор империяси ташвиқоти томонидан ўстирилган, кейин эса Совуқ уруш ва «чириётган» Ғарб билан қарама-қаршилик йилларида совет ташвиқот машинаси томонидан мустаҳкамланган.

Модомики янглишиш – бу шунчаки туйғу экан, унда мантиқ йўқ. Бундан замонавий антикультистлар фаол фойдаланадилар, улар ақлга эмас, балки инсоннинг ҳис-туйғуларига мурожаат қиладилар. Қўрқув, шубҳа ва нафрат – мана шулар уларнинг далиллари дир. Ким бу масалани батафсилроқ тушунишни, шунингдек, Яҳованинг Шоҳидлари ҳақида бугунги кунда тарқатилаётган янгиликларнинг «сохталигига» мисоллар ёрдамида ишонч ҳосил қилиши истаса, мен «Янги цюрих гномлари: Яҳованинг Шоҳидлари, Шпис иши ва у билан антикультизмдаги ҳамда рус пропагандасидаги манипуляциялар» номли ажойиб асарни ўқишни тавсия қиламан. Унинг муаллифлари – профессор, фалсафа доктори, дин социологи Мас-

¹ Ўша ерда. – 108-саҳ.

² Смирнов М. Ю. Антикультизм – понятие и практика. Новые вызовы свободе совести в современной России. Материалы международной научно-практической конференции. – М.: Центральный дом журналиста, 26 июнь 2012 йил. – 10-саҳ.

симо Интровинье¹ ва Европа эътиқод эркинлиги федерацияси президенти, ҳуқуқшунос, ҳуқуқ ҳимоячиси Алессандро Амикарелли, антикультистлар томонидан Яҳованинг Шоҳидларига нисбатан кўйилаётган замонавий айбловларнинг аксариятини, шу жумладан жамоатдан четлаштириш, қон қуйиш ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш масалаларини батафсил ва мукамал тарзда таҳлил қилишган. Асарда маълумотларни манипуляция қилиш қандай амалга оширилиши ва диний озчиликни қоралаш кимга фойда келтириши батафсил кўрсатилган.

Шундай қилиб, сектофобларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда, асар муаллифлари қуйидагиларни таъкидлашади: «Культга қарши нашрларнинг аксарияти фақат оммавий ахборот воситаларидан олинган иқтибосларга ва хафа бўлган собиқ диндорларнинг кўрсатмаларига асосланади. Улар танқид қилинаётган диний ҳаракатлар бўйича илмий ва соҳавий тадқиқотларидан камдан-кам фойдаланадилар ёки умуман фойдаланмайдилар»².

АҚШ Халқаро диний эркинлик бўйича комиссиясининг (USCIRF) янги ҳисоботида таъкидланишича, антикультистлар «диншунослик, психология ва социология каби илмий фанлар бўйича мутахассис эканликларига даъво қилишади, лекин аслида улар бу фанлар бўйича камдан-кам ҳолларда малакага эга ва кўпинча ўзларининг мафкуравий режасини тарғиб қилиш учун обрўсизланган назариялар ва методологияларга таянадилар»³.

¹ Массимо Интровинье турли мамлакатларнинг янги диний оқимларнинг тадқиқотчиларини бирлаштирган Янги динларни ўрганиш марказининг (CESNUR) асосчиси ва бошқарувчи директори. Дин социологияси ва диний плюрализмга оид 70 дан ортик китоб ва 100 дан ортик мақола муаллифи. Ўтмишда у Италия Ташқи ишлар бўйича вазирлигининг Диний эркинлик қўмитаси раиси бўлган.

² Интровинье М. Амикарелли А. Новые цюрихские гномы: Свидетели Иеговы, дело Шпис и манипуляции с ним в антикультизме и российской пропаганде. – 7-саҳ. Эл. манбага қ. (www.cesnur.org/2020/jehovahs-witnesses-whitepaper-russian.htm).

³ United States Commission on International Religious Freedom. The Anti-cult Movement and Religious Regulation in Russia and the Former Soviet Union. Эл. манбага қ. (www.uscirf.gov/publication/anti-cult-movement-and-religious-regulation-russia-and-former-soviet-union).

Профессор И. Я. Кантеров аниқ таъкидлаганидек: «Диншунослик бўйича дунёвий мактабларнинг культга қарши ҳаракатларда иштирок этувчилардан туб фарқи шундаки, биз, дунёвий диншунослик вакиллари ва чет эллик ҳамкасбларимиз тадқиқ қилинаётган объект билан бевосита алоқада ишлаймиз. Бизнинг мақсадимиз – ҳукм чиқаришдан олдин уларни тушунишдир. Динга қарши ҳаракат вакилларининг асосий мақсади – ҳукм қилиш ва кўпроқ шовқинли атамаларни, уларни қораловчи тушунчаларни топишдир. Ҳеч бир дунёвий – Санкт-Петербург, Москва ёки Екатеринбургдаги диншунослик мактаби – “бузғунчи мазҳаб”, “тоталитар мазҳаб” ва ҳоказо – атамаларни қабул қилмайди»¹.

Шуни ёдда тутиш керакки, инсоният тарихининг ўзи қуйидагини кўрсатди: на таъқиблар, на инквизиция гулханлари, на қатллар, на шафқатсиз қийноқлар зўравонликдан бошқа ҳеч нарсага олиб келмади. Бундай диний муросасизлик ва культизмга қарши кураш, у ёки бу динларни таъқиб қилиш инсоният хотирасида энг катта ёвузлик сифатида сақланиб қолди ва бу жаҳолатпарастликда иштирок этган инсонлар ўзларини ўчмас тарихий шармандаликка дучор қилишди.

Умид қиламанки, ушбу бобда келтирилган тарихий тавсиф, диний бағрикенглик ҳамиша жамиятнинг ички осойишталигига, давлатнинг жадал ривожланиши ва мустаҳкамланишига олиб келишини жуда аниқ таъкидлайди. Аксинча, муросасизлик эса, ксенофобия ва этниқод учун таъқиблар, худди касаллик каби давлатларни ниҳоятда заифлаштиради ва уларни фақат инқироз ва таназзулга олиб келади.

Жамиятда ҳар доим турлича фикр ва қарашлар бўлади. Аммо бу қийинчиликлар туғдирмайди ва менинг фикримча, Белинский В. Г. жамиятга жуда доно маслаҳат берган: «Бошқалар у каби ўйламаслиги ҳақида қайғурмасдан, ҳар ким ўз фикрини билдирсин. Бошқаларнинг фикрига тоқатли бўлиш керак. Ҳаммани бир хил фикрлашга мажбур қила олмайсиз. Бошқаларнинг сизникига тўғри

¹ Кантеров И. Я. Религиозные меньшинства как объект серьезного изучения, а не стигматизации Эл. манбага қ. (www.npar.ru/journal/2004/4/minorities.htm).

келмайдиган фикрларини рад этинг, лекин улар сиз учун ёқимсиз бўлгани учун уларни ғазаб ила таъқиб қилманг; уларни адабий маънода ҳам улар учун ноқулай бўлган қиёфада кўрсатишга уринманг. Бу нотўғри ҳисоб-китоб: ўз фикрларингиз учун кўпроқ эркинлик қозониш истагида, сиз шу билан уларни ҳар қандай негиздан маҳрум қилиб қўйишингиз мумкин»¹.

Ишончим комилки, замонавий, ривожланаётган дунёвий давлат учун «*дунёқараш жиҳатидан бетарафлик*» тушунчаси, яъни шахснинг дунёқараш эркинлиги, диний бағрикенглик, виждон эркинлиги ва диний муросаликни таъминлаш асосий омил бўлиши керак. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларига қатъий риоя қилиниши, бутун жамиятни ва унинг ҳар бир аъзосини бузгунчи кучларнинг ҳар қандай тажовузидан, айниқса фуқароларнинг саломатлиги ва ҳаёти ҳақида гап кетганда, ҳимоя қилиш кафолатланиши зарур.

Яқинда ажойиб диншунос олим, фалсафа фанлари доктори Людмила Александровна Филипович ўз интервьюларидан бирида шундай деган эди: «... диний плюрализм – диний эркинликнинг асосидир. Агар бизда диний плюрализм бўлмаса, дин эркинлиги тугайди. Диний эркинлик эса бошқа барча эркинликлар асосланадиган энг муҳим эркинлик ҳисобланади. Агар виждон эркинлиги бўлмаса, танлаш эркинлиги, нимага ва қандай ишониш эркинлиги ҳам йўқ – унда сўз ва йиғилишлар эркинлиги ва бошқа барча эркинликларнинг нима кераги бор? Бу энг муҳими: эътиқод қилаётгани ҳақиқат эканлигига инсоннинг ички ишончи»². Жуда ҳам яхши айтилган!

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди «Коккинакиснинг Грецияга қарши» ишида қуйидагиларни таъкидлади: «Ҳам фалсафий, ҳам диний эътиқодлар инсоннинг маънавий дунёси ва улар ҳақида гапириш ва ифода этишдек ажралмас ҳуқуқи билан боғлиқ. Ҳад-

¹ Белинский В. Г. Избранные эстетические работы. В 2-х томах. Т. 2. М.: Искусство, 1986. – 409-саҳ.

² Тарусова Д. Людмила Филипович: «Если нет свободы вероисповедания, то все остальные свободы не нужны» – Гранит науки. Эл. манбага қ. (un-sci.com/ru/2020/07/22/lyudmila-filipovich-esli-net-svobody-veroispovedaniya-to-vse-ostalnye-svobody-ne-nuzhny/).


дан ошиш йўл қўйиладиган репрессив тизимни рағбатлантириш ўта хавфлидир. Авторитар режимлар ўз Конституциясида дин эркинлигини таъминлаш билан бирга уни чеклаб қўйиб, бузғунчилик, “қўпоровчилик” ёки прозелитизм билан боғлиқ жиноятлар билан бириктириб келгани барчага маълум. ...У ёки бу шахс ўз динини ўзгартирмоқчи бўладими ёки йўқми давлатга тааллуқли эмас ва бинобарин, аслини олганда, кимдир бошқани ўз динини ўзгартаришга ундашга ҳаракат қилиши масаласи ҳам давлатга тегишли бўлмаслиги керак»¹.

Жамиятимизнинг эртанги куни қандай бўлади? Буни фақат ўзимиз ҳал қиламиз. Билимга меҳр қўйган, кенг қамровли ва ҳолис маълумотлар олишга интилаётган ёш авлод ўзини «муросасизлик ва ксенофобия» вирусидан ҳимоя қила олишига ва Вольтернинг фикрларига қўшилишига ишонишни хоҳлайман:

«Агар биз адолатли суд ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўриб чиқадиган бўлсак, унда биз эътиқод эркинлиги, уни омма олдига эркин эътироф этиши ва бошқа шахснинг ҳуқуқларига зиён келтирмайдиган барча нарсада ўз хатти-ҳаракатларимизни эътиқодимизга мувофиқлаштириши шахсий эркинлик ва мулк ҳуқуқи каби реал ҳуқуқ эканлигини кўрамиз. Шундай қилиб, ушбу ҳуқуқдан фойдаланишидаги ҳар қандай чеклов адолатга зиддир ва диний бағрикенгликка қарши бўлган ҳар қандай қонун адолатсиз қонундир»².

¹ Решение ЕСПЧ по делу Коккинакиса против Греции (3/1992/348/421) Эл. манбага қ. (www.refworld.org/cases,ECHR,3ae6b6ff4.html).

² Решение ЕСПЧ по делу Коккинакиса против Греции (3/1992/348/421) Эл. манбага қ. (www.refworld.org/cases,ECHR,3ae6b6ff4.html).




Жон Локк (1632–1704)

Инглиз сиёсий мутафаккири,
файласуфи, давлат арбоби



«Ҳар қандай черковнинг эътиқоди ўзи учун тўғри, бошқалар учун эса зид. Чунки ҳар бири ҳақиқат деб билган нарсасига ишонади, бунга зид нуқтаи назарни эса янглиш деб қоралайди.

Шундай қилиб иккала черков ҳам таълимотлар ҳақиқатлиги, урф-одатлар тўғрилиги ҳақидаги баҳсда тенг ҳуқуққа эга. Бу борада судья ҳукм чиқара олмайди, аслида Константинополда ва умуман дунёда буни қила оладиган судьянинг ўзи йўқ».



Томас Жефферсон
(1743–1826)

Сиёсий арбоб,
АҚШнинг 3-президенти



«Ҳеч бир инсон бировга эътиқодини уқтириш ҳуқуқига эга эмас. Унга ишонишмаса имон имонлигини йўқотади. Ҳеч ким ўзиниг имонини бошқанинг талабига бўйсундира олмайди.

Мен судьядек йўлбошчига ўзимни ишониб топширолмайман. Чунки у самоларга йўлни мендан яхшироқ билмайди ва у мени тўғри йўлга солиш ҳақида мен тўғри йўлни танлаш ҳақида ташвишланганимчалик қайғурмайди».

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси

1789 йил 26 августда Франция Миллий ассамблеяси томонидан қабул қилинган

10-модда:

Ҳеч ким ўз фикрини, ҳаттоки диний қарашларини айтишдан уялмаслиги керак. Чунки бу қонун томонидан ўрнатилган жамият тартибини бузмайди

11-модда:


Фикр билдириш эркинлиги инсоннинг энг олий ҳуқуқларидан бири; шунинг учун ҳар бир фуқаро эркин фикр билдириши, ёзиши ва чоп этиши мумкин. Фақат мазкур эркинлик суиистеъмол қилинган вазиятларда қонун томонидан белгиланган жавобгарликка тортилиш хавфи мавжуд



Ҳуқуқлар тўғрисида биллэ

АҚШнинг Конституциясига киритилган биринчи 10 та тузатиш 1791 йил 15 декабрда кучга кирган

«Конгресс ҳар қандай динни ўрнатадиган ёки унга эркин эътиқод қилишни таққийлайдиган сўз ёки чоп этиш эркинлигини ёки халқнинг тинч йиғилиш ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳақидаги петициялар билан ҳукуматга мурожаат қилиш эркинлигини чеклайдиган қонунлар чикармаслиги керак».



MAHBA: commons.wikimedia.org



Анна Элеонора (Эленор) Рузвельт


БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси устида ишлаган қўмитага раислик қилган

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

«...инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждонини қийнайдиغان ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини инобатга олсак, кишилар сўз ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда қўрқув ва муҳтожликдан холи шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилиши деб эълон қилинган...

19-модда:

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади».





Алишер Навоий (1441-1501)

Туркий шоир, сўфий,
темурийлар давридаги
Хуросоннинг давлат арбоби

«Ҳар кишиким истаса
тузлукка ғавр.

Англадик ониким, эрур
икки тавр:

Бир буки, туз бўлса
кишининг сўзи,

Йўқ сўзиким, ҳам сўзи
ҳам ўзи;

Бир буки, ёлғонға
таассуф била,

Тўғри дегай сўзни
такаллуф била».

«Ҳайратул-Аброр»
достони
(Ўнинчи мақолат)

7-БОБ

ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ТЎҒРИЛИГИ ҲАҚИДАГИ МАСАЛА

Постсовет мамлакатларининг айрим оммавий ахборот воситалари нашларида, кундалик онг даражасидаги шахсий баёнотларда ва ҳатто муайян бир мамлакатда диний вазият масалалари бўйича олимларнинг муҳокамаларида маълум диний тузималар тез-тез тақдирланадиган хусусиятларининг ҳаққонийлиги мавзусини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди деб ўйлайман.

Шу боис, диний ташкилотларга маълум таърифларни қўллашнинг ҳаққонийлигига муайян ойдinлик киритиш, улар (яъни тушунчалар) ҳар бир диний феноменнинг муҳим хусусиятларини қанчалик акс эттиришини аниқлаштириш учун, қўлланилаётган атамаларнинг тўғрилиги ҳақида гапириш мутлақо мантиқдир.

«Жамоа», «мазҳаб», «культ», «деноминация», «конфессия», «черков» тушунчаларининг мазмунига тўхталиб ўтаман.

Ҳар қандай «диний бирлашма» – бу ўзининг барча ташкилий элементларига эга бўлган диндорлар жамоасидир. У биргаликда эътиқод қилиш ва эътиқодни тарқатиш мақсадида шаклланади ва шу мақсадга мос келадиган хусусиятларга эга: эътиқод қилиш, илоҳий хизмат ҳамда бошқа диний расм-русм ва маросимларни адо этиш; диний таълим ва ўз издошларига диний тарбия бериш.

Диний бирлашманинг бошланғич гуруҳи – *жамоадир*. Унинг бошқача номи «диний жамият», яъни бирорта дин тарафдорларининг бирлашмаси.

Диний жамоа учун гуруҳни ташкил этувчи белгилар қуйидагилардир:

- а) мафкуравий меъёрлар: умумий диний тушунча ва ғоялар, эътиқодлар, мақсад ва вазифалар, нишонлар ва рамзлар;
- б) диний фаолият: культга оид ва культга оид бўлмаган;
- в) ҳамжамият ҳисси (битта катта диндошлар оиласи сифатида);
- г) бўйсунуш, вазифа ва ролларни ажратиш.

Диний жамоанинг тузилиши анъана ва одатлар, ҳуқуқ ва низом, қоидалар ва ҳоказолар билан белгиланади. Махсус мезонлар асосида расмий ва норасмий *кичик гуруҳлар* тизими ажратилади: «жамоа кенгаши», «диндорлар», «ваъзгўйлар», «пайғамбарлар», «табиблар» ва бошқалар¹.

Тузилиши ва таркиби жиҳатидан диний жамоа нисбатан барқарор тузилма ҳисобланади. Унинг барча фаолияти жамоанинг барча аъзолари учун умумий мақсадга ва энг аввало, биргаликда диний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

«Мўминлар, – деб айтган Муҳаммад пайғамбар, – бамисоли битта тана кабидирлар. Агар танада бир аъзо оғриси, қолган аъзолар иситма ва бедорлик билан унга шерик бўлади»².

Жамоага шунга ўхшаш таърифни Инжил христиан-баптистлари ҳам берадилар: жамоа – бу «маънавий асалари уяси бўлиб, унда ҳар бир ишчи арига ўз жойи ва ўз иши ажратилган ва маънавий текин-хўрларга жой бўлмаслиги керак» ва ҳоказо³.

Жамоа ташкилотининг турлари уларнинг таркибига кирадиган гуруҳлар ва шахсларнинг позициялари ва ролларининг тақсимланишига бевосита боғлиқ. Шу боис илмий таҳлил қилиш учун ҳар бир диний жамоанинг нафақат конфессиявий мансублиги ва ташкилий тузилишини, балки унинг маънавий ҳаётининг йўналишини, ваъзгўйлик фаолиятининг хусусиятларини ҳам билиш муҳимдир,

¹ Святая Русь. Энциклопедический словарь русской цивилизации. – М., 2000. – 608-саҳ. Қолаверса: Атеистический словарь. – М., 1986. – 317-саҳ.

² Хадиси Пророка. Перевод Иман Валерии Пороховой. – М., 2000. – 110-саҳ.

³ Настольная книга пресвитера. – М.: ВСЕХБ (Всесоюзный совет евангельских христиан-баптистов), 1982. – 105-саҳ.

чунки уларнинг ҳар бири ёки деярли ҳар бири алоҳида мавқега даъво қилади, йиллар давомида шаклланган тажрибаси ва ўзига хос анъаналарини биринчи навбатда қадрлайди, ички муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос шаклларида, ички низоларни ҳал қилишда ўз усулларида ва ҳоказолардан максимал даражада фойдаланишга интилади¹.

Замонавий ихтисослаштирилган адабиётларда XX асрнинг иккинчи ярмида собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида кенг тарқалган, айниқса илдизлари АҚШ ва Ғарбий Европада бўлган кўплаб жамоалар ва ҳатто бутун диний бирлашмаларга нисбатан турли хил салбий маънодаги белгилар ишлатилади: «**бузгунчи**», «**тоталитар**», «**мухолифат**», «**ноанъанавий**», «**нодиний**», «**культ**» ва ҳоказо. Аммо кўпинча уларга нисбатан «**мазҳаб**» атамаси қўлланилади, бу унга тайинли аниқ салбий хусусиятни беради.

Бу атамаларнинг барчаси камситувчи маънога эга ва янги диний тузилмаларнинг издошлари томонидан ҳам, замонавий жамият томонидан ҳам шундай қабул қилинади.

Юқорида санаб ўтилган атамалар ҳар бирининг семантик маъноларини кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, «**бузгунчи**». «Деструкция» сўзи (лот. *destructio*) – вайрон қилиш, бирор нарсанинг нормал тузилишини бузиш². Албатта, ҳар қандай тузилмалар, жумладан диний тузилмалар, агар улар ҳокимиятга бўйсунмасликка чақирса, миллатлараро ва динлараро адоватни қўзғатса, мафкураси миллатчилик, шовинизм, нацизм, фашизм ва ҳоказо бўлса, жамиятга бузгунчи омилларни киритиши мумкин.

Лекин бу атамани қонунга итоаткорлигини таъкидлайдиган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмий рўйхатдан ўтган, жамиятга нисбатан бағрикенг, дин эркинлигини эътироф қиладиган диний бирлашма ва жамоаларга нисбатан қўллаш мумкин эмас!

«Бузгунчи» атамасига ўхшаш «**тоталитар**» («тоталитар мазҳаб») атамаси ҳам қўлланилади.

¹ Артемьев А. И. Религиоведение: основы общего религиоведения, история религий, религии в Казахстане. – Алматы, 2002. – 46–56-саҳ.

² Словарь иностранных слов. – М., 1986. – 157-саҳ.

Бу борада профессор, совет ва Россия диншунос олими И. Я. Кантеров шундай дейди: «...“Тоталитар мазҳаб” ёки “бузғунчи култ” номларининг ноаниқлиги деярли ҳар қандай янги шаклланишни, диний-фалсафий таълимотни, маданий-маърифий ёки соғлиқни сақлаш муассасасини бундай бирлашмалар қаторига киритишга имкон беради. Хоҳиш бўлса бас, “тоталитар мазҳаб” ёки “бузғунчи култ” тушунчаси бундай даҳшатли ёрликлардан калтабинлик билан фойдаланишнинг оқибатлари ҳақида ўйлашга уриниб ўтирмай, бадном қилиш керак бўлган ҳар кимни ўзининг кенг қучоғига ҳеч иккиланмасдан қабул қилишга ҳамиша тайёр»¹.

Профессор Е. С. Элбакяннинг фикрича: «Ўрганиш объектига академик ёндашувда ҳамда илмий холислик ва ҳаққонийликка интилишда бундай таърифлар (“хавфли тоталитар бузғунчи мазҳаб”) ишлатилишига йўл қўйиб бўлмайди. Улар илмий бўлмаган, аксинча, илмга зид тушунчаларга эга бўлиб, айрим виждонсиз журналистлар томонидан қўллаб-қувватланади ва кенг қўлланилади»².

Мен ҳамкасбларимнинг фикрига тўлиқ қўшиламан. Бу атаманинг сиёсатшуносликка эмас, балки сиёсатшуносликка алоқадорлигини ҳеч бўлмаганда Сиёсий энциклопедик луғатга қараб ишонч ҳосил қилиш мумкин, бу ерда «тоталитаризм» сўзи (лот. *totalitas* – яхлитлик, тўлиқлик, *totalis* – бутун, тўлиқ) «жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан назоратни амалга оширувчи *давлат тузуми*» деб таърифланади³.

А. А. Кара-Мурза Янги фалсафий энциклопедияда ёзганидек, тоталитаризмнинг манбаи «жамиятнинг тобора мураккаблашуви (биринчи навбатда техноген ва иқтисодий соҳада) эди, у ҳаддан

¹ Кантеров И. Я. Новые религиозные движения в России (религиоведческий анализ). 2-е изд. – М., 2007. – 75-саҳ.

² Элбакян Е. С. Религиозное/нерелигиозное: к вопросу о критериях (теоретический и практический аспекты). Эл. манбага қ. (sclj.ru) Религиозное/нерелигиозное: к вопросу о критериях (теоретический и практический аспекты).

³ Политология. Энциклопедический словарь. – М., 1993. – 375-саҳ.

ташқари марказлаштириш, этатизация қилиш ва шунга яраша ўз-ўзини ташкил этишни ва индивидуал автономияни бостириш истагида ифодаланган жавобни келтириб чиқарди» .

«Тоталитар» ва «бузгунчи» атамалари кўпинча «культ» ва «мазҳаб» – «бузгунчи **культ**», «тоталитар **мазҳаб**» сўзлари билан бирга ишлатилади.

Бу иборалар аниқ ифодаланган салбий баҳоли маънога эга. Янги диний ҳаракатларнинг нуфузли америкалик тадқиқотчиси Гордон Мелтон ўз асарларидан бирида шундай деб ёзганлиги бежиз эмас: «**“Культ”** атамаси баъзи диний гуруҳларни тасвирлаш учун ишлатиладиган ҳақоратли ёрликдир...»¹.

«Фалсафа фанлари» журнали бош муҳаррири, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. П. Николаев «мазҳаб» атамаси ҳақида шундай ёзган эди: «Бошиданок “мазҳаб” сўзи ҳамиша салбий маънога эга бўлган, шу жумладан диний ҳаракатлар, диний озчиликларга нисбатан ҳам. Шу сабабдан “мазҳаб”, “мазҳабпараст” тушунчалари диний ташкилот аъзолари томонидан ҳақоратомуз сифатида қабул қилиниши мумкин. Расмий нутқда нейтрал семантик маънога эга бўлган “диний ташкилот”, “диний бирлашма” ва “диний ташкилот аъзоси” сўзларини ишлатиш афзал ва тўғри ҳисобланади»².

Бундан ташқари, И. Я. Кантеров тўғри таъкидлаганидек, «мазҳаб» ва «культ» атамаларини қўллаш ордидан муқаррар равишда ушбу оқимларга эътиқод қилувчиларнинг ўзгартирилган ном ҳам келиб чиқади. Энди уларга нисбатан «Издош», «тарафдор» ва айниқса «имонли» каби тушунчалар қўлланилмайди. Ушбу тушунчалар хорижий «адепт» сўзи билан алмаштирилади³.

¹ Melton Gordon J. Encyclopedic Handbook of Cults in America. (ингл.) New York and London. – 3-сah.

² Иқтибос: Гордиенко Н. С. Российские Свидетели Иеговы: история и современность. – СПб., 2000. – 12-сah.

³ Кантеров И. Я. «Деструктивные, тоталитарные», 2002. Эл. манбага қ. (scientologyfacts.ru/events-and-facts/facts/igor-kanterov-destructive-totalitarian-and-later-every-station/).

Таниқли европалик диншунос олим Массимо Интровиньенинг фикрича, буларнинг барчаси жамият онгида диний озчилик вакиллари ни бошқа диндор фуқаролардан («анъанавий дин тарафдорларидан») ажратиш, кейинчалик эса жамиятга «бегона» бу ажралган кичик гуруҳга умумий фуқаролик халқаро ва конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар дахлдор эмаслигини эълон қилиш учун аниқ мақсад билан амалга оширилади. Шу тариқа, улар онгли равишда жамият онгида «душман» ва «ёт унсур», «хавfli мазҳаб» қиёфасини чизадилар. Шундан сўнг, бундай гуруҳларнинг давлат томонидан ҳар қандай таъқиб қилиниши жамият томонидан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз сифатида баҳоланмайди. Жамоат онгини бундай манипуляция қилиш нафақат диний, балки жамиятнинг бошқа ҳар қандай гуруҳини таъқиб қилишни оқлаш учун ишлатилади. Нацистлар немис жамиятини яҳудийларни таъқиб қилишга тайёрлашда худди шу усулдан фойдаланганлар.

Гарчи жамият «мазҳаб»ларнинг таъқиб қилинишини ўзининг фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши сифатида қабул қилмаса-да, аслида эса айнан шундай бўлмоқда. Аксарият холларда, диний таъқиблар ордидан доимо сиёсий қатағонлар ва тоталитаризм келади.

Айнан шунинг учун ҳам кўплаб халқаро экспертлар диний эркинликларни, хусусан, Яҳова Шоҳидларининг эркинликларини маълум бир мамлакатда демократиянинг ривожланганлик даражасининг кўрсаткичи деб билишади. Агар бирор жойда Яҳованинг Шоҳидлари таъқиб қилинишни бошласа, демак яқинда фуқаролик жамияти ҳам таъқиб қилинишига амин бўлишингиз мумкин.

Энди «деноминация» тушунчаси.

Диншуносликда «деноминация» (лот. *denominatio* – номини ўзгартириш, махсус ном бериш) мазҳаб ва конфессия (черков) ўртасидаги оралик ҳолатни билдиради. Уни америкалик илоҳиётшунос олим Хельмут Ричард Нибур (1894–1962) киритган бўлиб, у биринчи бўлиб мазҳаб ва конфессия (черков) ўртасида аниқ чегара-

лар йўқлигига эътиборни қаратган: ҳар қандай мазҳаб конфессияга (черковга), конфессия (черков) эса мазҳабга айланиши мумкин. Диний ташкилотларни ўрганиш контекстида «деноминация» тушунчасининг ривожланишига Г. Беккер, А. Поп, Ж. М. Йингер, Б. Р. Вильсон, И. Вах, Т. О’Диа ва бошқалар ҳам катта ҳисса қўшган¹.

«Деноминация» атамаси кўпинча шаклланиш, ташкилий тузилиш босқичида бўлган диний бирлашмаларга нисбатан, баъзан эса эътиқод, конфессиянинг синоними сифатида ишлатилади.

«Деноминация, – деб ёзади фалсафа фанлари доктори И. Н. Яблоков, – икки турдаги бирлашмадан ривожланиши ёки бошиданок шундай шаклланиши мумкин. Унинг ғоявий, диний ва ташкилий меъёрлари черков ва мазҳабга қарама-қаршилиқда шаклланади ва турли хил хусусиятга эга. Аъзоларининг «танланганлиги»га урғу бериб, у ҳар бир имонли учун маънан қайта туғилиш имкониятини тан олади. “Дунёдан” ажралиш ва диний гуруҳ ичида яккаланиш “ҳақиқий” диндорликнинг мажбурий белгиси ҳисобланмайди. Гарчи доимий ва қатъий назорат қилинадиган аъзолик тамойили илгари сурилиб, унга кўра фаоллик, биринчи навбатда диний фаолиятда фаол болиш талаб қилинса-да, “дунё” билан боғланиш тенденцияси кузатилади, издошлар жамият ҳаётида фаол иштирок этишга чақирилади. Деноминация ҳам горизонтал, ҳам вертикал жиҳатдан аниқ ташкиллаштирилган»².

«*Конфессия*» тушунчаси (лот. *confessio* – тан олиш, эътироф этиш) – эътиқод тушунчаси билан бир хил, яъни қансидир динга, черковга мансуб бўлиш. Аммо бугунги кунда «*конфессия*» сўзи кўпинча ўз эътиқоди, ташкилий тузилишига эга бўлган йирик диний йўналишларни англатади.

Черков (лот. *ecclesia*) – том маънода «Худонинг уйи», ёки «Рабининг маъбади». Диний ташкилотнинг бу тури маълум тарихий шароитларда диний жамоалар ва гуруҳлар бирлашмаларининг

¹ Энциклопедия религий. – М.: Академический проект Гаудеамус, 2008. – 361-саҳ.

² Яблоков И. Н. Основы религиоведения. – М., 2000. – 128-саҳ.

(масалан, Рус православ черкови) ички муносабатларини тартибга солиш ва бирлашмани дунёвий гуруҳлар ва ташкилотлар билан боғлаш воситаси сифатида пайдо бўлган.

Кўпгина ҳолларда, бу атама христианларнинг диний ҳамжамоаларини (нафақат христианлар) ҳамда ҳаёти ва фаолияти *христианлик* контекстида ишлаб чиқилган диний ва каноник меъёрлар билан тартибга солинадиган тегишли иерархик тузилмаларни англатади. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, бугунги кунда таълимотда христианликдан узоқ бўлган кўплаб янги диний тузилмалар ҳам ўзларини «черков» деб аташади.

Тарих давомида христиан черкови кўплаб бўлинишларни бошдан кечирди, бунинг натижасида конфессионализм – умумий диний анъаналар доирасида кўплаб черковлар мавжуд бўлиши юзага келди.

«Черков нисбатан кенг бирлашма бўлиб, унга мансублик, қоида тариқасида, шахснинг эркин танлови асосида эмас, балки анъана билан белгиланади. Бунинг натижаси ҳар бир одамнинг черков аъзоси бўлиш имкониятини тан олиши. Аслида доимий ва қатъий назорат қилинадиган аъзолик йўқ, издошлар анонимдир. Кўпгина черковларда аъзолар руҳонийлар ва оддий диндорларга бўлинади. Лавозим ва роллар, даражалар ва градациялар иерархик меъёрга мувофиқ тартибга солинган»¹.

Рус тарихчиси В. О. Ключевский жуда муҳим фикр билдирди. 1888 йил 1 октябрда Москва диний академиясининг оммавий актида у «Рус фуқаролик қонунчилиги ва тартибининг ютуқларига черковнинг ёрдами» номи билан танилган нутқ сўзлаб, қуйидагиларни таъкидлади: «Черков давлат фаолияти доирасидан фарқи бўлган ўзгача бир соҳада ишлайди. Унинг ўз ҳудуди бор – бу имонли виждон, ўз сиёсати – бу виждонни гуноҳ мойилликларидан ҳимоя қилиш»².

¹ Ўша ерда.

² Ключевский В. О. Содействие Церкви успехам русского гражданского права и порядка. Речь, произнесенная на публичном акте Московской духовной академии 1 октября 1888 года. Церковь и Россия. – Париж, 1981. – 8-сах.

Албатта, «черков», «конфессия», «деноминация», «мазҳаб», «этиқод», «культ» тушунчалари ўта шартлидир. Улар фақат маълум диний жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини қайд этишга ва диний тузилмаларнинг ташкилий тузилишидаги, уларнинг давлат ва умуман жамият билан муносабатларидаги баъзи нозик фарқларини таъкидлашга ёрдам беради.

«Бағрикенглик», «диний бағрикенглик» каби таъриф ва тушунчаларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

«Бағрикенглик» атамаси, шунингдек, унинг тор жиҳати – «диний бағрикенглик» турли хил маъно ва моҳиятга эга, аммо ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан 1995 йил 16 ноябрда қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»да қайд этилган қандайдир умумийлик ҳам бор. Унда «бағрикенглик — бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушуниш» дея таърифланади (1.1-банд, 1-модда). Бундан ташқари, «1.2. Бағрикенглик – ён бериш, андиша ёки хушомад эмас. Бағрикенглик – энг аввало инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шакланган фаол муносабатдир... 1.4. Бағрикенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига эътиром билан ҳамоҳанг. У ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз имон-этиқодидан воз кечиш ёхуд бошқаларнинг этиқодига ён беришни англамайди. У шуни англадаки, ҳар ким ўз этиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. У яна шуни англадаки, одамлар ўз табиатига кўра ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши эътирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидирлар».

Бу ҳақда виждон эркинлиги соҳасидаги мутахассис М. С. Стецкевич шундай ёзади: «Бизнинг фикримизча, бағрикенгликнинг

минимал даражаси, сиз эътиқодлари билан рози бўлмаган кишиларнинг *мавжуд бўлиши* ҳуқуқини тан олишга тайёрликни билдиради, агар бу эътиқодлар ва улардан келиб чиқаётган хатти-ҳаракатлар бағрикенглик асосларини йўқ қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ниятни ўз ичига олмаса (масалан, фашистик мафкура). Диний бағрикенглик ақидавий бағрикенгликни, эътиқодларни яқинлаштиришга, уларнинг тенг қийматини мажбурий таркибий қисм сифатида тан олишга интилишни ўз ичига олмайди, ... гап шунчаки диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат муносабатлари, диний фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини ўзаро тан олиш, бирон бир ташкилотга (мақоми “бошқаларга қараганда тенгроқ”) афзалликлар ва имтиёзлар беришни сўраб давлатга мурожаатларнинг ва айниқса бошқа диний ташкилотлар фаолиятини чеклашга чақириқларнинг йўқлиги ҳақида кетмоқда»¹.

Диний бағрикенглик – бу диний муросасизликка тамоман зид тушунча, кўпчиликнинг динидан фарқли эътиқодга эга бўлган гуруҳлар ва шахсларга нисбатан жамиятнинг муносабати бўлиб, бу эътиқоди бошқа бўлганлар жамият томонидан таъқиб қилинмаслиги ёки рад этилмаслиги, муайян шартлар асосида унга қўшилишлари, уларнинг ўз эътиқодига риоя этиш ҳуқуқи тан олиниши билан тавсифланади².

Ҳатто Маърифатпарварлик давридаги француз энциклопедистлари ҳам «диний бағрикенглик»ни шахснинг маънавий озодлигининг асосий шартларидан бири, сиёсий жиҳатдан эса – плюралистик демократик жамиятни шакллантириш дея таърифлаганлар³.

Уларнинг ҳар кимга «динга оид масалаларда эркин фикр юриштиш» имкониятини бериш ҳақидаги даъватини (А. Коллинз) Томас Жефферсон қабул қилди, у ҳақли равишда «Америка демократиясининг ҳаворий Павлуси» деб номланган. У шундай деб ёзган:

¹ Стецкевич М. С. Свобода совести: учебное пособие. – СПб., 2006. – 9–10-сах.

² Религиоведение. Энциклопедический словарь. – М., 2006. – 198–200-сах.

³ Гараджа В. И. Веротерпимость. Новая философская энциклопедия в четырех томах. Том 1. – 384–385-сах.

«Мен ҳеч қачон мурасизлик маъбади олдида сўзда ҳам, амалда ҳам таъзим қилмайман... Аксинча, биз – сиз, мен ва бошқа ҳар қандай киши – виждон эркинлигига бўлган умуминсоний ҳуқуқни қўллаб-қувватлашни умумий ишимизга айлантиришимиз шарт. ... Биз ҳаммамиз якдиллик билан, қўлни қўлга бериб, диний эътиқодлар устидан ўз зулмини ўрнатилиш васвасаси билан жамоатчилик фикрини йўлдан оздираётганларнинг қўпол ва хавfli уринишларини енгишимиз керак»¹.

Шундай қилиб, диний бағрикенглик – бу ҳар бир шахснинг исталган динга эътиқод қилиш ҳуқуқини тан олиш, бошқа эътиқоддагиларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлишдир. Ўзини демократик тамойиллар тарафдори деб атайдиган кўпчилигимизга айнан шу нарса этишмаяпти.

Яна бир бор таъкидлаш керакки, диний бағрикенглик – бу бағрикенг бўлиш, бошқаларнинг нуқтаи назарини тан олиш ва ҳурмат қилиш маҳорати ҳисобланади.

Биз Уйғониш даври ва Янги аср учун инглиз файласуфи-деист Жон-Энтони Коллинз томонидан диний мурасизлик, черков авторитаризми ва догматизмига қарши курашда муомалага киритилган «эркин фикрлаш» тушунчасига ҳам қарздормиз. У: «*Диний масалалар ҳақида эркин фикр юритилиш барча инсонларнинг бурчидир*» – деб эълон қилган эди². Гарчи эркин фикрлаш дунёқараш феномени сифатида қадимги даврданоқ мавжуд бўлса ҳам.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, диний бағрикенглик *виждон эркинлигини* эътироф этиш, *диний танлов эркинлигини* тан олиш билан тенг маънога эга эмас.

Виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги – бу диний ва диний бўлмаган эътиқодларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини англатувчи барқарор халқаро атамалардир. «*Виждон эркинлиги қуйидагиларни ўз ичига олади: дин*

¹ Томас Джефферсон о демократии. Сост. Сол К. Падовер. – СПб.: Ленинград, 1992. – 203-саҳ.

² Реале Дж., Антисери Д., Западная философия от истоков до наших дней. Том 3. Новое время. – СПб., 1996. – 564-саҳ.

ёки эътиқодни эркин қабул қилиш ҳуқуқи, уларни ўзгартириш ҳуқуқи ва ўз эътиқодига мувофиқ ҳаракат қилиш ҳуқуқи. Динга бўлган муносабатни танлаш эркинлиги инсоннинг мустақил равишда, ташқи босим, мажбурлаш ёки камситиш ёки репрессия таъдидисиз, умуман динга, хусусан, муайян динга муносабатини аниқлаш имкониятига эга эканлигини англатади. Инсон атеистик эътиқодга эга бўлиш, динга бефарқ, бетараф муносабатда бўлиш ёки маълум бир диннинг издоши бўлиш ҳуқуқига эга. Эътиқодни ўзгартириш эркинлиги, инсоннинг диний ёки диний бўлмаган эътиқодларини эркин ўзгартириш ҳуқуқига эга эканлигини англатади»¹.

Барча одамлардан барча диний йўналишларга бир хил холис муносабатда бўлишини талаб қилиш бефойдадир, негаки кўпчиликнинг шаклланган ўзига хос маънавий тушунчалари бор, қолаверса ҳар қандай конфессия ва деноминациялар ҳам уларда хайрихоҳлик ҳиссини уйғотавермайди. Бу бир томондан. Бошқа томондан, инсон ўзининг диний эътиқодини фақат атрофидагиларга ёқмагани учунгина ўзгартирмайди. Уларни мусулмон ёки христиан эмас ва ҳоказо деб эълон қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлишини тўхтатишни талаб қилиш бемаънилиқдир.

Инсоният буларнинг барчасини аллақачон бошдан кечирган. Ва унинг аксарият қисми бу қандай оқибатларга олиб келишини жуда яхши билади. Мисоллар келтириш учун, кўп асрлик тарихга шўнғиш шарт эмас. Собиқ СССР ҳудудида тоталитар тузум шароитида ўз миқёсида мисли кўрилмаган диний яширин тузилма яратилган эди. Ниҳоятда шафқатсиз жазо чораларига қарамай, уни бутунлай йўқ қилишнинг иложи бўлмади. Шу боис, «бағрикенглик», «диний тоқатлилик», «виждон эркинлиги», «эркин фикрлаш», «эътиқод эркинлиги» каби тушунчаларни динлараро ва миллатлараро мулоқот асосига қўйиш керак, чунки улар асосий ахлоқий меъёрлардир. Бу – хилма-хилликдаги эркинликдир.

¹ Религиоведение. Энциклопедический словарь. – М., 2006. – 958-саҳ.

Аммо бундай эркинликни мутлақлаштириб бўлмайди, чунки ҳамма нарсанинг ўз чегараси бўлиши керак, чегарадан чиқиш ўз-бошимчалик ва зўравонликка йўл очади. Ҳар қандай маданиятли жамият «ҳар бир фуқарога, агар унинг ҳаракатлари доимо ақлга мувофиқ бўлса, ўзига хос фикр юритиш» ҳуқуқини бериши шарт (П. Гольбах). «Бошқа нуқтаи назарнинг юқорилигини қадрлашни» ўрганиш (И. Золотусский), муштини силкитмай ёки қуролга ёпишмай, муҳолиф томоннинг далилларини тинглаб, ўз ғояларини ҳимоя қила билиш муҳимдир.

Маданий, миллий, диний, ижтимоий, сиёсий тўсиқларга бўлинган дунёда бағрикенглик, диний тоқатлилик, фикр эркинлиги – бирга яшаш ва ўзаро тушунишнинг асосий шартларидир. Тор миллий, синфий ва тор диний меъёрларга асосланган мафкура эса ҳамшиша одамларни ажратишга қаратилган.

Юридик профессор Роман Подоприторанинг тўғри таъкидлаганидек, ниҳоят бугунги кунда «давлат органлари диний соҳадаги муаммоларни фақат маъмурий-ҳуқуқий воситалар, доимий босим ўтказиш ва ижтимоий хавф туғдирмайдиган ҳаракатларни криминаллаштириш ёрдамида ҳал қилиб бўлмаслигини тушуна бошлади»¹.

Бу тушунча диний эркинликларни кенгайтиришнинг янги босқичига олиб келишига ва жамиятимиз улардан тўлиқ баҳраманд бўлишига ишонишни жуда хоҳлайман.

100 йил олдин Михаил Рейснер ҳасрат билан шундай деб ёзган эди: «Юз йилдан бери бир хил ҳолат такрорланади. Диний бағрикенглик эълон қилинади, лекин эътиқод ишлари билан таниш бўлмаслик ва уни яхши билмаслик дастидан биз ҳанузгача уни амалга оширишнинг янги тизимини топа олмаёмиз. Шундай қилиб, “турли ҳокимиятлар” ёки ғаразли ва яхши ниятли “ижрочилар” сўнгра ўзларининг тизимини ихтиро қилишни бошлаб, диний

¹ Подопритора Р. А. Правовое регулирование в сфере религии в постсоветском Казахстане: подходы и последствия. – 328-саҳ. Эл. манбага қ. (cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-regulirovanie-v-sfere-religii-v-postsovetском-kazahstane-podbody-i-posledstviya).

бағрикенгликни диний мурасасизликка, эътиқод эркинлигини полиция ва черков инквизициясига ва “маърифатпарвар ва христиан ҳукумати”нинг барча гўзал инсонпарвар сўзларини – маъносиз ва шафқатсиз қувғинлар нохуш амалиётларининг аянчли безагига айлантира бошлайдилар, бу эса Худо олдида ёлгон гапиришни билмайдиган ва истамайдиганларнинг гарданига тушди! ... Қўмита мамлакатимизда бундан юз йил аввал эълон қилинган диний бағрикенглик фойдасига бўлган барча далилларни яна бир бор такрорлайди. ... Биз буларнинг барчасини алақачон биламиз, буларнинг барчасини кўп марта эшитганмиз; лекин, ўтган юз йил давомида эса, афсус! Бу сўзларнинг барчаси мутлақо амалга ошмай қолаверди. Учи йўқ калавада эзгу тилаклар ва ўзбошимча зўравонлик амалиёти чексиз равишда алмашилиб турибди...»¹.

Ҳозир яна 100 йил ўтди, хўш биз энди нима деймиз? Биз учи йўқ калавани давом эттирамизми ёки ўтмишга қайтмаслик учун куч ва ирода топамизми?

Дин тадқиқотчиси Владимир Дмитриевич Бонч-Бруевич албатта «“тарих фани “виждон эркинлиги”га қарши бўлган эътиқод учун расмий таъқиб қилувчилар қўлидан бутунлай чиқиб кетадиган вақт” келади деб қачонлардир орзу қилган эди — “ахборотни доимий равишда қалбакилаштириш, нотўғри маълумот бериш ва ёритиш” кўринишидаги ушбу кучли таъсир қилувчи восита ... халқимиз ва жамиятимизнинг ижтимоий онгига бузувчи таъсир кўрсатмай қолмайди»².

Ҳа, айнан дунёвий илм, диншунослик мактаби жамиятга эски хурофотлар, афсоналар ва кўрқувларни йўққа чиқара оладиган биллиmlар бера олади. Шу боис, бутунги кунда давлатимиз инсон ва фуқаро тарбиясига тобора кўпроқ эътибор қаратиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Рейснер М. А. Государство и верующая личность: Сборник статей. – СПб.: типография товарищества «Общественная польза», 1905 – 403–404-сах.

² Бонч-Бруевич В. Из мира сектантов. Сборник статей. Государственное издательство. – М., 1922. – 193–194-сах.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрдаги 5.61-сонли қарори билан тасдиқланган «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси» да шундай дейилган:

«4.1 Тарбия мурасизликнинг олдини олишнинг энг самарали воситасидир. Бағрикенглик руҳидаги тарбия инсонларга уларнинг умумий ҳуқуқ ва эркинликлари нимадан иборатлигини ўргатиш, токи бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлаш ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга рағбатлантиришдан бошланади.

4.3 Бағрикенглик руҳидаги тарбия бошқаларга нисбатан кўрқув ва ўзини яккалаб қўйшни келтириб чиқарадиган таъсирга қарши туришга қаратилган бўлиши керак. Бу ёшларда мустақил фикрлаш, танқидий фикр юритиш ва ахлоқий қадриятларга асосланган мулоҳаза юритиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериши керак».

Биз ва фарзандларимиз учун ЮНЕСКО кўмагида Нобель Тинчлик мукофоти лауреатлари гуруҳи томонидан тайёрланган ажойиб ҳужжат «Манифест 2000»¹ ўзимизга тез-тез эслатиб ва такрорлаб туришимиз муҳим:

«Инсоният келажаги, хусусан, бугунги болалар ва бўлажак авлодлар келажаги учун масъулиятимни англаган ҳолда, кундалик ҳаётимда, уйда ва ишда, ўз жамоамда, мамлакатим ва минтақамда қуйидагиларни бажаришга сўз бераман:

1. “Ҳар бир инсоннинг ҳаётини ҳурмат қилиш”. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳеч қандай камситишларсиз ва салбий фикрларсиз ҳурмат қилиш; ...

4. “Тинглаш ва тушунишга интилиш”. Фикр билдириш эркинлиги ва маданий хилма-хилликни ҳимоя қилиш, бошқа одамларни доимо диққат билан тинглаш, улар билан мулоқот қилиш, ҳеч кимни рад этмаслик, мутаассиблик ва ғийбатдан қочиб ... »

¹ 1999 йил 4 мартда Парижда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ва Тинчлик маданияти бўйича халқаро маслаҳат гуруҳи аъзолари томонидан расман ишга туширилган.

ХОТИМА

Шундай қилиб, биз Ўзбекистондаги имонлилар жамоатлари мисолида Яҳова Шоҳидларининг таълимоти, диний амалиёти, ташкилий тузилмаси ва турмуш тарзи ҳақидаги ижтимоий-тарихий ва диний таҳлилимизни ўз якунига етказяпмиз. Энди, асосий саволларга жавоб берайлик ва шу билан гўё барчасига нуқта қўямиз:

Биринчи савол: *Яҳова Шоҳидларининг таълимоти христианликка оидми?*

Кўринишидан, биз алақачон тадқиқотнинг барча мазмуни билан бунга жавоб бердик. Унда нима учун унга яна қайтишимиз керак?

Аmmo гап шундаки, нафақат оммавий ахборот воситалари ва рус православ черкови томонидан маълум даражада шакллантирилаётган онгда, балки баъзи олимларнинг баёнотларида ҳам Яҳова Шоҳидларининг таълимотлари христианликка қаршидай тақдим этилади.

Яна бугунги кунда, унинг фаолияти АҚШ томонидан йўналтирилаётганлиги сабабли Яҳованинг Шоҳидлари диний эмас, сиёсий ташкилот ва ҳоказо деганларини эшитиш ёки ҳатто ўқиш ҳам мумкин.

Яҳованинг Шоҳидларига кўпинча турли ёрлиқлар ва айбловлар осиб қўяётган нодонларнинг билимсизлиги ва калтафаҳмлигидан ҳайратда қоласан.

Кейин мен тарихга назар солганимда, кўп нарса ойдинлашди. Масалан, Россия Империяси диний ҳаракатлари тадқиқотчисининг фикри ва РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши ишлари бўйича бўлажак Биринчи бошқарувчиси Владимир Бонч-Бруевичнинг 1911 йилдаги мақоласидан: «Муқаддас Синод ўзининг кўп тармоқли пайпаслагичлари билан, маъмурий суд органлари, миссионерлар ва черков руҳонийлари орқали – халқ ҳаётининг ушбу томонини ўрганиш ишларини шу қадар устамонлик ва пухталиқ билан ўраб, обрўсизлантириб юбордики, мана кўп ўнлаб йиллар давомида бизнинг демократиямиз, жамиятимиз, фанимиз, деярли бу масалада

буларнинг бутунлай чириган мевалари билан нафақат ғаразли, балки аксарият ҳолларда, гўёки “тадқиқотлар”нинг ёлғони билан шунчаки озиқланмоқда. Мазҳабчилик деб аталадиган, эски ақидаларга амал қилувчи мазҳабларни ўз ичига олувчи оқим ёки ҳатто православ муҳитининг ўзида ҳам диний масалалар бўйича озгина келишмовчиликларга доир масалалар ҳақида гап кетганда, Россиядаги диний норозилик масалаларида эҳтимол бу, энг зарарли фаол бўлим, жамоатчилик онгини кўп сонли журналлар, ҳисоботлар, китоблар, рисоалар, варақалар ва бошқалар орқали шунчалик ифлослангирришга муваффақ бўлдики, оқибатда одамлар орасида, ва жамиятда ҳам, илмий ишларда ҳам, бадий асарларда ҳам, ва газеталарда ҳам энг бемаъни ва ваҳший баёнотларга доимий равишда тўқнашга тўғри келади. Маънавият бошқарув ҳокимияти жамоатчилик онгини бу масалада шу қадар бузишга ва йўлдан оздиришга муваффақ бўлдики, бу каби бемаънилик, бу каби жирканч қабиҳлик, ифлосликка ишонмайдиган ҳеч қандай жой қолмади, мазҳабчилар ҳақида гап борар экан, афтидан бунга ҳатто энг обрўли кишилар ҳам ишонишга тайёр»¹.

Орадан юз йил ўтибдики, ҳанузгача шундай усулларни қўлаётганлар бор! Шунинг учун мен қайта-қайта таъкидлашни фуқаролик ва илмий бурчим деб биламан, **биринчидан, дастлаб «Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари» деб аталган Яҳованинг Шоҳидлари сиёсий эмас, балки соф диний ташкилотдир, иккинчидан, уларнинг таълимоти ўзига хос бўлса-да, аммо сўзсиз христианликка оид.**

Иккинчи савол: *Яҳова Шоҳидларининг диний ташкилоти – бу секта, деноминация ёки конфессиями?*

Бунга ҳам жавоб бериш жуда муҳим, чунки ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб Россияда «маълум миллий хусусиятларга эга бўлган “антикульт ҳаракати”нинг ўзига хос шакли вужудга келди, бу турли хил конфессиявий, сиёсий ва бошқа кучларни ифо-

¹ Бонч-Бруевич В. Д. Из мира сектантов. Сборник статей. Государственное издательство. – М., 1922. – 192–194-сах.

даловчи иттифоқ бўлиб, барча диний ташкилотларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойилини қўллашга қонун олдида қарши бўлган, илмий диний мезонлардан қатъи назар, ўзбошимчалик билан ташкил этилган диний ҳаракатлар “тоталитар секталар” деб эълон қилинди»¹.

Яҳова Шоҳидларининг диний ташкилотини алоҳида ўрганган таниқли диншуносларининг фикрини билиш қизик:

Гордиенко Н. С.: «... Яҳова Шоҳидларининг уюшмаси оддий диний ташкилот – конфессия ҳисобланади»².

Иваненко С. И.: «... Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари ташкилоти ривожланишнинг дастлабки босқичида мазҳабнинг баъзи хусусиятлари мавжуд бўлган деноминация бўлган ва бу турдаги диний ташкилот, тегишли шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, мазҳабга ва шунингдек деноминациянинг барча асосий белгиларига эга бўлган диний ташкилотга айланиши мумкин эди (агар Ч. Расселнинг асарларини илоҳий илҳом сифатида тан олинган тақдирда)... Ташкилий тузилама, таълимот ва уларнинг фаолият шакллари таъсир кўрсатган мураккаб ва қарама-қарши эволюцион жараёнлар натижасида Яҳованинг Шоҳидлари Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда диний ташкилотга айланди, уни асосий параметрлари билан деноминация сифатида тавсифлаш мумкин... Бу жараён 1971–1975 йилларда Яҳованинг Шоҳидлари диний ташкилотининг ягона бошқарувидан жамоавий раҳбарликка ўтиш шаклида ўз якунини топди»³.

Шундай қилиб, Н. С. Гордиенко Яҳованинг Шоҳидлари ташкилотини конфессия деб, С. И. Иваненко – *деноминация* деб ҳисоблайди.

Аммо эътибор беринг, уларнинг ҳеч бири уни *мазҳаб* деб атамаяпти.

¹ Иваненко С. И. Эволюция идеологии и деятельности религиозной организации Свидетелей Иеговы в России (историко-философский анализ): Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук. – 9-саҳ.

² Гордиенко Н. С. Российские Свидетели Иеговы: история и современность. – 12-саҳ.

³ Иваненко С. И. Эволюция идеологии и деятельности религиозной организации Свидетелей Иеговы в России (историко-филологический анализ): Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук. – 14-саҳ.

Менинг фикримча, бугунги кунда «Яхова Шоҳидларининг» халқаро уюшмаси **аллақачон деноминация «доирасидан» чиққан ва уни христиан конфессияларига тўлиқ қиритиш мумкин.**

Бу эса, шахсий диний эътиқодидан қатъий назар, ушбу халқаро ҳаракатга ҳурмат кўрсатиш ва дин эркинлигинини эътироф этиб, шунга яраша муносабатда бўлиш кераклигини англатади.

Ва бундан **учинчи, эҳтимол, энг муҳим савол туғилади: Яхова Шоҳидларининг мафқураси ва диний амалиёти, шунингдек, улар эътиқодни тарқатишида қўллайдиган шакл ва усуллар бошқаларга зарар келтирадими?**

Мен аниқ тасдиқлайманки, йўқ, зарар келтирмайди. Бундан ташқари, ҳаттоки кўп ҳолларда бу бутун жамият учун катта фойда келтиради.

Буни асослаш учун аввало кичик бир чекиниш қиламан.

Яхши маълумки, жамият ва дин ўзаро энг қалин ришталар билан боғланган. Бироқ бу ўзаро боғлиқлик доимий нарса эмас. Турли хиллик бирлигини ифодаловчи жамият доимий ривожланишда: ижтимоий формациялар ўзгаради, бутун цивилизациялар туғилади ва ўлади, империялар ва ҳукмрон ҳокимиятлар вужудга келади ва парчаланади, янги давлатлар ташкил топади ва ҳоказо.

Ижтимоий ҳаётнинг бир қисми бўлибгина қолмай, балки унинг ижтимоий организми тўқималарига мустаҳкам сингиб кетган дин, нафақат бу жараёнлардан ажралмаган, балки уларнинг энг фаол иштирокчисидир. Айни пайтда диннинг ўзи ҳам жиддий, баъзан эса кескин ўзгаришларни бошдан кечирмоқда.

Дин ҳақида дунёқарашнинг бир шакли ва ғайритабiiий нарсаларга ишонишга асосланган ўзига хос ҳаракатлар ҳақида гапирадиган бўлсак-да, ҳар бир инсоннинг ўзига хос эътиқоди бор. Шундай экан, реал ҳаётда *динлар умуман* мавжуд эмас, чунки ҳар бир диндор ёки диндорлар гуруҳи ўзининг тамомила аниқ эътиқодига, ўз *дини*га эга. Масалан, динни шунчки Худога ишониш деб белгилаб бўлмайди, сабаби баъзи динларга яккахудолик хос, баъзиларига эса кўпхудолик ва ҳоказо.

Нафақат диншунослар, балки илоҳиётшунослар ҳам замонавий жамиятда дин камдан-кам жой эгаллаб, фаол равишда жамоатчилик онгининг чеккасига суриб чиқарилаётганини таъкидламоқда. Инсон ўзи учун масъул бўлиб, «юқоридан» ёрдамга эмас, балки кўпроқ ўз қобилиятлари ва имкониятларига таянмоқда.

Бу жараён «*диндан холи*» ёки турли фаолият соҳаларини ва одамларнинг хулқ-атворини дин таъсиридан озод қилиш деб ном олди.

Табиийки, бундай ҳолат анъанавий диний тасаввурларни ҳар бир инсон ва бутун жамиятнинг замонавий эҳтиёжлари билан муҳассамлаштириб юборадиган янги «ҳаётий қадриятлар»ни излашни тақозо этади.

Мана шунинг учун ҳам ўтган асрда кўплаб янги динлар пайдо бўлди.

Яҳованинг Шоҳидлари ташкилотининг бутун тарихи, биз ишонч ҳосил қилганимиздек, юқорида айтилганларнинг ёрқин мисолидир.

Мен шахсий кузатувларимга мурожаат қилишим мумкин. Мен ушбу китобнинг биринчи нашри учун материал тўплаётганимда, табиийки, Яҳова Шоҳидларининг илоҳиётини ҳам, диний амалиётини ҳам чуқур ўрганиб чиқдим, Республика маркази раҳбарлари, кўплаб жамоалар, оддий диндорлар билан суҳбатлашдим; Санкт-Петербург яқинидаги Солнечный қишлоғидаги Россиянинг «Байтил»ида бир ҳафта яшадим; рус тилида нашр этилган ҳамма адабиётларни ўқидим; менга кўплаб манбаларни инглиз тилидан таржима қилиб беришди, лекин ҳеч қаерда диний экстремизмга ҳатто ишораларни ҳам учратмадим.

Шунингдек, Дрезден Техника Университетига хизмат сафари муносабати билан берилган имкониятимдан фойдаланиб, Яҳова Шоҳидларининг Зелтерс шаҳридаги (Таунус, Германия) немис филиалига ташриф буюрдим, у ерда турли даражадаги ходимлар билан учрашдим ва русзабон жамоалардан бирида бўлиб ўтган йиғилишда қатнашдим.

Биринчи ва иккинчи ҳолатда ҳам, ҳар доимгидек, мен имонлилар билан кўп гаплашдим. Айниқса нацистларнинг жазолаш тизимининг

барча даҳшатларини бошидан кечирган нацистлар концлагерларининг собиқ асирлари билан Германиядаги учрашувлар ёдимда қолди. Бу таъсирили суҳбатлар бўлиб, менинг хотирамда шу кунгача яшайди. Улар чиройли ва меҳрибон кўзли ёрқин одамлар эди. Улар бошдан кечирган йўқчилик ва кулфатларга қарамасдан, қандайдир тарзда меҳр-оқибат, илиқлик ва инсонийликни сақлаб қолишди. Улар буни имонлари ва Худонинг ёрдами билан изоҳладилар.

Буларнинг барчаси мени қайта-қайта ишонтирдик, гарчи улар дунёвий ҳаётдан узоқлашсалар-да, Яҳованинг Шоҳидлари бошқаларга нисбатан жуда меҳрибон ва ғамхўр муносабатда бўлишлари билан ажралиб туради. Мана, имонлиларнинг ўзлари бу ҳақида шундай ёзадилар:

«**Биз оддий инсонлармиз.** Бизнинг келиб чиқишимиз ва ижтимоий аҳволимиз турлича. Ўтмишда айримларимиз бошқа динга мансуб бўлганмиз, бошқаларимиз эса умуман Худога ишонмаганмиз. Бироқ Яҳованинг Шоҳиди бўлишдан аввал, барчамиз Муқаддас Китоб таълимотларини синчковлик ила ўрганишга вақт ажратганмиз. (Ҳаворийлар 17:11) Билиб олганларимиз тўғри эканига ишонч ҳосил қилиб, Тангри Яҳовага топинишга шахсан қарор қилганмиз.

Муқаддас Китоб тадқиқи бизга фойда келтиради. Биз ҳам бошқалар каби муаммо ва касалликларга дуч келамиз. Лекин кундалик ҳаётимизда Муқаддас Китоб қонун-қоидаларини қўллашга ҳаракат қилиб, турмушимиз анча яхшиланганини ҳис қилдик. (Забур 128:1, 2) Бу, Муқаддас Китобдан билиб олган нарсаларимизни ўзга инсонлар билан баҳам кўришимизнинг сабабларидан биридир.

Илоҳий қадриятлар бўйича умр кечирамиз. Муқаддас Китобда ёзилган ушбу қадриятлар ўзгаларнинг манфаатини кўзлаб, уларни ҳурмат қилишга, шунингдек, ростгўйлик ва меҳрибонлик каби фазилатларни намоён этишга кўмаклашади. Мазкур қадриятлар замирида жамиятнинг соғлом фикрли ва фойдали аъзолари етишиб чиқади. Қолаверса, улар туфайли оилаларда яқдиллик ва

одоб-ахлоқ ҳукм суради. Худо инсоннинг ташқи қиёфасига эмас, унинг ички дунёсига қарайди. Шунинг учун дунё бўйлаб кўплаб биродару опа-сингилларимиз бор. Биз одамни унинг тана ранги ёки қайси мамлакатдан эканлигига қараб ажратмаймиз. Гарчи алоҳида шахс сифатида оддий инсонлар бўлсак-да, халқ сифатида — ўз турида ягонаemiz (Ҳаворийлар 4:13; 10:34, 35)»¹.

«Биз – халқаро ташкилотдирмиз, бошқа диний гуруҳларга алоқамиз йўқ. Бизнинг бош бошқармамиз Қўшма Штатларда жойлашган бўлса-да, кўпчилигимиз бошқа мамлакатларда яшаймиз. Саккиз миллионга яқин Яҳованинг Шоҳидлари, Исо Масихнинг: “Шоҳлик ҳақидаги хушхабар ҳамма халқларга шаҳодат берилиши учун бутун дунё бўйлаб ваъз қилинади” деган сўзларига амал қилган ҳолда, 240 дан ортиқ мамлакат ва ҳудудларда одамлар билан Муқаддас Китобни тадқиқ қилишмоқда (Матто 24:14).

Биз қаерда яшамайлик, сиёсий жиҳатдан бетараф бўлиб, қонунларга ҳалоллик билан амал қиламиз. Биз Исонинг, масиҳийлар “дунёга тегишли бўлмаслик” кераклигини айтган амрига амал қиламиз. Шунинг учун биз сиёсий масалаларда кимнингдир тарафида турмаймиз ва ҳарбий низоларда қатнашмаймиз (Юҳанно 15:19; 17:16) ... Аммо биз ўзимизни дунёнинг қолган қисмидан ажратмаймиз. Исо ўз шогирдлари ҳақида Худога ибодат қилган: “Мен Сендан уларни дунёдан олишингни сўрамайман”. (Юҳанно 17:15) Шу боис, бизни бемалол маҳаллада ишлаганимизда, харид қилганимизда ва таълим муассасаларида ўқиганимизда кўришингиз мумкин»².

Собиқ совет мамлакатларидаги Яҳованинг Шоҳидларига хос бўлган бир хусусиятни ҳам таъкидламоқчи эдим. Ҳали узоқ 2000-йилларда, мен постсовет мамлакатларидаги ушбу конфессиянинг, имонлилар

¹ Бугунги кунда Тангри Яҳованинг иродасини ким бажаряпти? – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2014. – 4-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/uz-cyrl/кутубхона/китоблар/яхованинг-иродаси/яхованинг-шоҳидлари-ким/).

² Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2015.

1 сентябрь. – 4-саҳ. Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/журналы/вр20150901/свидетели-иегови-религия/).

томонидан «Байтил» деб аталадиган диний марказларига ташриф буюрганамда, кўплаб кекса имонлилар менинг оқ сочимни кўриб, мени ўзлариники деб билишганидан ҳайратда қолдим: «Сиз, ука, қаердансиз? Сиз қаерда ўтиргансиз?» – дея самимий сўрадилар. Бу савол менга СССРдаги барча Яҳованинг Шоҳидлари учун давлат кўпинча фақат «жазоловчи» ва «қувғинчи» ролида ҳаракат қилганини тушунишга ёрдам берди.

Бир дақиқа ўйлаб кўринг! Кўп имонлилар умрларининг учдан бир қисмини қамоқда ўтказганлар! Яҳова Шоҳидларининг фарзандлари Олий Ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Оммавий ахборот воситалари уларга мазҳабчилар ва социалистик тузумнинг душманлари деб тамға қўйди. Ҳатто оддий ибодат хизмати ҳам жуда эҳтиёткорликни талаб қиларди ва бу иштирокчилар учун қамоқ жазоси билан тугаши мумкин эди. Бу Яҳова Шоҳидларининг барча кекса авлоди учун аччиқ ҳақиқат эди. Ва бундай ҳақиқат имонлиларнинг оммавий ахборот воситалари ва ҳокимият вакилларига нисбатан бироз эҳтиёткорона муносабатини келтириб чиқарди.

Буни англаш, имонлиларнинг давлатга қарши курашмагани, пикетлар уюштирмагани, зўравонлик қилмагани бизни янада ҳайратланишга чорлайди. Улар бешафқат бўлиб қолмадилар, жамиятдан юз ўгирмадилар. Аксинча, ҳозир ҳам улар кўпинча ҳокимият ва жамият билан мулоқотнинг ташаббускори ҳисобланишади.

Ўтмишни тушуниш ҳозирги пайтда бизга катта афзалликларни беради. Демак, масалан, бугунги кунда имонлилар, биз ва давлат учун қандайдир ижтимоий хавф туғдирадими, деган саволни ўзимиздан сўрашимиз шарт эмас. Бу саволга тарих алақачон жавоб берган. Яҳованинг Шоҳидлари авлодлар давомида ҳукуматнинг таъқиб ва босими остида яшаб келган. Ва улар ҳеч қачон зўравонликка зўравонлик билан жавоб бермаган ва ҳеч қачон сиёсий ўйинлар ва намойишларга аралашмаган. Бу инкор этиб бўлмайдиган ва темир фактлардир.

На догматика (мафкура), на Яҳова Шоҳидларининг жамоа ичидаги диний амалиёти, гарчи улар ўзига хос талқинга эга бўлса ҳам, унинг авзоларига ҳам, уларнинг атрофидагиларга ҳам зарар етказмайди, чунки улар масиҳийлик тушунчалари доирасидан ташқарига чиқмайди ва фақат Муқаддас Китоб ва унинг амрларига асосланади. Яҳова Шоҳидларининг ўзлари фойдаланадиган кенг адабиётлар тўпламида нафақат чақириқлар, балки қонунга хилоф ёки ғайририжтимоий ҳаракатларга ундовчи ишора ҳам йўқ.

Шунинг учун, Яҳованинг Шоҳидлари қайсидир сиёсий режимга таҳдид солиши ҳақидаги турли хил «сохта» баёнотларни фақат диний мурасасизликни тан олганлар томонидан тарқатилиши мумкин.

«Бу тасаввур қилиш мумкин бўлган, давлат учун энг хавфсиз ва тинчликсевар диний ташкилотдир. Улар фақат ўз эътиқодларини эркин тарзда амалга оширишга рухсат беришларига даъво қилдилар холос»¹.

Яҳованинг Шоҳидлари давлат органлари ва уларни ўраб турган жамият билан нормал маданиятли муносабатлар ўрнатиш учун ҳамма нарсани қилмоқдалар. “Ҳокимиятга ҳурмат. Нима учун бу муҳим?” деган мақолада, улар шундай деб ёзадилар: «*Дунёда одамларнинг ҳокимиятга ҳурмати сусайиб бораётган бўлса-да, биз масиҳийлар сифатида, жамиятда, оилада ва масиҳийлар жамоатида ўрнатилган ҳокимият барчага фойда келтиришини тан оламиз.* Ҳокимиятни ҳурмат қилиш бизнинг жисмоний, ҳиссий ва маънавий фаровонлигимиз учун жуда муҳимдир. Агар биз Худо томонидан ўрнатилган ҳокимиятни тан олсак ва ҳурмат қилсак,

¹ Уорлд-геральд. Омаха, США, штат Небраска. Передовая статья. (Цитата взята из книги «Свидетели Иеговы – возвестители Царства Бога». – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2005. – 195-саҳ. рамка.) Эл. манбага қ. (www.jw.org/ru/библиотека/книги/Свидетели-Иеговы-возвестители-Царства-Бога/Приобретая-и-применяя-точное-знание-Слова-Бога/Они-не-от-мира/).

шунда бизни энг буюк ҳокимиятга эга бўлганлар – Яҳова Худо ва Исо Масих ҳимоя қилади ва бу ҳимоя бизга абадий фаровонлик келтиради (Забур 118:165; Ибронийларга 12:9)»¹. Ва яна: «Умид қиламизки, қайсарникени қайсарга қайтариб бериб, биз “ҳар соҳада художўйлик ва покликда, тинч ва осойишта ҳаёт кечира оламиз”. (1 Тимўтийга 2:1, 2) Лекин энг муҳими, инсониятнинг ягона умиди – Шоҳлик ҳақидаги хушxabарни ваъз қилишни давом эттириб, виждонан Худоникени Худого берамиз»².

Ва бу Яҳова Шоҳидларининг ҳокимиятга қаршилиги ҳақида қайсарлик ила ёзишда ва гапиришда давом этаётганлар учун нақадар шармандалик! Бундай одамлар онгли равишда жамиятда нафрат уйғотмоқда ва жамият кўрқувидан фойдаланмоқда. Шиддат билан ўсиб бораётган маълумотлар оқидами, ҳақиқатни уйдирмадан ажратиб олиш учун ўқувчида кам вақт қолмоқда. «Троллинг», «фейк» сўзлари бизнинг луғатимизга мустаҳкам кириб келди. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали маълумотлар оқими тобора кам бошқариладиган бўлиб қолмоқда. Ва бундай қийин шароитларда *танқидий фикрлаш кўникмалари* гоят муҳим роль эгаллайди.

Шу боис ишончим комилаки, айнан бугунги кунда ҳақиқатни ёлғондан ажратиб олиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарброқдир.

Шунинг учун мен ўқувчини ҳар бир янги шов-шувли хабарга кўр-кўрона ишонмаслик одатини ривожлантиришга чақираман. Тўхташ ва ўйлаб кўриш муҳим. Агар мақоланинг сарлавҳаси ёки материалнинг тақдими яққол ҳиссий маънони ифодаласа ва биринчи навбатда сизнинг ҳис-туйғуларингизга қаратилган бўлса (сизда ғазаб ёки нафратни келтириб чиқарадиган бўлса), унда бу сизнинг ақлингизни ишга солиб, яхшилаб ўйлаб кўришингиз кераклигига ишорадир. Айнан ҳиссий хабарлар барча замонлар ва халқлар тарғиботчилари томонидан кенг қўлланилган. Бу усул совет жур-

¹ Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 2000, 1 август. – 7-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/2000561).

² Сторожевая башня. – Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania, 1996, 1 май. – 20-саҳ. Эл. манбага қ. (wol.jw.org/ru/wol/d/r2/lp-u/1996332).

налистлари томонидан жамиятда дин ва диндорларга нисбатан нафрат ва мурасасизлик уйғотиш учун ишлатилган. Лақма одам бўлманг! Ўзингизни алдашларига йўл қўйманг! Ўйлаб кўринг ва мулоҳаза юритинг!

Виждон эркинлиги, бағрикенглик, дин эркинлиги, дунёқараш плюралиزمи – энг катта ютуқ, маданият ва демократия даражасини баҳолашнинг асосий мезонлари эканлигини барчамиз ёдда тутишимиз жуда муҳим, чунки уларгина Шахсни эътиқод ва эътиқодсизлик ўртасида эркин танлов, диний таълимотлар, шунингдек жамиятда ўз эътиқодларини ифода этиш имкониятини чинакам кафолатлайди.

«Чегара билмас инсон ҳуқуқлари» ташкилоти президенти Вилле Фотре шундай деган эди: **«Ҳар қандай жамиятда диний эркинлик – умумий инсон эркинлиги ҳолатининг энг яхши кўрсаткичларидан биридир».**

Инсоннинг ўзи қайси эътиқодни афзал кўриш ёки черковдан ташқарида бўлишни танлаш ҳуқуқига эга.

У ҳар қандай эркинлик каби виждон эркинлигидан қандай фойдаланишни билиши муҳим.

Инсон ўзининг дунёқараш позицияларида қатъий туриши, ўз қарашларини маданиятли тарзда ҳимоя қилишни билиши ва уларни илон териси каби ўзгартирмаслиги муҳимдир.

Таниқли файласуф ва ҳуқуқшунос А. Ф. Кистяковский 1882 йилда ўзининг «Эътиқодга қарши жиноятлар тўғрисида» номли мақола-сида шундай ёзган эди: *«Инсониятнинг умумий манфаатлари фикр, виждон ва ибодат эркинлигини тахмин қилиш ва амалга оширишни талаб қилади. Бу одамлар ўртасида биродарликни ўрнатишнинг ягона воситасидир, чунки барчани бир хил диний эътиқодда бирлаштиришга эришишнинг мутлақ имконсизлиги билан биродарлик ва ҳамжиҳатлик фақат қарама-қарши диний қарашларга эга бўлганларга ҳурмат кўрсатиш шарти билан мумкин»*¹.

Ҳозирги замон диншунослари, яқин ва узоқ хориждаги менинг ҳурматли ҳамкасбларим ҳам худди шундай позицияни эгаллашмоқда.

¹ Кистяковский А. Ф. О преступлениях против веры. Наблюдатель. Журнал литературный, политический и ученый. – СПб., 1882, № 10. – 112–113-сах.

Мен Людмила Александровна Филиповичнинг мақолада ўқиган: «Агар дин эркинлиги бўлмаса, бошқа барча эркинликлар керак эмас» деган сўзларига жуда хайрихоҳман ва ушбу китобда иқтибос келтирмасдан туролмасдим: «Динлар бўлинади, норозилар ҳукмрон черковларидан ажралади, илгаригидек мазҳабчилар деб аталадиган мухолифатчилар гуруҳларга йиғилади. Жамият бу ташкилотларни тақиқламаслиги керак, балки уларнинг фаолияти учун тегишли шарт-шароитларни белгилаши керак: агар сиз алоҳида кўпчилик ва озчилик учун эмас, балки ҳамма учун битта бўлган қонунга риоя қилмасангиз, бунга тегишли санкциялар мавжуд... Атеист ёки динсиз одам томонидан содир этилган қотиллик, насроний – оддий диндор ёки роҳиб/руҳоний томонидан содир этилган қотиллик ўртасида қандай фарқ бор? Фирибгарлик оддий таваккалчи ёки черков пасторининг манфаати учун фирибгарликдан тўхтайдими? Қонун олдида ҳамма тенгдир. Уни қўллашни ўрганиш – мутахассисларнинг юмуши. Биз эркин одамлармизми? Эркин одамлармиз. Эркинлик эса масъулият билан бирга келади. Ўз эркинлигингиздан фойдаланишни ўрганинг, кимки буни билмаса – демак, бошқа одамнинг иродасига, ўзганинг ўлчов тизимига тобе бўлади. Лекин ҳеч ким эркин шахсга қандай ишониши ва бунда нима қилиши кераклигини белгиламаслиги керак. Ким, ярим ёки чала-маълумотли халқ хизматкори менинг маънавий йўлимни ва маънавият даражамни белгилайдими?»¹.

Ишончим комилки, кимгадир уларнинг эътиқодлари «анъанавий» деб аталадиган динларнинг эътиқодларидан фарқ қилганлиги сабабли ёқмаслиги, замонавий дунёда диний бирлашмалар билан доимий равишда урушиб яшашнинг *иложи йўқ*. Давлат ва диний ташкилотлар ўртасида алоқани амалга ошираётганлар учун ҳам, шунингдек барча давлат амалдорлари ва ҳуқуқни муҳофаза қи-

¹ «Гранит науки». «Людмила Филипович: "Если нет свободы вероисповедания, то все остальные свободы не нужны"». А. Гужва. Эл. манбага қ. (un-sci.com/ru/2020/07/22/lyudmila-filipovich-esli-net-svobody-veroispovedaniya-to-vse-ostalnye-svobody-ne-nuzhny/).

лиш органлари вакиллари учун ҳам буни аниқ тушуниб олишнинг вақти келди.

Мен талабалар ва ёш олимларни илм-фан чироқлари бўлишга, жамиятимиз ва бизни ўраб турган дунёда мавжуд бўлган маданиятлар ва динларнинг хилма-хиллиги ҳақида ҳақиқий билим ва ҳаққоний маълумотларни олишда жамиятимизга ёрдам беришга чақирмоқчиман. Тадқиқ қилинг, ўрганинг, таҳлил қилинг ва одамларга бир-бирини яхшироқ тушунишига ёрдам беринг, ахир бизнинг бирлигимиз, тинчлигимиз ва барчамизнинг яхши келажагимиз гарови шунда-ку.

Ва охиргиси. Турли одамларнинг жумладан, турли мамлакатлардаги Яҳованинг Шоҳидлари, шу қаторда Ўзбекистондаги диндорлар жамиятларининг ихтиёрий иштироки ва қизиқишларисиз мен ушбу китобнинг янги нашрини ёзиб, тайёрлай олмасдим. Бу ўринда, китоб учун материал тўплашда менга бебаҳо ёрдам кўрсатган, дин тарихининг ажойиб тадқиқотчиси, менинг ёрдамчим Лев Гладишев ҳақида гапирмай кетолмайман. Унга илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришини ва уни кенг омма бойлигига айлантиришини тилайман.

Менинг азиз ва суюкли рафиқам ва гўзал катта оилам менга жуда катта ёрдам кўрсатди. Уларнинг меҳр-муҳаббати, сабр-тоқати ва қўллаб-қувватлаши, китоб устида ишлашимда доим менга мадад ва куч берди.

Менга яхши маслаҳатлар ва материаллар билан ёрдам берганларнинг барчасини, шу жумладан шахсий архивдагиларни ҳам илиқлик билан эслайман ва уларга чин **юрақдан миннатдорчилик билдираман!**

ЯҲОВА ШОҲИДЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАРИХИ¹

1870 Чарлз Тейз Расселл Питтсбург ва Аллегейнидаги (Пенсильвания штати, АҚШ) гуруҳ билан **Муқаддас Китобни мунтазам тадқиқ қилишни бошлайди.**

1870–1875 Ч. Т. Расселл **Масих** одамларга кўринмайдиган тарзда ҳамда бутун инсоният оиласига барака бериш учун **келади дея хулоса чиқаради.**

1872 Ч. Т. Расселл ва унинг маслақдошлари Муқаддас Китобни тадқиқ қилиб Масих инсоният учун тўлов берганига амин бўлишади².

1876 Ч. Т. Расселл «Тонг хабарчиси» («The Herald of the Morning») номли диний журналнинг муҳаррири ҳамда адвентист бўлган Н. Х. Барбор билан учрашади. У Ч. Т. Расселлнинг Масихнинг яқинда қайтиши ҳақидаги нуқтаи назарини қўллаб-қувватларди. Тез орада Ч. Т. Расселлнинг Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш бўйича тахминан 30 кишилиқ гуруҳи Барборнинг катта гуруҳи билан бирлашади. Ч. Т. Расселл «Тонг хабарчиси» наشري учун маблағ ажратди ва муҳаррир ўринбосари бўлади.

Ж. Сторрзнинг Бруклинда (Нью-Йорк) нашр этилган «Муқаддас Китоб тадқиқотчиси» диний журналининг октябрь ойидаги сониди Ч. Т. Расселлнинг 1914 йилда «ўзга халқлар даври» тугаши тўғрисида мақоласи босиб чиқарилади («ўзга халқлар даври» тўғрисидаги Исонинг башорати Дониёр пайғамбарнинг «етти давр» ҳақидаги башорати билан боғлиқ).

1879 Май ойида Ч. Т. Расселл «Тонг хабарчиси» журналинини молявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни бас қилади ва Н. Х. Бар-

¹ Яҳова Шоҳидлари диний ташкилотининг мазкур, назаримда, тўлиқ тарихий хронологиясини тузиш учун кўп куч ва вақтимни сарфладим. Бу хронология кўп жиҳатдан ноёб ва ўқувчи ҳамда тадқиқотчи учун жуда фойдали. Уни тузиш ва тайёрлашда менга ушбу ташкилотнинг тарихи тадқиқотчиси Лев Гладишев катта ёрдам берди. Бу учун ундан ниҳоятда миннатдорман.

² Бу ҳақда кўпроқ билиб олиш учун 3-бобнинг куйидаги сарлавҳасига қаранг: «7. Исо Масих инсоний ҳаётини итоаткор одамларнинг қутқарилиши учун қурбон қилди».

бор билан ҳамкорликни бутунлай тўхтатади. Чунки Н. Х. Барбор инсоният қутқарилиши учун Масиҳнинг тўлов қурбонлиги етарли экани тўғрисидаги таълимотни қабул қилгиси келмайди.

Ч. Т. Расселл ўзининг «**Сион қўриқчи минораси ва Масиҳ ҳозир бўлишининг даракчиси**» журналини нашр қилишни бошлайди. Унинг биринчи сони 1879 йил июль ойида чиқади. Журнал 8 та саҳифадан иборат бўлиб, ойида бир марта нашр қилинади. Унинг мақсади — Исо Масиҳнинг гуноҳлардан покловчи қурбонлигини ҳимоя қилиш ва барча имонлиларга маънавий озуқа беришдир.

1881 Ч. Т. Расселл «Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг адабиётлари» (1889 йилдан бошлаб «Эски илоҳиётшунослик бўйича чораклик адабиёт» деб ном олди) номли **катта ҳажмли адабиётларни** (баъзида 100 бетдан ортиқ) **нашр эта бошлади**. «Сион қўриқчи минораси» ўқувчилари бу адабиётларни одамларга бепул тарқатиш учун олишган. (Мана, улардан баъзиларининг сарлавҳалари: №1 «Нега Масиҳ иккинчи марта ҳозир бўлади?»; №4 «Нега ёвузликка йўл қўйилмоқда»; №5 «Ҳаётга олиб борадиган тор йўл»). 1918 йилга келиб, Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари 300 миллиондан ортиқ адабиётларни тарқатишади.

Худонинг исмини қўллашни бошлаш. «Сион қўриқчи минораси» журналининг октябрь–ноябрь сонисида шундай дейилган: «Фақатгина Тангри Таоло ЯҲОВА исми билан аталади. У бизнинг Отамиз ва Исо Уни ўзининг Отаси ва Худоси деб атаган».

Сентябрь ойида Ч. Т. Расселл 162 саҳифали «Мулоҳаза юритадиган масиҳийлар учун озиқ-овқат» китобини чиқаради. Тўрт ой ичида 1 200 000 та китоб тарқатилади.

Биргаликда йиғилишга рағбатлантириш. «Сион қўриқчи минораси» журналининг апрель ойидаги сонисида «Мунтазам учрашувлар» номли мақолада Ч. Т. Расселл ўқувчиларга шундай деган: «Уйингизда, оилангиз ва ҳатто Муқаддас Китоб ҳақиқатига қизиқувчилар билан бундай учрашувларни ўтказинг. Муқаддас Ёзувларни ўқинг, изланг, ибодат қилинг. Қаерда икки ёки уч киши

Ҳазратимизнинг номимдан йиғилса, у — устозингиз ўша ерда сизнинг орангизда бўлади. Ҳаворийлар жамоати даврида айнан шундай учрашувлар ўтказилган (Филимўнга 2-оятга қаранг)».

1882 Имонлиларнинг ташкиллаштирилган йиғилишларининг бошланиши. «Сион қўриқчи минораси»да «Бирга йиғилинглари» мақоласи чоп этилади. Мақолада масиҳийлар «бир-бирига насиҳат қилиш, далда бериш ва бир-бирини мустаҳкамлаш учун» мунтазам равишда учрашувларни ўтказишга ундалган.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Худо Училиқ экани ҳақидаги таълимотга қарши. «Сион қўриқчи минораси» журналининг июнь ойида «Муқаддас Китоб Худо учта шахсда мавжуд деб ўргатмаслигига ишончингиз комилми?» деган саволга шундай жавоб берилган: «Ҳа. Муқаддас Китобда Ҳазратимиз Исо Масиҳнинг ягона Худоси ва Отаси бор. Унга ҳамма нарса тегишли (ёки У ҳамма нарсани яратган). Шундай қилиб, биз битта Худога ва Отага, шунингдек, битта Ҳазратимиз Исо Масиҳга ишонамиз... Лекин улар бир эмас, балки икки хил шахсдир. Улар ўртасида бирлик борлиги маъносидан улар ягонадир. Боз устига, биз Худонинг руҳига ҳам ишонамиз... Иблиснинг руҳи, бу дунёнинг руҳи ва Дажжолнинг руҳи шахс бўлмагани каби, Худонинг руҳи ҳам шахс эмас.

Жамоатларда пасторлар пайдо бўлади. АҚШнинг Пенсильвания штати, Питтсбург шаҳридаги Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари жамоати биринчи бўлиб Ч. Т. Расселлни ўзларининг пастори этиб сайлашди. Кўп ўтмай Қўшма Штатлардаги 500 та бошқа жамоат ҳам худди шундай йўл тутди.

1883 Адабиётларни бошқа тилларга таржима қилишни бошлаш. «Сион қўриқчи минораси»нинг сони илк маротаба швед тилига таржима қилиниб, буклама сифатида чоп этилади.

«Сион қўриқчи минораси»ни Хитойда ўқишади; кўп ўтмай, Пресвитериан черковининг собиқ миссионерлари Муқаддас Китоб Тадқиқотчиси сифатида бу мамлакатда ваъз қила бошлайди.

Ер юзида абадий яшаш умиди ҳақидаги таълимот пайдо бўлади. «Сион қўриқчи минораси»нинг 1883 йил июль сонида шундай дейилган: «Исо ўз Шоҳлигини ўрнатиб, барча ёвузликни йўқ қилганда, ер жаннатга айланади... ва кейин қабрда бўлганларнинг ҳаммаси қайта тирилади. Ўрнатилган қонунларга риоя қилганларгина жаннатда абадий яшай олишади».

«Сион қўриқчи минораси»нинг ноябрь ойидаги сонида **дўзахда одамлар азоб чекиши ҳақидаги таълимот ёлғонлиги борасида илк бор сўз юритилади.** У ерда шундай дейилади: «Назаримизда [дўзах] ибронийча шеъл сўзининг таржимаси бўлиб, шунчаки ўлим ҳолатини билдиради. Шеъл сўзида ҳаёт ёки азоб ҳақида заррача ҳам фикр йўқ;... Лекин [руҳонийлар] ҳалигача дўзах ҳақидаги бундай нотўғри тасаввурни тарғиб қилишда давом этишмоқда, бу аслида Худонинг шахсиятига тухматдир.

1884 Либерияда (Африка) «Мулоҳаза юритадиган масиҳийлар учун озиқ-овқат» китобини ўқишади; Муқаддас Китобни ўқиётганлардан бири уни тарқатиш учун нусхаларини юборишни сўрайди.

15 декабрда Сион Қўриқчи Минораси Адабиёт Жамияти Пенсильванияда расман рўйхатдан ўтади.

1885 Бу пайтга келиб, Қўриқчи Минораси Жамияти нашрларини Шимолий ва Жанубий Америка, Европа, Африка ва Осиёда ўқишни бошлашади.

«**Эволюция назариясига**» қарши Жамиятнинг биринчи наشري. «Сион қўриқчи минораси»нинг март ойидаги сонида, «Эволюция ва фикрлаш даври» номли мақолада эволюция назариясининг ёлғонлигига ишора қилинади.

1886 «Муқаддас Ёзувларни тадқиқ қилиш» номли кўп жилдли асарни яратиш. Ч. Т. Расселл Муқаддас Китобни ўрганишга қўшимча сифатида еттита китобдан иборат туркумнинг биринчи жилдини нашр этади. Мазкур китоб «Минг йилликнинг шафағи» («Муқаддас Ёзувларни тадқиқ қилиш») номи билан машҳур бўлди. Биринчи жилд «Худонинг инсоният учун нияти»

деб номланган. Унда 16 та мавзу кўриб чиқилган, жумладан: «Доно Яратувчининг мавжудлиги исботланган», «Муқаддас Китоб илоҳий ваҳий сифатида ақл-идрок нуқтаи назаридан кўриб чиқилади», «Ҳазратимизнинг ҳамма нарсани тиклаш мақсадида қайтиши» ва «Ёмонликка йўл қўйилгани ва бу Худонинг нияти билан қандай боғлиқлиги».

Анжуманлар ўтказилишининг бошланиши. «Сион қўриқчи минораси»да ҳар йили ўтказиладиган Масиҳнинг ўлимини хотирлаш маросимидан кейин бўладиган уч кунлик «умумий йиғилиш»га таклифнома чоп этади; шундай қилиб бу каби анжуманлар ҳар йили ўтказиладиган бўлди.

1887 «Сион қўриқчи минораси»нинг февраль сонида журналнинг 1886 йил октябр сони Россияга юборилгани айтилади.

1889 Ч. Т. Расселл «Қадимги илоҳиётшунослик» туркумидаги (Муқаддас Китоб тадқиқотчиларининг адабиётлари) «Муқаддас Ёзувлар гуноҳнинг эвазига абадий азоб чекиш кераклиги ҳақида ўргатадими?» деб номланган биринчи адабиётни нашр этади. Мазкур адабиётда у «инсонларнинг барча сохта урф-одатларидан халос бўлиш, шунингдек, Ҳазратимиз ҳамда ҳаворийларнинг ҳақ таълимотларини тўлиқ тиклаш мақсадида Муқаддас Китобни ўрганишга ёрдам» беришни таклиф қилади. «Оловли дўзах» таълимоти ҳақида у шундай деб ёзади: «Абадий азоб ғояси бутпарастликдан келиб чиққан, лекин шуни таъкидлаш керакки, бутпарастлар орасидаги бу таълимот милодий 2 асргача бунчалик шафқатсиз бўлмаган. Чунки бу даврга келиб мазкур сохта таълимот бутпарастларнинг фалсафаси билан аралашиб, аста-секин масиҳийликка кириб кела бошлаган. Бутпарастлик ғоялари буюк муртадлик бошланганидан бутунги кунгача даҳшатли тафсилотларга эга бўлди ва кенг омма бу ғояларга ишонишни бошлади; бу даҳшатли тафсилотлар Европа черковларининг деворларида тасвирланган, шунингдек, ибодатларда ва мадҳияларда таърифланган. Худони ҳақорат қилувчи бундай фикр гўёки Муқаддас Китобда қўллаб-қувватланганини тасдиқлаш

учун Худонинг Каломи нотўғри талқин қилинган... Гуноҳлар учун жазо сифатидаги абадий азоб чекиш тушунчаси қадимда яшаган бобокалонларга етти ёт бегона эди; бу ҳақда на яҳудий пайгамбарлар, на Ҳазратимиз ва на ҳаворийлар билишган. Бироқ абадий азоб чекиш ғояси буюк муртадлик давридан бошлаб ўзини масиҳий деб атайдиганларнинг асосий таълимотига айланди. Улар жоҳил ҳамда хурофотларга ишонувчан соддадил инсонларни кўр-кўрона итоат қилишга мажбурлаш мақсадида бу таълимотдан таёқ сифатида фойдаланишган. Рим черковига қарши чиққан ёки унинг ҳоқимиятини тан олмаган ҳар қандай киши абадий азобга маҳкум қилинади ва черков кучли таъсирга эга бўлган пайт мобайнида жазо маҳкум этилганларнинг ҳаёти давомида амалга ошира бошланган».

Ч. Т. Расселл Аллегейни шаҳрида (Пенсильвания штати, АҚШ) «Муқаддас Китоб уйи» деб номланган тўрт қаватли, гиштли бино қуради. Бу бино кейинги 19 йил давомида, 1890 йилдан 1909 йилгача Жамиятнинг бош идораси бўлиб хизмат қилади.

1890 Муқаддас Китоб таржималарининг нашр этилиши ва тарқатилишининг бошланиши. Жамият инглиз таржимони Жозеф Ротергамдан у таржима қилган Янги Аҳднинг иккинчи наشريни Қўшма Штатларда чоп этиш ҳуқуқини олди. Ушбу нашрнинг сарлавҳа саҳифасида Қўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва Адабиётлар Жамияти номи бор эди.

Биринчи марта йиғилишлар учун хусусий бино қурилмоқда. Маунт-Лукаут шаҳрида (Ғарбий Виргиния штати, АҚШ) маҳаллий Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари жамоати диний учрашувлар ўтказиш учун ўз биносини («Янги нур» черкови») қуради.

1891 «Сион қўриқчи минораси» муқовасида хоч ва тож тасвири пайдо бўлади. Бу рамзлар фақат 1931 йилда олиб ташланади.

Ч. Т. Расселл биринчи марта халқаро сафарларда юриб, Муқаддас Китобга оид маърузалари билан чиқади. У Яқин Шарқ ва Европага, жумладан, Россия империясига (Кишинёв шаҳри, Молдавия) ташриф буюради.

1892 Семион Козлицкий (Карпов) Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг таълимотларини ваъз қилгани учун Москвадан Бухтарма қишлоғига (ҳозирги шарқий Қозоғистон) сургун қилинади.

1893 Чикагода (Иллинойс штати, АҚШ) ташкилотнинг **биринчи кўп кунлик йирик анжумани** бўлиб ўтади. 360 та киши қатнашади ва 70 киши сувга чўмади.

1894 Туман нозирлари пайдо бўлади. «Сион қўриқчи минораси»нинг сентябрь сониди ташкилотнинг тажрибали ва ўқитилган вакиллари имонлилар жамоатларига мунтазам ташриф буюриши ҳақида эълон қилинади. Мазкур вакиллар кейинчалик пилигримлар деб аталади. (Бу ҳозирги туман нозирлари бўлиб, улар бутун дунё бўйлаб жамоатларга ташриф буюриб, имондошларига далда беришади.)

1895 Диний йиғилишларни ўтказиш усуллари ва йўллари. «Минг йилликнинг шафағи»нинг баъзи жилдлари нашр этилгандан сўнг, улардан Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш учун асос сифатида фойдаланишган. 1895 йилда бундай гуруҳлар «Шафақ» номи Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг тўғараги деб аталдиган бўлди. Кейинчалик Норвегияда баъзилар бу тўғарақларни «ўқиш ва суҳбат учун учрашувлар» деб аташган. Бу учрашувларда «Ч. Т. Расселлнинг китобларидан парчалар овоз чиқариб ўқилган. Ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни ёки савол беришни истовчилар қўлларини кўтаришарди». Ч. Т. Расселл бундай тадқиқларда иштирокчиларга Муқаддас Ёзувларнинг турли таржималаридан, Муқаддас Китобдаги ўхшаш оятлардан ва Муқаддас Китоб симфонияларидан фойдаланишни тавсия қилади. Улар нисбатан кичик гуруҳларга бўлиниб бировнинг уйида, кечки пайт ҳамма учун қулай бўлган вақтда бундай дарсларни ўтказишарди. Бугунги кунда имонлилар жамоати шундай тартибда жамоат учрашувларини ўтказишмоқда.

Йиғилишларда оқсоқоллар пайдо бўлиши. «Сион қўриқчи минораси» журналининг 15 ноябрь сониди катта ёки кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир жамоат ва гуруҳ Коринфликларга биринчи

мактуб 12:28, 29 даги принципга амал қилган ҳолда оқсоқоллар сифатида хизмат қилиш ва маънавий ишларда бошчиликни зиммасига олиш учун ораларидан эркакларни тайинлашга кўрсатма берилди. Бу журналда номзодлар Тимўтийга биринчи мактуб 3:1–7 да ёзилган Муқаддас Китобдаги талабларга жавоб бериши зарурлиги таъкидланади. Оқсоқолларни бундай тартибда сайлаш 1932 йилгача давом этади.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари **Польшада** фаолият юриштишни бошлашади.

«Қўриқчи минораси»нинг 1 август сониди Ч. Т. Расселл Коринфликларга иккинчи мактуб 7:1 га шундай изоҳ берган: «Ҳар қандай турдаги тамакини истеъмол қилиш масиҳийга қандай фойда келтиришини ёки Худони улуғлаши мумкинлигини тушунмаяпман. [...] Ҳазратимиздан тамаки ҳиди уфуриб турганини ёки у оғзига бирон ифлос нарсани солганини ақлга сиғдириш қийин».

1896 Ч. Т. Расселл «Муқаддас Ёзувларда дўзах ҳақида нима дейилган?» номи букламани нашр этади.

Жамиятнинг юридик номи расман «Қўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва Адабиётлар Жамияти» деган номга ўзгартирилади.

1897 Ч. Т. Расселл оиласидаги фожиа. Хотини Мария уни ташлаб кетади. Бироқ Ч. Т. Расселл уни уй-жой ва тирикчилик учун пул билан таъминлайди. 1903 йилда хотининг ташаббуси билан бошланган суд жараёнидан сўнг, 1908 йилда суд никоҳни тўлиқ бекор қилмайди, балки алоҳида яшаб алимент тўлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Биринчи марта «Сион қўриқчи минораси»нинг сони **немис тилида** чоп этилади.

1898 Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари маҳаллий аҳоли учун яқин бўлган жойларда анжуманлар ташкил қилишни бошлашади.

Ч. Т. Расселл 43-сонли «Муқаддас Китоб эволюция назариясига қарши» номи адабиётни нашр этади.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари **Венгрияда** фаолият юриштишни бошлашади.

1899 26 мартда Масиҳнинг ўлимини хотирлаш маросими 339 та алоҳида жойда ўтказилади ва маросимда 2 501 та киши қатнашади.

Пул хайр-эҳсон қилиш масаласи. «Сион қўриқчи минораси» журналининг 1 август сонисида шундай ёзилган эди: «Черковларда одат бўлганидек, биз ҳеч қачон Раббимизнинг йўлида тиланчилик қилишни тўғри деб билмаганмиз. [...] Бизнинг фикримизча, Раббимиз номидан тиланчилик қилиш орқали йиғилган пуллар жирканчдир, бундай пуллар Унга хуш келмайди. Шунингдек, Худо на хайр-эҳсон қилувчиларга, на бу пуллар эвазига бажарилган ишларга барака беради».

1900 Қўриқчи Минораси Жамиятининг биринчи филиали Лондонда (Буюк Британия) очилади. 1900 йилга келиб, мамлакатда 9 та жамоат ва жами 138 та Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари бор эди.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари 28 та мамлакатда фаолият юритади; улар ваъз қилаётган хабар яна 13 та мамлакатга етиб боради.

1902 Қўриқчи Минораси Жамияти Муқаддас Китобнинг «**Эмфэтик Дайаглотт**» нашрининг муаллифлик ҳуқуқи эгаси, ягона ношири ва тарқатувчиси бўлади. Келиб чиқиши инглиз, лекин Женивада (Иллинойс штати, АҚШ) яшовчи таржимон Бенжамин Вилсон Юнонча ёзувларнинг ушбу таржимасини тайёрлади. У мазкур таржимани 1864 йилда нашр этади. Ушбу нашрда И. Грисбахнинг юнонча матни, инглиз тилидаги таглама таржима, ўнг томонда эса Вилсоннинг ўзи таржима қилган матн жой олган эди. Вилсон матни ажратиб кўрсатиш учун ўзининг махсус воситаларидан фойдаланган. Ушбу нашрнинг босма қолиплари Жамиятга совға қилади. Омборда ушбу Муқаддас Китобнинг охирги нусхалари тугаганидан сўнг, 1903 йилда Жамият бу нашр яна чоп этилишига гамхўрлик қилади.

1903 Ваъз қилиш учун газеталардан фойдаланиш. Ч. Т. Рассел Пенсильваниянинг ғарбий қисмидаги протестант черковлари хизматчиларининг норасмий бирлашмаси вакили сифатида ишлаган илоҳиётшунос И. Л. Итон билан оммавий мунозарада қатна-

шади. Муҳокама қилинган масалалардан баъзилари ўликларнинг ҳолати ва дўзах таълимоти эди. Мунозаралар Аллегейнидаги (Пенсильвания штати, АҚШ) Карнеги-холлда бўлиб ўтади ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. Бу мақолалар жуда машҳур ҳамда Расселлнинг Муқаддас Китоб ҳақиқатлари ҳақидаги тушунтиришлари эса жуда ишончли бўлгани учун, газета муҳаррирлари Расселлнинг ваъзларини ҳар ҳафта нашр этишни таклиф қилишади. 1913 йилга келиб, Расселлнинг икки мингта газетада чоп этилган ваъзлари 15 миллион китобхонга етиб боради.

Расселлнинг Европага қилган иккинчи халқаро сафари

1904 Ч. Т. Расселлнинг ваъзлари газеталарда мунтазам чоп этила бошлайди; ўн йил ўтиб, 2 000 га яқин газета мазкур ваъзларни чоп этади.

Жамиятнинг учинчи филиалига асос солинади (Австралия).

1905 1 март куни «Сион қўриқчи минораси» жамоат учрашувларида муҳокама қилинадиган мавзулар режасини чоп этишни бошлайди. Мазкур режада саволлар, шунингдек, Муқаддас Китоб ва Жамият нашрларига ишора қилган ҳаволалар жой олган эди. Бу 1914 йилгача давом этади.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари **Ҳиндистон ва Грецияда** фаолият юритишни бошлашади.

1906 Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Францияда биринчи жамоатни ташкил этишади.

1907 Қўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва Адабиётлар Жамияти «**Муқаддас Китоб тадқиқотчилари учун нашр» деб номланган «Қирол Жеймс Библияси»**ни нашр қилади. Мазкур нашр «Вериялик ўқитувчилар учун қўлланма» номли батафсил иловани ўз ичига олган. Кейинчалик Яҳованинг Шоҳидлари «Қирол Жеймс Библияси»ни ўзларининг босмаҳоналарида чоп этишни бошлашади. 1992 йилга келиб улар 1 858 368 нусхани чоп этишди.

Жамият «Имонлилар оиласи учун кунлик самовий манна» («Туғилган саналар рўйхати билан кунлик самовий манна») ки-

тобини нашр этади. Мазкур китобда ҳар бир кун учун Муқаддас Китобдан оят тақдим этилади. Улар китоб ичига бошқа Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг расмларини солиб қўйишарди. Расмлар бу тадқиқотчиларнинг туғилган санаси қарама-қаршисига қўйиларди. Ўша йилларда Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари туғилган кунини нишонлашарди.

1908 Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари «Қўриқчи Минораси Жамиятининг Муқаддас Китоби»ни (верияликларнинг Муқаддас Китоби) нашр этишади. Бу «Қирол Жеймс Библияси»нинг нашри бўлиб, у ерда «Вериялик Муқаддас Китоб ўқитувчилари учун қўлланма» илова қилинган эди. Мазкур қўлланмада Муқаддас Китобнинг барча қисмларидан олинган оятларга қисқача шарҳлар ҳамда муайян мавзу батафсил тушунтирилган, Қўриқчи Минораси Жамиятининг нашрларига ҳаволалар бор эди.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари **Венгрияда** фаолият юритишни бошлашади.

Баҳорда Ч. Т. Расселлнинг учинчи халқаро сафари бўлиб ўтади.

1909 Апрель ойида Жамиятнинг бош идораси Бруклинга (Нью-Йорк) кўчирилади.

«Сион қўриқчи минораси»нинг 1908 йил 15 декабрь сонидан шундай дейилган эди: «Биз Худонинг йўл-йўригини изладик ва бир овоздан шундай хулосага келдик: Бруклин (Нью-Йорк) аҳолининг ўрта синфи кўп бўлган ва “черковлар шаҳри” сифатида танилган. Айнан шу сабабларга кўра, Бруклин қолган бир неча йил давомида ўрим-йиғим ишини кузатиш учун марказ сифатида жуда мос келади».

1909 йил 1 январдан бошлаб журналнинг янги номи: «Қўриқчи минораси ва Масих ҳозир бўлишининг даракчиси». Бу ном билан нашрнинг мақсадига эътибор қаратилади.

«Қўриқчи минораси» 1909 йил 1 март сонидан шундай дейилган: «Бу умуман кутилмаган бўлса-да, биз Бичернинг Байтилидан ташқари унинг уйини ҳам сотиб олмақдамиз... Яшаш учун янги бинони “**Байтил**”, янги бюро ва зални эса “Бруклин чодирини” деб атаймиз; иккала ном ҳам “Муқаддас Китоб уйи” атамаси ўрнини эгаллайди».

Адабиётларни испан тилига таржима қилишни бошлашади.

Май ойида Ч. Т. Расселл тўртинчи халқаро сафарига чиқади.

1910 Баҳорда Ч. Т. Расселлнинг бешинчи халқаро сафари бошланади.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Халқаро Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Ташкилоти номини олишади.

1911-1912 Ч. Т. Расселлнинг олтинчи ва еттинчи халқаро сафарлари. Охир-оқибат у Ер шарини айланиб чиқади (сафарининг умумий узунлиги тахминан 56 000 километрни ташкил этади). Саёҳатдан мақсад — турли мамлакатларда, жумладан, Ҳиндистон, Хитой, Филиппин ва Японияда «масиҳийликнинг ҳолати ва у қанчалик кенг тарқалиши»ни тушунишдир.

1912 Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари **Чехия, Словакия, Тринидад ва Литвада** фаолиятини бошлашади.

Ч. Т. Расселл **Хитой (Шанхай ва Гонконг) ва Японияда** маърузалар билан чиқади.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари «Яратилиш фотодрамаси»ни тайёрлаш устида иш бошлашади. Ушбу драмада киносуратлар ва слайдлар бирлаштирилган бўлиб, грампластинкага ёзилган маърузалар мусиқа жўрлигида намоиш этиларди. «Фотодрама» тахминан саккиз соат давом этарди ва тўрт қисмга бўлинган эди.

1913 «Яратилиш фотодрамаси»ни яратиш устида катта ишлар олиб борилади. Муқаддас Китоб сахналарини суратга олишда юзлаб одамлар ва ҳатто ҳайвонлар иштирок этади. 1913 йилги бир ҳисоботга кўра, «Нуҳ пайғамбар даври ҳақида овозли фильм яратиш учун катта ҳайвонот боғларининг биридаги ҳайвонларни ишлатишган». Юзлаб шиша слайдларнинг ҳар бири Лондон, Нью-Йорк, Париж ва Филадельфиядан келган рассомлар томонидан қўлда бўялган.

Россия ҳукумати **Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг Россия империясига кирувчи Финляндиядаги офисини** расман тан олади. (1912 йили Ч. Т. Расселл фин Муқаддас Китоб Тадқиқотчиси

Каарло Хартевга у Финляндияда Кўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва Адабиёт Жамиятининг вакили эканини тасдиқловчи ваколатномани тақдим этади. 1913 йили 25 сентябрда эса шохнинг вакили, Россия империясининг Нью-Йоркдаги консули бу ваколатномани давлат муҳри ва ўзининг муҳри билан тасдиқлайди).

«Кўриқчи минораси» журналининг 1913 йил 15 октябрь сонида шундай дейилган эди: «Биз қила олган энг пухта ҳисоб-китобларга кўра, бу тахминан **1914 йилнинг октябри** ёки бундан кейинги сана бўлиши керак. Ҳеч нарсани қатъий таъкидламаган ҳолда биз куйидаги ҳодисаларни кутяпмиз: 1) “ўзга халқлар даври”, яъни халқларнинг дунё устидан ҳукмронлиги тугашини ва 2) Масихий Шоҳлик дунё устидан бошқаришни бошлашини».

1914 Январда илк бор Нью-Йоркда «**Яратилиш фотодрамси**»нинг намоиши бўлиб ўтади (йилнинг охирига қадар фотодраммани Шимолий Америка, Европа ва Австралияда умумий ҳисобда 9 миллион одам томоша қилади).

1914 йилнинг бошида чиққан «Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг ойномаси»да (VI жилд, № 1) Ч. Т. Расселл шундай деб ёзган: «Агар сана ва хронология тўғри бўлса, ўзга халқлар даври мана шу 1914 йили тугайди. Кейин нима бўлади? Буни аниқ айта олмаймиз. Биз шуни кутяпмизки, “ўзга халқлар” ҳукмронлигига ажратилган давр тугагач, Масих бошқаришни бошлайди. Эҳтимол адашаётган бўлишимиз мумкин, лекин биз бутун адолатсизлик устидан мўъжизавий тарзда Худонинг ҳукмлари ижро этилишини кутяпмиз, бу эса кўпгина, балки бугунги ҳамма ижтимоий институтлар йўқ бўлиб кетишини англатади». Ч. Т. Расселл 1914 йили «дунёнинг охири» келишини кутмаганини, ер абадий мавжуд бўлишини, аммо Шайтоннинг бошқаруви остидаги ҳозирги замон йўқ бўлиб кетишини таъкидлайди.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари 43 та мамлакат ва ҳудудда фаолият юритишади (улар сони 5 000 кишидан ошади; Қутлуғ Кечликка (Яҳованинг Шоҳидлари ҳар йили ўтказадиган маросим)

18 243 киши келади). Улар 35 тилдаги миллионлаб китоб, шунингдек, юз миллионлаб буклама ва бошқа адабиётларни тарқатишади.

1915 Бетарафлик. «Кўриқчи минораси» журналининг 1915 йил 1 сентябрь сонида чиққан «Масихийлик бурчи ва уруш» номли мақолада бетарафлик ҳақидаги савол кўриб чиқилади. Унда шундай дейилган: «Армияга бориш ва махсус кийим кийиш ўз зиммасига аскарлик мажбуриятини ва бурчини олишни англатади. [...] Бу масихийга мос келармикин?»

1916 Кутилган нарсалар нотўғри бўлганини тан олиш. «Кўриқчи минораси» журналининг 1916 йил 15 апрель сонида Ч. Т. Расселл шундай деб тан олади: «Фикримизча, саналар тўғри бўлиб чиқди. Ўзга халқлар даври тугади деб ҳисоблаймиз». Аммо шу билан бирга куйидагилар ҳам очиқ эътироф этилади: «Ҳазратимиз бутун жамоат 1914 йили юксалиши ҳақида айтмаган. Биз буни шунчаки тахмин қилгандик ва адашганга ўхшаймиз».

Ч. Т. Расселлнинг ўлими. 1916 йил 16 октябрда Ч. Т. Расселл Қўшма Штатларнинг ғарби бўйлаб саёҳатга чиқади ва нутқлар айтишни режалаштиради. Аммо у уйига бошқа қайтмайди. 31 октябрь сешанба кундузи 64 ёшида у Пампа шаҳрида (Техас штати) ҳаётдан кўз юмади.

«Сион кўриқчи минораси» журнали 7 та тилда, яъни инглиз, дан-норвег, немис, поляк, француз ва швед тилларида 45 000 нусхада чиқади.

1917 Икки ой давомида Жамият ишларини уч кишидан иборат Ижрочи қўмита бошқарганидан кейин 6 январда Ж. Ф. Рутерфорд Жамият президенти бўлади.

17 июлда «**Очилган сир**» («**Муқаддас Ёзувларни тадқиқ қилиш**» **VII жилда**) китоби чиқади. Йил охирига келиб унинг барча нусхалари тарқалиб кетади ва адабиётларимизни чоп этаётган босмахонага яна 850 000 нусхага буюртма берилади.

1918 24 февраль Лос-Анжелесда (Калифорния штати) илк бор «Дунё охирига келди. Ҳозирда яшаётган миллионлар ҳеч қачон

ўлмаслиги мумкин» номли нутқ янграйди. 31 мартда Бостонда (Массачусетс штати) бу нутқ «Дунё охирига келди. Ҳозирда яшаётган миллионлар асло ўлмайди» номи остида айтилади.

1918 йили 14 мартда АҚШ Адлия вазирлиги «**Очилган сир» китобини тақиқлаб қўяди** ва буни мазкур китобнинг тарқалиши ҳарбий ишларга тўсқинлик қилаётгани билан тушунтиради.

7 майда **Ж. Ф. Рутерфордни** ва унинг энг яқин ҳамкорларини **ҳибсга олиш** учун ордер берилади; суд 5 июнда бошланади.

20 июнда суд маслаҳатчилари саккизта биродарни барча бандлар бўйича айбдор деб топади. Кейинги куни **судья қарор чиқаради**. У шундай дейди: «Судланувчилар олиб бораётган диний тарғибот бутун бошли немис дивизиясидан ҳам хавфлироқ. [...] ..бундай одамларни янада жиддийроқ жазолаш оқилона бўларди». Биродарларни 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилишади ва икки ҳафтадан кейин Атлантадаги (Жоржия штати) қамоқхонага жўнатишади.

Августда Бруклиндаги Бош идора ёпилади; бир йилдан ошиқроқ вақтга Бош идора яна Питтсбургга кўчирилади.

1919 26 мартада Ж. Ф. Рутерфорд ва унинг маслақдошлари **озодликка чиқади**. Қизиғи шундаки Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари уларни озод қилиш ҳақидаги петиция учун фаол тарзда имзоларни йиғишади. 700 000 дан ошиқ имзо тўпланади. Аммо маҳбусларни озод этишгани учун петицияни топширишга улгуришмайди.

14 майда апелляция суд шундай қарор чиқаради: «Уларнинг бунга ҳуқуқи бўлса-да, судланувчиларнинг вазиятида уларнинг иши... холисона кўриб чиқилмагани боис **ҳукм бекор қилинади**».

1–8 сентябрда Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Сидар-Пойнтда (Огайо штати) анжуман ўтказишади; «**Олтин давр» журнали** (ҳозир «Уйғонинг!») чоп этилиши ҳақида эълон қилинади.

Йиллик ҳисоботга кўра, 5 793 та Муқаддас Китоб Тадқиқотчиси 43 та мамлакат ва ҳудудларда фаол ваъзгўйлик қилади; қўлда бор маълумотлар бўйича Қутлуғ Кечликка 21 411 та одам келади.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Францияда расмий рўйхатдан ўтишади.

1920 Қўриқчи Минораси Жамияти ўз босмаҳонасида адабиёт чоп эта бошлайди.

12 августда Ж. Ф. Рутерфорд бошқа тўртта биродар билан Буюк Британия ва яна бир нечта мамлакат бўйлаб узоқ сафарга чиқади.

1921 Ноябрьда «**Илоҳий арфа**» китоби чиқарилади (унинг 22 тилдаги адади 5 819 037 нусхада чиқади). Бу Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари бошқаларнинг иштирокисиз чиқарган биринчи китоб эди. Агар одам китобни олишга рози бўлса, уни мазкур китобга асосланган Муқаддас Китобни ўрганиш дастурига ёздириб қўйишарди ва одам ўзи шахсан тадқиқ ўтказа оларди. Китоб билан бирга инсон қайси саҳифаларни ўқиб чиқиш кераклиги ёзилган хатчўп-карточкани оларди. Бир ҳафтадан кейин унга ўқилган мавзулар бўйича саволлар ёзилган бошқа карточка почта орқали келарди. Карточканинг охирида келаси ҳафта нимани ўқиш кераклиги ҳақида топшириқ келтирилган бўларди. Бу дастур 12 ҳафтага мўлжалланган эди. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, Совет Иттифоқида бу китоб ўнлаб йиллар кейин ҳам Яҳованинг Шоҳидлари орасида жуда кенг тарқалган эди.

Молдавиядаги фаолият. «Қўриқчи минораси» журналининг 1921 йил 15 декабрь сонисида Бессарабиядаги [ўша пайтда Молдавия шундай номланарди] фаолият тўғрисида шундай дейилганди: «Яқин орадаги кўпгина қишлоқларни инобатга олмаганда бу ерда тахминан 200 та одам ҳақиқатни қабул қилди». Бу эътиборимизга сазовор, чунки Ўрта Осиёдаги мамлакатларда янги жамоатларни барпо этганлар орасида айнан молдовалик Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари бўлган.

1922 26 февралда Калифорнияда Ж. Ф. Рутерфорд илк бор радио орқали Муқаддас Китобга асосланган нутқ сўзлайди.

1922 йили 16 апрелда Ж. Ф. Рутерфорд Филадельфиядаги (Пен-

ильвания штати) опера театри биносида айтган «Ҳозирда яшаётган миллионлар асло ўлмади» номли нутқ радио орқали узатилади. Уни тахминан 50 000 киши тинглайди.

«Кўриқчи минораси» журнали 16 та тилга таржима қилинади.

Пилигримлар — нутқлар билан чиқиш ва ваъзгўйлик ишига бошчилик қилиш учун Жамият жамоатларга юборган хизматчилар — Жамиятга мунтазам равишда «Кўриқчи минораси» журналини тадқиқ қилиш учун учрашувлар ўтказишни таклиф қилишади. Бу таклиф қабул қилинади ва аввалига «Кўриқчи минораси» тадқиқи иш кунларидан бирида ёки якшанба кuni ўтказилади.

Германияда дин раҳбарлари полициядан Муқаддас Китобга асосланган адабиётларни тарқатаётган Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларини ҳибсга олишларини талаб қилишади.

1923 Статен оролида — Нью-Йорк шахрининг бешта округидан бирида — WBВR шахсий радиостанциясининг қурилиши бошланади (Кўриқчи Минораси Жамиятига тегишли биринчи радиостанция).

23 апрелда WBВR радиостанцияси ишлаши учун Вашингтондаги Федерал радио комиссиянинг рухсати олинади.

Рио-де-Жанейрода (Бразилия) филиал ташкил қилинади.

1924 24 февралда WBВR радиостанцияси ишга туширилади. Ундан 1957 йилгача фойдаланилади. «Кўриқчи минораси» журналининг 1924 йил 1 декабрь сонисида шундай дейилганди: «Радио — биз шу пайтгача ҳақиқатни тарқатиш учун фойдаланган энг тежамкор ва самарали усул деб ҳисоблаймиз».

1925 «Кўриқчи минораси» **рус тилига** таржима қилина бошлайди.

1926 Кўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва Адабиётлар Жамияти Муқаддас Китоб чиқаришни бошлаганидан 36 йил ўтиб, Жамият **шахсий босмахонасида Муқаддас Китобни чоп этиш ва муқовалашни** бошлайди. Бундай нашрлардан бири «Эмфэтик Дайаглотт» эди. Бу нашр учун фойдаланилган қолипларга Жамият 24 йилдан бери эгалик қилиб келаётганди. 1926 йили декабрда

Жамиятнинг Бруклиндаги Конкорд-стритда жойлашган босмахонасида мазкур Муқаддас Китобнинг илк партияси текис босма машинада босиб чиқарилади. 1992 йилга келиб 427 924 та нусха чиқарилади.

Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари якшанба кунлари китоблар билан уйма-уй ваъз қилишга ундалишади.

1927 1 февралда Жамият Босмахонаси бунинг учун махсус қурилган бинога, янги жойга кўчирилади (майдон икки баравар кенгайтирилади). Бино жуда ўринли тарзда лойиҳалаштирилади: ишлаб чиқариш жараёни юқори қаватларда бошланади ва бир нечта цехлардан ўтиб, биринчи қаватдаги жўнатиш бўлимида якунига етади.

Рождествони нишонлашдан воз кечиш. «Олтин давр» журнаlining 1927 йил 14 декабрь сонисида чиққан «Рождествонинг келиб чиқиши» номли мақолада Рождество фақат кўнгилхушлик қилишга қаратилган бутпарастларнинг байрами экани айтилади. Мақолада бу байрамни Масих ўрнатмагани ҳақида ёзилади.

Японияда филиал очилади.

1928 Хоч ва тож расми туширилган тўғноғичларни тақиш шарт эмас, ҳатто уларни тақиш тўғри бўлмайди (Детройтдаги анжуман, Мичиган штати, АҚШ).

Черковнинг Пасха байрамидан воз кечиш. «Бутпарастларнинг байрами экани маълум бўлган Пасха христиан черковига кириб келиб, унда илдиз отди» («Олтин давр» 1928 йил 12 декабрь сони, 168-саҳифа).

Нью-Жерси штатида (АҚШ) Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларини уйма-уй хизматда адабиёт тарқатишгани учун ҳибсга олишади; ўн йил ичида ҳар йили ҳибсга олинганлар сони 500 дан ошади.

1929 «Кўриқчи минораси»нинг февраль сонисида шундай эълон чоп этилади: «**Радио орқали рус тилида маърузалар** эшиттирилади». Дастурлар оининг ҳар иккинчи ва тўртинчи якшанбасида Эстониядан Совет Иттифоқига узатиларди. Бу 1934 йилгача давом этади.

Мехико шаҳрида (Мексика) филиал очилади.

«Олтин давр» журналининг немис тилидаги сониди жасорат ила шундай деб таъкидланади: «Национал-социалистлар ҳаракати инсоният душмани бўлмиш Шайтонга хизмат қиляпти».

Асосий эътибор Худонинг Исмига қаратилган «Башорат» китоби чиқади. Унда шундай дейилади: «Яхова исмига бўлган муносабат — ҳар бир мавжудот ўзи учун ҳал қилиб олиши керак бўлган энг муҳим масаладир».

1930 Муқаддас Китоб Тадқиқотчиларининг **фаолияти** дунёнинг 87 та мамлакатада олиб борилади.

Австриядаги филиал расмий рўйхатдан ўтади.

1931 26 июль куни Колумбусда (Огайо штати) бўлиб ўтган анжуманда, кейин эса бутун дунёда ўтказилган анжуманларда «**Яхованин**г **Шоҳидлари**» деган янги ном борасидаги **резолүция** қабул қилинади.

15 октябрдан бошлаб **журнал янги ном** «Кўриқчи минораси ва Масих ҳозир бўлишининг даракчиси» остида чиқади ҳамда журнал муқоваси ҳам янгиланади.

1932 Ҳар йили ўтказиладиган оқсоқоллар ва дьяконлар сайлови бекор қилинади. Жамоат аъзолари ҳар йили оқсоқолларни сайлаши бекор қилинади. Энди жамоат хизмат кўмитасини сайлайди. Бу кўмига ваъзгўйлик хизматида ғайратли ва Яхованин Шохидлари деган янги номга мувофиқ яшайдиган эркаклар киради. Улардан бирини Жамият (филиал) хизмат раиси этиб тайинлайди.

«Кўриқчи минораси»нинг 1932 йил 15 июнь сониди бу учрашув («Кўриқчи минораси» муҳокамаси) қандай ўтиши кераклиги ҳақида ёзилади. Учрашувни тайинланган оқсоқол ўтказиши лозим эди. Ўша пайтларда мақолаларда саволлар чоп этилмасди, шунга тадқиқни ўтказаетган киши тингловчиларни ўтилаётган маълумот бўйича саволлар беришга ундарди. Кейин у учрашувга келганларни кўтарилган саволларга жавоб беришга ундарди. Агар ниманидир аниқлаштириш керак бўлса, тадқиқни ўтказувчи қисқа ва аниқ тушунтириш бериши кутилди. Ҳар бир жамоат «Кўриқчи минораси»нинг қайси сони муҳокама қилинишини ўзи танларди.

1933 Яҳованинг Шоҳидлари Германияда тақиқланади. Иккинчи Жаҳон урушининг охиригача давом этган кучли таъқиблар пайтида Германияда ва нацистлар босиб олган ҳудудларда 11 300 та Яҳованинг Шоҳиди қамалади, улардан 4 200 нафари концлагерларга жўнатилади. Холокост даврида Германияда ва нацистлар босиб олган ҳудудларда яшовчи қарийб 35 000 га яқин Яҳованинг Шоҳидидан тахминан 1 500 таси ҳалок бўлади.

Овоз кучайтиргичлар (жумладан, автомобилларга ўрнатилганлари) ёрдамида Яҳованинг Шоҳидлари жамоат жойларида Муқаддас Китобга асосланган маърузаларни эшиттиришади.

1933 йили Яҳованинг Шоҳидларини уйма-уй хизматда ваъз қилиш учун карточкалардан фойдаланишга ундашади. Уларнинг ҳажми тахминан 7,5 га 12,5 сантиметр бўлган. Бу карточкада Муқаддас Китобга асосланган хабар ва уй эгаси олиши мумкин бўлган адабиётлар қисқача баён этилганди. Ваъзгўйлар уй эгасига карточкани бериб, уни ўқишни сўрашарди.

«Қўриқчи минораси»нинг 1933 йил 15 апрель сонида барча жамоатларга тадқиқ учун журналнинг жорий сонидан фойдаланиш таклиф қилинади.

Эстония, Руминия ва Латвияда юридик рўйхатдан ўтишга муваффақ бўлишади.

Испанияда Франконинг диктатор режими Яҳова Шоҳидларининг фаолиятни тақиқлаб қўяди. Тақиқ 1970 йилгача давом этади.

1934 Қизиқувчи одамларга Муқаддас Китобга асосланган қисқа маърузаларни эшиттириш учун Яҳованинг Шоҳидлари фонографлардан фойдаланишади.

9 февралда Ж. Ф. Рутерфорд Гитлерга қуйидаги сўзлар ёзилган норозилик хатини юборади: «Эҳтимол, ҳар қандай одамга, ҳатто бутун инсониятга қарши тура оларсиз, аммо Тангри Яҳовага қарши тура олмайсиз. [...] Тангри Яҳова ҳамда Унинг мойланган Шоҳид Исо Масиҳ номидан шуни талаб қиламанки, сиз ҳукуматингизнинг барча мансабдор шахслари ва хизматчиларига Германияда яшов-

чи Яҳованинг Шоҳидларига йиғилишларини бемалол ўтказиш ва Худога тўсиқларсиз топинишларига рухсат беришларини буюришингиз лозим».

«Олтин давр» журналининг 28 февраль сонидида хоч бутпарастликдан келиб чиққани айтилади.

1935 31 майда Вашингтонда ўтказилган анжуманда «буюк оломон» (ҳаворий Юҳанно ёзган Ваҳий китобидаги рамзий тушунча) нимани англатиши тушунтирилади; мазкур анжуманда 840 та одам сувга чўмади; Худонинг ҳозир яшаётган хизматчилари ер юзидида бўладиган жаннатда абадий яшаш умидига эга эканига борган сари кўпроқ эътибор қаратилади.

Ғонолулуда (Гавайи) йиғилишлар ўтказиш учун қурилган диний бино илк бор «Йиғилиш зали» деб номланади.

«Қўриқчи минораси»да барча жамоатлар Хизмат учрашувини «Йўриқнома»даги (кейинчалик «Хабарнома», сўнг «Илоҳий хизматимиз» ва «Ҳаёт тарзимиз ва хизматимиз» деб номланди) маълумотлар асосидида ўтказишга ундалади. Тез орада бу учрашув ҳар бир жамоатдаги таълим дастурининг ажралмас қисмига айланади.

«Қўриқчи минораси»нинг 1 март сонидида ичкиликбозлик ва тамаки истеъмол қилиш масаласи муҳокама қилинади.

1936 «Олтин давр» 1936 йил 4 ноябрь сонидида ва «Бойлик» номли янги китобда Исо хочда эмас устунда ўлгани таъкидланади.

Яҳованинг Шоҳидлари ваъз қилиш учун катта шаҳарларнинг ишхоналар жойлашган ҳудудларида диний маърузаларга таклиф этувчи плакатлардан фойдаланишни бошлашади.

Туғилган кунларни нишонламай қўйишади. «Муқаддас Ёзувларда иккита бундай туғилган кун ҳақида ёзилган: Юсуфнинг даврида яшаган бутпараст шоҳ, Миср фиръавнининг туғилган куни ва Яҳё пайғамбарнинг ўлими билан нишонланган Ҳироднинг туғилган куни. Муқаддас Китобда Худонинг хизматчиларидан бирортаси туғилган кунини нишонлагани ҳақида бирорта сўз ёзилмаган». («Олтин давр» 1936 йил 6 май сони, 499-саҳифа).

1937 Яҳованинг Шоҳидлари ўзлари билан фонографларни олиб юриб, уйларнинг остоналарида Муқаддас Китобга асосланган нутқларни эшиттиришади.

«Кўриқчи минораси» тадқиқини якшанба кунлари ўтказиш ҳақида йўл-йўриқ берилади.

Одамлар умидбахш хабарга қанчалик муҳтож эканини таъкидлаш учун «Олтин давр» журнаlining номи «Тасалли»га ўзгартирилади.

1938 «Кўриқчи минораси»нинг 1 ва 15 июнь сонларига кўра, энди жамоатдаги оқсоқоллар демократик, яъни овоз бериш йўли билан эмас, балки Муқаддас Китобдаги талаблар асосида, яъни Жамият томонидан тайинланади.

Бир нечта жамоатлардан иборат гуруҳлар учун минтақа анжумани (ҳозир туман анжумани деб номланади) ташкиллаштирилади.

Плакатлар билан бирга қўлда олиб юриладиган постерлар ҳам пайдо бўлади. Плакатларда шундай ёзилган: «Дин — бу тўр ва алдов» ҳамда «Худога ва Шоҳ бўлмиш Масихга хизмат қилинг».

1939 1939 йил 1 январда асосий журналнинг номи ўзгартирилади. Имонлиларнинг фикрича Масих осмонда шоҳлик қилишни бошлаганига янада кўпроқ урғу бериш учун унга «Кўриқчи минораси ва Масих Шоҳлигининг хабарчиси» номи берилади.

1939 йил 1 мартда журналнинг номи «Кўриқчи минораси Худованд Яҳованинг Шоҳлигини хабарлайди»га ўзгаради. Мақсад энди журналда янада кўпроқ эътибор Ўғлига ҳокимият берган Сарвари Олам Яҳовага қаратилишини кўрсатиш эди.

«Кўриқчи минораси»нинг 1 ноябрь сонисида «Бетарафлик» номли мақола чиқади. Аниқ тақдим этилган маълумот туфайли бутун дунёдаги Яҳованинг Шоҳидлари ўзаро уруш қилаётган миллатларнинг ишларида бутунлай бетараф бўлиб қолиш қанчалик муҳим эканини тушунишади.

Францияда Яҳова Шоҳидларининг фаолияти тақиқланади.

Бутун дунёда Яҳова Шоҳидларининг сони 72 000 дан ошади.

1939-1945 Британия империяси ва Буюк Британия Ҳамдўстлигига кирувчи 23 мамлакатда ё Яҳова Шоҳидларининг фаолияти, ё уларнинг Муқаддас Китобга асосланган адабиётлари тақиқланади.

1940 Февралда Яҳованинг Шоҳидлари «Қўриқчи минораси» ва «Тасалли» (ҳозир «Уйғонинг!») журналларини одамларга кўчада таклиф қила бошлашади. Улар журналларга ва улардаги маълумотларга диққат қаратиш учун баланд овозда шиорларини айтишарди.

20 май куни АҚШнинг Олий суди илк бор диний эркинлик ҳуқуқни ҳимоя қилувчи Конституцияга киритилган биринчи тузатиш ҳам штатлар, ҳам муниципалитетларга таалуқли деган қарор чиқаради. Бундан ташқари Олий суднинг қарорига кўра, Яҳова Шоҳидларининг фаолияти жамият тинчлигини бузмайди («Кантуэлл Коннектикут штатига қарши» номли иш).

3 июнь куни АҚШнинг Олий суди ўрта мактабларда байроқни шарафлаш мажбурий эканини тасдиқлади («Майнерсвилл мактаб округи Гобайтисга қарши» номли иш). Бунинг ортида Яҳованинг Шоҳидларини таъқиб қила бошлашади. Бу қарор 3 йилдан кейин бекор қилинади.

«Қўриқчи минораси» журнали араб тилига таржима қилина бошлайди.

1941 Иккинчи Жаҳон уруши Европани қамраб олгани ва Африкаю Осиёга етиб борганига қарамай фаолиятли Шоҳидларнинг сони 100 000 дан ошади, энди 107 та мамлакат ва ҳудудларда уларнинг сони 109 371 тани ташкил қилади.

1942 8 январда Сан-Диегода (Калифорния штати) Ж. Ф. Рутерфорд оламдан ўтади.

13 январда Н. Х. Норр Жамиятнинг учинчи президенти бўлади.

«Қўриқчи минораси»нинг барча тиллардаги йиллик адади 11 325 143 нусхага етади.

Қўриқчи Минораси Жамияти тўлиқ «Қирол Жеймс Библияси»ни ўзларининг ротацион босма машинасида чиқаради.

«Кўриқчи минораси»нинг 1942 йил 1 октябрь сонида энди тадқиқ мақолаларининг пастида саволлар босиб чиқарилиши ва улардан муҳокама пайтида фойдаланиш кераклиги ҳақида айтилади. Шунингдек, учрашувларнинг давомийлиги бир соатни ташкил этиши кераклиги тўғрисида ҳам ёзилганди. Учрашувга келганлар хатбошиларида ёзилган парчаларни ўқимай, «ўз сўзлари» билан жавоб беришга ундалади. Бу тартиб ҳозирги пайтгача сақланиб қоляпти.

1943 1 февралда Кўриқчи Минораси Жамиятининг Гилад номли Муқаддас Китоб мактабининг илк синфи бошланади.

14 июнда, Байроқ куни, АҚШ Олий суди Гобайтас иши бўйича 1940 йили чиқарилган қарорни бекор қилиб, «Ғарбий Виргиниянинг халқ таълим бўлими Барнеттга қарши» номли иши бўйича қарор чиқаради. Унга кўра Яҳова Шоҳидларининг болалари мактабда ўқишни давом эттиришларига рухсат этилади. АҚШ Олий суди тарихда илк бор ўз қарорини шунчалик тез ўзгартиради.

3 майда «Мердок Пенсильвания штатига қарши» номли ишни кўриб чиқаётиб, Олий суд бундан олдин «Жонс Опелайка шахрига қарши» номли иш бўйича чиқарилган қарорни бекор қилади. Диний адабиётларни тарқатиш, яъни аслида дин эркинлигидан фойдаланиш учун лицензия тўловларини талаб қилиш конституцияга қарши деб қарор чиқаради. Бу иш бўйича чиқарилган қарор АҚШда Яҳованинг Шоҳидлари фаолият юритиши учун яна эшик очади ва бундан буён юзлаб суд ишлари учун прецедент бўлиб хизмат қилади. 1943 йил 3 май Яҳованинг Шоҳидлари учун Кўшма Штатларнинг Олий судида ишларни кўриб чиқиш бўйича унутилмас кун бўлди. Бу куни суд 13 та ишдан 12 таси бўйича улар учун ижобий қарор чиқарди (бу ишларнинг барчаси бир мажлисда кўриб чиқилиши учун бирлаштирилди ва улар бўйича тўртта қарор чиқарилиши керак эди).

АҚШнинг Олий суди 24 та ишдан 20 таси бўйича Яҳова Шоҳидларининг фойдасига қарор чиқаради.

14 июнда Австралиянинг Олий суди Австралияда Яҳова Шоҳидларининг фаолиятига қўйилган тақиқни бекор қилади.

Ҳамма моҳир ваъзгўй бўлишиши учун жамоатларда «Воизлик мактаби» номли нотиклик маҳоратини ошириш курслари жорий этилади.

1944 Жамият Муқаддас Китобнинг 1901 йилги «American Standard Version» таржимасини чиқара бошлади. «Америка стандарт таржимаси» шуниси билан диққатга сазоворки, Ибронийча ёзувларда деярли 7 000 марта Худонинг Яҳова исми учрайди. 1944 йили узоқ музокаралардан сўнг Қўриқчи Минораси Жамияти тўлиқ «Америка стандарт таржимаси»нинг босма қолипларини қўлаш ҳуқуқини қўлга кирита олади.

«**Черков суди» ва иқроор бўлиш тизими.** «Қўриқчи минораси»нинг 15 май сонида жамоатга тегишли бундай масалалар билан жамоатда бошчилик топширилган оқсоқоллар шуғулланиши кераклиги айтилган эди (1 Коринфликларга 5:1–13; шунингдек, Қонунлар 21:18–21 ни солиштиринг).

«Қўриқчи минораси»нинг 1 декабрь сонида қонни қуйиш уни ейиш билан баравар экани таъкидланади.

1945 «Қўриқчи минораси»нинг 15 июль сонида шундай хабар берилганди: «1940 йили Францияда 400 та ваъзгўй бор эди; энди бу мамлакатда 1 100 та одам Шоҳлик хабарини эълон қиляпти. [...] 1940 йили Голландияда 800 та ваъзгўй бор эди, улардан 400 таси немис концлагерларига жўнатилди. ... Энди Голландияда 2 000 ваъзгўй бор».

Ноябрда Н. Х. Норр ва унинг котиби М. Хеншель Буюк Британия, Франция, Швейцария, Бельгия, Нидерландия ва Скандинавия бўйлаб саёҳатга чиқишади, мақсад урушдан азият чеккан мамлакатлардаги Яҳованинг Шоҳидлари нимага муҳтожлигини ва Жамият филиалларида ишлар қандай эканини кўриш эди. Шунингдек, улар урушдан кейин яна фаолиятни ташкиллаштираётган эди. Адабиётлар, муҳтожликда бўлган имондошлар учун озиқ-овқат ва кийим-кечак жўнатиш учун керакли чоралар кўрилади. Филиаллар ишини қайта тиклашади.

Ҳар ой ўртача 104 814 та бепул Муқаддас Китоб тадқиқлари ўтказилади.

1946 Кейинги 7 йил давомида бетарафлик учун АҚШда 4 000 та ва Буюк Британияда 1593 та Яҳованинг Шоҳиди ҳибсга олинади ҳамда уларга 1 ойдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш ҳукми чиқарилади.

Грецияда 470 дан ортиқ Яҳованинг Шоҳиди бошқаларга Муқаддас Китоб таълимотлари ҳақида гапиргани учун судланади.

Бутун дунёдаги **филиаллар сони** 25 тадан 57 тага кўпаяди.

Европага инсонпарварлик ёрдами юбориш. 1946 йилнинг январидан бошлаб Австралия, Бельгия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Дания, Германия, Греция, Италия, Хитой, Нидерландия, Норвегия, Польша, Руминия, Филиппин, Финляндия, Франция ва Чехословакияга инсонпарварлик ёрдами юборишарди. Бу бир марталик ёрдам эмасди. Инсонпарварлик ёрдами икки ярим йил давомида юборилди! Бу вақт ичида АҚШдаги тахминан 85 000 та Яҳованинг Шоҳиди урушдан вайрон бўлган мамлакатлардаги имондошларига тахминан 300 тонна озиқ-овқат, 450 тонна кийим-кечак ва 124 000 жуфт оёқ кийим юборишади. Бу кампания 1948 йили августда тугайди.

«Тасалли» журнали 22 август сонидан бошлаб «**Уйғонинг!**» деб номланадиган бўлди; бу йили журналнинг адади 13 934 429 та нусхага етади. 1968 йилгача қизиқувчи кишилар билан Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш учун асосий адабиёт бўлган «Аллоҳ ҳақдир» китоби чиқади. Китобнинг умумий адади 54 та тилда 19 246 710 нусхани ташкил этади.

Янги йил байрамни нишонлашдан воз кечиш. «Уйғонинг!» журнаlining 22 декабрь сонидан шундай дейилганди: «Тийиқсиз ўйин-кулги ва ичкиликбозлик билан ўтадиган Янги йил байрамнинг (байрам қайси кунга тўғри келишидан қатъий назар) масиҳийликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Илк масиҳийлар бундай байрамни нишонламаган».

1947 Сентябрь. Франциядаги Яҳованинг Шоҳидлари расман рўйхатдан ўтишади. Тақиқ ўз ниҳоясига етади.

Чет элга саёхат. 6 февралда Н. Х. Норр ва унинг котиби Милтон Хеншель турли чет эл мамлакатларга саёхатга чиқишади. Улар 76 916 километр йўл босиб Тинч океан, Янги Зеландия, Австралия, Жануби-Шарқий Осиё, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ороллари, Ўрта денгиз ҳудуди, Марказий ва Ғарбий Европа, Скандинавия, Англия, Ньюфаундлендда бўлишади.

Никоҳ учун меъёрлар. «Қўриқчи минораси»нинг 15 январь сониди шу таъкидланган эдики, маҳаллий одатлардан қатъий назар полигамия масиҳийликка умуман тўғри келмайди. Барча жамоатларга мактублар йўлланади ва ўзини Яҳованинг Шоҳиди деб ҳисоблайдиган, аммо бир нечта хотини бор ҳаммага ҳаётини Муқаддас Китоб меъёрига мувофиқлаштириш учун олти ой вақт берилгани хабар қилинади. Худди шу фикрни Н. Х. Норр ўша йили Африкага қилган саёхати давомида айтган нутқларида таъкидлаган.

2 декабрда «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»нинг Юнонча ёзувлар қисми устида иш бошланади.

Квебекда (Канада) Яҳова Шоҳидларининг ваъзгўйлик фаолияти билан боғлиқ 1 700 та иш судда кўриб чиқиши жароёнида.

Жамоатлар сони 10 000 тадан ошиб, энди бутун дунёда 10 782 тани ташкил этади.

1948 Июлда Германиянинг Кассель шаҳрида Яҳова Шоҳидларининг Европадаги энг катта анжумани ўтади. Ўша эсда қоларли анжуманга 23 150 та одам келади, 1 200 таси сувга чўмди.

1949 Бутун дунёда 63 та филиал иш юритмоқда. Яҳова Шоҳидларининг сони 317 877 тага етади.

Нью-Йоркда босмахонанинг яна кенгайиши. Тўққиз қаватли бино қурилгани ҳисобига босмахона майдони икки баравар кенгайди.

1950 2 августда Нью-Йоркда ўтган анжуманда инглиз тилида «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»нинг Юнонча ёзувлар қисми чиққани эълон қилинади.

1951 Апрель бошида Совет Иттифоқи ҳукумати «Шимол» операциясини ўтказди. Бу Совет Иттифоқи тарихидаги энг катта

конфессионал депортация эди. 9 793 та Яҳованинг Шоҳиди ва уларнинг оила аъзолари уйларида маҳрум бўлишади ва Сибирга сургун қилинишади. Мазкур қарор шахсан Сталин томонидан тасдиқланади.

1952 Октябрь. Кореядаги филиал рўйхатдан ўтади.

Оғир гуноҳлар ва жамоатдан четлатилиш. «Қўриқчи минораси»нинг 1 март сонидан имонлилар қилган жиддий гуноҳларни кўриб чиқиш ва тавба қилмаган гуноҳкорларнинг жамоатдан четлатишнинг Муқаддас Китобга асосланган тартиби баён этилган эди.

1953 Жанубий Кореяда диний эътиқодлари туфайли ҳарбий хизматдан бош тортгани учун биринчи марта Яҳованинг Шоҳиди қамоққа ўтиради. Бу пайдан бошлаб 2018 йили Олий суд қарор чиқаргунига қадар 19 000 дан ортиқ Яҳованинг Шоҳиди умумий ҳисобда 36 000 йил панжара ортида ўтказди.

«Янги дунё таржимаси — Ибронийча ёзувлар»нинг биринчи жилди (Ибтидо — Рут китоблари) нашр этилади.

1954 Шоҳидларнинг кинофильм ва диафильмлардан фойдаланиши. Яҳовага топинувчиларни ташкилот билан таништирувчи «Янги дунё жамиятининг фаолияти» фильми суратга олинади. «Янги дунё жамиятининг фаолияти» фильмидан сўнг «Янги дунё жамиятининг бахти» (1956 йил), «Абадий хушхабарни» жаҳон бўйлаб эълон қилиш» (1964 йил), «Худо асло ёлғон гапирмайди» ва «Мерос» (1966 йил) номли фильмлар суратга олинади. Бундан ташқари, ҳозирги кунда Муқаддас Китобнинг амалий экани, христиан оламининг таълимоту удумларининг бутпарастлик билан боғлиқлик жойи борлиги, дунёда содир бўлаётган воқеаларнинг Муқаддас Китобда ёзиб қолдирилган башоратлар билан боғлиқ экани, Яҳова Шоҳидларининг ташкилоти, жумладан, Халқаро бош идораси, илгари Шоҳидлар фаолияти тақиқланган мамлакатларда ўтказилган ҳаяжонли анжуманлар ҳамда Яҳова Шоҳидларининг замонавий тарихи ҳақида диафильмлар суратга олинади.

1955 «Янги дунё таржимаси — Ибронийча ёзувлар» иккинчи жилди (Шоҳлар тарихи биринчи китоб – Эстер китоблари) нашр этилади.

Германиянинг Нюрнберг шаҳрида, Гитлер парадлар ўтказган ва Шоҳидларни йўқ қилишни ваъда қилган жойда, 107 000 киши «Гобона Шоҳлик» анжуманига йиғилади.

Бу пайтга келиб Қўриқчи Минораси Жамиятининг 77 та филиали бўлади, Гилад мактаби эса шу вақтга қадар 100 та мамлакат ва худудларда хизмат қилаётган 1814 та талабани тайёрлайди. Дунё бўйлаб фаолиятни яхшилаш мақсадида ташкилий масалаларда ўзгаришлар киритиш талаб қилинади.

Ўзбекистон ССРдаги (Ангрен шаҳри ва Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон қишлоғи) Яҳованинг Шоҳидлари ҳақида биринчи ҳужжатли далиллар.

1956 Ер шари 10 та минтақага бўлиниб, уларнинг ҳар бири Жамиятнинг бир нечта филиалини ўз ичига олади. Бош идорадаги талабларга мос келадиган оқсоқоллар, шунингдек, тажрибали филиал нозирлари минтақа хизматчилари этиб тайинланишади (бугунги кунда улар минтақа нозирлари деб аталади). Бу хизматга уларни Н. Х. Норнинг ўзи тайёрлайди. 1956 йил 1 январда илк минтақа нозири янги хизмат турини, яъни филиалларга ташриф буюришни бошлайди.

1956 йилнинг ўрталаридан 1957 йилнинг февралигача бутун дунё бўйлаб ўтган 199 та вилоят анжуманида петиция маъқулланади. Унда СССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Николай Булганинга мурожаат йўланади. Бу мурожаатда СССРдаги қамоқхона ва меҳнат лагерларидаги Яҳованинг Шоҳидлари озодликка чиқарилишини ҳамда СССРдаги Яҳованинг Шоҳидлари «бутун дунёдаги Яҳованинг Шоҳидлари фойдаланадиган Муқаддас Китобга асосланган адабиётлар, жумладан, “Қўриқчи минораси” журналини олиш ва рус, украин ҳамда керак бўлганда бошқа тилларда нашр этиш ҳуқуқи берилишини» сўрашади. Ушбу петиция жами 462 936 та анжуман иштирокчиси томонидан маъқулланади.

Нью-Йоркда янги босмахона биноси қурилади, бу унинг майдонини икки баробарга оширишга имкон беради.

1957 «Янги дунё таржимаси — Ибронийча ёзувлар» учинчи жилди (Аюб – Гўзал қўшиқ китоблари) нашр этилади.

Нью-Йоркда жойлашган WBBR радиостанцияси сотиб юборилади.

Яҳованинг Шоҳидлари Малавида юридик шахсни рўйхатдан ўтказишади.

Доминикана Республикасида Яҳованинг Шоҳидлари тақиқланади. Июнь ойида диктатор Трухильонинг меморандуми эълон қилинади. Унда шундай ёзилган эди: «Мен Яҳова Шоҳидларининг жамият учун зарарли бўлган ватанпарварликка зид туйғуларига қарши курашиш учун бир қатор учрашувлар ўтказишни режалаштиряпман». Уч йил ўтгач, тақиқ бекор қилинади.

1958 Яҳова Шоҳидларининг тарихидаги энг машҳур ва энг катта анжуман. Нью-Йоркдаги «Худонинг иродаси» халқаро анжуманда дунёнинг 123 мамлакатидан 253 922 киши йиғилади. Сувга чўмганлар сони 7 136 кишини ташкил этади.

Н. Х. Норр бутун дунё бўйлаб имондошлар ҳамда Жамиятда масъулиятни зиммасига олганлар учун турли хил махсус таълим курслари ташкил этилишини эълон қилади.

«Янги дунё таржимаси — Ибронийча ёзувлар» тўртинчи жилди (Ишаё – Еремиёнинг марсияси китоблари) нашр этилади.

31 июль куни Н. Х. Норр «Йўқотилган ва тикланган жаннат» номли янги китоб чиққанини эълон қилади. Ушбу китоб СССРдаги Шоҳидлар орасида жуда машҳур бўлган ва ундан 1991 йилда тақиқ бекор қилинмагунча фаол тарзда фойдаланилган.

1959 9 март куни Саут-Лансинг шаҳрида (Нью-Йорк штати) Масъулиятли биродарлар учун махсус таълим мактабида жамоат оқсоқоллари ва кўчма нозирлар учун дарслар бошланади.

1960 «Янги дунё таржимаси — Ибронийча ёзувлар» бешинчи жилди (Ҳизқиё – Малаки китоблари) нашр этилади.

Май ойида Доминикана Республикаси ҳукумати Яҳованинг Шоҳидларига қўйилган тақиқни олиб ташлайди.

1961 Филиал нозирларининг биринчи гуруҳи Бруклиндаги (Нью-Йорк) махсус 10 ойлик курсда ўқийди. Ушбу курснинг мақсади Яҳова Шоҳидларининг бутун дунё бўйлаб фаолиятини янада такомиллаштиришдан иборат.

Инглиз тилида «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»-нинг тўлиқ нашри чиқади.

1963 Миллиондан ошиқ Яҳованинг Шоҳиди 198 та мамлакат ва ҳудудда ваъз қилади.

Яҳованинг Шоҳидлари фаолияти Исроилда расман рўйхатга олинади.

«**Янги дунё таржимаси — Юнонча Ёзувлар**» испан, итальян, немис, голланд, португал ва француз тилларига таржима қилинади.

«Кўриқчи минораси»нинг 15 ноябрь сониди Буюк Бобил фақатгина христиан оламининг рамзи эмаслиги кўрсатилади. Қадимги Бобилнинг таъсири нафақат христиан динига эътиқод қилинадиган мамлакатларга, балки бутун дунёга тарқалган. Шундай қилиб, Буюк Бобил сохта дин империяси деган хулосага келинади.

«Муқаддас Китоб ишончли ва фойдалидир» китоби нашр этилади. Ушбу янги адабиётда Муқаддас Китобнинг ҳар бир китоби кўриб чиқилади. Унда Муқаддас Китобнинг ҳар бир китоби ҳақида қуйидагича маълумотлар мавжуд: уни ким, қачон, қаерда ёзгани ва бу маълумотларни тасдиқловчи далиллар ҳам келтирилади. Сўнг, унинг қисқача мазмуни ёзилади. Яна унда Муқаддас Китобнинг мазкур китоби нима сабабли ўқувчилар учун катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатувчи «Фойдали томони» номли бўлим мавжуд. Яҳованинг Шоҳидларига Муқаддас Китоб асосида узлуксиз таълим беришда бу китоб ҳалигача амалий бўлиб, ундан кенг фойдаланиляпти.

Ўзбекистон ССРнинг Бекобод шаҳридаги Яҳованинг Шоҳидлари жамоатининг фаолияти ҳужжатларда қайд этилади.

1964 9 июлда Индонезия Адлия вазирлиги Яҳова Шоҳидларининг юридик шахси бўлган Муқаддас Китоб Тадқиқотчилари Ташкилотини расман рўйхатдан ўтказди.

Журнал рус тилида «Сторожевая башня» (бундан олдин у «Башня Стражи» деб аталган) номи билан чиқа бошлайди.

1965 Нью-Йорк шаҳрида Яҳованинг Шоҳидлари биринчи Анжуманлар залидан (қайта таъмирланган эски театр) фойдаланишни бошлашади. Жамоатлар сони кўпайгани сайин йиғилишлар учун мос зал топиш қийинлашади. Шунда Яҳованинг Шоҳидлари ўзлари учун мос келадиган биноларни сотиб олиш, қайта таъмирлаш ёки янги бинолар қуриш кераклигини тушунишади.

СССРда Сибирга сургун қилинган барча Шоҳидларни озод қилиш тўғрисида фармон чиқарилади. Она юртларига қайтиш тақиқлангани учун уларнинг кўпчилиги имондошлари бор бўлган Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга кўчиб ўтишади.

Июнь ойида Украина ССР Олий суди Яҳова Шоҳидларининг адабиётларини антисовет эмас, балки диний деб топади. Гарчи бу қарор фақат битта суд ишига тааллуқли бўлса-да, кейинчалик у бутун Украина бўйлаб суд қарорларига таъсир қилади. Ҳукумат Яҳованинг Шоҳидларини ваъз қилгани учун қамоққа ташлашда давом этган бўлса-да, Муқаддас Китобга асосланган адабиётларни ўқигани учун ҳибсга олишни тўхтатади.

1966 Яҳованинг Шоҳидлари Африкадаги фаолиятини янада кўпроқ жойларда расман рўйхатдан ўтказишади. Улар 1966 йилда Бенин, Зимбабве ҳамда Конгода рўйхатга олинади.

Яҳова Шоҳидларининг анжуманларида нутқлардан ташқари, Муқаддас Китобга асосланган сахналаштирилган драмалар кўрсатила бошлайди. 2014 йилдан бери эса уларнинг ўрнига фильмлар кўрсатиляпти.

1967 Малавида диктатура ўрнатилгандан кейин Яҳова Шоҳидларининг фаолияти тақиқланади. Малави бўйлаб Яҳованинг Шоҳидларига нисбатан давомий ва шафқатсиз таъқиблар бошланади; таъқиблар яна кўп йиллар давом этади. Тақиқ 1993 йилгача, 26 йил давом этади.

Муқаддас Китобнинг тўлиқ таржимаси, «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси» испан ва португал (Бразилия) тилларида нашр этилади.

Грецияда ҳарбий тўнтариш натижасида «Қора полковниклар» ҳарбий диктатураси ўрнатилади. Сўнг Яҳова Шоҳидларининг фаолиятига тақиқ қўйилади. Тақиқ 1974 йилгача диктатура қулагунга қадар давом этади.

Малавида диктатура ўрнатилади. Яҳова Шоҳидларининг фаолияти тақиқланади. Тақиқ 1993 йилгача, 26 йил давом этади.

Нью-Йоркдаги босмаҳонанинг кенгайиши. Ўн қаватли бино қурилади ва у ўзаро бирлашган босмаҳона биноларининг майдонини аввалгига қараганда 10 бараварга ошириш имконини беради.

1968 1969 йилда «Абадий ҳаётга етаклайдиган ҳақиқат» китоби рус тилида нашр этилади, у 1982 йилгача қизиқувчилар билан Муқаддас Китобни ўрганиш учун асосий қўлланма сифатида ишлатилади. Ушбу тадқиқ олти ойга режалаштирилиб, қизиқувчини сувга чўмишга тайёрларди. Ушбу «Ҳақиқат» китоби деярли 107 000 000 нусхада, 117 та тилда нашр этилган.

Замбияда диктатура ўрнатилиши оқибатида мамлакатда Яҳова Шоҳидларининг фаолияти тақиқланади. 1991 йилда диктатура қулаши билан тақиқ бекор қилинади.

Мозамбикдаги диктатура Яҳова Шоҳидларининг фаолиятини тақиқлайди. 1974 йилда тақиқ бекор қилинади.

1969 «Юнонча Ёзувларнинг тағлама таржимаси» чиқарилади, 1985 йилда эса унинг иккинчи наشري чоп этилади. Бу адабиёт Весткотт ва Хортнинг юнонча матнининг инглиз тилига сўз-ма-сўз таржимасини ҳамда «Янги дунё таржимаси»нинг 1984 йилги нашридан олинган замонавий инглизча матнни ўз ичига оларди. Ушбу адабиёт Муқаддас Китобни чуқур тадқиқ қилувчиларга қадимги юнонча матнда том маънода нима дейилганини кўриш имкон беради.

Ўзбекистон ССРнинг Ангрен шаҳрида Яҳованинг Шоҳидлари жамоатининг 14 нафар етакчилар ва фаоллари устидан суд жараёни бошланади.

Муқаддас Китоб тадқиқлари сони бир миллиондан ошади; ҳисоботга кўра, уларнинг ўртача сони 1 097 237 тани ташкил этади.

1970 Испанияда Яҳова Шоҳидларининг фаолиятига яна рухсат берилади. Мамлакатда 11 000 дан ошиқ Яҳованинг Шоҳидлари яшайди.

1971 Етакчи кенгаш аъзоларининг сони кўпаяди. 1 октябрдан бошлаб кенгаш аъзолари йил давомида навбат бўйича кенгаш раиси сифатида хизмат қила бошлайди.

Заир (Конго Демократик Республикаси). Диктаторлик режими Яҳова Шоҳидларининг расмий рўйхатга олинганини бекор қилади.

1971 йилда дунё бўйлаб анжуманларда «Демократик ва коммунистик тузилмалар орасида Худо томонидан бошқариладиган ташкилот» деган нутқ сўзланади. 2 июлда Ф. У. Френц бу нутқ билан Нью-Йоркдаги Янки стадионида чиқади. У ўз нутқида биринчи асрадаги жамоатларда нозирлар сифатида бир нечта маънан етук биродарлар хизмат қилганига эътибор қаратади. (Филиппликларга 1:1) У шундай дейди: «Жамоатнинг “оқсоқоллар кенгаши” нозирлардан иборат эди... “Оқсоқоллар кенгаши” аъзолари ўзаро тенг ҳуқуққа эга бўлган ва уларнинг ҳеч бири жамоатда бошқаларидан муҳим ёки устун эмасди». (1 Тимўтийга 4:14) Бир оқсоқол раис сифатида тайинланган бўлса-да, барча оқсоқоллар бир хил масъулиятга эга ва қарорлар чиқаришда ҳам барча аъзолар бирдек жавобгар эди. Н. Х. Норрнинг таъкидлашича, «ушбу ташкилий ўзгаришлар жамоатларнинг фаолияти Худонинг Каломига янада уйғун бўлишига ҳисса қўшади».

1972 1 октябрдан бошлаб Яҳова Шоҳидларининг жамоатларида раҳбарлик бир киши эмас, балки оқсоқоллар кенгаши зиммасига юкланади. 1972 йилдан бошлаб Яҳова Шоҳидларининг Етакчи кенгаши назорати остида, тавсия асосида биродарлар оқсоқол ва жамоат хизматкорлари этиб тайинланади ва тавсия маъқулланса жамоатлар бу тайинланиш ҳақида хат олишади.

«Жонли инглиз тилидаги Муқаддас Китоб». 1972 йилда Қўриқчи Минораси Жамияти Стивен Баингтон томонидан таржима қилинган «Жонли инглиз тилидаги Муқаддас Китоб»ни чоп этади. У ерда изчилик билан Худонинг исми «Яҳова» қўлланилган.

1973 «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»нинг Юнонча ёзувлар қисми япон тилида чоп этилади.

Кениядаги диктаторлик режими Яҳова Шоҳидларининг фаолиятини тақиқлайди. Тақиқ ўша йили олиб ташланади.

Уолкилда (Нью-Йорк штати, АҚШ) кўшимча босмахона қурилади. У ерда асосан журналлар нашр этиларди.

Ўша йилнинг 1 июнь сонидagi «Кўриқчи минораси»да шундай савол берилади: «Тамаки чекиш қарамлигидан қутулмаганлар сувга чўма оладими?» Бу саволга шундай жавоб берилади: «Муқаддас Китобда бунинг иложи йўқлиги аниқ кўрсатилган». Яна мақолада тамаки чекишни ташлашни рад этган киши нега жамоатдан четлатилиши кераклиги Муқаддас Китобдаги бир нечта оят асосида тушунтирилади. (1 Коринфликларга 5:7; 2 Коринфликларга 7:1) Давомида шундай ёзилади: «Бу ёндашувни ҳаддан ташқари қаттиққўллик деб айтиш ноўрин. Бу талаб Каломда акс этган Худонинг нуқтаи назарини ифодалайди». Кейинги ойлар давомида тамаки ишлаб чиқаришда ёки уни сотишда бевосита қатнашганларга бу иш билан шуғуллана туриб, Яҳованинг Шоҳиди бўла олмаслигини тушунишга ёрдам беришади.

1974 Бутун дунё бўйлаб Яҳова Шоҳидларининг энг юқори сони 2 021 432 кишига етади.

Мозамбик, Греция ва Португалияда Яҳова Шоҳидларининг фаолиятига қўйилган тақиқ олиб ташланади. Уларнинг фаолияти Португалияда расман рўйхатдан ўтади.

1975 Етакчи кенгашнинг фаолияти қайта кўриб чиқилади; 4 декабрда аксарият вазифалар 6 та кўмита ўртасида тақсимланади; ушбу ўзгариш 1976 йил 1 январдан кучга киради.

Мозамбикдаги янги диктаторлик режими Яҳова Шоҳидларининг фаолиятига тақиқ қўяди. Тақиқ 1991 йилгача давом этади.

1975 йил охирига келиб Жамият босмахоналари дунёнинг 23 та мамлакатада Муқаддас Китобга асосланган адабиётларни чоп эта бошлайди. 23 та босмахонанинг барчасида рисола ва журналлар,

улардан учтасида эса китоблар босиб чиқарилади. Яна 25 та мамлакатда Жамиятнинг жиҳозлари ёрдамида кичикроқ ҳажмдаги адабиётлар чоп этилади.

1975 йилга келиб Яҳованинг Шоҳидлари 212 та мамлакат ва ҳудудларда (1990 йиллар бошидаги дунёнинг сиёсий харитасига кўра) фаолият юритади. АҚШнинг қитъа қисмида ва Канадада 624 097 нафар Яҳованинг Шоҳиди хизмат қилади. Европада эса собиқ Совет Иттифоқи ҳудудини ҳисобга олмаганда 614 826 та ваъзгўй бор. Африкада 312 754 та, Мексика, Марказий Америка ва Жанубий Америкада 311 641 та, Осиёда 161 598 та, Австралияда ҳамда дунёнинг кўплаб оролларида 131 707 та Яҳованинг Шоҳиди хизмат қилади.

1976 1 февралдан бошлаб Қўриқчи Минораси Жамиятининг филиалларини битта нозир эмас, балки учта ёки ундан ортиқ оқсоқолдан иборат қўмита бошқаради.

Яҳованинг Шоҳиди қиморхонада ишлаб туриб жамоатда қолиши мумкин эмас.

Аргентинадаги ҳарбий диктатура Яҳова Шоҳидларининг фаолиятини тақиқлайди (бу 1980 йилгача давом этади).

1977 8 июнда Нейтан Хомер Норр вафот этади.

Н. Х. Норр вафотидан икки ҳафта ўтиб, 1977 йил 22 июнда, 83 ёшли Фредерик Уильям Френц Қўриқчи Минораси Жамияти президенти этиб сайланади.

1978 Ангола ва Тогонинг диктаторлик режими Яҳова Шоҳидларининг фаолиятини тақиқлайди. Тақиқ 1992 йилгача давом этади.

Муқаддас Китобнинг аудиоёзувлари чиқарила бошлайди.

1979 Парагвайдаги ҳарбий диктатура Яҳова Шоҳидларининг фаолиятини тақиқлайди. Тақиқ 1991 йилгача давом этади.

Угандада ва марказий Африка Республикасида Яҳова Шоҳидларининг фаолиятига қўйилган тақиқ бекор қилинади.

1980 Заирда (Конго Демократик Республикаси) Республика президенти Яҳованинг Шоҳидлари Ташкилотини расман тан олиш

хақидаги фармонни имзолайди. Мамлакатда тахминан 22 000 Яҳованинг Шоҳиди бор.

1981 «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»нинг инглиз тилидаги янги нашри оддий шрифтда, симфония, луғат ва бошқа бир қанча фойдали иловалар билан чоп этилади. Бу Қўриқчи Минораси Жамияти ротацион офсет босма машинадан фойдаланиб чиқарган биринчи адабиёт эди.

Энди барча жамоатларда оммавий нутқлар (ваъзлар) фақат олинган юборилган нутқлар режаси бўйича айтилади.

2 декабрь Истанбулдаги (Туркия) ҳарбий суд Яҳованинг Шоҳидлари расман тан олинган дин ва улар мамлакатдаги бошқа динлар каби диний эркинлик ҳуқуқига эга деган қарорга келади.

12 декабрь куни Аргентинада Яҳова Шоҳидларининг фаолиятига қўйилган тақиқ олиб ташланади.

1982 «Ер юзидаги жаннатда абадий яшай оласиз» китоби чиқади. Ундан 1995 йилгача қизиқувчилар билан Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш учун асосий қўлланма сифатида фойдаланилади. Бу адабиётнинг ажралиб турувчи хусусиятларидан бири Муқаддас Китоб мавзуларига оид 150 дан зиёд рангли расмлар борлигида эди.

Япон тилида «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»нинг тўлиқ нашри чиқади.

1 ноябрь куни Руандада Яҳова Шоҳидларининг фаолияти тақиқланади (тақиқ 1992 йилгача давом этади).

Польша ҳукумати Яҳованинг Шоҳидларига ижарага олинган биноларда бир кунлик кичик анжуманларни ўтказишга рухсат беради.

1983 «Қўриқчи минораси»нинг 1983 йил 15 июль сонисида (рус тилида 1984 йил 1 февраль) ўқотар қурооларга бўлган муносабат тушунтирилади. Исо шундай деган: «Қилич кўтарганларнинг ҳаммаси қиличдан ҳалок бўлади». (Матто 26:52) Ушбу принципга кўра, етук масиҳийлардан ўқотар қурол (замонавий “қилич”нинг эквиваленти) кўтаришни талаб қиладиган ишлардан қочиш тавсия қилинади.

Нью-Жерси штатидаги Жерси-Сити шаҳридаги Стенли театри сотиб олинади. 1985 йилда у қайта таъмирланиб тикланади ва анжуманлар ўтказишда ундан фойдаланилади.

1984 Яҳова Шоҳидларининг «Шоҳликнинг ўсиши» номли вилоят анжуманида инглиз тилидаги Муқаддас Китобнинг изоҳлар киритилган қайта кўриб чиқилган нашри дунё юзини кўргани ҳақида эълон қилинади. Бу нашр 1950 йилдан 1960 йилгача инглизча таржималарда учраган тўлиқ янгиланган ва қайта кўриб чиқилган ўхшаш оятларни ўз ичига олади. Муқаддас Китобни чуқур ўрганиш учун мўлжалланган ушбу нашрда 125 000 дан ортиқ ўхшаш оятлар, 11 000 дан ортиқ изоҳлар, катта симфония, 43 та мақоладан иборат хариталар ва илова мавжуд эди. Шунингдек, 1984 йилнинг ўзида қайта кўриб чиқилган нашр, ўхшаш оятлар билан лекин изоҳларсиз оддий китоб форматида ҳам чоп этилади.

Аргентина ҳукумати 1980 йилда тақиқ олиб қўйилганидан 4 йил ўтгач, 9 март куни Яҳова Шоҳидларининг Жамиятини расман диний ташкилот сифатида тан олади.

21 апрелда Германияда, Таунус тоғлар тизими ғарбида жойлашган Зелтерсда янги филиал бинолари қурилади. Бугунги кунда у Марказий Европа филиали деб аталади ва Марказий Европа мамлакатларидаги Яҳованинг Шоҳидлари фаолиятини назорат қилади.

1989 йилда тақиқ бекор қилингунга қадар Яҳованинг Шоҳидлари олдиндан сўралган илтимоснома билан чиққанда Венгрия ҳукумати баъзан уларга анжуманларни ўтказишга рухсат беради.

Яҳованинг Шоҳидлари томонидан ўтказилган Муқаддас Китоб тадқиқларининг ўртача сони 2 047 113 тани ташкил қилади.

1985 Ихтиёрий хизматчилар иштирокидаги халқаро қурилиш дастури жорий этилади. Ташкилотнинг бутун дунё бўйлаб қурилаётган иншоотларнинг қурилиш ишлари Бош идорадан туриб бошқарилади.

Польшада Яҳованинг Шоҳидлари тўртта йирик анжуманни ўтказишлари учун ҳукумат мамлакатдаги энг катта стадионларни тақдим этади.

Дунё бўйлаб Яҳова Шоҳидларининг ўртача сони 222 та мамлакат ва ҳудудда 3 024 131 тани ташкил этади. Шу йили 189 800 киши сувга чўмади.

1986 Йиғилиш залларини қуриш жараёнини такомиллаштириш учун ҳудудий қурилиш кўмиталари тузилади.

26 май Туркия Олий суди Яҳова Шоҳидларининг дин эркинлиги бўйича ҳуқуқларини қонуний тасдиқлайди. Бу қарор Яҳованинг Шоҳидлари фаолиятига алоқадорлиги бор бўлганларни ҳибсга олиш тугагани ва Туркиянинг барча фуқароларига кўпроқ диний эркинлик берилганини билдиради.

11 август Ҳиндистон Олий суди «Бижо Эммануэл Керала штати туга қарши» иши бўйича Керала Олий судининг қарорини рад этади. Суд қарорига кўра, эндиликда агар фарзандларнинг «ўзлари онгли равишда диний қарашлари бўйича йўл тутгани» туфайли мактабдан четлаштириш Ҳиндистон Конституциясини бузиш ҳисобланади. Судья куйидагиларни айтади: «Улар [Яҳованинг Шоҳидлари] ҳеч қаерда давлат мадҳиясини куйлашмайди, на Ҳиндистонда “Жана-гана-мана”, на Буюк Британияда “Худо қиролчани асрасин!” ва на Америка Қўшма Штатларидаги “Юлдузлар сепилган байроқ”ни куйлашади... Улар мадҳияни фақатгина ўзларининг эътиқоди туфайли Худоси Яҳовага ҳамду сано айтишдан ташқари бошқа ҳеч кимни улуғламаслиги сабаб куйлашмайди».

Заир (Конго Демократик Республикаси) ва Марказий Африка Республикасида Яҳованинг Шоҳидлари фаолияти яна тақиқланади. Тақиқ ҳар икки давлатда 1993 йилда бекор қилинади.

1987 1 октябрда оқсоқоллар ва жамоат хизматкорлари учун Хизмат малакасини ошириш мактаби ташкил қилинади. Ушбу мактабнинг биринчи синфи Пенсильвания штатининг Кориополис шаҳрида ўтказилади.

Кенияда Яҳова Шоҳидларининг фаолияти тақиқланади (тақиқ 1992 йилгача давом этади).

1988 Паттерсонда (Нью-Йорк штати, АҚШ) Қўриқчи Минораси Жамиятининг ўқув-таълим марказининг қурилиш ишлари бошланади.

1989 12 май куни Яҳованинг Шоҳидлари Польшада расмий рўйхатдан ўтади.

Шарқий Европадаги ўзгаришлар Польшада учта йирик халқаро анжуманларни ўтказиш имконини очиб беради, кейинчалик эса бошқа мамлакатларда ҳам бундай имкон пайдо бўлади.

27 июнда Яҳованинг Шоҳидлари Венгрияда расмий рўйхатдан ўтади.

«Янги дунё таржимаси» тўлиқ ёки қисман 11 та тилда нашр этилади.

1990 Дунё бўйлаб Яҳованинг Шоҳидлари сони 4 017 213 тага етади.

Биргина шу йилнинг ўзида Қўриқчи Минораси Жамияти 678 миллионта журнал ва 51 миллиондан ортиқ Муқаддас Китоб ҳамда бошқа кўпгина муқоваланган китобларни чоп этади.

Етакчи кенгаш адабиётларни тарқатишга оид ўзгаришлар киритади. Ўша йилдан бошлаб Қўшма Штатларда адабиётлар учун хайрия қилинадиган пул миқдорини айтиш ёки таклиф қилиш бекор қилинади.

ГДР, Руминия, Мьянма ва Никарагуада Яҳованинг Шоҳидлари фаолиятига қўйилган тақиқ бекор қилиниб, уларнинг фаолияти рўйхатга олинади.

«Яҳованинг Шоҳидлари — номи ортидаги ташкилот» номи видеофильм чиқарилади. 2002 йилгача Яҳованинг Шоҳидлари 20 га яқин турли видеофильмларни ишлаб чиқаришади.

Инглиз тилидаги Муқаддас Китобнинг барча қисмларининг аудиоёзувларини ёзиш ишлари якунланади.

1991 СССР, Шарқий Европа ва Африкада тақиқлар олиб ташланади. Бу эса ўз навбатида 390 миллион кишига диний эътиқод эркинлигини таъминлайди.

Ўрта Осиёдаги биринчи анжуман Олмаотада (Қозоғистон) бўлиб ўтади (Ўрта Осиёнинг барча республикаларидан, жумладан, Ўзбекистондан ҳам иштирокчилар келишади).

1992 Кения, Замбия ва Руандада Яҳованинг Шоҳидлари фаолиятига қўйилган тақиқ бекор қилинади.

22 декабрда Фредерик Уильям Френц вафот этади. 1992 йил 30 декабрда Милтон Ж. Хеншель Қўриқчи Минораси Жамиятининг У. Ф. Френцдан кейинги бешинчи президенти этиб сайланади.

Яҳованинг Шоҳидлари диний ташкилоти Қозоғистонда рўйхатдан ўтади.

Россиядаги филиалнинг қурилиши бошланади (Санкт-Петербург яқинидаги Солнечное қишлоғи).

Яҳованинг Шоҳидлари тарихда илк бор ихтиёрий ваъзгўйлик хизмати учун миллиарддан кўпроқ соат сарфлашади. Албания ва Анголада Яҳованинг Шоҳидлари расман рўйхатдан ўтади.

1993 Москва ва Киевда иккита халқаро анжуман ўтказилади. 1993 йили 7 августда Киевда ўтган халқаро анжуманда олтига бас-сейнда 7 402 киши сувга чўмади. Уларнинг ҳаммасини сувга чўмдириш учун 2 соату 15 дақиқа вақт кетади. Бу Яҳова Шоҳидларининг анжуманлари тарихида сувга чўмганларнинг энг юқори сони.

25 май «Коккинакис Грецияга қарши» иши. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Яҳованинг Шоҳидлари фойдасига қарор чиқаради. Шунингдек, суд Греция ҳукуматининг хатти-ҳаракатлари фикрлаш, виждон ва дин эркинлигини бузаяпти деб топади. Бундан ташқари, ҳар бир инсонга ўз диний қарашларини бошқалар билан баҳам кўриш ҳуқуқидан фойдаланишга тўсқинлик қилишни асоссиз деб топади ва Яҳованинг Шоҳидлари «кўпчиликка танилган дин» эканини тасдиқлайди.

Арманистон ҳукумати ўз эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан бош тортган Яҳованинг Шоҳидларини қамоққа олишни бошлайди. Бу 2013 йилгача, ҳукумат Яҳова Шоҳидларининг муқобил хизмати-ни ўташ ҳуқуқи борлигини тан олгунга қадар давом этади.

1994 Ўзларини ҳимоя қилиш учун қурол кўтармаганидан Руандадаги фожидада юзлаб Яҳованинг Шоҳидлари ҳаётдан кўз юмади. Европадаги Яҳованинг Шоҳидлари ўша мамлакатдаги имондошлари учун 1 600 000 доллардан ортиқ қийматга тенг гуманитар ёрдам йиғишади.

Жамият инглиз тилида «Қўриқчи Минораси Жамияти кутубхонаси, 1993 йилги нашри»нинг компакт дискини чиқаради. У «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси» (изоҳлар билан)», «Қўриқчи минораси» журналининг 1950–1993 йилги сонлари, «Уйғонинг!» журналининг 1980–1993 йилги сонлари, икки жилдли «Муқаддас Китобни англамоқ» энциклопедияси ҳамда 1970 йилдан бери Қўриқчи Минораси Жамияти томонидан чоп этилган бошқа кўплаб китоблар, рисоалар ва букламаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, кутубхонага Қўриқчи Минораси Жамияти томонидан 1930 йилдан 1993 йилгача нашр этилган барча адабиётлар кўрсаткичи киритилади. 2018 йилдан буён «Қўриқчи Минораси Жамияти кутубхонаси»ни дискдан эмас, балки jw.org сайтидан юклаб олиш мумкин.

Октябрь. Эритреяда Яҳованинг Шоҳидларини таъқиб қилиш бошланади. Президент фармони билан Яҳованинг Шоҳидлари фуқароликдан ҳамда асосий фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинади.

Яҳованинг Шоҳидлари сони дунё бўйлаб 5 000 000 тадан ошади.

Яҳова Шоҳидларининг фаолияти Ўзбекистонда давлат рўйхатидан ўтади. 1994 йил 3 майда Фарғона шаҳрида, 1994 йил 17 декабрда эса Чирчиқ шаҳрида (мамлакат пойтахти Тошкент шаҳри яқинида) рўйхатга олинади.

1995 «Қўриқчи минораси» журнали чоп этиладиган тиллар сони 100 тага етади. Яҳова Шоҳидларининг филиал қўмиталари аъзолари учун малака ошириш курслари ташкил этилади.

2005 йилгача тадқиқ ўтувчилар билан Муқаддас Китобни ўрганиш учун асосий қўлланма бўлган «Абадий ҳаётга олиб борувчи билим» китоби чоп этилади.

Гилад мактаби Паттерсондаги (Нью-Йорк штати) Кўриқчи Минораси Жамиятининг ўқув-таълим марказига кўчирилади.

1996 14 мартда Россия Федерацияси Президентининг фармони (№ 378) билан Яҳованинг Шоҳидлари сиёсий қатағон қурбонлари сифатида тўлиқ реабилитация қилинади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Титос Мануссақиснинг шикоятни бўйича қарор чиқаради («Мануссақис ва бошқалар Грецияга қарши» иши). Суд «Яҳованинг Шоҳидлари Греция қонунчилигида қўлланиладиган “кўпчиликка танилган дин” мақомига лойиқ», шунинг учун Греция ҳукумати «кишининг диний эътиқодини ёки бундай эътиқодни ифодалаш усуларини қонунга зид ҳисоблашга ҳақли эмас» деб таъкидлайди.

Яҳованинг Шоҳидлари ҳозирги замонда оилалар дуч келаётган қийинчиликларни тушуниб, барча оила аъзоларга қаратилган Муқаддас Китоб маслаҳатларини ўз ичига олган «Оилавий бахтининг сири» китобини чиқаради.

1997 Постсовет ҳудудда биринчи марта Россиянинг Санкт-Петербург яқинидаги Солнечное қишлоғида Яҳова Шоҳидларининг филиали қуриб битказилади.

Европа оммавий ахборот воситаларида Яҳованинг Шоҳидларига қарши бўҳтонли кампания бошланади.

Қозоғистон Адлия вазирлиги «Яҳова Шоҳидларининг диний маркази»ни рўйхатдан ўтказди (диний ташкилот 1992 йилдан буён мамлакатда рўйхатга олинган).

Яҳованинг Шоҳидлари ўзларининг илк веб-сайтидан фойдаланишни бошлайди. Ноябрьдаги «Илоҳий хизматимиз»да қуйидаги эълон ёзилганди: «Ҳозирги технология асрида баъзилар электрон манбалардан, жумладан, Интернетдан маълумот олишни афзал кўришади. Шу сабабли, Кўриқчи Минораси Жамияти Интернетга Яҳова Шоҳидларининг эътиқоди ва фаолияти ҳақида ишончли ва аниқ маълумотларни жойлаштиришга қарор қилди. Бизнинг <http://www.watchtower.org> веб-саҳифамизда букламалар, рисоалар ва «Кўриқчи минораси» ҳамда «Уйғонинг!» журналларида

чоп этилган мақолаларни инглиз, содалаштирилган хитой, немис, рус, испан ва бошқа тилларда топишингиз мумкин. Ушбу веб-саҳифадаги барча адабиётлар жамоатларда мавжуд ва ваъзгўйликда қўлланилади. Бизнинг веб-саҳифамиз фойдаланувчини янги адабиётларимиз билан таништириш учун эмас, балки маълумотларни электрон шаклда тақдим этиш учун яратилган».

1998 Қирғизистон, Грузия, Болгария ҳукумати Яҳова Шоҳидларининг фаолиятини қонуний рўйхатдан ўтказди.

Украинанинг ҳукумати Львов шаҳрида янги филиал қурилишига рухсат беради. Қурилиш ишлари 1999 йил январда бошланади.

Яҳованинг Шоҳидлари «Одамлар бир-бирини сева оладиган пайт келармикин?» номли букламани тарқатиш бўйича умумжаҳон кампания ўтказишади. Ушбу буклама инсонларни бошқа одамларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ила муносабат қилишга ундарди. Букламанинг 400 000 000 та нусхаси тарқатилади.

1999 Озарбайжон ҳукумати Яҳова Шоҳидларининг фаолиятини қонуний рўйхатдан ўтказди.

Россияда Яҳова Шоҳидларининг юридик шахслари қайта рўйхатдан ўтиб, тан олинган диний ташкилот мақомини тасдиқлайди.

Яҳованинг Шоҳидлари кўчма нозирлар учун янги малака ошириш курсларини ташкил қилади.

2000 7 октябрь куни Қўриқчи Минораси Жамияти (Пенсильвания) ва унга тегишли корпорациялар директорлари сифатида хизмат қилган Етакчи кенгаш аъзолари ихтиёрий равишда ўз лавозимини тарк этишгани эълон қилинади. Бу эса «ишончли ва ақли хизматкор»нинг вакили бўлган Етакчи кенгашга Худонинг жамоати устидан маънавий ишларни назорат қилишга кўпроқ эътибор қаратиш имконини яратиб беради. (Ҳаворийлар 20:28)

Яҳованинг Шоҳидлари «Қон қуйишдан холи тиббиёт: беморнинг ҳақ-ҳуқуқини бузмай, унга қандай ёрдам бериш мумкин» номли фильм чиқаришади. У Буюк Британиянинг Миллий қон хизматига намойиш этилгандан сўнг, бу ташкилот фильмнинг нусхаси

билан бирга бутун мамлакат бўйлаб барча қон банки раҳбарлари ва маслаҳатчи гематологларга мактуб юборади. Уларнинг бари-ни фильмни томоша қилишга ундашади. Мактубда, шунингдек, «фильм энг юқори баҳога лойиқлиги ва Миллий қон хизмати филь-мининг асосий ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлаши» таъкидланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Грециядаги Яҳованинг Шоҳидлари фойдасига яна бир қарор қабул қилади.

Бутун дунё бўйлаб Яҳова Шоҳидларининг сони 6 000 000 дан ошади.

2001 Халқаро бош идора томонидан ташкил қилинган жадал ку-рилиш дастури туфайли атиги бир йил ичида Яҳованинг Шоҳидлари бўлган ихтиёрий хизматчилар Африкада 1 074 та Йиғилиш залини қуришади.

Грузиянинг Олий суди мамлакатдаги Яҳова Шоҳидларининг юридик шахслари рўйхатдан ўтганини бекор қилади.

Руминия Олий суди иккита қарорида Яҳова Шоҳидларининг ди-ний ташкилоти қонуний тан олинган дин эканини ва бу ташкилот давлат қонуни динларга берган барча ҳуқуқларга эга эканлигини аниқ таъкидлайди.

«Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси» нинг Юнонча ёзув-лар қисми дунё юзини кўргани ҳақида эълон қилинади.

2002 Чехия Республикасида филиалнинг очилиши.

Бухенвальдадаги (Германия) фашистларнинг концентрацион ла-герлари қурбонлари бўлган Шоҳидлар хотирасига ёдгорлик лавҳа-си ўрнатилади.

АҚШ Олий суди олдиндан руҳсат олмасдан уйма-уй ваъз қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

2003 Яҳованинг Шоҳидлари Косовода расман рўйхатдан ўтади.

Руминия ҳукумати Яҳова Шоҳидларининг диний мақомини рас-ман тасдиқлайди.

Буюк Британия филиалида «MAN Roland Lithoman» русумда-ги янги босма машина ўрнатилади.

28 ноябрь куни Грузия Адлия вазирлиги Қўриқчи Минораси Муқаддас Китоб ва Адабиётлар Жамятининг (Пенсильвания) маҳаллий филиалини рўйхатдан ўтказди.

2004 Яҳованинг Шоҳидлари 84 йил давомида ишлатиб келган Бруклиндаги босмахона ёпилади. Ҳозирда янги босмахона Нью-Йорк штатининг Уолкилл шаҳрида жойлашган.

Арманистонда Яҳова Шоҳидларининг фаолияти расман рўйхатга олинади.

Москвадаги Яҳова Шоҳидлари жамоатларининг фаолияти тақиқланади.

26 март куни Россияда Москвадаги Яҳова Шоҳидлари жамоатининг фаолиятини тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Яҳованинг Шоҳидлари бу қарор устидан шикоят қилиш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилишади.

2004 йилга келиб «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси» 50 дан ошиқ тилларда пайдо бўлади.

2005 Берлин Олий маъмурий суди Берлиндаги Яҳова Шоҳидларининг ҳуқуқларини Германиядаги барча йирик черковлар билан бир қаторда жамоат ҳуқуқи корпорацияси сифатида тан олади.

2021 йилгача қизиқувчилар билан Муқаддас Китобни ўрганиш учун асосий қўлланма бўлган «Муқаддас Китоб таълимотлари» номли китоб нашр этилади. 2015 йилга келиб бу китоб 272 тилда 237 600 000 нусхада чоп этилади.

2005 йил октябрь ойида Непалда Яҳованинг Шоҳидлари диний ташкилот сифатида рўйхатга олинади.

2006 Январь. «Уйғонинг!» журнали Муқаддас Китобга кўпроқ эътибор қаратиладиган ойлик нашрга айланади.

2006 йил июнь ойида Яҳованинг Шоҳидлари Суданнинг саккизта штатида дин сифатида рўйхатга олинади. Улар Йиғилиш залларини қуришади, очикчасига анжуманлар ўтказишади ва адабиётларни эркин олиб киришади. Ҳозир Хартум шаҳрида уларнинг офиси бор.

3 ноябрь куни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси Жанубий Корея ҳукумати эътиқоди учун ҳарбий хизматдан воз кечган иккита Шоҳиднинг ҳуқуқларини поймол қилгани тўғрисида қарор чиқаради.

2006 йил 24 августда Фарғона (Ўзбекистон) шаҳрида Яҳова Шоҳидларининг жамоати давлат рўйхатидан чиқарилади.

2007 Туркиядаги филиал Яҳованинг Шоҳидларини қўллаб-қувватлаш уюшмаси расмий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги тасдиқномани олади.

«Кўриқчи минораси»нинг ўртача адади 161 тилда 28 578 000 тани ташкил қилади; «Уйғонинг!» 80 тилда ўртача 34 267 000 нусхада нашр этилади.

«Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси» рус тилида дунё юзини кўргани ҳақида эълон қилинади.

3 май куни Страсбургдаги (Франция) Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди бир овоздан Грузия Республикасидаги Яҳованинг Шоҳидлари фойдасига қарор чиқаради. Суд Яҳованинг Шоҳидларига нисбатан ғайриинсоний муносабатда бўлишганини ва уларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи бузилганини аниқлайди. Суд, шунингдек, ўша пайтдаги Грузия ҳукуматини жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганларни жавобгарликка тортмаганликда айбдор деб топади. Судда православ руҳонийси бошчилигидаги таёқ ва темир хочлар билан қуролланган ақидапараст оломон тинчгина учрашув ўтказаетган имонлилар жамоатига ҳужум қилгани борасида сўз юритилган эди.

2008 Яҳова Шоҳидларининг веб-сайтига (www.watchtower.org) ҳар куни дунёнинг турли бурчакларидан 60 000 киши киради.

2008 йил январь ойида www.jw.org веб-сайтидаги янги хизмат ёки функция, яъни 17 тилдаги адабиётларнинг аудиоёзуварини шахсий электрон қурилмаларга юклаб олиш имкони пайдо бўлади. Энди «Уйғонинг!» ва «Кўриқчи минораси»нинг аудио формати Интернетда мавжуд.

Июль ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Австриядаги Яҳованинг Шоҳидлари фойдасига яна учта қарор чиқаради ва бу Яҳованинг Шоҳидлари шакл-шубҳасиз диний ташкилот эканлигини тасдиқлайди.

«Қўриқчи минораси»нинг иккита алоҳида нашри чоп этилади: бири тадқиқ қилиш, иккинчиси эса тарқатиш учун.

Бутун дунё бўйлаб Яҳова Шоҳидларининг сони 7 000 000 дан ошади.

2009 Оилавий учрашув, яъни «оила билан бирга Худога топиниш оқшоми» учун вақт ажратиш мақсадида ҳафталик учрашувлар сони қисқартирилади.

Май ойида Австрия таълим, маданият ва санъат федерал вазирлиги Яҳованинг Шоҳидларини диний ташкилот сифатида энг юқори даражада тан олади. Энди Шоҳидлар Австрияда бу мақомга эга бўлган 14-диний ташкилотдир.

Яҳованинг Шоҳидлари Халқаро бош идорасини кўчириш учун АҚШнинг Нью-Йорк штатида 102 гектар ер сотиб олишади.

Испания ҳукумати махсус тўла вақтли хизматда бўлганларга, масалан, Яҳова Шоҳидларининг Байтил оиласи аъзолари ва кўчма нозирларга оид қироллик фармонини тасдиқлайди. Расмий хабарда айтилишича, махсус тўла вақтли хизматчилар «мазкур диний конфессия мақсадларига эришиши учун ўзини фақат миссионерлик, чўпонлик фаолияти, диний таълим бериш ёки бошқа фаолиятга бағишлаган диний хизматчилар» сифатида тан олинади.

25 сентябрь куни Португалиянинг Адлия вазирлиги Яҳова Шоҳидлари Ташкилотининг кўп йиллардан буён мавжуд бўлган диний ташкилот сифатидаги мақомини бир овоздан маъқулаганини эълон қилади. Энди Португалиядаги Яҳованинг Шоҳидлари энг юқори ҳуқуқий ва диний мақомга эга бўлиб, бу уларга ўз фаолиятини олиб боришга ёрдам беради. Ушбу янги ҳуқуқий мақом кўплаб имтиёзларни беради. Мисол учун, тайинланган вакил Йиғилиш заларида никоҳларни расмийлаштириш, шунингдек, касалхоналар ва қамоқхоналарда барчага маънавий ёрдам кўрсатиш ваколатига эга.

2010 2010 йили Хизмат малакасини ошириш мактаби Бўйдоқ биродарлар учун Муқаддас Китоб мактаби деб номланадиган бўлади ва Эр-хотинлар учун Муқаддас Китоб мактаби номи янги мактаб ташкил этилади.

10 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Москвадаги Яҳова Шоҳидлари жамоатининг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор инсон ҳуқуқларини бузаётганини эълон қилади.

«Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»нинг Юнонча ёзувлар қисми ўзбек тилида дунё юзини кўради.

2011 Яҳованинг Шоҳидлари жамоат жойларида ваъз қилиш учун адабиёт аравачаларидан фойдаланишни бошлашади.

2011 йил 30 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (ИХЕС) Франция ҳукумати диний хайр-эҳсонларга ноқонуний солиқ солганини аниқлаб, мазкур иш бўйича Яҳованинг Шоҳидлари фойдасига қарор чиқаради.

«Баятян Арманистонга қарши» иши бўйича ўз қарорини чиқарар экан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг юқори палатаси кўпчиликнинг овоз билан (16 га 1) эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан бош тортганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, виждон эркинлиги ҳуқуқи бузилганини тан олади.

22 ноябрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди «Эркеп Туркияга қарши» иши бўйича ўз қарорини чиқаради. Бу — Туркиянинг фойдасига чиқарилмаган учта қарордан биринчисидир. Мазкур қарорда Шоҳидларнинг эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан воз кечиш ҳуқуқи тан олинади.

Гилад мактабининг мақсади ўзгаради. Битирувчилар жамоатларни мустаҳкамлаш учун филиалларда, кўчма нозирлик хизматида ёки аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардаги жамоатларда хизмат қилишга тайинланишади.

2012 Болалар учун «Тангри Яҳованинг дўсти бўлинг» туркумидаги мультфильмлар чиқишни бошлайди.

Бутун дунё бўйлаб филиалларни такомиллаштириш ишлари бошланади. 30 та филиал йирик филиаллар билан бирлаштирилади.

Европа суди Шоҳидларнинг эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан воз кечганларнинг иши бўйича Арманистонга қарши иккита қарор чиқаради: «Бухаратян Арманистонга қарши» ва «Цатурян Арманистонга қарши».

2012 йил 27 ноябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Арманистон ҳукумати эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан воз кечган 17 та фуқаросининг ҳуқуқларини бузгани сабабли маънавий зарар, суд харажатлари ва бошқа харажатлар учун уларга 112 000 евро (145 000 доллар) компенсация тўлаши шарт, деб қарор чиқаради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан воз кечган 388 нафар Яҳова Шоҳидларининг виждон эркинлиги ҳуқуқи бузилганини тан олади.

2013 Инглиз тилида «Муқаддас Китоб — Янги дунё таржима-си»нинг қайта кўриб чиқилган нашри дунё юзини кўради.

Ташкилотнинг Бруклиндаги олти биносини, кейинги йилларда эса бошқа биноларни ҳам сотиш бўйича келишув имзоланади. Мазкур биноларни сотиш штаб-квартирани Уорвикдаги (Нью-Йорк, АҚШ) мулкига кўчириш ҳаракатларининг бир қисми эди.

Тарқатиш журналларининг («Кўриқчи минораси» ва «Уйғонинг!») саҳифалар сони 32 тадан 16 тага қисқартирилади.

Яҳова Шоҳидларининг учта сайти биттага, яъни www.jw.org сайтига бирлаштирилади. Қолган иккита сайт, яъни www.watchtower.org ҳамда www.jw-media.org ўз фаолиятини тўхтатади.

Яҳова Шоҳидлари нашрларининг онлайн кутубхонаси (wol.jw.org) 100 та тилни қўллаб-қувватлай бошлайди. Ўтган йилларда ташкилот томонидан чоп этилган кўплаб нашрлар ушбу веб-сайтда онлайн форматда мавжуд.

2013 йил 12 ноябрда Арманистон ҳукумати ҳарбий хизматдан бош тортгани учун қамоққа олинган охириги 14 та Яҳованинг Шоҳидини озод қилади. Диндорларга муқобил хизмат қилиш имкони тақдим этилади.

Телефон, планшет ёки компьютерда ишлаши учун «JW Library» мобил иловаси чиқарилади.

Имо-ишора тилида гапирадиган одамлар учун «JW Library Sign Language» иловаси чиқарилади.

2014 Яҳова Шоҳидлари телевидениесининг (www.tv.jw.org) Интернет-кўрсатуви намоиш этила бошлайди.

Грузиядаги Яҳова Шоҳидларининг масиҳий жамоати давлат қонуни асосида рўйхатдан ўтади. Яҳова Шоҳидларининг диний ташкилоти янги мақомга эга бўлади.

Дунё бўйлаб Яҳова Шоҳидларининг сони 8 000 000 дан ошади.

2015 Яҳованинг Шоҳидлари Нью-Йорк штатида бинолар мажмуасини сотиб олишади. Улар бу биноларда ўзининг киностудиясини ташкил қилишади.

Яҳова Шоҳидларининг веб-сайтида Муқаддас Китобнинг он-лайн тадқиқ нашри пайдо бўлади.

2015 йил 27 майда Россия Адлия вазирлиги Москвада Яҳова Шоҳидларининг маҳаллий диний ташкилотини рўйхатдан ўтказди. Шундай қилиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг буйруғи бажарилади. Буйруққа кўра, 2004 йилда ушбу юридик шахс ноқонуний тугатилгани тан олинади.

Грузия Яҳованинг Шоҳидларидан кечирим сўрайди. ИХЭС-нинг 2015 йил 21 майда эълон қилинган қарорида қайд этилишича, 2014 йил сентябрь ойида Грузия ҳукумати Яҳова Шоҳидларининг ҳуқуқлари «поймол қилинганини афсус билан тан олиш истаги» ҳақида бир томонлама баёнот тақдим этади. Бу баёнотда Грузия ҳукуматининг 2000 йилда Яҳова Шоҳидларининг юридик шахсларини рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги қарори «асоссиз эканлиги» ва тегишли қонунчиликнинг йўқлиги ушбу юридик шахсларни рўйхатдан ўтиш имкониятидан маҳрум қилгани эътироф этилади.

ИХЭС Грузиянинг айбига иқдор бўлганини ушбу масалани ҳал қилиш учун етарли асос сифатида қабул қилади. ИХЭС «турли диний ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш ёки уларни рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш орқали давлат органлари ариза берув-

чи ташкилотларнинг диний ва бирга йиғилиш эркинлигига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилган, бу эса Конвенциянинг 9-моддаси асосида 11-моддани бузиш деб ҳисобланади». Ҳукумат зарар ва харажатлар учун 6 000 евро тўлашга рози бўлади.

2016 Ҳар ҳафта ўтказиладиган учрашувлар формати ўзгаради. 2015 йил 3 октябрда эълон қилинганидек, Воизлик мактаби, хизмат учрашуви ва жамоат билан Муқаддас Китоб тадқиқи «Ҳаёт тарзимиз ва хизматимиз» учрашувига алмаштирилади. Худди шу номдаги саккиз саҳифали янги таълим дастури чиқарилиши бошланади. Ҳафталик учрашувлар дастурига видеороликлар намойиши киритилади.

2017 Урвикда (Нью-Йорк штати) Яҳова Шоҳидларининг Халқаро бош идораси қурилиши якунланади.

Журналларнинг таркиби ўзгаради. Энди тарқатиш сонининг ҳар бир нашри фақат битта мавзуга бағишланади.

2017 йил 20 апрелда Россия Федерацияси Олий суди Россиядаги Яҳова Шоҳидларининг маъмурий марказини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида чет элдан келган делегатлар иштирокида Марказий Осиёда илк махсус анжуман бўлиб ўтади.

«Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»нинг қайта кўриб чиқилган нашри ўзбек тилида дунё юзини кўради.

2018 «Уйғонинг!» ҳамда «Кўриқчи минораси» (тарқатиш сони) журналлари ҳар ой эмас, балки ҳар чорақда чоп этилади.

«Уйғонинг!» 195 та тилга, «Кўриқчи минораси» (тарқатиш сони) эса 337 та тилга таржима қилинади.

1 ноябрь куни Жанубий Корея Олий суди эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан воз кечиш жиноят эмаслигини тан олади. Мазкур қарор шарофати билан 65 йил давомида эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан воз кечганларни қамоққа олиш амалиётига барҳам берилади.

2019 Яҳованинг Шоҳидлари Рамапо шаҳрида (Нью-Йорк штати) медиа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун янги бино қуриш режаси борлиги ҳақида эълон қилишади. Қурилиш 2022 йилда бошланиб, 2026 йил декабрида якунланиши кутуларди.

Лойиҳанинг энг қизғин палласида ҳар куни тахминан 1 500 та ихтиёрий хизматчига эҳтиёж туғилади.

28 февраль куни Жанубий Кореяда эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан воз кечгани учун қамоқда ўтирган охирги Яҳованинг Шоҳидлари озод этилади. Эндиликда Яҳованинг Шоҳидлари муқобил фуқаролик хизматини ўташмоқда.

2019 йил 5 декабрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (ИХЕС) мажбурий ҳарбий хизматдан бўйин товлаганликда ноҳақ айбланган 22 та Арманистонлик Яҳова Шоҳидларининг фойдасига бир овоздан қарор чиқаради. Суд Арманистонга уларга 242 000 евро (267 000 АҚШ долларидан ортиқ) миқдоридан компенсация тўлаш мажбуриятини юклайди.

Швеция ва Норвегия ҳукуматлари Яҳованинг Шоҳидларини жамият учун фойдали диний ташкилот сифатида тан олишади.

2020 Пандемия даврида бутун дунё бўйлаб Яҳова Шоҳидларининг барча диний бинолари ёпилади. Байтилар карантинга олинади ва изоляция қилинади. Ташкилот тарихида биринчи марта бутун дунё бўйлаб жамоат жойларида ваъз қилиш ва анжуманлар ўтказилиши тўхтатилади. Бироқ барча диний учрашувлар виртуал форматларда, яъни видео-конференц-алоқа, радио ёки телевидениеда эшиттириш орқали хавфсиз тарзда ўтказилади. Ҳар йил ўтказиладиган катта диний йиғинларнинг (ҳудудий анжуманлар) дастурлари онлайн трансляция қилинади ва 500 та тилга таржима қилинади.

8 майда Туркманистонда эътиқоди туфайли ҳарбий хизматдан воз кечгани учун қамалган 16 та Яҳованинг Шоҳиди озод этилади.

Етакчи кенгаш «Исонинг ҳаётдан лавҳалар» номли (Исо Мисихнинг Инжилда баён этилган ҳаёти ҳақидаги кўп қисми видеоларнинг умумий номи) ташкилотнинг энг катта фильм лойиҳаси бошланиши ҳақида эълон қилади. Стивен Летт видеонинг моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: «Мақсадимиз кўп йиллик тадқиқот ва ўқув материалларимиз натижаларини катта кучга эга бўлган видео лавҳада акс эттиришдир. Шунда томошабинлар Исо қандай яшагани ва қандай хизмат қилгани ҳақида чуқурроқ тушунчага эга бўлишади». Муқаддас Китоб канонига кирган Инжилга асосланиб,

Масиҳнинг хизмати содир бўлиш кетма-кетлиги бўйича тақдим этилади. Суратга олиш ишлари Австралияда бўлиб ўтиши ва бир неча йил давом этиши режалаштирган.

2021 Қизиқувчилар билан Муқаддас Китобни ўрганиш учун асосий қўлланма сифатида хизмат қилувчи «**Ҳаётдан тобад завқланинг!**» **номли янги китоб** нашр этилади. «Кўриқчи минораси»нинг июль сонида бу ҳақда шундай дейилади: «Гап шундаки, ҳозир Муқаддас Китоб тадқиқларини ўтказиш усули ўзгарган. Тадқиқ учун мўлжалланган асосий адабиётимиз — “Ҳаётдан тобад завқланинг!” китоби ёрдамида тайёрланиш ва уни ўтказиш олдингидан фарқ қилади. Бир нечта хатбошини ўқиб, тадқиқ ўтувчи билан кўпроқ суҳбатлар кураимиз. Энди таълим берганда, сайтимиздаги ва “JW Library®” иловасидаги видеолару турли маълумотлардан кўпроқ фойдаланишимиз мумкин».

«Муқаддас Китоб — Янги дунё таржимаси»нинг қайта кўриб чиқилган наشري рус тилида чиқади.

Яҳованинг Шоҳидлари 2022 йилда Рамапо шаҳрида (Нью-Йорк штати) медиа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун янги бино қуриш режалари борлигини тасдиқлашади.

Масиҳнинг ўлимини хотирлаш маросимида бутун дунё бўйлаб 21 367 603 та киши қатнашади (пандемия сабабли учрашувлар онлайн ёки трансляция орқали ўтказилади).

2022 Яҳова Шоҳидларнинг хабар беришича, 2022 йил 21 январь ҳолатига кўра бутун дунё бўйлаб 26 813 та имондоши коронавирус пандемияси дастидан вафот этади.

jw.org сайти 1 070 та тилда мавжуд.

Бутун дунё бўйлаб Яҳова Шоҳидларининг сони 8 686 980 та кишини ташкил қилади.

Ҳукумат рухсат берган мамлакатларда 1 апрелдан бошлаб учрашувлар яна Йигилиш залларида ўтказилади. Ҳар йили ўтказилган диний йиғинлар (ҳудудий анжуманлар) учинчи йил ҳам (давом этаётган коронавирус таҳдиди сабабли) онлайн тарзда ўтказилиши маълум қилинади.

Муаллиф ҳақида

Фалсафа фанлари доктори профессор **Артур Игоревич Артемьев** мамлакатимизда, шунингдек, яқин ва узоқ хориж мамлакатларида биринчи навбатда диний олим сифатида танилган.

Бироқ унинг илмий қизиқишлари доираси бу билан чекланмайди. У фан тарихи ва фалсафаси, ижтимоий фалсафа, социология, сиёсатшуносликка оид асарлар — жами 250 дан ортиқ илмий ишларни нашр этган. Шу жумладан, 8 та монография: «Атеизм, дин ва шахс», «Диний муҳит ва шахс: фалсафий ва диний тадқиқотлар таҳлили» (қозоқ тилидаги таржимаси — «Динтану») ҳамда «Ислом: тарих ва замонавийлик» ҳамда бошқалар. Артур Игоревич собиқ иттифоқ давлатлари ҳудудида «Шахс социологияси» дарслигининг биринчи муаллифи (мазкур дарсликнинг иккинчи наشري Москвада «АрбаТ-XXI» нашриётида, қозоқ тилида эса таржимон Б. К. Бейсенов билан ҳаммуаллифликда чоп этилган).

Артур Игоревич «Қозоғистондаги динлар» хрестоматияси тuzувчилари ва муаллифларидан бири (шунга ўхшаши фақат АҚШда нашр этилган).

Артур Игоревич илмий асарлари инглиз, немис, япон, корейс ва украин тилларида нашр этилган. У 40 га яқин давлатда бўлган; Кито (Эквадор), Прага (Чехия) ҳамда Рабвадаги (Покистон) университетларда маърузалар билан чиққан.

Артур Игоревич доимо илмий ишни ижтимоий иш билан биргаликда олиб борган: кўп йиллар давомида у Қозоғистон тинчлик фонди раиси ўринбосари ҳамда Қозоғистоннинг Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти бўлимининг кенгаш аъзоси бўлган. Шунингдек, у М. Тинишпаева номидаги Қозоғистон транспорт ва коммуникациялар академиясининг фалсафа, сиёсатшунослик ва тарих кафедрасининг мудири бўлган. Артур Игоревич диссертация кенгашлари аъзоси бўлиб, докторантлар, аспирантлар ва изланувчиларга раҳбарлик қилган ҳамда илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашда катта ишларни амалга оширган. У Қозоғистон журналистлар уюшмасининг аъзолари рўйхатига киритилган.

Унинг хизматлари «Шон-шараф» ордени, 7 та медаль, бошқа давлат мукофотлари, шунингдек, қатор халқаро нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фахрий нишонлари ва ёрлиқлари билан тақдирланган.

Профессор А. И. Артемьевнинг асарлари Яҳованинг Шоҳидларига бағишланган:

1) Свидетели Иеговы Казахстана и Средний Азии: историко-религиоведческий анализ. / А. И. Артемьев – Алматы, 2002. – 280 с.

2) Свидетели Иеговы Казахстана и Средний Азии: историко-религиоведческий анализ. / А. И. Артемьев – Издание второе, переработанное и дополненное. – Алматы, 2010. – 352 с.

3) Қазақстандағы Ехоба куәгерлері: тарих және қазіргі заман (дінтанушылық анализ) / А. И. Артемьев – Алматы, 2011 – 276 б.

4) Свидетели Иеговы в Казахстане: социально-исторический и религиоведческий анализ. / А. И. Артемьев – Издание третье, переработанное и дополненное. – Алматы, 2020. – 416 с.

5) Қазақстандағы Ехоба куәгерлері: әлеуметтік-тарихи және дінтанушылық талдау. / А. И. Артемьев – Қайта өңделіп, толықтырылып үшінші рет басылуы. – Алматы, 2020 – 456 б.

6) Jehovah's Witnesses in Kazakhstan. Socio-historical and Theological Analysis. / Artur Artemyev – Third revised and enlarged edition. – Almaty, 2021 – 424 p.

7) Jehovas Zeugen in Europa. Geschichte und Gegenwart. Band 2. / Gerhard Besier, Katarzyna Stoklosa – Berlin 2015 –792 s. Jehovas Zeugen in Kasachstan: Geschichte und Status Quo – Eine Religionshistorische Kurzanalyse / Artur Artemyev. – 355-405 s.

8) Jehovah's Witnesses in Europe: Past and Present. Volume III. / Gerhard Besier and Katarzyna Stoklosa – Newcastle upon Tyne, 2021 – 523 p. Jehovah's Witnesses in Kazakhstan: History and Modern Realities. A Brief Analysis of the Religious History. / Artur Artemyev. – p. 38-93.